

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши академияси
Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти
Ўзбекистон миллий университети

Қиёмиддин Назаров

Қадриятлар фалсафаси

Тошкент – 2011

Мустақиллик йилларида ҳаётнинг барча соҳалари каби таълим тизимида ҳам туб ўзгаришлар рўй берди. Кўплаб янги ва замонавий билим йўналишлари ижтимоий фанларнинг таркибий қисмига айланди. Қадриятлар тўғрисидаги фан – Аксиология ана шундай, яқиндан бошлаб ўрганилаётган илм соҳаларидан биридир.

Қўлингиздаги китобда ушбу фаннинг қонун ва категориялари, “Қадрият” тушунчаси, унинг шакллари ва намоён бўлиш хусусиятлари, қадриятларнинг инсон ҳаёти ва жамият тараққиёти учун аҳамияти, қадриятлар тизими ва унинг

амалиёти, мустақиллик даврида бу соҳада рўй бераётган янгиликларни ва ўзгаришларнинг мазмун-моҳияти билан боғлиқ масалалар ўз ифодасини топган.

Қўлланма Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимидаги фалсафа, маънавият, миллий истиқлол ғояси ва ҳуқуқ асослари бўйича Давлат таълим стандартлари асосида тайёрланган. Миллий истиқлол ғояси бўйича янги ўқув адабиётларини яратишни мувофиқлаштирувчи эксперт комиссияси томонидан нашрга тавсия этилган.

Китоб қадриятшунослик бўйича мутахассислар, ўқитувчилар, шу соҳа билан қизиқувчи тадқиқотчи ва изланувчилар, бакалавр ва магистрлар учун мўлжалланган. У мазкур йўналишдаги дастлабки тажрибалардан бири бўлгани учун, китоб ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни қуйидаги манзилларга юборишингизни сўраймиз:

Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳқўчаси, Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси. Телефон: 239-89-00; Тошкент шаҳри, “Ёшлар шаҳарчаси”, ЎзМУ Фалсафа факультети. Телефон: 246-67-72.

Масъул муҳаррир

ф.ф.д., профессор Х.О.Шайхова

Тақризчилар

п.ф.д., профессор М.Қ.Қуронов
с.ф.д., профессор А.С.Холбеков

КИРИШ

Қадриятлар муаммоси фалсафий билимлар ривожидавомида такрор ва такрор мурожаат қилиб туриладиган азалий мавзулардан биридир. Бу мавзу, айниқса, тарихда туб бурилишлар рўй бераётган, жамият ривожидан бир босқичдан бошқасига ўтаётган, ижтимоий-сиёсий тартиблар, кишилар кўникиб қолган мезонлар ўзгариб бораётган даврларда ниҳоятда долзарб муаммога айланади. Бундай даврларда жамият аъзоларининг қадриятларга муносабати, улар билан боғлиқ мақсад ва идеаллари, қараш ва тасаввурлари ўзгариб кетади. Жамиятда эски тизим ва унга асосланган ижтимоий, сиёсий ва маънавий мезонлар ўрнига янги қадриятлар тизимига эҳтиёж туғилади, уни шакллантириш заруратга айланади.

XX аср охирида собиқ иттифоқнинг барҳам топиши ва Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ана шундай давр бошланганини яққол кўрсатди. Бу эса қуйидаги хулосанинг тарихий жараёнлар натижасида исботланган ҳаёт ҳақиқати эканидан далолат беради: "Жамият ҳаётида шундай даврлар бўладики, ўз умрини яшаб бўлган эски тузум қонун-қоидаларини янгича асосда ўзгартириш, барча соҳаларда кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш зарурати энг муҳим эҳтиёж, керак бўлса, ҳаёт-момот масаласи сифатида кун тартибига чиқади".¹

Истиқлол йилларида халқимиз ҳаётида муҳим ўзгаришлар рўй берди, давлат ва жамият қурилишида туб ислоҳотлар амалга оширилди. Умуминсоний қадриятларга асосланган ҳаёт қуриш, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, жаҳон цивилизацияси андозаларига мос келадиган қадриятлар тизимини шакллантириш ушбу жараённинг таркибий қисмига айланди.

Айнан ана шу даврда мамлакатимизда қадриятлар ва инсон қадрини масаласига алоҳида эътибор қаратила бошланди, Президент Ислам Каримов раҳбарлигида умуминсоний ва миллий қадриятлар уйғунлигига таянадиган янги ҳаёт, янги жамият қуришга киришилди. Бир-бири билан уйғун ва чамбарчас алоқадор бўлган бундай жараёнлар умуминсоний ва миллий қадриятлар устиворлигини таъминлаш ва инсон қадрини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Бу борада аҳоли, айниқса ёшлар орасида ўтказилаётган ташвиқотлар, чоратадбирларни амалга оширишда уларни истиқлол манфаатлари йўлида бирлаштирадиган, ўзаро ҳамжиҳатлигини таъминлайдиган тамойилларга алоҳида эътибор бериш муҳим аҳамиятга эга.

Шу билан бирга қадриятшунослик масалаларини ўрганиш мамлакатимизда умуминсоний маданиятнинг ютуқлари, жаҳон ва шарқ халқларига хос урф-одат ва ананалар, ўтмишимизнинг бой мероси, юксак ахлоқий талаблар, юртимиздаги қатламлар, партиялар фикрлар ва қарашлар ранг-баранглиги ҳамда уларнинг истиқлолни мустаҳкамлаш ва қадриятларнинг янги тизими мустаҳкамланиши билан боғлиқ мавзуларни чуқур ўзлаштириш учун кенг имкониятлар яратади.

Қадриятшунослик мавзусига бағишланган илмий-назарий манбаларни ва Ўзбекистонда янги қадриятлар тизими шаклланиши амалиётини Президентимиз асарлари асосида ўрганиш бу йўналишдаги устувор хусусиятларини англаш имконини ҳам беради. Бунда ҳозирги даврда қадриятларни барқарор қилиш амалиётининг ўзига хос хусусиятларини бугунги дунё воқеликлари ва мамлакатимиз ҳаётига доир мисоллар асосида таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, "Қадриятлар" тушунчасини қадриятшуносликнинг махсус категорияси сифатида ўрганиш ижтимоий-фалсафий билимлар тизими ва илмий-аксиологик муаммоларни ҳал қилиш борасидаги тадқиқотлар мазмуни кенгайтишига олиб келади. Бу эса ушбу фанни ўрганаётган ёшлар тафаккури ва дунёқарашининг замонавий билимлар билан бойишига ёрдам бериши шубҳасиз.

Глобаллашув жараёнлари кучайиб бораётган ҳозирги даврда жамиятнинг

¹ Каримов И. Юксак маънавият — енгилмас куч. —Т.: Маънавият, 2008. 102-бет.

ижтимоий тузилиши, инсоният ҳаёти ва фаолиятининг кўп қирралиги билан қадрият шакллариининг узвий алоқадорлигини ўрганиш уларни барқарор қилиш амалиётининг хусусий жиҳатларини ва қадриятлар билан боғлиқ кундалик ўзгаришларнигина эмас, балки бу жараёнларнинг умумий қонуниятларини ҳам билиб олиш имконини беради.

Шу маънода, халқимизнинг мустақил тараққиёт йўли учун танлаб олинган ривожланиш моделини амалга ошириш жараёнида айнан қадриятлар омилига ниҳоятда катта аҳамият берилаётгани бежиз эмас.

Бу эса ўз навбатида, юртимизда мустақилликка асосланган, умуминсоний қадриятлар устиворлиги таъминланган, пировард натижада халқимизнинг азалий орзу-умиди бўлган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш, халқимизнинг келажаги учун суянч ва таянч бўладиган комил инсонларни вояга етказиш имконини яратади. “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” бу йўналишда ҳам янги босқични бошлаб берди.

Ушбу қўлланмада ана шу жараёнларнинг мазмун-моҳияти қадриятшуносликнинг баҳс мавзулари ва мазкур фаннинг долзарб масаларини ўрганиш асосида таҳлил қилинган.

11-боб. Қадриятшуносликнинг фалсафий - тарихий асослари ва долзарб масалалари

Ҳар қандай фан каби Қадриятшунослик ҳам ўзининг тарихий илдизлари, ижтимоий-фалсафий асосларига эга. Аслида қадриятлар ва улар билан боғлиқ мавзулар инсоннинг ўзи каби олис тарихий жараёнларнинг таркибий қисми, жамиятнинг пайдо бўлиши билан шакллана бошлаган ижтимоий воқеликнинг ўзига хос феноменидир.

Ҳар бир тарихий босқич, инсоният ҳаётининг ҳар қандай даври ўзига хос қадриятлар ва қадрият тизимларига эга бўлиши, бу омилнинг давлатлар ва миллатлар тарихи ҳамда тақдирида улкан аҳамиятга эга эканлиги тараққиётнинг умумий қонуниятидир.

Ушбу қонуният ўтмишда ҳам, ҳозирги замонда ҳам алломалар ва мутафаккирлар, олимлар ва мутахассисларнинг диққатини ўзига тортиб келмоқда. Бу борада кўплаб таълимотлар ва назариялар яратилган, хилма-хил қарашлар ва ёндашувлар шаклланган.

Мазкур йўналишда тўпланган билимларни ўзлаштириш, аксиологиянинг бугунги кундаги долзарб масалаларини ҳар томонлама кенг ва чуқур ўрганиш замонавий дунёқараш ва илмий тафаккурни шакллантиришга ёрдам беради.

1-мавзу. Қадриятшуносликнинг баҳс мавзулари, жамиятдаги ўрни ва аҳамияти

Қадриятлар фалсафасининг мавзулари ва ўзига хос муаммолари кўп. Уларни ҳар томонлама ўрганиш бу фан тўғрисида чуқур билим олиш имконини беради. Аввало, таъкидлаш лозимки, қадриятларнинг инсон ҳаёти ва жамият тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги азалдан маълум. Ушбу масала кўплаб алломалар ва мутафаккирларнинг диққат марказида бўлган. Илм-фан тарихида унга турлича қарашлар ва ёндашувлар бор. Бу борада ХХ асрнинг атоқли олимларидан бири Алберт Эйнштейнга нисбат бериладиган: “Агар одам зоти сайёрамизда яшаган энг қадимги даврдан бошлаб фойда ва манфаат ўрнига кадр ва қадриятни устувор деб билганида, Ер юзининг ҳозирги манзараси бутунлай бошқача бўлган, инсониятни экологик бўҳронлар, уруш хавфи ва маънавий таназзул каби умумбашарий муаммолар чўлғаб олмаган бўлар эди”¹ деган фикрда айни тарих ҳақиқати ифодаланган.

Зеро, қадриятлар ва инсон қадри жамият ҳаётида устувор тушунчаларга айланаётган ҳозирги даврга етганига қадар одамзот наслининг кўплаб авлодлари бу ёруғ оламга келиб кетди. Бугунги кунда бутун дунёда кадр ва қадриятлар тўғрисидаги фан - аксиология, яъни қадриятшунослик ҳам фойда ва қиймат тўғрисидаги иқтисодиёт фанлари каби ижтимоий аҳамият касб этаётганининг сабабларидан бири ҳам ана шунда.

Қадриятлар мавзусининг тарихи узоқ ва ниҳоятда ибратли. Ушбу китобнинг I боби I- ва 2-қисмларида бу борада алоҳида фикр юритилган. Таъкидлаш лозимки, ушбу масалани ўрганиш нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам фойдадан ҳоли эмас. Гап уни холисона таҳлил қилиш, тарихдан тўғри хулосалар чиқариш, ҳаёт учун сабоқ олишдадир.

Бугунги кунга келиб қадриятлар билан боғлиқ масалалар кўлами кенгайди, бу йўналишда хилма-хил оқимлар, қарашлар пайдо бўлди. Аксиология ўзининг баҳс мавзулари, тушунча ва категорияларига ва эга бўлган фалсафий билимларнинг муайян соҳасига айланди.

«Қадриятшунослик» атамаси. Қадриятлар фалсафасининг тарихи узоқ бўлсада, бу йўналишдаги фан – аксиология ўтган асрнинг ўрталарида шаклланди. “Аксиология” атамаси илмий билимлар соҳасига ўтган асрнинг иккинчи ярмида

немис қадриятшуноси Э.Гартман ва француз олими П.Лапи томонидан киритилган. Ғарбда бу атама грекча «аxiо» (қадрият) ва «logos» (фан, таълим) тушунчаларига асосланади. Аксиологияни қадриятлар тўғрисидаги фан ёки тўғридан-тўғри қадриятшунослик, деб аташ мумкин. Ҳар бир фанга ўз номини берган таянч тушунчалар бўлгани каби “қадрият” тушунчаси “қадриятшунослик” атамаси учун асос ролини бажаради.

Муайян фанни илмий билимларнинг махсус соҳаси сифатида қараш унга хос мавзулар, тушунчалар, категориялар, қонунлар борлигини эътироф этишни заруратга айлантиради. Аксиологияни ижтимоий-фалсафий билимларнинг махсус соҳаси сифатида қараш ҳам бундан истисно эмас. Унда ҳам бу соҳадаги фанларга хос бўлган ҳамма хусусиятларни кузатиш мумкин.

Қадриятшунослик аксиологик онг, қадрлаш туйғуси, қадриятли ёндашув ва бошқалар асосида тўпланган қадриятлар тўғрисидаги билимлар системасидир. Тўғри, ушбу билимлар эндигина муайян фан даражасига етган илмий система сифатида, яхлит ҳолатда, махсус қўлланма ёки дарсликлар тарзида чоп этиш учун етарли бўлди холос. Аммо бу масаланинг моҳиятини ўзгартирмайди.

Қолаверса, «Маданиятшунослик», «Социология» каби билим соҳаларининг махсус фанлар сифатида эътироф этилганига ва уларнинг мамлакатимиздаги ижтимоий фанлар системасида ўз ўрнига эга бўлганига ҳам кўп бўлгани йўқ. «Аксиология» ибораси ҳозир кўпчиликка таниш бўлиб қолди, бу соҳадаги билимлар илгаригига қараганда анча кўпайди. Ушбу йўналишда тадқиқотлар ва изланишларнинг сони ортиб бормоқда, фаннинг ўзи эса баъзи олий ўқув юртларида ўқитила бошланди.

Мутахассислар орасида қадриятлар тўғрисидаги билимларга нисбатан турли муносабатни кузатиш мумкин. Бу муносабат шу соҳада қўлланиладиган атамаларда ҳам намоён бўлмоқда. «Аксиология», «Қадриятшунослик», «Қадриятлар фалсафаси», «Қадриятлар назарияси» каби атамаларда хилма-хил маъно ва мазмун ифодаланади. Масалан, «Аксиология» ва «Қадриятшунослик» атамалари муайян фан соҳаси ёки билимлар системасини ифодалайди ва бир хил маънони англатади. «Қадриятлар фалсафаси» эса, кадр ва қадриятлар билан боғлиқ фалсафий йўналишни билдиради. «Қадриятлар назарияси» кўпроқ собиқ иттифоқ даврида ишлатилган атама бўлиб, у қадриятлар соҳасидаги билимларни фалсафанинг ниҳоятда мўъжаз қисми сифатида эътироф этишни англатар, аммо бунда алоҳида фан соҳаси тўғрисида гап бормас эди. Аксиология кўпроқ буржуа фани сифатида танқид қилинар, унинг мавзуларини кенг тарғиб қилишга изн берилмас эди.

Қадриятшуносликнинг собиқ иттифоқдаги тақдири. Аксиология иттифоқ ҳаётининг аввал бошиданоқ таъқиқлангани оқибатида собиқ СССРда 1960 йилларгача аксиологик тадқиқотлар олиб борилмади.

Ўтган асрнинг 60-йилларига келиб қадриятлар муаммосининг баъзи жиҳатлари айрим мутахассислар томонидан таҳлил қилина бошлаган бўлса-да, у 90-йилларгача ҳатто фалсафий қўлланма ва дарсликларда ҳам алоҳида мавзу сифатида ўз ўрнини топмади.

Собиқ иттифоқ фалсафасининг таркибий қисмига кирмаганлиги, мавзуларининг жуда кам тадқиқ қилингани ва етарли аҳамият берилмаганидан, аксиология ўша даврда махсус фалсафий билимлар соҳасига айлана олмади. Хуллас, якка мафкура ҳукмронлиги аксиологияни алоҳида фанга айланишига йўл қўймади.

“Аксиология” ёки “Қадриятшунослик” номи билан собиқ иттифоқда бирорта ҳам дарслик ёки ўқув қўлланмаси чоп этилмаган. Ҳатто университетларнинг файласуф, жамиятшунос, тарихчи ва ижтимоий мутахассислар тайёрлайдиган гуманитар фанлар бўлимларида ҳам аксиология бўйича махсус курслар ўқитилмас

эди.

Мавзуга алоқадор бўлган ва онда-сонда учрайдиган тадқиқот, диссертация, рисола ва китобларда ҳам аксиология иборасига урғу берилмас, масала кўпроқ қадриятлар назарияси, деб аталадиган кичик илмий йўналишга тааллуқли, деб қаралар эди.

Умуман олганда, собиқ иттифоқ давридаги қадриятлар мавзусига бевосита тегишли асарларда ҳам аксиологиянинг жуда кўп муҳим масалаларининг таҳлилини топа олмайсиз. Масалан, аксиологик қонунлар, аксиологик жараёнлар диалектикаси, аксиологик профилактика, аксиологик прогноз, аксиологик экспертиза, аксиологик баҳолаш, аксиологик зиддият қонуни ва ҳоказо. Айниқса, тарихнинг бурилиш даврларида, энг муҳим аксиологик муаммолардан бирига айланадиган қадриятлар тизимининг ўзгариши, қадриятларнинг қадрсизланиши ва қайта баҳоланиши каби масалалар ҳам собиқ иттифоқда жуда кам ўрганилганлиги ниҳоятда ачинарли ҳолдир.

Мустақиллик ва аксиология ривожи уйғун жараёндир. Чунки, мамлакатимизнинг истиқлол йўлига ўтиши бу борада ҳам туб бурилиш учун кенг имкониятлар яратди. Бугунги кунда қадриятлар мавзусининг республикамиздаги тақдирдан мамнун бўлиш мумкин. Бунда собиқ иттифоқдаги мавзуга муносабатдан бутунлай фарқ қиладиган ўзига хос жиҳатлар яққол намоён бўлмоқда.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, собиқ иттифоқ ҳудудидаги бошқа бирорта давлатда қадриятлар мавзусига бизнинг мамлакатимиздагидек муносабатни кузатиш қийин. Аввало, бу масалага Президентимиз Ислом Каримов жуда катта эътибор бермоқда. Юртбошимизнинг асарларида унинг кўплаб қирралари теран таҳлил қилинган, мавзунинг илмий, назарий ва амалий жиҳатлари очиб берилган. Бу борада, айниқса мустақилликни мустаҳкамлашда қадриятлар омилидан фойдаланиш, маънавий тараққиётимизнинг қадриятларга асосланган мезонлари, ислохотларнинг янги қадриятлар тизимига олиб келиши, ижтимоий ўзгаришларнинг умуминсоний қадриятларни барқарор қилиш томон йўналтирилганлиги каби масалалар муҳим аҳамият касб этади.

Мустақилликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистонда умуминсоний қадриятларга асосланган янги демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёни қадриятлар мавзусини долзарблаштириб юборди. Бу борада қадриятларни қайта баҳолаш, азалий шарқона ва миллий қадриятларни тиклаш, уларни асраб-авайлаш ва келажак авлодларга мерос қолдириш, ислохот ва ўзгаришларнинг қадриятли мезонларини аниқлаш, мазкур жараён билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишнинг умуминсоний мезонларига мос усулларини қўллаш каби масалалар пайдо бўлди. Уларни илмий-амалий жиҳатдан ҳал қилиш зарурати қадриятшуносликнинг кўплаб мавзуларини мутахассислар ва тадқиқотчилар учун долзарб вазифага айлантирди.

Мустақиллик янги қадриятлар тизимини тақозо қилади. Ана шу зарурият қадриятларни қайта баҳолаш, юртимизда шарқона азалий қадриятлар ва умуминсоний жиҳатлар акс этган ҳаёт тарзини шакллантириш жараёни билан уйғунлашиб кетди. Ушбу ҳол ижод аҳли, мутахассислар ва тадқиқотчилар учун изланишлар манбаи бўлди. Бу борада мақола, рисола ва китоблар ёзилмоқда, диссертациялар ҳимоя қилинмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, у ёки бу фан соҳаси ҳақида фикр юритилганида, унинг вужудга келишида қайси мамлакат ёки ҳудуд муҳим роль ўйнаганлиги ёхуд фаннинг номи ғалатиноқ эшитилиши асосий мезон сифатида қаралмаслиги лозим. Гап фаннинг дастлаб қаерда пайдо бўлганлиги, унинг номини ким биринчи бўлиб ишлатганлиги ёки муайян мамлакатда шу соҳада илк бора кимнинг тадқиқотлар олиб борганлиги тўғрисида эмас. Балки масала ана шу фаннинг аҳамияти, замона талабларига жавоб бериши, даврнинг муаммоларини

ечишда бирор-бир соҳада қўл келиши, жамиятга фойдаси тегиши мумкинлиги тўғрисидадир. Аксиологиянинг жамиятимизда қадриятларни қайта баҳолаш жараёни бораётган ҳозирги даврнинг қонуниятларини тушуниб олишдаги аҳамияти тўғрисида ҳам ана шундай дейиш мумкин.

Қадриятлар фалсафасини ўрганиш муҳимлиги. Ҳозирги глобаллашув даврида бутун дунёда муҳим ўзгаришлар, улкан аҳамиятга молик жараёнлар рўй бермоқда, туб бурилишлар амалга ошмоқда. XX аср охирида собиқ иттифоқнинг барҳам топиши ва Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши буни яққол кўрсатиб турибди. Бугунги кунга келиб мустақил тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимизда истиқлолга асосланган янги қадриятлар тизими вужудга келиши ва такомиллашуви билан боғлиқ ниҳоятда серқирра жараён давом этмоқда.

Шу маънода ҳозирги давр - собиқ иттифоққа хос тизим ўтмишга айланган, жамиятимиз аъзоларининг яқин ўтмиш қадриятлар мезони тўғрисидаги дунёқараши ўзгарган, янги қадриятлар тизими бир қатор ўзгаришлар орқали турли жараёнлар орасидан ўзига йўл очиб олган даврдир. Бу даврда нафақат қадриятларга муносабат, балки умургузаронликнинг асосий омиллари - маънавий-ахлокий мезонлар, мақсадлар, идеаллар, улар билан боғлиқ эҳтиёжлар, талаблар, кизиқишлар, интилишлар ва амалий фаолият йўналишлари ўзгарди.

Бугунги кунда тарихнинг қисқа даврида бундай туб ўзгаришлар жараёни рўй бериши натижасида юзага келаётган масалалар ва уларнинг қадриятлар фалсафаси билан боғлиқ жиҳатларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ана шу масалаларнинг барчаси ҳозирги даврда мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш борасидаги долзарб вазифалар билан уйғунлашиб кетмоқда. Бу эса ўз навбатида, Ўзбекистонда рўй бераётган умуммаксималогик ўзгариш - жамият ҳаётининг барча соҳаларига дахлдор бўлган янги қадриятлар тизими шаклланиши ва такомиллашуви жараёнининг умумий қонуниятлари ҳамда ҳусусий жиҳатларини таҳлил қилишни муҳим илмий-назарий вазифалардан бирига айланганидан далолат беради.

Бундан ташқари бугунги кунда ирқи, миллати, ижтимоий келиб чиқиши, мавқеи, эътиқоди ва маслагидан қатъий назар Она-Ер сайёрасидаги барча кишиларнинг ҳамжиҳатлигини таъминлайдиган, умуминсоният аҳамиятига молик замонавий муаммоларни ҳал қилишда турли миллатлар, халқлар, ижтимоий қатламлар ва қавмлар ҳамжиҳатлигига асос бўладиган, умуминсоний қадриятларнинг устиворлиги таъминланган тизим шаклланиши ва қарор топишига эҳтиёж кучайиб бормоқда. Бу эса дунёнинг барча минтақалари, давлатлари ва хилма-хил ҳудудларига хос бўлган ранг-барангликнинг диалектик бирлигига асосланган, умумбашарий аҳамиятига молик қадриятларнинг устиворлигини таъминлаш йўллари, омиллари ва бу борадаги долзарб вазифаларни самарали амалга ошириш усулларини илмий изоҳлашни заруратга айлантиради.

Масаланинг бундай қуйилиши собиқ иттифоқ қадриятлар тизимининг ҳозирги замон талабларига жавоб бера олмай қолиши ва тубдан ўзгариши сабабларини, бу жараёндаги инкор ва янгиланиш диалектикасини изоҳлаб берадиган тадқиқотларга эҳтиёжни кучайтириши табиий. Ўзбекистон мустақил ривожланаётган ҳозирги даврда, республикамизда умуминсоний, миллий ва шахсий қадриятларнинг диалектик уйғунлигини таъминлаш, умумбашарий қадриятларни барқарор қилиш амалиёти жараёнида иктисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий, маънавий ва мафкуравий омилларнинг аҳамиятини ўрганиш, уларнинг таъсирчанлигини ошириш усулларини излаб топиш ҳам долзарб вазифалардан бирига айланди.

Ҳозирги глобаллашув ва мафкуравий таҳдидлар турли-туманлашиб бораётган даврда республикамизда ўтмиш ва тарихий қадриятларга тўғри муносабатни шакллантириш, миллий ва маънавий қадриятларни асраб-авайлаш ва

бойитишга асосланган замонавий тафаккурни тарбиялашда қадриятлар омилининг аҳамиятини ошириш усуллари ва илғор тажрибаларни аниқлаш, уларни такомиллаштириш имкониятларини янада кенгайтиришга эҳтиёж кучайиб бормоқда.

Бу борада фалсафий билимларнинг махсус соҳаси бўлган "Аксиология"нинг долзарб муаммоларини замонавий нуқтаи назардан таҳлил қилиш зарурияти ҳам бор. Зеро Ғарбда кенг тарқалган ва асосан қадриятлар мавзусининг таҳлиллари билан шуғулланадиган бу фаннинг ютуқларидан фойдаланиш ўз навбатида республикамиз истиқлолининг истиқболларига хизмат қилиши табиий. Аксиология ривожланган Ғарб мамлакатларида ҳам қадриятлар тизими ўзгаришларининг ижтимоий тараққиёт билан боғлиқлиги муаммосини жуда кам таҳлил қилинганлиги ҳам ушбу масаланинг аҳамиятини намоён қилади.

Қадриятлар билан боғлиқ масалалар бевосита "Аксиология"нинг баҳс мавзуси сифатида қаралмаса, уларни ечишнинг илмий асосланган йўлларини топиш қийин. Бу мавзуга фақат "Фалсафа", "Этика" ёки "Эстетика" фанлари нуқтаи назаридан қараш эса етарли эмас. Демак, дунёвий фан бўлган "Аксиология" масалалари билан шуғулланиш зарурияти республикамизнинг жаҳон цивилизацияси ва илғор мамлакатлар сафига қўшилиш борасидаги ҳаракатлари кўзгусида янада долзарблашади.

Қадриятшунослик фани мавзулари қадриятлар ҳақидаги ўзига хос яхлит тизимни ташкил қилади. Бу фан доирасида асосан, қадриятлар, уларнинг намоён бўлиш шакллари, қадрлаш ҳисси, қадрлаш туйғуси, реалликка қадриятли муносабат ва аксиологик ёндашув, ижтимоий тараққиёт жараёнида қадриятлар соҳасидаги ўзгаришлар, қадрлаш ва қадрсизланиш муаммолари, тарихни аксиологик тушуниш, қадрият тизимларининг амал қилиш қонуниятлари ва хусусиятлари тўғрисидаги масалалар ўрганилади.

Аксиология қадриятларга, аввало, умумий категория сифатида қарайди. Бунда қадриятлар реалликнинг намоён бўлиш шакллари, воқеликдаги нарса, ҳодиса ва жараёнлар, оламда рўй бераётган ўзгаришлар, инсоният, жамият, одамлар, уларнинг ҳаёти, фаолиятининг ижтимоий субъектлар учун аҳамияти ва қадрини англатадиган умумаксиологик категория сифатида талқин қилинади. Шу билан бирга, ушбу фан доирасида қадриятларнинг моҳияти, мазмуни, объектив асослари, субъектив англаб олиниши, тузилиши, намоён бўлиш шакллари ҳам билиб олинади. Гарчанд қадриятлар категорияси кўпроқ умумийликни англатсада, унда хусусийлик ва алоҳидалик ҳам намоён бўлади. Аксиология ана шу умумийлик, хусусийлик ва алоҳидаликнинг қадриятларда намоён бўлишини билишнинг анализ, синтез, таққослаш, умумлаштириш, абстрактлилик ва конкретлилик усуллари асосида ўрганади. Шу тариқа умумий, хусусий ҳамда алоҳида қадрият шакллари тавсифланади, улар орасидаги боғлиқлик, ўхшашлик ва фарқлар аниқланади. Қадрият шаклларидаги намоён бўлишидаги ўзаро алоқадорлик ва диалектик боғлиқлик, бунинг ифодаси бўлган қадрият тизимларининг вужудга келиши, амал қилиши, барқарор ва беқарор ҳолатлари, ўзгаришлари каби масалалар ҳам аксиология доирасида ўрганилади.

Қадриятлар соҳасидаги ўзгаришларнинг ижтимоий тараққиётга боғлиқлиги, бу боғлиқликнинг ривожланиш босқичлари, цивилизациялар ҳаётининг муайян даврларида ўзига хос ҳолда намоён бўлишини ўрганиш ҳам аксиологиянинг асосий мавзулари қаторига киради. Бунда асосий эътибор тарих ва тараққиётни аксиологик тушунишга қаратилади. Тарихни материалистик, идеалистик, метафизик, политологик, культурологик тушуниш усуллари борлиги кўпчилик мутахассисларга маълум. Собиқ иттифоқ даврида тарихни материалистик тушунишга энг асосий эътибор қаратилар, идеалистик, теологик, метафизик тушунишлар асосан танқид қилинар эди. Уни политологик, культурологик тушуниш яқиндан бошлаб кенг эътироф этила бошланди. Аммо тарихни аксиологик тушуниш

тўғрисида тадқиқотлар йўқ ҳисоби, у эндигина эътироф этилмоқда.

Аксиология қадриятлар ва қадрият системаларининг жамият ҳамда инсон ҳаёти учун аҳамиятини, уларнинг ижтимоий функцияларини ҳам ўрганади. Маълумки, қадриятлар жамият ва инсон фаолиятига ўзига хос таъсир кўрсатади. Улар гоҳида идеал сифатида кишиларни омилкор фаолиятга ундасалар, гоҳида маънавий мезон, ахлоқий талаб сифатида одамларнинг хатти-ҳаракати ва турмуш тарзини, интилиш ва эҳтиёжларини белгилайдилар, фаолиятларини бошқариб ёки йўлга солиб турадилар. Бунда қадриятларнинг регулятив функцияси ва маънавий мезон сифатидаги аҳамияти яққол намоён бўлади.

Муайян қадриятларни барқарор қилиш бутун халқ, миллат, давлат ёки қавмларни бир муддат ёки узоқ вақтга қадар аниқ мақсадлар йўлида бирлаштиради, улар фаолиятининг йўналишини белгилайди. Масалан, ҳозирги даврда мустақиллик ва уни мустаҳкамлаш республикамиз ҳукумати, аҳолиси, ундаги миллат ва ижтимоий субъектларнинг фаолиятини белгилаб турган асосий мезондир. Аксиология ана шундай жараёнларнинг умумий жиҳатлари ва ўзига хос хусусиятларини ҳам ўрганади. Бунда қадриятларни қайта баҳолаш, қадрлаш меъёрлари, қадрият мўлжаллари, қадрсизланиш даражалари билан боғлиқ муаммоларни илмий ўрганиш ниҳоятда катта назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Жаҳон харитасида рўй бераётган ўзгаришлар, собиқ иттифоқнинг тарқалиб кетиши, унга хос қадриятлар тизимининг ўтмишга айланиши, Ўзбекистонда мустақилликка асосланадиган қадриятлар системасини шакллантириш имкониятлари ва эҳтиёжлари қадриятшунослик борасидаги янги-янги изланишлар учун асос бўлмоқда. Бу жараённинг умумаксиологик қонуниятлари, минтақавий жиҳатлари ва республикага хос хусусиятларини илмий таҳлил қилиш муҳим аксиологик вазифага айланмоқда. Жамиятимизда умуминсоний қадриятларга содиқлик руҳини тарбиялаш, миллий қадриятларни тиклаш, авайлаб-асраш, инсон қадри, ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларининг устуворлигини таъминлаш борасидаги вазифалар ҳам муҳим масалалар қаторига киради.

Қадриятшуносликнинг бошқа фанлар билан алоқаси муҳим масалалардан бири бўлиб, уни ўрганиш ушбу фанни ўзлаштириш учун алоҳида аҳамият касб этади. Бу соҳада фалсафа, маънавиятшунослик, маданиятшунослик, ахлоқшунослик, нафосатшунослик, ҳуқуқшунослик каби фанлар ютуқларидан фойдаланиш катта аҳамият касб этади. Фалсафа билан алоқадорлик қадриятшунослик учун муҳим бўлган фалсафий масалалар мазмун-моҳиятини чуқурроқ билиб олишга ёрдам беради. Бу борада аксиологик онг, қадриятли ёндашув, қадрлаш туйғуси, қадрлаш мезонлари билан боғлиқ мавзуларга доир фалсафий жиҳатларга эътибор қаратилади. Қадриятларнинг қадрланиши ва қадрсизланиши муаммоларининг фалсафа билан боғлиқ жиҳатлари, қадриятлар тизими ўзгаришининг тафаккур ва дунёқарашга алоқадор масалалари ойдинлаштирилади.

Маънавиятшунослик мавзуларни чуқур ўрганиш ҳам қадриятшунослик фанини ўзлаштириш учун муҳим аҳамият касб этади. Бу борада айниқса, моддий ва маънавий қадриятларнинг ўзаро алоқаси, уларнинг мазмун-моҳияти ва намоён бўлиш хусусиятлари тўғрисидаги билимларни ўзлаштиришга алоҳида аҳамият қаратилади. Юқорида қайд этилган фанлар билан қадриятшуносликнинг алоқадорлиги тўғрисида ҳам ана шундай муҳим жиҳатларни қайд этиш мумкин. Буларга қадриятшуносликдаги замонавий йўналишлар ва турли хил қадрият назарияларини илмий тавсифлаш, уларнинг илмий ва амалий аҳамиятини кўрсатиш вазифалари ҳам қўшилишини ҳисобга олсак, масаланинг муҳимлиги янада ойдинлашади. Бу борада олиб борилаётган илмий изланишлардаги ҳар бир ижодий ва ижобий натижа аксиологиянинг ривожига ёрдам беради, унга хос мавзуларни изоҳлаш, муаммоларни баҳоли қудрат ечиш имкониятини яратади.

Маълумки, муайян фаннинг жамоатчилик томонидан билимларнинг махсус

соҳаси сифатида эътироф этилиши бир-икки йилда бўладиган иш эмас, балки узоқ давом этадиган жараён дур. У, аввало, илмнинг шу соҳаси билан шуғулланадиган мутахассисларнинг изланишлари ва тадқиқотларида намоён бўлади. Сўнгра ушбу соҳага оид билимлар тўпланади, сайқалланади, улар аста-секин кенг жамоатчилик орасига кириб боради. Қадриятшунослик ҳам ана шундай ҳолатни бошидан кечирмоқда: ҳозирча бизнинг адабиётимизда қадрият, унинг инсон ва жамият ҳаётидаги аҳамиятига кўпроқ эътибор берилмоқда, мавзунинг ўзи эса фалсафанинг муҳим масаласи сифатида қаралмоқда.

Бугунги кунга келиб қадриятлар ибораси ниҳоятда машҳур бўлиб кетди. Аммо, алоҳида таъкидлаш керакки, кейинги йилларда қадрият иборасини жуда кенг маънода ишлатиш, айниқса, маданий-маънавий ҳодисалар, урф-одатлар, анъаналар ва бошқаларга нисбатан бу тушунчани умумий атама сифатида қўллаш ҳоллари кўп учрамоқда. Кундалик мулоқотда қадри бор нарса, воқеа, ҳодиса, хусусият ва бошқаларга нисбатан қадрият иборасини қўллашга кўпчилик кўникиб қолди. Аммо айнан ана шу маънони илмий адабиётларга кўчиб қолаётганлиги кишини ачинтиради. Негаки, ўзбек тилида ҳар бир сўз, атама ва тушунчанинг ўз ўрни, мазмуни, моҳияти, «юки» бор. У ёки бу тушунчадан ана шу мазмунга сиғмайдиган кўламни талаб қилиш, унга ўз юкидан кўра кўпроқ юк ортишни кераги йўқ. Анъана ёки урф-одатни ўз номи билан аташ, уларни бошқа тушунчалар билан аралаштирмаган маъқул. Қадрият тушунчасининг оммалашиб, машҳур бўлиб кетганлиги жуда яхши. Аммо уни янада кенгроқ маънода ишлатишга интилиш бу тушунчанинг мазмунини хиралаштиради, унинг моҳиятини ифодалайдиган сифат чегарасини саробга айлантириб қўяди, қадрини туширади.

Хуллас, кейинги йилларда қадриятлар билан боғлиқ масалалар ниҳоятда долзарб мавзулардан бирига айланди. Бир қанча китоб, рисола, тадқиқот ва диссертацияларда бу мавзунинг кўплаб жиҳатлари таҳлил қилина бошланди. Аммо ушбу мавзуда манбалар кўпайиб бораётгани, турли рисола ва мақолалар чоп этилаётганига қарамасдан, ҳали ҳам соф аксиологик тадқиқотлар кам эканлигини қайд этиш лозим.

Мавзуга алоқадор масалаларни эса бевосита "Аксиология" эмас, кўпроқ ижтимоий фанларнинг бошқа соҳалари нуқтаи назаридан таҳлил қилиш ҳолатлари учрамоқда. Шу билан бирга, ҳозиргача яратилган манбаларни ўрганиш, бир томондан мавзунинг тадқиқ қилиш борасида бир қатор илмий ишлар амалга оширилганлигини қайд этиш, иккинчидан эса бу фаннинг кам таҳлил қилинган ва етарлича ўрганилмаган жиҳатларига эътиборни қаратиш имконини беради.

Ушбу китоб бу борадаги илк уринишлардан бири, холос. Эндигина бошланаётган мазкур жараён қадриятшунослик соҳасидаги тадқиқотлар доирасини кенгайтириш, мавзунинг турли қирраларини илмий, назарий ва амалий жиҳатдан янада кенгроқ таҳлил қилишни заруриятга айланганидан далолат беради. Қадриятлар билан боғлиқ йўналишда олиб борилаётган бугунги изланишлар ва тадқиқотлар аксиологиянинг кўплаб янги қирралари очилишига ёрдам беради ва янада кенгроқ имконият яратади, дея умид қилиш мумкин.

2-мавзу. Қадриятлар мавзусининг фалсафий-тарихий таҳлили

Ҳозирги даврда "Қадрият" категорияси, "Қадриятлар тизими" тушунчаси ва уларнинг асосий шакллари ҳамда намоён бўлиш хусусиятларини илмий таҳлил қилишнинг тарихий, замонавий, фалсафий -аксиологик ва бошқа жиҳатлари бор. Бу жиҳатларни тадқиқ этиш: **қадриятшуносликнинг тарихий илдизлари** ва бу борада эришилган ютуқларни илмий ўрганиш қадрият ва уни намоён бўлиш шакллариининг амалиёти билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ҳамда мавзунинг кам тадқиқ этилган қирраларига янада кўпроқ эътибор бериш имконини яратади.

Қадриятларнинг моҳияти, мазмуни, намоён бўлиш шакллари билан борлиқ

муаммоларнинг таҳлили узоқ тарихга эга. Кишилар қадим замонларданоқ ўзларини ўраб турган олам, ундаги нарса ва ҳодисалар, одамлар ўртасидаги муносабатларга баҳо берганлар, уларни қадри ва қиммати тўғрисида фикр юритганлар. Замонлар ўтиши, жамият ривожидан бу борадаги муаммолар кўпайган, уларни ҳал қилишни аҳамияти ортаверган. Қадриятлар мавзуси кўпгина илоҳий, илмий ва сиёсий дунёқарашларнинг асосида ётган, уларнинг ўзгариши, марказий қисмини ташкил қилган, фалсафий оқимлар ва буюк мутафаккирлар ҳам бу мавзунини четлаб ўтмаганлар.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу мавзуга бағишланган Ғарб, Россия ва собиқ иттифоқнинг минтақамиздан бошқа ҳудудларида яшайдиган олим ҳамда мутахассисларига тегишли китоб ва рисолаларда гап асосан Европа мутафаккири ва олимлари мероси, уларни қадриятшуносликка қўшган ҳиссаси тўғрисида боради. Бунда асосан Сократ, Платон, Аристотел, Гераклит, Демокрит, Левкипп, Ф.Аквинский, Т.Мор, Б. Спиноза, Н.Ж.Руссо, А.Сен-Симон, Ш.Фурье, Р.Оуэн, А.Тюрго, Ж.Кондорсе, И.Кант, И.Гегель, Л.Фейербах, М.Шелер, Н.Гартман, В.Виндельбанд, Г.Риккерт, Ф.Ницше, З.Фрейд, У.Джеймс, Ж.Дьюи, М.Вебер, Р.Перри, А.Тойнби, Н.Бердяев, П.Сорокин, Э.Дюркгейм, Т.Парсонс, И.Конрад, А.Камю, У.Росток, Р.Дарендорф) ва бошқаларнинг номлари тилга олинади. Биз ҳам ушбу мутафаккир, олим ва файласуфларнинг қарашлари, ҳулосалари ва мулоҳазаларидан ижодий фойдаландик, иш давомида уларнинг асарларига мурожаат қилдик. Уларнинг фандаги ўрни, асарларини аҳамияти катта, "софизм", "неоплатонизм", "неокантчилик", "марксизм", "прагматизм", "неопозитивизм", "экзистенциализм", "табиий психологизм", "маданий-тарихий релятивизм", "индустириал жамият", "постиндустириал жамият", "цивилизациялар тараққиёти" каби одим ва таълимотлар ана шу олим ва файласуфларнинг номи билан боғлашди. Юқоридаги олимларни қадриятшуносликка қўшган ҳиссаси хилма-хил, аммо уларни бу соҳада аҳамиятга молик хизматлари кўп ва биз уларнинг замиравий аксиология учун қадр-қимматини инкор этмоқчи эмасмиз.

Аммо мустақил Ўзбекистоннинг замонавий фани ҳам ўзининг узоқ ва шонли тарихига эга, унинг айнанлари олис ўтмиш, асрлар қаъридан бошланади. Ўрта Осиё олимларининг жаҳон фани хазинасига қўшган ҳиссаси ниҳоятда улкан, аммо у ўзининг ҳақиқий баҳосини олгани йўқ. Ўрта Осиё мутафаккирлари ва олимларининг номлари ҳамда уларнинг дунё фани ва маданиятига қўшган ҳиссасини санаб ўтишнинг ўзиёқ ҳар қандай кишини лол қолдиради.

Китобнинг ушбу бўлагидан юртимиз ўтмишида қадриятлар муаммоси қандай аҳамият касб этганлиги ва илм аҳли томонидан қай тариқа ёритилганлигини қисқача таҳлил қиламиз. Биз учун бунда энг асосий мақсад - тарихий тадқиқот эмас, балки масалани қадриятшунослик билан боғлиқ тарзда қўйилиши ва таҳлил қилинишидир. Бу борадаги интилиш "Осиёцентризм" тарзида эмас, балки авлод ва аждодларимиз яратган "қадриятлар тарихини" жаҳон маданиятининг таркибий қисми ва улуғ цивилизациямиз маданиятини ажралмас бўлагини сифатида ҳолисона ўрганишга ҳаракат қилишдир.

Қадриятлар муаммосининг фалсафий-тарихий таҳлили, аввало, нақллар, ривоятлар, афсона, ҳикоят, дostonларга, яъни, халқ оғзаки ижоди намуналарига бориб тақалади. Халқ оғзаки ижодида кўпроқ умумбашарий ва умуминсоний қадриятларга эътибор берилган, уларнинг моҳияти, мазмуни турлича талқин қилинган. Ўзбек халқи достони "Алпомиш"да муҳаббат ва дўстлик, Тўмарис ва Широқ тўғрисидаги афсоналарда ватанпарварлик, халқ ва юрт озодлиги учун фидойилик, Хотами Той ҳақидаги этакларда қўли очиқлик, бағрикенглик, ҳокисорлик, "Кунтуғмиш"да оила ва фарзандга муҳаббат руҳи бадий тасвирланган. Қадимги одамлар борлиқ тўғрисида ўйлаганларида, афсона ҳикоят ёки дostonлар сўйлаганларида оламнинг қадри, унинг ботиний чексизлиги, буюклиги, коинот ва одамзод алоқалари, инсон умрини, маъноси, мазмуни, мақсади, ботирлик, оқиллик,

ҳоқисорлик, яхшилик, вафодорлик, ватанпарварлик каби қадриятларга изоҳ берганлар, аҳамиятини турлича талқин қилганлар, ҳатто уларнинг айримларини илоҳийлаштирганлар.

Қадриятлар мавзуси диний дунёқарашлар ва уларнинг энг қадимги шаклларида ҳам ўз аксини топган. **Ҳар бир дин ўзига хос илоҳий қадриятлар тизимига эга.** Улар бир-бирларидан ана шу қадриятлар тизими билан ҳам фарқланадилар. Ҳозирги замондаги миллий ва жаҳон динларининг асосий китоблари "Қуръон", "Таврот", "Инжил", "Веда", "Упанишад" ва бошқаларга муайян илоҳий қадрият тизимлари ўз ифодасини топган. Динларнинг тарихий шакллари такомиллашиб борган сари, улардаги қадриятлар тизими ҳам янги-янги қирраларини намоён қилиб бораверган.

Аждодларимизнинг қадимги китоби "Авесто" диний-фалсафий меросимизнинг энг ёрқин намунаси, қадимги халқларимиз умуминсоний қадриятлари моҳияти ва аҳамияти ёритиб берилган асардир. Маълумотларга кўра китоб бир неча авлодлар томонидан яратилган. Авесто зардуштийликнинг муқаддас китоби бўлганлигидан, унда бу динни қадриятлар тизими ўз ифодасини топган. Шу билан бирга китобда умуминсоний қадриятларга, уларнинг инсон маънавияти ва амалий фаолияти учун аҳамиятга катта ўрин берилган. Асарда яхшилик, ёруғлик, баркамоллик, ҳурфикрлик тимсоли бўлган афсонавий худо Ахурамазда,- қиёфасида яққол намоён бўлади. Китоб муаллифларидан бири Заратуштра /Зардушт/ фикрича, одамлар яхшилик, ёруғлик кучларига эргашиши, яхшиликни ёмонликдан, адолатни ҳақсизликдан фарқлаб олиши, ҳаёти давомида Ахурамазда томонида бўлиши лозим. Инсоннинг бу жараёндаги қадри эса, яхшиликнинг ғалабаси учун курашда бефарқ турмаслигида, яшаш тарзида, маънавий қиёфасида, ижтимоий фаолиятида, "тўғри сўз" ва "яхши иш"ида ўз ифодасини топади. Ана шундай фазилатларга эга бўлган кишигина ёмонлик устидан ғалаба қилиш, яхшилик уруғини сочиш ишига кўмаклашиши, яхши ном қолдириши, бошқаларнинг таҳсинига ва миннатдорчилигига сазовор бўлиши мумкин.

"Авесто"да юртимиз заминда яшаган халқларнинг исломгача бўлган даврдаги табиий-илмий, айниқса ахлоқий фикрларнинг ривожланиши тарихига оид ғоят қизиқ манбалар борлигини И.М.Мўминов ҳам алоҳида таъкидлаган. Китобда маънавий, ахлоқий қадриятларнинг тасвирланиши Ю.Жумабоев ва Т.Каримовлар томонидан тадқиқ қилинган. Бу эса бу борадаги таҳлилиминизни қисқарок бўлишига имкон яратади.

Қадриятлар мавзуси "Мани даври" /милоднинг Ш-IV асри, асосчиси Мани 216-276 йилларда яшаган/ фалсафий-илоҳий таълимотида ҳам яққол ифодаланган. Мани фикрича икки дунё "зулмат ва зиё дунёси" мавжуд, биринчисида адолатсизлик, зулм, зўравонлик ҳукм суради, иккинчиси абадий, емирилмайдиган, доимий қадриятлар дунёсидир. Мани таълимотида зардуштийлик, буддизм ва иудаизм ва христианликнинг асосий қадриятлари жамланган, уларнинг умумий тизими мифология, философия, космогония, алхимия, астрономия ва бошқа ижтимоий-табиий билим соҳалари билан боғлиқликда баён қилинган. Қадриятлар мавзусининг "излари" VI асрда яшаган Маздак /531 йилда қатл қилинган/ таълимотида, халқларимиз маданиятида катта аҳамиятга молик бўлган "Урхун-Енисей ёзма ёдгорликлари"да ҳам яққол кўзга ташланиб туради. Афсуски, кейинги асрлардаги босқинлар ва мустамлакачилик натижасида бу излар хиралашиб қолган, уларни излаб топиш қийинлашган.

Ислом дини ва қадриятлари. Осиёда қадриятлар тўғрисидаги қарашлар ривожда VIII-XII асрлар катта аҳамиятга эга. Бу даврда араб истилоси амалга оширилган, ислом расмий ҳукмрон динга айланган, ижтимоий-сиёсий ҳаётда муайян тинчлик ҳукм сураётган эди.

Ислом дини Осиёда фақат арабларнинг дини бўлиб қолмади, у туркзобон

халқларнинг ҳам умумий динига айланди. Алоҳида эътироф этиш керакки, ислом, унинг асосий қомуси - "Қуръон"да таърифлаб берилган илоҳий қадриятлар мамлакатимиз хадқлари тарихи, маданияти ва маънавиятига ниҳоятда катта таъсир кўрсатди. Бу таъсирни турлича баҳолаш, таҳлил қилиш мумкин, аммо унинг ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам муайян аҳамиятга молик эканлигини инкор қилишнинг иложи йўқ. Юртимиз заминидан милоднинг VIII асридан кейин яшаган ҳар бир мутафаккир, олим, шоиру аллома ижодида исломнинг илоҳий қадриятлари таъсири яққол сезилиб туради. Шу билан бирга исломнинг юртимиз ҳудудида тарқалиши ва араб истилоси даврида кўпгина миллий қадриятларимиз йўқотиб юборилганлигини алоҳида қайд қилмоқ керак. Бу тўғрида Абу Райҳон Беруний "Осорул боқия" ("Қадимдан қолган ёдгорликлар") асарида афсус билан ёзиб қолдирган.

Яна шуни таъкидлаш керакки, юртимиз халқлари цивилизацияси қадриятлари аҳли исломга ва араблар дуаёси маданияти ривожига ҳам катта таъсир кўрсатганлиги шубҳасиз. Хоразмий, Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек каби мутафаккир олимлар, ал Бухорий, ат Термизий, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбандий каби илоҳиёт илмининг забардаст алломалари, Лутфий, Юсуф Хос Хожиб, Навоий, Бобир, Бедил, Машраб каби зотларнинг исломга, уни замонга зайллари орасидан ўтиши жараёнига таъсирлари тўғрисида махсус тадқиқотлар олиб бориш мумкин.

Замонавий ислом илоҳиётчилари ал Бухорий асарларини "Қуръон"дан кейинги муқаддас китоблар сифатида тан олаётганликлари, ал-Бухорий, ат Термизий ва Нақшбандий қабрларини муқаддас саждагоҳлар сифатида тавоф қилишлари бежиз эмас!

Ислом дини юртимизда ҳукмрон бўлиб олганидан кейинги даврларда ички урушларни нисбатан барҳам топтиришга ҳаракат қилинди, ижтимоий ҳаётда эса нисбатан барқарорлик бўлишига эришилди. Бу нисбий мўътадиллик даврида маданий ривожланиш, илм-фан ҳамда адабиёт тараққиёти учун имконият очилди. Буюк мутафаккир Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий ўша даврда яшади. У ҳалифа ал-Маъмун тадқил қилган академия - "Байтул ҳикмат"да катта мавқега эга бўлган. Унинг ушбу академия олимлари билан илмий баҳсларда илгари сурган ғояларида, яратган асарларида ҳаёт фалсафасида қадриятларнинг умуминсоний томонлари изоҳланган дейиш мумкин.

Хоразмий олимнинг қадрли ўтмишдошлари фикрларини келажакка хокисор етказиб беришда, деб ҳисоблар эди. Мутафаккир қуйидагича ёзади: "Ўтмиш даврларда ўтган олимлар фаннинг турли тармоқлари... соҳасида асарлар ёзиш билан ўзларидан кейин келадиганларни назарда тутардилар... Улардан бири ўзидан аввалгилардан қолган ишларни амалга оширишда бошқаларидая ўзиб кетади, уни ўзидан кейин келувчиларга мерос қолдиради, бошқаси ўзидан аввалгиларнинг асарларини шарҳлайди, бу билан қийинчиликларни осонлаштиради... ўзидан аввалгилар ҳақида яхши фикрда бўлади, такаббурлик қилмайди ва ўзи қилган ишидан мағрурланмайди¹. Бу сўзлари бутун шарқ олимлари учун умумий талаб ва ахлоқий камолот мезони, улар маънавий қиёфасининг устувор хусусияти сифатида намоён бўлади.

Шарқ маданияти тарихида муҳим ўрин тутган аллома Абу Наср Форобий /873-950/ ҳам қадриятларга катта эътибор берган. Форобийнинг қадриятлар тўғрисидаги фикрларини "Мадина ал-фозила" таълимотида яққол кузатиш мумкин. Бу таълимот "Фозил одамлар шаҳри" китобида тўлароқ ифодасини топган. Қомусий олим сифатида Форобий фозил жамият тўғрисидаги таълимотида юксак ғоялар, адолатли ижтимоий муносабатлар қарор топган даврда вужудга келадиган маънавий-ахлоқий қадриятларнинг умумий тизимини изоҳлаб берган. Форобий

¹ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий. Танланган асарлар. Т.Фан, 1983. 59-бет.

бундай жамиятда диний қадриятлар ҳам муайян аҳамиятга эга бўлишини, унда калом /теология/ ва фикҳ /ҳуқуқшунослик/ вакиллари кишиларнинг маънавий-ахлоқий камолоти учун жавоб берадиган соҳаларни бошқаришлари, ижтимоий муносабатларни асосий соҳалари эса донишманд-ҳукмдорлар томонидан бошқариб борилишини таъкидлайди. Мутафаккир диний қарашлар ғоявий соҳада энг асосий аҳамият касб этган ўша даврда, нафақат Аллоҳ ғоясини, балки инсон, жамият ва илму-фан қадриятларини фалсафий билимларнинг асосий мавзуларидан бири сифатида қарай олган дастлабки Шарқ файласуфларидан биридир.

Форобий юқорида эслатиб ўтган китоби ҳамда "Бахт-саодатга эришув ҳақида"ги каби асарларида ўзаро ёрдам ва бирлашув асосида вужудга келадиган инсон жамоаси, ҳамкорлик, илм ва яхши ахлоқ асосий жиҳатларини талкил қилиши лозим бўлган ижтимоий муносабатлар, кишиларни бахт-саодатга элтувчи давлат, етук ҳислатлар эга бўлган ва фуқаро томонидан сайланадиган бошқарувчиларга эга бўладиган жамият тўғрисидаги фикрларни қайд қилади. Унинг асосий орзуси ва мақсади энг буюк маънавий-ахлоқий қадриятлар, илм-фан қадрлари баланд бўлган жамиятдир.

Қадриятлар мавзусини Абу Райхон Беруний /973-1048 ҳам четлаб ўтмаган. Беруний қомусий олим сифатида қадриятларнинг табиатини жуда яхши ўрганган. Маънавий қадриятларнинг вужудга келиши Беруний фикрича, ижтимоий муносабатлар, кишиларнинг яшаш тарзи, моддий эҳтиёжлари, қизиқишлари, манфаатлари, талаблари ва мақсадлари билан узвий боғланган.

Масалан, кишилар ўртасидаги ҳамкорлик одамларни бирлашиш эҳтиёжлари кўплиги, ҳимоя қилиш қуроллари камлиги ва душманлардан ўзини ҳимоя қилиш зарурати туфайли вужудга келган.

Беруний инсон энг асосий қадриятлардан биридир, тафаккур эса уни бошқа жонзотлардан ажратиб турадиган маънавий омилдир деб ҳисоблаган. У маънавий қадриятлар тизимини ўзига хос тарзда ифодалайди, яъни яхши ва ёмон хулқларга ажратади. Унинг фикрича, яхши хулқларга - ростгўйлик, одиллик, оқиллик, мардлик, ботирлик ва мурувватлилик каби қадрли хусусиятлар, ёмон хулқларга эса ёлғончилик, золимлик, қаллоблик, ўғрилик, ҳийлагарлик, номардлик каби жиҳатлар мансубдир.

Шарқнинг кўпчилиги маърифатпарвар мутафаккирлари каби Беруний ҳам одамзотни оламдаги ҳамма жонзотлардан устун қўяди. Унингча "инсон зоти барча ҳайвонлардан юқори туради, ер юзини обод этиши ва уни бошқариб туриши учун инсонга ақл-заковат кучи ҳадея этилган". Мутафаккир "Ҳиндистон" асарида ҳиндлар турмушини тадқиқ этар экан, миллий қадриятлар, урф-одатлар, анъаналар, маросимларнинг аҳамиятини, уларнинг ранг-баранглигини таъкидлайди. Инсон учун асосий қадриятлардан бўлган жамоа ва тилнинг вужудга келишини одамларнинг бирлашишга бўлган эҳтиёжидан келиб чиққан, дея изоҳлайди. Беруний ҳунар, савдо-сотик, мамлакатлараро маданий алоқаларни кучайтириш, ижтимоий ҳаётда илм-фанни ривожлантириш, унинг аҳамиятини ошириш тарафдори эди. Шу билан бирга у араб босқинчилигини, уларнинг юртимиз маданий ёдгорликларини йўқотиш соҳасидаги сиёсатини қоралайди, маданий тараққиётда ворисликнинг зарурий эканлигини таъкидлайди.

Қадриятлар муаммоси Абу Али ибн Синонинг /980-1037/ ҳам диққат марказида турган. Олим асарларини катта қисми фалсафа муаммоларига бағишлаб ёзилган бўлса-да афсуски, уларнинг кўпчилиги, масалан, 20 томдан иборат "Адолат" номли фалсафий энциклопедияси, "Шарқ фалсафаси", "Яхши иш ва гуноҳ" асарлари бизгача етиб келмаган. Қадриятлар муаммоси, ибн Синонинг "Рисолатут тайр" (Қушлар тили), "Донишнома", "Соломон ва Ибсол" каби бизгача етиб келган асарларида ҳам ўз ифодасини топган. Унинг назарида ўз ибтидосини Аллоҳдан олган борлиқ ва табиат инсонни ўраб турувчи абадий макондир. Шу жиҳатдан

унинг қадри беқиёс, инсон эса ҳамма бойликларни табиатдан олади, ундан ўзига даво топади.

Ибн Сино инсон, уни ўз-ўзини идора қилиш ҳақидаги фанлар /инсоншунослик/ аҳамиятини тўғри таъкидлайди. Афсуски, Шарқ фалсафасида асосий мавзулардан бири бўлган бу йуналишдаги фанларга собиқ иттифоқ даврида етарли эътибор берилмади. Ҳолбуки, бу борада яхлит "Инсоншунослик" фанини яратиш имкони мавжуд эди.

Ибн Сино маънавий-ахлоқий қадриятларнинг аҳамиятига ҳам катта эътибор берган. Унингча одамзод қадри бошқалар билан ҳамкорлиги, яхши ахлоқий фазилатларга эга бўлиш учун интилиши, донолиги, бошқаларга яхшилик қила олишидадир. Файласуф назарида, яхшилик, роҳат-фароғатга ва лаззатланишга олиб келиши, ёмонлик эса азобланиш ва уқубатга олиб бориши билан тавсифланади. Ибн Сино "Ахлоқ илми ҳақида рисола"сида "иффат", "шижоат", "ҳикмат", "адолат", "саҳийлик" каби инсоний-маънавий қадриятларни таърифлайди.

Тасаввуф қадриятлари. Қадриятлар мавзуси фалсафий-тарихий таҳлилни маданий ривожланишда катта мавқега эга бўлган "тасаввуф" оқимининг асосий намоёндалари қарашларисиз тасаввур қилиш қийин. Тасаввуф ғоят мураккаб ва серқарра диний-фалсафий оқим бўлиб, унда исломнинг илоҳий қадриятлар тизими янги замонга мослаштирилган, замонавий нуқтаи назардан изоҳлаб берилган. Тасаввуфнинг қадриятлар тизимида энг асосий ўринни Аллоҳ, у билан боғлиқ илоҳий қадриятлар, шариат, тариқат, ҳақиқат ва маърифат ғоялари эгаллайди. Лекин тасаввуф фалсафасини фақатгина ана шу жиҳатлар билан таърифлашнинг ўзи етарли эмас. Бу борада исломшунос, олимларнинг асарлари кўп. Бироқ ҳанузгача тасаввуф таълимоти батамом ўрганилган ва унинг тарихи, дунёқараши хусусида аниқ, яхлит хулосалар чиқарилган, деб айта олмаймиз.

Ушбу фикрни нафақат тасаввуф, балки умуман ислом тўғрисида, бу диннинг умуммиллий, миллий ва маънавий қадриятларимиз ривожига қўшган ҳиссаси тўғрисида ҳам айтиш мумкин. Муаммонинг бу томони қадриятшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ қилинмаган ва бунга умумий цивилизациямизга мансуб исломдан олдинги қадриятлар тизими билан, ислом ҳукмрон бўлган даврдаги қадриятлар тизими ўртасидаги диалектик инкор ва ворислик масалалари қўшилишини ҳисобга олсак, масала махсус илмий тадқиқотни талаб қилиши янада ойдинлашади.

Биз тасаввуф оқимида таъриф бермоқчи, унинг шарқ маданиятидаги ўрнини белгиламоқчи эмасмиз. Аммо мавзунинг тарихи нуқтаи назаридан қуйидаги мулоҳазани баён қилмоқчимиз. Қадриятлар муаммоси юртимиз ўтмишига тегишли фалсафий-тарихий таҳлили Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Синолар мероси билангина чегараланиб қолмайди. Уни Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Нажмиддин Кубро, Абдулла Ансорий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбандий каби забардаст намоёндалари таълимотига тўғридан тўғри алоқаси бор.

Шу билан бирга жаҳон маданиятига бебаҳо дурдоналар қўшган Юсуф Хос Ҳожиб, Носир Хисрав, Саъдий Саной, Амир Ҳусрав Деҳлавий, Фариуддин Аттор, Ҳофиз, Саъдий, Жомии, Навоий каби алломаларнинг бу борадаги қарашларини тилга олмай бўладими? Уларнинг бутун жаҳонга машҳур бўлган "Қутадғу билик", "Саодатнома", "Гулистон" ва "Бўстон", "Баҳористон", "Ҳамса", "Маҳбул қулуб" каби маънавий қадриятларимизнинг тамал тошларини қўйган асарларини ҳар биридаги қадриятлар мавзуси масаласига алоҳида тадқиқотларни бағишлаш мумкин. Ўтмиш маданиятининг ҳассос намоёндалари Мансур Ҳаллож, Боязид Бистомий, Имомиддин Насимий, Бобораҳим Машрабларнинг дунёвий, маънавий-ахлоқий қадриятларга муносабати, бу борадаги бутун Шарқ халқлари орасида машҳур бўлган қарашлари тўғрисида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин.

Юқорида номлари тилга олинган асарларга келганда эса халқимизнинг кўплаб маънавий-ахлоқий қадриятлари теран изоҳланган бу китоблар

маданиятимизнинг улкан бойлигидир. Бу тахлит ашъорлар яратиш юртимиз тарихида асло тўхтаб қолган эмас ва бу борада Аҳмад Донишнинг "Ўғилларга насиҳат" /XIX аср охири/, Абдулло Авлонийнинг "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" /XX аср бошлари/ асарларини эслаш кафоя. Ҳолбуки, бу икки кейинги асар ҳам шу соҳадаги ўнлаб китоблар сарасига киради.

Муғуллар истилосидан олдинги давр тафаккурининг энг асосий намоёндаларидан бири Аҳмад Яссавий /1105-1166/ маънавий-ахлоқий қадриятларнинг ўша замонга мос келадиган тизимини яратган, уларнинг намоён бўлиши ва амал қилиш шартларини ислом дини нуқтаи назаридан таърифлаб берган. "Девони ҳикмат" мажмуасида Аҳмад Яссавий маънавий қадриятларнинг асосий шакллари поклик, ҳаё, бардош ва сабр-қаноат, чидам, хушхулқлик, беозорлик, ҳокисорлик каби ҳислатларга таъриф берган. Собиқ иттифоқ даврида Яссавий қарашлари ва унинг фалсафаси кўпроқ" ... диний-мистик адабиётнинг намунаси сифатида реакцион рол ўйнади, ... меҳнаткашлар оммасини муҳтожлик ва ҳуқуқсизликка кўникишга, эксплуататорларга тобе бўлишга чақирган", каби турли баҳоларга сазовор бўлган. Бу баҳода бир томондан синфийлик ва партиявийлик устун бўлган мафкура таъсирини кузатиш, иккинчи томондан Яссавий тариқати Шарқ халқлари орасида кенг тарқалганлиги, маданий меросимизга жуда катта таъсир кўрсатганлигини эътироф этмасликни кўриш мумкин.

Бизнингча, Яссавий таълимоти ва ўша даврнинг маънавий қадриятлари мўғул истилосидан озодликка эришиш, мустақил давлат ўрнатиш, унда сиёсат юритишдаги асосий ва етакчи ғоялардан бири воситасини ўтаган. Бундан ташқари бу таълимот мўғуллар ислоҳидан олдинги давр қадриятларини, ундан кейинги давр билан боғлайдиган маънавий халқалардан бири бўлган.

Қадриятлар муаммоси таҳлилида нақшбандия тариқати, Баҳоуддин Нақшбанд /1388 йилда вафот этган/, Хўжа Аҳрор /1409-1492/ ва Ҳусайн Воиз Кошифий каби алломалар илгари сурган ғоя ва қарашларнинг ҳам ўз ўрни бор. Нақшбандия тариқати Шарқда кенг ёйилган, Абдурахмои Жомий, Алишер Навоийлар ва бошқа мутафаккирлар ҳам унга чуқур ҳурмат билан қараганлар. Навоий "Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд" номли асар ҳам ёзган.¹ Нақшбандийликни вужудга келишида Яссавий таълимотини таъсири сезилиб туради. Аммо нақшбандлик тариқати ўзини ҳаётбахшлиги, ахлоқий ғояларини теранлиги, меҳнат ва амалий фаолиятга нисбатан муносабати, фуқаро орзу умидларини тўлароқ акс эттирганлиги билан бошқа оқимлардан фарқ қилади.

Нақшбандияда Аллоҳ висолига етиш учун дунёдан воз кечиш ёки тарки дунё қилиш эмас, балки қўл "ишда, кўнгил Аллоҳда" бўлмоғи, поклик, ҳаё, камтаринлик, комили инсонни асосий фазилатлари бўлиши лозимлиги уқтирилади. Нақшбандия таълимотидаги камтаринлик, саҳийлик, бағрикенглик, меҳр-шафқат, ҳайри-эҳсон, ўзаро ёрдам, дўстлик ва биродарлик, тенглик ва тотувлик, софдиллик, меҳнатсеварлик, поклик, одиллик ва билимдонлик каби олға сурилган ғоялар ўз мазмуни ва моҳияти билан умуминсоний характерга эга бўлиб, ўзининг назарий ва амалий аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Дунёвий қадриятлар. Қадриятшуносликнинг фалсафий-тарихий талқинида дунёвий қадриятлар ривожини ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Бу борада "Авесто"да илк ўрта асрлар фалсафаси, Хоразмий, Фаробий, Беруний, Ибн Синолар яшаган даврда ҳам бой маънавий мерос яратилган. Амир Темур ва темурийлар даврида айниқса мазкур масалага алоҳида эътибор қаратилган. Ўрта асрларда Моварауннаҳрдаги сиёсий қадриятларнинг ўзига хос талқинида Амир Темур, умумбашарий қадриятларнинг илмий таҳлилида Муҳаммад Тарағай Улуғбек, "Улуғбек академияси" катта ўрин тутди. Подшоҳлар, ҳукмдор ва сиёсий арбобларнинг

¹Алишер Навоий. *Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд. "Шарқ юлдузи"*, 1993 й. №5-6. 173-175 бетлар.

ахлоқ-одоб талаблари, давлат ва сиёсат юритиш санъати баён қилинган "Темур тузуқлари"да ижтимоий саёсий қадриятларга катта аҳамият берилган, асар Шарқда ва Ғарбда машҳур бўлган, кўп марта чоп этилган. Унда сиёсатдоннинг ахлоқи, юриш-туриши, сиёсат бобидаги фаолияти, халқ, кўшин, уламолар, аркони-давлат ва бошқаларга муносабати учун асосий мезон бўладиган сиёсий қадриятлар ўша замон нуқтаи назаридан баён қилинган. Темурнинг тарихимиздаги ўрни ва мамлакатни озод қилишдаги хизмати катта. Уни моҳир давлат арбоби, тажрибали сиёсатдон сифатидаги ўғит ва насиҳатлари кейинги давр сиёсий арбоблари, аҳли фозиллар учун дастурил амал бўлиб хизмат қилади.

Умумбашарай қадриятлар таҳлилида Улуғбек фикрлари ва кашфиётлари ҳам ўзига хос ўрин тутаяди. У ўз атрофига Қозизода Румий, Али Қушчи каби ўнлаб мутафаккирларни тўплайди, улар билан бирга умумбашарий қадриятлар, коинот сирлари, унда рўй бераётган жараёнлар аҳамиятни ўрганиш борасида ўз замонасидан илгарилаб кетди. Сирасини айтганда улар нафақат умумбашарий қадриятларни тадқиқ этдилар, балки илм-маърифат, ҳақиқат, зиёилик, фозиллик каби умуминсоний қадриятларнинг турли хусусиятларини изоҳлаб бердилар. Улуғбек бошчилик қилган олимлар фаолияти фақат коинот сирларини тадқиқ қилиш билан чегараланиб қолмайди. Афсуски, ҳозирги даврда кўпчилик бу фаолиятни фақат "Зижи Кўрагоний" асари билан боғлиқ, деб ўйлайди. Аслида Улуғбек академиясининг фаолияти ўрта асрлар илмий ҳурфикрлигининг энг яққол намуналаридан биридир, академия олимлари эса коинот ва юлдузларни инсон учун абадий макон бўлган оламнинг башарий қадриятлари сифатида тушунганлар ва тадқиқ қилганлар.

Юртимиз маданиятида ўчмас из қолдирган буюк мутафаккир Алишер Навоий /1441-1501/ ўзининг "Ҳамса", "Тухфатул Аброр", "Маҳбубул қулуб", "Ҳадейин ул-маоний" ва бошқа асарларида қадриятлар масаласига катта эътибор берган.

Алишер Навоий ўша даврда тарғиб қилинадиган инсоннинг маънавий қиёфаси унинг тақводорлиги ва тоат-ибодатлари билан бегиланади, деган қарашни эътироф этади. Аммо кишининг қиёфасини унинг маънавий-ахлоқий қадриятлари ва яхши ишлари безайди, деган фикрни илгари суради. Навоий томонидан изоҳланган қадриятлар тизими ҳам ана шунга асосланади ва илоҳий, табиий ҳамда инсоний қадриятларнинг бир бутунлиги сифатида талқин этилади. Бунда абадий илоҳият - /Аллоҳ/, унинг энг серқирра ва сермазмун намоён бўлиши - коинот ва табиат, бу зохирийликнинг "гултожи" бўлган инсон диалектик алоқадорликда намоён бўлади. Бунда одамзот эришиши лозим бўлган мақсад нафақат Аллоҳ жамоли, балки бахтли ҳаётга эришиш ва комил инсон бўлиб вояга етишишдир.

Навоийнинг жамият тўғрисидаги қарашларида умумижтимоий қадриятлар тизими ўз ифодасини толган, комил инсон таълимотида эса энг етук инсон қиёфасига хос бўладиган шахсий қадриятлар тизими таърифланган. Бунда ана шу икки қадриятлар тизимининг адоқадорлиги яққол кўриниб туради.

Алишер Навоий вафотидан беш-олти йил ўтар-ўтмас, Моварауннаҳрда қарийб бир юз йиллик йил ҳукмронлик қилган темурийлар сулоласи давлати таназзулга учради. Унинг ўрнига Шайбонийхон давлати тузилди. Аммо орадан кўп ўтмай, Шайбонийхон вафотидан кейин бу ердаги марказлашган давлат парчаланиб кетди. Аввало Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги, сўнгра Қўқон хонлиги вужудга келди. **Амирлик ва хонликлар даври қадриятлари** таҳлилида муайян ўзига хослик намоён бўлади. Уч юз йилдан ошиқроқ даврни ўз ичига олган бу жараён амирлик ва хонликлар, турли сулолалар, уруғлар ўртасидаги урушлар, тинимсиз зиддиятлар орқали кечди. Бу эса ўша давр жамияти ҳаётини муайян даражада издан чиқарди, халқ турмуши ва ҳаётида турли салбий ҳодисалар вужудга келишига сабаб бўлди, келажакка ишонч руҳи сусайди, тушкунлик кайфиятлари кучайди.

Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, юртимизда айнан ана шу

даврга келиб илоҳиёт илми ҳам бир қадар таназзул даврини бошдан кечирди. Унинг қадриятлар системасини янги замонга мос қирраларини очиб берадиган, шон-шухрати, илоҳиёт илмидаги қарашлари бутун ислом дунёсига тарқалган Ал-Бухорий, ат-Термизий, Яссавий, Нақшбандий каби илоҳиёт илмининг забардаст теран фикр эгалари билан тенглашадиган мутафаккирларни бу давр тарихидан топиш қийин. Шундай бўлса-да ижтимоий тараққиёт тўхтаб қолгани, қадриятлар амалиёти ўз таъсирини бутунлай йўқотгани йўқ, албатта.

Бу даврда Сайид Насафий, Юсуф Қорабоғий, Хувайдо, Мирзо Бедил каби мутафаккирлар ижод қилдилар. Ҳассос шоир ва мутафаккир Бобораҳим Машраб /1657-1711/ ана шу даврда яшади. Замонасининг кўпгина илғор намоёндалари қатори Машраб ҳам исломнинг қадриятлар тизимини ва Аллоҳ ғоясини инкор этмайди. Аммо ғоявий устозлари Боязид Бистомий, Мансур Халлож ва Имомиддин Насимийлар изидан борганлигидан, у, бир қатор умуминсоний қадриятларни, уларнинг ўрни ва аҳамиятини ўзига хос талқин қилади. Бу ўзига хослик ислом пайдо бўлганидан кейин минг йил ўтиши, ҳаётда турли ўзгаришлар бўлишига қарамасдан баъзи дин арбоблари ва руҳонийларни ислом қадриятлари системасидан эскича, ўз манфаатлари йўлида фойдаланишларига нисбатан танқидий муносабат тарзида намоён бўлади.

Машраб кўпчилик ўрганиб қолган маънавий қолипларга сиғмайдиган мураккаб зотдир. Унинг қаландарлигида - олам сирларидан бохабар файласуф, исёнкорлигида - ислом қадриятларини зукко билимдони, содда ҳаёт тарзида халққа доноларча яқинликни кузатиш мумкин. "Ўзининг бутун умрини ҳақиқатга етишиш йўлида... сарфланган Машрабнинг бевафо оламда маънавий тубанлик, разолат, ақлий нажосатга ботган инсонларга - подшодан тортиб қозигача, сохта олу вафосиз обидгача, ўғридан тортиб нобоп деҳқонгача бўлган нафрат-ғазоби, ҳақ ишқи йўлидаги собит имони, одилпарвар ва одампарварлиги, эл-улус умидларининг ифодаси янглиғ тобора мажозийлашиб, афсонавийлашиб борган".¹

Қаландарлик Машраб учун асосий қадрият эмас, балки адолатсизлик, зўравонлик, мунофиқлик, алдамчилик ва ёмонликнинг кўринишларига қарши кураш, уларни фош қилиш воситаси, ҳақ висоли ва ҳақиқатга эришиш йўлидир. Унинг ижодини бош қаҳрамони - шоирнинг ўзи. Бу ижоддаги асосий қадрият "икки жаҳонга сиғмаган", "гавҳари ломакон" бўлган инсондир.

XIX аср ўрталарида беш юз йилга яқин /гарчанд амирлик ва хонликларга бўлинган бўлса-да/ мустақил яшаган ўлка Чор Россияси томонидан босиб олинди. **Россия босқини даври қадриятлари** тизимида истилочиларнинг ғоялари ўз аксини топганлиги яққол кўзга ташланиб туради. Бу даврда ерда халқ турмуш тарзида босиб олинган ўлкаларга хос ижтимоий ўзгаришлар содир бўла бошлади, яъни, юрт бойликларини ташиб кетиш, кишиларни маънавий ва маданий қолоқликда сақлаш бошланди.

Бу даврда тарқалган маърифатпарварлик ғояларини Аҳмад Дониш /1827-1887/, Бердақ Қарғабой ўғли /1827-1900/, Сатторхон /1843-1902/, Фурқат /1858-1909/, Муқимий/1859-1903/, Анбар отин /1870-1915/ кабилар кенг тарғиб қилдилар. Уларнинг асарларида шарқона қадриятлар, илмпарварлик, инсонпарварлик ғоялари куйланди. Бу айниқса Аҳмад Донишнинг "Ўғилларга насиҳат" асарида яққол кўзга ташланади. Унда маънавий-ахлоқий қадриятларнинг умумий тизими баён қилиб берилган, илм-маърифат ғоялари, ахлоқ-одоб талаблари, фозиллик ва зиёиликнинг инсон қамоли учун аҳамияти таҳлил қилинган.

XIX аср охирларида "қадимлар" ва "жадидлар" оқимлари вужудга келди. Ҳаётда рўй бераётган ўзгаришларни, уларнинг миллий ва умуммиллий қадриятларни жаҳон тараққиёти талаблари нуқтаи назардан таҳлил қилиш борасида Маҳмудхўжа Беҳбудий, Саидрасул Азизий, Мунавварқори, Абдулла

¹ Қиссаи Машраб -Т.: "Ёзувчи", 1998. 3-4 бетлар

Авлоний, Чўлпон, Фитрат каби замонасининг илғор кишилари катта ютуқларга эришдилар. Қадриятлар билан боғлиқ муаммолар жадидлар диққат марказида турган, уларнинг кўпчилиги шарқона қадриятлар таҳлили борасида қимматли фикрларни баён қилганлар.

Бу борада Абдулло Авлоний /1878-1937/ алоҳида ўрин тутди. Унинг "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" китобида умуминсоний-маънавий қадриятлар тизими таърифлаб берилган. Асарда фатонат, назофат, ғайрат, риёзат, шижоат, қаноат, илм, сабр, хилм, интизом, миқёси нафс, виждон, ватанни севмоқ, ҳаққоният, иффат, ҳаё, идрок, зако, лафз, иқтисод, виқор, хавф ва ражо, итоат, ҳақшунослик, ҳайрихоҳлик, мунислик, садоқат, адолат, муҳаббат, олийҳиммат, авф каби қадриятлар "яхши хулқлар" деган умумий ном остида таҳлил қилинади. "Ёмон хулқлар"га эса ғазаб, шаҳват, жаҳолат, разолат, сафоҳат, ҳамоқат, атолат, ҳасосат, раҳоват, аноният, адоват, намият, ғийбат, ҳақорат, шабонат, ҳасад, таъма, зулм каби хусусиятлар мисол бўлади. Агар ушбу асарда тилга олинган қадрият номларига диққат қилинса, ўша даврда юртимизда маънавий тушунчалар кўлами канчалик кенг бўлганлигини, тилимизнинг бойлигини кузатиш мумкин.

Юқоридаги атамалар орасида биз аллақачон эсимиздан, тилимиздан ва балки дилимиздан ҳам чиқариб юборган тушунчаларга дуч келамиз. Тарихнинг ғилдираги ғайри айланиб, бизни неча ўнлаб йиллар улкан меросимиздан жудо қилганлиги, расмий маънавият соҳасини Шарқона қадриятлар эмас, балки бутунлай бошқа шиорлар эгаллаб олганлиги кишини ачинтиради, холос.

"Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" дарслик сифатида битилган ва унда шарқона таълим-тарбия мазмуни, асосий талаблари ҳам таърифлаб берилган. Бу китоб халқларимиз маданиятига янада каттароқ таъсир кўрсатиши мумкин эди. Афсуски, ўтган асрнинг 30 йилларида бошланган сиёсий жараёнлар Авлонийлар мансуб оқимни ва уларнинг бой меросини ўз домига тортди. Китобнинг тақдири ҳам шундай кечди, у таъқиқлаб қўйилди, ҳатто кутубхоналардан ҳам топиш амри-маҳол бўлиб қолди. Фақат республикамиз мустақил бўлганидан кейингина уни чоп этиш /"Ўқитувчи"нашриёти, 1992 йил/ имкони туғилди. Ана шунга ўхшаш фикрни Беҳбудий, Сўфизода, Чўлпон, Фитрат ва уларнинг асарлари тўғрисида ҳам айтиш мумкин.

Биз Авлонийлар авлодидан кейинги даврни ўрганиш жараёнида бир ҳолатни кузатдик. Расман "Этика", "Эстетика", "Педагогика" борасида дарсликлар бор, уларда яқка партия мафкуриси, ҳаётга синфий асосда ёндошиш ҳукмронлик қилган. Сирасини айтганда, бу дарсликлар халқимиз орасида кенг тарқалмаган, олий ва ўрта махсус билим юртлари доирасидан унчалик четга чиқмаган. Гарчанд Абдулло Қодирий, Усмон Носир, Ғози Юнус, Ойбек, Ғ.Ғулом, Ҳ.Олимжон, А.Қаҳҳор, Миртемир асарларидан шарқона қадриятлар мавзуси бутунлай чиқиб кетмаган бўлса-да, аммо ҳукмрон мафкура бундан кейинги даврда /30-80 йилларда/ ўз изларини қолдирган. Ўтмиш алломаларнинг умуминсоний қадриятларни шарқона, халқчил таърифлаш ва тавсифлаш борасидаги ишлари, "Навоийхонлик", "бедилхонлик", "машрабхонлик" ва бошқалар бу борада ўз ворислигини бир муддатга йўқотган.

Қадриятлар мавзусининг мамлакатимиз ўтмишига доир қисқа фалсафий-тарихий таҳлили давомида асосан қуйидагилар кўзга ташланади:

1. Юртимизда яшаган алломаларимиз қарашларида қадриятлар муаммосига катта эътибор берилган. Турли мутафаккир ва олимлар мансуб бўлган хилма-хил оқимлар ва тариқатлар бирор шаклдаги қадриятлар тизимига эътиқод қилганлар, у ёки бу қадриятларни турлича талқин қилиш ва унга эршиш йўлларининг кўрсатиб берганлар. Шу маънода қадриятшунослик фани юртимиз тарихида ўз ўтмишига эга, унинг илдизлари жуда қадим замонларга бориб тақалади.

2. Мамлакатамизда Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Нажмиддин

Кубро, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбандий, Улуғбек, Навоий, Машраб, Бедил, Аҳмад Дониш, Абдулло Авлоний ва бошқа мутафаккирларнинг қарийб барчаси ўз даврида муайян қадриятлар тизимига эътибор берганлар, ўз муносабатларини билдирганлар.

Аммо бу масалани иккинчи томони ҳам бор, - бу - юртимиз қадриятларнинг араб ва бошқа Шарқ халқлари маданиятига акс таъсири масаласидир. Афсуски, ушбу масаланинг қадриятлар ва қадриятшунослик билан боғлиқ жиҳатлари ҳалигача тўла-тўқис, илмий ва адолатли баҳоланмаган. Хуллас масаланинг бу жиҳати ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

3. Биз яшаётган замин қаърида яшириниб ётган, бизга ўзларининг бой меъросини қолдирган, тарих ва замон, илм ва адабиёт, маънавий ҳокисорлик ва келажакка ишонч руҳи, устоз ва шогирдлик анъанаси бирлаштирган улуғ зотларимизни турли йўналишларга ажратмасдан, балки яхлит маданият, улуғ бир цивилизация алломалар сифатида қарамоқ керак. Қадриятшунослик тарихининг асл дурдоналари нафақат Ғарбдан, балки Шарқдан ҳам қидирилмоғи, биз юқорида баъзи намоёндаларнинг номларинигина тилга олган юртимиз цивилизациясининг улкан ҳиссаси жаҳон маданиятини энг буюк ютуқлари сифатида муқаррар суръатда эътироф этилмоғи лозим.

4. Хуллас, қадриятлар муаммоси ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам у ёки бу олим ёки мутахассис яшаган давр, уни ўраб турган ижтимоий жараёнлар билан узвий алоқадорликда изоҳланади. Ўтмишнинг буюк ақл эгалари у ёки бу қадриятга кўпроқ эътибор берганликлари тасодифий эмас, балки заруриятдир. Улар давр тарозуси тамал тошларини қўйган, замона зайлларига таъсир кўрсатадиган, кишилар учун маънавий мезонлар мавқеёга эга бўлган қадриятларни шарҳлаганлар, таҳлил қилганлар ёки уларга етишиш йўлларини изоҳлаб берганлар. Уларнинг маданий-маънавий мероси бир бутун, яхлит умуммиллий бойликдир. Ўтмишдаги қадриятлар мавзунинг атрофлича таҳлили эса бир неча алоҳида тадқиқотлар учун мавзу бўлишга арзиди.

3-мавзу. Қадриятшуносликнинг замонавий йўналишлари

Қадриятлар муаммосини таҳлил қилишнинг илдизлари қадим замонларга бориб тақалса-да, қадриятшунослик фалсафий билимларнинг махсус соҳаси сифатида ўтган аср охирларида шаклланди. "Аксиология" /грекча аксио-қадрият, логос-фан, таълимот/ номи фанга биринчи бўлиб немис файласуфи Э.Гартман /1842-1906/ ва француз олими П.Лапи /1869-1927/ томонидан киритилган. Ҳозирги даврда қадриятларни илмий ўрганишнинг йўналишлари жуда кўп.

Улардан бири – **Ўзбекистонда қадриятларнинг замонавий талқини** билан боғлиқ. Бу аввалою Президент Ислам Каримов асарларида ҳамда улар асосида изланишлар олиб бораётган мутахассислар тадқиқотларида намоён бўлмоқда. Гарчанд собиқ иттифоқда қадриятлар мавзуси 60-йилларгача таъқиқлаб қўйилган бўлса-да, юртимиз ижод аҳли бу мавзуни четлаб ўтмаган. Ҳар қандай мафкура ҳукмрон бўлишидан, турли таъқиқлардан қатъий назар фан ва фалсафада янгиликка интилиш тўхтаб қолмайди. Бу фикр яқин ўтмишдаги даврга ҳам тегишли. Бу давр тафаккурида шарқона қадриятларнинг турли қирралари ўз аксини топган. Бу борада шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳалигача замонавий адабиётимизда кечаётган жараёнлар, куйланаётган қадриятлар, уларнинг назмий ва насрий ифодаланишини фалсафий изоҳлашга мутахассисларнинг кам эътибор берилаётганлиги таассуфли ҳолдир.

Қадриятлар мавзусини таҳлил ва тадқиқ қилиш юртимиз мустақиллиги даврида долзарб масалалардан бирига айланди. Бу зарурат Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов асарлари, уларда умуминсоний, миллий қадриятларни истиқлол ғояси нуқтаи назаридан таърифлаб бериш вазифаси кўйилаётганлиги

билан бевосита боғлиқ. Ана шу зарурат ва замонавий талабларга ҳозиржавоблик ҳисси бу борадаги китоб ва рисоалар ёзилишига, тадқиқот ва изланишлар олиб борилишига сабаб бўлмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам қадриятшунослик мавзулари долзарб бўлиб қолди, оммалашди. Аслида ҳам шундай бўлиши лозим эди: ўтмишда бу мавзунинг энг асл дурдоналарини яратган мутафаккир ва алломалар меросининг ворислари бу борада тадқиқотлар олиб бора бошлаганлари асло тасодиф эмас. Уларни ҳам ўтмиши минг йилликлар қаъридан бошланадиган улуғ цивилизациямиз тайёрлаган замонавийлик диалектикасининг меваси сифатида қараш мумкин.

Юртбошимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор туфайли республикамизда бу борадаги ютуқларни ўзида акс эттирган қадриятшунослик йуналишидаги китоб ва ўқув қўлланмалари ушбу соҳадаги ижтимоий фан мутахассислари бўлиб етишадиган талабалар учун мулжаллаб тайёрламоқда.

Олий ўқув юртларининг ижтимоий фанлари мутахассислари тайёрлайдиган факультетлари режаларига "Қадриятлар фалсафаси" махсус ўқув курси сифатида киритилган. Албатта бу борада ҳозирги кунларда тезкорлик билан амалга ошириш лозим бўлган ишлар кўлами кенг ва улар долзарб аҳамиятга эга. "Қадриятшунослик луғати", ўқитувчилар учун "Қадриятшуносликдан услубий қўлланма", "Қадриятшунослик бўйича кўргазмалар воситалар тўплами" кабиларни тайёрлаш ва чоп этиш шулар жумласидандир.

Ғарб қадриятшунослиги. Аксиологиянинг ривожини ўтган асрларда Ғарб фалсафасида алоҳида ўринга эга бўлди. Қайси қадриятларни устивор билиш, жамият тараққиёти учун қандай қадриятларга таяниш лозимлиги билан боғлиқ масалалар Ғарб мутахассислари шуғулланадиган асосий мавзуларга айланди. Собиқ иттифоқда синфий-партиявий қадриятлар умумжамиятга хос қадриятлар тизимини энг асосий бўғинлари сифатида мафкура мақсадларида зўр бериб улуғланаётган бир даврда, Ғарб олимлари инсон қадрини ва шахс маънавияти, жамиятдаги кундалик ҳаётини, талаб, эҳтиёж, қизиқиш ва интилишлари билан боғлиқ қадриятларни барқарор қилишнинг мақсадга мувофиқлигини исботлашга ҳаракат қилдилар. Бу борада "янги кантчилик", "позитивизм", "янги позитивизм", "экзистенциализм" каби оқимлар, "индустриал жамият", "постиндустриал жамият", "цивилизациялар тараққиёти", "ижтимоий барқарорлик", "конфликтлар социологияси" каби қарашлар шаклланди, "объектив", "субъектив" ва "плюралистик" аксиология билан боғлиқ илмий йўналишлар дунёга келди.

Ғарб қадриятшунослигида кенг тарқалган оқимлардан бири **объектив аксиология** бўлиб, унинг намоёндалари В.Виндельбанд, Г.Риккерт, М.Шелер, А.Гартман, М.Дюфренн, Г.Эльзенберг, Р.Шульц ва бошқалар реалликдан алоҳида яшаши мумкин бўлган муайян "қадриятлар олами" борлигини эътироф этадилар. Уларнинг қарийб ҳаммаси учун умумий бўлган ушбу қараш тарихи узоқ ўтмишга, қадимги фалсафанинг машҳур намоёнчаси Афлотун замонларига, унинг "Ғоялар дунёси" билан боғлиқ фикрларига бориб тақалади.

Немис олимлари В.Виндельбанд /1848-1915/ ва Г.Риккерт /1963-1936/ қадриятлар муаммоси борасида қарийб бир хил мулоҳаза юритганлар ва уларнинг қарашлари ҳақли равишда "Виндельбанд-Риккерт аксиологик таълимоти" дейилади. Бу олимлар фикрича қадриятлар ўзига хос "идеал аҳамият" сифатида заҳир бўлади, объектдан ҳам, субъектдан ҳам алоҳида мустақил оламни вужудга келтиради, бу олам ўзига хос қонунлар асосида яшайди, макон ва замон қонунларидан устун туради. Шу маънода қадриятлар оламдаги мавжуд нарсалардан кўра бир қадар зоҳирий ва мутлақ ҳақиқатлардир.

Виндельбанд қадрият тушунчасининг маъносини шу қадар кенг талқин қиладики, унингча бутун фалсафа қадриятлар, уларнинг энг умумий шакллари таҳлил қилиш билан шуғулланиши лозим. Шу маънода фалсафа - умумий аҳамиятга

эга бўлган қадриятлар ҳақидаги таълимотдир¹. Бу фикр Риккерт томонидан қуйидагича ифодаланган: қадриятлар муаммоси қачон пайдо бўлган бўлса, ўшандан буён фалсафа дунёга келган, фалсафий фикрлаш ўша даврдан бошланган². Г.Риккерт "қадрият" ва "борлиқ" тушунчаларини қиёслаб улар бир хил хусусиятга эга эмас, қадриятлар асло борлиқнинг таркибий қисми бўла олмайдилар, дея уқтиради.³ Унинг фикрича, қадриятни муайян қадрга эга бўлган объектдан фарқлаш лозим.

Риккерт "қадрият ва" "воқелик" ўртасидаги фарқни ифодалаш учун қадрга эга бўлган объектларни "фойдали" объектлар, уларни аҳамиятини эса қадрият деб атайди.⁴

Винцельбанд-Риккерт фикрича баҳо ҳам, фойдалилик ҳам, воқеликнинг у ёки бу ҳолатини ифодалайди. Баҳо психик шаклда, фойдалилик бирор объектда ўз реал ифодасини топади. Қадрият эса на психик, на объектив ифодага эга эмас, у борлиққа маъно бағишлайди, ҳар қандай ижтимоий фаолиятнинг мезони ҳисобланади. Уларнинг фикрича, умуминсоний қадриятлар жамият ривожини, муайян даврда яшаётган кишилар учун мутлақ ҳақиқат ролини ўтайди. Бошқа қадриятлар, илмий ва амалий фаолиятлар ана шу мутлақ ҳақиқатларга солиштирилиши, уларга хизмат қилиши лозим.

Қадриятлар муаммосига объектив нуқтаи назардан ёндашган олимлар орасида М.Шелер /1874-1928/ ва Н.Гартманни/1882-1950/ ҳам тилга олмоқ керак. Шелер Ғарб аксиологиясида катта ўрин тутган "Ўзгармас ахлоқий қадриятлар" назариясининг асосчиси ҳисобланади. Бу назарияга кўра қадриятлар мустақил яшашлари мумкин, улар ўзгармайдилар, балки бизнинг қадриятлар ҳақидаги фикримиз ўзгариб туради.⁵ Унинг фикрича бутун олам "қадриятлар билан тўйингандир", қадриятларнинг мавжудлиги борлиққа маъно бахш этади, воқелик эса қадриятларнинг ўзига хос намоён бўлишидан иборат.

Шелер маънавий қадриятларни таҳлил қилар экан, уларни "идеал объектлар" деб атайди. Ана шу "идеал объектлар", унинг назарида, кишиларга муттасил таъсир қилиб туради, уларнинг ҳаёти ва фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Қадриятларни англаш инсондан чуқур билим ва муттасил илмий изланишни талаб қилади.⁶

Шелер қарашларини Н.Гертман кўп жиҳатдан давом эттирган, у қадриятлар муаммосини таҳлил қилиб, "Ўзгармас ахлоқий қадриятлар" назариясини ривожлантирган. Унинг фикрича борлиқ каби, қадриятлар олами ҳам тўрт қатламдан иборат: анорганик, органик, маънавий ва руҳий. Бу қадриятларнинг ҳаммаси ҳам бир хил салмоққа эга эмас, балки айрим қадриятлар абадий, ўзгармас хусусиятга эга бўлса, бошқалари муайян даврда ёки бирор вақт доирасида мавжуд бўлади.⁷

Н.Гартман қадриятларни "идеал аҳамият", "идеал объектлар", "идеал моҳият" тушунчалари орқали ифодалайди. Унингча қадриятлар маънавий қонунлари асосида яшайдилар, "идеал" шаклда намоён бўладилар. Қадриятлар мавжудлиги ва амал қилиши жиҳатидан "Платон ғоялари"га жуда ўхшайди,- деб эътироф қилади И.Гартман.⁸ Унинг фикрича, ахлоқшуносликни "қадриятлар этикаси" сифатида қабул қилмоқ керак.

Поляк олими Г.Эльзенберг қадриятлар "... биздан мустақил мавжуд, улар нарсалар билан

¹ Виндельбанд В. История новой философии. - СПб.1913.387-бет.

² Риккерт Г. Система ценностей // логос - СПб. -М. М.Вульф нашриёти. 1914. I к.. 37-бет.

³ Уша китоб. 31-бет.

⁴ Rishert/Grundprobleme der Philosophie/Tub/1934/

⁵ Sheler M/der formalismus in der ethik and die materiale Wertethik/Bern/1954/

⁶ Ўша китоб. 246-249-бетлар

⁷ Ўша китоб. 123-бет

⁸ Hartman N/Kleinere Schritten/Bd/111/1958/

бизнинг орамиздаги муносабатларга бўйсунмайдилар", дея таъкидлайди. Унинг фикрича оламда бирор нарса қачон пайдо бўлса, унинг қадри ўшандаёқ мавжуд бўлади, қадри нарсадан ажратиш фақат гнесеологияга хос хусусиятдир.¹ Унинг издоши Р.Ингарден эса қадриятлар объективлигини учта белгисини кўрсатган: 1/ қадрият объектив мавжуддир; 2/ қадриятлар мавжудлик жиҳатидан билиш жараёнига боғлиқ бўлмайди, ундан мустақил ҳолатда намоён бўлади; 3/ қадрият нарсанинг объектив ҳолати, аҳамияти ва моҳиятидир. Инсоннинг вазифаси қадриятларни "кашф қилиш"дан иборат эмас, балки уларнинг бирор нарсада зоҳир бўлганлигини англашдан иборатдир.

Қадриятларнинг мустақил мавжудлиги ва универсаллиги тўғрисидаги фикрларга О.Гессен ҳам қўшилади. Унинг фикрича, инсоният тарихида, кишилар ҳаётида улар интилиб яшайдаган жуда кўп тасодифий ва ўзгариб турувчи мақсадлардан фарқли ўлароқ, замоннинг биз ўрганиб қолган хусусиятларига бўйсунмайдиган принциплар ҳукмронлик қиладилар. Бу принциплар шахснинг талаб ва эҳтиёжларга бўйсунмайдиган, ҳар бир авлодни муайян вазифа атрофида бирлаштирадиган, бирор мақсадга интилишга ва уни амалга оширишга мажбур қиладиган қадриятлар бўлиб, улар пировард натижада ҳар қандай маданият ва цивилизациянинг асосини ташкил қилади. С.Гессен "объектив, доимий қадриятлар" билан "тарихий жараёнда вужудга келадиган баъзи қадриятлар ўртасида фарқ бор. Тарихий жараённинг узлуксизлиги объектив қадриятларни ўтмишдан келажакка, авлоддан-авлодга мерос қолиши орқали амалга ошади,² деган хулосага келади. П.Чижовский эса қадриятлар аниқ шаклда эмас, балки мавҳум ва идеал ҳолатда мавжуд ҳар бир объект ва воқеликда қадрият яширинган, уни одамлар англайдими йўқми, тан оладими-йўқми, бунинг қадрият учун аҳамияти йўқ, дея таъкидлайди. Масалан, Ватанда яшайдиган халқ уни севадими –севмайдими, у барибир ўз қадрини сақлаб қолади; адолат - бирор гуруҳ кишилар амал қилмасалар ҳам қадрлидир: санъат асарини қимматини тушунмасликларидан қатъий назар ўз қадрини йўқотмайди. Инсоннинг вазифаси ўзини ўраб турган олам, нарса ва ҳодисалар қадрини англаб олишга интилишдан, шу қадриятларга асосланиб яшашдан иборатдир.³

Демак, объектив аксиология тарафдорлари фикрича: а) қадриятлар объективдир, улар нарсалар, воқелик шакллари, ёки уларнинг моҳияти, мазмуни, аҳамияти билан узвий боғлиқдир; б) қадриятлар дунёсинг ўзига хос яшаш қонунлари бор, уларнинг амал қилиши инсон иродасига бўйсунмайди; в) қадриятлар воқеликнинг аҳамияти ва мезони сифатида мавжуд бўлганликлари учун, амалий фаолиятни белгилайди, одамлар ўз ҳаётини уларга мослаштиришлари шарт.

Ғарб қадриятшунослиги субъектив оқими қадриятлар вужудга келишини инсон, уни сифатлари ва фаолияти билан боғлайди. Уни Ф.Ницше, У.Джеймс, Ж.Дюби, А.Мейнонг, А.Бергсок, Д.Перри, Г.Муррей, Э.Толмен, Э.Фромм, Р.Уильямс каби кўзга кўринган намоёндалари бор. Ғарб мамлакатларида XX асрнинг бошларида У.Джеймс қарашлари, кейинчалик Жон Дюби ғоялари кенг ёйилган ва маданиятнинг барча соҳаларига катта таъсир кўрсатган.⁴

У.Джеймс "қадрият"ни "ҳақиқат" билан бир қатордаги тушунча сифатида таърифлайди. Унинг фикрича қадрият мазмуни фойдалилик билан ўлчанади, нима фойдали ва қадрли бўлса ўша ҳақиқат. Қадрият бизга лаззат ва завқ-шавқ бағишлагани учун ҳам қадрлидир, агар нарса ёки воқеликни бирор шакли кераксиз бўлса, эҳтиёжларимизга хизмат қилмаса унинг қадри йўқ.⁵ У.Джеймс қадриятни

¹ Hartman N/Ethik/Sveite Autlagge/Berlin/1935/

² Hessen S. Filosofia, Kultura. Krakov-Gdansk, 1973. 32-33 page.

³ Chigovsku P.- O vtabcivy vybor morabny. Krakov. 1977. 48 page.

⁴ Быковский Б.Э. Прогматизм У.Джемса и Дж.Дюби. Л-д, 1986.

⁵ Yames V. – Prinsiples of psychology. N.K. 1890. 133-134 pages

ўрганиш ва таҳлил қилишни уч хил йўли борлигини таъкидлайди: психологик, метафизик, казуистик. Психологик усул қадриятларнинг асосини ва манбаини билишга, метафизик усул қадриятларнинг мазмунини ва тузилишини англаб олишга, казуистик усул эса қадриятлар ўртасидаги алоқаларни, уларнинг нисбатини аниқлаш имконини беради.¹

У.Джеймс издошларидан бири Ж.Дьюи жамиятнинг энг асосий қадрияти инсондир, бошқа ҳамма қадриятлар унга хизмат қилмоғи лозим. Инсон эса ўз умрини ғоят қадрлаши, вақтдан унумли фойдаланиши керак, деган қарашни баён қилади. Ж. Дьюи яшаган даврда "Энг яхши киши ўз манфаатини унутмайдиган, бошқаларга эса халақит бермайдиган шахсдир!", "Турли синфий-сиёсий курашларга оввора бўлгандан кўра, ўз ҳаётини ўйлаш, уни яхшилашга интилиш лозим!"- деган америкача яшаш шиорлари туғилиб келаётган эди. Ж.Дьюи ана шундай қарашларнинг назариётчиси бўлган.²

Жон Дьюининг қуйидаги қараши ҳам ниҳоятда муҳим: инсон учун энг қимматли давр – жамиятда демократия тўла ғалаба қозонган, илм-фан тараққиётига кенг йўл очилиб, жамият аъзоларининг кўпчилиги етук зиёлиларга айланган даврдир.³ Бу фикр кўп жиҳатдан Алишер Навоийнинг "одил подшолар" ва "комил инсонлар" тўғрисидаги орзуларини эслатади.

Қадриятларни маънавий жиҳатига кўпроқ эътибор берган А. Мейнонг эса, уларнинг вужудга келишида кишиларни ҳис-туйғуси кўпроқ аҳамият касб этади, деган қарашга асосланади. Унинг фикрича, ҳиссиёт, айниқса қадрлаш туйғуси, кишини қадриятларни тан олишга, уларнинг аҳамиятини тўғри талқин қилишга ундайди. У маънавий ҳиссиёт шаклларига мос келадиган қадриятларни таърифлайди. Унингча, инсонда яхшилик туйғуси кучли бўлса - яхшилик, нафосат туйғуси устун бўлса - гўзаллик, одилликдан - адолат, ёвузлик туйғусидан жиноят ва разолат туғилиши мумкин.⁴

Ғарб олими И.Ричардс эса инсон кадрини ошириш масаласига кўпроқ эътибор берган. Унинг фикрича а/ олам одамларсиз қуруқ бир бўшлиққа айлайиб қолади, ўзини қадрига етадиган асосий субъектидан жудо бўлади, ҳеч кимга кераги бўлмайди; б/ воқеликни бирор шаклига, нарсаларга эҳтиёжни қондириш учун ҳаракат қиладиган одамзодгина ўша нарсаларни қадриятга айлантириши, уларнинг қадрига етиши мумкин; в/ қадриятни йўқолиши эса унга эҳтиёж қолмаганлиги, шу нарсани одамларга кераксиз бўлиб қолганини англатади.⁵

К.Майс қадриятларни инсоннинг асосий ва асосий бўлмаган талабларини энг юқори даражада қондира оладиган ҳолат, дея таърифлайди. Г.Муррей назарида қадриятлар нарсаларнинг инсон талаблари қаратилган қисмидир. Моддий олам қадриятлари билан бирга, одамлар учун муҳим бўлган маънавий қадриятлар ҳам бор. Улар обрў-эътибор, билим, гўзаллик каби шахснинг қиёфасига молик ҳусусиятлардир. Бу қадриятларнинг намоён бўлиши шахснинг камолоти ва тарбияланганлигига ҳам боғлиқ бўлади.

Р.Уильямс фикрича, қадрият қизиқиш, эҳтиёж, талаблар, маънавий бурч, нафосат туйғуси ва бошқалар билан боғлиқ вужудга келадиган ҳолатдир. У кишининг ҳаёт йўлини, фаолият мезонини, воқеаларга нисбатан ўз позициясини танлаб олаётганида муайян таъсир кўрсатадиган тушунчадир.⁶

Қадриятлар тўғрисидаги бу фикрларда икки хил ҳусусият кўзга ташланади. Уларнинг баъзиларида қадриятларнинг ижтимоий муҳит ва маънавий-ахлоқий талаблар билан боғланганлигига кўпроқ эътибор берилса, бошқаларида

¹ Ўша китоб, 76-81 бетлар.

² Dewey J.-Theory of valuation.- Chicago 1930. 24 page

³ Dewey J.- Problems of men. New York. 1946. 326 page

⁴ Meinong A. Über Annahmen. Amsterdam 1953. 116 page

⁵ Richards G. – Foundations of Sociology – N.Y., 1964. 401

⁶ Mase C.A.- Hoteastasias needs and Values.-Brit.Z. Psychol, 1973 – 22.

қадриятлар кўпроқ кишини маънавий қиёфаси ва руҳиётини асосий белгилари билан боғлаб талқин қилинади. Биз мисол учун келтирган Р.Уильямс фикри эса, бу хилма-хиллик учун умумий негизни топишга уринишнинг яққол ифодасидир.

Ғарб қадриятшунослигининг Б.Есуп, М.,Родер, Т.Мунро каби олимлар мансуб бўлган **индивидуал-психологик йўналиши** ҳам бор.¹ Бу йўналиш вакиллари шахсий индивидуал қадриятларни атрофлича талқин қилганлар. Улар ҳозирги индустриал жамият шароитида шахс қобиляти, ташаббускорлиги жуда қўл келади, у айнан шулар билан боғлиқ шахсий қадриятларни такомиллаштиришга эришиши лозим, деб таъкидлайдилар. Ижтимоий жараёнлар жуда тезлашган, бозор муносабатлари устувор бўлган даврда, шахснинг ўз кучига таяниши, ўз бахтини ўзи яратиши учун кураши, ўз қобилятига умид боғлаши уни қадрини белгилайдиган энг асосий хусусиятлар бўлиб ҳисобланади.

Ғарб мамлакатлари қадриятшуносларининг асосий фикрлари ва қарашларининг қисқа таҳлили сўнггида яна қуйидагиларни таъкидлаш лозим: - аввало, улар қадриятшуносликни ижтимоий фанлар тизимида ўзига хос ўрни ва аҳамияти борлигини исботлаш учун хизмат қилдилар; - собиқ иттифоқда бу фан "буржуа аксиологияси" номи билан танқид қилинган даврда, Ғарб олимлари қадриятшуносликнинг асосий тушунчалари, қонуниятлари, баҳс мавзуси ва замонавий муаммолари, қадриятларнинг турли хусусиятлари тўғрисида илмий изланишлар олиб бордилар;

- Айниқса, жамият, давлат, фуқаро муносабатлари ҳамда демократия, ошкоралик, инсон ҳуқуқларини барқарор қилиш билан боғлиқ ижтимоий муаммоларни қадриятлар мезони талаблари асосида ҳал қилишга ҳаракат қилдилар.

Шу билан бирга хориж мутахассислари асосий ижтимоий муносабатларида хусусий мулкчилик ривожланган жамият шароитида илм-фаннинг қиммати фоят юқори бўлиши, унинг ҳулосалари холисона ва илмийлиги билан ажралиб туриши лозимлигини исботлашга ҳаракат қилдилар. Ўз навбатида улар социализм дунёсидаги ҳукмрон мафкура-марксизмни танқид қилдилар, бу таълимотдаги синфий қадриятлар мутлоқлаштирилганлиги, революцион ривожланиш усули аҳамият ошириб юборилганлиги нотўғри эканлигини кўрсатишга ҳаракат қилдилар. Жамият марксистик таълимот кўрсатган йўлдан бориши тўғрисидаги фикрга қарши турли қадриятлар тизимлари билан характерланадиган "цивилизациялар эволюцияси", "индустриал жамият", "постиндустриал жамият" ва бошқа назарияларни ўртага ташладилар, замона муаммоларига ўзлари яшаётган жамият манфаатларини кўзлаб ёндашдилар.

Албатта, Ғарб олимлари ижодини фақатгина мақташнинг фойдаси йўқ. Улар мансуб дунёда барча умуминсоний қадриятлар барқарор этилган, бу борада ҳамма муаммолар ҳал бўлган, ушбу олим ва мутахассислар учун қадриятлар мавзусини тадқиқ этилмаган соҳаси қолмаган, деган оптимистик ҳулосаларга келиш учун асослар етарли эмас.

Қадриятларни илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилишнинг ўтган асрдаги йўналишларидан бири - собиқ Иттифоқда яшаган олим, мутахассис ва тадқиқотчиларнинг кўпчилиги мансуб бўлган оқимдир. Хўш, бу йўналиш вакиллари қадриятшуносликни қандай масалаларини ҳал қилдилар? Нималар устида баҳс юритдилар? Аввало, қадриятшунослик алоҳида, мустақил фалсафий фанми? - деган масала кўп баҳсларга сабаб бўлди. Уни "буржуа фани" деган ном билан айблаб таъқиқлаб қўйилди. Мамлакатда И.Сталин ҳукмронлик қилган даврда бевосита аксиология муаммолари билан шуғулланишга изн берилмади. Бу эса асримиз бошида шу соҳада битилган асарларнинг унут бўлишига, олим ва

¹ Esup B. Theory of Value. N.V. Zogonaris. 1969. Roder M. Samothy Tbum. W.N. 1971. Munro T. E[ploration in Personalit N.V.1978.

мутахассисларни қатағон қилинишига олиб келди.

Ўша даврда баъзи мутахассислар қадриятшуносликни мустақил фан сифатида эътироф қилиш нотўғри, деб ҳисоблар эдилар. Масалан, О.Г.Дробницкий фикрича алоҳида ва мустақил қадриятшунослик ғояси хом хаёлдир, қадриятлар муаммосини ўтмиш ва ҳозирги замон файласуфлари мустақил фаннинг баҳс мавзусига айлантиришлари учун асос йўқ¹. Бу фикрга қарши бўлган В.Тугаринов қадриятлар муаммосига эътибор бермаганлик ёки уни бутунлай инкор қилиниши баъзи ижтимоий фанларда /этика, эстетика, тарих, фалсафа тарихида/ қадриятлар билан боғлиқ бир қатор соҳаларни тадқиқ этилмаслигига сабаб бўлди,² деган хулосага келган. Ана шу иккита мисолнинг ўзиёқ собиқ иттифоқда аксиологияни мустақил фан сифатида ижтимоий фанлар тизимига киритиш мумкин бўлмаганини изоҳлайди. Ўша даврда бу йўналишга мансуб қадрият муаммолари билан шуғулланувчи мутахассисларнинг қарашларидаги қуйидаги жиҳатларни тилга олмоқ керак:

- собиқ мафкура ҳукмрон бўлган шароитда ижод қилганликларидан, уларнинг қадриятлар тўғрисидаги қарашлари ва фикр-мулоҳазаларида кўпроқ партиявий-синфий руҳ устунлик қилар, бу йўналиш вакиллари асарларида қадриятларнинг ўша давр ғояларига мос келадиган жиҳатлари ижобий баҳоланар, қолганлари танқид қилинар ёки эътиборга олинмас эди;

- бир қарашда яхлит бўлиб кўринган бу йўналиш мутахассислари орасида ҳам турли хил фикрлар, хулосалар, қарашлар мавжуд бўлиб, бу қадриятлар муаммоси борасидаги илмий асарлар ва изланишларда, қадриятларни таърифлаш, уларни намоён бўлиш ва амал қилиш хусусиятларини изоҳлаш билан боғлиқ турли масалаларда ўз аксини топган;

- ушбу жиҳатлар билан бирга бу йўналишга хос яна бир хусусиятни кузатиш мумкин, яъни қандай мафкура ҳукмрон бўлишига қарамасдан, ҳар қандай даврда ҳам фанда турлича фикрлар, хилма-хил қарашларнинг вужудга келиш жараёни тўхтаб қолмайди. Биз таҳлил қилган йўналиш мавжуд бўлган яқин ўтмиш ҳам шундай. Бу борада ҳам ўтмишдан кўз юмиш эмас, балки ундан сабоқ олмоқ ва хулоса чиқармоқ лозим.

II-боб. "Қадриятлар" категорияси, унинг асосий шакллари

"Қадриятлар" тушунчаси кундалик мулоқотлар ва баъзи илмий адабиётларда турли маънода қўлланилади, мазмуни хилма-хил талқин қилинади. Бу турли-туманлик кўп ҳолларда қадриятни унинг объекти билан айнийлаштириш, нарса, воқеа, ҳодиса ва бошқаларни бевосита қадрият, деб талқин қилишнинг натижасидир.

"Қадрият" - воқеликнинг турли кўринишлари, нарса, воқеа, ҳодиса, жараён, табиат ва жамиятга оид турли жиҳат, хусусият ва бошқаларнинг бирор субъект /шахс, синф, миллат ва бошқа/ учун ижтимоий қадр ва аҳамиятини англатадиган фалсафий-аксиологик тушунчадир. У аксиологиянинг асосий категорияси ҳисобланади ва ўзининг муайян тузилишига (категориал аппаратига) эга.

Қадриятнинг намоён бўлиши шакллари турли хил таҳлил ва классификация қилиш, бу шакллари улар боғланган объектларга қараб тавсифлаш ҳам мумкин. Бундай ҳолда қадрият шакллари объект ва субъект хусусиятлари ҳамда уларнинг намоён бўлиш жиҳатларини илмий-аксиологик таҳлил қилиш имконияти очилади. Шу билан бирга бу таҳлит таҳлил қадрият шакллари орасидаги боғлиқлик, ўзаро алоқадорлик ва фарқларни,

¹ Дробницкий О.Г. Мир оживших предметов. М.: Политиздат. 1967. 349-бет.

² Тугаринов В.П. Теория ценностей в марксизме. Л-д, ЛГУ 1968. 4-5-бетлар

уларнинг ижтимоий аҳамиятини, қадрият шакллари ва динамикасини аниқлаш имконини яратади.

4-мавзу. "Қадрият" тушунчаси, унинг моҳияти ва мазмуни

"Қадрият" тушунчасининг мазмуни ва намоён бўлиш шакллари тўғрисида фикр юритишдан олдин, унинг моҳиятини англаб олмақ лозим. Хўш, қадрият нима? Биз нимага асосланиб бирор киши, нарса, воқеа, ҳодиса, муносабат, фаолият ва бошқаларни қадрлаймиз? Бу саволларнинг биринчиси қадриятни таърифлаш, моҳиятини очиб бериш, иккинчиси эса унинг мазмуни ва тузилишини таҳлил қилишни англатади.

"Қадрият" категорияси ниҳоятда хилма-хил маънода ва турли соҳаларда қўлланилади. Бу ибора кундалик ҳаётда ва муомалада ҳам кўп ишлатилади. "Қадрият" иборасини хилма-хил маънода ишлатилиши, унга берилган таърифларнинг турлича бўлишига олиб келган бўлиши ҳам мумкин. Биз бу мавзуга бағишланган китоб, рисола, мақолаларда унинг элликка яқин таърифларини учратдик, уларнинг янада кўпроқ эканлигига шубҳа йўқ. Ижтимоий фанларнинг қандай соҳасида унга доир тадқиқот олиб борилган бўлса, ушбу тушунчага ўша жиҳатдан таъриф беришга интилиш одат тусига кириб қолган.

Ҳолбуки, қадрият аксиология /қадриятшунослик/ дан бошқа фанларнинг бирортаси учун ҳам хусусий категория эмас. Кундалик ҳаётда, кўпчилик назарида нарсалар, масалан, қимматбаҳо буюмлар, тақинчоқлар, табиат ҳодисалари, ижтимоий воқеалар, жамиятдаги талаблар, орзу-умидлар, анъана ва маросимлар, маданий бойликлар ва бошқалар қадрият сифатида тушунилади. Кишилар ҳаёт ва фаолият жараёнида муқаррар суръатда ўзлари учун бундай қадрият бўлган нарсаларга дуч келадилар, уларни аҳамияти, фойдаси ва қадрини англашга, баҳолашга интиладилар. Бундан ташқари одамлар ўзлари ишониб, гоҳида интилиб, қизиқиб ёки орзу қилиб яшайдиган мақсад, орзу ёки идеалларга ҳам "қадрият" тушунчасини қўллайдилар. Хуллас, кундалик ҳаётда кўпчилик томонидан қўлланиладиган "қадрият" ибораси, одамлар учун бирор зарур аҳамият касб этадиган объект, нарса, ҳодиса ва бошқаларга нисбатан ишлатилади.

Қадриятни аксиология нуқтаи назаридан талқин қилиш унинг объектив асоси, субъектив жиҳатлари, намоён бўлиш шакллари ва хусусиятларини ўрганиш имконини беради. "Қадрият" тушунчасининг объектив асоси табиат ва жамиятда бирор-бир тарзда мавжуд бўладиган зоҳирийликдир. Аммо бу зоҳирийликни собиқ иттифоқ даврида (1976 йил) чоп этилган ўзбек тилида нашр қилинган охириги "Философия луғати"да баъзи файласуфлар талқин қилганларидек, "... табиатнинг, моддий ва маънавий маданиятнинг буюмлари инсон эҳтиёжларини қондириш, унинг мақсадларига хизмат қилиш қобилиятига эгадир. Ана шу маънода уларга қимматдорлар, деб қараш мумкин ва зарурдир", деган маънода тушуниш нотўғри.

Бу таърифда аввало табиат ва маданият буюмлари бирор қобилиятга эгаллиги таъкидланади. Агар буюмлар бирор қобилиятга эга бўлганларида ва ана шу қобилиятлар одамлар учун қадриятга айланганда, табиий-тарихий жараён бутунлай бошқача кечган, инсон учун бирор нарсани яшаш, яратиш эҳтиёжи қолмаган бўлар эди... Афсуски буюмлар бирор қобилиятга эга эмаслар, қобилият эса ижтимоий хусусият бўлиб, одамлар табиат ва маданият буюмларидан, ўз қобилиятларини ишга солган ҳолда, ниманидир дунёга келтирадилар.

Табиат ва маданият буюмларини инсон эҳтиёжини қондириши ва уни мақсадларига хизмат қилиши таъкидланганида, асосан уларнинг фойдаси, қиммати назарда тутилади. Ҳақиқатдан ҳам буюмларнинг иқтисодий қиммати кишилар учун рол ўйнайди, аммо буюмнинг аҳамияти ва қадри ҳисобга олинмаса масаланинг аксиологик жиҳати очилмайди. "Қадрият" категорияси буюм ёки нарсаларнинг иқтисодий қимматини ифодаладиган "қимматдорлик"

тушунчасидан фарқ қилади. Шу билан бирга қадрият фақат буюмларнинг қимматига нисбатан қўлланилмасдан, балки инсон учун қадрли бўлган нарсалар, воқеалар, ҳодисалар, жараёнлар, ҳолатлар, сифатлар, талаб ва тартиблар ва бошқаларни ижтимоий аҳамиятини ифодалаш учун ишлатиладиган фалсафий-аксиологик тушунчадир. Бу тушунчада қадрият объектининг нафақат қиймати, балки ижтимоий аҳамияти, фалсафий-аксиологик мазмуни, жамият ва инсон учун қадрли ҳам ўз ифодасини топади.

Қадрият билан алоқадор бўлган **"Қадр-қиммат" ибораси** кўпроқ маънавият ва ахлоқ тушунчаси бўлиб ҳисобланади. Бу тушунча шахснинг қадр-қиммати ҳақидаги тасаввурини ифодаладиган этика категорияси сифатида талқин қилинади. Ҳақиқатдан ҳам "қадр-қиммат" ахлоқшуносликка оид категория ва у "виждон", "ор-номус" каби ахлоқий тушунчалардан биридир. Бу ибора билан "қадрият" категорияси ўртасида маъно ва мазмун жиҳатидан муайян фарқ бор. Қадрият категориясидан аксиологлар ҳар қандай нарса, шу жумладан, инсоннинг ҳам бирор тарздаги ижтимоий қадрини, аҳамиятини /жумладан қимматини ҳам/ ифодаладиган умумий ва универсал тушунча сифатида фойдаланадилар.

"Қадр ва баҳо" тушунчалари бу борада муҳим аҳамият касб этади. Қадриятлар муаммосига бағишланган; /асосан рус тилидаги/ илмий-фалсафий манбаъларнинг кўпчилигида "қадрият" /"ценность"/ тушунчасини "баҳо" /"оценка"/ тушунчаси билан қиёслаш, уларни бир хил даража ва кўламдаги тушунчалар сифатида қараш ҳоллари учрайди. Бу икки тушунча қиёсланаётганда "қадр" тушунчаси эътиборга олинмайди. Балки, бунинг сабаби рус тилидаги "оценка" ва "цена" сўзларини ўхшаш маъноли /кўпроқ иқтисодий/ тушунчалар эканлиги ва улар ўртасидаги фарққа эътибор берилмаслиги ёки юқоридагидек, /"стоимость"/ - "қимматдорлар" /қадрлият/ /"ценность"/ бўлгани каби "англашилмовчилик" сабаб бўлиши ҳам мумкин? "Қадр" тушунчаси ўзбек тилида серқирра маъно ва мазмунга эга, унинг илмий таҳлили ўзбек тилининг ниҳоятда бойлиги, ундаги баъзи ибора ва сўзларда ўзига хос шарқона фалсафий мазмун борлигидан далолат беради.

Қадриятнинг мазмунини билиб олиш, уни аҳамиятини англаш аввало "қадр", сўнгра "баҳо" тушунчалари маъносини билиш орқали боради. Бунда "қадр" тушунчаси қадрият сифатида қаралаётган объект, нарса, воқеа, ҳодиса ёки бирор идеални субъект учун ижтимоий аҳамиятини англатади. Қадриятнинг субъект билан муносабатида унинг қобилияти эмас, балки таъсири намоён бўлади, бу таъсирни қадриятнинг ўзи баҳолай олмайди, балки субъектлар баҳолайди. Демак, қадриятнинг субъектга таъсирида унинг қадрли, аҳамияти намоён бўлади, субъект ана шу бевосита таъсир натижасида уни аҳамиятини баҳолайди, қадрлига баҳо беради. Баҳода тескари муносабат-субъектни қадрият сифатида қаралаётган объект, нарса, ҳодиса, идеал ва бошқаларга нисбатан муносабати, уни англашнинг бирор-бир даражаси ўз ифодасини топади. Бу жараёнда субъект қадриятга муносабатини баҳо тарзида ифодалайди.

Қадриятнинг мазмуни ҳамда аҳамияти баҳода тўла-тўқис акс этмаслиги, турлича ифодаланиши мумкин. Қадриятнинг ҳақиқий қадрини, мазмуни ва аҳамиятини унинг баҳосига қараб аниқлаш қийин бўладиган ҳоллар ҳам учрайди.

Аслида қадриятнинг қадрини билиш, унинг аҳамиятини англаб олиш ва баҳолаш бир-бири билан узвий боғлиқ жиҳатларни ташкил қилади. Қадриятнинг аҳамияти англаб олинмаса, қадрли тушунилмаса, унга тўғри баҳо бериб бўлмайди. Айнан шу маънода қадриятни баҳолаш унга бўлган субъектив муносабатни ҳам ифодалайди, бу эса ўз навбатида кишиларнинг талаблари, эҳтиёжлари ва мақсадлари билан боғлиқдир. Инсон ниманидир баҳолаётганида ва қадрини аниқлаётганида эҳтиёжлари, талаблари ва мақсадларидан келиб чиқади, ўзининг фойдасини ҳам унутмайди. Бу эҳтиёж, талаб, мақсадлар ва бирор фойда олишни кўзлаш ҳам субъектив хусусиятта эга бўлганлигидан, муайян кишиларнинг у ёки бу қадрият, уни қадрли ва аҳамияти ҳақидаги фикри /баҳоси/ ҳам субъектив ва

нисбийдир. Қадриятни баҳолашда қанча хилма-хил позиция, мақсад, эҳтиёжга эга бўлган субъектлар иштирок этса унинг ҳақиқий баҳосини аниқлаш шунча қийинлашиб боради.

Қадрият объекти. Қадриятшуносликда "қадрият" тушунчаси билан, бу тушунча ифодалаётган объект ўртасида фарқ бор деб қаралади. Бу борада кўпроқ икки хил хатога йўл кўйилади; биринчидан "қадрият" тушунчасини уни объектидан /нарсас, ҳодисас, инсон/ аксиологик нуқтаи назардан фарқлашга эътибор берилмайди, иккинчидан эса уни "фойдалилик", "кераклилик" каби баъзи объектив жиҳатлар билан айнийлаштириш ҳоллари учрайди.

Қадриятларни кишилар учун зарур нарсас, ҳодисас ёки субъект сифатида таърифлаш, яъни уларни айнийлаштириш ҳоллари ҳам бор. Бундай таъриф баъзи тадқиқотларда ҳам учрайди. Яъни, қадриятлар муайян жамият, синф ёки алоҳида шахснинг қизиқишлари ва эҳтиёжларини қондириш учун керак /зарур, фойдали, ёқимли ва ҳк./ бўладиган нарсалар, ҳодисалар ва уларнинг хоссаси ҳамда нормалар, мақсадлар ёки идеаллар тарзида тушунилади. Бу қарашда қадриятларни ўзига хослиги ва маънавий қадри ўз аксини топмайди. Бунинг оқибатида ижтимоий ҳаётни турли маънавий жиҳатларига аксиологик ёндашишнинг аҳамияти мутлақлаштирилади.

"Қадриятлар" категориясини ва уни аниқ шакллари боғлиқ бўлган объектларни /нарсалар, бойликлар, кашфиётлар ва бошқ./ санаш орқали таърифлаш ҳоллари ҳам учрамоқда. Қадриятни муайян, аниқ субъект учун бирор бошқа объектнинг ёки маънавий ҳодисанинг қадрини ифодалайдиган фалсафий-аксиологик тушунча сифатида қаралмасас, бундай таърифлар сон-саноксиз бўлиши аниқ. Негаки, дунёда қадрланадиган нарсас-ю ҳодисалар, воқеас-ю, жараёнлар, жойлар ва сифатлар, идеал ва мақсадлар ниҳоятда кўп. "Қадрият" тушунчаси эса уларнинг бирортаси учун ҳам тўғридаи тўғри исм, атама ёки бевосита ном бўла олмайди.

Қадриятларнинг субъекти масаласи қадриятшуносликда муҳим ўрин тутасди. Қадрият билан боғлиқ алоқаларнинг субъекти инсон бўлиб, муайян тарихий жараёнда бундай муносабат субъекти оила, жамоас, синф, халқ ва бутун жамият ҳам бўлиши мумкин. Баъзи тадқиқотчилар назарида қадриятлар эҳтиёжлардан вужудга келасди ва айрим эҳтиёжлар қадриятга айланиб боради. Бошқалари эса қадриятлар муайян жараён, ҳодисас ёки воқеанинг субъект амал қилиши учун зарур бўлган аҳамиятини ифодалайдиган ҳолати, дейиши ҳам мумкин.

Айрим тадқиқотчилар қадриятларни талқин қилишда субъектив омилнинг аҳамиятини бўрттириб юбормаслик учун, уни объект ва субъект муносабатларини ифодалайдиган категория сифатида қарайдилар. Ҳақиқатан ҳам қадриятларни объектив жиҳати рад қилинадиган бўлсас, ҳақиқий субъективизм таъсирига тушиб қолиш мумкин. Кишилар учун объектнинг қадри унинг ижтимоий аҳамиятида, инсон ҳаёти ва фаолиятидаги ролидадир. Бунда объект қадри уни аҳамиятидан фарқ қиласди, деб ҳисоблаш лозим. Чунки объект қадри билиш жараёнида аниқланадиган объектив аҳамиятидан фарқ қилиб, субъектнинг бевосита реакцияси орқали белгиланади. Бунда ушбу объектни субъект ҳаётини тажрибасидаги ўрни, уни эмоционал англаб олиши, унга нисбатан субъект муносабати асосий мезон ролини ўтайди. Ушбу йуналиш билан боғлиқ мутахассислар орасида идеалларни, мақсадларни, ахлоқий талабларни ҳам қадрият сифатида қараш мумкинлигини эътироф этадиганлар ҳам бор. Бунда улар жамиятдаги мавжуд маънавий-ахлоқий жараёнларга ва уларнинг одамлар учун аҳамиятига катта эътибор берадилар.

Баъзи идеаллар, мақсадлар ҳам жамият тараққиёти давомида кишиларнинг бир қисми учун қадрият сифатида қаралиши мумкин. Аммо "қадрият" тушунчаси фақат идеаллардан иборат эмас. Негаки, ана шундай бўлиб қолганида: 1) уни алоҳида категория сифатида ўрганиш зарурати қолмаган бўлар

эди; 2) қадриятларни моҳияти ва мазмунини ўрганиш учун бир қатор идеаллар таърифлаб қўя қолинарди; 3) қадрият шаклларини аниқлаш, улар ўртасидаги муносабатларни ўрганиш ҳам осонлашар эди.

Демак, қадриятни фалсафий-аксиологик тушуниш, уни кундалик ҳаётдаги ишлатиш маъносидан фарқ қилади. Бу эса "қадрият" тушунчасини унинг ўзи боғлиқ бўлган объектдан фарқлаш /асло ажратиш эмас/ билан бирга, уни объектларнинг турли жиҳатлари /фойдалилик, кераклилик/ билан айнийлаштирилмаслик имконини беради. Шу маънода **"Қадрият" тушунчаси** - воқеликнинг моддий, маънавий ва идеал тарзда зоҳир бўладиган турли-туман шакллари, кўринишлари, нарсалар, ҳодисалар, жараёнлар, муносабатлар, турли сифатлар, хусусият, ахлоқ ва маънавийлик мезонлари ҳамда бошқаларнинг субъект учун ижтимоий аҳамияти ва қадрини ифодаладиган энг умумий аксиологик категориядир.

Қадриятлар одамлар томонидан, гарчанд улар битта жамиятда, бир даврда ва ўхшаш шароитларда яшаётганларига қарамасдан, турлича тушунилади ва хилма-хил талқин қилинади. Тараққиёт жараёнида кишиларнинг қадриятлар тўғрисидаги тасаввури ва қарашлари ўзгариб боради.

Қадриятларнинг аҳамияти доимо ҳам бир хил бўлавермайди. Ижобий ва салбий қирралар, хилма-хил жиҳатлар ҳар қандай қадриятнинг турли томонларини ташкил қилади. Ижобийлиги ва салбийлиги, баҳоланиши ва аҳамиятига кўра бирига мутлақо зиддек бўлиб кўринадиган яхшилик ва ёмонлик, ҳақиқат ва ҳақсизлик, бахт-саодат ва ғам-кулфат, эволюция ва революция, тараққиёт ва таназзул, туғилиш ва ўлим, борлик ва йўқлик каби тушунчалар инсон ҳаётининг бирига зид ва чамбарчас боғланган томонларини ифодалайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қадриятлар жамият ривожини ва кишилар ҳаётининг турли даврларида турлича аҳамият касб этади. Тарихий заруриятга мос равишда гоҳ у, гоҳ бу қадрият ижтимоий тараққиётнинг энг олдинги поғонасига чиқиб олади, бошқаларини хиралаштиргандай бўлиб туюлади. Натижада ижтимоий ривожланиш ва тараққиёт қонуниятларига мос равишда, олдинга чиқиб олган қадриятга, уни барқарор қилишга нисбатан интилиш кучаяди. Масалан, юртни ёв босганда - озодлик, империя ҳукмронлиги ниҳоясида - истиқлол, уруш даврида - тинчлик, тутқунликда - эркинлик, касал ва беморлик онларида сиҳат-саломатлик асосий қадриятга айланади.

Ҳар қандай давр, жамият, давлат, дунёқараш ва мафкура шакли, ижтимоий-тарихий бирликлар /уруғ, қабила, элат, халқ, миллат/, ижтимоий субъектлар ва бошқалар ўзига хос қадриятларга эга бўлади. Уларнинг орасида асосий ва асосий бўлмаган қадриятлар муайян ўринни ташкил қилади, турли ҳолатларда намоён бўлади. Жамият ривожининг муайян даври ёки бирор давлатда ҳам ана шундай қадриятлар мавжуд бўлади-ки, у ўша давр, жамият ва давлат кишилари, уларнинг фаолияти учун умумий мезонлар вазифасини ўтайди. Ҳар бир ижтимоий-тарихий бирлик, синф ва партиялар ҳам ана шундай қадриятлар асосида фаолият кўрсатадилар, улардан фойдаланадилар ёки уларга эришишнинг турли усулларини қўллайдилар.

Қадрият шаклларини аниқлашда ана шу жиҳатлар мавжуд эканлигини унутмаслик, унинг аниқ шакли бирор давр, ижтимоий бирлик, соҳа, жараён ва бошқаларга тегишли қадриятларнинг асосий бўғинлари орасида қандай ўрин эгаллаганлигини назардан қочирмаслик лозим.

Қадриятларнинг асосий шаклларини аниқлаш борасида бир хил позиция йўқ. Уларни ҳаёт қадриятлари ва маданий қадриятлар, моддий ва маънавий қадриятлар, кадрли нарсалар, кадрли воқеа, ҳодиса, идеал ва талаблар, объектив қадриятлар (объектив аксиология вакиллари) ёки субъектив қадриятлар (субъектив аксиология вакиллари) сифатида қарашлар мавжуд. Бундай қарашларнинг асосида кўп ҳолларда объект ва субъект, моддийлик ва маънавийликка кўпроқ эътибор бериш, қадриятларни улар билан боғлаб талқин

қилиш ётади.

Таъкидлаш лозимки, қадрият шакллари классификациясида икки хил принцип кўзга ташланади: уларнинг инсон учун қадри ва аҳамияти ҳисобга олинади, ёки қадрият шаклларининг бирор субъект ёки объектга боғлиқлигига эътибор берилади. Биринчи ҳолатда инсоннинг яшаши, ҳаёти ва умргузаронли учун ўз аҳамиятини доимо сақлаб қоладиган, одам зотининг сиҳат-саломатлиги, умрининг мазмуни, моддий ва маънавий таъминланганлиги кабилар умуминсоният учун энг қадрли жиҳатлар сифатида эътироф этилади. Асрлар давомида кишилар билан ҳамроҳ бўлиб келаётган маънавийликнинг теран қирралари ва юксак ахлоқий талаблар, қонун-қоидалар ҳам ана шуларга алоқадор бўлиб ҳисобланади.

Кўпгина қадриятлар ҳақиқатан маънавийдир,- дея фикр юритган баъзи олимлар, бутун бир моддий қадриятлар олами ҳам бор, уларнинг қаторига аввало инсонни ўраб турадиган табиий муҳитни киритиш керак, деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича яна экологик, моддий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий, эстетик ва идеал қадриятлар мавжуд.

Бу борадаги нуқтаи назарларнинг таҳлилини давом эттириш мумкин, аммо уларни диққат билан ўрганиш ҳамда қадрият шакллари бир-биридан фарқланадиган икки катта гуруҳга бўлиш йўлидан бориш, асосан "моддий қадриятлар" ва "маънавий қадриятлар" иборалари қўлланганлигидан далолат беради.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, "моддий қадриятлар" ибораси қўлланилганда кўпгина ҳолларда табиатдаги нарса, буюм, ҳодиса ва бошқаларни қадрият ва уни шакллари билан айнийлаштириш хавфи туғилади. Аслида эса табиат, уни бўлаклари, нарсалар қадрланадилар, уларнинг қадри англанади ва "қадрият" тушунчасида ифодаланади, табиатда қадрият номи билан аталадиган бирор нарса, жисм, буюм йўқ, балки қадрланадиган нарсалар, жисм ва буюмлар бор. Бу маънода қадрият исм ёки атама эмас, балки тушунчадир, деб эътироф этишга тўғри келади. Жамиятда ҳам шундай, қадрият номли бирор субъектни топа олмаймиз, балки қадрланадиган кишилар, воқеалар, идеялар, мақсадлар, нарса ва ҳодисалар бор, деган фикр туғилади.

Қадриятшуносликда инсон, миллат, жамият ҳаёти ва фаолияти учун доимий ва муттасил мавжуд бўлган қадрият шакллари ифодалайдиган **"Абадий қадриятлар"** тушунчаси ҳам қўлланилади. Оила, маҳалла, давлат ва жамият институтлари, миллат, тил, дин, авлодлар ўртасидаги ворисийлик, тарих ва тарихий хотира, тинчлик, барқарорлик, озодлик ва фаровонлик каби инсон учун ҳамма вақт зарур бўладиган, ҳеч қачон ўз қадрини йўқотмайдиган энг юксак тушунча ва тамойиллар абадий қадриятларлар сифатида намоён бўлади. Бу қадриятлар асрлар давомида дунёдаги буюк маърифатпарвар аллома ва мутафаккирларнинг эътиборида бўлиб келган. Хусусан, халқимизнинг бебаҳо маънавий мероси бўлмиш "Авесто" китобидаги "Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал" тамойили, Имом Бухорий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Алишер Навоий сингари улуғ аждодларимизнинг асарларида ифода этилган адолатли жамият, комил инсон, тинчлик ва фаровонлик ғоялари бугунги кунга қадар ўз аҳамиятини йўқотмасдан келмоқда. Ғарб қадриятшунослигида М.Шелер ва Н.Гартман томонидан яратилган "Абадий ахлоқий қадриятлар" назарияси эътироф этилган. Унга кўра одамзот авлодлари оламга келиб, ўз умрини яшаб кетаверади, замонлар алмашаверади, бир давр ўрнига иккинчиси келади, аммо сиҳат-саломатлик, умр мазмуни, бахт-саодат, эзгулик кабилар инсоният учун абадий қадрият сифатидаги аҳамиятини сақлаб қолаверади.

Ҳамма замонларда ҳам абадий қадриятларларни асраб-авайлаб, келгуси авлодларга безавол етказиш учун тинимсиз кураш олиб борадиган фидойи инсонлар билан бирга, бу йўлда тўсиқ бўладиган, уларни сохталаштириб, одамзотни асл инсоний қиёфасидан маҳрум этишга уринадиган вайронкор

кучлар ҳам албатта бўлади. Президент Ислон Каримов “Юксак маънавият – энгилмас куч” китобида ҳозирги мураккаб глобаллашув замонид абадий қадриятларни сохталаштиришга қаратилган ана шундай таҳдид ва хатарларнинг моҳиятини, ғаразли мақсадларини ҳар томонлама очиб, уларга қарши курашиш йўлларини кўрсатиб берган, қадриятларни асраб-авайлаш ва келажак авлодларга безавол етказиш зарурлигини алоҳида таъкидлаган.

"Қадриятлар" аксиологик тушунча тарзида талқин қилинганида, унинг намоён бўлиш шаклларини: 1) тарихийлик ва мантиқийлик жиҳатлари замонавий аксиологик нуқтаи назаридан ҳал қилинади; 2) ижтимоий-сиёсий ва маънавий жараёнлар, жамият ва инсон ҳаётидаги ўзгаришлар билан боғлиқлиги таъкидланади; 3) ижтимоий аҳамиятини ва улар орасидаги фарқни аниқлаш осонлашади; 4) бир-бири билан ўзаро алоқасини ўрганиш ҳамда уларнинг намоён бўлиши билан боғлиқ асосий жиҳатларини таҳлил қилиш имкони туғилади.

"Қадриятлар" категориясининг тузилиши таҳлил қилинганида у боғлиқ бўлган объект ва қадриятнинг аҳамияти ҳамда қадрини сезаётган, ўрганаётган, англаётган /ва ҳоказо/ субъектга алоҳида эътиборни қаратиш зарур. Зеро алоҳида киши учун бир томондан башарият, табиат билан, иккинчи томондан эса, инсоният ва жамият билан боғлиқ қадриятлар ўз аҳамиятини сақлаб қолади. Ушбу маънода умумбашариятга ва умуминсониятга алоқасига қараб ажратиладиган қадрият шаклларини кўрсатиш мумкин. Улар башарият ва инсониятга тегишли табиий-ижтимоий воқеликнинг энг умумий шакллари, кўринишлари, хусусиятлари ва жиҳатлари билан боғлиқликда намоён бўлади, (яъни ўзлари таянадиган объектга эга бўладилар). Бундай ҳолда ана шу қадрият объектларининг асосий жиҳатларини ўрганиш имкони очилади:

МОДДИЙ ҚАДРИЯТ ОБЪЕКТЛАРИ

1. Мавжудлик ҳолати
2. Табиатдаги /макондаги/ўрни
3. Хусусиятлари ва хоссалари
4. Макондаги боғланишлари ва алоқалари
5. Одамзод учун аҳамияти ва қадри

МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТ ОБЪЕКТЛАРИ


1. Мавжудлик ҳолати
2. Табиат ва жамиятдаги ўрни
3. Ижтимоий сифати ва хусусиятлари
4. Жамиятдаги алоқа ва муносабатлар билан боғлиқлиги
5. Инсон учун аҳамияти ва қадри

Бу хусусиятлар қадрият шаклларини тавсифлаш, уларнинг аҳамиятини изоҳлашда қўл келади. Шу билан бирга умумбашарий ва умуминсоний қадрият иборалари аксиологик жиҳатдан боғлиқ тушунчалар эканлигидан далолат беради. Орадаги фарқ қадрият шаклларини аксиологик таҳлилида, уларни башариятдаги нарса ва ҳодисалар ёки инсониятга хос ижтимоий субъектлар ва жараёнлар билан боғлаб ўрганишда кўзга ташланади. Кундалик мулоқотда эса бу фарққа кўпчилик эътибор бермайди, юқоридаги ибораларни бир хил маънода қўллаш ҳоллари кўп учраб туради. Аммо бундай мулоқотларда аксарият ҳолларда "қадрият" тушунчаси ўз объекти билан айништирилади, кўпроқ маданият ҳодисалари ёки ахлоқий тушунчаларни "қадрият", дея номлаш ҳоллари рўй беради.

Қадриятларга ҳар қандай қараш нисбий хусусиятга эга. Ҳеч бир нуқтаи назар ва классификация қадриятларни тўлиқ қамраб ололмайди ва мутлақ ҳақиқат даражасига кўтарила олмайди. Қадриятларни намоён бўлиш шаклларини ҳар қандай классификацияси уларни фалсафий-аксиологик англаш воситаси, шу билан бирга қадриятлар турли-туманлигининг инъикоси ҳамда ушбу инъикосининг

ифодаси, холос.

Маълумки, башарият, олам, табиат ва жамиятда ажабтовур қонуний, зарурий уйғунлик мавжуд. Қадриятларнинг намоён бўлиш шаклларини ҳам уларга мос равишда ана шундай уйғунликда, қонуний боғланишда, умумий алоқадорликда таҳлил қилиш мумкин. Бундай ҳолатда уларнинг классификациясида табиат, жамият, нарса, воқеа, ҳодиса, жараёнлар муайян кўламда, қадрият шакллари эса улар билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади.



Одам зотининг биологик, табиий-тарихий қадриятлари

Инсонинг ижтимоий, шахсий-индивидуал қадриятлари

Бирмоқ керак. макон ва замонда ушбу қадрият объектлари борлигининг бирор шакли, жиҳати, воқеликнинг бирор қисми, оламдаги нарсалар ва атроф-муҳитни энг муҳим томонлари сифатида намоён бўлади. Ушбу маънода қадриятларнинг умумбашарий, умумсайёра ва минтақавий, бирор кичик худуд ёки жойга боғлиқ бўлган шаклларини кўрсатиш мумкин.

Бунда умумийлик, хусусийлик ва алоқадорликнинг диалектикаси замонавий атамалар "глобал", "зонал" ва "локал" қадрият объектларининг ўзаро муносабати тарзида зоҳир бўлади. Биз бу борада атрофлича фикр юритиш мақсадида эмасмиз ва китоб ҳажми бунга имкон бермайди. Қолаверса, мавжуд атамалар билан боғлиқ жараёнлар диалектикаси илм-фанда кенг муҳокама қилинмоқда, бу борада тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мазкур илмий мулоҳазаларимиз борасида эса биз умумбашарий қадрият объектларини ва уларни намоён бўлиш шаклларининг қисқача тасифини бермоқчимиз холос.

1. Инсониятни ўраб турган борлиқ, атроф-муҳит ва табиатнинг энг муҳим томонларини, оламдаги умумий боғланишлар ва алоқадорликларнинг субъект учун ижтимоий қадри ва аҳамиятини ифодаладиган қадриятлар умумбашарий хусусиятга эгадир. Бундай қадрият шакллари инсон онгига боғлиқ бўлмаган, кишилар иродасига бўйсўнмайдиган ташқи олам ва борлиқнинг яшаши, ҳаракати, макон ва замондаги ўзгаришлари билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Умумбашарий қадриятларнинг объектив асослари инсоният учун мутлақ ҳақиқат

сифатида мавжуд, уларнинг борлиги, зарурлиги, инсон ва жамият учун аҳамияти абадий, мавжудлиги эса инсоният конунлари, талаб ва эҳтиёжларидан устун туради.

2. Умумсайёра аҳамиятига молик қадрият объектларининг қадри-қиммати ҳам шундай. Масалан: Ер - сайёрасини атмосфера қатлами ўраб туради. Бу қатламнинг инсон ва умуман ижтимоий субъектлар учун ниҳоятда зарурлиги ва қадри-қиммати тўғрисида баҳс ҳам бўлиши мумкин эмас. Унинг сайёрамиз ҳаёти, ерда тириклик ва инсоннинг мавжуд бўлиши учун қадри ва аҳамияти ниҳоятда катта. Ҳолбуки, бу қатлам бўлмаса ҳам Ер - сайёра сифатида яшаши мумкин, аммо бу қатламсиз тирикликни, инсон ҳаётини, ҳайвонот ва ўсимликлар оламини тасаввур қилиш мумкин эмас.

3. Бирор минтақа миқёсидаги қадриятларнинг объектив асослари эса ана шу ҳудуд аҳолисига объектив яшаш шарти ёки этник макон ва бошқалар сифатида таъсир қилади. Бу таъсир гоҳида минтақа миқёсидан чиқиши, у ёки бу минтақавий қадрият аҳамияти умумсайёравий хусусият касб этиши ҳам мумкин (Масалан, Орол денгизини ижтимоий аҳамияти билан боғлиқ муаммолар). Минтақавий қадриятлар билан боғлиқ ҳудудни муайян ҳолларда бир неча миллат, элат, халқ ва давлат аҳолиси учун умумий ватан сифатида тушунилиши ҳоллари ҳам учрайди. Ҳозирги даврда ишлатилаётган "Марказий Осиё", "Яқин Шарқ" ёки "Кариб денгизи ҳавзаси" каби ҳудудий атамалар аҳамияти жиҳатидан ана шундай маънони англатади.

Демак қадриятларни башарият ва уни бир қисми Она-Ер сайёраси табиати билан боғлиқ шакллари учун асос бўладиган объектлар:

- инсонга яшаш ва фаолият кўрсатиш имконини беради, жамият ҳаётини табиий асосини ташкил қилади, кишиларни табиий эҳтиёжлари ва талабларини қондиради;

- ҳаётни зарурий шарти сифатида ижтимоий тараққиётни ҳамма даврларида мавжуд бўлади, ўз аҳамиятини сақлаб қолади, хусусиятларини ва сифатларини турли-туман тарзда намоён қилади;

- бу борадаги қадриятлар кашини ўраб турган борлиқ ёки табиий муҳитнинг хусусияти, кўриниши, сифати билан ҳам боғлиқ намоён бўлиши мумкин. Бу ҳолда ҳар бир қадрият объектнинг аҳамияти ва қадри-қиммати инсон учун беқиёс бўлади. Инсонни ўраб турган ўсимлик, ҳайвонлар дунёси, тоғу-даралар, дарё-ю кўллари йўқотиш, турли ўзгаришларга мажбур қилиш катта фожеаларга сабаб бўлиши сир эмас. Бу борада қуриб бораётган Орол денгизи ва у билан боғлиқ бўлган қуйидаги аксиологик жиҳатни мисол келтириш мумкин. Оролга етмасдан қолаётган Аму ва Сирдарё сувлари қанчалик фойда келтирмасин, у иқтисодий қийматга эга. Бу фойда ҳеч қачон Оролнинг минтақа ва инсоният учун қадри ҳамда ижтимоий аҳамиятининг ўрнини боса олмайди.

Кишилар узоқ вақтлар қадрият объектнинг аҳамиятини англамасликлари ҳатто уни қадрламасликлари ҳам мумкин. Масалан, одамлар ёғоч ва тош қуроллардан фойдаланишдан, бронза ва темир қуролларни кашф этишларига қадар минглаб йиллар керак бўлган. Ҳолбуки, табиатда темир жисмлар одамларни ҳамма вақт ҳам қуршаб турган.

Жамиятнинг яшаши ва одамларнинг ҳаёт кечириши учун юқоридаги қадриятлар билан бирга жамиятдаги **умумижтимоий** ва **умуминсоний қадриятлар** ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, илмий-фалсафий мулоҳазаларда "умумижтимоийлик" ва "умуминсонийлик" бир хил даража ва кўламга эга бўлган тушунчалар сифатида эътироф этилмоқда. Кейинги йилларда "умуминсонийлик" тушунчаси кўпроқ қўлланилмоқда. Умумижтимоийликда жамият, унинг ижтимоий қиёфаси, ижтимоий жараёнлар ва реалликнинг ижтимоий ҳаракат шакли билан боғлиқ воқеа, ҳодиса, хусусият ва жиҳатлар ўз ифодасини топади. Умуминсонийликда эса инсон ва инсониятга хос белгилар, одам зотининг табиий-биологик, шахсий ва инсоний хусусиятлари ҳамда

жиҳатлари акс этади.

Ушбу китоб ҳажмини ҳисобга олган ҳолда, биз мазкур масалада атрофлича фикр юритиш имкониятига эга эмасмиз, у алоҳида тадқиқот учун мавзу бўлиши мумкин. Биз эса бу тушунчалар ва улар билан боғлиқ қадрият шакллари орасида чамбарчас алоқа билан биргаликда аксиологик жиҳатдан баъзи фарқлар мавжудлигини таъкидламоқчимиз холос. Бу қадрият шаклларининг намоён бўлишида қуйидаги бир қанча жиҳатларни алоҳида таъкидлаш лозим:

1. Улар кишиларга ҳаётнинг мазмунини чуқурроқ тушуниш, жамият қонун-қоидаларидан ижобий фойдаланиш, ўзларининг ҳатти-ҳаракатларини ана шу маънавий мезонлар талабига мос тарзда амалга ошириш имконини беради. Бундай қадрият шакллари ижтимоий тараққиёт жараёнида бирор-бир тарзда намоён бўлиб, инсоннинг табиатга ва бошқа кишиларга муносабатларини ўзида акс эттиради ҳамда жамиятнинг ривожига таъсир кўрсатади.

2. Улар ўз табиатига кўра бирор-бир керакли ахборот беради, кишининг маънавий оламини бойитади, яшашнинг ҳақиқий мезонларини белгилайди, одамлар интиладиган идеал, азалий орзу, эзгу мақсад сифатида намоён бўлиши ҳам мумкин.

3. Бу қадрият шакллари муайян кишилар, гуруҳлар ва умуман ижтимоий субъектлар томонидан нотўғри тушунилиши, талқин қилиниши, қабул қилинмаслиги, рад қилиниши, танқид остига олиниши, таъқиқлаб қўйилиши ҳам мумкин. Аммо бу уларнинг қадри ёки аҳамиятини бутунлай йўқотиб юбора олмайди.

4. Улар давр ва замона силсилалари орасидан ўзларига йўл очадилар ва асрлардан асрларга ўтиб, инсоният учун муайян қадрларини намоён қилиб бораверадилар. Кишиларнинг маънавий олами, яшаш усули, турмуш тарзи, ҳатти-ҳаракатлари ижтимоий фаолиятнинг асосий мезонлари даражасига кўтарилганларида ўз аҳамиятларини тўла-тўқис намоён қилишлари учун имконият бўлади.

5. Уларнинг қадри ва жамият учун аҳамиятини моддийлик қонуниятлари орқали изоҳлаш, баҳосини эса моддий фойдаси билан ифодалаш қийин. Бу баҳо замон ўтиши билан ўзгариши, янгича изоҳланиши ва турлича ифодаланиши ҳам мумкин.

6. Умуминсоний қадрият шакллари орасидаги фарқлар асло мутлақ эмас, балки нисбийдир. Улар орасида ўтиб бўлмас чегаралар йўқ. Қадрият объектларини маконда намоён бўлишини моддий, умумбашарий, умумсайёравий, минтақавий шакллари орасидаги чегараларни аниқлаш нисбатан осонроқ кечиши мумкин. Аммо бу ҳолатда ҳам хулосаларимизда нисбийлик сақланиб қолади, бундай нисбийлик ижтимоий қадриятлар, айниқса умуминсоний, миллий, синфий ва бошқа қадрият шакллари ҳамда улар ўртасидаги муносабатларни таҳлил қилаётганда янада яққолроқ кўзга ташланади.

Мавзунинг фалсафий-тарихий таҳлили, бу борадаги замонавий қарашлар, "қадриятлар" тушунчасининг моҳияти, аксиологик мазмуни, намоён бўлиш шакллари тўғрисидаги фикр ва мулоҳазалар ана шулардан иборат. Ҳолбуки, бу масалаларга тўхталмасдан туриб қадрият тизимлари, уларнинг амал қилиши ва ўзгариши тўғрисида фикр юритиш мумкин эмас. Қадрият тизимларининг амал қилиш хусусиятлари, бу борада кузатиш мумкин бўлган мутаносиблик ва номутаносиблик, уйғунлик ва тафовутлар, ўзаро алоқадорлик ва зиддият, боғланиш ва қарама-қаршилиқ, инкор ва ворислик диалектикаси билан боғлиқ жиҳатларнинг таҳлили борасида ҳам худди шундай дейиш мумкин.

5-мавзу. Моддий қадриятлар

Моддий ва маънавий қадриятлар уйғунлиги. Қадриятларнинг намоён бўлиш шакллари орасида моддий ва маънавий қадриятлар алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу

қадриятларнинг ўзаро алоқаси ва нисбати инсон ҳамда жамият ҳаёти ва фаолиятида моддий ҳамда маънавий асосларнинг бир-бирига мослиги, алоқадорлиги ва боғлиқлигини ифодалайди.

Маълумки, ҳаёт моддий ва маънавий омиллар бирлигидан иборат. Худди тирик инсон танасини унинг руҳидан, исмини эса жисмидан ажратиб бўлмагани сингари, жамиятнинг моддий ва маънавий жиҳатларини ҳам бир-биридан ажратиш ва уларнинг бирини иккинчисидан устун қўйиш мантиққа зиддир.

Бу масаланинг мазмун-моҳияти Президентимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида чуқур ва атрофлича очиб берилган. Китобда ушбу мавзунинг асрлар давомида қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келаётгани, яъни, одамнинг кундалик ҳаёти ва фаолиятида моддий ва маънавий асослар бир-бирига нисбатан қандай ўрин тутиши, уларнинг қайси бири устуворлик касб этиши ҳақида турли-туман, баъзан эса зиддиятли фикр ва қарашлар мавжудлиги ва бундай тортишувлар ҳозиргача давом этаётгани алоҳида таъкидланган. Бу борада ҳар биримиз онгимиз ва тафаккуримизга сингдириб олишимиз, фаолиятимизда доимо асосланишимиз лозим бўлган қуйидаги фикр ва хулоса бугунги ҳаёт ҳақиқатини ҳамда ушбу масалани тушунишнинг методологик мезонларини ифодалайди: “Ушбу масалага чуқурроқ ва атрофлича назар ташлайдиган бўлсак, аввало шуни айтиш керакки, бу кўҳна дунё, биз яшаётган ҳаёт ягона, яхлит бир воқелиқдир. Шундай экан, моддий эҳтиёжларни инсоннинг руҳий оламига қарама-қарши қўйиш, уларнинг бирини устун деб билган ҳолда, тирикликнинг асосий мақсади сифатида қабул қилиш қандайдир бирёқлама қараш ифодаси, деб айтсак, хато бўлмайди. Қолаверса, бу масалага бундай кескин ёндашув, хусусан, одамнинг руҳий дунёсини менсимаслик, уни иккиламчи ўринга қўйиш охир-оқибатда жамият ҳаётида инқирозга олиб келиши муқаррар эканини тарих кўп мартаба исботлаган. Бир сўз билан айтганда, инсон ўз тимсолида ҳам моддий, ҳам маънавий хусусият ва аломатларни мужассам этган ноёб хилқат, Яратганнинг буюк ва сирли мўъжизасидир. Шунинг учун ҳам унинг ички дунёси, унга ато этилган фазилат ва хислатларни охиригача англаш, тушунишнинг ўзи ўта мураккаб бир масала. Мана шундай қараш ва фикрларни умумлаштириб, инсонга хос орзу-интилишларни рўёбга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қиёсласак, ўринли бўлади. Қачонки ана шу икки муҳим омил ўзаро уйғунлашса, том маънодаги қўш қанотга айланса, шундагина инсон, давлат ва жамият ҳаётида ўсиш-ўзгариш, юксалиш жараёнлари содир бўлади.”

Мазкур хулоса моддий ва маънавий қадриятларнинг намоён бўлиш шакллари орасидаги ўзаро боғлиқлик ва уларнинг амалиётидаги хусусиятларини англаш учун методологик асос эканлиги шубҳасиз. Ушбу қадрият шаклларининг маъно-мазмуни, уларнинг инсон ва жамият ҳаётидаги аҳамияти, ҳозирги даврдаги долзарб масалаларини таҳлил қилишда ҳам мазкур асосга таяниш лозим.

Инсоният пайдо бўлганидан буён Ер сайёраси унинг абадий макони, умумий Ватанидир. Қуёш юлдузлари тизимидаги ана шу митти сайёрада яшаётган кишилар учун, умумбашарий маънода, одамзотнинг умри, ҳаёти ўтадиган жой ва ҳудудлар, улар билан боғлиқ барча нарсалар, ўзгариш ва жараёнларнинг аҳамияти юксак қадрланади. Шу маънода, **“Моддий қадриятлар”** одамзот яшаётган макон, инсониятни ўраб турган табиий муҳит, унинг ҳаёти кечадиган шарт-шароитлар, жамиятнинг мавжудлиги ва умргузаронлигини таъминлайдиган иқтисодий омиллар мажмуини, уларнинг қадри ва аҳамиятини англатадиган тушунчадир.

Азал-азалдан бирор бир давлат ҳудудидаги одамлар турмуши, цивилизациянинг муайян даврларидаги яшаш учун қадрли бўлган моддий ҳаёт ва унинг турли шаклларига нисбатан моддий қадриятлар тушунчаси қўлланилади. Шу билан бирга, ҳар бир инсон учун яшаш макони, одамзотини ўраб турган табиий муҳит, жамият ҳаёти кечадиган шарт-шароит, унинг мавжудлиги ва

умргузаронлигини таъминлайдиган иқтисодий омиллар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу борада жамиятнинг моддий ҳаёти ва одамларнинг шу йўналишдаги эҳтиёжлари алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу қадриятларсиз инсониятнинг мавжудлигини, унинг яшаши ва ҳаёт кечиришини тасаввур қилиб бўлмайди.

Моддий қадриятлар аввало, кишиларнинг яшаб турган, авлод-аждодлари туғилиб ўсган жой, ҳудуд, ижтимоий муҳит, мамлакатни англатувчи “Ватан” тушунчаси билан узвий боғлиқдир. Ватан кенг маънода – бутун бир халқ, унинг аждодлари азалдан истиқомат қилиб келган макон бўлса, тор маънода – киши туғилиб ўсган уй, маҳалла, шаҳар ёки қишлоқдир. Ватан тушунчаси асрлар давомида ижтимоий-иқтисодий тараққиёт муносабати билан ўзгариб, кенгайиб, ривожланиб келган. Қадимда муайян қабила яшаган жой унинг Ватани саналган. Жондош ва тилдош қабилаларнинг узвий иттифоқидан элат пайдо бўлган, элат яшаган ҳудуд эл, деб аталган. Масалан, ўзбек халқ дostonларида Чамбил эли ибораси кўп тилга олинади.

Муайян ҳудуд доирасида марказий бошқарувнинг пайдо бўлиши билан Ватан сўзи халқ ва давлат тушунчаларини ҳам англата бошлаган. Халқнинг тили, маданияти, иқтисодий турмуши, маънавияти равнақ топиши натижасида кишилар ўртасида муштараклик шаклланади. Ўзбекистон Республикаси миллати, тили ва динидан қатъи назар, шу заминда яшаётган барча инсонларнинг Ватанидир. Бу ўринда давлат ва Ватан айна бир маънони ифодалайди, яъни Ўзбекистон Республикаси деганда Ватанимизни тушунамиз, Ватан деганда Ўзбекистонни тасаввур этамиз.

Собиқ мустабид тузум даврида ҳукмрон мафкура биз учун асл Ватан тушунчасини сохталаштириб, қалбимиз ва онгимизга мавҳум Ватан тушунчасини сингдирмоқчи бўлди. Ўзбеклар учун умрида бориб кўрмаган, минглаб километр узоқликдаги гиёҳ унмайдиган, ойлар давомида қуёш юз кўрсатмайдиган жойлар ҳам гўёки Ўзбекистон билан бир қаторда Ватан эди. Ҳолбуки, Ватан – тарихан шаклланган, аниқ тушунча. Мустақиллик халқимиз онгида ҳақиқий Ватан ҳисси, она-юрт тушунчасини мустаҳкамламоқда. Дунёдаги ҳар қайси мустақил давлатнинг манфаати унинг ҳудудида яшаётган халқ учун Ватан манфаатидир. Ватан ва унинг фарзанди бўлган инсонларнинг шахсий манфаатлари ўзаро уйғунлашиб кетади. Чунки Ватан бўлмаган тақдирда инсоннинг шахсий манфаатларини таъминлаш – она тилида мулоқот қилиш, миллий қадриятлари билан фахрланиш, аждодлар анъанасини муносиб давом эттириш имконсиз бўлиб қолади. Ватанга муҳаббат унинг манфаати йўлида қайғуриш, аждодлар меросига садоқат, миллий маънавиятидан баҳрамандлик, башариятга ҳурмат, келажак олдида масъуллик туйғуларини тарбиялайди. Ҳақиқий ватанпарвар инсонлар ўз манфаатларини Ватаннинг тақдирдан, миллати, халқининг миллий қадриятларидан, орзу-истакларидан айри ҳолда тасаввур қила олмайди.

Инсон ўзлигини қандай англаса, Ватанини ҳам шундай англайди. Ўзлигини англамаган одам Ватанни ҳам англамайди, Ватан манфаати йўлида бирор эзгу иш қилишни ҳаёлига ҳам келтирмайди. У нафақат Ватанни, ҳаттоки миллати, она-онаси, оиласи, фарзандлари, ёру биродарлари олдидаги бурчини ҳам ҳис этмайди. Инсон ҳақиқий бахтга эришиши учун фақат моддий бойликнинг ўзи етарли эмас. Ҳам моддий, ҳам маънавий бойликни ўзида мужассамлаштирган одамгина чинакам бахтга мушарраф бўлиши мумкин. Ўз манфаатини Ватан манфаатидан юқори қўядиган кимсалар бахт-саодатни фақат моддий бойликка эга бўлишда деб билишади. Афсуски, бугунги кунда «Қаерда яшаш яхши бўлса, ўша ер мен учун Ватан» деб юрганлар ҳам топилади. Бундай кимсаларга «Ватан», « Ватан манфаати» деган тушунчалар бегона. Мамлакатимизда ўз мустақил фикрига эга бўлган, ҳақ-ҳуқуқларини яхши танийдиган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, шахсий манфаати билан Ватан манфаатини уйғун кўра оладиган шахс маъ-ятини қарор топтириш масаласига катта эътибор берилаётгани бежиз эмас.

Моддий қадриятлар ҳар бир кишининг **моддий эҳтиёжлари** билан узвий боғланган. Маълумки, инсоннинг моддий эҳтиёжлари яшаш учун зарур бўлган неъматлар, озиқ-овқатлар, кийим-кечак, уй-жой, транспорт воситалари, ўзини ҳимоялаш, зурриёт қолдириш кабилардан иборатдир. Маънавий эҳтиёжларга оламни билиш, ўзликни англаш, дунёқараш, донишмандликка интилиш, билим, санъат, ғоя, мафкура, гўзаллик билан, маънавий камолот йўлидаги интилишлар киради. Инсон юксак маънавият туфайлигина ўз эҳтиёжларини маданий шаклларда оқилона ва тўлароқ қондириш имконига эгадир. Унинг асл моҳияти моддий эҳтиёжларни маданий шаклларда қондиришида яққол намоён бўлади. Инсон ақлли мавжудот сифатида моддий эҳтиёжларини маданий шаклларда қондириш учун табиат ва жамият моҳиятини билишга, моддий ва маънавий оламни уйғунлаштиришга, табиат ва жамиятни ўз мақсадларига мос равишда ўзгартиришга ҳаракат қилади. Илм-фан ва техника инсоннинг маънавий ва моддий эҳтиёжларини қондириш қуроли, муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади.

Моддий қадриятлар **жамиятнинг моддий ҳаёти** билан ҳам узвий боғлиқликда шаклланади. Жамиятнинг моддий ҳаёти кишиларнинг моддий эҳтиёжлари билан узвий боғлиқ тарзда вужудга келади ва қуйидагиларда намоён бўлади:

– кишиларнинг яшаши, умр кечириши учун зарур бўлган табиий шарт-шароитлар ва моддий бойликлар;

– инсоннинг шахс сифатида мавжуд бўлиши ва камол топиши учун омил бўлган табиий захиралар, иқтисодий шароитлар, озиқ-овқат, кийим-кечак, тураржой, ёқилғи, коммуникация воситалари;

– моддий неъматлар ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш, ушбу жараёнда амал қиладиган иқтисодий муносабатлар мажмуи.

Жамиятнинг маънавий ҳаётига оламни тушуниш, жамият ва инсон тўғрисидаги қарашлар, назариялар, таълимотлар, ғоялар, мафкура, ижтимоий онг шакллари, таълим-тарбия, ахборот воситалари, маданият, илм-фан муассасалари ва бошқалар киради.

Жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаётини ташкил қилиш, бошқариш, кишилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда турли сиёсий институтлар (давлат, сиёсий партиялар, ташкилотлар, турли уюшмалар) муҳим ўрин тутаяди. Жамиятни бошқаришнинг сиёсий-ҳуқуқий жихатлари ҳам муҳимдир. Кишилар томонидан сиёсий ва ҳуқуқий билимларнинг чуқур ўзлаштирилиши жамиятнинг барқарор яшаши ва ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Инсоният тарихининг барча даврларида жамият учун энг муҳим моддий қадриятларидан бири **моддий неъматлар** ва уларни **яратиш** ҳисобланади. Зеро, ҳеч бир жамият моддий неъматлар яратмасдан туриб мавжуд бўла олмайди. Айнан шу соҳада инсоннинг моддий неъматлари бўлган эҳтиёжи қондирилади, жамиятнинг ушбу йўналишдаги фаолиятнинг умумий натижалари намоён бўлади. Ана шу фаолият жараёнида ижтимоий ишлаб чиқариш, амалга ошади, яъни турли омилларнинг ҳаракати натижасида жуда кўп турдаги неъматлар ва хизматлар мажмуидан иборат бўлган миллий маҳсулот вужудга келади. Йил давомида мамлакатда яратилган миллий маҳсулот натурал жиҳатидан уч қисмдан: ишлаб чиқариш воситалари, истеъмол буюмлари ва турли хил хизматлардан иборат бўлади. Йил давомида ишлаб чиқарилган товар ва хизматларни, яъни миллий маҳсулотни бундай учта кўринишга бўлиб ўрганиш ва билиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эгадир. Чунки уларнинг ҳар бир тури бўйича талаб ва таклифлар ўрганилиб, талабга яраша ишлаб чиқариш имконини беради.

Ҳар қандай жамиятнинг моддий қадриятлари тизимини, унинг иқтисодий асосини, инсон ҳаёти ва фаолияти манбаини тушуниш учун **ишлаб чиқариш жараёни** моҳияти ва мазмунини англаб олиш зарур. Мутахассислар фикрича, ишлаб чиқариш жараёни – бу кишилик жамиятининг амал қилиши ва ривожланиши учун зарур

бўлган моддий ва маънавий неъматларни яратишга қаратилган мақсадга мувофиқ фаолиятдир. Маълумки, ҳар қандай ишлаб чиқариш, биринчи навбатда, меҳнат жараёнидир ёки бошқача қилиб айтганда, табиатдаги бор нарсаларни ўз истеъмоли учун мувофиқ ҳолга келтириш бўйича қилинган меҳнат фаолиятдан иборатдир. Шу маънода, ишлаб чиқариш жараёни истеъмолбоп нарсаларни вужудга келтириш учун мақсадга мувофиқ ҳаракат, табиат яратган нарсаларни истеъмол учун ўзлаштириб олиш, инсон билан табиат ўртасидаги модда алмашувининг умумий шарти, инсон ҳаётининг абадий табиий-ижтимоий шарт-шароитидир.

Ҳар қандай давр ва жамиятга хос **мулк ва мулкчилик муносабатлари** иқтисодий қадриятлар тизимида муҳим ўрин эгаллайди. “Мулкчилик” тушунчаси ва мулкчилик муаммоси асрлар давомида жуда кўп соҳанинг билимдонлари, файласуф ва ҳуқуқшунослар, тарихчи ва иқтисодчилар, социологлар ва сиёсатшуносларни қизиқтириб келган бўлиб, бугунги кунда ҳам долзарблигича қолмоқда. Мутахассислар мулк ва унинг моҳиятига турлича таъриф берганлар. Баъзи Ғарб иқтисодчилари мулкчилик деганда инсоннинг буюмларга бўлган муносабатини тушунадилар. Император Юстиниан V нинг “Рим давлати ҳуқуқи” асарида мулкка эгалик қилиш ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш ҳуқуқи, деб ифодалаган. XVII аср иқтисодчиси Прудон эса мулкка эгалик қилиш дейилганида, бунинг эвазига кимнингдир мулкдан маҳрум бўлишини назарда тутган. Илм-фан тарихида бундан ҳам бошқа кўплаб ва хилма хил ёндашувлар учрайди. Мулк шакллари ўзлаштиришнинг характери, яъни унинг турли кўринишларини ифодалайди. Ўз меҳнати эвазига ўзлаштириш, ўзгалар яратган бойликни текинга ўзлаштириш, якка тартибда, жамоа бўлиб, шерикчилик асосида ўзлаштириш борки, улар мулкчиликнинг ҳар хил шаклларини билдиради.

Бозор иқтисодиёти шароитида мулк асосан давлат ва нодавлат мулк шаклларига бўлинади. Давлат мулки – унинг ўз вазифасини адо этиши учун давлат томонидан ирода этилиши бўлса, нодавлат мулк шаклларига хусусий мулк, жамоа ва фуқароларнинг шахсий мулклари киради.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий шарти кўп укладли иқтисодиётни ва рақобатлашув муҳитини шакллантириш учун шарт-шароитни вужудга келтиришдан иборат. Бунда асосий вазифалардан бири мулкчилик масаласини ҳал қилиш ҳисобланади.

Кишиларнинг ҳаёти асло тўхтаб қолмайди ва шу боис эҳтиёжни қондирадиган иқтисодий фаолият ҳам узлуксиз амалга ошади. Иқтисодиёт ишлаб чиқаришдан бошланиб, истемол билан яқунланувчи фаолият сифатида доимо такрорланиб турмаса, кишилар ва жамият яшай олмайди. Бундай узлуксиз жараёнсиз одамзот ҳаёти ва жамият тараққиётини тасаввур қилиб бўлмайди.

Одамзод насли бугунги кунда **моддий қадриятларни асраб-авайлаш**, ўзи яшаётган табиий ва ижтимоий муҳитни келажакка омон қолдириш борасида шундай муаммолар домига тортилдики, эндиликда уларнинг исканжасидан қутулиб кетиш энг долзарб масалалардан бирига айланди. Аҳоли табиий ўсишининг юқори даражаси сақланиб қолиши, фан-техника ютуқларидан тор манфаатлар йўлида фойдаланишга ружу қўйилиши ва бир қатор минтақаларда мураккаб экологик вазиятнинг вужудга келиши бу борадаги масалаларни чигаллаштириб юборди. Оқибатда инсониятнинг келажаги тўғрисида турли башоратлар келиб чиқди. Ана шундай шароитда ҳар бир ақл-заковатли одам “Бундай йўлда қандай муаммолар, қийинчиликлар, синовларга дуч келишимиз мумкинлигини етарли даражада аниқ тасаввур қилаяпмизми?” – деган саволни ўз олдига кўндаланг қўйиши ва унга жавоб топиши зарур бўлиб қолди. Бу саволни бутун жаҳон ҳамжамиятининг иштирокисиз ҳал этиб бўлмайди.

Табиатга кишиларнинг зуғуми кучая борган сари табиий мувозанатнинг бузилиши оқибатида кишиларнинг яшаш тарзи, соғлиғи, ижтимоий муҳитга бўлган акс таъсири тобора ҳалокатли тус ола бошлади. Инсоният бундай тахликали

ҳолатдан фақатгина ҳар қандай сиёсий, минтақавий, ирқий, миллий, диний ва бошқа манфаатларини кейинга суриб, муштарак умуминсоний манфаатлар теварагида жипслашиш, зудлик билан таъсирли чоралар қўллаш орқалигина қутулиши мумкин.

Ҳозирги пайтда инсониятга хавф солиб турган умумбашарий муаммолар деганда бутун дунё, барча давлатлар ва халқларнинг иштирокисиз ечиш мумкин бўлмаган муаммолар тушунилади. Бундай муаммолар қуйидагилар билан боғлиқ:

– термоядро уруши хавфининг олдини олиш ва қуролланишни бартараф этиш;

– экологик муаммоларни ечиш, табиий бойликлардан оқилона ва комплекс ёндашган ҳолда фойдаланиш;

– маънавий таназзул аломатларининг олдини олиш, юксак маънавиятли баркамол авлодни шакллантириш;

– жаҳон иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётнинг ўсиши учун қулай шарт-шароит яратиш, иқтисодий қолоқликни тугатиш, ер юзида қашшоқлик ва очликка барҳам бериш;

– инсониятнинг бахт-саодати йўлида фан-техника ютуқларидан фойдаланиш учун халқаро ҳамкорликни янада фаоллаштириш (энг хавфли касалликларга қарши кураш, коинотни ўзлаштириш);

– дунё океан бойликлари ва имкониятларидан унумлироқ фойдаланиш, озон қатлами йўқолиши хавфининг олдини олиш ва ҳ.к.

Инсоният олдида ана шу хилдаги муаммоларнинг кўндаланг туриб қолишининг ўзиёқ кишилик цивилизацияси ўта мураккаб, қалтис бир жараёни бошидан кечираётганлигидан дарак беради. Умумбашарий муаммоларнинг баъзи бир гуруҳлари мавжудки, уларни ҳал қилишнинг ўзиёқ бутун планетамиздаги ижтимоий ҳаётнинг кейинги манзарасини чизиб бериш учун ҳал қилувчи аҳамият касб этиши мумкин. Бундай муаммолар шартли равишда уч гуруҳга ажратилади:

Биринчидан, ҳозирги пайтдаги мавжуд ижтимоий кучлар ўртасидаги зиддиятли муносабатлар (ижтимоий-иқтисодий системалар ўртасидаги, минтақавий зиддиятлар, давлатлар, миллий ва диний низолар ва ҳ.к.) бўлиб, булар шартли равишда "интерсоциал" муаммолар деб ҳисобланади. Улар уруш ва тинчлик, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси ва шу кабиларни ҳам қамраб олади.

Иккинчидан, "инсон ва жамият" ўргасидаги муносабат билан боғлиқ муаммолар бўлиб, буларга илмий-техника тараққиёти (ИТТ); маориф ва маданият; аҳоли кўпайишининг тез суръатлар билан илдам кетиши – "демографик портлаш", кишилар саломатлигини сақлаш, киши организмнинг ниҳоятда тез ўзгариб бораётган ижтимоий муҳитга мослашиши, шунингдек, инсониятнинг келажаги каби масалаларни киритиш мумкин.

Учинчидан, "инсон – табиат" муносабатларига эса хом ашё ресурсларини тежаш, аҳолини озиқ-овқат ва ичимлик суви билан таъминлаш, табиатни муҳофаза қилиш каби муаммолар киради. Бу гуруҳ муаммолар ижтимоий омиллар таъсирида вужудга келади, уларни ҳал қилишда эса ижтимоий омилларнинг ўрнини ва аҳамиятини тўғри англаган ҳолдагина масаланинг туб моҳиятини тушуниш мумкин.

Худди шунингдек, соф ижтимоий умумбашарий муаммоларнинг ечимида табиий омилларнинг бу жараёнга бевосита уланиб кетишини ҳам назардан соқит қилмаслик керак. Ҳам ижтимоий, ҳам табиий омиллар асосида юзага чиқадиган умумбашарий (глобал) муаммолар бир бутунликни ташкил этиб, уларга ҳар томонлама (комплекс) ёндашиш кераклигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқца. Бу эса, ўз навбатида, фалсафа фани зиммасига катта масъулият юклайди.

Инсониятнинг келажаги тўғрисида тарихда турли-туман башоратлар мавжуд, улар бир неча хилларга бўлинади. Масалан, халқимизнинг илк тарихий қадриятларидан бўлган муқаддас "Авесто" ёзма ёдгорлиги ҳам умумий бир тарзда инсониятнинг келгуси истиқболини башорат қилиб, кишиларни муштарак

мақсадлар томон йўналтиришга ҳаракат қилган. Бундай башоратлар диний мазмунга асосланган бўлиб, ўз даври учун катта аҳамият касб этган эди. "Авесто"да Зардушт ўлимидан сўнг 3000 йил ўтгандан кейин, эркин фаровонлик замони келади, Ахура Мазда қудрати Ахриман ёвузлиги устидан тўла ғалаба қозонади, дея ишонч билдирилган эди.

Иккинчи хил башоратлар ўрта асрларда кенг тарқалган, ҳозирда ҳам Ғарб мамлакатларида шуҳрат қозонаётган футурологик мазмунга эга. Ғарб футурологиясининг машҳур намоёндаларидан Фон Карман, Е.Шервин, Г.Кан ва бошқалар инсониятнинг келгуси истиқболини, асосан, ядро ҳалокати ёки бошқа умумбашарий муаммолар билан боғлаб пессимистик манзараларни чизиб кўрсатишга уринадилар.

Кишилиқ жамиятининг келгуси истиқболи тўғрисида жиддий илмий башоратлар орасида 1968 йилда А. Печчеи томонидан асос солинган "Рим клуби" аъзолари бўлган Ж. Форрестер, Д. Медоуз, Я. Тинберган, А.Кинг ва бошқалар тайёрлаган ҳисоботларнинг илмий аҳамияти катта. Уларда инсониятнинг келгуси истиқболини шубҳа остида қолдираётган умумбашарий муаммолар кўламининг кенгайиб бориши, кишилар томонидан табиатга қилинаётган зуғумнинг мудҳиш оқибатлари қандай бўлиши тўғрисида жиддий мулоҳазалар юритилади. "Рим клуби" аъзолари томонидан қилинган башоратлар илмий-фалсафий мазмунга эга бўлиб, унда асосан тажриба синовидан ўтган билимлар, мантиқ қонунлари ва категорияларига суянган ҳолда инсониятнинг келажаги тўғрисида муҳим илмий хулосалар баён қилинган.

Демак, инсоният тараққиётининг келгуси истиқболини белгилашдаги энг муҳим белгилар сирасига умумбашарий муаммолар табиатини чуқур англаш, бу муаммоларнинг ечими умуминсоний муштарак манфаатлар йўлида ҳамжиҳатликда қилинган саъй-ҳаракатлар эканини алоҳида таъкидлаш лозим. Ана шундай мисоллар анчагина. Масалан, 1955 йил 31 январда Фредерико Жулио Кьюри (у шу пайтда Жаҳон илмий ходимлари федерацияси ташкилотининг президенти эди) Нобель мукофоти совриндори Бертран Расселга хат орқали мурожаат қилиб, ядро қуролининг жуда хавфли тус олаётганлигини, бу фалокатнинг олдини олиш учун фан арбоблари биргаликда ҳаракат қилиши лозимлигини билдиради.

Б. Рассел Ф. Кьюри таклифини қўллаб-қувватлаб, бу мурожаатга имзо чекувчи вакиллар бир хил сиёсий оқим тарафдорлари бўлиб қолмаслиги, бунда жаҳондаги барча кучлар, ҳар бир халқ, жамият вакиллари иштироки зарурлигини таъкидлайди. Масалага бундай ёндашиш фалсафий тафаккур тараққиётининг янги босқичини бошлаб берган эди. Бу эса илмий-сиёсий адабиётларда "янгича тафаккур услуби" деб аталган ва жаҳоннинг энг атоқли олимлари А. Эйнштейн, Ф. Жулио Кьюри, М. Борн, Л. Полинг ва бошқалар томонидан имзо қўйилган манифестга асос қилиб олинган эди.

Натижада 1955 йил 9 июль куни Б. Рассел томонидан ўтказилган матбуот конференцияда "Рассел-Эйнштейн манифести" номи билан шуҳрат қозонган, бутун Ер юзи аҳолисига, сиёсат ва давлат арбобларига қаратилган машҳур чақириқ эълон қилинганди. У ҳозирги пайтда тинчлик ва қуролсизланиш учун курашувчи Пагуош ҳаракатини бошлаб берган. Манифестда: "Биз янгича фикр қилишга одатланишимиз керак. Биз ўз-ўзимиздан у ёки бу гуруҳ мамлакатларининг ҳарбий ғалабасини таъминлаш учун нималар қилиш зарур, деб эмас, балки ядро ҳалокати ва унинг даҳшатли оқибатлари қандай бўлиши мумкинлиги тўғрисида инсониятни огоҳлантириш учун нималар қилдинг, деб сўрашимиз керак", — деган сўзлар бор эди.

"Рассел-Эйнштейн манифести" чоп этилганига ҳам мана 56 йил бўлди. Бу вақт мобайнида ядро қуролларини ишлаб чиқиш ва синаб кўриш кўлами бир неча баробар кўпайди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги ўтган ярим асрдан кўпроқ вақт мобайнида қуролланишга 25 трлн.га яқин доллар маблағ сарфланди. Ҳозирги

кунда ҳарбий соҳалар учун ҳар йилига 1 трлн.дан кўпроқ доллар миқдорида маблағ ажратилмоқда. Бир кунда қурол-яроққа ажратиладиган маблағ 3,5—3,6 млрд. долларни ташкил этмоқда. Таққослаш учун қуйидаги рақамларга мурожаат қиламиз. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг безгакка қарши кураш тадбирлари учун бир йилда 30 млн.дан ортиқ доллар ажратишини, халқаро нуфузли ташкилот ЮНЕСКОнинг бир йиллик бюджети 1 млрд. доллар миқдорида эканлигини ҳисобга олсак, масала ойдинлашади.

Ҳарбий саноат ўз домига табиатнинг шундай ноёб бойликларини тортаяптики, бу сарф-харажатлар ўсиш суръатининг тезлигига қараб беихтиёр ўз келажагимиз тўғрисида хомуш хаёллар оғушида қолмасдан илож йўқ. Бу соҳа фақат табиий ресурслар билан чекланиб қолмасдан, балки, ўта камёб ақл эгалари, талантли кишиларнинг ақлий фаолиятини ҳам ўз измига солиб, оқибатда, илмий-техника тараққиётининг инсоният манфаатига қаратилган йўналишига асосий тўсиқ бўлиб қолмоқда.

Табиатни асраш жараёнлари билан боғлиқ муаммоларни ечиш масалалари экология фанининг ривожига сабаб бўлди. Экология - (юнон. ойкос-уй, яшаш жойи, маскан, логос-фан) атамсиани фанга биринчи бўлиб 1866 йилда немис биологи Эрнст Геккел киритган. У организмларнинг уларни ўраб турган яшаш муҳити билан ўзаро муносабати билан бирга уларнинг бошқа организмлар ва туркумлар билан ўзаро боғлиқлигини ўрганувчи фандир. Бундан ташқари, бу фан инсоннинг табиат билан ўзаро таъсирини энг мақбул тарзда ташкил этиш (оптималлаштириш) учун илмий тавсиялар ишлаб чиқади. Бунда тирик жонзодларнинг тузилиши ва функциясини ўрганувчи биология, ботаника, зоология, физиология, биокимё, морфология, молекуляр биология, микробиология ва бошқа фанларда эришилган ютуқларга таянилади.

Экология энг аввало, инсоннинг маънавияти, руҳий дунёси билан чамбарчас боғланган бўлиб, фақат XX асрда мустақил фан сифатида шаклланди ва расмийлашди. Ҳақиқатда эса, унинг аҳамияти яқин вақтлардан бошлаб аниқ тушунила бошланди.

Табиатни табиат учун муҳофаза қилишга зарурият йўқ. Уни фақат инсон учун муҳофаза қилиниши экологиянинг ижтимоий моҳиятини намоён қилади. У табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг назарий, амалий ва методологик жиҳатларини жаҳон цивилизацияси манфаатлари асосида ўрганади. Ҳозир ижтимоий экология ўзининг ривожланиш босқичига кирмоқда ва нафақат инсонни ўраб турган табиатни муҳофаза қилиш, балки ижтимоий муҳитни ҳам муҳофаза қилишнинг фундаментал назарияларини ишлаб чиқмоқда.

Энергия ва ёқилғи ресурсларидан фойдаланиш муаммоси давримизнинг яна бир муҳим масалаларидан биридир. Агар жаҳон иқтисодиёти ҳозирги суръатда давом этадиган бўлса, у вақтда саноат ва халқ хўжалигининг энергияга бўлган эҳтиёжи учун яқин йиллар ичида йилига 20 млрд. тонна ёқилғи талаб қилинади. Бу кўрсаткич 2025 йилда 35—40 млрд., XXI аср охирига бориб 80—85 млрд. тоннани ташкил этиши тахмин этилмоқда. Вужудга келаётган бу ҳолатдан чиқиб кетишнинг йўли эса битта, у ҳам бўлса, ёқилғининг органик моддалар (нефть, кўмир, газ ва ҳ.к.) дан олинадиган энергия салмоғини камайтириб, ноорганик ёқилғи манбалар (ГЭСлар, шамол электростанциялари, Қуёш энергияси ва ҳ. к.) дан олинадиган энергия миқдорини муттасил ошириб бориш. Қуёш энергияси, ГЭС ва шамол электростанциялари 2025 йилда бу эҳтиёжнинг 60%ини қондириши мумкин.

Яқин келажақда ривожланаётган мамлакатларда электр энергияси ишлаб чиқаришни тез суръатлар билан кўпайтириб бориш кўздатутилмоқда. Бутун жаҳонда ишлаб чиқарилган электр энергиясининг қарийб 34% ана шу мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади. Электр энергиясининг шу қадар тез суръатлар билан ишлаб чиқарилаётганлиги ён атрофдаги табиий ва ижтимоий муҳитга таъсир этмасдан иложи йўқ. Масалан, гигант ГЭСларнинг қурилиши, ўз навбатида ана шу

регионнинг иқлим шароитига, ён атрофдаги шаҳар ва қишлоқларда халқ хўжалигининг кўпгина тармоқларига салбий таъсир ўтказиши (масалан, экин майдонларининг қисқариши, мавжуд майдонларнинг шўрланиши ва ишдан чиқишига олиб келиши) мумкин. Атом электростанцияларининг чиқиндиларини бартараф этишнинг экологик хавфсизлик масалалари ҳозирги даврнинг ечилиши мураккаб муаммоларга айланди. Айниқса, 1986 йил 26 апрель куни Чернобил АЭС IV блокининг ишдан чиқиши натижасида жуда катта миқдордаги радиациянинг ҳавога тарқалиши мазкур регионнинг яшашга мутлақо яроқсиз бўлиб қолишига сабабчи бўлди. Ҳозирги даврда Япониядаги табиий офатлар ҳам шунга мисол бўлади.

Инсоният олдида жаҳон иқтисодини ўстириш учун энергияга бўлган эҳтиёжни қондиришдан ўзга чора йўқ. Бироқ бугунги кунда электр энергиясини ишлаб чиқариш жараёнида мавжуд табиий муҳитга таъсир даражасини камайтирган ҳолда энергияни кўпроқ ишлаб чиқариш масаласи кўндаланг бўлиб турибди. Шунинг учун ҳам бу муаммони ижтимоий тараққиётнинг келажагини белгилаб берадиган энг муҳим омиллардан бири сифатида жаҳоншумул аҳамиятга молик муаммолар сирасига киритилишини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда

Хом ашё ресурсларидан фойдаланиш ва экологик мувозанатни сақлаш муаммоси ҳам ғоят долзарблигини сақлаб қолмоқда. Жаҳон статистик ахборот марказлари берган маълумотларга қараганда, XX асрнинг бошидан то ҳозирги кунгача ишлаб чиқарилган, кўмирнинг 45%, темир рудасининг 57%, нефтнинг 76%, табиий газнинг 80% кейинги 25 йилга тўғри келар экан. Ана шундай ҳолатни хом ашёнинг бошқа турлари тўғрисида ҳам гапириш мумкин. Таҳлилларга қараганда, ўтган асрнинг 90-йилларида ишлаб чиқарилган хом ашё миқдори 60–70-йиллардагига қараганда 1,5–2 баробар, ҳозирга келиб эса 2,2 баробар кўпайган.

Ер юзида вужудга келган бундай ҳолат, бир томондан, инсониятни хом ашё ресурслари билан таъминлаш имкониятлари, ҳосилдор ерлар ва ичимлик суви манбаларининг камайиб бориши, шунингдек бошқа хом ашё захираларининг камайиб кетиши каби бошқа бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради.

Вужудга келган экологик вазият табиий муҳитнинг инсон организмга ва унинг ишлаб чиқариш фаолиятига таъсир этмасдан қолмайди. Бошқа томондан эса фан-техника тараққиётининг кўлами асосида ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражасини хом ашё ресурслари, фойдали қазилмалар билан етарли миқдорда таъминлаш муаммосини ҳам назардан соқит қилмаслик керак. Мазкур муаммони ижобий ҳал қилиш учун, иқтисодчиларнинг таҳлилларига кўра жаҳон мамлакатларининг ҳар бири ўзи ишлаб чиқарган ялпи миллий маҳсулотнинг 3–5% миқдорида маблағ ажратиши зарур. Демак, ҳар йили ўрта ҳисоб билан 900 млрд.га яқин доллар ҳажмида маблағ ажратилиши талаб этилади.

Жуда кўп ривожланган мамлакатларда ичимлик сувининг танқислигидан қийинчиликлар юзага чиқмоқда. Айни шу мамлакатлардан 42–45% км³ ҳажмида саноатдан чиққан ифлос оқова сувлар сув ҳавзалари, кўл, денгиз, океан сувини ўзининг захарли таркиби билан булғамоқда. XXI аср бошларига келиб, тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёж дунё миқёсида ўтган асримизнинг 90-йилларига нисбатан яна 2,3–2,5 баробар ошди.

Ҳар йили океанларга 12–15 млн. тоннага яқин нефть ва нефть маҳсулотлари тўкилмоқда, шаҳарларнинг кенгайиши, саноат корхоналарини қуриш учун минг-минглаб гектар ер майдонлари ажратиб берилмоқда, ўрмонлар кесилиб, яшил ерлар камаймоқда. Бу тенденция, айниқса, ривожланаётган мамлакатларда хавфли тус олмоқда. Дунёда ҳар йили 0,8% тропик ўрмонлар йўқолиб бормоқда, 200 минг км² территориядаги тропик ўрмонлар кесилиб, қайта тикланмай қолмоқда. Ҳозирги пайтда йилига 8,3 млн. гектар ёки минутага 16 гектар ўрмон йўқотилмоқда. Табиий мувозанатнинг дунё миқёсида тез ўзгаришининг оқибати ҳозирнинг ўзидаёқ инсоннинг яшаши ва фаолияти учун ўта зарур бўлган мўътадил

муҳитнинг бузилишига олиб келмоқда.

Давримизнинг яна салбий белгиларидан бири шундаки, инсон фаолияти кўламнинг миқёси тобора биосферани тўла эгаллаб, энэндиликда коинотга ҳам таъсир эта бошлади.

Озиқ-овқат муаммоси. Ниҳоятда тез ўсиб бораётган дунё аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлаш муаммоси кейинги пайтларда жаҳоннинг бир қанча минтақаларида анча кескинлашди. Мавжуд маълумотларга асосан, дунё халқларининг 2/3 қисми доим озиқ-овқат тақчиллиги ҳукм сураётган мамлакат халқлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу минтақаларда экиладиган ер майдонлари аҳоли жон бошига нисбатан камайиб, 0,2 га ни ташкил этмоқца. Ҳолбуки, 1950 йилда бу кўрсаткич 0,5 га ни ташкил этган эди.

Озиқ-овқат захираларининг ўсишини, бир томондан, ишланадиган ер майдонларини кенгайтириш ҳисобига, иккинчи томондан экилаётган майдонларнинг ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига таъминлаш мумкин. Кейинги пайтларда ҳосилдорликни кўпайтириш устида жуда кўп ишлар қилиниб, ўтган асрнинг 80-йиллари охирларига келиб дунё миқёсида етиштирилган маҳсулот ўсишининг 90% ҳосилдорликни кўтариш ҳисобига тўғри келди. Аммо, бизга маълумки, бундай муваффақиятларга табиатга ҳаддан зиёд қилинган қаттиқзуғум натижасида эришилди. Жуда кўп ерлар бундай тазйиққа дош бера олмасдан ишдан чиқа бошлади. Бу ерларни табиий ҳолатига қайтариш учун имконият қолмади.

Бундай таҳликали ҳолатнинг сабабларини аҳолининг табиий ўсиши ниҳоятда тез суръатлар билан кўпайгани, уларнинг иш ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондиришга бўлган интилиши билан табиий муҳитнинг экологик мувозанатини сақлаш учун етарли маблағни топа олмаётганлигидан излаш керак.

Ривожланган ва кам тараққий этган мамлакатлар ўртасидаги тафовутни йўқотиш ҳам давримизнинг энг чигал жаҳоншумул муаммолари қаторидан ўрин олди. Ривожланган мамлакатларда замонавий технология, илғор ишлаб чиқариш малакаси ва инсониятнинг илмий-техника ютуқлари системалаштирилган билимлар захираси тўпланиб, шу билан бирга аҳолининг табиий ўсиш даражасининг пастлиги бошқа мамлакатларга нисбатан ўз мамлакати аҳолисининг иқтисодий яшаш тарзининг беқийёс даражада яхшиланишига олиб келди. Бу мамлакатларда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг ўзига хос томонлари шундаки, мазкур мамлакатларда индустрлаштириш жараёни ўтган асримизнинг 70-йиллари бошидаёқ тугалланиб, энг аввал АҚШ, кейинчалик Германия, Япония ва бошқа ривожланган мамлакатлар ишлаб чиқариш тараққиётининг янада юқорироқ босқичига ўтди.

XX асрнинг сўнги ўн йиллигида баъзи мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий кўрсаткич орасидаги тафовут тобора кучайиб борди. Агар XX асрнинг 60-йилларида Ҳиндистонда ишлаб чиқариладиган ялпи ижтимоий маҳсулот жон бошига 50-70 долларни ташкил этган бўлса, Афғонистонда 60-70 доллар, Туркияда 243 доллар, Японияда 1400 доллар, АҚШда 3600-3800 доллар бўлган. 1994 йилги маълумотларга мувофиқ, ялпи миллий маҳсулот жон бошига Ҳиндистонда 370 доллар, Афғонистонда 80 доллар, Туркияда 3900 доллар, Бангладешда 125 доллар, Германияда 22 минг доллар, Италияда 14,8 минг доллар, АҚШда 26 минг доллар, Жанубий Кореяда 8,7 минг доллар, Японияда 37000 доллар бўлган.

Демак, камбағал давлатларнинг камбағаллашиши янада кучайиб бормоқда. Бунинг бош сабабчиси, шу мамлакатлардаги демографик жараён эканлиги таъкидланмоқда. Аҳолининг фақат микдорий ўсишининг ўзи кўр-кўрона яхши яшаш тарзига олиб келавермайди. Бунинг учун мамлакат аҳолисининг эътиқоди, миллий психологияси, қадрият ва анъаналарини ҳисобга олган ҳолда фаол демографик сиёсат олиб бориш зарур.

Демографик муаммолар. XX аср ўзининг бир қатор белгилари билан

олдинги барча даврлардан кескин фарқ қилади. Хусусан, ушбу асрни "демографик портлаш" давридир, деган қарашлар ҳам кенг тарқалган. Бунда қолган барча жаҳоншумул муаммоларни келтириб чиқарувчи бош сабаблардан бири ҳам айнан ер юзида аҳолининг тез суръатлар билан кўпайиши билан бевосита боғлиқ эканлиги назарда тутилади. "Демографик портлаш" тушунчаси ижтимоий-тарихий тараққиётнинг қисқа бир даврида, муайян минтақа ёки мамлакатда ва шунингдек, бутун ер юзида табиий туғилиш ҳисобига аҳоли миқдорининг ниҳоятда тез кўпайишини англатади.

Инсониятнинг олдида ана шундай хавф борлиги тўғрисида дастлаб англиз иқтисодчиси Томас Роберт Мальтус (1766—1834 й.) огоҳлантирган эди. У ўзининг "Аҳолишуносликнинг қонунияти тўғрисида тажрибалар" номли китобида аҳолининг геометрик профессия бўйича кўпайишини, унинг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий неъматларнинг кўпайиши арифметик прогрессия бўйича рўй беришини айтган эди. Мальтус бу жараённинг олди олинмаса, яқин келажакда, планетар масштабда, табиий муҳит бериши мумкин бўлган моддий неъматлар миқдори билан жуда тез суръатларда кўпаяётган дунё аҳолиси эҳтиёжи ўртасида зиддият вужудга келишини башорат қилган эди.

Дарҳақиқат, бундан 6—8 минг йиллар олдин ер юзида 5 млн. атрофида одамлар истиқомат қилишган, деб тахмин қилинади. Бу кўрсаткич эрамининг бошларида 230 млн., 1 минг йилликнинг охири 2 минг йиллик бошларида, яъни Беруний замонида 305 млн., 1500 йилда 440 млн., 1800 йилда 952 млн., 1900 йилда 1656 миллионни ташкил этган. XVI аср бошидан XIX аср бошигача, яъни уч аср мобайнида бу кўрсаткич 174 фоизга ошганлигини; 1900 йилдан то 2000 йилгача эса бу нисбат салкам 4 баробар ошганлигини кузатамиз.

XX асрнинг иккинчи ярмида ер юзи минтақаларида аҳолининг табиий кўпайиш суръатлари турлича бўлиб, бу ўз навбатида, Ер юзида минтақалар, мамлакатлар, халқлар салмоғининг кескин ўзгаришига олиб келди. Масалан, 1800 йилда Франция аҳолиси (27 млн. киши) Ер юзи аҳолисининг 3 фоизини ташкил этган бўлса, Филиппин оролларида яшаётган аҳоли 1,6 млн. киши миқдорида бўлиб, планета аҳолисининг умумий салмоғига нисбатан 0,16 фоизни ташкил этарди. 1999 йил 13 октябрь куни Ер юзи аҳолиси олти миллиардлик довонни босиб ўтди. Франция аҳолиси 56,2 млн. ни, Ер юзи аҳолиси салмоғининг 0,94 фоизини. Филиппин аҳолиси ҳам 65 млн. кишини ташкил этиб, жаҳон аҳолисидаги салмоғи (1,05%) бўйича Франциядан ўзиб кетди. Бу борада миллиарддан кўп аҳоли яшайдиган Хитой ва Ҳиндистон алоҳида ўрин тутади. Хуллас, бу масала бир мамлакат доирасидан чиқиб, жаҳон муаммосига айланди. У билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш учун ҳам бутун жаҳонда муштарак фаолият олиб бориш зарур.

Мустақиллик ва моддий қадриятлар. Мамлакатимизнинг тараққиёти Ўзбекистоннинг минтақамиздаги ўзига хос ўрни, улкан табиий ресурслари, демографик омил ва инсон салоҳиятини инobatга олишга таянади. Албатта, мамлакатимизда собиқ иттифоқдан мерос қолган энг глобал муаммо Орол фожиаси эканлигини биламиз. Бу борада республикамиз минтақадаги давлатлар орасида кўпдан-кўп ташаббусларни ўртага ташлаб келмоқда. Шу билан бирга, мамлакатимиз аҳолиси ҳам муттасил ўсиб бормоқда. Кейинги пайтларда республика ҳукумати инсон соғлиғини муҳофаза қилиш учун маънавий рағбатлантирувчи тадбирлар ишлаб чиққанлиги муҳим аҳамият касб этди. Шу мақсадда "Соғлом авлод" жамғармасининг тузилиши, "Соғлом авлод учун" орденининг таъсис этилиши, 2005 йилнинг "Сиҳат-саломатлик йили", 2010 йилнинг "Баркамол авлод йили" деб аталиши ҳам фикримизнинг далили бўлади.

Бугунги кунда ўзбек халқининг қадриятлари асосида ёш авлод дунёқараши шакллантирилганда, шубҳасиз, аждодларимизнинг ўз Ватани, табиий муҳитга меҳр-муҳаббатли бўлиш каби муқаддас туйғусининг авлоддан-авлодга мерос бўлиб

ўтаётганлигини ва бу мерос олдида чуқур масъулият ҳисси бўлиши зарур эканлигини ҳисобга олишимиз лозим.

Жамиятимизни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш йўли ва андозаси етук бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларнинг бой тажрибасига ва Ўзбекистон халқининг миллий тарихий мероси, турмуш тарзи, анъаналари ва хусусиятларига таянади. Бундан кўзланган пировард мақсад ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдир. Бу эса юртимизда яшайдиган барча инсонлар учун, миллати, тили ва динидан қатъий назар, муносиб ҳаёт шароити яратиб бериш, ривожланган демократик мамлакатлардаги каби кафолатган юқори ва янги сифатдаги турмуш даражаси ва эркинликларни таъминлашдан иборатдир. Бундай стратегик мақсадни амалга оширишнинг иқтисодий асоси ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ҳисобланади. Шу боисдан ҳам кенг қамровли туб ислоҳотларнинг муҳим жабҳаларидан бири ижтимоий бозор иқтисодиётини яратишга йўналтирилган иқтисодий ислоҳотлардир. Иқтисодий ислоҳотлар жамиятимизнинг сиёсий, ижтимоий, маънавий ҳамда давлат қурилиши соҳаларидаги туб ислоҳотлар билан чамбарчас, узвий боғлиқликда амалга оширилмоқда.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш йўлининг назарий асослари, стратегик мақсадлари, устувор йўналишлари ва уларни амалга ошириш йўллари истиқлолнинг дастлабки йилларида ишлаб чиқилган. Мустақилликка эришган давлатимизнинг янги жамият қуриш, унинг иқтисодий асоси бўлган бозор иқтисодиётига ўтиш дастурида Ўзбекистоннинг ҳозирги куни ва келгуси тараққиётига тўла-тўқис мос келадиган янги модел ўз ифодасини топган. Ўтган давр мобайнида миллий иқтисодиётни модернизация қилиш ва ислоҳ этишда салмоқли ишлар амалга оширилди. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун зарур бўлган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий асослар шаклланди. Халқимиз ҳаёти, турмуш тарзи, тафаккури ва жамиятимиз қиёфаси ўзгарди. Кейинги йилларда ҳам юртимизнинг барқарор тараққиёти, ривожланиш тамойилларининг самарали бўлиши таъминланади. Ана шу жараённинг асосий йўналишлари ва бундан келиб чиқадиган устувор вазифалар орасида иқтисодиётни ривожлантириш, иқтисодий муносабатларни янада такомиллаштириш, мулкдорлар сафини кенгайтириш ва ўрта синфни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Афсуски, собиқ иттифоқ даврида жамиятни сунъий тарзда турли синфларга ажратиб, уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш, хусусий мулкни йўқотиш ғояси амалиётга татбиқ этилди. Бу ғоя биринчидан, инсонларнинг мулкка эга бўлиши билан боғлиқ бўлган табиий ва ижтимоий эҳтиёжларига зид ҳолатни вужудга келтирди, иккинчидан, жамиятда мулкка, мулкдорларга нисбатан ижтимоий ёт, зарарли қатлам сифатида қарашни шакллантирди, учинчидан, ҳаётда мулкдан бегоналашиш туйғусини шакллантириб, “Мулк ҳамманики, айни пайтда ҳеч кимники” деган ақида одамлар онгига сингдирилди. Бу эса ўз навбатида, мулкнинг эгаси йўқ бўлишига, мулкдорлар йўқотилишига, ўрта синф шаклланмаслигига олиб келди ва оқибатда одамларда мулкка нисбатан эгалик ҳиссини барҳам топтирди.

Фақатгина мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши бу соҳада ҳам ўзгаришларни амалга ошириш имконини берди. Ўтган йиллар тажрибаси демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти кўп тармоқли бозор иқтисодиётининг ижтимоий негизини ўрта синф ва мулкдорлар қатлами ташкил этишини кўрсатди. Замонавий иқтисодиёт ва бозор муносабатлари учун мулк соҳиблари бўлмиш ижтимоий қатлам шаклланиши табиий заруратдир. Аслини олганда, бундай муносабатларга асосланган иқтисодий ислоҳотлар ўзига хос ўрта синф мавжудлигини тақозо этади ва муқаррар равишда уни яратади. Айнан шундай тоифа туфайли жамиятда барқарорлик мустаҳкамланади, тараққиёт

тезлашади. Шу маънода ҳам истиқлол туфайли Ўзбекистонда бошланган туб бурилиш ва жамиятни янгилаш жараёнида мулкдорлар қатламини шакллантиришга алоҳида эътибор берилгани бежиз эмас.

Бугунги кунда тез-тез учраётган «Мулкдорлар қатлами» ва «Ўрта синф» тушунчалари маъно-мазмун нуқтаи назаридан фарқли жиҳатларга эга бўлсада, аммо бир-бири билан ўзаро алоқада ва узвий боғлиқликда намоён бўлади. «Мулкдорлар қатлами» асосан жамият аъзоларининг мулкдорлик даражаси, уларнинг мулкдорлик ҳуқуқига ва мулкка эга эканлигини ифодалайдиган тушунчадир. «Ўрта синф» тушунчаси эса мамлакатимизда ислоҳотлар жараёнида тадрижий тарзда шаклланаётган, жамиятнинг тузилишида муҳим ўрин эгаллайдиган, муайян фаолият тури билан шуғулланаётган, мулкнинг бирор шаклига эга бўлган ҳамда моддий ва маънавий бойликлар яратишда қатнашиб, юртимиз ривожига ўз ҳиссасини қўшаётган кишилар тоифасини англатади. Ўрта синф бир жойда ғуж бўлиб олган ва фақат бир соҳада фаолият яратаётган кишилар эмас. Унинг вакиллари жамиятнинг барча соҳаларида учратиш мумкин. Шу билан бирга уларнинг кўпчилиги хусусий бизнес, тадбиркорлик, фермерлик каби фаолият билан шуғулланаётгани ҳам маълум.

“Ўрта синф” – кенг маъноли тушунча. Иқтисодий ислоҳотлар ва бозор муносабатлари ривожланиши жараёнида бу синфнинг имкониятлари ва шунга мос тарзда ушбу тушунчанинг мазмун-моҳияти ҳам кенгайиб бориши муқаррар. Мазкур синф шаклланиши билан боғлиқ вазифаларни бажариш – Ўзбекистонни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқишда ҳал қилувчи омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу масалада давлатнинг ислоҳотчилиги шундан иборатки, у мулкдорларга аниқ фаолият доирасини кўрсатиб бермоқда ва хусусий мулкчилик ҳамда тадбиркорликни ҳар томонлама рағбатлантиришга ҳаракат қилмоқда. Мазкур фаолиятнинг тадрижий тарзда, босқичма-босқич амалга оширилиши шу соҳада кўндаланг бўлиб қолаётган масалаларни ечилишида муҳим аҳамиятга эга.

Ўрта синф мамлакатимиздаги янги ижтимоий ўзгаришлар негизда шаклланаётган тоифа сифатида, жамият тараққиётининг муҳим ижтимоий таянчи бўлиб, ҳаётни демократлаштириш ва эркинлаштириш вазифаларини амалга ошириш жараёнининг ҳосиласидир. Айнан ўрта синфни шакллантириш жараёни турли хил қарашлар, манфаатлар ва муддаоларга эга бўлган кишиларни муштарак мақсадларни амалга ошириш йўлида бирлаштиради ва мамлакатимизнинг стратегик вазифаларини бажаришга имконият яратади. Шу маънода тадбиркорлик фаолияти, кичик бизнес ҳамда мулкдорлар қатламини шакллантириш нафақат бугунги кун, балки истиқбол вазифаларини амалга ошириш нуқтаи назаридан ҳам муҳим аҳамиятга эга. “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”нинг яратилиши бу йўналишда янги босқични бошлаб берди. Бундай ўзгариш ва модернизация амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик туйғуларининг ортиб бориши, хусусий бизнес, тадбиркорлик ва ишбилармонлик билан бевосита шуғулланаётганлар сафининг кенгайиши, халқ орасида бу соҳадаги жараёнларга нисбатан ижобий фикр ва қарашнинг кучайиши кабиларда яққол намоён бўлади.

Янги иқтисодий муносабатларни вужудга келтириш учун зарур бўлган модернизация бир кунда, ўз-ўзидан амалга ошиб қоладиган оддий ва жўн ҳодиса эмас. Бу давлат ва жамоат ташкилотлари, фуқаролик институтлари, айниқса, сиёсий партияларнинг фаол ҳаракатини тақозо этадиган серқирра жараёндир. Ушбу йўналишда рўй бераётган жараёнларни чуқур таҳлил қилиш ва баъзида учраётган муаммоларини зудлик билан ечишнинг самарали йўллари ҳамда усулларидан фойдаланишни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда. Ушбу соҳани ривожлантириш бўйича хориж тажрибасини ўрганиш ва ундан ижодий фойдаланиш масалалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур мавзуга доир назария ва амалиётни қиёсий ўрганиш, долзарб масалаларни ҳал қилишда анъанавийлик ва

замонавийлик тамойилларига эътибор қаратган ҳолда, бу жараённинг иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий асослари ва ташкилий меҳанизмлари тўғрисида аниқ тасаввуримизни шакллантириш ҳам муҳим вазифага айланмоқда.

Ушбу соҳада аҳолининг турли қатламлари, айниқса ёш авлод тафаккурида мустақил тараққиёт давомида моддий ва маънавий қадриятлар соҳасида эришилган натижаларни ҳис қилиб яшаш, жамиятда амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик туйғусини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Мазкур вазифаларни бажаришда маънавий-маърифий воситалар ҳамда тарғиботнинг таъсирчан усулларини қўллаш, шу йўналишдаги ишларни янада жадаллаштириш фаолиятимизнинг устивор йўналишига айланди. Бу эса ҳар биримизнинг зиммамизга улкан масъулият юклайди.

6-мавзу. Маънавий қадриятлар

Қадрият шакллари орасида маънавий қадриятлар муҳим аҳамият касб этади. **“Маънавий қадриятлар”** тушунчаси инсон маънавияти ва ахлоқий қиёфасига, жамиятнинг маънавий ҳаётига дахлдор бўлиб, одамларни тарбиялашга, уларнинг баркамоллигини таъминлашга, миллатлар ва жамиятларни эзгулик ва бунёдкорликка ундашга хизмат қиладиган қадриятлар тизимини ифодалайди. Мазкур тушунчада маънавий қиёфа, тафаккур ва турмуш тарзи, менталитет, урф-одатлар, анъаналар, Ватан ва халқига, ўзгаларга нисбатан муносабат, тинчлик ва тотувлик, барқарорлик ва бунёдкорликка интилиш ва ҳоказоларнинг қадр-қиммати яққол намоён бўлади. Бунда инсон тарбияси ва камолотида муҳим аҳамиятга эга бўлган, жамият ва шахс маънавиятини юксалтирувчи, тафаккур ривожига беқиёс аҳамият касб этадиган қадрият шакллари тушунилади.

Маънавий қадриятлар муайян шароитларда шаклланади ва шу маънода ижтимоий муҳит уларни яратиш ҳамда такомиллаштиришнинг асосий манбаидир. Бу қадриятларни англаш кишининг ўз миллати, юрти, элига тегишли қадриятларни асраб-авайлашга хизмат қилади, ўзига ишонч ва ҳурматни мустаҳкамлайди, Ватан истиқболига катта умид билан қарашга ундайди. Муайян миллат ўз қадриятларини қанчалик асраб-авайласа, унинг тараққиётида маънавий ва моддий омиллар уйғунлиги шунчалик мустаҳкам ва барқарор бўлади.

Фанда маънавий қадриятларнинг қатор функциялари ўрганилади. Улар аввало, жамият аъзоларининг ўз ўзини тарбиялашга, аждодлардан мерос қолган қадриятлар ва идеалларга муносиб бўлишга ундайди. Бу жараёнда икки хил ҳолат кузатилади. Биринчисида маънавий қадриятлар жамият аъзолари томонидан онгли тарзда яратилади, яъни одамлар ўзларида мавжуд бўлган маънавий меъёрлар ва мезонлар ҳақидаги тушунчалар асосида уларга мос келадиган қадрият ва идеалларни яратади. Бундай саъй-ҳаракатлар жамият аъзоларининг маънавий фаоллигини оширади, излаш, изланиш ва яратувчанликка чорлайди. Иккинчи ҳолатда эса, жамият аъзолари томонидан ўзлаштирилган билим, турли урф-одатлар ёки бошқа маданий-маърифий тадбирлар жараёнида олган тушунча, билим ва таассуротлар ҳам маънавий қадриятларнинг такомиллашувига хизмат қилади.

Маънавий қадриятларнинг шаклланишида ҳар икки ҳолатнинг таъсири кузатилади. Бундай қадриятлар ижтимоий онг шаклларига мос келадиган маданий, маърифий, ахлоқий, диний, ҳуқуқий, илмий ва ҳоказо турларга бўлинади. Улар инсоннинг ақли, камолоти, дунёни билиш мақсади, билимларининг ҳақиқатга мос келиш даражасини аниқлаш мезони ёки бирор идеал тарзида намоён бўлади. Маънавий қадриятларнинг инсон тарбияси ва жамиятдаги ўрнига доир асосий функцияси ана шу билан боғлиқ. Ушбу қадриятларнинг яна бир муҳим жиҳати шуки, уларнинг баъзилари инсоният тарихи давомида аста-секин шаклланади ва такомиллашиб боради. Уларнинг миқдори ва сифатининг ортиши жамият

аъзоларининг тафаккур даражаси юксалиши ҳамда инсоният тараққиёти қанчалик илгарилаб кетганининг кўрсаткичи ҳамдир. Дейлик узоқ ўтмишда бугунги кунда қадр ва аҳамияти юксак бўлган газета, радио, телевидение тўғрисида умуман тасаввур бўлган эмас. Бундай тасаввурлар асрлар давомида шаклланиб, такомиллашиб, ҳаёт билан уйғун тарзда бойиб борган.

Маънавий қадриятлар ва қадрият мезонлари муайян жамият маънавияти ва унга мансуб кишиларнинг хулқ-атворини тартибга солиш ва тўғри йўналтириш функциясини ҳам бажаради. Бунда ўзига хос маънавий бошқаришнинг самарадорлигига эришиш ниҳоятда муҳим.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши туфайли маънавий қадриятларга эътибор кучайди. Зеро, ушбу қадриятлар мамлакатимиз мустақиллигини ва халқимизнинг иродасини мустаҳкам қиладиган, унга куч-қувват бағишлайдиган асосий омиллардан биридир.

Халқимизнинг асрлардан-асрларга мерос қолиб келаётган маънавий қадриятлари узоқ тарихий жараёнда шаклланган ва ривожланган. Уларни уч минг йилдан ортиқ даврни мужассамлаштирган халқимиз цивилизацияси яратган. Бизнинг маънавий қадриятларимиз ана шу цивилизацияга узвий боғлиқ бўлиб, улар миллатимиз шаклланган макон ва она юртга эҳтиром, авлодлар хотирасига садоқат, катталарга ҳурмат, муомалада мулозамат, ҳаё, андиша каби кўплаб тушунчаларда ифодаланади. Маънавий қадриятларимизда жаҳоннинг бошқа халқларига ўхшамайдиган урф-одатлар, расм-русумлар, маросимлар ва анъаналар кўплаб учрайди.

Собиқ тузум шароитида маънавий қадриятлар масаласи кўп ҳолларда эътибордан четда қолиб кетган эди. Мустақиллик туфайли ҳақиқий маънавий қадриятларимизни, уларнинг жамият ижтимоий, маънавий-маърифий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини англаш, улуғ аждодларимизнинг маданий, илмий меросини ўзлаштириш, фарзандларимизни маънавий қадриятлар асосида тарбиялаб вояга етказиш, ана шу бебаҳо бойликни асраб-авайлаш ва бойитган ҳолда келгуси авлодларга бекаму-кўст узатиш имкони яратилди. Бу эса маънавий қадриятлар боқийлиги ва бардавомлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ушбу қадриятларнинг асоси **маънавий ҳаёт**, унга хос нарса ва ҳодисалар, воқеа ва жараёнлар, бу соҳада рўй бераётган ўзгаришлардир. Маънавий ҳаёт шахс, миллат ва жамиятнинг маънавий мунтлар, жараёнлар, алоқа ва мулоқотлари мажмуи, ижтимоий ҳаётнинг муҳим кўринишини ифодаловчи тушунчадир. Унинг мазмун-моҳияти Президент Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида чуқур ва ҳар томонлама очиб берилган. Маънавий ҳаётга бўлган жиддий эътибор ва уни ўрганиш фақат мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейингина бошланди.

Ҳар қайси халқ ёки миллатнинг тафаккури, турмуш тарзи, қадриятлари, маънавий қарашлари ўз-ўзидан, бўш жойда шаклланиб қолмайди. Уларнинг вужудга келиши ва ривожланишида аниқ тарихий-табиий ва ижтимоий омиллар асос бўлиб, маънавий ҳаёт мезонлари, ахлоқ-одоб қоидалари инсонларга куч-қувват бағишлайди. Аниқроғи, маънавий ҳаёт орқали инсон ва миллат қилинаётган ишларнинг мазмун-моҳиятини аниқ тушуниб етади, ўз меҳнатини фаровонлик ҳамда тараққиёт омилига айлантиришга ҳаракат қилади.

Маданий тараққиётга хос бўлган умумий қонуниятлардан бири – маънавиятнинг тўхтовсиз равишда янгиланиб бориши билан боғлиқ узлуксиз ва такрорланиб турувчи жараёндан иборатдир. Маънавий ҳаёт жамиятда амал қилувчи ижтимоий меъёрларга асосланади. Лекин бу меъёрлар ўз-ўзидан вужудга келиб, ривожланмайди, балки шу жамият фуқаролари, фаол шахслар иштирокида амалга ошади. Демак, маънавий ҳаётнинг янгиланиб бориши ва яшовчанлиги, авваламбор, шу жамият фуқаролар зиммасига юклатадиган асосий масъулиятдир. Шахснинг маънавий юксалиши ва жамиятнинг маънавий бойлигини сақлаш муҳим

ҳолатлардир. Инсон жамият олдидаги бурчини тўлақонли равишда ижро этиб борар экан, унинг ижтимоий меъёрларга риоя қилиши мавжуд анъаналарнинг яшовчанлигини таъминлайди, ўз фаолиятига ижодий ёндашуви орқали у эса қадриятларнинг замон талабига биноан янада мукамаллашишига кўмак беради. Маънавий юксалиш инсон ҳаёт мазмунининг янада бойишига, унинг шахс сифатида комилликка эришишига асос бўлади. Шахснинг маънавий дунёси унинг қадриятлари тизими, эътиқоди ва дунёқарашининг мазкур жамиятда амал қилувчи тартиблар ва анъаналарга қанчалик мос келиши билан белгиланади. Бундай ўзаро мутаносиблик маънавий ҳаётнинг янада мукамаллашиб бориши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Маънавий қадриятлар жамият тараққиёти жараёнида кўплаб авлодлар тафаккури ва ақл-заковати билан яратилган **маънавий мерос ва маданий бойликлар** билан узвий боғлиқ. Президент Ислоҳ Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида “Маънавий бойлик” тушунчасига қуйидагича таъриф беради: “Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазиналарида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астраномия, меъморлик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир”.¹ Масалан, қарийб уч минг йиллик тарихга эга бебаҳо маънавий обида, “Авесто”, халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдонаси бўлган “Алпомиш” достони, энг азиз ва мўътабар байрам – Наврўз айёми, маънавиятнинг ажралмас қисми муқаддас динимиз, буюк аждодларимиз Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Ал-Фарғоний, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, жадид бобларимизнинг улкан маданий-маърифий, илмий, ижтимоий-фалсафий мероси, давлатчилик тажрибаси бугунги кунда ҳам мамлакатимизнинг ҳар томонлама тараққиёти, келажаги ва маънавий қадриятлар такомилига хизмат қилиб келмоқда.

“Маънавий мерос” тараққиёт маҳсули, инсон ақл-заковати билан яратилган, келажак авлодни эзгу тараққиёт сари етаклаш хусусиятига эга бўлган, кишиларнинг онги ва дунёқарашининг ўсиши, оламни билиш ва ўзлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларига куч-қувват берадиган, аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган азалий қадриятлар мажмуини ифодалайдиган тушунчадир. У аждодлар тажрибаси, улар қолдирган маънавий бойликларни келгуси авлодларнинг амалий фаолияти, тафаккур тарзида қандай аҳамият касб этишига кўра, яқка шахс, алоҳида гуруҳ ёки муайян миллат вакилларига тегишли бўлиши ҳам мумкин. Маънавий мерос маълум миллий тилда яратилгани, миллий маданий-маънавий анъаналар, қарашларни акс эттиришига кўра миллатга, маълум бир ҳудудда истиқомат қилувчи турли кишиларни қамраб олиши хусусиятига кўра жамиятга, маълум бир ҳокимият амал қилиб турган даврда яратилганига кўра давлатга, инсоният тарихида тутган ўрнига кўра умуминсониятга хос бўлиши ҳам мумкин. Президентимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида таъкидланганидек, “Ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бўлиб хизмат қилади”. Демак, маънавий мерос бир вақтнинг ўзида миллат, давлат, минтақа ва бутун инсониятга тегишли бўлиши мумкин. Масалан, Имом Бухорий ва Имом Термизийнинг диний-маърифий мероси, Абу Али ибн Синонинг тиббиётга оид ёки Мирзо Улуғбекнинг астраномияга доир кашфиётлари, нафақат миллатимиз ва минтақамизда

¹ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. 30-31 б.

истиқомат қилаётган халқлар, балки жаҳон цивилизацияси, дунё маданиятидан ўрин олган бебаҳо маънавий мерос ҳисобланади.

Маънавий мерос моддий меросдан фарқли равишда оламда ва инсоннинг ички дунёсида рўй берган, бераётган ёки бериши мумкин бўлган интеллектуал ва психологик ҳолатлар, хатти-ҳаракатлар, амалий фаолият ва унинг натижаларини англашга кенг имкониятлар яратиши билан ҳам қадрлидир. Шу билан бирга, маънавий меросни моддий меросга қарама-қарши қўйиб бўлмайди. Чунки бизгача етиб келган моддий мерос инсоннинг онгига таъсири нуқтаи назаридан, айти вақтда, маънавий меросга айланиши ҳам мумкин. Масалан, бизга қадар етиб келган узоқ ўтмишда яратилган тарихий обидалар моддий меросга мансуб бўлса-да, улардаги муҳандислик, безак ишлари, қурилиш тарихи ва унга оид ашёларининг тайёрланиши ва қадрли жиҳатларига кўра маънавий меросга айланади. Худди шунингдек, моддий неъматлар ишлаб чиқариш технологиялари ва ускуналари моддий меросга мансуб бўлса-да, бу борадаги анъаналарнинг аждодлардан авлодларга ўтиши маънавий мерос тарзида амалга ошади.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, инсониятнинг ёзма манбаларда акс этмаган кўплаб табиий кўникмалари маънавий мерос тарзида аждодлардан авлодларга ўтиб келади. Ёзувнинг пайдо бўлиши уни сақлаш ва бойитиш йўлидаги инсоният эришган энг катта ютуқ ҳисобланади. Ёзув туйғули ҳозирги илм-фанда инсон тараққиёти, жумладан, маънавий мероснинг беш минг йилдан ортиқ тарихи, ер ва коинот жисмларининг бир неча миллион йиллик даври ҳақидаги маълумотлар жамланган.

Кишилар онги, ички дунёси, тафаккур тарзи, ҳис-туйғуларига таъсир этиб, уларни бойитиш, ривожлантириш, янги ғоявий йўналишларга бошқариш маънавий мероснинг асл моҳиятини ифодалайди. Шунингдек, бугунги кунда унинг одамлар ҳаёт тарзига чуқур таъсир этадиган қадрият сифатида аҳамияти тобора яққол намоён бўлмоқда. И.Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида таъкидланганидек, «Шарқ оламида, жумладан, Ўрта Осиё шароитида жамоа бўлиб яшаш туйғуси ғоят муҳим аҳамият касб этади ва одамларни бир-бирига яқинлаштиришга, бир-бирини қўллаб-қувватлаб ҳаёт кечиришга замин туғдиради. Шу маънода, халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзига назар ташлайдиган бўлсак, бошқаларга ҳеч ўхшамайдиган, минг йиллар давомида шаклланган, нафақат ўзаро муомала, балки ҳаётимизнинг узвий бир қисми сифатида намоён бўладиган бир қатор ўзига хос хусусиятларни кўрамиз. Мисол учун, тилимиздаги меҳр-оқибат, меҳр-муҳаббат, меҳр-шафқат, қадр-қиммат деган, бир-бирини чуқур мазмун билан бойитадиган ва тўлдирадиган хусусиятларни олайлик. Бундай тушунчалар асрлар мобайнида эл-юртимизнинг дунёқараши, маънавий ҳаётининг негизи сифатида вужудга келган, онгу шууримиздан чуқур жой олган буюк қадриятларнинг, маънавий мероснинг амалий ифодасидир. Масалан, эзгу одатимизга айланиб кетган меҳр-оқибат тушунчасини оладиган бўлсак, унинг жуда теран тарихий, миллий, диний илдизлари борлигини кўриш мумкин. Бу аввало, инсоннинг инсон билан, қўшнининг қўшни билан, қариндошнинг қариндош, оиланинг оила билан, энг муҳими, шахснинг жамият билан уйғун бўлиб яшашини, етим-есир, бева-бечора ва ногиронларга, мусофирларга саховат кўрсатиш, сидқидилдан, беғараз ёрдам беришни англатади ва бундай хусусият халқимизнинг маънавий оламига сингиб кетганини ҳеч ким инкор эта олмайди».

Демак, бундай қадриятлар асрлардан-асрларга маънавий мерос сифатида ўтиб келаётгани рад этиб бўлмас ҳақиқатдир. Шу жиҳатдан қараганда, бугунги жамият ҳаёти ва тафаккуридаги ғоявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қадриятлар, дунёқараш, урф-одатлар, анъаналар ва муносабатлар келажак авлоднинг маънавий меросини белгилайди. Маданий қадриятлар ва маънавий мерос минг йиллар мобайнида халқимиз учун қудратли манба сифатида хизмат қилиб келган. Узоқ вақт давом этган кучли мафкуравий тазйиққа қарамай,

Ўзбекистон халқи авлоддан авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос маънавияти ва анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аجدодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий меросни тиклаш ва маданий бойликларни асраб-авайлаш давлат сиёсати даражасида ниҳоятда муҳим вазифага айланди. Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантириш йўли тўртта асосий негизга асосланади. Бу негизлар: умуминсоний қадриятларга содиқлик; халқимиз маънавий меросини қайта тиклаш, мустаҳкамлаш ва ривожлантириш; инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши; ватанпарварлик.

Ҳозир Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг Ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини бутун жаҳон тан олмоқда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олиму уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Кўплаб диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган. Милодгача ва ундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари, шу кунгача кўрку файзини, маҳобатини йўқотмаган осори атиқаларимиз қадим-қадимдан юртимизда деҳқончилик, ҳунармандчилик маданияти, меъморчилик ва шаҳарсозлик санъати юксак бўлганидан далолат беради. Бешафқат давр синовларидан омон қолган, энг қадимги тошёзувлар, битиклардан тортиб, бугун кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган 20 мингдан ортиқ қўлёзма, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, физика, кимё, астрономия, меъморчилик, деҳқончиликка оид ўн минглаб асарлар беқиёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир. Бу қадар катта меросга эга бўлган халқ дунёда кам топилади.

Бундан ташқари, диёримиз халқи қадим замонлардан ўзларига ҳамроҳ ва ҳамқадам бўлган инсоният билан яқиндан алоқа боғлаб яшади. Бунга кўпдан-кўп мисоллар бор. Осиёнинг қаъридан Яқин Шарққа, Европа ва Африкага олиб борадиган Буюк Ипак йўли, бутун маданий оламга таниқли олимлар ва мутафаккирлар, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Хива сингари шаҳарлар яратувчилари бўлмиш улуғ аجدодларимизнинг ижодиёти ўзининг улуғворлиги ва гўзаллиги билан ҳозиргача ҳаммани лол қолдирган маънавий меросни етказиб берди. Президентимиз тамонидан аجدодларимизнинг руҳи поклари ва урф-одатлари, бизнинг энг яхши анъаналаримиз, маънавий мероснинг қайта тикланиши ислохотларнинг муваффақиятга эришиши, мамлакатимиз тараққиётининг муҳим омили эканини қайта-қайта такрорлангани бежиз эмас. Шунга кўра айтиш мумкинки, бирон-бир жамият маънавий имкониятлари, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб, ўз истиқболини тасаввур эта олмайди. Истиқлол йилларида маънавий мероснинг ушбу соҳалардаги таркибий қисмларига нисбатан ҳам муносабат тубдан ўзгарди. Уларнинг ҳар томонлама тараққиёти учун кенг имкониятлар яратиш устувор вазифалардан бирига айланди.

“Маънавий қадриятлар” инсоннинг ахлоқий қиёфаси, ижтимоий ҳаёт, онг ва муносабатлар билан боғлиқ бўлган, жамият тараққиёти ва турмуши таъсирида шаклланган маънавий хусусият ва хислатларининг умуминсоний ҳамда миллий феъл-атвор кўринишларини ифодаловчи тушунча ҳамдир. Шахснинг маънавий қиёфаси унинг имон-этиқоди асосида ҳалол-поклик, меҳр-шафқат, адолат ва ҳақиқатгўйлик, ватанпарварлик, катталарга ҳурмат ва кичикларга иззатда бўлиш, камтарлик ва кабиларда намоён бўлади. Шу маънода, маънавий қиёфа эркак ва аёл, ота-она ва фарзандларга мос ўзига хослик жиҳатларига ёки касбий хусусиятларга эга бўлиши ҳам мумкин. Шарқ халқларида маънавий қиёфани тарбиялашнинг муҳим мезони “Ўзинга нима тиласанг, ўзгаларга шуни тилагин”

деган ҳикматда мужассамлашган.

Маънавий қадриятлар ижтимоий-тарихий, маданий тараққиёт натижасида шаклланади, такомиллашиб, бойиб боради. Шу тариқа миллий маданият ривожланади. Бу жараёнда маънавият аҳли: алломалар, адиб ва зиёлиларнинг миллий онг, миллий руҳ, миллий ўзига хосликни таъминлаш ва ривожлантиришда тутган ўрни муҳим аҳамиятга эга. Улуғ аждодларимиз Имом Бухорий, Ат-Термизий, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Ғиждувоний, Нақшбанд, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби зотларнинг бизга қолдирган бебаҳо маънавий-маърифий, илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон маданияти хазинасидан муносиб ўрин олиб, инсониятни эзгулик сари етаклаб, ҳар томонлама баркамол инсонларни тарбиялаб вояга етказишга хизмат қилиб келмоқда. Бинобарин, юксак маънавий қиёфани ўзида мужассамлаштирган бу улуғ зотларнинг ўзи ҳам биз учун абадул-абад камолот ва етуклик тимсоли бўлиб қолган. “Биз бу бебаҳо меросдан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз”.¹

Халқимиз маънавий тараққиёти жараёнида шаклланиб, сайқал топиб келаётган шарм-ҳаё, ор-номус, андиша, виждон, инсоф каби хислатлар маънавий қадриятларнинг энг ноёб кўринишлари сирасига киради. Масалан, шарм – бу ножўя хатти-ҳаракатлардан ўзини тия олиш, уялиш ҳиссидир. Жамиятда қабул қилинган маънавий мезонларга мос бўлмаган қилмиши учун ўзидан уялган одам ўзгаларга ҳам ана шундай ножўя хатти-ҳаракатни раво кўрмайди. Ўзида ҳаё туйғуси бўлмаган одам эса ўзгалардан ҳаёли бўлишни талаб қила олмайди.

Маънавий қадриятлар орасида **ор-номус** ҳам муҳим ўрин тутади. Ор-номус бу ўзига номуносиб ёки эп кўрилмаган ишдан, нарсадан хижолат тортиш, уялиш, номус қилиш туйғусидир. Орият бу – ор-номусдан ташқари иззат-нафс, қадр-қиммат туйғуларини ҳам ифодалайди. Чунки, ориятли одам ўзи, оиласи, маҳалласи ҳамда Ватанининг манфаатлари ва қадр-қимматини юксак тутади. Номус эса иффат, бокиралик маъноларини мужассам этган ҳолда инсоннинг жамиятда ўз мавқеини сақлаши, кўпчилик манфаатларини ҳурмат қилиш ва ардоқлаш, ноўрин хатти-ҳаракатлардан хижолат тортиш туйғуларини, оила, жамоа ва аждодлар шаънига доғ туширмаслик маъноларини ҳам англатади.

Андиша ҳам маънавий қадриятлардан бири сифатида ижтимоий ҳаётда муҳим ўрин эгаллаб, халқимизга хос хусусият сифатида оқибатни ўйлаб иш тутиш, мулоҳаза юритиш ҳиссидир. Андишали киши фаросат билан иш тутиб, маънавият соҳиби эканини намоён этади.

Маънавий қадриятлардан яна бири - **виждон** кишининг кундалик фаолияти, қилмиши, феъл-атворида мужассамлашган оила, маҳалла, жамоа, жамият, миллат ва Ватан олдида маънавий масъулиятни ҳис этиш туйғусидир. Инсоф эса адолат ва виждон амри билан фаолият юритиш туйғуси бўлиб, ўзаро муносабатларда ҳалоллик, тўғрилиқ, тенглик, софдиллик ва тўғрисўзликни ифода этади. Инсоф категорияси Шарқ фалсафасида инсоннинг жамиятнинг маънавий-ахлоқий меъёрлари нуқтаи назаридан ўз хулқ-одобини назорат қилиши ва уни баҳолай олиши сифатида талқин қилинади. Шу билан бирга инсоф виждонли кишининг ёки маълум жамоанинг жамиятга ёки бошқа шахсларга нисбатан ўз хулқ-атвори учун маънавий жавобгарлигини ҳам англатади.

Маънавий қадриятлар инсоннинг шахс сифатидаги фаолиятида ҳам, унинг Ватан ва халқ олдидаги масъулиятини ҳис этишида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, жамият тараққиёти ва қадрли мезонлар амалиётининг ўзига хос омили сифатида хизмат қилади. Бурч ва масъулият ҳам шахсий даражадаги маънавий

¹ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. 48-бет.

қадриятларни шакллантирувчи ана шундай омиллар қаторига киради. Бурч ва масъулият инсонга хос бўлган юксак маънавий фазилат, унинг ахлоқий майл-истакларининг ҳис-туйғуларда акс этишини ифодаловчи тушунчалардир. Улар шахсни баъзан ҳузур-ҳаловатдан, турмуш лаззатларидан маҳрум этиши мумкин бўлиб, у таълим-тарбия жараёнида инсон тафаккурига сингдирилади ёки оилавий, миллий анъаналар тарзида қабул қилинади. Инсоннинг бурч ва масъулияти унинг маънавияти, руҳияти, тафаккурига ижобий таъсир кўрсатган, тарбиясида муҳим роль ўйнаган нарса, ҳодиса ва шахсларга нисбатан маънавий қарздорлик туйғусидир. Бурч кишининг жамият, давлат ва бошқа одамларга нисбатан муносабати, улар олдидаги мажбуриятини ифодалайди.

Бурч ва масъулият виждон, эътиқод, масъулият каби тушунчалар билан узвий боғлиқдир. Умуман, бурч ва масъулият инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, унинг ҳар бир хатти-ҳаракатида намоён бўлади. Мутафаккир Ибн Сино «Бурч тўғрисида рисола»сида бурчни Тангри олдидаги қарздорлик туйғусини бажариш, илоҳий масъулият деб талқин этади. Бурч ва масъулият нафақат масъулиятни, балки ҳар қандай ишга виждонан ёндашишни, эътиқодда собитликни тақозо этади. Бунинг учун инсон, аввало, ўз бурчини чуқур ҳис этиши, ҳар бир хатти-ҳаракатида ана шу мезонга таяниши лозим.

Бурч ва масъулият туйғуси халқимизнинг бир неча минг йиллик тарихи, буюк аждодларимиз, ота-боболаримизнинг амалий тажрибаси негизида шаклланиб сайқал топиб келган. Шу боис бу туйғуни ҳар бир ватандошимиз онги ва қалбига сингдириш орқали уларда мамлакатимиз ҳаётида юз бераётган туб ўзгаришларга дахлдорлик ҳиссини шакллантириш, халқимиз маънавияти юксалиши, Ватанимизнинг тараққий этиши ва гуллаб-яшнаши учун муҳим аҳамият касб этади.

Маънавий қадриятлар **ўзликни англаш** билан узвий боғлиқдир. Ўзликни англаш ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга бел боғлаган халқимиз, айниқса, ёшларда маънавий қадриятларни шакллантириш жараёнининг таркибий қисми, тарихий хотирани тиклаш, ўтмиш авлодларга муносиб бўлиш, улар қолдирган меросни асраб-авайлаш ва такомиллаштириш омилидир. Ўзликни англаш жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётини демократлаштириш ва янгилаш, янги тафаккурни шакллантиришнинг асосий воситаларидан биридир. Маълумки, шахсда кўплаб ижтимоий-инсоний фазилатлар билан бирга ўзликни англаш хусусияти ҳам мужассамдир. Бу ғоят кўп қиррали, мураккаб, айна пайтда, зиддиятли ижтимоий ҳодиса бўлгани учун унга комплекс ёндашиш талаб этилади. Аввало, маънавий ўзликни англаш кенг маънодаги умуминсоний ўзликни англашнинг таркибий қисмидир. Шунинг учун маънавий ўзликни англаш ижтимоий тараққиётнинг нафақат белгиси, худди шунингдек, мақсади ҳамдир.

Демак, маънавий ўзликни англаш ижтимоий феномен сифатида жамият тараққиёти билан уйғунликда талқин этилиши зарур. Бу борада «халқ руҳи», «халқ қалби» деган тушунчалар ҳам муҳим ўрин тутди. Шунинг учун ҳам маънавият муаммоларини тадқиқ этган мутахассислар «руҳ», «қалб» категорияларига алоҳида эътибор берадилар. Маънавий ўзликни англаш, аввало, кишининг ўз руҳи ва қалбини идрок этиши бўлиб, ижтимоий даражада у халқнинг ўзига хос руҳий-маънавий бирлигини ҳам ифодалайди.

Маънавий ўзликни англашга тааллуқли ҳодиса сифатида эса миллий ўзликни англаш маълум бир миллат вакилларининг қалбига, руҳига яқин умумий бойликлар, қадриятлар, тасаввурлар, анъаналар, руҳий-маънавий ҳолатлар асосида кишиларни халқ, миллат сифатида бирлаштиради, уларга хос умумий белгилар бахш этади. Шу ўринда Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган «Шу азиз Ватан барчамизники» ғояси мамлакатимизда яшовчи ҳар бир кишини, бутун халқимизни озод ва обод Ватан барпо этиш йўлида ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликка ундайди.

Одамлар ҳар доим маълум бир ғоялар атрофида бирлашиб, йирик ижтимоий

кучга, ҳаракатга айланган. Инсон ўзини маънавий-ижтимоий куч эканлигини маълум бир қарашлар, ғоялар атрофида бирлашиб намоён қилиши мумкинлигини қадимдаёқ англаб етган. Маънавий ўзликни англаш қанчалик кенг, серқирра, инсон ва жамият ҳаётининг барча соҳалари билан боғлиқ бўлмасин, у ҳам муайян ғояга асосланади. Демак, ғоя маънавий ўзликни англашнинг ўзаги бўлиб, унинг маъно-мазмунини белгилайди.

Маънавий ўзликни англаш халққа, миллатга оид белгилар орқали ҳам ўз хусусиятини намоён қилади. Дунёда ўзининг маълум бир белгиларига эга бўлмаган халқ, миллат йўқ. Айнан шу белгилар кишиларни бир-бирига яқинлаштиради, улардаги муштаракликни ёрқин намоён этади. Маънавий ўзликни англаш шахснинг маънавий дунёси билан боғлиқ гоҳо зиддиятли кечадиган, ҳар доим ҳам бир мезон, меъёрлар билан ўлчанавермайдиган ҳодисадир. Унинг намоён бўлиши ва шаклланиши ҳар доим ҳам шахснинг, ҳатто муҳитнинг ҳам ихтиёрида бўлавермайди. Уларга “кўзга кўринмас” ижтимоий муносабатлар, умумий-ахлоқий нормалар, тарихан шаклланган анъаналар, урф-одатлар, халқаро вазият, ахборотлар оқими каби омиллар ҳам таъсир кўрсатади. Бу жараён шахснинг бутун умри давомида кечиши мумкин. Халқни халқ, миллатни миллат қилиб турган бундай жиҳатлар унинг асрлар давомида шаклланган муқим, барқарор тарихий-маданий қадриятлари (тили, турмуш тарзи, анъаналари ва б.) билан муштаракликда намоён бўлади. Миллий ўзликни англашнинг ўзгариши ана шу барқарор маданий асоснинг нисбий ўзгариши ифодасидир.

Миллатсиз миллий ўзликни англаш йўқ, ўзликни англашсиз эса миллатнинг бўлиши даргумондир. Улар ўртасидаги диалектик боғлиқликни очиб бериш махсус социал-психологик ёки этнопсихологик тадқиқотлар ўтказишни тақозо қилади. Бу ўринда биз шуни айтишимиз мумкинки, халқнинг, миллатнинг барқарор ижтимоий этник бирлик сифатида тарих саҳнасида жой олиши унинг миллий ўзликни англашига ва тарихий-маданий жараёнларда уни намоён этишига боғлиқдир.

Миллий ўзликни англаш узоқ тарихий ривожланиш жараёнида, кўп авлодларнинг маънавий, илмий, ижодий изланишлари маҳсули сифатида пайдо бўлади. Миллат шаклланган сайин, у аниқ кўринишга, маълум бир тамойиллар, меъёрлар, моделлар, қадриятлар тарзига ўтиб, миллий маданиятнинг таркибий қисмига айланади. Масалан, ўзбек халқи миллий ўзликни англашни «Авесто» давридан бошлаб, буюк аждодларимиз меросидаги умуминсоний қадриятлардан излаши бежиз эмас. Чунки ушбу бебаҳо меросда халқимизнинг орзу-умидлари, ахлоқ, одоб, эзгулик, адолат, порлоқ ҳаёт ҳақидаги ғоялари мужассамлашган. Айнан ушбу қадриятлар бугунги ўзбек халқининг тарихий-маданий мероси, маънавий маданиятининг ўзаги сифатида ўрганилаётгани бежиз эмас.

Маънавий қадриятлар шу йўналишдаги **мақсад ва идеаллар билан** ҳам узвий боғлиқликда намоён бўлади. Маълумки “Идеал” шахс ва жамият маънавиятини шакллантирувчи, йўналтирувчи ва ҳаракатлантирувчи, уни савоб ишлар, бунёдкорликка сафарбар қилувчи эзгу ғоя, орзу-мақсад ва ижобий намуналар мажмуини ифодаловчи тушунчадир. У франц. “ideal”, лотинча “idealus” сўзларидан келиб чиқиб, “қиёфа”, “мезон”, “мукамаллик” маъноларини англатади. Маънавий идеал атама сифатида орзу-интилишларнинг олий мақсадини ифодалайди. У ижтимоий аҳамиятга эга бўлган муҳим ахлоқий категория ҳисобланади. Бугунги жамиятимиз ривожини маънавий идеални шакллантириш ва уни жамият маънавий муҳитининг асосий негизи сифатида қабул қилишни тақозо этмоқда. Чунки халқнинг ҳаёти унинг маънавияти билан узвий боғлиқ бўлиб, жамият ахлоқининг илдизи миллат тарихи билан узвий алоқадор ҳодисадир.

Инсон ёшлиқдан азалий анъаналар, урф-одатлар оғушида камолга етади. Бу борада оила, маҳалла ва таълим-тарбия даргоҳларидаги маънавий муҳитдаги уйғунлик ва барқарорлик муҳим ўрин тутаяди. Ҳеч шубҳа йўқки, маънавий идеалга эришиш орзуси аждодларимиздан бизга ўтиб келаётган, қон-қонимизга сингиб

кетган муқаддас туйғудир. Агар ота-боболаримизнинг турмуш тарзига, тафаккурига назар солсак, улар ақлий етуклик, руҳий поклик, жисмоний баққуватлик ва албатта, ахлоқий камолотга жуда катта эътибор қаратиб, бундай шахсларни идеаллар тимсолида кўрганлар.

Тадқиқотларга қараганда, инсоният ўз ахлоқий тараққиёти давомида кўплаб мақсадлар қатори, асосан учта идеалга интилиб келган. Булар эркинлик, тенглик ва қардошлиқдир. Ҳақиқатан ҳам, инсоннинг маънавий қадриятлари орасида эркинлик, тенглик ва қардошлиқ принциплари муҳим ўрин тутуди, улар идеалнинг категориал тушунчалари бўла ҳисобланади. Чунки, фикрда, ахлоқда ва фаолиятда эркин бўлган инсонгина ўзлигини англаб етади. Ўзлигини англаган инсон барча кишиларнинг ўзаро тенглигини ҳис эта олади. Бу тенглик принципнинг қарор топишидир. Одамларнинг бир-бирларини ўзаро тенг деб билишлари уларнинг ягона мақсад сари бирлашиб, фаол ҳаракатга ундайди бу қардошлиқ тамойилининг намоён бўлишидир. Бошқача айтганда, ўзлигини англаган киши бошқалар ҳам унга тенг, қардош эканини идрок этади ва ўзгалар ҳаётига дахл қилиш ўзига ҳам катта зарар келтиришини тушунади.

Истиқлол йилларида юртимизда умуминсоний идеаллар маънавий ва ахлоқий тарбияни кучайтириш, тарихий илдиэларимизга, миллий ўзлигимизга қайтиш, улуғ аждодларимиз яратган меросни асраб-авайлаш, уни замонавий илм-фан, маданият ютуқлари асосида бойитган ҳолда келгуси авлодларга етказиб бериш, аҳолининг сиёсий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, озод ва обод Ватан ҳамда фаровон ҳаёт барпо этиш каби эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришга хизмат қилиб келмоқда.

Маънавий қадриятлар жамият ва шахснинг барқарор турмушида моддий эҳтиёжлардан бошқа **маънавий талаблар, манфаатлар** ва эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади. Улар ижтимоий, сиёсий, фал-й, илмий, ахлоқий диний, ҳуқуқий ва бошқа йўналишларда аниқ намоён бўлади. Шу боисдан, бу талаб, манфаат ва эҳтиёжлар ижтимоий онг шаклларига таянадиган фаол ҳаракат асосида таъминланади. Уларнинг қондирилмаслиги жамият барқарор ҳаётида турли бузғунчи ғояларнинг пайдо бўлишига олиб келиши, айрим ҳолларда давлат ва жамият ҳаётига жиддий хавф туғдириши мумкин. Бундай вазиятда бундай жиҳатлар тарзида намоён бўлган талаблар ва манфаатларни босқичма-босқич қондирилиши билан ижтимоий муаммоларни бартараф этиш мумкин. Халқимиз турмуш тарзида улар қадр ва қадрлаш мезонлари орқали намоён бўлади.

Жамият ва инсоннинг ижтимоий алоқаларида **қадр-қиммати**, ор-номусига нисбатан қилинган нотўғри муносабат ёки ҳаракат маънавият мезонларига зиддир. Шу маънода, “Қорнимга эмас, қадримга йиғлайман”, деган халқ мақоли унинг маънавий эҳтиёжларини ифодалайди. Унинг моддий эҳтиёжлар билан ўзаро уйғунлиги ҳар бир даврнинг мазмун-моҳиятини белгилайдиган тарихий зарурат ҳисобланади. Бу борада “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида таъкидлангани каби, “... турмушда ҳамма нарсанинг ўрнини ҳаётий зарурат белгилайди. Ҳаётий зарурат бўлмаса, маънавий эҳтиёж бўлмаса, бошланган ишлардан бирон-бир самарали натижалар кутиш амримаҳол”. Истиқлол йилларида ана шу зарурат ва эҳтиёждан келиб чиқиб, халқимизнинг азалий орзуларини рўёбга чиқариш, мустақил давлатчилик асосларини бунёд этиш учун кенг имкониятлар яратилди, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда, халқимизнинг бой тарихий мероси, анъаналари, ижтимоий қадриятлари, давлат қурилиши борасида ривожланган мамлакатлар эришган тажрибага таяниб, миллий давлатчилигимиз пойдевори қўйилди. Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолининг барча моддий ва маънавий эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган туб ўзгаришлар, инсон манфаатига хизмат қиладиган ислоҳотлар, бозор иқтисодиётига асосланган кучли адолатли жамият, демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан босқичма-босқич илгарилаб бормоқда.

Маънавий ва маърифий қадриятлар уйғунлиги жамият ва инсон ҳаётида ниҳоятда муҳим ўрин эгаллайди. Бундай узвийлик қадриятнинг маърифий жараёнлар билан алоқадорлиги, инсон маънавиятининг у томонидан ўзлаштириладиган билимлар, амалий тажриба ва кўникмалар ҳосил қилиниши, шахснинг илмий-ижодий камолоти жараёнида намоён бўлишини кўрсатади. Шу билан мазкур жабҳаларнинг алоқадорлиги муйаян шахс, ижтимоий гуруҳ, жамият ва давлат ҳаётига хос фаолиятда, урф-одатлар ва анъаналарида, таълим-тарбия тизимида маънавий омилларнинг билим ва тафаккур ривожини, таълим-тарбия жараёни билан муштараклигини ифодалайди.

Маъориф ва қадриятларнинг ўзаро боғлиқлиги ўзбек халқининг кўп минг йиллик тарихи даврида доимо унинг энг кучли ўзига хос хусусияти бўлиб келган. Чунки, қадим-қадимдан Ўзбекистон цивилизациясининг асоси, пойдеворини маънавият, маърифат ва қадриятлар ташкил этгани сабабли бу тушунчаларни бири-биридан ажралган ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Бундай ўзаро боғлиқлик жамият ва халқ камолотининг бош омилларидан бири ҳисобланади. Маърифат ҳам ўз навбатида маданият, маънавият тушунчалари билан чамбарчас боғлиқ, улар уйғун равишда қўлланади. Чунки, маърифат – қадриятга олиб келадиган йўл, уни шакллантирувчи воситадир.

Халқимиз тарихида маърифий қадриятларнинг таъсирчан кучи намоён бўлиши билан боғлиқ мисоллар ниҳоятда кўп. Бунда маърифат маънавий қарамликни бартараф этувчи куч, у инсонга ақлий, руҳий қувват бахш этадиган, халқни эзгуликка сафарбар қиладиган омил сифатида намоён бўлади. У кишиларни жаҳолат чангалидан қутқаради, бузук, ёмон ишлардан қайтаради, эзгу хулқ ва одоб эгаси бўлишга кўмаклашади. Буни чуқур англаган одамгина инсон қадри, миллат қадриятлари, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун фидойилик билан курашиши мумкин. Шу сабабга кўра, маърифатли кишилардан ташкил топган жамият равақ топади, келажаги порлоқ бўлади.

Қадрият сермазмун тушунча бўлиб, маориф уни ёйиш, кишилар онги ва қалбига сингдириш воситасидир. Қадриятни ҳаётга сингдириш фақат маориф орқалигина эмас, маърифат ўчоқлари, турли ижодий уюшмалар, ташкилот, муассасалар, ОАВ ва бошқа тизимлар орқали амалга оширилади. Бу эса маънавий ва маърифий қадриятларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлайди, халқ маънавияти ва маърифатининг юксалишига имкон беради. Бу йўлда ҳар ким ўз иқтидори, истеъдоди, қобилияти, интилишига яраша маълум бир даражага эришади. Аммо, маънавий камолот жамиятда фақат тор доирада қолиб кетса, маънавий-маърифий даража умумижтимоий ижобий, илғор ҳаракатларга чорловчи ўзгаришларга олиб келмаса, ҳаёт уйғунлиги, мувозанати бузилади. Шу сабабга кўра маърифат тарқатиш йўли билан сиёсат ва иқтисод соҳаларида умумижтимоий ўзгаришлар содир бўлишига эришиш маънавият аҳлининг масъулияти, ҳар бир зиёлининг виждон ишидир. Чунки чинакам маърифатли инсонларгина ўз юртини тараққий топтиришга, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга, дунёда ўзига муносиб ўрин эгаллашга қодир бўлади. Бу эса устоз ва мураббийлар, ота-оналар, барчамизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди. Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний: "... маърифатли халқ шижоатли бўлур. Шижоат қалбнинг матонатидан, руҳнинг саломатлигидан иборатдир. Маорифдан, фунундан ва маданиятдан маҳрум бўлган халқ жаҳолат панжаларининг орасида хамир каби эзилгандек, аъфоли замирида ҳам ўз нафсининг ёқасини бўшата олмаса... Зероки, жаҳолат ва қўрқинч, фақир ва муҳтожликдан зиёда даҳшатли бир мусибатдир", деган эди. Афсуски, собиқ иттифоқ замонида халқимиз ана шундай гирдобга тушиб қолган эди. Мустамлака тузуми қолдирган оғир асоратларни бартараф этишнинг асосий шартларидан бири жамиятда қадриятларнинг устиворлигига эришишдир. Чунки, бу

омил – қуллик тафаккурининг кушандаси, у маънавий қарамлик, қўрқув ва ҳадикни бартараф қилади, инсонга беқиёс қудрат, салоҳият ато этади.

“Иқтисодий ислоҳотларни ҳал этиш мумкин. Халқнинг таъминотини ҳам амаллаб туриш мумкин. Аммо маънавий ислоҳотлар, қуллик ва мутелик исканжасидан озод бўлиш, қадни баланд тутиш, ота-боболаримизнинг удумларини тиклаб, уларга муносиб ворис бўлиш – бу дунёда бундан ортиқроқ ва бундан шарафлироқ вазифа йўқ”. Юртбошимиз томонидан истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ илгари сурилган бу фикр халқимизни маърифий уйғоқликка чорлаш йўлидаги даъват сифатида янграган эди. Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида жамиятимиз озод ва эркин истиқбол сари юз тутди, маънавият ва маърифатни ривожлантириш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айланди. Мамлакатимизда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ана шу мақсадга хизмат қилади.

Инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг ва давлатнинг куч-қудрати фуқароларнинг маънавий-маърифий даражаси билан баҳоланади. Президентимиз халқимизнинг уч минг йиллик шонли тарихи, юксак маънавияти, миллий қадриятлари ва салоҳиятига таянган ҳолда “Мен XXI аср маънавият асри, маърифат асри, илм-фан, маданият ва ахборот асри бўлишига қатъиян аминман”, дея ишонч билдиргани бежиз эмас. Бу ишончни оқлаш, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, барча соҳаларда умуминсоний қадриятлар устуворлигига эришиш вазифаси эса ҳар биримизнинг зиммамиздаги юксак масъулият ҳисобланади.

7-мавзу. Умуминсоний қадриятлар

Умуминсоний қадриятлар билан боғлиқ муаммолар ҳозирги даврга келиб файласуфлар ва тадқиқотчилар диққатини жалб этаётган мавзулардан бирига айланди. Бу ибора кўп ишлаётилаётгани, баъзи китоб, диссертация, рисола ва мақолаларнинг номларида учраётгани билан, унинг мазмуни, тузилиши, асосий шакллари, намоён бўлиш хусусиятлари ва умуминсоний қадриятлар тизими, бу тизимдаги асосий бўғинларнинг /қадрият шакллари/ ўрни ва аҳамиятини илмий таҳлил қилиш билан боғлиқ бир қатор масалалар эътиборни талаб қилади.

Бугунги кунда умуминсоний қадриятлар категориясини тушиниш, таърифлаш ва таҳлил қилиш учун манбаълар тўпланиб, уларни умумлаштириш имконияти кенгайиб бормоқда.

Қадрият каби умуминсоний қадриятлар тушунчасига ҳам хос бўлган кундалик мулоқотлардаги мазмун билан, фалсафий-аксиологик маъно ўртасидаги фарққа эътибор бериш лозим. Кундалик ҳаётда инсоният аҳамиятига молик бойликлар, кашфиётлар, хусусиятлар жиҳатлар, жараёнларнинг ўзини умуминсоний қадрият сифатида тушунадилар. Қадриятларга бундай таъриф берилганда, оламдаги умуминсоний аҳамиятга молик сон-саноксиз нарсалар, жиҳатлар ва ҳоказоларни хоҳлаганча санаш мумкин. Айнан ава шундай услубий чалкашликка йўл қўймаслик учун қуйидагиларни таъкидлаш лозим: Оламда "қадрият", "умуминсоний қадрият" номи билаи аталадиган объект йўқ, ҳар бир нарсанинг ўз номи, исми, оти-атамаси бор. **"Умуминсоний қадриятлар"** жамият ва одамзод учун энг қадрли нарсаларнинг исми, номи ёки атамаси эмас, балки уларнинг аҳамиятини ҳамда ижтимоий қадрини ифодалаш учун ишлатиладиган фалсафий-аксиологик тушунчадир. Бизнинг давримизга келиб умуминсоний қадриятлар ҳар қандай умумий қадриятлар тизимининг марказий ва асосий бўғинларидан бири бўлиб қолганлигининг сабаблари қуйидагилардир:

- Ер сайёрасини оламдаги ҳамма кишилар учун, уларнинг ирқи, миллати, эътиқоди, тоифаси ва бошқа табиий тарихий ҳамда ижтимоий фарқ-тафовутларидан қатъий назар, энг умумий макон, чексиз коинотдаги мўъжазгина

юлдуз эканлигини тобора яққолроқ ҳис этила бошланганлиги;

- оламдаги ижтимоий хилма-хиллик, сиёсий ва мафқуравий ранг-баранглик, турли хил эҳтиёж, қизиқиш, мақсад, иитилиш, ҳатти-ҳаракат, фаолиятларни уйғунлаштирадиган, жаҳон ривожланиш жараёни ва умумбашарият талабларига мос келадиган энг умумий маънавий мезонларга муҳтожлик сезила бошланганлиги:

- даҳшатли қирғин қуроллари, ядро уруши, экологик бўҳронлар ва маънавий таназзул каби хавфлар билан юзма-юз келиш натижасида инсоният келажаги, Ер-сайёраси аҳолиси умумий генофонди тақдири хавф остида қолганлиги, Ерда инсониятни ҳозирги авлоди мансуб бўлган цивилизацияни сақлаб қолиш эҳтиёжлари;

- кишиларии турли ижтимоий тузумлар ва давлатларда яшашидан қатъий назар, ҳамма жойда энг асосий мақсад - инсон, уни тириклиги ва мазмунли ҳаёти эканлигини, бундай ҳаётни таъминлашда бутун жаҳон аҳамиятига молик универсал технологиялар, илм-фан ютуқлари, уларни ҳамма мамлакатларда қўллаш имкониятлари умумийлигини, буимкониятларни умумжаҳон воқелигига айлантириш учун умумсайёравий ҳамкорлик зарурлигини тобора кўпроқ англаб олаётганлиги.

"Умуминсоний қадриятлар" категорияси мазмунини ўрганиш учун аввало **"Умуминсонийлик"** тушунчаси маъносини таҳлил қилмоқ лозим. Бу тушунча одамзод ва жамиятни асосий жиҳатлари, турли ижтимоий сифатлар, хусусиятлар ва бошқаларни умуминсоний характерга эга эканлигини англатади. Умуминсонийликда қадриятларни тирик табиатнинг бир қисми бўлган одам зоти, инсон ҳаёти, шахс камолоти ҳамда тарихий, сиёсий ва бошқа бирликлар /ижтимоий субъектлар/ учун аҳамияти ҳам ўз аксини топади. Шу билан бирга умуминсонийликда, умумижтимоий муносабатлар, таълим-тарбия ва маънавий-ахлоқий жиҳатлар, ижтимоий муҳитнинг энг умумий томонлари билан боғлиқ сифатлар ҳам ўз аксиани топади. Бир сўз билан айтганда умумиасонийлик одамларни бир-бирида фарқлайдиган ва ажратадиган жиҳатлар, белгилар учун умумий бўлган мезонлар, объектив ва субъектив ҳолатлар, хусусиятлар, шарт-шароитлар ва бошқаларни ўзида акс эттирадиган тушунча сифатида ишлатилади.

Одамзоднинг яшаши, умргузаронлиги, амалий фаолияти, Она-Ер сайёраси фарзандлари ҳаёти энг умумий соҳаларига тегишли бўлган, умумжамият микёсидаги қадриятлар бор. Бутун жамият аҳамиятига эга бўлган, унинг мавжудлиги, ўтмиши, бугуни ва келажагини, яшашнинг асосий йўналишлари, қонун-қоидаларини, талаб ва тартибларини, одамларни энг азалий орзу-умидлари ва идеалларини ўзида ифодаладиган асосий қадриятлар шаклларини умуминсоний қадриятлар ташкил қилади. Улар жамият аъзоларини ҳаммаси учун умумий аҳамият касб этади, инсоният ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, кишиларни ҳатти-ҳаракатлари, амалий фаолияти, яшаш тарзи, бошқаларга муносабати ана шу мезонларга мос келиши ёки мос келмаслигига қараб баҳоланади.

"Умуминсоний қадрият" тушунчасини объектив асоси - ижтимоий муносабатлар ва жараёнлар, инсониятнинг узлуксиз ҳаёти ва турмуш тарзини умумлаштирадиган жамиятдир. Инсониятни энг умумий жамоаси бўлган жамиятгина умуминсоний қадриятларни яратувчиси ва сақлаб турувчидир. "Умуминсоний қадриятлар" илҳомда кенг кўламли ва серқирра тушунча. У озодлик, эркинлик, тинчлик, бахт-саодат каби умумижтимоий маъно ва мазмун кашф этадиган қадриятлардангина иборат эмас. Уни фақат моддий ва маънавий бойликлар /ёки маданият/ сифатида тушунишни ҳам мақсадга мувофиқ, деб бўлмайди. Шу билан бирга, муайян миллий синфий ёки бошқа хусусий қадриятлар тизими ҳам, умуминсоний қадриятлар тизими ўрнини боса олмайди. Умуминсоний қадрият ва уни намоён бўлиш шаклларини таҳлил қилиш, аслида, бу қадриятлардан иборат, таркибий қисмлари бир-бири билан диалектик тарзда

боғланган умумий тизимни, уни асосий бўғинлари ўртасидаги муносабатларни тадқиқ қилишдир. Бу қадриятлар, жамият тараққиётини муайян даврида яшаётган кишилар учун: умумий бўлган қадриятлар тизимини ҳосил қилади, бошқа қадриятлар билан узлуксиз алоқада, зарурий боғланшида намоён бўлади, ҳаётий мезонлар ролини ўтайди.

Умуминсоний қадриятларнинг намоён бўлиш шакллари нисбий хусусиятга эга, аммо бу нисбийлик доимо ҳам кўзга ташланавермайди, бу нисбийликни мутлақ хусусият сифатида тушуниш ҳам бутунлай тўғри эмас. Бундай қилинганида, "оламда фақат нисбийлик ҳукмрон", деган релятивистик қараш таъсирига тушиш мумкин, амалиётда ва ижтимоий фаолиятда эса умуминсоний қадриятларни хоҳлаган тарзда талқин қилиш, ҳар қандай ҳатти-ҳаракатни оқлаш имкони туғилади. Ҳолбуки, қадриятлар амалиётидаги нисбийлик маълум бир чегараларга эга. Бу чегаралар қадрият объектининг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий ҳолати, табиий-тарихий жаҳатлари билан белгиланади. Бу чегараларга жамиятдаги кишилар ўртасида содир бўладиган муносабатлар, ижтимоий ҳаётда намоён бўладиган эҳтиёжлар, қизиқишлар, интилишлар ҳаёт ва умргузаронлик талаблари, тартиблари қонун-қоидалари ва бошқалар /субъектив жиҳат/ ҳам таъсир қилади. Бизнингча умуминсоний қадриятларни намоён бўлиш хусусиятларини ўрганишда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

- бутун инсониятга хос бўлган табиий-тарихий жиҳатлар: инсон вужудининг тириклиги, сиҳат-саломатлик, ижтимоий фаолиятга қобиллиги, онги, билими, муомала воситаси;

- жамият тарихи, ўтмиши, келажаги, умргузаронликнинг асосий талаблари, тартиблари, қонун-қоидалари, авлоддан-авлодга ўтадиган анъаналар, урф-одатлар, маросимлар ва бошқалар;

- жамият аъзоларининг энг юксак орзу-умидлари, эзгу-ниятлари, идеаллари, ғоялари, мақсадлари, эҳтиёжлари, қизиқишлари, улар билан боғлиқ ҳатти-ҳаракати, фаолияти, ўзаро муносабатлари;

- маданият, маънавият, фан, дин, ҳуқуқ, сиёсат, мафкура ва ижтимоий онгнинг бошқа шакллари билан боғлиқ ютуқлар, кашфиётлар, яратилган бойликлар, таълим-тарбия ва маънавий камолотнинг йўналишлари, усуллари, воситалари;

- ижтимоий, иқтисодий, маданий маънавий, миллий, синфий, диний, ирқий бетакрорлик ва ранг-баранглик, ижтимоий тараққиёт ва таназзул, ривожланишнинг эволюцион ва революцион йўналишлари;

- инсоният ривожининг ҳозирги даври билан боғдақ минтақалар, ижтимоий тузумлар, давлатлар олдида турган ва бутун жаҳон аҳамиятига молик энг умумий оламшумул муаммолар, долзарб вазифалар; келажакнинг истиқболлари,

- сайёрамиз ҳудудлари, давлатлари ва ижтимоий тузимларидан қатъий назар, ҳамма учун умумий фойдаланиш имконини берадиган универсал технологиялар, ишлаб чиқариш, бошқаришни таакил қилиш, космонавтика, ЭҲМ, кибернетика ва бошқа йўналишлардаги умумжаҳон жамиятига эга бўлган жараёнлар.

Умуминсоний қадриятларни ҳар қандай намоён бўлиш шакли ўзига хос аҳамиятга эга. Уларни аҳамияти тасодифий эмас, балки, объектив ва субъектив жиҳатлар ўртасидаги доимий равишда амалга ошадиган алоқаларнинг зарурийлиги билаи белгиланади. Шу билан бирга умуминсоний қадриятлар доимий ўзгаришда яъни, уни шакллари, зарурият ва тасодиф, имконият ва воқеликнинг диалектикаси тарзида ўз аҳамиятини, турли жиҳатларини намоён қилиб боради, бири иккинчисига таъсир қилади, ривожланади ва такомиллашади.

Тарихий ривожланиш жараёнида /объектив тарзда/, жамият ва кишиларни талаб ва эҳтиёжлари натижасида /субъектив тарзда/ умуминсоний қадрият шаклларида гоҳ бири, гоҳ бошқаси умумий тизим марказига, ҳаётнинг олдинги поғонасига чиқиб олади: юртда душманлар ҳукмронлик қилганда - озодлик,

диктатура даврида - эркинлик, Ватан мустақиллигига хавф туғилганида - ватанпарварлик, миллий ўзликни англаш ва миллий уйғониш даврида - тарихий ва маданий меросни ўрганишга интилиш, уруш ва қирғин баротлар шароитида тинчлик ва барқарорликка эҳтиёж кучайиб боради. Шу тариқа ижтимоий жараёнлар ривожида умуминсоний қадриятни маълум бир шаклининг аҳамияти ва долзарблиги, бошқасини зарурлигини бир қадар хиралаштиргандай, уларни айримлари идеал қадриятларга яқинлашгандай, бошқалари эса улардан узоқлашгандай бўлиб туюлади.

Хуллас, муайян даврда умуминсоний қадриятларни аниқ шакллари ўз аҳамияти, зарурлигига кўра бир-биридан нисбатан фарқ қиладиган халқлар ёки бўғинлардан иборат умумий қадриятлар тизимини ҳосил қилади. Кишилар ўзларини ўраб турган олам, ундаги нарса ва ҳодисаларга, ҳаётдаги воқеаларга, бошқаларнинг фаолияти ва ўзларини ҳатти-ҳаракатларига мазкур тизимда бирор ўринни эгаллаб турган қадриятга мос келиши ёки келмаслигига қараб ҳам муносабатда бўладилар. Шу нуқтаи назардан уларнинг аҳамияти, зарурлиги, фойдаси ва зиёнига хос чегараларини белгилаб оладилар ҳамда ҳаётда ана шу чегаралар доирасида фаолият юритишга ҳаракат қиладилар.

Умуминсоний қадриятларни намоён бўлиш шакллари орасида ўз аҳамиятини, ижобийлик ҳамда фойдалилик хусусиятларини доимо сақлаб қоладиганлари ва киши ҳаётида энг муҳим мавқеига эга бўладиганлари ҳам бор: инсон вужудини тириклиги, уни ижтимоийлиги, инсон умри ва ҳаёти, сиҳат-саломатлиги, ижтимоий фаолияти ва муносабатлари, меҳнати, билими, муомаласи ва бошқалар. Бу қадриятлар, инсон ва жамият бор экан, ўзининг ижтимоий аҳамиятини сақлаб қолади, уларни қарама-қаршиси бўлган ўлим: касаллик, маъносиз ҳаёт кечириш, билимсизлик ва бошқалар ҳам тарихий жараёнларнинг доимий ҳамроҳидир. Тириклик бор экан - ўлим; борлик энг буюк маъно экан - йўқлик; инсон тирик жонзод экан - касаллик; ҳаёт кечиришдан мақсад мазмунли умр экан - маъносиз қўйилган баъзи қадамлар; яшашнинг зарурий шартларидан бири билиш ва англаш экан - билимсизлик, хурофот; тараққиётга интилиш бор экан - таназзул ва бошқалар инсониятни доимо таъқиб қилади. Юқоридаги ижобий қадриятлар аҳамияти ҳам, уларга тескари бўлган жиҳатларга нисбатан аниқланади. Ҳалигача, инсоният тарихида ҳамма кишилар умум-инсоний талабларга тўла-тўқис жавоб берадиган, ёппасига ҳаётдан мамнун, соғ-саломат, олий даражадаги билим ва қобилият эгаси бўлган уларга ҳамма имкониятлар яратилган замонни топиш қийин. Бундай замон - азал азалдан ушалмас орзу ва умуминсоний мақсад бўлиб қолмоқда.

Умуминсоний қадриятларни энг олий шакллари идеал-қадриятлар сифатида қаралади. Жамият тарихини ҳамма даврларида, одамлар ана шу идеал-қадриятларга интилиб, уларга эришишни орзу қилиб яшайди. Қундалик ҳаётда аа илмий адабиётларда энг олий идеал -қадриятларга нисбатан бир қатор ибора ва тушунчалар кенг қўлланилади: маънавий ва ахлоқий покликни умумий белгиси - яхшилик; нафосат белгиси - гўзаллик; билимларимиз ва фан ютуқларини амалиётга мослиги - ҳақиқат; инсон ҳуқуқларини олий ифодалари - эркинлик ва тенглик; мафкура ва сиёсатни тўғрилиги - одиллик; одамлар ўртасидаги ижобий муносабатлар - дўстлик; энг ҳоксор ва беғараз туйғулар асосидаги қалблар боғланганлиги - муҳаббат; орзу-умидларга эришганликни - бахт-саодат; ўз юртини севмоқлик ва ардоқлашни - ватанпарварлик ва ҳоказо. Ушбу идеал-қадриятлар ва уларга нисбатан тескари маънони англатадиган ёмонлик, хунуклик, ёлғон, хато, эрксизлик, тенгсизлик, адолатсизлик, душманлик, нафрат, ватанпуруфшлик, ҳиёнат ва бошқалар ҳаётда муайянтарзларда намоён бўлади.

Умуминсоний қадриятларни тушиниш, уларни ижобий ва салбий баҳолаш, муайян шароитлар, кишилар фаолиятини натижалари, замона зиддиятлари, у ёки бу миллат, халқ, синф, гуруҳ, давлат ва жумҳуриятлар олдида турган вазифаларни

ҳал қилиш, қадриятларга етишишни қандай йўл ва усулларини танлаб олиши билан ҳам боғлиқ. Тарихда юқоридаги идеал-қадриятларни барқарор қилишни турли йўлларидан бориш, мавжуд қадриятлар тизимини ўзгартиришни ҳилма-хил усулларидан /революцион ва эволюция/ фойдалашш ҳоллари учрайди.

Умуминсоний қадриятлар ва унинг шакллари жамият миқёсида бирор миллат, элат, халқ, синф, ижтимоий гуруҳлар ва алоҳида шахслар фаолиятини мезонигина эмас, балки бу фаолият дастурини белгилаб берадигайи мақсадлар тарзида ҳам намоён бўлиши мумкш. Шу маънода умуминсоний қадриятларни қадрият-мақсад, идеал-қадрият, /дионтик/ зарурий, керакли қадрият тарзида тушуниш ва таҳлил қилиш ҳам мумкин. Умуминсоний қадриятларни идеал шакллари кишиларнинг орзу-умиди /идеали/ сифатидагина эмас, балки мақсади, яъни муайян фаолиятни дунёга келииш ва амалга ошириш учун маънавий асос сифатида қараш жуда муҳим. Бунда таҳлил мавҳумликдан бирор-бир даражадаги аниқликка, умумийликдан хусусийлик ва алоҳидаликка томон боради.

Кундалик ҳаётда ва тарихий тараққиётда умуминсоний қадриятларни барқарор қилиш йўллари, усуллари ва манфаатларини, бу борадаги мақсадлар билан айнийлаштириш ҳоллари ҳам учрайди. Ушбу ҳолат сиёсатда ва ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни амалга ошириш даврида ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Бунда уч асосий жиҳатга эътибор бериш лозим:

1. Қадриятлар тўғрисидаги тасаввурларда ва уларга эришиш йўллари ҳақидаги қарашларда ўтмиш авлодлардан мерос қолган орзу-умидлар, ворислик, тасаввурлар ҳам катта аҳамият касб этади. Ҳар бир авлод умуминсоний қадриятларни барқарор қилиш, идеал - мақсадларга етиш тўғрисидаги ўтмиш авлодлар тасаввурлари ва ҳулосаларни мерос қилиб олади, ўз фаолияти, замонасидаги ўзгариш, жараёнлар ва ташвиқотларга ҳам ана шу мерос нуқтаи назаридан ёндошади.

2. Ҳар бир авлоднинг ўтмишдошларидан мерос қилиб олган тасаввурлари ва орзу-умидларидан ташқари, ўзлари тўплаган тажрибалари, ана шу тажриба асосида вужудга келган мулоҳазалари ва ҳулосалари ҳам бор. Кишилар умуминсоний қадриятларни барқарор қилиш, умрлари давомида уларга етишиш учун интилишлари фаолият ва муносабатларида, бир томондан меросий тасаввурларга, иккинчи томонда эса ўзларининг амалий-тажрибавий ҳулосаларига суянадилар, уларга амал қиладилар. Бу борадаги турли жараёнлар, режа ва дастурларга ҳам юқоридаги икки хил жиҳатга асосланган ҳолда муносабатда бўладилар. Демак, ҳар қандай даврда идеал-қадриятларга етишиш йўлида ҳаракатлар бошланганида, уларни амалга ошириш режа ва дастурлари тузилаётганда кишиларни руҳий-маънавий тайёргарлигини, бу борадаги мақсад, қизиқиш, эҳтиёж ва талабларини ҳисобга олиш зарур.

3. Умуминсоний қадриятларга эришиш тўғрисидаги тасаввурлар, эҳтиёжлар ва интилишлар асосида вужудга келган турли режа ва дастурларда, кўпроқ бу борадаги фаолиятни назарий томонларига ва умумий жиҳатларига эътибор берилади. Бу ҳол айниқса жамияттараққётини туб бурилиш ва чуқур ўзгаришлар юз бераётган даврларида яққол намоён бўлади. Аммо бу борадаги режалардан амалиётга, назарийдан фаолият доирасига кўчилганида, тажрибада мақсадларга эришиш учун бевосита ҳаракат бошланганида, кутилмаган ҳолатлар намоён бўла бошлайди. Булар эса ўз навбатида бош мақсадга эришиш /стратегия/ борасидаги кундалик фаолиятда турли хил йўллاردан, усуллардан /тактика/ фойдаланишни талаб қилади.

Умуминсоний қадрият баъзида одамлар томонидан фақат мақсад эмас, балки унга етишиш усули сифатида ҳам қаралади. Масалан, идеал жамият қуриш. фақат мақсад эмас, балки унга интилишга қаратилган ижтимоий ҳаракат, ва амалий фаолият жараёни сифатида тушунилиши ҳам мумкин. Қадриятларни бу тарзда тушунишда баъзи жиҳатлардан эҳтиёт бўлиш керак. Чунончи қадрият -

мақсад, мақсад эса унга эришиш усули орқали амалга ошар экан, демак уига етиш учун ҳар қандаи усулдан фойдаланиш мумкин, дея хулоса чиқариш, кадриятни барқарор қилиш мақсадида ҳар қандай усулни қўллаш, уни вақтинчалик фойдаки ёки зарурлигини рўкач қилиш баҳоли ҳолдир. Мақсадга эришишни ҳар қандай усули /гарчанд у бирор даврда фойда берса ҳам/ умуминсонийлик мезонига мос келавермайди. Бундай усулни, айнан келажакда қарор топадиган умуминсоний кадриятлар ва уларга етишиш манфаати билан боғлаб, сиёсий, мафкуравий, амалий фаолият ва ижтимоий жараёнларни бошқаришда ягона воситага айлантириш ҳам мақсадга мувофиқ эмас.

Умуминсоний кадриятларни баъзи шакллари билан боғлиқ яна бир жиҳат бор: уларни ҳаётда барқарор қилиш тўсиқлар ва қийинчиликлар орқали боради. Пировард натижада, идеал мутлақ ҳолатда тўла-тўкис амалга ошмайди, унинг баъзи бир жиҳатлари ҳаётга тадбиқ қилинади, бошқалари келажак авлодларга мерос бўлиб қолади. Одамзод эса идеалсиз, унга интилмасдан, келажакка умид кўзларини тикмасдан яшай олмайди.

Аmmo инсон ҳаётда фаёат идеаллар, уларга етиш тўғрисидаги орзулар билан қаноатлашаб қолмайди. У ўз идеалларига эришиш, уларни барқарор қилиш йўлида бошқа эҳтиёжларини, талабларини ва қизиқишларини қондириши, ўзга кишилар билан муносабатда бўлиши, жамият талабларини бажариши, ўз бурчини адо этиши ва бошқа соҳаларда фаолият юритиши лозим бўлади. Шу маънода, кишилар доимо идеалга интилиб, реал ҳаётдаги вазифаларни бажариб, орзу-умидлар билан реал воқелик орасида умр ўтказадилар. Идеалларга интилиш орзуси билан, реал ҳаётда умр ўтказиш зарурияти ўртасидаги муайян зиддият эса, одамзотни яшашга ундайдиган, умрини энг қийин, таназзул даврларида ҳам унда умид учқунлари сақланиб қолиши учун асос бўладиган умргузаронликнинг асосий "тамал тоши"дир, инсон ҳаётини мазмуни, маъноси ва қадрини белгилайдиган объектив жараёндир.

Умуминсоний кадриятлар, айниқса, уларни идеал шакллари, актив фаолиятга чорловчи **оптимистик ғоялар, шиорлар** ролини ўйнаши ҳам мумкин. Бундай ҳолда улар кишини амалий ишлар қилишга ундайдиган, уни фаолиятига маъно ва мазмун бағишлайдиган, мақсадини аниқлаш имконини берадиган, бирор жараёнга, жамиятда амалга ошириладиган вазифаларга нисбатан шахс ёки ижтимоий субъектларни қандай муносабатда бўлаётганини аниқлаш имконини берадиган маънавий мезонга айланади. Одамлар ўзлари ва атрофдагиларнинг амалий фаолиятини, бирор соҳадаги ҳатти-ҳаракатларини ана шу мезонлар билан солштириб кўриб, мулоҳаза юритадилар, хулоса чиқарадилар, уларга баҳо берадилар.

Кадриятларни **амалиёт ва фаолият мезони** вазифасани ўташи масаласида файласуфлар, кадриятшунослар, ахлоқшунослар ва бошқа мутахассислар қарийб яқдил фикрларни баён қиладилар. Биз уларга қўшилаемиз, ишимиз давомида масалани бу таҳлит қаралишни исботлайдиган ёки унга мос келмайдиган аниқ ҳолатларни таҳлил қилишга ҳаракат қилаемиз. Баъзан айрим киши ёки бирор гуруҳни у ёки бу кадриятни барқарор қилиш мақсадида олиб бораётган фаолияти умуминсонийлик мезонига тўрри келмаслиги ҳам мумкин. Масалан, ҳамма араб халқлари, славянлар, туркий забон халқлар ва бошқа кўп миллатли халқлар ҳам бир-бири билан умуммаданий белгиларга эга эканлаги, улар ўртасида умуминсоний кадриятлардан бири, - дўстликнинг оддий қўшничилик доирасига сиғмаслиги уни кенг қамровли умуммиллий жиҳатлари борлигини инкор этиш қийин. Қардош халдларнинг бир-бири билан маънавий яқинлиги асосида улар ўртасидаги умуммиллий биродарлик мустаҳкамланиб бориши, тарихий жараёнлар натижасида ажралиб яшаётган миллатнинг қўшилиши умуминсоний кадриятлар ва уларни барқарор қилган амалиёти талабларига мос келиши лозим. Шу маънода, бир неча ўн йиллар иккига бўлиниб яшаган Вьетнам халқи бирлашганлиги, икки Герман

давлатлари ва немис халқи қўшилганлиги, қадимги Рим империяси ўрнида воқеликка айланган Европа иттифоқи мамлакатлари ҳамкорлиги тобора ўсаётганлиги миллийлик борасидаги умуминсоний қадриятларни барқарор қилишнинг замонамизда юзага келаётган аниқ шакллари сифатида талқин қилиниши мумкин.

Умуминсоний қадриятлар жамиятни ижтимоий тузилиши, унга мансуб турмуш, оила, уруғ, қабила, элат, миллат, халқ, давлат ва бошқаларни ижтимоий ҳолати билан боғланган умумийлик сифатида ҳам намоён бўлиши мумкин. Жамиятни тузилиши билаи боғлиқ умуминсоний қадрият шакллари, ижтимоий-тарихий бирликларнинг жиҳатлари ва хусусиятлари, давлат, сифлар, партиялар, ижтимоий гуруҳ ва қатламлар фаолияти учун умумий асос бўладигани қонун-қоидалар, талаблар ва бошқаларда ўз ифодасини топади. Улар бу борада кўпроқ аниқ шаклда намоён бўлади. Масалан, эркинлик тушунчаси кундалик ҳаётда турли хил маъно мазмун қирраларга эга бўлади. Биз юқорида санаган ижтимоий субъектларни ҳар бири бу қадрият маъносини турлича талқин қилади, унга эришишда турли усуллар, йўллардан фойдаланади. Ана шу йўлларнинг хилма-хиллиги, фаолият ва ўзаро муносабатда турлича намоён бўлади. Миллат, элат, халқ, уруғ, қабила ва оила билан боғлиқ умуминсоний қадриятлар тизими уларнинг ҳаммаси учун умумий бўлган, тарихий-ижтимоий бирликни таъминлайдиган қон-қариндошлик белгилари, ижтимоий талаблар, ижтимоий-маданий ривожланиш хусусиятлари ва бошқаларда кўринади.

Умуминсоний қадриятлар жамиятнинг маънавий ҳаёти, ахлоқи, ҳуқуқ, дин, маданият, нафосат, санъат, илм-фан соҳалари билан борлиқликда ҳам намоён бўлади. Улар бу соҳалар учун умумий мазмун, турли ўзгаришлардаги умумий талаб вазифасини ўтайди. Бу борада улар ўз табиатига кўра амалий фаолиятининг ҳақиқий мақсадларини ифодалайди, муайян аҳамиятга эга бўлади, керакли ахборот беради, жамият қоидаларидан ижодий фойдаланиш, кундалик ҳатти-ҳаракатларни маънавий асосларини тўғри белгилаш имконини яратади.

Ахлоқда -яхшилик, бурч, виждон, ҳаёт маъноси, сиёсат, ҳуқуқ ва мафкурада-тенглик, одиллик, мустақиллик, демократия эркинлик; нафосатда-ғўзаллик, улғворлик; маданият, санъат ва фанда жамият аҳамиятига молик бўлган ютуқлар, кашфиёт, қонун-қоидалар ва бошқалар ҳам куадалик ҳаётда қадриятлар даражасига кўтарилган. Бундан ташқари жамият аъзолари учун умумий бўлган талаблар: ўз қавми бўлган одамзод жонига қасд қилмаслик, танини соғ-саломат ва озода сақлаш, хуш хулқлик ва бошқа ўнлаб инсоний жиҳат ва хусусиятлар ҳам умуминсониятга хос бўлган маънавийликнинг асосий бўғинларидир.

Умуминсоний қадриятлар айниқса сиёсат, ҳуқуқ ва мафкура билан боғлиқ соҳаларда ўзига хос намоён бўлади, бунда мустақиллик, адолат, одиллик, тенглик каби идеал-қадриятлар, уларга эришиш борасидаги жараёнлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу жараёнарда умуминсонийликка мос келмайдиган йўллардан боришнинг нотўғри эканлигини ижтимоий тажриба азал-азалдан исботламоқда. Масалан ижтимоий тенгликка эришиш, уни барқарор қилиш-инсониятнинг азалий орзуси. Аммо уни фақат айрим сифлар, партиялар ёкимиллат қадриятларига боғлиқ, деб ўйлаш амалиёт томонидан рад қилинмоқда. Бу борада ҳам инсон умрининг мазмуни, ҳар кимнинг яшаш ҳуқуқи бор эканлиги каби ҳақиқатлар амалиётнинг асосини белгилайди.

Афсуски, ҳалигача инсоният тарихи ижтимоий тенглик билан иқтисодий таъминланганлик даражасига нисбатан фарқ ўртасидаги номутаносибликни узил-кесил ҳал қилиш йўлини топа олгани йўқ. Моддий бойликлар ва мулкчиликда тенгсизлик бўлган, айримлар жамият бойликларининг кўп қисмини эгаллаб олган даврда ижтимоий тенгликни тўла-тўқис ўрнатиш қийин эканлигини тарих исботлаб турибди. Афсуски, инсониятнинг асрлар давомида бу қадриятларни жорий қилиш учун олиб борган кураши баъзи минтақаларда ҳалигача ўз мақсадига ета олгани

ҳам сир эмас.

Ижтимоий тараққиёт жараёнида **умуминсонийликнинг устиворлиги талаблари** ҳар бир қатлам, табақа ёки синф тарихий ривожланиш маҳсули эканлигини, бу тушунчалар остида тирик инсонлар, уларнинг тақдири, орзу-умидлари, мақсад ва идеаллари борлигини ҳисобга олишни тақозо қилади. Уларга кўра дунёга келган ҳар бир кишининг муайян ҳудудда яшаш, умр кечириш, ўз вужудини сақлаш каби ҳуқуқлари уни туғилиши билан бирга дунёга келади. Бу ҳуқуқларни унга табиат ато этган ва бирор мафкуравий мақсадлардан келиб чиқиб, муайян қавм, табақа ёки синфга мансуб кишиларни улардан маҳрум қилиш нотўғри. Қандай синф, табақа, қатлам вакили бўлмасин ҳар бир кишининг бошқа синф, табақа ёки қатламга оид кашилар каби яшаш ҳуқуқи борлиги мутлақ ҳақиқатдир, одам зоти эса бу нуқтаи назардан бир-бири билан тенгдир. Умуминсонийликни бу борадаги талаблари, яни инсонни яшаш ва умр кечириш ҳуқуқини табиийлиги ва мукаддаслигини тула-тўқис эътироф қилиш азалий орзудир. Халқ оғзаки ижодида ҳам, қадимги ва замоавий динларда ҳам, кўпгина давлатларни Асосий қонунларида /Конституцияларда/ ва бошқа ҳужжатларда ҳам бунини яққол кузатиш мумкин. Буюк француз революцияси. /1789 йилда/ қабул қилган "Инсон ва граждандар ҳуқуқлари Декларацияси"да ҳам, 1949 йилнинг 10 декабрида БМТ Бош Ассамблеяси тасдиқлаган "Инсон ҳуқуқлари Декларацияси"да ҳам кишиларнинг табиий-тарихий ҳақ-ҳуқуқлари жамиятдаги энг асосий умуминсоний қадриятлар эканлиги алоҳида таъкидланганлиги бежиз эмас.

Она-юрт, ватан, шаҳар-қишлоқлар билан боғлиқ - ватанпарварлик, заминни ардоқлаш, уни бойликлари ва маъволарини асраб авайлаш билан боғлиқ умуминсониятга хос туйғулар ҳам бор. Оламдаги жамики инсонларни яшаш жойлари, утмиш авлодларини ҳоки яширинган замин, ўзи туғилган юрт билан боғлиқ энг бокира туйғулари бор. Бу туйғулар туғилган уйдан, маҳалла, қишлоқ, шаҳар кўчасидан тарбиялана бошлайди, киши мансуб бўлган тарихий бирлик, унинг ўтмиши билан боғланган ижтимоий ҳудудий муҳитга иисбатан муносабатда намоёи бўлади. Киши Она-Ер сайёраси фарзанди эканини ўзи учун суюкли ҳудуд сайёрани таркибий қисми бўлган Ватан эканлигини, уларни диалектик уйғунлигини англаганида ундаги бу туйғу умуминсонийлик талабига мос келадиган даражага кўтарилади.

Қадриятлар тарихий жараёнлар ва ижтимоий тараққёт билан боғлиқликда ҳам намоён бўлади. Кишилар назарида, тарих ва замона, ўтмиш ва келажак, тараққёт ва таназзул, революция ва эволюция, маданий мерос ва ворислик ҳамда бошқалар қадрли ёки қадрланмайдиган ҳолга келади. Бу айниқса ривожланган шиддаткор амалга ошаётган, тарихни бурилиш даврларида, янги қадриятлар тизими зарур бўлиб қолган ҳолларда яққол кўзга ташланади. Сайёрамиз кишилари учун ундаги тирикликни вужудга келиши, ривожланиши, одам зотини онгли фаолияти, меҳнати, маданий ва маънавий камолотга эришиш босқичлари, табиат ва жамиятда амалга оширган ишлари билан боғлиқ жараёнларни ифодаладиган тарих ҳам ўз аҳамияти ва қадрига эга. Тарих - одам зотини илк вужудга келган даврдан, бизни кунларимизгача яратган моддий бойликларини, инсоният ҳаётида рўй берган ўзгаришларни келажакка етказиб берадиган "қадриятлар сандиғи"дир. Тарих - замин вужудларини яшириб турган авлодлар руҳи олдидаги қарздорлик туйғусини кўзгаган, ўтмишдаги воқеаларни ўрганиш зарурияти туғилган ва келажакнинг режаларини тузиш жараёнида ривожланишнинг аниқ йўл ва усуллари танлаб олинаётган даврларда қадриятга айланади.

Хулоса: "Умуминсоний қадриятлар" ва уларнинг асосий шакллари хилма-хил тарзда, ранг-баранг ҳолат ва турли даражаларда намоён бўладиган, ғоят мураккаб, мазмунан ниҳоятда бой ва кенг қамровли ижтимоий тушунчалардир. Шу сабабга кўра уларни моҳияти, мазмуни, намоён бўлиш хусусиятлари тўғрисидаги қисқа таҳлилда бу борадаги масалаларнинг барча жиҳатларини қамраб олиш қийин. Улар

ижтимоий ривожланиш, тарихий тараққиёт, замондаги воқеа-ҳодисалар, жамият ҳаётидаги ўзгаришлар натижасида янги-янги қирраларини, турли жиҳатларини намоён қилиб бораверади. Ижтимоий тараққиёт жараёнида умуминсоний қадриятлар устиворлигини таъминлаш зарурияти, ривожланиш натижасида пайдо бўлаётган замонавий муаммоларига бутунлай янгича нуқтаи назардан қараш, кишиларни дуаёқараши, фаолияти, маънавий қиёфасида умуминсонийлик талабларига мос келадиган хусусиятларни шакллантириш ҳозирги даврнинг асосий талабларидан биридир.

8-мавзу. Миллий қадриятлар

Қадриятлар соҳасида миллат, унга хос белгилар, жиҳатлар, хусусиятлар, уларни вужудга келиш жараёнларига муайян даражада таъсир кўрсатган ҳудуд ва у билан боғлиқ туйғулар, миллатнинг иши маданияти, у яратган маданий бойликлар ва маънавий мерос билан боғлиқ қадриятлар ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Бу қадриятлар бирор миллат кишилари учун умумий бўлиб ҳисобланади. Улар алоҳида шахс қадриятларини умуминсоний қадриятлар билан боғловчи халқалардан биридир. Муайян киши ёки шахс умуминсоний қадриятларни англашда, ўз фаолиятини ушбу қадриятлар мезонига мослаштиришда миллий қадриятларни ҳисобга олади, улар билан боғлиқ жиҳатларни назарда тутлади.

“Миллат” тушунчаси. Илмий адабиётларда миллат тушунчаси билан бирга демос, этнос, нуфус, халқ каби тушунчалар ҳам ишлатилади. Бу тушунчалар, бир хил маъно англатмасалар ҳам, муайян жойда яшайдиган кишиларнинг тарихий бирликларини ифодалайди. Собиқ иттифоқ давридаги манбаъларда миллатга турли-туман ёндашиш, уни хилма-хил таърифлаш мавжуд эди. Бу турли-туманлик ва хилма-хиллик орасидан умумийлик -яъни, синфий, партиявий, мафкуравий ёндашиш сезилиб туради. Миллатни "келажакда тез барҳам топиши", "бир-бири билан қўшилиб кетиши" таъкидланади. Бундай умумийликни ҳисобга олмаганда /уларни таҳлил қилиш бизнинг ишимиз мақсадига кирмайди/ қуйидагиларни таъкидлаш мумкин: миллат-табиий-тарихий ривожланиш жараёнида, моддий ва маънавий ҳаёт шароитлари таъсири натижасида, муайян ҳудудда вужудга келган, ўтмиш, миллий тарих, маданий-маънавий мерос, миллий руҳ, миллий тил ва муомала, яшаш тарзи каби умумий жиҳатлар билан тавсифланадиган ва ўзига хос тарзда шаклланган кишиларнинг ижтимоий-тарихий бирлигидир.

Дунёдаги халқлар орасида айнан шу миллатнинг борлиги, мавжудлиги, бетакрорлиги, "кўҳна тарих шодасида битта маржон" сифатидаги зоҳирлиги, ҳар қандай киши учун муайян аҳамиятга эга бўлиши табиий. Миллат - ҳар қандай миллий қадриятнинг объекти, миллий қадриятлар тизимининг энг асосий бўғинидир. Миллат тушунчаси қадрият сифатида тушуилганда, бир-бири билан қон-қариндош халқларга нисбатан ишлатиладиган "Осиёликлар", "Европа халқлари", "славянлар", "роман халқлари" кабиларга умуммиллийлик, "дунё халқлари" тушунчасига эса - умуминсонийлик даражаси мос келади. У ёки бу миллат қадрият сифатида эътироф этилганида, ушбу қонуний боғланишга эътибор бериш, уни ҳиообга олиш лозим.

Миллат - бир томондан, ўзининг қадриятларини вужудга келтиради, ўтмишдан келажакка томон ривожланиш жараёнида уларни такомиллаштириб, янги-янги жиҳатларни муттасил шакллантириб туради, иккинчи томондан эса, қадриятлар тизими таъсири остида унинг ўзи ҳам ўзгариб ва ривожланиб боради. Ўзининг қадриятларини вужудга келтириб, уларни янги-янги қирраларини ва жиҳатларини сайқаллаштириб, тараққиёт жараёнида такомиллаштириб туриши маъносида миллат - ўз қадриятларини эгаси, макон ва замондаги ўзгаришлар жараёнида уларни ўтмишдан келажакка томон етказиб берувчи асосий объектдир.

Миллатнинг таназзули миллий қадриятлар таназзулидир, бу оқибат

натижада ушбу қадриятларни эгасиз қолиш хавфини туғдиради. Инсоният тарихи муайян этносларнинг вужудга келиши, тараққиёти ва таназзули, уларни ўрнига бошқалари вужудга келиши билан борадиган жараёндир. Бундай фикр эса ўз навбатида ғоят муҳим ва долзарб масалага, миллат ўз қадриятларининг объекти сифатида, ўз-ўзини сақлаб турмоғи лозим,- деган масалага олиб келади.

Инсоният тарихида Бобил, Византия, Майя империяларини вужудга келтирган буюк этнослар бўлганлиги маълум. "Антик цивилизациялар" номи билан юритиладиган бу этнослар кейинчалик турли халқ, миллат, элатларга айланиб кетганлар, ўзларини умумий-тарихий бирлигини йўқотганлар ёки тарихий таназзул жараёнлари, уруш ва қирғинлар оқибатида камайиб кетганлар. Амазонка бўйларида ва Мексика ўрмонларида ўз даврининг вайроналарини қолдирган майя халқи тўғрисида шундай фикрни айтиш мумкин. Қадимги замоннинг энг буюк маданиятларидан бирини яратган бу халқ таназзулга учраган, уни ёзуви унутилган, улардан 100га яқин шаҳарларни вайроналари қолган ва шу тариқа буюк маданият бешикларидан бирининг чироғи сўнган.

Ўз миллий қадриятларни сақлаш ҳуқуқи ва бу билан боғлиқ туйғу ҳар бир миллатга хос. Маълумотларимизга кўра, "Миллий қадриятларни ким сақламоғи керак, деб ўйлайсиз?", деган саволга, тадқиқотда қатнашганларнинг 81,4 фойизи "Муайян миллатга мансуб ҳамма кишилар", - деган жавобни бердилар. Агар саволга жавоб берганларнинг 9,3 фоизи "Бу тўғрида ўйлаб кўрганим йўқ", 8,2. фоизи эса "Миллатнинг энг илғор кишилари, раҳбарлар, зиёлилар ва давлат ташкилотлари",- деган жавобни берганлигини ҳисобга олсак, масала янада ойдинлашади.

Миллатни миллий қадриятларнинг объекти ва субъекти сифатида тушуниш, у билан боғлиқ миллий қадриятлар тизимини илмий таҳлил қилиш, аввало, миллатнинг ўзини ижтимоий қадрият сифатаца қараш имконини беради. Бу эса миллий қадриятларни намоён бўлиши, тарихий ривожланиш жараёнида, ўтмишдан келажакка томон, - ўтиб туриши, яъни ижтимоий ҳаракатини таҳлил қилишга имкон яратади.

Миллий қадриятлар:

а) миллатнинг табиий, тарихий ва ижтимоий бирлигини таъминлайдиган этник маконда шаклланадиган, ранг-баранг тарзда, турли шаклдарда намоён бўлади, кишиларнинг онгига, ҳаёт-тарзига ўзига хос реаллик сифатида таъсир қиладиган;

б) миллатдошларнинг ўзаро муносабатларида, ижтимоий фаолиятларида кўзга ташланиб туради, бу муносабат, фаолият, мақсад, эҳтиёж ва интилишлар учун маънавий асос бўладиган;

в) миллатнинг моддий, маънавий, иқтисодий ва сиёсий ва бошқа ҳаётида муайян натижа сифатида юзага келадиган, кишилар учун зарурият тарзида ўзига хос аҳамият касб этадиган;

г) миллатнинг ижтимоий ривожланиши жараёнида ўзгариб, такомиллашиб, ранг-баранг жиҳатлар кашф этиб борадиган ва доимий янгиланиб турадиган, шу билан бирга, ворислик орқали авлоддан-авлодга ўтадиган, мерос қоладиган қадриятларни ифодалайдиган тушунчадир.

Миллий қадриятлар ва уларни алоқадорлигини ифодаси бўлган қадриятлар тизими, миллатни ўзи билан бирга тарих силсилалари, замона зайллари, турли ижтимоий, сиёсий жараёнлар орасидан ўтмишдан келажакка томон ўтиб туради. Бу қадриятлар кўпроқ миллатнинг этник хусусиятлари ва этник макони билан боғлиқ. Халқларнинг ижтимоий тараққиёти эса уларни миллий-этник қадриятларининг равнақи билан узвий алоқадорликда давом этади, Ҳар бир халқ ёки миллат ўзига хос, ранг-баранг қадриятларни такомиллаштириб бориши натижасида умуминсоний қадриятларни шакллантириб, унинг турли қирраларини ривожлантириб боради.

Миллий қадриятлар табиатига кўра фақат тор доирада сақланиб қолмайди, балки равнақ топиб, турмуш жараёнида муттасил янгиланиб, бошқа халқлар

қадриятларини ютуқлари билан бойиб боради. Ҳар бир эл, элат, уруғ ёки халқнинг урф-одатларида, уларни бажаришдаги фаолиятида ўзига хослик бўлади. Агар ана шу ўзига хосликни ўша жойнинг аҳолиси қадрласа, улар ҳаётни бир кисмига айланган бўлса буни ёмон жойи йўқ. Бундай ўзига хослик билан боғлиқ қадриятларни бошқа жойда, бошқача тарзда яшаётган кишиларни тарозуси билан ўлчаш ёки бу масалада бошқаларни ҳакам бўлиши мақсадга мувофиқ эмас. Умуминсонийлик туйғуси фақат ўз халқи, қадриятини ардоқлаш, кўз-кўз қилиш ва бошқалар орасига ёйиш учун интилишга асосламайди, балки ҳар бир халқ, элат, уруғ қадриятларини қандай ҳолатда бўлса шундайлигича қабул қилиб, уларни ҳурмат қилишдан бошланади.

Ҳар бир миллатнинг ўз қадриятлари, маданияти, тили, анъаналари, урф-одатлари, маросимлари ва одоб нормалари бор. Дунёда аҳолиси сон жиҳатидан кўп ёки камроқ халқ бўлши мумкин, аммо маданий ва маънавий соҳада бири-биридан кам ёки ортиқ миллат йўқ. Айти пайтда сотқин миллат ҳам, қоралаш ҳуқуқига эга бўлган миллат ҳам йўқ. Аммо ҳар бир миллатнинг ўзига хос ўтмиши, маданий ва маънавий қадриятлари, миллий каҳрамонлари, бошқа миллат томонидан таҳқирланиши асло мумкин бўлмаган урф-одатлари, турмуштарзи ва қон-қардошлик белгилари мавжуд. Ҳеч қайси миллатнинг ўзга миллат фаолиятини баҳоловчи бўлишга ҳакам ҳаққи йўқ. Бирор бир таълимот, давлат шакли ёки яшаш усулини қабул қила олмаганлиги учун ҳеч қачон у ёки бу миллат айбдор эмас. Шу маънода умуминсонийлик бир миллат қадриятларини бутун оламга ёйиш йўли билан эмас, балки ҳамма миллат ва элатлар қадриятларини асраб-авайлаш, муоқоясалаштириш, тарих сақлаб қоладиган қадриятларини ҳурмат қилиш ва одамдаги миллий ранг-барангликни табиий ранг-баранглик билан узвий адоқда эканлигини англаш йўли билан бойиб боради.

Миллий қадриятлар - хилма-хил шаклларда, бир-бири билан узвий алоқада намоён бўлада, ўзига хос миллий қадриятлар тизимини ташкил қилади. Бу тизимда табиий-тарихий бирликни таъминловчи қадриятлар - қон-қардошлик, маданий-маънавий яқинлик, ўтмиш ва маънавий мерос, она юрт, туйғуси ва бошқалар - нисбатан барқарор бўғинлар ҳисобланади. Бундай бўғинлар миллий қадриятлар тизимида тарихий жараёнлар давомида тез ўзгариб турадиган баъзи кундалик ёки амалий аҳамиятга молик бўлган қадриятларга нисбатан ўз ўрнини ва аҳамиятини узоқроқ сақлаб қолиши билан ажралиб туради. Миллатнинг тарихий-этнохусусиятлари ва белгиларининг ижтимоий аҳамиятини ва шу миллат киши учун қадрини сақлаб қолиши табиий зарурият бўлиб ҳисобланади.

"Миллий қадриятлар" - муайян миллатнинг табиий, тарихий ва ижтимоий ривожланиш жараёнида яратган моддий ва маънавий бойликлар, яшаётган ҳудуд, маданий-маънавий мерос, миллий маданият, тил, миллий онг, миллат руҳи, тарихи, яшаш тарзи, миллий умргузаронлики тартиб-қоидалари ҳамда улар билан боғлиқ хусусиятлар, жиҳатлар ва бошақаларнинг ижтимоий аҳамиятини ифодаладиган тушунчадир. У умумиижтимоий қадриятлар тизимидаги хусусий бўғин, яъни миллатга хос бўлган қадриятларнинг энг умумий жиҳатларини акс эттиради.

Бизнингча, миллий қадриятлар тизимини нисбатан барқарор ҳолатида унинг асосий бўғинлари миллатнинг қуйидаги белгилари билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади:

1. Миллатнинг табиий бетакрорлиги, ўзига хослиги, тарихий ўзгарувчанлиги ва ижтимоий ранг-баранглиги /демак генофонди/;
2. Миллатнинг тарихи, ўтмиш, келажаги ва маънавий мероси;
3. Миллий ҳудуд ва яшаш шароитлари, иқтисодий асос, ижтимоий устқурма билан боғлиқ миллий туйгулар, ғоялар, мақсадлар;
4. Урф-одатлар, анъаналар, маросимлар, турмуш тарзи ва бошқалардаги миллийлик билан боғлиқ хусусиятлар;
5. Миллий тил, миллий маданият ва маънавият, миллий онг ва миллий руҳ.

Ушбу тизим, миллий қадриятлар умуминсоний ва шахсий қадриятлар ўртасидаги алоқа жараёнида ўзига хос боғловчи "халқа", яъни умумий қадриятлар тизимининг хусусий таркибий қисми сифатида таҳлил қиланаётганида мақсадга мувофиқ бўлади. У ана шундай таҳлил нуқтаи назаридангина нисбий барқарор ҳолатида бўлиши мумкин.

Миллий қадриятлар тизими таҳлилида, аввало миллатни вужудга келиши, ўтмиши, бугуни ва келажак билан боғлиқ табиий тарихий қадриятларга эътибор бериш лозим. Ҳар бир миллат - ўзини ташкил қилган кишилар учун аввало табиий-тарихий бирлик сифатида қадрлидир, у оламдаги бошқа турли-туман халқ, элат ва миллатларга ўхшамайдиган ўзига хос, бетакрор хусусиятларга эга. Бундан ташқари, ҳар қандай миллат тарихий тараққиёт ва ривожланишжараёнида янгилашиб, ўзгариб борадиган ранг-баранг қатламлар, синфлар ва бошқаларни диалектик уйғунлигини ифодаладиган ижтимоий бирлик ҳамдир.

Миллатнинг ўзига хослиги, бетакрорлиги, ранг-баранглиги ва ижтимоий жараёнда ўзгариб бориши билан боғлиқ энг асосий қадрияти - унинг генофондидир. Генофонд - фақат ирсият орқали ўтадиган табиий ўзига хослик эмас, балки тарихий белгилар, ижтимоий хусусиятлар, миллий ранг-баранглик ва ўзгарувчанликни ҳам ўзида ифодалайди. Айнан бирор халқ, миллат, элатни йўқотиш учун қилинган тажовуз - "геноцид" деб аталиши бежиз эмас. Миллат генофонди - уни энг асосий тарихий, миллий қадриятларидан биридир.

Биз чет эллар, МДҲ давлатлари ва Ўзбекистонда чоп этилган китоб, рисола, мақола ва диссертацияларда генофонд билан боғлиқ таърифлардан 30 га яқинини кўриб чиқдик. Уларни қарийб барчасида бу тушунчани муайян табиий-тарихий /ёки биологик/ бирликнинг /популяциянинг/ маълум бир ҳудудда узоқ яшаши натижасида шаклланган ва авлодлардан-авлодларга ўтадиган табиий, биологик, ижтимоий ва маънавий хусусиятлари ҳамда жиҳатларанинг йиғиндисини ифодалаш таъкидланган. Генофонд-тўғрисидаги тушунча айниқса қон-қардош миллатлардан таркиб топган халқларни тарихий бирлик сифатида ижтимоий тараққиётни исбатан узоқ даврида мавжуд бўлиши мумкинлигини исботлайди. Миллат - тарихий ва ижтимоий ўзгаришлар, уруш ва қирғинлар натижасида аста-секин ўзгариши, камайиб кетиши мумкин. Аммо унинг генофонди ўзгариши миллатни ниҳоятда тез ўзгаришига, авлодларидан мерос қолган табиий-тарихий хислатларни ҳам тез йўқолиб кетишига олиб келади.

Собиқ иттифоқ миллатлар генофонди, уни ижтимоий муаммолари тўғрисидаги масала билан боғлиқ тадқиқотлар олиб борилмади. Бизнингча буни ўзига хоссабаблари бор: 1) ижтимоий генофонд тўғрисидаги ҳар қандай илмий тадқиқот, ўз объекти бўлган миллат, элат, халқ тарихан бетакрор эканлигини эътироф этар, уларни ижтимоий ривожланишдаги узоқ даврда амалга ошган жараёнлар маҳсули эканлигини таъкидладилар, бу эса ўша давлатга хос миллатлар тўғрисидаги назарияга мос келмас эди; 2) тадқиқотлар тарихий ривожланиш жараёнида шаклланган миллий генофондлар тез ўзгариб кетмаслигини, балки бу жараён узоқроқ муддатга чўзилишини тасдиқлаши ҳам мумкин эди, бу эса миллатларни жадал суръатлар билан кўшилиб кетиши ва умумий халқни вужудга келтириш имкониятини исботлашга халақит берар эди.

Ана шу сабаблар ва бошқа кўпгина баҳоналар оқибатида генетика - "буржуача ғоялар таъсирига тушиб қолган фан" сифатида, жаҳон генетикасининг энг илғор вакиллари сафида бораётган олимлар эса, "халқ душманлари" сифатида 30-йиллар охири ва 40-йилларда қатағон қилинди, генетиканинг ижтимоий муаммолари билан шуғулланишга узоқ вақт изн берилмади.

Турли эксперементлар оқибатида, хилма-хил қатағонлар, урушлар, бутун-бутун миллатларни ўз тарихий ватанидан кўчириб юборилиши, сохта шиорлар билан "юз мингчилар", "саксон мингчилар" ва бошқа ҳаракатлар натижасида аҳодини катта қисмини кўчиб юриши, экологик бўҳронлар ва бошқалар

мамлакатдаги халқлар, миллат ва элатлар генофондига таъсир қилмай қолмади. Шу маънода собиқ иттифоқ даврида рўй берган юқоридаги сабаблар одамларга, каттаю-кичик миллатларга нисбатан ниҳояси йўқ уруш, ўзига хос геноцид /юнонча-уруғ, қабила, лотинча-ўлдираман маъносини англатади/ бўлганлиги бугун ҳеч кимга сир эмас.

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда бу масалага алоҳида эътибор берилаётгани, соғлом авлодни тарбиялаш, халқ генофондини соғломлаштириш умумдавлат миқёсидаги вазифага айлангани бежиз эмас. Миллат генофонди унинг бетакрорлигини англатади, бу бетакрорлик эса ушбу миллатни тарихий ривожланишнинг муайяа даврлари билан боғланганлигини кўрсатади, холос. Бу бетакрорликни умуминсонлик жиҳатидан баҳолаш, ўз миллати қадриятларини холисона тарғиб қилиш, ўзга миллат қадриятларини ҳурмат қилиш, миллий ғурурига путур етказмасликка асосланади. Зеро, Ўзбекистондаги "Соғлом авлод учун" ҳаракат шу ҳудудда истиқомат қилаётган халқ фарзандлари камолоти учун фаол ишлаш лозимлигини англатади.

Миллий қадриятлар кишиларни яшаш жойлари, турмуш шароитлари билан боғлиқликда ҳам шаклланади. Ана шундай қадриятларни энг асосийси туғилган ватан ва она-юртни севиш туйғусидир. Ватанни севиш туйғуси – инсон туғилиб вояга етган, у мансуб бўлган тарихий ўтмиши билан боғланган ижтимоий, иқтисодий, маданий, ҳудудий муҳитга нисбатан бўлган муҳаббатдир. Бу туйғу бутун инсониятга хос умумий туйғудир. У ҳамма миллат вакиллари учун хос, уни бирор халқда кўпроқ, бошқасида камроқ ривожланган дейиш учун асос йўқ.

Ватан туйғуси – муайян тарихий бирликни /"подуляция"ни/ вужудга келтирган ва сақлаб турадиган жойга нисбатан дунёга келган табиий-ижтимоий туйғудир. Подуляция ўзбек тилида халқ маъносини англатганини ҳиосбга олсак, масала янада ойдинлашади. Бу тушунча ҳар қандай миллатга мансуб кишини табиат билан чамбарчас боғланганлигига ва башар фарзанди эканлигини исботлайди. Кишиларни ўз этник маконига табиий-тарихий боғланганлар. Аммо дунёда ўз ватанини йўқотган ёки ундан жудо қилинган миллатлар кўп. Америка, Африк, Австралия ва Океанияда Ғарбий европалик босқинчилар /XIV-XIX асрларда/ ниҳоятда кўп миллатларни тўла-тўқис қириб ташладилар, Австралиянинг жанубидаги Тасмания ороли аҳолиси англиялик колонизаторлар томонидан бутунлай йўқ қилинган, англизлар тасманияликларни мисоли ҳайвонлар каби қилганлар ва ўлдирганлар, Ўтган аср ўрталарида Австралиянинг 100 фоиз аҳолисини ташкил қилган ерли халқлар, ҳозир 1,1 фоизни ташкил қилади".¹ Ушбу мисол шу халққа нисбатан қилинган "геноцид" билан боғлиқ эканлиги шубҳасиз.

Ватан туйғуси - табиий-тарихий, ижтимоий ва маънавий туйғудир. Шу билан бирга унда кишиларнинг ўзи мансуб бўлган тарихий бирлик шаклланишига муайян даражада таъсир кўрсатган ҳудудга нисбатан маънавий қарздорлик, бурч ва масъулияти билан боғлиқ ижтимоий туйғулари намоён бўлади. Ватан - ана шундай туйғуни уйғота олгани учун ҳам қадриятдир. Зиё Кўккалп таъкидлагани каби, "...ватан деб устида ўтирганимиз оддий бир тупроқ эмасдир, ... устида ўтирганимиз тупроқ унинг ёпинғичидир ва у епинғич бўлганлигидан ҳам мукаддасдир".² Унинг аҳамияти ва қадри муайян халқ, миллат учун беқиёс. Бу туйғуни социологик текшириш натижалари билаи ўлчаш қийин, бирор кишига эса "Ватанингизни севасизми, уни қай даражада севасиз?"-каби саволлар билан мурожаат қилиш ножоиз.

Энг асосий миллий қадриятлардан бири - миллат учун умумий муомала воситаси бўлган **миллий тил** билан боғлиқ. Мутахассислар оламда 5000 га яқин тил борлигини қайд қилдилар, уларни 15 та катта оилага бўлиб ўрганадилар, тиллар

¹ Ўша жойда.

² Зиё Кўккалп. Туркчилик асослара // Ўзбегим.Т."Ватан",1992. 30-бет.

такомиллашуви билан бирга, улар эгаллаган ҳудуд майдони ҳам ўзгариб боришини таъкидлайдилар. Масалан, УП асргача Арабистон ярим оролинг бир қисмида тарқалган араб тили, ундан кейинги бир неча аср орасида, Африка ва Осиёни бошқа қисмларига ҳам тарқалди. Худди шундай туркий тиллар ҳам Кичик Осиёдан Шимолий Шарқий Сибиргача бўлган кенг ҳудудда тарқалган. Шу билан бирга қадимда Осиёда кенг тарқалган хатлар ва тили эса бутунлай йўқолиб кетган,..

Қардош халқларимиз тиллари - биз, учун умуммиллий қадриятдир. Ана у гуруҳга кирган тилларни санаб чиқишгина уни мукамал билиш Евро Осиёни жуда катта қисмида бемалол гаплашиш имконини беришини кўрсатади. Туркий тилларда: чувашлар, турклар, гагаузлар, озарбайжонлар, афшарлар, кашкайликлар, туркманлар, татарлар, бошқирлар, нўғойлар, қумиқлар, қорачойлар, бодқор, қозоқлар, қорақалпоқ, ўзбеклар, уйғурлар, қирғизлар, олтойликлар, ёқутлар, тувалар, тофалар, ҳакаслар ва бошқалар сўзлаша оладилар. Бу халқлар эндиликда 100 млн.дан ортиқ кишини ташкил қилади.

Миллий тиллар билан боғлиқ муаммо собиқ иттифоқда "миллатларнинг бир-бири билан яқинлашуви принципи" асосида қараб қалинди. Ресубликаларда миллий тилларнинг иллатиш доираси қисқариб борди. Бу жараён жамиятни илғор кишилари, зиёлилар, олимлар ва бошқаларни ташвишга солиши аниқ эди. Аммо бу жараёнларни илмий текшириш, холисона баҳолашга интилиш, оқилона ҳал қилиш борасидаги соғлом уринишлар миллатчилик, деб таърифлана бошланди. Бу ҳол ўзбек тилига ҳам таъсир қилмай қолмади, унинг мавқеи ва ишлатилиш даражаси камайиб кетди. Асосий халқи ўзбеклардан иборат бўлган жойда содир бўлган бу аҳвол тўғридан-тўғри умуминсоний қадриятлар мезони, миллийлик ва миллий мустақиллик талаблари бузилишини англатар эди. Ҳозирги даврга келиб Ўзбекистонда "Давлат тили тўғрисидаги қонун" қабул қилиниши /1990 йил/, ўзбек тилини давлат тили, деб эътироф этилиши ва буни Ўзбекистон Конституциясида белгилаб қўйилиши, миллийлик ва умуминсонийлик диалектикаси талабидир.

Миллатларни маданий ривожланиш соҳасидаги қадриятлари, уларни маънавий мероси, анъаналари, урф-одатлари, миллий адабиёти, санъати ва бошқалар умуминсоний қадриятларни миллий даражадаги намоён бўлиш шакллари дир. Уларнинг асосида ҳар бир миллат, халқ ёки элатни тарихий ривожланиш жараёнида авлодлардан авлодларга ўтиб келаётган мадааний хусусиятлари ва жиҳатлари ётади. Миллат фақат муайян ҳудудда яшайдиган ва бир хил тилда сўзлашадиган кишилардангина иборат эмас, балки умумий маданий-маънавий жиҳат ва хусусиятлар асосида мавжуд бўлиб турган тарихий-ижтимоий бирлик ҳамдир.

Маънавий жиҳатлар билан боғлиқ **миллий маданий қадриятлар** борасида қуйидагиларни қайд қилмоқ керак:

1. Миллатни маданий бирлиги билан боғлиқ жиҳатлар тарихий ривожланиш, ижтимоий тараққиёт давомида такомиллашиб ва сайқалланиб боради. Ҳамма даврларда бўлгани каби, ўзига хос миллий-маданий қадриятлар билан боғлиқ жараёнларда ҳам, эскалик ўрнига янгилик вужудга келиши, узлуксиз янгиланиш билан бирга, муқаррар ва зарурий "ворислик" намоён бўлади. Бунда инновация /лотинча янгиланиш/ ва традиция /лотинча - ўтиш, узатиш/ алоҳида ўрин тутади. Традициялар анъана, маросим ва урф-одатларда ўзига хос шаклда ифодаланади, моддий ва маънавий ҳаёт билан боғлиқ жиҳатлар, хусусиятлар авлодлардан-авлодларга ўтиш ва узатиш орқали сақланади. Урф-одатларда эса, мазкур тарихий бирликни ички муносибатларини тартибга солувчи, бу муносибатларнинг бирор фаолият ёки ҳатти-ҳаракатида ифодаланишини намоён қиладиган талаблар ва қоун-қоидалар катта аҳамият касб этади. Ҳар бир миллат умуминсоний анъаналар, урф-одатлар, маросимларни сақлаш, асраб-авайлаш, барқарор қилиш уларга хос талабларни бажаришда бир қатор жузъий хусусиятлар ва бетакрор жиҳатларга эга бўлади. Ана шу жиҳат ва ўзига хос хусусиятлар муайян миллатни

умуминсонийликни ташкил қилувчи ранг-барангликка қўшган ҳиссаси бўлиб ҳисобланади.

2. Бу соҳадаги қадриятлар тўғрисида сўз юритилганда албатта муайян миллат кишилари томонидан тарихий ривожланиш жараёнида яратган моддай ва маънавий маданият соҳасидаги бойликлар, уларни жаҳон маданиятига қўшган ҳиссалари ҳам назарда тутилади. Маданият инсоният тарихи илк даврларидан бери уни ажралмас ҳамроҳи, инсоннинг ўзи каби қадимийдир. Оламда маданиятсиз эл, миллат ва халқ йўқ. Ҳар қандай халқ ёки миллат тарихий ривожланиш ва тараққиёт даражасига мос келадигани ўзига хос маданиятга, бу борада ҳам умуминсоний ривожланишда ўз ўрни ва хусусиятларига эга. Мисрликлар пирамадалар, замонида қолган пирамидалари, хитойликлар Буюк Хитой девори, Европаликлар Эллада ва Рим тарихи билан боғлиқ ёдгорликлари, илмий ва кашфиётлари билан умуминсоний маданиятга ҳисса қўшганлари каби, бошқа халқларни ҳам бунда ўз ўрни ва ҳиссаси бор. Бу борада муайян халқнинг ўзига хослиги, уни ҳозирги даврдаги ривожланишини илгариги ижтимоий ҳолати билан солиштирилиши тўғрисида ниҳоятда эҳтиёткорлик билан фикр юритиш балки мумкиндир, аммо бу масалага бошқа миллат нуқтаи назаридан ёндашиб бўлмайди.

3. Ҳар бир халқнинг маданияти ўзига хос ва бетакрор бўлсада, у ривожланади, такомиллашади. Бу айниқса қон-қариндош халқлар билан боғлиқ маданий қадриятлар ривожиди катта аҳамият касб этади. Араблар, хитойлар, славян халқларининг умумий мадааний қадриятлари бор. Шу билан бирга бу халқлар мансуб миллатларга хос хусусий маданий қадриятлари ҳам мавжуд. Бу борадаги фарқларнинг озлиги, аввало уларнинг асосий этнос - она халқдан ажралиш жараёни тарихан кам давом этаётганлиги билан боғлиқ. Аммо ўз навбатида, бу фарқлар мавжудлиги эса ана шужараённинг реаллигини ҳам акс эттиради. Бу жараёнда диққат билан назар ташлаш эса, қон-қариндошлик жиҳатидан, маданий илдизлар ига кўра бир-бирига яқин бўлган, ижтимоий тараққиётнинг муайян даврида ягона этносни ташкил қилган халқлар яна ягона этнос бўлиш томон бормоқдами? ёки улар ўз номини берган давлатларда бир неча янги этнослар вужудга келмоқдами? - деган масалани келтириб чиқаради. Бу масала эса, аввало бир неча асрларга тенг бўлган жараёнларни қамраб оладиган азалий ва навқирон ўзгаришларни чуқур илмий таҳлил қилиш заруриятини қўяди. Бу борада халқларни маданий ривожланиши билан боғлиқ муаммоларни келажакни кўзлаб ҳал қилишини лозим бўлган умуммиллий вазифалари ҳам бор. Афсуски, собиқ иттифоқда масалани бу таҳлит қўйишнинг иложи йўқ эди. Шу сабабли уни бу жиҳат билан боғлиқ томони ниҳоятда кам ишланган.

4. Маданий-маънавий соҳа билан боғлиқ миллий қадриятлар амал қилишида учта жиҳатни ажратиш мумкин: а) кишиларнинг ижтимоий онги билан боғлиқлик; б) кишилар муносабати ва фаолияти орқали амалга ошиш; в) моддий ва маънавий соҳадаги бирор натижа тарзида намоён бўлиш.

а) Миллий қадриятларнинг маданият ва маънавият билан боғлиқ шакллари кишилар онгида акс этади, уларда муайян ҳис-ҳаяжон қўзғайди, турли хил туйғулар, эҳтиёж ва мақсадларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Улар бундан ташқари ижтимоий онгда бирор билим ёки ҳақиқат сифатида сақланиб қолади, авлоддан авлодга /уларнинг аҳамияти ва қадри тўғрисидаги фикрлар/ хабар ёки информация тарзида/ узатилади, мерос қолдирилади. Кишилар табиатга, ижтимоий муҳитга, бошқаларга, ҳатто ўзига нисбатан муносабатида ҳам маданий қадриятларни аҳамиятига эътибор берадилар. Бир томондан, улар билан боғлиқ воқелик қонунларига, талаб ва қоидаларига амал қиладилар, иккинчи томондан эса, ўз фаолият ва ҳатта-ҳаракатларида улар билан боғлиқ талаблар, одат ва анъаналарни бажаришга ҳаракат қиладилар. Вораслик орқали узатилган ва мерос қолдирилган маданий-маънавий қадриятлар шу маънода кишилар фаолияти ва ҳатти-ҳаракати орқали ўзлигини топади, воқеликка айланади.

б) Маданий қадрият шакллари, кўп ҳолларда у ёка бу миллат кишилари ўртасадаги муносабатлар, фаолияти ва ҳатти-ҳаракатларда намоён бўлади. Маданий бойликлар яратиш, анъана ёки урф-одатларни қадрлаш дунёдаги ҳамма миллат, халқ, элатларга хос умуминсоний жиҳатлардир. Аммо уларни асраш, авлодларга мерос қолдириш, уларга муносабатни тарбиялаш ва бу жараёнлардаги фаолият ва ҳатти-ҳаракатларда миллий "ўзига хослик" бор. Бу борадаги миллийлик ана шундай ўзига хослик билан белгиланади. Масалан меҳмондўстлик ҳамма халқларга хос умуминсоний хусусиятдир, аммо бир миллат уйига келган меҳмондан: "овқат ейсизми?"- деб сўрашни одат ҳисобласа, бошья миллат учун меҳмонга бундай мурожаат қилиш ножоиз, ёки бир халқда меҳмон келиши билан дастурхон безатилса, доимо шамол эсавергани ва кумлар овқатга зарар етказиши мумкинлигини ҳисобга оладиган саҳройи халқларда эса меҳмон ижозат бермагунича дастурхон очилмайди ва ҳоказо.

в) Миллий қадриятлар макон ва замонда маданий соҳадаги бирор натижа тарзида намоён бўлиши мумкин. Халқ даҳоси, маънавий-ақлий етуклиги, билимлари, илм-фандаги эришган ютуқлари ана шу "натижа"ларда яшириниб ётади. Биз эслатган Миср эҳромлари, Буюк Хитой девори, Рим ва Афина, Самарқанд ва Бухородага асори-атиқалар буюк аллома ва мутафаккирлар кашфиётлари ана шундай натижаларга мисол бўлади.

Юқоридага фикрлардан баъза хулосаларга келиш мумкан:

- ҳар қандай миллат-ижтимоий-тарихий бирлик сифатида ўзига хос, бетакрор жиҳатларга эга. Ўз миллий қадриятларининг объекти ва субъекти сифатида ҳар бир миллат қадриятларини ривожлантириб, такомиллаштириб боради. Шу билан бирга ўзи ҳам ижтимоий тараққиёт жараёнида ўзгариб янгилиниб, ранг-баранг жиҳатлар кашф қилиб боради, бу иккала хусусият ҳам миллий қадриятларда акс этади;

- миллий қадриятлар миллий маконда шаклланади, ранг-баранг тарзда намоён бўлади, кишилар онгига таъсир қилади, улар учун маънавий мезонлар ролини ўйнайди, ижтимоий ривожланиш жараёнида доимий янгилиниб, авлоддан-авлодга ўтиб боради;

- миллий қадриятлар кишиларнинг ўзаро муносабатлари, ижтимоий фаолияти, ҳатти-ҳаракатлари ҳамда улар билан боғлиқ бўлган мақсад, эҳтиёж, қизиқиш ва интилишлар учун асос бўлади, моддий ва маънавий соҳаларда муайян натижалар, яъни миллий-маданий бойликлар, ютуқлар сифатида намоён бўлишлари ҳам мумкин.

9-мавзу. Ижтимоий-сиёсий қадриятлар

Жамият ҳаётида ижтимоий-сиёсий соҳа ва у билан боғлиқ жараёнлар муҳим аҳамиятга эга. Ана шу соҳага доир қадриятлар инсон фаолияти, одамларнинг ўзаро муносабатлари, сиёсий йўналишдаги ислоҳотларда алоҳида ўрин тутди. Бу борада аввало, **«Ижтимоий-сиёсий қадриятлар»** тушунчасининг моҳияти ва мазмунини англаш муҳим аҳамият касб этади. Таъкидлаш лозимки, қадриятларнинг бу шакли инсон, жамият ва давлатга муайян ижтимоий-сиёсий мақсад, келажакка ишонч билан қараш ва истиқболга бориш учун имконият яратади ва умид бахш этади, улар фаролиятининг самарасини таъминлайдиган омил, шу йўналишдаги тизим ва тузилмалар ишининг мақсади ва мезони сифатида намоён бўлади.

Ушбу қадриятлар бир томондан, одамлар ва жамият ҳаётида, давлат ташкилотлари фаолиятида камол топади, инсон ҳаётига мазмун бағишлайди, уни турли жараёнларга муносабатини белгилайди, хилма-хил таҳдидлар ва хатарлардан омон сақлаб қолади, иродасини мустаҳкамлайди. Улар мустақиллик, давлат суверенитети, демократия, адолат, тенглик, эркинлик, миллий манфаат каби бир қатор тушунчалар орқали шакллантирилади. Миллий давлатчиликнинг тарихан

қарор топган шакллари билан ўзаро уйғун тарзда амалга ошади, сиёсий институтлар, жараёнлар ва сиёсий кучлар фаолияти орқали намоён бўлади.

Иккинчидан, ижтимоий-сиёсий қадриятлар инсоннинг жамият ва давлатга, уларнинг турли тузилмаларига, Ватанга, ўз халқига, сиёсий ҳаётга бўлган муносабатларида яққол кўриниб туради. Уларнинг шаклланишида оиладаги муҳит, жамиятдаги ҳамжиҳатлик, қариндош-уруғ, қўни-қўшни, маҳалладаги муносабатлар, давлат олиб бораётган ички ва ташқи сиёсат, бу борада тинч-тотувлик, адолатпарварлик ва инсонпарварлик тамойилларининг қай даражада намоён бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, мазкур қадриятлар тизимида инсон, унинг манфаатлари, жамият, ижтимоий муносабатлар, сиёсий тузилма ва улар билан боғлиқ жараёнлар ўзига хос ўрин эгаллайди.

Ижтимоий жараёнларда, **сиёсат ва қадрият уйғунлиги** жамият ҳаётининг таркибий қисми сифатидаги ўзаро муносабатлар уларнинг ўзаро боғлиқлиги, узвий алоқадорлиги, бир-бирига нисбатан аҳамиятини ифодалайди. Бундай уйғунлик шунда намоён бўладики, юксак қадрият асосига қурилган сиёсат жамият ривожланиши ва унда барқарорлик таъминланишига олиб келади. Бирон-бир мамлакатда фақат муайян гуруҳ ва кучлар ҳукмронлигини таъминлашга, халқ оммаси манфаатларига зид ва шу асосда тор доирадаги манфаатларни ҳимоя қилувчи тузумни сақлаб қолишга қаратилган сиёсат - адолатсиз, қадриятдан холи бўлган бошқарув усули ва воситасидир. Тарих бундай сиёсатнинг жамият ва мамлакат миқёсидаги ҳукмронлиги инсон ҳуқуқларининг поймол этилишига, моддий ва маънавий бойликларнинг талон-тарож қилинишига, зўравонлик, жоҳиллик, текинхўрлик, ўз мансабидан ғаразли ниятда фойдаланиш, порахўрлик каби маънавий қашшоқлашув шакллари вужудга келишига сабаб бўлишидан далолат беради.

Юксак қадриятлар асосига қурилган сиёсат эса, энг аввало, инсон зотини улуғлаш, унинг моддий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатда тинчлик, барқарорликни таъминлашга қаратилгандир. Илм, маърифат, маданият, техника, технологияни ривожлантириш, фуқароларнинг замонавий билим эгаллашларига кенг йўл очиш ва улар ҳақида ғамхўрлик қилишга қаратилган сиёсат юксак маънавий қадриятларга асосланган бошқарув ҳисобланади. Бундай сиёсатнинг қадрият билан боғлиқ жиҳати шундаки, у мавжуд муаммоларни ҳал қилишда ҳар қандай ғайриқонуний тўполон ва бебошликнинг олдини олишга, энг мураккаб мунозарали муаммоларни ҳам музокаралар, томонларнинг консенсуси орқали ҳал қилишга ёрдам беради. Сиёсатдаги юксак қадрият эса тараққиёт ва барқарорликка эришишга ўзининг ижобий таъсирини ўтказди. Ҳар қандай сиёсатнинг мазмун-моҳиятида жамият, халқ ва инсоннинг маданий, маънавий фаолияти, интилиши акс этсагина, у халқ томонидан қўллаб-қувватланади. Чунки унда умумхалқ эҳтиёж ва манфаатлари мужассамлашган бўлади.

Давлатимизнинг бу борада амалга ошираётган сиёсати шундан далолат берадики, қайси мамлакатда қадриятни юксак даражага кўтариш, у ҳақида ғамхўрлик қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлса, ўша мамлакатда тинчлик, барқарорлик вужудга келади, илм-фан, маърифат ва маданият ривожланади. Бу ўз навбатида, мамлакат олдида турган турли мураккаб муаммоларни маърифий йўллар билан ҳал этиш имконини яратади.

Сиёсат ва қадриятларнинг уйғунлиги жамиятда маданият ва маърифатни, илм-фан, адабиёт ва санъатни ривожлантириш борасидаги амалий ишларда намоён бўлади. Ўз навбатида, фуқароларнинг юксак маданият ва маърифатга эга бўлиши мамлакатнинг ҳар томонлама ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Тарихнинг бу ҳақиқати, яъни қадриятларнинг сиёсий жараёнлар билан уйғунлиги, ўзаро алоқаси ва боғлиқлиги инсон, миллат, жамият ва давлат ривожидан энг муҳим омиллардан бири экани жамиятимиз тараққиётининг бугунги босқичида ўз ифодасини топмоқда.

Жамиятдаги ижтимоий жараёнларнинг таркибий қисми бўлган **“сиёсий кадриятлар”** давлат ва жамият қурилишида, сиёсий ислоҳотлар жараёнида инсон манфаатлари, инсонпарварлик талаблари ва меъёрлари ҳисобга олиниши лозимлигини англатадиган тушунчадир. Бундай боғлиқлик бузилган ҳолда, жамиятда сиёсатга ишонч сусаяди, сиёсий тизимнинг таъсири камаяди, инсоний муносабатлар таназзулга учрайди, инсонлар ўртасида бегоналашиш кучаяди. Бу эса охир-оқибатда ижтимоий-сиёсий таназзулга олиб келиши мумкин. Айрим кишилар эркин бозор иқтисодиёти шароитида маънавий-маърифий ва сиёсий кадриятлар кадрсизланади, маданият ва маънавият иккинчи даражали нарсага айланади, деб даъво қилади. Эркин бозор иқтисодиёти билан маънавий ва сиёсий кадриятлар соҳасини бундай қарама-қарши қўйиш мутлақо ўринсиз, аксинча, юқорида айтганимиздек, улар бир-бирларини тўлдиради ва тақазо қилади. Чунки фақат маънавий соғлом, кучли жамиятгина иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларга тайёр бўлиши, уларни самарали амалга ошириши мумкин.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ижтимоий жараёнлар, сиёсат ва кадриятларнинг ўзаро диалектик боғлиқлиги ва бир-бирига таъсири қонуниятидан келиб чиққан ҳолда ривожланишга алоҳида аҳамият бериб келинмоқда. Бу мамлакатимизда сиёсий-ижтимоий барқарорлик ва тараққиётнинг мустақкам гарови бўлиб хизмат қилмоқда. Демак, кадрият ва сиёсат бир-бирини инкор этмайди, балки бир-бирини қувватлаб, ўзаро таъсирланиб, ривожланиб боради. Ҳозирда сиёсий ислоҳотларнинг янги, юқори босқичига ўтиш жараёнида юртимизда давлат ва жамият қурилишини ислоҳ қилиш муҳим вазифага айланди.

Маълумки, маънавияти юксак киши бировнинг ҳақиқа, давлат, жамоа мулкига хиёнат қилмайди, эл-юртига, оиласига садоқатли бўлади, Ватани, халқи учун ҳатто жонини ҳам аямайди. Бунинг акси ўлароқ, маънавияти қашшоқ кишилар нопок, фирибгар, порахўр, ўғри, қаллоб, Ватан ва миллат манфаатларига бефарқ қарайди.

Келажакда Ўзбекистон юксак даражада ривожланган иқтисодиёти билангина эмас, балки билимдон, маънавияти етук, маънавий кадриятлари юксак фарзандлари билан ҳам жаҳонни ҳайратга солиши учун ҳаракат қилинаётган экан, бунга эса иқтисод ва сиёсат, маънавият ва маърифатни бирга, ўзаро мутаносиб, муштарак ривожланишига аҳамият берилганидагина эришиш мумкин. Маънавиятли ва маърифатли, иймонли кишиларгина ўзининг ҳалол-пок меҳнати билан бойлик яратадиган, изланувчан, инсофли, меҳнатсевар, тadbиркор, эл-юрт дардига малҳам бўладиган ҳақиқий ватанпарвар, сиёсий маданияти етук бўлади. Шундай фуқароларга эга бўлган мамлакат, жамият иқтисодий тараққиёт ва сиёсий ислоҳотлар поғоналаридан узлуксиз юқорига кўтарилиб боради. Юртимизда демократик давлат, фуқаролик жамияти ва цивилизациялашган бозор муносабатларига ўтиш жараёни юксак маънавиятга асосланган сиёсат негизларида бунёд этилмоқда. Буни ҳаммамиз теран англаб олишимиз ва шу йўлда фаол ҳаракат қилмоғимиз лозим.

Бугунги кунда ижтимоий-сиёсий кадриятларни англаш жараёни мустақилликнинг моҳияти, унинг тарихий аҳамиятини англаш билан узвий боғлиқ. Зеро, ҳақиқий ижтимоий-сиёсий кадриятлар баркамол инсон ва етук жамиятсиз мавжуд бўлмаганидек, тараққий этган жамият ва комил инсоннинг ҳам уларсиз юзага келиши ва ривожланиши қийин. Бу эса ўз навбатида, демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш, бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, инсон манфаатларини таъминлаш. одамлар онгида ижтимоий-сиёсий кадриятларни мустақкамлаш жараёнларининг узвий алоқадорлигини англатади. Шу маънода, ижтимоий- сиёсий кадриятлар турли мезонлар қаторида, ҳаётнинг барча соҳаларига ўз таъсирини ўтказди, фақатгина жамият ва унда яшовчи инсонларнинг онгини ошириш учун зарур бўлиб қолмасдан, балки давлат мустақиллиги, халқ фаровонлиги ва мамлакат тараққиётини таъминлашнинг

муҳим омили бўлиб ҳисобланади.

Инсон азалдан жамиятнинг асосий қадрияти, у билан боғлиқ масалалар эса фан ва фалсафанинг устивор мавзуларидан бири бўлиб келган. Кўплаб мутафаккир ва олимлар унинг моҳияти, табиати, ўрни ва вазифасини англаб етишга ҳаракат қилганлар, турли фалсафий таълимотларда бу мавзу турлича талқин этилган. Аммо уларнинг барчасида инсоннинг асосий ижтимоий қадрият эканига шубҳа қилинмаган. Фалсафада баҳс юритиладиган барча масалалар инсон муаммосига бевосита дахлдор. Шу маънода, инсон, аввало, ўзи учун зарур бўлган фанлар, илм ва билимлар тизимини яратган. Табиат, маданият, сиёсат, цивилизация, билиш каби масалалар инсон манфаатлари ва инсоний моҳиятнинг намоён бўлиш шакллари дир. Уларнинг барчаси инсон табиати ва моҳияти билан боғлиқ. Инсон - ижтимоий муносабатлар махсули ва яратувчиси бу соҳанинг асосий қадрияти дир.

Фан тарихида мавжуд бўлган инсон ҳақидаги қарашлар таҳлили бу мавзунинг ниҳоятда серқирра эканлигини, у билан боғлиқ муаммоларга нисбатан ранг-баранг ёндашувлар мавжудлигини яққол намоён қилади. Бу эса, ўз навбатида, нафақат ҳозирги даврда, балки келажакда ҳам инсон билан боғлиқ муаммолар фалсафанинг асосий масалаларидан бири бўлиб қолишини, инсоннинг ўзи эса энг олий қадрият объекти эканлигини кўрсатади.

Ана шу сабабдан ҳам мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ барча ўзгариш ва янгиланишларнинг марказига инсон ва унинг манфаатлари қўйилди. Бугунги кунда ҳам ўзгаришлар жараёнининг моҳиятида ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун, деган тамойил мужассам дир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, демократия, авваламбор, маънавий мезонлар асосида бошқариладиган ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти демак дир. Айтиш мумкинки, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти демократиянинг ўзаро узвий боғлиқ бўлган икки жиҳати, икки қаноти дир бўлса, инсон унинг асосий қадрияти дир.

Ижтимоий-сиёсий қадриятлар тизимида инсон билан бир қаторда жамият ҳам алоҳида ўрин тутаяди, чунки усиз ушбу қадриятларнинг мавжудлигини тасаввур этиб бўлмайди. **Жамият одамзот учун асосий ижтимоий қадрият**, унинг ҳаёти ва фаолияти кечадиган муҳит дир. Инсон жамиятдан ташқарида ўзининг ҳақиқий моҳиятини йўқотади, бироқ жамият ҳам инсонларнинг шунчаки йиғиндиси эмас. Жамият нафақат одамлар, балки улар ўртасида амал қиладиган муносабатларни ҳам қамраб олади, бундай муносабатлар кишиларни оила, уруғ, қабила, миллат, давлат ва ниҳоят, инсоният ҳамжамиятига бирлаштиради. Одамлар жамоасини кузатиш осон, бироқ улар ўртасидаги муносабатларни аниқ-тиниқ кўриш, кузатиш қийин. Чунки улар яширин характерга эга бўлиб, жисмсиз, номоддий дир. Жамият ҳаётида ана шундай муносабатлар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Жамият таркиби (структураси) кўп ўлчамли дир. Жамиятдаги муносабатлар қанчалик бой, хилма-хил бўлса, бу жамиятнинг демократик характерга эга эканлигидан, ривожланганлигидан далолат беради.

Ҳозирга қадар адабиётларда жамиятнинг моддий ва маънавий соҳалари бир-биридан кескин фарқланар, унинг моддий жиҳатига кўпроқ эътибор берилар эди. Холбуки, жамиятнинг туб моҳияти уни ташкил этувчи инсон моҳияти билан узвий боғлиқ дир. Ҳудди инсон танасини унинг руҳидан ажратиб бўлмагани сингари жамиятнинг моддий ва маънавий томонларини бир-биридан ажратиш ва уларнинг бирини иккинчисидан устун қўйиш ҳам мантиққа зид дир. Шу сабабдан ҳам Президент И. А. Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида жамиятнинг моддий ва маънавий томонларининг уйғунлиги ижтимоий тараққиётнинг асоси эканлиги алоҳида таъкидлангани бежиз эмас. Аслида ҳаётда улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кечади. Илмий иазария ва амалиётда жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаётини бир-биридан ажратиш, улардан бирини муҳимроқ, бошқасини номуҳим деб ҳисоблаш жамиятнинг табиий-тарихий

ривожланишини издан чиқаради. Жамиятнинг маънавий-интеллектуал тараққиёти учун иқтисодий замин яратиш қанчалик муҳим бўлса, моддий фаровонликни таъминлаш учун маънавий-интеллектуал салоҳиятни кучайтириш ҳам шунчалик муҳимдир.

Барқарорлик муҳим ижтимоий-сиёсий қадрият шаклларида бири бўлиб, у нисбий сокинлик, ижтимоий тизимнинг нормал фаолият кўрсатиш имкониятидир. Жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш, етилган муаммоларни оқилона ҳал этиш, мамлакат фуқароларининг сиёсий фаоллигини ошириш-жамият сиёсий системасини ташкил этувчи барча бошқарув органлари ва ташкилотларнинг асосий мақсади ҳисобланади. Жамият аъзоларини умумий мақсад йўлида янада жипслаштириш, ижтимоий-сиёсий фаолликни кучайтиришда миллий ғоя ва миллий мафкура муҳим роль ўйнайди. Ғоявий муштараклик жамиятдаги турли ижтимоий гуруҳ, қатлам ва синфларда бирдамлик туйғусини кучайтиради, турли сиёсий ҳаракат ва партиялар фаолиятини бунёдкорлик ишларига йўналтиради.

Ҳар бир инсон ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш учун осойишталик ва тинчликка муҳтож бўлгани каби, жамият ҳам ўз олдига қўйган вазифаларини адо этиши учун барқарорликка эҳтиёж сезади. У турғунлик тушунчасидан кескин фарқланади. Ижтимоий-сиёсий турғунлик тушунчаси жамиятдаги мавжуд сиёсий, иқтисодий, маънавий системанинг таназзули аломатидир.

Жамият барқарорлигининг издан чиқиши кишилар психологиясидаги салбий ўзгаришларда, қонунларнинг ишламаслиги, ижтимоий бурчнинг адо этилмаслиги, идеалларнинг йўқолиши, ғоя ва мафкурага лоқайдликнинг кучайиши, турли жиноий гуруҳларнинг пайдо бўлиши, ижтимоий адолат принципларининг бузилиши, давлат органларининг аҳолини бошқариш қобилияти кучсизланиши ва турли конфликтларнинг кескинлашувида ўз ифодасини топади. Бундай ҳолат ички ва ташқи таҳдидлар туфайли вужудга келади.

Беқарорлик бир ижтимоий-сиёсий тизимдан янги бир ижтимоий-сиёсий тизимга ўтиш даврида кескинлашиши мумкин. Бу эса барқарорликка эришиш ва уни сақлаш учун етилган муаммоларни оқилона ҳал этиш зарурлигини кўрсатади. Жаҳон тажрибаси ҳар бир мамлакат халқларининг ўз тараққиёт йўлини танлаш ҳуқуқига эга бўлиши умумий хавфсизлик ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш гарови эканлигидан далолат беради. Ўзбекистон миллий мустақилликка эришганидан кейин ўз миллий-давлатчилик асосларини яратиш, ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлини белгилаш. ривожланишнинг ўзбек моделини яратиш имконига эга бўлди.

Бу борада иқтисоднинг мафкурадан хоиллиги, давлатнинг бош ислохотчи эканлиги, қонун устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсат, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш кабилар жамият барқарорлигини сақлашнинг асосий омилларидир. Бу эса мамлакатимизда миллий давлатчилик асосларининг барпо этилиши, қадриятларнинг тикланиши, ўзликнинг англаниши, демократик қадриятларнинг ривожлантирилиши ва инсон ҳуқуқларининг кафолатланиши учун муҳим бўлган барқарорлик омилларидир.

Ҳар қандай жамиятда барқарорликнинг узлуксизлигига эришиш, ундаги ижтимоий адолат тамойилларига риоя қилиниши билан узвий боғлиқдир. **“Адолат”** одиллик, тўғрилиқ, ҳамма учун баробар бўлган ҳақиқатнинг талаб ва тамойилларига амал қилинишини англатадиган тушунча, инсониятнинг азалий орзуси, эзгу ғояси, сиёсат, маънавият, ахлоқ ва ҳуқуқнинг меъёрий категорияси, жамият ва инсон учун муҳим аҳамият касб этадиган ижтимоий-сиёсий қадриятлардан биридир. У жамият ҳаётидаги ҳодисалар, тартиб-қоидаларнинг асл инсоний идеалларга, ҳақиқат мезонларига қанчалик мос эканини аниқлашда ҳамма замонларда ҳам асосий мезон бўлиб хизмат қилади. Жамиятнинг шахсга, шахснинг жамиятга ва бир шахснинг иккинчи шахсга муносабатида намоён

бўладиган адолат тамойили ана шу муносабатларни баҳолашнинг ўзгармас мезонидир.

Адолат юксак инсоний қадрият бўлиб, бахт, озодлик, тенглик, дўстлик, тинчлик тушунчалари каби инсоннинг азалий эзгу интилишларининг тимсоли ҳамдир. У ҳақидаги илк тасаввурлар жуда олис замонлардан бошланган. Қадимги давр мутафаккирлари уни универсал қонун сифатида талқин этган. XVIII асрга келиб адолат ижтимоий тенглик билан боғлиқ ҳолда кун тартибига қўйила бошланди.

Ҳозирги замон фалсафий адабиётларида адолат жамиятдаги барча ижтимоий муносабатларни ифода этувчи категория сифатида таърифланмоқда. У инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг асосий мезони бўлгани учун доимо ижтимоий аҳамият касб этади. У жамият (социум) ҳаётида муҳим аҳамият касб этадиган ижтимоий қадриятдир. Шу сабабли “ижтимоий адолат” тушунчасидан фойдаланилади. “Ижтимоий адолат” жамиятда демократиянинг мавжудлиги, инсоннинг ҳимоялангани, барчанинг қонун олдидаги тенглиги, шунингдек, фуқароларнинг иш билан таъминлангани, тиббий хизмат, уй-жой, таълим, маданий неъматларга дахлдорлигини англатувчи тушунчадир. Ижтимоий адолат реал қадрият бўлиб, бугунги кунда у фуқаролик жамиятининг узвий қисми ҳисобланади.

1991 йил 31 августдан буён мустақил тараққиёт йўлидан қатъият билан бораётган жамиятимиз тобора демократлашиб, давлат, жамият ва шахс муносабатларида адолат ва гуманизм ғояларига асосланмоқда.

Адолат тамойилининг рационал аҳамиятини ошириш учун аниқ меъёрлар, ўлчовлар талаб этилади. Ҳисса ва улуш бирлиги демократик меъёрларга ҳам мос келадики, бу иқтисодийда – меҳнат ва иш ҳақи; сиёсатда – бошқарувдаги иштирок ва бурч; ҳуқуқда – эркинлик ва зарурат, ҳуқуқ ва бурч, жиноят ва жазо, социал соҳада – инсоннинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузи, ижтимоий мақомининг реал меҳнат натижалари, қобилият ва салоҳиятига қанчалик мос эканида намоён бўлади. Адолатнинг бошқа тамойиллари ҳам демократик мазмунга эга. Улар жамиятнинг барча аъзолари учун умумий ва бир хилда татбиқ қилиниши мумкин. Қуйида адолат тамойилини умумий тарзда таснифлаб ўтамиз: 1) талаб ва таклиф қоидаси; 2) тенг имкониятлар қоидаси; 3) эҳтиёж қоидаси; 4) ижтимоий кафолат қоидаси; 5) хизмат кўрсатиш қоидаси; 6) мутаносиблик қоидаси; 7) эквивалентлик қоидаси; 8) рағбатлантириш қоидаси; 9) касбий лаёқатлилиқ қоидаси; 10) ижтимоий фойдалилик қоидаси. Мазкур қоидалар бозор иқтисодиётига асосланган барча демократик жамиятларда кенг қарор топган. Бу қоидалар ҳаётга қанчалик кенг жорий этилса, фуқаролик жамияти пойдевори шунчалик мустаҳкам бўлади. Айни пайтда мутахассислар бу қоидаларни тўлдирувчи бошқа принциплар ҳақида ҳам фикр юритади. Америкалик социологлар Р.Хьюсман ва Д.Хэтфилд “адолат омили” тушунчасини асослаб, уни амалга оширишдаги қўл келадиган қоидаларни келтиради. Булар қуйидагилар: 1) инсон ўзгалар билан муносабатини ўзининг жамият ишига қўшган ҳиссаси ва шунинг эвазига оладиган улушини таққослаш орқали баҳолайди; 2) ҳисса ва улушнинг ўзаро мос келмаслиги норозиликка сабаб бўлади; 3) инсон ўзига тегаётган улушдан қониқмаса, ўзича адолатни тиклашга ҳаракат қилади. Хуллас, ижтимоий адолатнинг мазкур қоидалари жамиятнинг барча аъзолари учун умумийлиги ва бир хилда татбиқ қилиниши билан аҳамиятлидир. Шунингдек, бу қоидалар ижтимоий уйғунликнинг зарурий асоси ҳисобланади.

Адолат нисбий тушунча бўлиб, барча учун бир хилда мавжуд бўлмаса-да, демократик жамиятда уни амалга оширишнинг қатъий қоидалари, меъёрлари таъминланади. Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг бир умр «Куч – адолатдадир» деган ҳикматга амал қилиб яшагани халқимизнинг бу борада етарли билим ва тажриба, анъана ҳамда қадриятларга эга эканини кўрсатади. Ана шундай бой меросга суянган ҳамда юртимизда ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик

жамияти қуриш халқимизнинг асосий мақсадидир. Бу мақсадни амалга оширишда: а) демократиянинг умуминсоний тамойилларига риоя қилинади; б) инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади; в) демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ҳамда қонунлар билан ҳимоя қилинади; г) барчанинг қонун олдида тенглиги таъминланади.

Мамлакатимизда тараққиёт тадрижий ва босқичма-босқич тарзда амалга оширилаётгани юртдошларимиз манфаатларини ўзаро уйғунлаштиришга, фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Бундай шароитда адолат тамойили жамият ҳаёти учун муҳим маънавий-ҳуқуқий меъёрга айланди. Юртимизда ҳар қайси инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бугунги кунда адолат барчанинг қонун олдида тенглиги ва қонуннинг барчага тенг тегишлилиги эканини англатади. Яъни “Адолат – қонун устуворлигида” деган тамойил асосида ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий негизда ривожлантириш мамлакатимизда амалга оширилаётган, адолатли жамият барпо этишга қаратилган барча ўзгариш ва ислохотларнинг маъно-мазмунини ташкил этади. Адолат ҳукм сурадиган жамиятда тенглик ва эркинлик бўлиши мумкин.

“Тенглик” кишиларнинг жамиятда тутган ўрни ва ҳаёт шароитларидан қатъи назар, қонун-қоидалар, маънавий-ахлоқий талаблар ҳаммага бир хил бўлишига асосланадиган тамойилни ифодаловчи тушунчадир. Тенглик, маънавиятнинг ижтимоий-ҳуқуқий соҳадаги асосий қадриятларидан бири, жамиятдаги барча кишилар, қатлам, партия ва бошқаларнинг қонун олдидаги умумий масъулияти ва имкониятларининг бараварлигини англатади.

Тенглик таъминланган жамиятда унинг барча аъзолари яшаш, таълим олиш, меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, мулкдор бўлиш, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш, қариганда ёки меҳнат лаёқатини йўқотганда ижтимоий таъминот олиш, фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, сайлаш ва сайланиш каби ҳуқуқларга эга бўлади. Тенгликнинг мантиқий маъноси айният билан мос келади. Формал мантиқдаги айният қонунига кўра, агар фикрлар бир хил ҳажмга эга бўлса тенг фикрлардир, агар билдирилган фикрлар мазмун жиҳатидан ўзгармай қолса ҳам, тенг фикрлардир. Тенглик деганда, мамлакатимиз халқларининг барча соҳалардаги амалий тенглики ҳам тушунилади.

Тенглик йўқ жойда самимий дўстлик ҳам бўлмайди. Ҳаётда одамларнинг чин дўст бўлишлари учун, аввало, улар ўзларини бир-бирларига тенг ва муносиб кўришлари керак. Мустаҳкам дўстлик эса ҳам моддий, ҳам маънавий соҳалардаги тенглик ва ўзаро мутаносиблик пойдеворига қурилади. Мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида миллий муносабатлардаги амалий тенглик масаласи ҳам катта аҳамиятга эга. Кичик миллатларга паст назар билан қараш, уларга ишонмаслик ва уларни катта миллатларга муте қилиб қўйиш каби адолатсизликлар тенгсизлик кўринишларидир. Тенглик инсонларнинг бир жамиятда яшашлари жараёнида ўзаро бир-бирига тенг меҳр-муҳаббатли, раҳм-шафқатли, кадр-қимматини жойига қўйиш, ҳурмат-илтифот кўрсатиш, ор-номусини ҳимоя қилиш, нафсониятини поймол қилмаслик ва шу каби барчага баравар тарзда инсоний, самимий муомала-муносабатлари билан изоҳланади. Тенгликнинг тўлақонли, барқарор бўлиши инсонлар, миллатлар ўртасида тўла тенгҳуқуқлилика эришишда ҳам ифодаланади.

Тенглик бўлмаган жойда инсоннинг ноҳақ кулфат чекиши, бадном бўлиши, соғлиғини йўқотиши, оила аъзоларининг беҳисоб машаққатларга дучор бўлиши, адолатга ишончининг сўниши, руҳий тушкунликка, келажакдан умидсизланиш каби изтиробли ҳолатларнинг юзага келиши шубҳасиздир.

Оилада ота-она фарзандларининг барчасига моддий ва маънавий жиҳатдан тенг муомала-муносабатда бўлмаслиги охир-оқибат фарзандлар ўртасида аҳиллик, оилада эса тинчлик, осойишталикнинг бузилишига олиб келади. Ота-она

фарзандларининг тарбияси жараёнида уларнинг ҳаммасига баравар-тенг тарзда маънавий-руҳий озуқа, яъни меҳр-муҳаббат, ғамхўрлик, ҳамдардлик кўрсатишлари, уларни тушунишга ҳаракат қилишлари ҳам тўғри тарбиялаш мезонларига киради.

Жамоада раҳбарнинг ходимларга нисбатан тенглик муносабати уларнинг моддий ва маънавий тенг ҳуқуқлиликларини таъминлаши, барчага тенг иш шароитлари яратиши, ошна-оғайнигарчилик билан ўзига яқин одамларга алоҳида эътибор қаратмасдан, балки барчага баравар инсоний муомала қилиши, касб ахлоқи, жамиятда қабул қилинган қонунлар ва адолат устуворлигига риоя этишида намоён бўлади.

Ҳар бир миллат асрлар давомида яратган миллий маданиятлари, қадриятлари орқали мамлакатимизнинг маънавий бирлигини озиқлантиради. Чунки, миллий илдизга эга бўлган маънавиятгина бошқа миллатларни бойитадиган маданий озиқ беради. Ҳар бир халқда ўз миллий маънавияти ва қадриятларини яхши биладиган, уларни адабиёт, санъат, фан, матбуот воситасида бошқа халқларга етказиб бера оладиган фозил одамлар бор. Ўз халқининг ноёб қадриятлари, маънавий меросини эъзозлаб, бошқа халқларга ҳам етказиб бера оладиган бундай фозил кишилар миллатларнинг ўзаро яқинлашувига, улар ўртасидаги маънавий тенгликнинг мустаҳкамланиши ва давомийлигини таъминлашга хизмат қилади.

“Тенг ҳуқуқлилиқ” Ўзбекистонда инсон ва фуқаролик мақомининг конституциявий принципларидан биридир. Конституциямизнинг 18-моддасига мувофиқ, юртимизда барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Фуқаролар ҳуқуқларини ижтимоий, ирқий, миллий, тил ва диний мансублик бўйича чеклашнинг ҳар қандай шакллари тақиқланади. Бундан ташқари Конституция эркак ва аёл тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эгаллигини ҳамда уларни амалга оширишда тенг имкониятларга эга эканлигини белгилайди. Ундан келиб чиқиб, тенг ҳуқуқлилиқнинг бир нечта жиҳатларини фарқлаш мумкин: инсон ва инсон аёл ва эркак (жинслар тенг ҳуқуқлилиги); миллий тенг ҳуқуқлилиқ.

Тенг ҳуқуқлилиқ ва фактик тенгликни чалкаштириш тўғри бўлмайди. Инсонларнинг ижтимоий ҳаётдаги фактик тенглиги ва тенгсизлиги уларнинг моддий аҳволи, машғулот тури, онги, психологияси ва ҳоказоларга боғлиқ бўлади. Тенг ҳуқуқлилиқ фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятларга бир хил ҳажмда эга бўлишида намоён бўлади; агарда чеклашлар жорий қилинса, улар барчага баробардир: ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятларни бажариш кафолатлари ҳам бир хил. Қонунчилиқнинг алоҳида тоифадаги шахсларга: болалар, ногиронлар, фахрийларга нисбатан юқори даражадаги эътибори тенг ҳуқуқлилиқ принципининг бузилиши бўлмай, балки Ўзбекистон давлати ижтимоий табиатининг намоён бўлиши ҳисобланади.

Бундан ташқари, кўплаб конституциявий нормалар инсонларнинг эҳтимолли фактик тенгсизлигини ҳисобга олган ҳолда тузилган ёки унинг вужудга келишини инкор этмайди. Масалан, барча учун хусусий мулкка эга бўлиш ҳуқуқининг, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг мустаҳкамланиши инсонларнинг шахсий бойлигининг ҳар хил миқдори, жамиятнинг ижтимоий табақаланишига тўла йўл қўйиши мумкин. Лекин, гап айнан шундан иборатки, Конституция ҳар бир инсонга айтиб ўтилган ҳуқуқ ва эркинликларни амалга оширишнинг тенг имкониятларини беради, улардан ким қандай қилиб фойдаланади - бу муайян индивиднинг ўзига боғлиқдир. Лекин, муайян моддий фаровонликка эришиб, инсон ундан бошқаларнинг зарарига фойдалана олмайди. Мана шунинг учун ҳам Ўзбекистон Конституциясида фуқаролар ҳуқуқларини чеклашнинг ҳар қандай шакллари (хусусан, ижтимоий мансублик бўйича) тақиқлайди.

Ижтимоий-сиёсий қадриятлардан бири - **“Эркинлик”** луғавий маънода ҳар

бир кишининг ўз истаги бўйича иш тутишини англатадиган, фалсафа, ҳуқуқшунослик, сиёсатшунослик каби ижтимоий гуманитар билим соҳаларида кенг ишлатиладиган тушунчалардан биридир. Бу атама жамиятнинг турли соҳалари билан боғлиқ ҳолда муайян тушунчалар орқали талқин этилади. Масалан, виждон эркинлиги, фуқаролар эркинлиги, ирода эркинлиги, фикр эркинлиги, сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги ва ҳ.к.

Эркинлик ҳақидаги илк фалсафий қарашлар Шарқда, “Авесто” замонларидаёқ шаклланган. Эркинликни ҳимоя қилувчи сиёсий институтлар (Спарта ва Афина демократияси, Солон ва Перикл ислохотлари, Рим ҳуқуқи) тизими Ғарбда, аниқроғи, Қадимги Юнонистон заминиде ҳам аста-секин вужудга келган. Антик даврда эркинлик борасида илгари сурилган таълимотлар унинг замонавий концепцияларидан тубдан фарқ қилади. Масалан, замонавий ғарбона концепцияларда асосий урғу шахснинг сиёсий-иқтисодий назорат ва аралашувдан эркинлигига қаратилган бўлса, юнонлар эса зўравонликка таянмаган, қонун асосида амалга ошириладиган ҳокимиятни табиий деб билган ва жамиятнинг шахс устидан ҳукмронлигини тан олган. Бироқ антик даврдаёқ айрим файласуфлар шахсий эркинликга интилиш ва жамият манфаат-эҳтиёжлари ўртасида кескин зиддият вужудга келиши мумкинлигига эътибор қаратган. Бу зиддият турли фалсафий оқим ва мактаблар вакиллари томонидан ўзига хос тарзда ҳал этилган. Масалан, Афлотун ва унинг мактабига мансуб файласуфлар шахс манфаатлари жамият манфаатларига тўлиқ бўйсундирилиши зарурлигини асослашга интилган. Чунончи, Афлотун “Қонунлар” асарида “Воқелик сен учун эмас, сен воқелик учун вужудга келасан” деб ёзади. Киниклар эса, аксинча, ижтимоий ҳаёт қадриятларини бутунлай инкор этиб, шахс манфаатлари, унинг эркинлиги устуворлигини ёқлаб келган. Мазкур таълимотни юнон файласуфи Антисфен яратган бўлса-да, фалсафий адабиётда унинг шогирди, кинизм оқимининг ёрқин вакили – ғайриодатий хатти-ҳаракати ва юриш-туриши билан шуҳрат қозонган Диоген кўпроқ тилга олинади. Унинг эркинлик масаласига оид қарашлари ўта бирёқламалиги билан ажралиб турган. Диогеннинг фикрича, инсон эркинлиги чек-чегарасиз бўлиши, давлат ҳам, оила-никоҳ муносабатлари ҳам, ахлоқий қадриятлар ҳам унга тўсқинлик қилмаслиги керак. Бундай талқиндаги эркинлик жамият маънавий-ахлоқий асосларини емириб, ёвуз, бузғунчи куч сифатида намоён бўлади. Экзистенциализм вакилларининг фикрига кўра, эркинлик инсоннинг ҳаётдаги масъулияти, ҳамма қилган ишлари учун жавобгар бўлишидир.

Теварак-атрофда қилинаётган ҳамма ишлар учун айбни сезиш – бу эркин инсонга хос ҳиссиётдир. “Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси”нинг 1-моддасида: “Ҳамма одамлар ўз қадр-қиммати ҳамда ҳуқуқлари бўйича эркин ва тенг бўлиб туғиладилар...”, 18-моддасида эса: “... ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ўз дини ёки эътиқодини ўзгартириш эркинлигини ва таълим олиш, тоат-ибодат қилиш ҳамда диний расм-русм ва маросимларни оммавий ёки хусусий тартибда адо этиш, ўз дини ёки эътиқодига яқка ўзи, шунингдек, бошқалар билан бирга амал қилиш эркинлигини ўз ичига олади”, деб таъкидланади.

Ўзбекистон Республикасида барча фуқароларнинг бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эгаллиги Конституция билан кафолатланади. Эътиқод эркинлиги инсоннинг бирор-бир динга эътиқод қилишида ўз ихтиёри билан иш тутишини ифодалайди. У инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари ичида марказий ўринда турувчи қадриятлардан бири ҳисобланади. Эътиқод эркинлиги сиёсий, ахлоқий, илмий, диний ва шу каби хилма-хил турларга бўлинади. Инсон ўз ҳаётида шу турлардан бирига алоҳида ихлос қўйиши, шу турни ўз турмуш тарзи, хатти-ҳаракатлари, орзу-мақсадлари, интилишларини белгиловчи тамойил сифатида қабул қилиши мумкин. Виждон эркинлиги эса муайян кишининг бирор динга, ғояга эътиқод қилиши ёки эътиқод қилмаслигини англатади. У дунёвий ёки диний

билимлар тарафдори бўлиши мумкин. Кимнинг нимага эътиқод қилиши ўзининг ихтиёрида. Бироқ, бу тамойил жамиятдаги бошқа умуминсоний талаблар ва фуқаролик бурчларини тан олмаслик, турли ақидаларни мутлақлаштириш, бошқалар учун қадрият бўлган нарсаларни менсимасликни билдирмайди.

Миллий истиқлол мафкураси шахс эркинлиги ғоясига таянади. Ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, айти пайтда ўз манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғунлаштирадиган инсонгина миллий ғоямиз тамойилларини тўғри баҳолай олади. Эркинлаштириш жараёнида инсон ҳақ-ҳуқуқини таъминлаш, инсонпарварлик ва умуминсоний қадриятларга риоя этиб яшаш жамият ҳаётининг асосий мезонига айланади. Ўзбекистон халқи мустақилликка эришиб, ўз эркини, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини қўлга киритди. У инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлайдиган Конституциясига эга бўлиб, унга кўра, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликлари олий қадриятдир.

Бу борада **сўз ва ахборот эркинлиги** ўзига хос муҳим ўрин эгаллайди. Демократик жамиятда ҳар ким ўз эътиқодига асосланган ҳолда, жамият, давлат ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий муаммоларга доир фикр-мулоҳазаларини эркин баён қилиш ҳуқуқига эга. Фикрлаш, сўз ва ахборот эркинлиги, барча маълумотларни қидириш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқи фуқароларга давлат идоралари, жамоат бирлашмалари, корхона ва ташкилот ҳамда муассасаларга таклиф ва ариза ёки шикоят билан мурожаат қилиш орқали жамоат ва давлат фаолиятини бошқаришда фаол қатнашиш имконини беради. Фикрлаш эркинлиги – ўз фикрини эркин сўзлаш ҳамда уларни бошқа шахсларнинг эътиборига ҳавола қилишдир.

Инсон ва фуқароларнинг фикрлаш эркинлиги ҳуқуқи сўз эркинлиги, яъни уларни очиқ тарзда изҳор қилиш ҳамда бошқа шахсларга етказиш орқали амалга оширилади. Сўз эркинлиги кўпроқ оммавий ахборот воситалари ёрдамида амалга оширилиб, улар Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунида белгиланган. Унда ҳар бир шахснинг сўз эркинлиги, оммавий ахборот воситаларида чиқиш, фикри ва эътиқодини ошкора баён этиш ҳуқуқлари ўз ифодасини топган.

Ҳозирги даврда фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлидан одимлаётган юртимизда оммавий ахборот воситаларини фуқаролар ва ижтимоий қатламлар манфаатларини уйғунлаштириш институти сифатидаги мақомини ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки, фуқаролик жамияти шароитида жамоатчилик фикри асосида шаклланган талаб ва таклифлар ҳокимият томонидан қабул қилинадиган қарорлар асосини ташкил этади. Демократиянинг асл моҳияти ҳам жамиятни айнан шу тарзда бошқаришни тақозо этади. Масалага ана шу жиҳатдан ёндошганда, эркин ва мустақил оммавий ахборот воситалари жамиятимизда демократик қадриятларнинг қарор топиши ва мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Бугунги кунда ахборот инсониятнинг ниҳоятда муҳим ва чексиз, поёни йўқ ресурсига айланди. Аслида, ахборот пайдо бўлибдики, ундан икки мақсад йўлида фойдаланиб келинади. Бири одамларга тўғри, ҳаққоний ахборотни тарқатиш билан уларни реал воқелиқдан воқиф этса, иккинчиси нотўғри, асоссиз, ёлғон ахборотни – дезинформацияни – тарқатиб, кишиларни, биринчи навбатда, ёшларни чалғитиш, алдаш, уларнинг онги ва қалбига ғаразли ғояларни сингдиришга интилади. Бошқача айтганда, бугунги кунда ахборот шу қадар қудратли омилга айландики, у ҳар қандай давлатнинг ички сиёсатига, одамларнинг онгига таъсир ўтказиш йўли билан сиёсий, ижтимоий, иқтисодий барқарорликни издан чиқариши мумкин.

Шунинг учун ҳам юртимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бу соҳанинг ривожини, ОАВнинг жамият ҳаётини эркинлаштириш ва демократлаштиришдаги ўрни, айтиқса, матбуотнинг давлат идоралари билан муносабатларининг ҳуқуқий ва ташкилий асослари, устувор йўналишларини белгилаш мақсадида алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Тафаккур янгиланиши жараёнида фикр ва сўз эркинлигининг турли кўринишларини инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш, уларнинг ҳуқуқий асосларини қонунлар билан кафолатлаш борасида кўплаб ишлар амалга оширилди. Жумладан, сўз ва фикр эркинлигининг замонавий жамиятга хос шакллари, тартибларига амал қилган ҳолда уларни қонунийлаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқига айлантиришга эътибор қаратилди. Айниқса, концепцияда таъкидланганидек, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши, янги таҳрирдаги «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунга, шунингдек, «Телекоммуникациялар тўғрисида», «Реклама тўғрисида», «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги ва бошқа бир қатор қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши муҳим аҳамиятга молик жиҳатлар бўлди. Бу борада «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида», телерадио тизимини ривожлантиришга қаратилган «Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида» Қонун қабул қилиш, «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Қонун нормаларини янада такомиллаштириш оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ўрни ва ролини янада мустаҳкамлашга, фуқароларнинг сўз эркинлиги ва танлаш эркинлигини таъминлашга қаратилган конституциявий ҳуқуқларини янада тўлиқ рўёбга чиқаришга ёрдам беради.

Жамиятдаги ижтимоий қадриятлар орасида бағрикенглик алоҳида аҳамият касб этади. **“Бағрикенглик”** (толерантлик) ўзгаларга нисбатан меҳр-мурувватли, ғамхўр, сахий, кенгфеълли бўлган, ана шундай маънавий фазилатларга эга кишиларни ифодаловчи тушунчадир. У ўзгаларнинг дунёқараши, диний эътиқоди, миллий ва этник хусусиятлари, анъана-маросимларига ҳурмат-эҳтиромда бўлиш, муомала-муносабатда камситиш ва таҳқирлашларга йўл қўймаслик, инсонийликни ҳамма нарсадан устун ҳисоблаб, жамоада, иш жойларида, маҳалла-қўйда бунга риоя этишни англатади. Мазкур тушунча турли диндаги, турли миллат ва элатларга мансуб кишиларнинг бир мамлакат доирасида, ягона давлат таркибида баҳамжиҳат, тинч-осойишта яшашини ифода этади.

Бағрикенглик айрим шахсларга ёки бутун бир халққа хос хусусият бўлиши мумкин. Бағрикенглик – ўзбек халқининг энг олижаноб фазилатларидан биридир. Бағрикенглик миллий ва диний тусда намоён бўлади. Миллий бағрикенглик – миллатлараро тотувликни англатса, диний бағрикенглик – турли диний конфессияларга мансуб кишиларнинг ҳамжиҳатликда яшашини билдиради. Турли динларга эътиқод қилувчилар билан ҳеч бир динга эътиқод қилмайдиганлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик ва ўзаро ҳурмат ҳам бағрикенгликка киради.

Бағрикенглик тор мутаассибликка зид тушунчадир. Умуминсоний қадриятларни қадрлайдиган, юксак маърифатли инсон ҳеч қачон диний ва миллий айирмачилик йўлидан бормайди, балки барчага баробар эҳтиром ва одобда бўлади. Ўзбекистонда мустақилликнинг илк кунлариданоқ изчил амалга оширилаётган бағрикенглик сиёсати миллий тараққиёт, мамлакатда қарор топган осойишталикни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Бағрикенглик дунёдаги турфа маданиятлар, турли халқлар миллий қадриятлари, анъана ва урф-одатларини ҳурмат қилишни англатади. Бундай бағрикенглик кенг дунёқараш, самимий муносабат, ҳур фикр, виждон ва эътиқод негизида вужудга келади.

Бағрикенглик фақат маънавий бурчгина эмас, сиёсий ва ҳуқуқий эҳтиёж ҳамдир. Бағрикенглик, энг аввало, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини тан олиш асосида шаклланган фаол муносабатдир. Бу тамойил асослари Конституциямизнинг алоҳида моддаларида мустаҳкамлаб қўйилган. Президент Ислон Каримов маънавиятимизнинг таркибий қисми бўлган ислон динининг инсон ҳаётида тутган ўрни хусусида тўхталиб, бутун дунёда унга нисбатан қизиқиш ва интилишнинг кучайишини динимизнинг ҳаққонийлиги ва поклиги, инсонпарварлиги ва бағрикенглиги, одамзотни доимо эзгуликка чорлаши, ҳаёт

синовларида ўзини оқлаган қадрият ва анъаналарни аجدодлардан авлодларга етказишдаги беқийс ўрни ва аҳамияти билан изоҳлайди.

Ижтимоий-сиёсий қадриятлар амалиёти асосан, жамиятнинг тузилишида муҳим ўрин эгаллайдиган ижтимоий-сиёсий институтлар фаолиятида акс этади. Бу институтларнинг хилма-хиллиги, динамик хусусиятлари жамиятнинг қандай қадрият ва меъёрлар, тамойил ва парадигмаларга эгаллигини кўрсатади. Улар ижтимоий фаолият ва муносабатларнинг моҳияти, одамларнинг хулқ-атвори, дунёқараши, онг ва тафаккурини белгилайдиган, ўзаро келишган ҳолда ижтимоий мақсадга йўналган ҳаракати, муайян вазифаларини бажариш мақсадида ташкил этилган гуруҳлар фаолиятининг уюшган шаклидир. Ижтимоий-сиёсий институтлар ўзининг аниқ мақсадларига эга бўлиши, ўз аъзоларининг бу мақсадларга хизмат қилиши, талабларга риоя этиши, индивиднинг гуруҳ, жамоа, партия ичида қарор топган меъёрлар, тартиб-қоидалар, ахлоқий, сиёсий ва ташкилий талабларни ўз фаолиятининг мезони сифатида қабул қилишини таъминлайди.

Давлат ва ҳокимият сиёсий тизимдаги асосий институтдир. Халқ умумманфаатининг натижаси ва ифодачиси эканлиги боис давлат ижтимоий-сиёсий институт сифатида намоён бўлади. Давлат - жамиятни бошқариш, тартибга солиш, ижтимоий барқарорликни таъминлашга қаратилган алоҳида бир муассасадир. Давлат умуминсоний қадрият, инсоният маънавий тараққиётининг муҳим ютуғидир. Жамиятнинг маънавий салоҳияти юксалиб бориши билан сиёсий бошқариш шакллари ва усуллари ҳам такомиллашиб боради. Ўзгарган тарихий шароитда давлатнинг моҳияти, мазмуни ва вазифаларини янгича тушуниш зарурияти вужудга келди.

Одатда дунёвий ва диний давлатлар бир-биридан фарқланади. Дунёвий давлатлар конституцияга, илм-фан хулосаларига асосланади. Диний ёки теократик давлатлар диний таълимот ва шариат ҳукмига асосланади. Бундай давлатлар ўз фуқароларининг виждон эркинлигини таъқиқлайди, таълим-тарбия асосан диний руҳда олиб борилади.

Демократик давлатда таълим-тарбия муассасалари жамиятни оқилона бошқаришга яқиндан ёрдам беради; ёш авлодга пухта сиёсий ва ҳуқуқий билим беради, мавжуд ахлоқий, ҳуқуқий нормаларни сингдиради, сиёсий онг ва маданиятни ривожлантиради.

Мустақиллик йилларида миллий давлатчилик анъаналарининг тикланиши билан давлатнинг ташкилотчилик, бош ислоҳотчилик фаолияти янгича мазмун ва аҳамият касб этди. Мамлакатимизнинг сиёсий, ҳуқуқий ҳаётида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар сиёсий бошқарувни янада такомиллаштиришга, юртимизда ҳуқуқий давлат, янги демократик жамият барпо этишга, кучли давлатдан кучли жамиятга ўтишга қаратилган. Янги шароитда давлатнинг, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ғоят муҳим вазифаси сиёсий партиялар, нодавлат, ижтимоий структуралар, фуқаролик жамиятининг эндигина пайдо бўлиб келаётган хилма-хил институтлари билан ишлаш ва ҳамкорлик қилишнинг янгидан-янги шакллари излаб топишдан иборатдир.

Шу билан бирга, ижтимоий ҳаёт бир жойда туриб қолмайди. Ўзбекистон фуқаролик жамияти сари борар экан, давлатнинг функциялари ва ижтимоий институтлар билан алоқаларида муайян ўзгаришлар рўй бериши табиий. Бунда биринчидан, давлатнинг айрим функциялари маҳаллий ҳокимиятга, фуқаролик институтларига ўтади, иккинчидан, нодавлат ташкилотларининг, фуқаролик жамияти асосий тизимларининг ижтимоий ҳаётдаги фаолияти кенгайди.

Давлат функциялари тизимида содир бўладиган ўзгаришлар ушбу умумий йўл, стратегик мақсадга етишга йўналтирилган чора-тадбирлардир. Ушбу чора-тадбирлар сирасига ҳокимиятнинг қонунчилик, ижроия ва суд тизимларига бўлиниши, икки палатали парламентнинг ташкил этилиши, суд ва юридик соҳада ўтказилаётган либерал-лаштириш ислоҳотларини ҳам киритиш мумкин.

Бугун Ўзбекистон ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан собитқадамлик билан бормоқда. **“Ҳуқуқий давлат”** тушунчаси ҳақиқий халқ ҳокимияти, ҳуқуқнинг ҳукмронлиги ва устуворлиги, юқори даражадаги сиёсий-ҳуқуқий маданиятга эришган демократик бошқарув, ҳокимият ваколатларининг бўлиниши, суднинг мустақиллиги таъминланган, ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар фаолиятида инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун устуворлиги таъминланган давлат шаклини ифодалайди.

Ҳуқуқий давлат Конституция ва қонуннинг устунлигига асосланади, барча фуқаролар, мансабдор шахслар, давлат органлари ва ташкилотларининг қонунларни оғишмай ижро этишлари ва унга риоя қилишларини тақозо этади, фуқаро ва давлатнинг амалдаги қонунлар доирасида ўзаро жавобгарлигини назарда тутаяди, давлатнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида мустаҳкамланган ва кафолатланган сиёсий, мафкуравий ва иқтисодий плюрализмга таянади, фуқаролик жамиятининг фаолияти учун зарур бўлган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайди.

Ҳуқуқий давлатнинг аҳамияти жамиятда фаолият кўрсатувчи демократик институтларнинг ривожланиши ва барқарорлигини рағбатлантира оладиган ҳуқуқий ҳужжат чиқариш ва жорий этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳимояланганлигига доир амалий чоралар қабул қилиш, уларнинг ажралмас ҳуқуқ ва эркинликларига таъжовуз қилувчи мансабдор шахсларни тегишли шаклда жавобгарликка тортишнинг ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш кабиларда ифодаланади.

Шу билан бирга, ҳуқуқий давлат бошқарув механизмнинг барча бўғинлари аниқ ва бир маромда ишлашини, давлат органлари фаолиятида ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллашнинг самарадорлигини, ҳокимият ваколатларининг тақсимланиши принципини турмушга жорий этишни, давлат-ҳуқуқий ва сиёсий институтларининг барқарорлигини. эркин бозор иқтисодиёти тамойиллари амалга ошишини таъминлайди.

Конституция ва қонуннинг устунлиги, давлат ҳокимияти тизимининг ҳокимият ваколатларининг тақсимланиши принципи бўйича шаклланиши, суд-ҳуқуқ ислохотларининг ўтказилиши, олий қадрият сифатида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини жорий этиш учун реал шароитнинг яратилиши ҳуқуқий давлатнинг асосий белгилари ҳисобланади. Бундай давлат барқарорлигининг ҳуқуқий асослари - жамиятда этнофуқаровий барқарорлик ва фуқароларнинг иродасига, улар ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимояланганлигига асосланган қонунийлик ва ҳуқуқий тартибнинг мустаҳкамлиги, сиёсий асослари - сиёсий плюрализмга асосланган демократик сиёсий тизимнинг яшовчанлиги ва барқарор фаолият кўрсатиши, ижтимоий асослари - жамиятнинг давлат томонидан тенг ҳимояланганидан турли мулк шакллари мавжудлигини акс эттирадиган шаклланган ижтимоий тузилиши, иқтисодий асослари эса эркин тадбиркорликка ва турли мулк шакллари ривожлантиришга таянган бозор иқтисодиётининг мавжудлигидан иборатдир.

Шу маънода, ҳуқуқий давлатни барпо этиш, фуқаролик жамиятини қуриш ҳамда жамиятни демократлаштириш жараёнида ҳокимиятнинг бўлиниши тамойили долзарб масалалардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Президент Ислам Каримов томонидан яратилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш масаласига биринчи устувор вазифа сифатида эътибор қаратилганлиги бежиз эмас.

Бунда ҳокимиятнинг субъектлари ваколатларини амалга ошириш жараёнида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини шакллантириш, қонун ижодкорлигининг сифатини жиддий равишда ошириш, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришиш муҳим аҳамият касб этади. Бу

борада таркиб жиҳатидан асосан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари вакилларида ташкил топган юқори палата – Сенатнинг ҳудудлар манфаатларини ифода этиши, қуйи – Қонунчилик палатаси эса ўз фаолиятини доимий профессионал асосда амалга ошириши ҳисобга олинганини айтиб ўтиш лозим.

Демократик қадриятларнинг муҳим йўналишлари орасида – қонун устуворлиги ва суд-ҳуқуқ тизими билан боғлиқ инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган жиҳатлар алоҳида ўрин эгаллайди. Қонун устуворлигини ҳамда барчанинг қонун ва суд олдида тенглигини таъминлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш каби муҳим вазифаларни амалга ошириш мақсадини назарда тутувчи суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришни фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим шартларидан бири сифатида эътироф этиш мумкин.

“Қонун устуворлиги” муайян жамиятдаги барча фуқаролар, давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан Конституция ва қонун ҳужжатларига тўла риоя қилинишини англатадиган тушунчадир. Бу тушунча қонуннинг мамлакат ҳудудида бир хилда тушунилиши ва қўлланилиши, барча норматив ва индивидуал ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция ва қонунлар асосида қабул қилиниши ва уларга зид келмаслиги, инсон ва фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг, бурчларининг кафолатланганини ифодалайди. Қонуннинг маданият билан боғлиқлиги жамият аъзоларининг юқори даражада маданиятли, жумладан ҳуқуқий маданиятли бўлганларидагина Қонунга эришиш мумкинлигида намоён бўлади. Қонун мақсадга мувофиқликни, қонун ва қонун ости ҳужжатлари давлат ҳамда жамият манфаатларига мос келишини англатади.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, турли хил шаклдаги мулкчилик, жамиятдаги иқтисодий эркинликлар; сиёсий ҳурфикрлик, кўппартиявийлик, давлат тузумининг демократик тамойиллари қонун ва қонуности ҳужжатларини татбиқ этиш ва назоратини уюштиришнинг самарали механизми қонун билан таъминланади. Қонун шахсий ва ижтимоий ҳаётда доимо риоя қилиш шахс маъятининг юксаклигидан дарак беради. Шахс ва жамият ҳаёти ўзаро уйғун, бир бутун ҳаёт эканини тушунадиган инсонлар маънавий жиҳатдан етук инсонлар бўлиб, улар ҳаётда қонуний талабларга асосланиб яшайдилар.

Мамлакатимизда бозор муносабатларининг ривожланиши ҳамда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш жараёнларининг изчил давом эттирилиши, ўз навбатида ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий тизимни такомиллаштириш заруратини белгилаб берди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланиши, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши ҳамда демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилиниши кафолатланди.¹ Бу эса фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг энг самарали, таъсирчан ва демократик усулларида бири бўлган суд орқали ҳимояни мумкин қадар кенгайтириш, суд тизимининг демократик асосларини ислоҳ қилиш ва янада чуқурлаштириш, суд ишларининг тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқирилишини таъминлаш, фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтиришга қаратилган суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга оширишни тақозо этди. Шу боис, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш йўналишига алоҳида эътибор қаратилди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда барча соҳалар каби суд-ҳуқуқ тизимида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилди. Босқичма-босқич амалга

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. -5 б.

оширилган амалий ишлар ва орттирилган тажрибалар ушбу тизимни янада демократлаштириш ва эркинлаштиришга имкон яратди ҳамда табиий равишда бу соҳадаги ислоҳотларни янги босқичга кўтариш заруратини юзага келтирди. Мамлакатимизда суд ислоҳотларини чуқурлаштириш, ҳокимиятнинг мустақил тармоғи сифатида бутун одил судлов тизимини демократлаштириш – ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлашнинг муҳим йўналишидир.

Шуни айтиш жоизки, Ўзбекистонда суд ҳокимияти одил судловни амалга оширишга нисбатан анча кенг маънога эга. Яъни, судлар нафақат қонунни қўллайдилар, унга тушунтириш берадилар, низоларни ҳал этадилар, балки ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ўзгаришларнинг фаол иштирокчиси ҳам ҳисобланади.

Жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда илк бор мамлакатимизда Конституциявий суд таъсис этилди. Бозор иқтисодиётининг ривожланиш шароитида хўжалик муносабатларида қонунчиликни таъминлашда муҳим роль ўйнаётган хўжалик судлари тизими яратилди. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, бу аввало уни демократлаштириш ва янада либераллаштиришдан иборат бўлиб, у судларнинг ҳақиқий мустақиллигини ва эркинлигини таъминлаш соҳасида қилинган ишлар ва амалга оширилиши зарур бўлган, ечимини кўтаётган масалаларни акс эттиради.

“Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да мазкур соҳада кейинги ўн йилликда амалга оширилган қуйидаги чора-тадбирларга асосий эътибор қаратилди: “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши; судьялик лавозимига номзодларни тақдим этиш, судьяларнинг ваколатини тўхтатиш ва муддатидан олдин тугатиш, уларга нисбатан интизомий иш юритувни қўзғатиш вазифалари Адлия вазирлиги ваколатидан чиқарилганлиги; Судлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш, хусусан, суд тизими учун кадрлар масалалари билан шуғулланиш вазифаси махсус орган – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига юклатилганлиги.

Шу билан бирга бу соҳада Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида махсус ваколатли тузилма – Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник ва молиявий таъминлаш департаменти ташкил этилганлиги, умумий юрисдикция судлари ихтисослаштирилиб, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар ташкил этилиши, кассация инстанцияси ислоҳ қилиниб, суд ишларини қайта кўришнинг апелляция тартиби жорий этилгани, қонунчилигимизга адвокатура мустақиллигини янада мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгани, иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишлари бўйича қамоқ ва озодликдан маҳрум этиш жазолари ўрнига жарима шаклидаги иқтисодий санкцияни қўллаш имконияти анча кенгайрилгани, Ўзбекистонда 2008 йилнинг январидан бошлаб ўлим жазоси бекор қилиниб, унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазо тури жорий этилганлиги ва бошқалар муҳим аҳамиятга эга.

Демак, мамлакатимизни демократик янгилашнинг ҳозирги босқичидаги энг муҳим йўналишлардан бири, бу – қонун устуворлигини ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир. Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда.

Ижтимоий ва сиёсий қадриятлар амалиётида фуқароларнинг мамлакатни янгилаш ва ислоҳ этиш, қонунчилик, вакиллик ҳокимиятини шакллантиришда фаол иштирокига эришиш учун зарур восита бўлган **сайловлар ва сайлов тизими** бу

борадаги ҳуқуқий меъёрлар ва шарт-шароитни яратиш ҳамда такомиллаштириб боришда муҳим ўрин тутди. Сайловлар ҳар бир кишининг тенг сайлов ҳуқуқига эгаллигини таъминлайди, давлат ҳокимиятини шакллантиришда фуқароларнинг хоҳиш-иродасини ифода этишга хизмат қилади. Уларнинг мунтазам ва адолатли ўтказилиши мамлакатдаги демократиянинг қай даражада эканлигини белгиловчи мезонлардан биридир.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва унинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Ўзбекистонда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш Конституция, “Сайловчилар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонунлари билан тартибга солинади.

Сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, сайловга ҳар хил аралашувларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилган ислохотлар натижасида депутатликка номзод кўрсатиш тартиби ўзгартирилди.

2002 йилги референдум натижаларига кўра, 2002 йил 4 апрелда “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги Конституциявий Қонуни қабул қилиниб, унга кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатали парламентга айлантирилган эди. Парламентнинг қуйи палатаси “Қонунчилик палатаси” (бир юз йигирма депутатдан иборат), юқори палата — Сенат (ҳудудий вакиллик палатаси, юзта сенатордан иборат) деб белгиланди. Қонунчилик палатаси депутатлари бошқа фаолиятларидан озод қилиниб (педагогик ва илмий ижодий фаолиятга рухсат берилади), фақат депутатлик фаолияти билан шуғулланишлари натижасида парламент профессионал парламентга айланди.

“Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 19 ноябрда қабул қилинган. Сенат томонидан 2008 йил 4 декабрда маъқулланган. Мазкур қонуннинг 1-моддасига кўра ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида (1992 йил 8 декабрь) қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 77-моддасининг биринчи қисми ўзгартирилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси қонунга мувофиқ сайланадиган бир юз эллик депутатдан иборат деб белгиланди. Қонунчилик палатаси бир юз ўттиз беш депутати ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатасининг ўн беш депутати мазкур ҳаракатнинг олий органи (Конференцияси) томонидан Марказий сайлов комиссияси белгилайдиган муддатда сайланади.

Мамлакат сиёсий ҳаётини демократлаштириш ва янгилаш ислохотлари давом этаётган бугунги кунда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг маҳаллий ҳокимият тармоғидаги роли ва назорат ваколатларини кучайтириш долзарб вазифадир. Мазкур вазифанинг муваффақияти маҳаллий вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловларда муносиб депутатларнинг сайланишига бевосита боғлиқ. “Халқ дупутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 20-моддасига кўра халқ депутатлари вилоят Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар, бевосита фуқаролар эгадир. Халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, бевосита фуқаролар эгадир.

“Сайлов ҳуқуқи” тушунчаси ҳар бир фуқаро – сайлов ҳуқуқига эгаллиги, сайловда ҳамма тенг асосларда қатнашиши, аёллар ва эркаклар тенг сайлов ҳуқуқларига эга экани, ҳарбий хизматчилар барча бошқа фуқаролар билан тенг равишда сайлов ҳуқуқларидан фойдаланиши, ҳеч ким сайловда бошқа шахсларга нисбатан бирон бир афзалликка эга эмаслигини англатади. Буларнинг ҳаммаси тенг сайлов ҳуқуқининг амалга оширилишини таъминлайди. Сайлов ҳуқуқининг тенглиги ҳар бир сайловчининг овоз бериш учун фақат битта рўйхатга киритилиши ҳамда шахсан овоз бериши билан таъминланади. Сайлов бюллетенлари шахсни тасдиқловчи ҳужжат кўрсатилгандан кейингина берилади. Сайловда барча сайловчиларнинг тенг асосда қатнашувлари сайлов округларининг уларда яшовчи фуқаролар сонига тенг қилиб ташкил этилиши билан ҳам таъминланади. Чунки, ҳар бир округдан битта депутат сайланади. Бу билан амалда бир округдаги сайловчи овози бошқа округдаги сайловчи овозига амалда тенг бўлишига эришилади. Бундан ташқари, тенг сайлов принципи бутун Ўзбекистон фуқаролари сайлов ҳуқуқининг қонун томонида тенг муҳофаза этилишини ҳам ифодалайди.

Президентимизнинг «Мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепция» номли маърузасида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш бўйича қатор таклифлар билдирди. Уларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши мамлакатимизда сайлов тизимини янада эркинлаштириш, унга маҳаллий ҳокимият органларининг ҳар қандай аралашувининг олдини олиш имконини яратади. Бу борадаги ислохотларни изчил давом эттириш, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш, фуқароларнинг сайловларга бўлган муносабатини тубдан ўзгартириш ва халқнинг ҳақиқий муносиб вакиллари танлаб ва сайлаб олиш, сайловларни адолатли ўтказиш имконини беради.

Ижтимоий-сиёсий қадриятлар тизимида сиёсий партиялар ва **партиявий қадриятлар** ўзига хос аҳамият касб этади. Партиявий қадриятлар уларнинг низом ва дастурларида ўз ифодасини топади. Партияларнинг ижтимоий функциялари мафкуравий, сиёсий, назарий ва ташкилий вазифаларни қамраб олади. Партияларнинг ҳокимиятни шакллантириш ва қонун ишлаб чиқишда қатнашадиган юридик институт эканлиги мамлакатимиз Конституциясида ва “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонунда (1996 йил 26 декабрь) белгилаб қўйилган.

Бугун Ўзбекистонда Халқ-демократик партияси (1991 йил 1 ноябрда ташкил топган) “Адолат” социал-демократик партияси (1995 йил 17 февралда таъсис этилган) “Миллий тикланиш” демократик партияси (1995 йил 3 июнда таъсис этилган), Ўзбекистон либерал-демократик партияси – Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати (2003 йил 18 ноябрда ташкил топган) фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикасида юзага келган кўп партия-вийлик тизими мамлакатимиздаги ижобий ижтимоий-сиёсий ўзгариш, янги миллий демократик ҳодисадир. Ушбу тизимнинг қарор топишида 1996 йил 25 декабрда Олий Мажлис қабул қилган «Сиёсий партиялар тўғрисида» ги Қонуннинг аҳамияти муҳим бўлди. Қонунда сиёсий партияларни тузиш, уларнинг фаолият кўрсатиш тамойиллари, партияга аъзолик, сиёсий партия фаолиятининг кафолатлари, устави, рўйхатга олиш, партияларнинг мулкӣ муносабатларига доир жиҳатлари ҳам ўз аксини топган.

Кўппартиявийлик ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш ва барқарор ривожлантириш, халқ ҳокимиятчилигини ташкил этиш ва такомиллаштириш, давлат ҳокимиятини амалга оширишда халқ хоҳиш ва иродасини ифода этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўйбага чиқаришнинг муҳим шартидир.

Кўппартиявийлик – бир мамлакат ҳудудида икки ёки ундан ортиқ сиёсий

партиянинг мавжуд бўлиши, қонуний фаолият олиб бориши ва ҳокимият учун курашларда иштирок этишидан иборат сиёсий жараён ҳисобланади. Кўппартиявийлик мамлакат сиёсий майдонидаги ғоялар, мафкуралар, фикрлар, қарашлар курашини ўзида акс эттиради. Бир неча сиёсий партиянинг мавжуд бўлиши ва турли ғоялар асосида мамлакатни ривожлантиришнинг мақбул йўналишларини илгари суриши, халқнинг манфаатлари, орзу-истакларини ҳокимиятнинг асосий фаолият йўналишлари даражасигача олиб чиқиши том маънодаги кўппартиявийликни акс эттиради. Сиёсий партиялар ўртасидаги соғлом рақобат, давлат ҳокимиятидан кўпроқ ўрин эгаллаш учун амалга ошириладиган маърифий курашлар орқали энг эзгу, энг устувор мақсадлар амалда ўз ифодасини топади. Маълумки, кучли ғоялар, мафкуралар баҳсларда, мунозараларда дунёга келади.

Сиёсий партияларнинг роли ва таъсирини кучайтириш, уларнинг мамлакатимизда амалга ошириладиган демократлаштириш ва модернизациялаш жараёнида фаоллигини янада ошириш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада парламентимиз томонидан қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Фуқароларнинг сиёсий манфаатларини илғаш, уларнинг партиявий доирасига жамлаб, сиёсий жараёнларга сафарбар этиш, уларни бу жараёнда фаол иштирок этишга рағбатлантириш, демократик сайловларда сайланган ўз вакиллари воситасида ўз муқобил дастурларини амалга ошириш, халқ билан давлат органлари ўртасидаги алоқалар ва муносабатларни доимий равишда таъминлаб туриш, давлат органларининг қарорлар қабул қилиш, уларга тузатишлар, қўшимчалар киритиш жараёнининг табиий равишда кечишини таъминлаш сиёсий партиялар фаолиятининг таркибий қисмидир.

Мамлакатимизда демократик жараёнлар ривожланиб бораётган, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти мустақкам қарор топаётган ва энг муҳими кўппартиявийлик тизими шаклланган ҳозирги пайтда – сиёсий партиялар ўртасида ғоялар кураши етакчи ўринга чиқиши долзарб масала бўлиб турганлигини кўпчилик эътироф этмоқда. Ҳақиқатан ҳам сиёсий партияларни бир-биридан ажратиб турадиган омил – бу ғоя, мафкура, мақсад ва вазифадир. Булар эса, ўз навбатида, партиялар дастурида акс этади. Бугунги кунда мамлакатимизда сиёсий партиялар эмин-эркин ва мустақил равишда фаолият кўрсатишлари учун барча ҳуқуқий-молиявий имкониятлар яратилган.

Ижтимоий-сиёсий қадриятлар орасида жамиятда ўз ўрнига эга бўлган турли **қатламлар ва синфлар қадриятлари** ҳам алоҳида ўринга эга. Шу билан бир қаторда жамиятнинг ижтимоий таркиби турфа ижтимоий бирликлар орасидаги муносабатларни ҳам табиий равишда ифодалайди. Чунончи, гуруҳлараро муносабат (синфлар, ижтимоий табақалар, қатламлар), ижтимоий-демографик (эркаклар, аёллар, ёшлар, ўрта ёшлилар, кексалар), ижтимоий-этник (элатлар, миллатлар, халқлар, фуқаролар), ижтимоий-профессионал (ўқитувчилар, олимлар, инженерлар, тиббиёт ходимлари ва ҳоказо) ва ижтимоий-худудий (маҳалла, қишлоқ, туман, шаҳар, мамлакат, минтақа) гуруҳларни кўрсатиш мумкин.

Шахснинг жамиятдаги ўрни ва мақоми унинг ушбу жамиятда тутган ижтимоий-иқтисодий мақоми билан белгиланиб, бу мақом қуйидаги кўрсаткичлардан иборатдир: даромад, бойлик, яъни мулкнинг эгаси бўлиши, қатъиятлилик, ирода, обрў-эътибор ва ҳоказо. Ана шу жиҳатлар шахснинг жамиятдаги ўрнини белгилаб, шахс жамият ижтимоий структурасида қанчалик юқорироқ мақомни белгиласа, у жамият ва халқи учун ҳам шунчалик кўпроқ хизмат қилишга, яъни манфаат етказишга қодир бўлади.

Бу борада мулкнинг хилма-хил шакллари тенглигини таъминлаш, уларни

ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратиш жараёнини эътибордан қочирмаслик лозим. Шу маънода, мулкка эгалик қилиш ва бу борадаги муносабатлар ривожини жамият тузилишининг муайян ҳолатини, ундаги барқарорлик ва ўзгаришлар жараёнини ифодалайди. Мулкчилик муносабатларининг қандай эканлиги эса жамиятнинг ижтимоий қиёфасини, унинг тараққиёт тамойиллари ва ўзига хос хусусиятларини белгилайди. Ана шу сабабдан ҳам Президентимизнинг бу масалага катта эътибор бераётгани ва қуйидаги фикрни алоҳида таъкидлагани бежиз эмас. “Дунёдаги ҳар қайси давлат ва халқнинг сиёсий-ижтимоий тузум ва ҳаётни қуриш, ўз мақсад-муддаolari ва манфаатларини рўёбга чиқаришга қаратилган барча саъй-ҳаракатлари охири-оқибатда бевосита ана шу масалага бориб тақалиши муқаррар. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир давлат ва жамиятнинг тақдири ва келажаги шу мамлакатда мулк масаласи қандай ҳал қилинишига боғлиқ”.

Афсуски, собиқ иттифоқ даврида жамиятни сунъий тарзда турли синфларга ажратиб, уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш, хусусий мулкни йўқотиш ғояси амалиётга татбиқ этилди. Мустабид жамиятнинг сиёсий ва мафкуравий мақсадларига хизмат қилган бу ғоя биринчидан, инсонларнинг мулкка эга бўлиши билан боғлиқ бўлган табиий ва ижтимоий эҳтиёжларига зид ҳолатни вужудга келтирди, иккинчидан, жамиятда мулкка, мулкдорларга нисбатан ижтимоий ёт, зарарли қатлам сифатида қарашни шакллантирди, учинчидан, ҳаётда мулкдан бегоналашиш туйқусини шакллантириб, “Мулк ҳамманики, айти пайтда ҳеч кимники” деган ақида одамлар онгига сингдирилди. Бу эса ўз навбатида, мулкнинг эгаси йўқ бўлишига, мулкдорлар йўқотилишига, ўрта синф шаклланмаслигига олиб келди ва оқибатда одамларда мулкка нисбатан эгалик ҳиссини барҳам топтирди.

Фақатгина мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши бу соҳада ҳам туб ўзгаришларни амалга ошириш имконини берди. Истиқлол йилларида жамиятимизнинг янгилашиши ҳамда мамлакатимизнинг барқарор тараққиёт йўлидан изчил ривожланиши учун энг муҳим ва устувор вазифалардан бири сифатида мулк ва мулквий муносабатларни такомиллаштириш, мулкдорлар қатлами ва ўрта синф сафларини кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратилди. Бу борада давлатнинг бош ислохотчилиги ва ижтимоий ҳимояланган бозор муносабатлари тамойилларига амал қилиниши муҳим аҳамият касб этди. Мазкур тамойиллар ислохотлар жараёнида мулкнинг хилма-хил шакллари юзага келиши, мулкчилик муносабатлари такомиллашуви, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини инobatга олиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари эҳтиёжларини таъминлаш, жамиятнинг ўта қутблашиб кетишига йўл қўймаслик имконини берди. Ўзбекистонда истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ танлаб олинган тараққиёт модели ва ривожланиш тамойиллари мисолида бу масала ўзининг оқилона ечимини топган. Кўплаб чет эллик сиёсатчилар ва номдор экспертлар томонидан мамлакатимизда босқичма-босқич ва тадрижий тарзда амалга оширилаётган янгилашиш ва бунёдкорлик йўлининг самарадорлигига алоҳида эътибор қаратилаётганининг асл сабабларидан бири ҳам ана шу билан боғлиқ.

Ўтган йиллар тажрибаси демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти кўп тармоқли бозор иқтисодиётининг ижтимоий негизини ўрта синф ва мулкдорлар қатлами ташкил этишини кўрсатди. Замонавий иқтисодиёт ва бозор муносабатлари учун мулк соҳиблари бўлмиш ижтимоий қатлам шаклланиши табиий заруратдир. Аслини олганда, бундай муносабатларга асосланган иқтисодий ислохотлар ўзига хос ўрта синф мавжудлигини тақозо этади ва муқаррар равишда уни яратади. Айнан шундай тоифа туфайли жамиятда барқарорлик мустаҳкамланади, тараққиёт тезлашади. Шу маънода ҳам истиқлол туфайли Ўзбекистонда бошланган туб бурилиш ва жамиятни янгилаш жараёнида мулкдорлар қатламини шакллантиришга алоҳида эътибор берилгани бежиз эмас.

“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”нинг яратилиши бу йўналишда янги босқични бошлаб берди. Концепциянинг маъно-мазмунига асосланиб айтиш мумкинки, аввало мустақиллик туфайли Ўзбекистон жамиятининг ижтимоий-иқтисодий негизи тубдан ўзгариб бормоқда ва бу бозор иқтисодига асосланган муносабатларда, мулкнинг хилма-хиллигида, унга эгалик шаклларида, фаолият турларида ўзининг аниқ ифодасини топомоқда. Бу эса жамият ижтимоий-иқтисодий асосининг ўзгариши, иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши, бошқарувни демократик тарзда ташкил этилишига имконият яратмоқда. Шу аснода, жамиятнинг бозор иқтисодига мос тузулмалари шаклланиб, ўрта синф ва мулкдорлар билан боғлиқ янги ижтимоий қатламнинг ўрни ва роли, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ошиб бормоқда. Мазкур жараёнда жамият инфраструктурасининг ўзгариши, иқтисодий ислохотларнинг тадрижийлиги, хусусий сектор, кичик бизнес ва тадбиркорликнинг муттасил ривожланиши, мулкдорлар қатлами, ўрта синф сафларининг кенгайиб боришига эришиш мамлакатимизнинг тадрижий тараққиёти учун ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Жамиятнинг ижтимоий-сиёсий тизими фақат давлат ва сиёсий партия-лар, турли қатламлар ва синфлардангина иборат эмас, унинг бошқа бўғинлари (касаба уюшмалари, нодавлат ташкилотлари, турли жамғармалар, марказлар, ижодий уюшмалар, меҳнат жамоалари, оммавий ахборот воситалари) ҳам мавжуддир. Бу бирлашмалар ўз мазмун-моҳиятига кўра фуқаролик жамиятига тааллуқли бўғинлар бўлиб, ижтимоий-сиёсий қадриятлар амалиётида катта аҳамият касб этади.

“Фуқаролик жамияти” - инсоният тараққиётининг юқори босқичи, кишиларнинг юксак сиёсий ва ҳуқуқий маданиятига асосланадиган, инсон ҳуқуқларининг олий даражада ривожланганлигини тақозо этадиган, демократик тараққиёт доирасида иқтисодиёт, сиёсат, маданият соҳаларидаги муносабатлар мажмуини англатадиган тушунчадир. Бундай жамият эркин уюшмаларнинг кўпқиррали алоқаси бўлиб, давлат қонунларини ҳурмат қилиш ва бажариш, жамият таркибига кирувчи элементларнинг нисбий мустақиллигига асосланувчи, турли зиддият ва ихтилофларни қонун доирасида ўзаро келишув, сабр-тоқат ва музокаралар орқали ҳал этишга асосланувчи жамиятдир.

“Фуқаролик жамияти” атамасининг ўзи фуқаролик ва фуқаро ҳақидаги тушунчалар таркиб топганидан кейингина пайдо бўлган ва шу тариқа фуқаролар мажмуи сифатида “жамият” тушунчаси юзага келган. Қадимда “Фуқаролик жамияти” ва “давлат” атамалари бир тушунча сифатида қўлланиларди. Шундай ёндашув қарийб XVIII асргача, яъни фуқаролик жамияти асл маънодаги ҳозирги замон тушунчасига монанд хусусиятлар асосида шакллана бошлагунча яшаб келди.

Фуқаролик жамияти мулк шакллариининг хилма-хиллиги ва тенглиги, меҳнат қилиш ва тадбиркорлик эркинлиги, сиёсий-мафкуравий фикрлар хилма-хиллиги ва ахборот эркинлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг дахлсизлиги, ривожланган ўзини ўзи бошқариш органларининг, маърифатли ҳуқуқий хокимиятнинг, жамият ҳаётининг барча соҳаларида қонун устуворлиги таъминланишининг мавжудлиги каби асосий белгиларни ўз ичига олади. Шу билан бирга, фуқаролик жамиятининг асосий хусусиятлари ҳаётнинг ажралмас мустаҳкам замини - иқтисодий, сиёсий ва маънавий бирлигида ўз ифодасини топади. Булар: иқтисодий соҳада - нодавлат ташкилотлар, ширкатлар, ижара жамоалари, акциядорлик жамиятлари, уюшмалар, корпорацияларнинг мавжудлигидир; ижтимоий соҳада - оилалар, партиялар, жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлар, иш ва яшаш жойларидаги ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик фикрини ўрганиш, шакллантириш ва ифода этишнинг маданийлашган инс.лари, ижтимоий ихтилофларни куч ишлатмасдан, тазйиқсиз, қонунлар доирасида ҳал қилиш амалиётининг мавжудлигидир; маънавий соҳада - сўз, виждон ва фикрлар

эркинлиги, ўз фикрини очиқ билдира олишнинг реал имкониятлари, ижодий, илмий ва бошқа уюшмалар мустақиллигининг ҳам қонуний, ҳам амалий жиҳатлардан таъминланганлигидир.

Аслида хусусий мулкчиликка асосланган ижтимоий тузилма сифатида майдонга чиқаркан, фуқаролик жамияти, энг аввало, бозор муносабатлари тизимини ифода этади. Бунда у рақобат ҳамда маъмурий ҳокимият томонидан бошқарилмайдиган жараёнларни бартараф этиб, ўзига йўл очиши керак бўлади. Бинобарин, инсон фаолиятида ижодкорлик куртакларининг намоён бўлиши ҳақиқатга, шахс эркинлиги ҳақидаги орзулар чинакам воқеликка айлангандагина фуқаролик жамияти мавжуд бўлиши мумкин.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, фуқаролик жамияти, албатта, ҳуқуқнинг олий даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Ўз навбатида, бундан, ҳозирги замон фуқаролик жамияти ҳуқуқий жамият бўлиши керак, деган хулоса келиб чиқади. Бугунги кунда, мамлакатимиздаги улкан ҳуқуқий ўзгаришлар, ҳуқуқий ислоҳотлардаги ютуқларни қайд этган ҳолда, ҳуқуқий тизимни такомиллаштиришнинг кейинги истиқболларини белгилаш ҳамда унинг устувор йўналишларини аниқлаш ғоят муҳим масалалардан саналади. Ана шундагина фуқаролик жамияти ҳуқуқ ва демократияга асосланган ижтимоий ҳаётнинг зарур оқилона усули сифатида намоён бўлади. Бу эса ўз навбатида, демократик давлат ва фуқаролик жамияти бир-бирини тақазо қилади ва бири иккинчисининг мавжудлигини англатади деган, хулосани исботлайди.

Фуқаролик жамияти умуминсоний тамойиллар, миллий давлатчилик хусусиятлари, ўзига хос турмуш тарзи ва ҳаёт фалсафаси негизида қарор топади. Ўзбекистон миллий мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ юртимизда фуқаролик жамияти асосларини барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Биз учун фуқаролик жамияти ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади. Фуқаролик жамиятида давлатнинг қатор вазифалари фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари қўлига ўта бошлайди, маҳаллий ҳокимият органларининг ваколати кенгайди. Фуқаролик жамияти асосларни барпо этиш кишиларнинг юксак сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, ижтимоий-сиёсий фаоллигига таянади.

Сўнгги йилларда бир қанча мамлакатларда фуқаролик жамияти асосларини комплекс конституциявий-ҳуқуқий институт сифатида мустаҳкамлаш жараёнлари кузатишмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасида ҳам фуқаролик жамиятининг пойдеворини мустаҳкамлаш қатъий ва ўзгармас бош стратегик мақсад сифатида белгилаб қўйилган. Бу ўз навбатида мамлакатимизни ривожланган давлатларда мавжуд бўлган демократик ҳаёт даражасига эришиши, юртимиз тинчлиги, Ватани равнақи, халқ фаровонлигини таъминлайди.

Давлат, жамият ва ижтимоий—сиёсий қадриятлар амалиётининг уйғунлигини таъминлаш мамлакатимизни барқарор ривожланиши, аҳоли онгининг янада такомиллашуви, замонавий тафаккур шаклланиши учун асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу йўлда жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида **«Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» ғояси** асосида кўплаб ижобий натижаларга эришилмоқда. Конституциямизда сиёсий партиялар, фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига доир асосий принципларнинг мустаҳкамлаб қўйилгани барча аҳоли қатламлари манфаатларини акс эттирадиган бундай ташкилотлар кенг тармоқларининг ривожланиши учун қулай шароит яратди.

Давлатимиз раҳбарининг “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси бу борада ҳам янги босқични бошлаб берди. Фуқаролик жамиятини ривожлантириш, унга хос институтлар фаолияти самарасини ошириш Ўзбекистон тараққиётининг

бош мақсадларидан бирига айланди.

Бугунги кунда турли соҳаларда фаолият олиб бораётган **фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари** амалда ёшлар, соғлиқни сақлаш, кексалар, аёллар, оналар ва болалар, қишлоқ хўжалиги, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш, Ватанимиз ободлигини таъминлаш, демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва бошқа кўплаб масалаларда жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда.

Мамлакатда фуқаролик жамияти қуриш мақсадларидан келиб чиқиб, 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида (янги таҳрири)”ги Қонуннинг 1-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг ҳуқуқий тушунчаси қуйидагича таърифланди: «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши-фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятидир».

Кейинги йиллар давомида фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш юзасидан қабул қилинган фармонлар, қарорлар ана шу тамойилнинг кучайиб бораётганлигидан далолат беради. Мамлакатда фуқаролик жамияти қуриш Ўзбекистон давлатининг асосий стратегик пировард мақсадларидан бири сифатида амалга оширилмоқда. Ислоҳотлар билан узвий боғлиқликда нодавлат ташкилотларни ижтимоий қатламлар, гуруҳлар манфаатлари ҳамда иродаларини ифодаловчи ташкилотлар даражасига кўтариш, жамиятдаги турли ижтимоий қатламларнинг манфаатларини мувофиқлаштириш, жамиятнинг доимий барқарор бўлишига замин яратиш, шунингдек, фуқароларнинг жамият ва давлат органларини бошқаришдаги иштирокининг кенгайиши учун қулай шарт-шароитлар ҳозирланди. 2008 йилнинг июль ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳар икки палатаси кенгашларининг «Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қўшма Қарори қабул қилинди. Бу ҳужжат нодавлат нотижорат ташкилотларнинг, фуқаролик жамияти институтларининг мустақил ривожланишини босқичма-босқич таъминлаш, мамлакатимизни демократик янгилаш жараёнида уларнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш йўлида яна бир муҳим қадам бўлди.

Дарҳақиқат, юртимизда нодавлат-нотижорат ташкилотлари кучли фуқаролик жамияти қуришда, аҳоли ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда муҳим ўрин тутмоқда. Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларига доир ислоҳотлар тобора чуқурлашиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда 402 та республика аҳамиятига молик нодавлат жамоат бирлашмалари фаолият олиб бормоқда. Улардан 81 таси халқаро ташкилотлар мақомига эга. Нодавлат ташкилотларнинг 48 таси жамғарма, 78 таси жамият, 4 таси сиёсий партия, 42 таси федерация, 16 таси касаба уюшмалари, 2 таси ҳаракат, 20 таси марказ, 48 таси ассоциация, 20 таси уюшма, 5 таси қўмита, яна 37 таси бошқа номларда расмий рўйхатдан ўтган. Ҳозирга келиб, республика аҳамиятига молик, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда давлат рўйхатига олинган 5100 дан ортиқ нодавлат-ноижорат ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда.

Жамиятнинг демократлашуви ва ҳуқуқий давлат мақомига эришув кўп жиҳатлардан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ишларида нечоғлиқ кенг иштирок этишларига боғлиқдир. Шунингдек, демократиянинг моҳияти -

фуқароларнинг қарорлар қабул қилиш жараёнларидаги иштирокларида ўзаро тенглик бўлишини ва бу жараёнларда доимо озчилик ҳуқуқларини ҳимоя қилишни назарда тутган ҳолда кўпчилик овози ҳуқуқи асосида қарорлар қабул қилинадиган ўзини ўзи бошқаришга қобиллиги билан ифодаланади.

Ўзини ўзи бошқариш органларининг ривожланган мамлакатларга хос ҳуқуқий мақоми мустақиллик даврида тикланди. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 105-моддаси ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқий мақомини қуйидагича белгилаб берди: «Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди. ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади»². Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунининг 7-моддасига мувофиқ, ўзини ўзи бошқариш органлари, бу - «шаҳарча, қишлоқ, овул фуқароларнинг, шунингдек шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқароларининг (вакиллар йиғилиши) йиғинидир»³. Мамлакатдаги ўзини ўзи бошқариш органларининг асосини маҳалла фуқаролар йиғинлари ташкил этади.

Ўзбекистонда **маҳалла** қадимги даврлардан бошлаб халқнинг ўзини ўзи бошқариш усули, кўплаб ижтимоий-маънавий ва миллий қадриятлар маскани сифатида мавжуд бўлиб келмоқда. Собиқ иттифоқ даврида маҳалланинг ўзини ўзи бошқариш органи сифатидаги мазмуни ва ваколатлари тан олинмади. Маҳалла кўмиталари ўзини ўзи бошқариш фаолиятдан четлаштирилиб, уларнинг асосий функциялари коммунистик партиянинг маҳаллий ташкилотларини қўллаб-қувватлашдан, шунингдек, маҳаллий анъана ва урф-одатлар, одоб-ахлоқ меъёрларини ташвиқот-тарғибот қилиш, оилалардаги маросимлар ва бошқа тадбирларни ўтказишда “кўз ва қулоқ” бўлиб туриш каби ўзига хос бўлмаган вазифалардан иборат бўлди. қадимги даврдан бошлаб ўзини ўзи бошқариш, маънавият, таълим ва тарбия масалаларини ҳал этиш билан шуғулланиб келган маҳаллаларнинг ўрни деярли йўққа чиқарилди.

1991 йил 31 августда Ўзбекистонда мустақилликнинг эълон қилиниши билан маҳалла ўзини қадимий анъанавий ҳуқуқий мақомларига эриша бошлади. Шу билан бирга, давлат ва унинг органлари томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш, маҳалла, қишлоқ, овул ва шаҳарча фуқаролар йиғинларини фуқаролик жамиятининг асосий институтига айлантиришга доир чуқур ислоҳотлар амалга оширилди. Мустақиллик даврида мамлакатда 10 минга яқин ўзини ўзи бошқариш органлари ташкил этилиб, шундан 8142 та маҳаллалар мустақил ташкилот сифатида қайтадан мустаҳкамланди.

Дастлабки ижтимоий-сиёсий қадриятлар ва улар тўғрисидаги тасаввур маҳалла ва оилада шаклланади. Маҳалла ва оила бу борада барча институтлар орасида муҳим ўрин тутаяди ва шу сабабдан ҳам бугунги кунда мамлакатимизда уларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий, ижтимоий мақомини янада тартиблаштириш ва ташкилий асосларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Маҳалла институти фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда.

Аввало, маҳалла юртимизда қадимдан халқ бирлигини таъминловчи, аҳоли ўртасида ўзига хос ижтимоий муносабатларни тартиблаштирувчи бошқарув тизими вазифасини бажарган ва бугун ҳам бу функцияни бажармоқда. Мустақилликка қадар мавжуд бўлган маҳалла комитетлари маълум бир манфаатлар доирасида

бўлиб, халқимиз менталитети талабларига жавоб бермай қўйган эди. Шу сабабдан ҳам бу борада давлат бош ислохотчи сифатида ўзини-ўзи бошқарувнинг тарихий, замонавий ва айни пайтда самарали тизими маҳалланинг шаклланишига ва унинг ижтимоий, ҳуқуқий мақомига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Азалдан маҳалла тарбия маскани, миллий анъана ва қадриятларни ривожлантирувчи ва сақловчи ижтимоий институт сифатида амалда намоён бўлиб келган. Яъни маҳалла тарбия мактаби, ахлоқ ва маънавий маркази, таъсирчан мафкура ўчоғи вазифасини бажарган. Маҳалланинг ушбу вазифалари бугунги кунда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Маҳалла Ўзбекистонга хос давлат билан фуқароларни боғловчи ислохотлар амалиётини таъминловчи сиёсий-ҳуқуқий восита бўлиб, у орқали давлат ва жамият муносабатлари тартиблаштирилган. “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунларнинг мамлакат парламенти томонидан қабул қилиниши давлат тузилмалари ва фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, маҳалла ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Мустақиллик йилларида маҳаллалар ижтимоий-демографик, маданий-маънавий ва ҳудудий-маъмурий бирлик сифатида ўз ҳудудидаги фуқаролар ўртасида анъана ва урф-одатлар ҳамда инсоний, хўжалик, ҳуқуқий муносабатлар бирлигини ташкил эта бошлади ва улар фуқаролар ўртасидаги ўзаро ижтимоий муносабатларни мувофиқлаштириб турувчи ўзини ўзи бошқариш органларига айландилар.

Мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ва бозор муносабатлари, жамият сиёсий-ҳуқуқий тизимидаги ўзгаришлар ҳамда ғоявий-мафкуравий масалалар туфайли маҳалланинг вазифалари доираси тобора кенгайиб бормоқда. У мамлакатимиз шароитида фақат ободончилик, саранжом-саришталик билан боғлиқ бўлмасдан, мамлакат тинчлиги ва барқарорлигини таъминловчи ижтимоий, ҳуқуқий, ғоявий-мафкуравий муносабатларнинг чинакам масканига айланмоқда.

Ижтимоий қадриятлар оилада шаклланади, зеро оила жамиятнинг негизи, инсон тарбиясининг тамал тоши қўйиладиган муқаддас даргоҳдир. Бизнинг давлатимизни ҳам катта бир оила деб тушуниш мумкин ва лозим. Агар оилада ўзаро ҳурмат ва онгли интизом бўлмаса, оиланинг барча аъзолари ўз бурчларини адо этмаса, бир-бирига нисбатан эзгулик билан меҳр-оқибат кўрсатмаса, яхши ва муносиб тарзда яшаш мумкин эмас. Оила турмуш ва виждон қонунлари асосида қурилади. У ўзининг кўп асрлик тарихига, мустаҳкам ва маънавий таянчларига эгадир.

Унда умргузаронликнинг демократик негизларига асос солинади, одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва қадриятлари шаклланади. Оилада жамиятнинг туб моҳияти ўз аксини топган. Шу маънода оилани кичрайтирилган жамият дейиш мумкин. Ҳар бир жамият аъзоси оила бағрида вояга етади, ижтимоий муносабатларни ўзлаштиради ва яхши инсоний фазилатларни ўзида шакллантиради. Баркамол инсон шахсини шакллантириш, инсонни ҳаётга, меҳнатга тайёрлаш оиланинг муқаддас вазифасидир. Оилани мустаҳкамлаш жамият барқарорлиги ва қудратининг муҳим шартидир. Шу боисдан ҳам давлат оилани ўз ҳимоясига олади, никоҳни расман қайд этади ёки бекор қилади.

Оила - жамиятнинг ажралмас бўлаги. Мамлакатимизда барча аҳолининг 97 фоизи оилаларга бирлашиб яшайди, қолган уч фоизи - яъни, ёлғиз қолган кексалар, ота-онадан етим бўлиб қолган ва Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётганлар, бошқа юртдан келиб вақтинчалик Ўзбекистонда истиқомат қилаётганлар ҳам оила аъзолари, яқинлари, юртдошлари, турли давлат ва нодавлат ташкилотларидаги инсонпарвар одамларнинг меҳридан дариг эмас. Шу маънода оила - инсон ўз бахти ва саодати, орзу-ҳаваслари, мақсад-муддаоларини муштарак қилган, ўзини инсон

сифатида идрок этиб ҳаёт нашидасини сурадиган муқаддас макондир.

Оила - ижтимоий институтларнинг энг қадимгисидир. Инсоният бошидан кечирган тарихий даврларнинг қанчалик турфа ва мураккаб бўлишига қарамай, айниқса, XIX ва XX асрларда рўй берган буюк ўзгаришлар ва ислоҳотларга дош бера олган ушбу маскан ўз тизими, таркиби ва жамият олдида турган мажбуриятларини бажариши нуқтаи назаридан соғ омон сақланиб қолган тузилмадир. Оилани инсонлар ташкил этгани ва ундаги ҳаёт-мамотни улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ташкил қилишини ҳисобга оладиган бўлсак, уни соф психологик жараёнлар маскани ҳам деб аташ мумкин.

Бирор бир халқ, миллат ёки жамият йўқки, у ўзининг ривожланиш тарихида ва тараққиёт истиқболини белгилашда оила ва унинг атрофидаги муаммоларни, қадриятларни инobatга олмаган бўлса. Хар қандай истиқбол оиланинг манфаатларидан айро тасаввур қилинмайди. Зеро, ҳар бир инсон учун оила - бу умрнинг бошланиши, барча нарсаларнинг муқаддимасидир. қолаверса, ҳар бир инсон ўз бахти ва саодатини энг аввало оиласи билан боғлайди, яъни, ўз уйи, оиласида бахтли бўлган инсонгина ўзини тўлақонли бахтиёр ҳис этади. Шу боис ҳам инсон манфаатлари олий қадрият сифатида эътироф этилган мамлакатимизда олиб борилаётган одилona сиёсат хар томонлама ушбу муқаддас гушани мустаҳкамлашга қаратилгандир.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда оила, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари давлат сиёсатининг устивор йўналиши сифатида эътироф этилди. Эътироф этиш жоизки, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда оила институтини амалда мустаҳкамлаш борасида талай ижобий ишлар амалга оширилди. Энг аввало оила ва никоҳ муносабатларини такомиллаштиришнинг қонуний базаси яратилди. Мамлакатимиз Конституциясининг 65-моддасида таъкидланганидек, бизда "Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза этилади". Шунингдек, Бош қомусимизнинг 64-моддасида "давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради" дейилган. 1998 йилда қабул қилинган "Оила Кодекси"да ушбу муносабатларнинг барча жабҳалари регламентация қилинган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган бошқа қатор Кодекс ва қонунларда ҳам бевосита оила аъзоларининг, жумладан, хотин-қизлар ва болаларнинг манфаатлари ҳимоя қилинган.

Демак, Ўзбекистонда оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларнинг ҳар томонлама камол топиши ва фаровонлиги учун шарт-шароитлар яратиш давлат томонидан кафолатланади. Бу оилавий турмуш тарзини барқарорлаштириш, ҳар бир инсоннинг ўз оиласи мустаҳкам бўлиши истагини рўёбга чиқариш учун аҳолини қўллаб-қувватлаш сиёсатидир.

Мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган қатор тадбирлар оиланинг жамиятдаги мавқеи ва ролини кучайтиришга қаратилгандир. Оила муаммоларини илмий асосда ўрганишни ва уларни оқилona ҳал этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган «Оила» илмий-амалий марказининг ташкил этилганлиги ҳам давлатимизнинг оилавий муносабатларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор бераётганидан далолат беради. Ислоҳотлар жараёнида ҳар бир оиланинг мустаҳкамлиги учун курашиш, оила манфаатларини рўёбга чиқариш тамойили бу борадаги фаолиятнинг асосий мезонини белгилайди.

10мавзу. Диний қадриятлар, виждон эркинлиги ва бағрикенглик тамойиллари

Қадрият шакллари орасида диний қадриятлар муайян аҳамият касб этади ва ўзига хос ўрин эгаллайди. Диний қадриятлар ва уларнинг ўзига хослиги аввало

диннинг мазмун-моҳияти, функциялари, жамият ва инсон ҳаётидаги ўрни билан белгиланади. Бу ўзига хослик мазкур қадриятларнинг илоҳийлик билан узвий боғлиқлигида ҳам намоён бўлади. Шу маънода **“Диний қадрият”** тушунчаси диннинг ўзини қадрият сифатида қараш, уни жамият ҳаётининг таркибий қисми, муҳим ижтимоий функцияларни бажарадиган маънавий омил, инсон эътиқодини шакллантириш воситаси эканлигига асосланади, илоҳий қадриятлар тизимини ифодалайди.

Маълумки, дин ижтимоий ҳаётни, воқеликни, унинг ҳодисаларини ўзига хос тарзда инъикос эттирувчи ижтимоий онг шакллари билан биридик. У дастлаб инсон ҳаётининг ибтидоий даврида вужудга келган ва ўша замонда яшаган инсонларнинг дунёқарашини ҳам акс эттирган. Дин дунё, инсон ва бошқа мавжудотларнинг яралиши ва келиб чиқишини, ҳаётнинг маъно-мазмуни, инсоннинг яшашдан кўзлаган мақсади каби масалаларга илоҳий нуқтаи назардан жавоб берувчи дунёқараш шаклидик. У бугунги кунда ҳам шу вазифани адо этиб келмоқда.

“Дин” сўзи араб тилидан олинган бўлиб, унинг луғавий мазмуни “ишонч”, “эътиқод” маъносини англатади. Дин – инсоният маънавий ҳаётининг ажралмас, таркибий қисми бўлиб, диний дунёқарашни, диний маросимларни, шунингдек, диний туйғуни ўз ичига олади. Бу ўринда диний эътиқод ҳар бир кишининг шахсий иши эканини ҳам унутмаслик керак. Дин қадим-қадимдан муайян маънавий қадриятларни ўзида мужассам этиб келган, ўрта асрларда маданиятнинг барча турларини (илм-фан, фалсафа, ҳуқуқ, ахлоқ каби) ўзида мужассамлаштирган ва уларга ўз таъсирини ўтказган.

Диндорларнинг сони, миқёси, у ёки бу миллат ё элатга мансублигидан қатъи назар, диний қадриятлар динларнинг қуйидаги шакллари билан узвий боғлиқдик:

-уруғ-қабилла динлари. Улар бутпарастлик, анимизм (руҳларга сиғиниш)га асосланган бўлиб, одамлар сеҳргарлар, шомонлар ва қабилла бошлиқларига сиғинган. Бу дин турлари ва уларга хос қадриятлар ҳозир Австралия, Жанубий Америка ва Африкада яшаётган баъзи қабилалар ҳаётида сақланиб келмоқда.

-миллий динлар аниқ бир миллатга хос бўлади, масалан, яҳудо (иудаизм) дини – яҳудийлар дини, ҳиндуийлик (индуизм) – ҳиндлар дини, синтоизм – японларнинг дини. Бу динларнинг ҳар бирида шу миллатнинг қадриятлари акс этган ва ўз навбатида мазкур миллатлар ҳаётида уларга мансуб динларнинг қадриятлари муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳон динлари дунёда кенг тарқалган буддавийлик, христиан ва ислом динларидир. Ушбу динларда кўплаб умуминсоний қадриятлар илоҳий асосда ифодаланган, уларнинг маънавий таянчига айланган. Инсонни азиз ва мукарам деб билиш, ўз яқинларини севиш, бошқаларни ҳурмат қилиш, худони эътироф қилиш, ундан қўрқиш, эътиқод ва ишонч туйғуларига асосланган қадриятлар жоҳон динларининг барчасига хос тамойиллардик.

Диний эътиқодларнинг моҳияти умумий эканига қарамасдан, динлар ва диний қадриятларнинг кўриниши хилма-хил. Улар тарихий заруратга қараб, турли даврларда вужудга келган ва жамият тарихий тараққиёти жараёнида халқлар маънавий маданиятининг таркибий қисми сифатида хизмат қилиб келган. Ҳар қандай диннинг конкрет тарихий шароитда бажарадиган вазифалари йиғиндиси унинг ижтимоий ролини ва шу динга хос қадриятлар тизимини белгилайди.

Диний қадриятларнинг функциялари. Диннинг жамиятда бажарадиган қуйидаги ижтимоий, маънавий, руҳий вазифалари билан боғлиқликда намоён бўлади ва уларнинг ўзлари ҳам шу вазифаларни бажаради:

1. Руҳий мададкорлик (компенсаторлик) вазифаси. Эътиқодли инсон дин ва унинг таълимотига ишонар экан, унинг таъсирида ҳаётда учраб турадиган адолатсизлик, ғам-ғусса, ижтимоий носозлик, сиёсий камситилишлардан ҳоли бўлишга интилади. Шу мақсадда турли диний удум ва маросимлар амалга

ошириладики, ундан кейин киши маълум даражада енгил тортади, руҳан озиқ олади.

2. Бирлаштирувчилик (интеграторлик) вазифаси. Дин одамларни ягона дунёқараш доирасида бирлаштиради. У амалдаги қонун-қоидалар, меъёр ва тартибларни муқаддас деб билади ва одамларни ижтимоий, ғоявий ва сиёсий жиҳатдан бирлаштиришга ҳаракат қилади.

3. Назорат қилувчилик (регуляторлик) вазифаси. Ҳар қандай динларнинг маълум урф-одат, маросим ва байрамлари бўлиб, уларни ўз вақтида, диний таълим ва тартиб асосида бажарилиши шарт қилиб қўйилади.

4. Алоқа боғловчилик (коммуникатив) вазифаси. Ҳар бир дин ўз қавмларининг бирлигини, ўзаро алоқасини таъминловчи хусусиятга эгадир. Бунда конкрет бир динга эътиқод қилувчи киши шу диндаги бошқа кишилар билан боғлиқ бўлиши, урф-одат ва ибодатларни жамоа бўлиб адо этиш кўзда тутилади. Черков, масжид ва диний ташкилотлар бу вазифани амалга оширишга кўмаклашади, айна пайтда бу ҳолатни назорат қилади.

5. Дин қонунлаштириш (легитимловчилик) вазифасини бажаради. Бунда ҳар қандай дин ижтимоий тизим сифатида муайян чекловлардан холи бўлиш учун қонун даражасига кўтарилган ахлоқ нормаларини ишлаб чиқиши ва уни тарғиб қилади.

6. Меъёрий вазифа диндорларнинг муайян диннинг жамиятдаги ўрни ҳақида шаклланган қарашлар тизими бўлиб, кишиларнинг эътиқоди, мақсадлари, ниятларини ифодалайди. Бу вазифа диннинг ахлоқий, ҳаётий ва мафкуравий масалаларидан келиб чиқади. Унинг амалий аҳамияти инсонларнинг юриш-туриши, хулқи-атвори, ҳаётга муносабати, қизиқишлари, турмуши ва меҳнатига таъсир кўрсатишда намоён бўлади.

Инсоният тарихи давомида барча ижтимоий-маданий ҳодисалар қатори дин ва диний қадриятлар ҳам жамиятда инсоний муносабатларни, ахлоқ-одоб нормаларини, турмуш тарзини шакллантиришнинг муҳим омилларидан бири вазифасини ҳам бажаради. Ўтмишда ва бугунги кунда ҳам динларнинг диний қадриятлар орқали одамларда тўғрилиқ, ҳалоллик, инсофлилик, мурувватлилик, бошқаларга ҳамдардлик каби фазилатларни сингдиришдаги ўрни ва роли катта.

Булардан ташқари, барча даврларда диний қадриятларнинг маънавий, фалсафий, назарий жиҳатлари бўлиб, улар инсоннинг яшашдан мақсади, ҳаётнинг мазмуни, дунё ҳақидаги масалаларга муносабати кабиларда ҳам ўзига хос тарзда намоён бўлади. Давлат шакли, жамиятнинг тузилиши қандай бўлишидан қатъий назар одамзот тарихининг сўнгги уч минг йили давомида динлар ва уларга хос қадриятлар юқоридаги вазифаларни бажариб келдилар ва инсоният ҳаётининг таркибий қисмига айландилар.

XX аср ажойиб илмий кашфиётлар, инсон томонидан коинот сирларини ўрганиш, ахборот соҳаси ривожини ва улкан техникавий имкониятлар асри бўлди. Айна вақтда жамият тараққиётида динларнинг ўрни ва роли фаоллашиб борди, уларнинг секуляризацияси, замонга мослашуви рўй берди. Дунё халқлари ўз дини ва диний қадриятларини асраб-авайлашга, йўқотилган жиҳатларини тиклашга ҳаракат қилди. Ўтган юз йиллик охири диний қадриятларнинг янгидан тикланиши даври бўлди, бу ҳолат мутахассилар орасида “қайта христианлашиш”, “қайта исломланиш” каби атамалар қўлланишига сабаб бўлди.

Собиқ иттифоқ даврида динга қарши фаолият рағбатлантирилди эди. Бу борадаги “фан” атеизм деб ном олди. Ўша даврда барча олий ўқув юртлари талабалари, хоҳ у гуманитар бўлсин, хоҳ тиббиёт ёки техникавий олий даргоҳи бўлсин, “Илмий атеизм” деган фандан имтиҳон топширишга мажбур эди. Дарсларда, маърузаларда, асосан диний қарашларнинг пуч, сафсата эканлиги таъкидланар, динлар тарихи аёвсиз танқидга лойиқ бўлган адашишлар тарихи сифатида талқин қилинар эди. Мабодо гап қадимги ёки ўрта аср жамиятлари

ҳақида кетадиган бўлса, осонгина ва қулайроқ тарзда динни турли удум, уйдирма, маросим, диний урф-одат ва ривоятлар йиғиндиси деб қараб, юқори табақа манфаатини кўзлаб, меҳнаткаш халқни эзиш қуроли ўрнида фойдаланилган, деб талқин қилинарди. Бу даврда атеизм фалсафа илмининг таркибий қисмидан, унинг деярли асосий ва бош масаласига ва шу йўл билан ҳукмрон мафкуранинг ўткир қуролига айлантирилди. Амалиётда эса аҳолини атеистлаштириш, мамлакатни оммавий атеизм мамлакатига айлантириш чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Дин жамият учун зарарли сарқит, душман ҳодиса деб уқтирилди, динга ишонувчилар эса ҳар томонлама қолоқ, жоҳил кишилар деб баҳоланадиган бўлди. 1925 йилда собиқ СССРда “Жанговор худосизлар уюшмаси” тузилди, унинг аъзолари сони тез орада 3,5 млн. кишидан ошиб кетди. Жанговор худосизлар “Динга қарши кураш” шиори остида иш олиб бориб, дин ва диндорларни “фош” этувчи, аслида эса уларни ҳақорат қилувчи турли хил оммавий тадбирлар уюштиришга, адабиётлар, журналлар, плакатлар, кинофильм ва санъат асарлари яратиб, кенг аҳоли ўртасида динга нисбатан ҳурматсизлик ва нафрат уйғотишга киришиб кетдилар. “Маданий инқилобни амалга ошириш”, “Одамларни эскилик сарқитларидан халос қилиш” ва шу каби шиорлар остида, кўпинча маъмурий ва ўзбошимчалик йўллари билан минглаб черков, масжид, ибодатхоналар, мактаб, семинария, академиялар ёпиб қўйилди, дин пешволари, руҳонийлар ва кўпгина динга ишонувчилар қатағон қилинди.

Бундай мудҳиш жараёнлар, айниқса, чекка ўлкаларда, шу жумладан Марказий Осиёда ғоят кескин ва даҳшатли тус олди. Биргина Ўзбекистонда 24 мингдан ортиқ масжид ёпилди, уларнинг бинолари бузиб ташланди. Маҳаллий аҳоли мусулмонлар учун азиз, муқаддас бўлган халқнинг тарихий ва маданий мероси ҳисобланган юзлаб обидалар, мақбаралар, мактабу мадрасалар харобаларга айлантирилди. Тошкент шаҳридаги 26 мадрасадан 23таси бузиб ташланди. Диндорлик учун одамлар қувғин қилиндилар, уларнинг мол-мулклари мусодара этилди. Қадимий маданият ва маърифат ўчоғи бўлган замин, дунёга машҳур олиму мутафаккирлар етиштириб берган халқлар энди “саводсиз”, “қолоқ”, “маданиятсиз”га чиқариб қўйилди.

Мустақиллик даврида диний кадриятлар соҳасида Ўзбекистонда бу борада ҳам туб ўзгаришлар содир бўлди. Мамлакатимизда барпо этилаётган фуқаролик жамияти умуминсоний демократик тамойиллар асосида, миллий анъаналар, миллий маданият негизида қад кўтармоқда. Шўролар давридаги динга бўлган салбий муносабат рад этилиб, фуқароларнинг виждон ва эътиқод эркинлиги кафолатланган. Конституциямизда Ўзбекистон ҳудудида яшовчи ҳар бир фуқаронинг манфаатлари, ҳуқуқ ва бурчлари қонун асосида белгилаб қўйилган.

Асосий қонунимиз Ўзбекистон фуқаросини миллати, ирқи, жинси ва динидан қатъи назар, тенг ҳуқуқли деб билади, шунингдек, ўз эътиқодини эркин намоён этиш, ибодат қилиш, урф-одат ва миллий анъаналарини давом эттириш ва уларни ҳурмат қилишни кафолатлайди. Конституцияда белгиланган ушбу қоидалар 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 11-сессиясида қабул қилинган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги (янги таҳрир) Қонунда янада кенгроқ ифодасини топди.

Ушбу ҳужжатларда белгиланган қоидалар дунёвий демократик давлатимизнинг динга муносабатини акс эттиради. Маълумки, дунёвий тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатлардаги давлатнинг динга бўлган муносабати демократик плюрализмга асосланади. Бунда дин ижтимоий ҳаётдаги маданий ва маънавий, руҳий муҳитни шакллантирувчи хилма-хил кадриятлар силсиласидаги тенг ҳуқуқли бўғин сифатида қабул қилинган.

Ўзбекистонда динга нисбатан сиёсатда бу демократик тамойилларга амал қилинмоқда. Мамлакатимизда бир неча минг масжид, черков ва бошқа диний ибодатгоҳлар фаолият юритмоқда. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 18та диний

конфессия фаолият юритмоқда. Жами 2104 та диний ташкилот, жумладан, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Рус православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё епархияси, Евангел христиан баптистлар черковлари иттифоқи, Рим католик черкови, Тўлиқ инжил христианлар маркази, Ўзбекистон Библия жамияти, 1906 та масжид, 163 та христиан черкови, 7 та яҳудийлар жамоаси, 7 та баҳойилар жамоаси, 2 та Кришнани англаш жамияти ва 13 та диний ўқув юрти (1 та ислом маҳади, 10 та мадраса, 1 та православ ва 1 та тўлиқ Инжил христианлари семинарияси) давлат рўйхатидан ўтган.

Ҳар йили бир неча минг киши муқаддас шаҳарлар - Макка ва Мадинага ҳаж сафарига бориб қайтмоқда. Бу сафарларни ташкил этиш, ҳожиларнинг ҳаж амалини адо этиб эсон-омон ватанига қайтишини таъминлаш давлат зиммасидадир. Мустақиллик қўлга киритилгандан кейин диний байрамлар – Рамазон ва Қурбон ҳайитлари кенг миқёсда мунтазам нишонланиб келмоқда. Давлат қўмаги билан қадимий обидалар, қадамжолар обод қилиниб, зиёратгоҳ жойларга айлантирилди. Буларнинг ҳаммаси диндан оқилона фойдаланиш, маърифий-маданий ишларда диний қадриятларни истифода этиш, дин фалсафасини чуқур ўрганиб, эзгу хулқ, эзгу сўз ва эзгу амал учун интилиш, ёш авлодга дин ва унинг негизда шаклланган қадриятларни ўзлаштиришни ўргатиш зарурлигини тақозо этади.

Диний қадриятларнинг замонавий амалиётига ниҳоятда катта таъсир кўрсатаётган тамойиллардан бири виждон эркинлиги масаласи ижтимоий ҳаётда доимо муҳим ва мураккаб масала бўлиб келган. Чунки унинг замирида шахснинг ҳуқуқи, демократик, адолатпарварлик ва инсонпарварлик каби ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий ва ахлоқий тушунчалар туради. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставидан тортиб, барча халқаро ҳужжат ва шартномаларда, ҳамма мамлакатнинг Конституцияси ва қонунларида виждон эркинлиги масаласи ўз ифодасини топган. Ўзбекистон давлатининг дин соҳасидаги сиёсати ана шу декларациянинг асосий тамойилларига мос тушади. Зеро, 1948 йилда қабул қилинган инсон ҳуқуқлари умумий декларациясига мувофиқ ҳар бир инсон фикрлаш, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқ ўз дини ёки эътиқодига ўзича, шунингдек бошқалар билан биргаликда амал қилиш кафолатини, ибодат қилишда ва диний маросимларда яқка тартибда ва одамлар орасида бирга қатнашиш эркинлигини ўз ичига олади.

Шўролар тузуми даврида ҳам “виждон эркинлиги” ҳақида гапирилар, ҳатто собиқ СССР Конституциясида алоҳида модда билан белгилаб қўйилган эди. Аммо тоталитар мафкура ҳеч қандай эркинликни тан олмагани боис зўр бериб атеистик тарғибот олиб борилар, диндорларнинг ўз ибодат маросимларини ўтказишга турли йўллар билан тўсқинлик қилинар, таъқиб-таъзийқ авжида эди.

Ўзбекистон истиқлолга эришгач, барча дин вакиллари ўзлари хоҳлаганча тоат-ибодатларини эмин-эркин адо этиш миконига эга бўлди. Айни вақтда динлараро низолар, бир-бирини камситиш, тарафкашлик, мутаассибларча мазҳабпарастликка ҳам йўл қўйилмайди. Шу боис Ватанимизда турли диний конфессиялар бемалол фаолият олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳақида “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди” (31-модда) деган қоида белгилаб қўйилган. Дунёвий давлатимизнинг дин соҳасидаги сиёсатида турли дунёқараш, эътиқодда бўлган кишилар ўртасидаги, давлат билан дин, диний ташкилотлар билан давлат ўртасидаги муносабатларнинг амалда ҳуқуқий таъминланишини назарада тутди. Давлат қонунларида диний эътиқод ҳар кимнинг хусусий иши деб белгиланган. Айни вақтда “Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат

диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди” (61- модда).

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18, 31, 57, 61-моддаларида инсонлар учун бошқа эрк ва ҳуқуқлар қаторида виждон эркинлиги, динга эътиқод қилиш ёки қилмаслик эрки кафолатланган. Давлатимиз дин ва виждон эркинлигига катта эътибор бериб, халқимиз руҳиятига мос келадиган имон-эътиқод, адлу инсоф, диёнат, меҳру оқибат, ор-номус, покиза ахлоқ белгилари бўлган ифбат, ҳаё, ҳалоллик, ростгўйлик каби эзгу фазилатларни ривожлантириш, мустаҳкамлашни асосий вазифа қилиб қўйди. Бундан ташқари, Виждон эркинлиги одатда жамиятда динлараро тенглик ва тотувликни таъминлайди. Бунда бир эркинлик асосида бошқа эркинликларни қадрлаш тамойили амалга ошади, яъни ҳар бир шахснинг эркинлиги бошқа кишиларнинг эркинлигини ҳурмат қилиб, унга дахл қилмаслиги шарт мавжуд.

Динлараро алоқалар билан бирга, ҳар бир дин ичидаги оқим ва мазҳаблар орасидаги муносабатлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги (янги таҳрир) Қонуннинг бешинчи моддасида диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувлик қўллаб-қувватланиши белгиланган. Ушбу қонуннинг тамойилларига итоат этиш ҳар бир мамлакатда фуқаролар тенглиги осойишталигини таъминлаб, турли миллат ва элатлар ўртасида ҳамкор ва ҳамнафас бўлиб яшаш кўникмаларини шакллантиради. Зеро, жаҳондаги миллий ва жаҳон динларининг ҳар бирида бир неча ўнлаб мазҳаб ва оқимлар мавжудки, улар ўртасида ҳамжиҳатлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш учун ҳам виждон эркинлиги қонунларига риоя қилиш заруриятдир.

Чунки жаҳон динлари ичида кўплаб оқимлар, йўналишлар бор. Масалан, исломнинг ўзида 73 та ҳар хил мазҳаб ва оқимлар фаолият юритади. Чунончи, суннийлик, шиалик, рофизия, исмоилия, жабария, хорижия, қадария, жаҳимия, муржия ва ҳоказо. Булар орасида, айниқса, сунний мазҳаблар кўпчиликни ташкил этади. Жумладан, Ўзбекистон мусулмонларининг аксарият қисми шу мазҳабга мансуб.

Мана шундай турли дин ва мазҳабларга эътиқод қилувчи, турли миллатга мансуб аҳоли Ўзбекистонда биргаликда яшаб, Ватан озодлиги, тараққиёти ва ободлиги учун ижод ва яратувчи меҳнат билан банд. Улар орасида чуқур низоларга олиб келиши мумкин бўлган тортишувлар, тарафкашлик ҳолларини кўрмаймиз. Аксинча, турли дин арбобларининг ўзаро мулоқоти, учрашувлари, ҳаммаси учун умумий бўлган масалаларни муҳокама этишда иштирок этиш динлараро ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бу, бир жиҳатдан, давлатимизнинг тинчликсевар сиёсатининг натижаси бўлса, иккинчи тарафдан, халқимизнинг олижаноблиги, табиатан бағрикенглиги туфайли юзага келган ижобий ҳодисадир.

XX асрнинг охириги бир неча ўн йилликларида жаҳон ҳамжамияти халқлари ижтимоий ҳаётида улкан ўзгаришлар вужудга келди, мустақил давлатлар шаклланди. Бундай вазиятдан фойдаланиб, жаҳон динлари таълимотини сиёсатлаштиришга уринувчи кучлар, гуруҳлар ҳам пайдо бўлиб, улар ўз ғаразли ниятларини амалга ошириш учун диний фундаменталистик, экстремистик ҳаракатни бошлаб юбордилар. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, бундай ҳолат “Ислом динидагина эмас, балки яҳудийлик, христиан конфессиялари – рус православ, Рим-католик, Армян-григорян, Лютеран черковларида, баптистик ва бошқа жамоаларда ҳам шу ҳол рўй берди”¹. Бинобарин, диний ғояларни ўзига қурол қилиб олган экстремизм, диний фундаментализмга қарши курашиш даврнинг энг долзарб вазифаси бўлиб турибди. Аҳолига ҳақиқий маърифий дин билан экстремистларнинг зарарли, бузғунчи ғоялари орасидаги фарқни тушуниб етиш ва моҳиятини очиш бугунги кун талабидир.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср б.с.а.сида: хавфсизликка таъдид, баръорорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997.-Б.39.

“Динлараро бағрикенглик” хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда, олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашини англатадиган тушунча, муҳим ижтимоий қадриятлардан биридир. Ҳозирда бу тушунча эзгулик йўлида нафақат диндорлар, балки жамиятнинг барча аъзолари ҳамкорлигини назарда тутди. Диний бағрикенглик жамиятимиздаги тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, мамлакатимизда озод ва обод Ватан қуришнинг муҳим шартидир.

Бугунги дунёда дин барча халқлар ва миллатлар орасига ёйилиб кетганидан бу ғоя умуминсоний аҳамият касб этмоқда. Кўп ҳолларда “бағрикенглик” атамаси халқаро муносабатларда “толерантлик” тушунчаси орқали ҳам ифодаланмоқда.

Бир макон ва бир замонда хилма-хил миллатларга мансуб ва турли динга эътиқод қилувчи фуқароларнинг бир бутун халқ сифатида тинч-осойишта ҳаёт кечириши фақат адолатли бошқарувга эга бўлган жамиятдагина амалга ошиши мумкин. Айни ана шу тинчлик ва осойишталикнинг муҳим омилларидан бири миллатлараро тотувлик бўлса, иккинчиси динлараро бағрикенгликдир. Жамиятимизда сўзсиз равишда, миллий ҳамжиҳатлик билан бирга динлараро муносабатларни уйғунлаштириш ва бағрикенгликни таъминлашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Динлараро бағрикенглик нафақат диндорлар, балки бутун жамият аъзоларининг эзгулик йўлидаги ҳамкорлигини назарда тутди ҳамда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим шарти ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, демократик жамият қуриш йўлидан бораётган Ўзбекистондек кўпконфессияли мамлакатда турли динларга мансуб кишиларнинг манфаатларини уйғунлаштириш, улар орасида тотувликни таъминлаш тараққиётнинг ҳал қилувчи омилларидан биридир. Мамлакатимизда дунёвий давлат ва фуқаролик жамиятининг муҳим талаби экан, демак турли динга эътиқод қўйган одамларнинг баҳамжиҳат яшаши, биргаликда меҳнат қилиши, бир-бирига халақит бермай, ўзаро ҳурмат-эҳтиромда бўлиши шу жамиятнинг хусусиятига айланиши керак. Бунда фуқаролик туйғуси барча қолган туйғулардан баланд бўлиб, у аҳолининг турли-туман қатламлари, турли қарашдаги кишиларни бирлаштиради. Бошқача айтганда, давлатнинг демократия тамойилларга асосланганлиги, дунёвийлиги диний бағрикенглик (толерантлик) учун имконият яратади, динлараро сабр-тоқатлилик, баҳамжиҳатлик учун шарт-шароит вужудга келтиради.

Диний бағрикенглик тушунчаси эса бу – сабртоқатлилик, чидамлик, бардошлик ҳамда инсон, жамият, дунё ҳақидаги қарашларнинг дин асосидаги намоён бўлишидир. У дунё ҳодисаларига муносабатларда, ўтмиш ва маънавий қадриятларни баҳолашдаги мезонларда, ҳаттоки турли динлараро муҳим масалаларнинг ечимини топишда ўз ифодасини топади.

ЮНЕСКО бағрикенглик муаммосига алоҳида эътибор бериб, 1995 йил Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан бағрикенглик йили деб эълон қилинди ва 16 ноябрда ЮНЕСКО аъзоларидан 185 давлат иштирокида бағрикенглик тамойиллари Декларацияси қабул қилинди. Бу тарихий ҳужжат жаҳон халқлари ҳаётида динлараро бағрикенгликни таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлди.

Маълумки, жаҳондаги миллий ва жаҳон динларининг ҳар бирида бир неча ўнлаб мазҳаб ва оқимлар мавжудки, улар ўртасида ҳамжиҳатлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш учун ҳам виждон эркинлиги қонунларига риоя қилиш заруриятдир.

Чунки жаҳон динлари ичида кўплаб оқимлар, йўналишлар бор. Масалан, исломнинг ўзида 73 та ҳар хил мазҳаб ва оқимлар фаолият юритади. Чунончи, суннийлик, шиалик, рофизия, исмоилия, жабария, хорижия, қадария, жаҳимия, муржия ва ҳоказо. Булар орасида, айниқса, сунний мазҳаблар кўпчиликни ташкил этади. Жумладан, Ўзбекистон мусулмонларининг аксарият қисми “аҳли сунна ва л-

жамоа" мазҳабига мансуб. Ироқ, Эрон, Иордания, қисман Марказий Осиё мамлакатларида суннийлар билан бирга, шиалар ҳам истиқомат қилади. Бу икки оқим тарафдорлари орасида тарихда бир неча бор қонли тўқнашувлар бўлган. Аммо бу низолар замирида сиёсий мақсадлар, тахт талашиш ва ер-мулкка эгалик қилиш иддаolari ётганини унутмаслик керак.

Христианлик ҳам ўз тараққиёти даврида католиклик, православлик, протестантлик йўналишларига, шунингдек, баптистлар, адвентистлар, иеговистлар каби оқимларга ҳамда молоканлик, староверлик (эски удумчилик), духоборлар, мормонлар сингари мазҳаб ва фирқаларга бўлиниб кетган.

Христианликнинг йўналишларидан биринчиси католиклик (католицизм, юнонча маъноси - "умумжаҳон", "умумий", "асосий") христианликда православие ва протестантизм каби кенг тарқалган асосий йўналишлардан биридир.

Православлик бу диндаги уч асосий йўналишдан иккинчиси.

Ғарбий Рим империяси қулаганидан кейин 1054 йилда христиан дини икки асосий черковга - католик (ғарбий) черковига ва православлик (шарқий) черковига бўлиниб кетади. Православлик дастлаб Византия империясининг давлат дини бўлган. Констан-тинополь патриархи Рим папасидан ўрнак олиб, бутун православлик черковининг раҳбари бўлиб олиш учун курашган. Православлик черковидан бири бўлган Русь черкови дастлабки вақтларда Константинополь патриархи томонидан тайинланган. Аммо 1598 йилда Русь митрополитлиги Русь патриархлигига айлантирилган. Москва ва Бутун Русь патриархи деган унвон берилиб, Русь черкови Константинополь черкови билан тенглаштирилган.

Христианликдаги уч асосий йўналишлардан яна бири протестантлик XVI асрда пайдо бўлган.

1526 йилда Шпейер рейхстаги немис лютеранчи (Лютер-протестантизм назариётчиси) князлари талаби билан ҳар бир немис князи ўзи ва фуқароси учун хоҳлаган динни танлаш ҳуқуқига эга экани тўғрисида қарор қабул қилади. Аммо 1529 йилда II Шпейер рейхстаги бу қарорни бекор қилади. Бунга қарши империянинг бир қанча шаҳарлари ва беш нафар князь "протест" - норозилик билдиради. "Протестантизм" атамаси шу сўздан келиб чиққан.

Протестантизм христианликнинг анча енгиллаштирилган кўринишидир, чунки унда бир қанча расм-русумлар бекор қилиниб, диндорга эркин ибодат қилиш ҳуқуқи берилган.

Баптизм (юнонча) "сув билан чўқинтириш" деган маънони англатади. Баптизм протестантликнинг йирик оқимларидан бири бўлиб, дастлаб англикан черкови таъқибидан Голландияга қочиб борган инглиз муҳожирлари орасида 1609 йилда Голландияда вужудга келган. Баптизм 1612 йилда Англияда, 1639 йилда Шимолий Америкада пайдо бўлди.

1611 йилда – Амстердам ва Голландияда яшаб турган инглизларнинг диний баённомасида ана шу янги таълимот таърифлаб берилган.

Староверлар, старообрядчество (эски удумлар, эски диний удум, маросим ва урф-одатларга амал қилувчилар) - Рус православ черковининг 17-асрнинг иккинчи ярмида патриарх Никон ўтказган черков ислоҳотини қабул қилишдан бош тортган диний оқим вакиллари.

XIX асрнинг 70-йиллари Ўрта Осиё минтақасига, православие билан бир қаторда, бошқа оқимларнинг тарафдорлари ҳам кириб кела бошлади. Улар ордидан турли секталарга мансуб диндорлар, масалан, баптистлар, адвентистлар, католиклар ва бошқалар ҳам пайдо бўлди. 1879 йил 27 мартда Россия императорининг махсус қонуни эълон қилинган, бу жараён янада фаоллашади. Россия армияси томонидан Биринчи жаҳон урушида асир олинган немис, поляк, эстон, швед, литвалик, латиш ва бошқа ғарбий европалик аскарларнинг Туркистон ўлкасига сургун қилиниши улар эътиқод қиладиган дин ёки оқимнинг кириб келишига сабаб бўлди. Бу, ўз навбатида, европалик асирлар орасида диний

жамоалар тузиш ҳамда черковлар пайдо бўлишига олиб келди. Хорижликларнинг бундай фаолияти асримизнинг тахминан 20-30-йилларига қадар давом этди. XX аср бошларига келиб Туркистон генерал-губернаторлигида 6,03 миллион мусулмонга 391 минг православ ёки 5340 масжидга 306 черков тўғри келган. Бундан ташқари, эътиқод жиҳатидан 10,1 минг православ оқимига мансуб старообрядчилар, 8,2 минг лютеранлар, 7,8 минг католиклар, 26 минг яҳудий динига ва 17,1 мингга яқин бошқа оқимларга мансуб диндорлар бўлган.

Православ йўналиши Ўзбекистон ҳудудига Россия орқали кириб келган. 1871 йил 4 майда Россия императори томонидан Тошкентда Туркистон (ҳозирги вақтда Ўрта Осиё ва Тошкент) епархиясини очиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Христианликнинг Ўзбекистонда тарқалган оқимларидан бири католицизмдир. Айрим маълумотларга кўра, XIX аср охирида Тошкентда 2300 га яқин католик истиқомат қилган. Ўша вақтда Рим католиклари жамоаларига Юстин Пранайтис раҳбарлик қилган. Тошкентда биринчи католик черкови 1917 йилда қуриб битказилган. Ҳозирги вақтда бу бино тарихий обида сифатида қайта таъмирланди.

Ватикан давлати Ўзбекистоннинг мустақиллигини 1992 йил 1 февралда тан олиб, шу йилнинг 17 октябр куни дипломатик алоқалар ўрнатди. 1994 йил 31 октябр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Ватикан давлатининг нунций элчиси Мариан Олесдан Иоанн-Павел Иккинчининг ишонч ёрлиғини қабул қилди. Шундан сўнг Ватиканнинг Тошкентдаги элчихонаси расман ўз ишини бошлади. М.Олеснинг қароргоҳи Қозоғистоннинг собиқ пойтахти Алматида бўлгани сабабли Тошкентдаги элчихона раҳбарлигини ҳозирги вақтга қадар К.Кукулка бажариб келмоқда.

Юртимизда фаолият олиб бораётган Арман апостол черкови энг қадимий христиан черковларидан бири бўлиб, унинг «Эчмиадзин» журнали ҳамда махсус диний ўқув юрти мавжуд. Киликия католикосати, Қуддус ва Константинополь патриархат-ликлари, АҚШ, Жанубий Америка, Европа, Яқин, Ўрта ва Узоқ Шарқдаги епархия бошқармалари Эчмиадзин католикосатига бўйсунди.

Кейинги ўн йилликда маҳаллий корейс миллатига мансуб шахслар орасида протестантизм йўналишига қизиқиш ортди. Бунга, бир томондан корейсларнинг ўз қариндош-уруғлари билан дийдор кўришиш ва бошқа мақсадларда Жанубий Корея, АҚШ ва бошқа ривожланган давлатларга бориб келиши омил бўлди. Хорижда улар маълум бир диний оқим таъсирига тушиб, Ўзбекистондаги яқинларига ҳам мазкур оқим таълимотларини тарғиб қила бошлади. Шунингдек, Жанубий Корея ва АҚШлик корейс миллатига мансуб кишилар ҳам катта моддий маблағга эга бўлган протестантизм йўналиши марказлари ҳисобига маҳаллий корейс миллати вакиллари орасида миссионерлик фаолиятини олиб бормоқда.

Ўзбекистондаги корейс протестант черковларининг деярли барчасини пятидесятниклик йўналишидагилар ташкил этади. Ибодат тарзлари протестантизмдаги йўналишларда бажариладиган амаллар кабидир.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган Тўлиқ Инжил христиан-ларининг (пятидесятниклик) илк жамоалари XX аср 20-йиллари охирида Тошкент шаҳрида тузилди.

Евангелчи-лютеранлар Ўзбекистон ҳудудида 1877 йилдан буён фаолият юритиб, 1884 йилдан ибодатларини расман амалга ошириб келган. 1890 йилда меъмор А.Л.Бенуа раҳбарлигида бошланган черков қурилиши 1896 йилнинг декабрь ойига келиб ниҳояланди.

Ўзбекистонда яна бир черков Новоапостоллик черкови бўлиб, у христиан динининг протестантлик йўналишига мансуб оқимдир. Новоапостол черкови Ўзбекистондаги фаолиятини 1992 йилдан бошлаб, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Навоий шаҳарларида рўйхатдан ўтган. Ўзбекистондаги Новоапостол черковлари Берлин-Бранденбург округи тасарруфидадир. Унинг апостол-президенти Фриц

Шредер.

Ўзбекистонда «Иегова шоҳидлари» протестант йўналишидаги диний ташкилот ҳам фаолият юритмоқда. Мазкур диний сектага 1870 йилда америкалик ишбилармон Ч.Т.Рассель асос солган. Сектанинг маркази Бруклин шаҳри Ақиода жойлашган ва 15 аъзодан иборат бўлган «Раҳбар корпорация»га бўйсунди.

Айрим манбалар Ўрта Осиёда Иегова шоҳидларининг XX асрнинг 40-йилларида пайдо бўлгани ҳақида маълумот беради. Уша даврда улар ўзларини «каналистлар» деб атаб келган.

Староверлар икки асосий йўналишга: попчилик ва попчилик муҳолифларига бўлинади. Уларнинг ҳар бири яна кўпгина оқимлар, секталар ва уюшмалардан таркиб топган.

Духоборлар (Духоборы, духоборцы) - руҳга эътиқод қилувчи христианлар, руҳ учун курашувчилар - эски рус сектантчилиги йўналишларидан бири.

Адвентистлар (лотинча: воқеа бўлиш) протестантлик оқимларидан бири сифатида, XIX асрнинг бошларида АҚШда вужудга келган. Асосчиси Уильям Миллер (1782-1849).

Иегова шоҳидлари - христианликнинг протестант йўналишидаги диний ташкилот аъзолари. 1931 йилдан унга "Иегова шоҳидлари ташкилоти" деган расмий ном берилган. Ташкилотга Бруклин маркази раҳбарлик қилади.

Ўзбекистонда бу каби барча динларнинг ривожланиши учун баб-баробар шарт-шароитлар яратилган. Ҳукуматимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида мамлакатимиздаги турли хил диний ташкилотлар вакилларининг бир-бирлари билан дўстона муносабатлар ўрнатишлари ва ҳамкорликда фаолият кўрсатишларига яқиндан ёрдам кўрсатмоқда. Бу эса ўз навбатида динлараро ва миллатлараро дўстона муносабатлар риштасини янада мустаҳкамлайди. Ўзбекистоннинг миллий давлатчилигига хос бўлган динлараро бағрикенглик, фуқаролараро ҳамжиҳатликни таъминлаш ва унинг тобора мустаҳкамланиб боришига қаратилган сиёсати ва унинг инсон шахсини қадрлаш, унинг эркига дахл қилмаслик, миллий қадриятларга ҳурмат билан қараш каби тамойиллар фақатгина Марказий Осиё эмас, балки узоқ хориж давлатларининг ҳам назарига тушмоқда. Айни замонда инсонларнинг қалби ва онгига миллий истиқлол ғояси тамойилларини сингдиришга қаратилган изчил сиёсат ўз натижасини бермоқда. Яъни, одамларнинг дунёқараши ўзгариб борапти. Диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва турли конфессиялар ўртасида муроса шароитини мустаҳкамлашга қаратилган фаолиятнинг ижобий натижалари яққол намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон қадимдан диний таълимотлар ривожланган мамлакат бўлиб, исломдан аввал зардуштийлик, буддавийлик, насронийлик ва бошқа ўнлаб диний мазҳаб, оқимлар мавжуд бўлиб келган. Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов мустақил Ўзбекистон давлатининг дин ва диний ташкилотлар билан иш олиб бориш сиёсатини белгилаб берар экан, қуйидаги ҳақиқатни қайта-қайта уқтиради: «Дин турмуш тарзимизга ўчмас муҳрини босган. Худога қарши курашганларнинг аҳволи нима кечганини кўрдик. Энди бу хил бесамар ва қуруқ инкор йўли ярамайди. Динга нисбатан ижобий муносабат ташқи сиёсатимизда катта аҳамиятга эга».¹

Бунда давлат ва диний ташкилотлар орасидаги муносабатнинг тўрт жиҳати аниқ белгиланган. Булар:

1) Давлат диний ташкилотларга ҳеч бир вазифа юклаб, уни бажаришни талаб қилмайди.

2) Диний ташкилотларнинг қонунга зид бўлмаган ишларига аралашмайди.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иетисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. –Т.: Ўзбекистон. – Б.79.

3) Диний ташкилотлар давлат вазифаларини бажармайди.

4) Давлат диний ташкилотлар фаолиятини, айти вақтда, атеистик тарғибот фаолиятини маблағ билан таъминламайди.

Давлат диний ташкилотларнинг ўз маблағини, мулкни ҳимоя қилиш, уларнинг ибодатхоналарини (масжид, черков, сенагог) қўриқлаш, ибодатларни адо этиш, тартиб-интизомни сақлашда диний ташкилотларга қонун асосида кўмаклашади. Айти вақтда, диндорлар ва улар жамоаларининг қонунга зид фаолияти тақиқланади, шунингдек, динга зўрлаб даъват қилиш, ўзини улуғлаб, бошқаларни камситиш, таҳқирлаш, бошқа дин вакилларига зулм ўтказиш ман қилинади. Бундай ҳолларда давлат ушбу жараёнга аралашади мажбурдир, зеро у барча фуқаролар ҳаётининг осойишталиги, ҳар бир инсон ҳуқуқини ҳимоя қилиши шарт. Давлат, шунингдек, диний тарғибот-ташвиқот ишларига маблағ ажратмайди. Аслини олганда, диний тарғибот ҳам, атеистик тарғибот ҳам ҳаддан ошса, ножоиз ҳаракатдир.

Динга бўлган муносабатлардаги муҳим жиҳатлардан бири миссионерлик ва прозелитизмдир. Миссионерлик (даъватчилик) ўтган асрнинг 80 ва 90-йиллари бошида авж олган эди. Бир томондан, хорижий Шарқ мамлакатларидан келган ислом даъватчилари фаолияти, ваҳобийлик оқими тарафдорлари фаоллашган бўлса, иккинчи томондан, бошқа динларнинг даъватчилари ҳам маҳаллий аҳолининг турли қатламлари орасида ташвиқот ишларини кучайтирган эди. Бу ташвиқотчи – даъватчиларнинг ҳар бири ўз динини мақтаб, ўзга динни ҳақ дин эмас, дейиш орқали тарафдор қидиради. Иккинчидан, хориждан келган мусулмон даъватчилари бизнинг анъанавий диндорлик расм-русумлар, миллий одатларни назар-писанд қилмасдан, ўзларида шаклланган одатлар, мазҳабларни ўрнатишга интиларди. Улар назарида, Марказий Осиёда шўро замонида ёппасига ҳамма “дахрий”, “кофир” бўлиб кетган эмиш. Ҳолбуки, халқ ўша дахрийлик мафқураси ҳукм сурган шароитда ҳам ўз имон-эътиқодини сақлаб қолган, аждодлари анъаналарини сақлаб келмоқда эди. Шу боис бундай “даъватчилик” ҳаракати аҳолининг ҳақли норозилигига учради.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддасида бундай деб ёзилади: “Бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек, бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади”.

Албатта, давлат билан диний ташкилотлар ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириш, виждон эркинлиги ва диний ташкилотларда қонун ижросини назорат қилиб туриш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита зиммасига юклатилган. Бу ҳақда ушбу қонуннинг 6-моддасида махсус қайд этилган. Бироқ, Дин ишлари бўйича қўмита маҳаллий давлат органлари билан биргаликда иш олиб боргандагина, самарали натижаларга эришилади. Маҳаллий ҳокимият вакиллари диний ташкилотлар билан доимий алоқада бўлмоғи даркор, чунки турли маърифий-маънавий йиғинлар ўтказиш, ахлоқий тарбия масалалари муҳокамаси, миллий ғояни биргаликда кишилар онгига сингдиришда ҳамкорлик бўлиши фойдалидир.

Диний ташкилотларнинг хорижий мамлакатдаги диндорлар, диний арбоблар ва диний муассасалар билан алоқаси ҳам Дин ишлари бўйича қўмита орқали амалга оширилади. Масалан, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ўнлаб хорижий ташкилотлар билан алоқа ўрнатган. Мусулмон мамлакатларидан келган давлат арбоблари, атоқли дин уламолари, сайёҳлар Ўзбекистондаги қадамжо ва зиёратгоҳларни (Имом Бухорий мажмуи, Баҳоуддин Нақшбанд мақбараси, Хастиимом (ҳазрати Имом) мажмуаси, Шоҳи зинда ва бошқалар)ни зиёрат қилар экан, албатта диний идора ходимлари улар билан ҳамкорлик қилади. Ўзбекистонга ташриф буюрган меҳмонлар бу ердаги маънавий юксалиш, жумладан, исломий

қадриятларнинг эъзозланганини ўз кўзлари билан кўриб, хурсанд бўлмоқда. Нафақат ислом динига оид ташкилотлар, балки бошқа динларга оид ташкилотлар ҳам қонун доирасида бемалол хориждаги диндошлари билан алоқа қилиш имконияти эга бўлмоқда.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, диний ташкилотлар бошқа нодавлат ташкилотлар, ўзини ўзи бошқарадиган ноҳукумат ташкилотлар билан ҳам ҳамкорлик қилиб келади. Айниқса, маҳаллаларнинг масжидлар билан алоқаси самарали кечмоқда, десак бўлади. Қайд этмоқ жоизки, маҳалладаги аксар оқсоқоллар, кўзга кўринган мўйсафидлар намозхон сифатида масжиднинг қатновчиси, айни вақтда, улар маҳаллаларнинг турли муаммоларни ижобий ҳал қилишда фаол иштирок этади. Маҳаллалардаги хотин-қизлар қўмиталари фаолияти ҳам бундан мустасно эмас. Аҳоли ана шу тарзда ҳам диний ва ҳам дунёвий масалаларни биргаликда ҳал қилиб келмоқда. Бу жамиятимиздаги ижобий ҳодиса, албатта.

Диний муассаса ва ташкилотларга ҳар хил диний жамият ёки жамоалар, диний ўқув юртлари, масжидлар, черковлар, монастирлар, сенагоглар ва бошқа шунга ўхшаш ибодатхоналар киради. Қонунга кўра, бу ташкилотлар Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган бўлиши шарт.

Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтмаган диний ташкилот фаолият юритиши мумкин эмас. Диний ташкилот тузиш учун (жумладан янги масжид ёки черков очиш): 1) юз нафардан кам бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси имзолаган ариза; 2) диний ташкилот низоми; 3) таъсис йиғилишининг баённомаси; 4) тузилаётган диний ташкилот жойлашган манзилни тасдиқловчи ҳужжат; 5) диний ташкилотлар марказий бошқарув органининг низоми; 6) таъсис йиғилиши баённомаси ва бошқа ҳужжатлар тақдим этилиши керак.

Диний ташкилотлар бирлашиб, марказий бошқарув органини тузишга ҳақли. Чунончи, Ўзбекистон мусулмонлари идораси Ўзбекистондаги жамики исломий ташкилотларнинг марказий бошқарув органи ҳисобланади. Марказий орган раҳбари (раиси) раёсат томонидан сайланади ва унга муфти унвони берилади.

Қонунга кўра, диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органларини рўйхатга олиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан, бошқа диний ташкилотларни рўйхатга олиш эса Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Ўзбекистонда таълим диндан ажратилган. Таълим тизимининг бирор бўғинида диний дарслар мажбуран киритилмайди, аммо диндан хабардор бўлишни хоҳлаган одамлар ихтиёрий равишда ўрганиши, диний ўқув юртларига кириб, билимларини ошириши мумкин. Ўзбекистонда бир неча диний ўқув юртлари (мадраса, маҳад, семинарий) фаолият кўрсатмоқда. Диний ўқув юртига кирувчилар ўрта маълумотга эга бўлиши шарт. Диний ўқув юртларини битирганлар диний ташкилотларда хизмат қилади.

Тошкент ислом маъҳадини битирган талабаларнинг дипломи Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилги қарори билан бошқа дунёвий олий ўқув юртларининг бакалавриат мақомига тенглаштирилди. Энди улар ўз билимларини янада ошириш имконига эга бўлди. Бу ҳам ҳукуматимизнинг ёшларга кўрсатаётган ғамхўрлигидан далолатдир.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Тошкент ислом университетининг ташкил этилиши ҳам ёшларга нисбатан ғамхўрликнинг яна бир ёрқин тимсолидир. Мазкур университет бутунлай янги типдаги ўқув масканидир. Унда диний илмлар билан баробар дунёвий илмлар ҳам ўрганилади. Талабалар Қуръон ва Ҳадисларни, калом илми ва тасаввуфни ўрганади. Шу билан бирга бу даргоҳда фалсафа, иқтисодиёт, тарих, инглиз, араб тиллари,

замонавий информатика асосларидан пухта билим олади. Университет қошидаги гимназия ва лицей ҳам шу йўналишда таълим бериб, улуғ аждодларимизнинг ислом илми ривожига қўшган ҳиссасидан бохабар бўлади. Хуллас, бу университетда таҳсил олган талаба замонавий мутахассис бўлиб етишади ва дин асосларини ўзлаштириб, қадимги манбалардан бемалол фойдалана олади.

Бу мисоллар диний бағрикенгликнинг пойдевори маърифат ва маънавият эканлигини кўрсатади. Маънавият ва маърифат инсонлараро ва динлараро яқинлашишга йўл очса, жаҳолат таассубга, тарафкашликка тортади. Шу боис ақидапараст экстремистлар айнан маърифатга ва ундан ҳосил бўладиган бағрикенгликка қарши бўлгани бежиз эмас. Маърифий диндор одам фалсафа, тиббиёт, адабиётни севади, тафаккури кенг, нигоҳи очиқ бўлади. Ақидапараст эса фикри тор, зоҳирий нарсаларга ўч, илм-фан ютуқларини ҳазм қилолмайдиган одамдир. Шу боис киши маърифати ортган сари инсоният яратган жамики қадриятларни ҳурмат қиладиган бўлиб бораверади. Биз ёшларимизни ана шу руҳда тарбиялашимиз лозим.

Республикамиз аҳолисининг миллий қиёфаси фақат Шарқ эмас, балки Ғарб цивилизациясига мос умуминсоний тамойиллар, ислом, христианлик ва бошқа динларга хос эътиқод, анъана ва урф-одатлар, рангба-ранг турмуш тарзидан иборат анъанавий мезонларни ўзида акс эттиради. Бунда юртимизда яшаётган халқларнинг ўтмиши, бугунги ҳаёти, келажак билан боғлиқ орзу-умидлари асрлар оша ёнма-ён яшаш жараёнида шакланган ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, қардошлик туйғулари уйғунлашган тарзда намоён бўлади. Бу эса юртимизда осойишталик, тинч-тотув турмуш тарзини таъминлашда катта аҳамиятга эга.

Ўзбек халқи ҳаётида асрлар давомида шакланган вазминлик, меҳр-оқибат, умуминсонийлик қадриятларни айирмачиликдан устун қўйиш хислати кўп халқлар вакилларининг Ўзбекистон деб аталган муқаддас диёрда эмин-эркин умргузаронлик қилиб келишига шароит яратган. Республикамиз аҳолисининг миллий қиёфаси фақат Шарқ эмас, балки Ғарб цивилизациясига мос умуминсоний тамойиллар, ислом, христианлик ва бошқа динларга хос эътиқод, анъана ва урф-одатлар, рангба-ранг турмуш тарзидан иборат анъанавий мезонларни ўзида акс эттиради. Бунда юртимизда яшаётган халқларнинг ўтмиши, бугунги ҳаёти, келажак билан боғлиқ орзу-умидлари асрлар оша ёнма-ён яшаш жараёнида шакланган ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, қардошлик туйғулари уйғунлашган тарзда намоён бўлади. Бу эса юртимизда осойишталик, тинч-тотув турмуш тарзини таъминлашда катта аҳамиятга эга.

Умуман олганда, бу борада мамлакатимизда олиб борилаётган изчил сиёсат ўзининг самарасини бермоқда.

Биринчидан, демократик жамият қуриш тамойилларига мос равишда динга нисбатан тўғри муносабат белгилаб олинди. Бу сиёсат бозор иқтисодиётининг ҳаётга жорий этилиши, ижтимоий, маънавий-маданий тараққиёт ўзанига батамом мос келади ва давлатнинг дунёвийлик хусусиятини тўла-тўқис таъминлайди.

Иккинчидан, давлатнинг диндан, диннинг давлатдан ажратилгани виждон эркинлиги тамойилига зид эмас. Аксинча айнан шундай муносабат фуқаролик жамиятига мувофиқ эканини ҳаётнинг ўзи ҳар қадамда тасдиқламоқда.

Учинчидан, диний эътиқодни ҳар кимнинг ўз хусусий иши деб эълон қилган давлат айни вақтда фуқаролар тинчлиги, мамлакат осойишталиги, миллий хавфсизликни таъминлаш учун барча чораларни кўради, жумладан, диндорларни экстремист террористларнинг хуружидан ҳимоя қилади. Бу тамойил диннинг сиёсатлашувига йўл қўймади, сиёсат – дунёвий ҳодиса, дин эса – руҳият тарбияси, маънавий соҳа эканини ажратиб кўрсатади.

Тўртинчидан, бундай сиёсат диннинг ўзига ҳам ривожланиш имкониятини яратди, маданий-маърифий диндорлик аҳоли тафаккурида тобора чуқурроқ ўрнашиб боради. Бу яна турли динлар ва мазҳаблар, илмларнинг ўзаро яқинлашуви,

улар ўртасида баҳамжиҳатлик муҳитини вужудга келтиради.

Хуллас, инсоният тобора бирлашиб, ўзаро иқтисодий, ижтимоий-сиёсий масалалар ҳам мураккаблашиб, глобаллашиб бораётган экан, динлараро мулоқот, сабр-тоқат, толерантликни кучайтириш ҳар жиҳатдан долзарб ва фойдалидир. Ушбу жараёнда халқимиз тўплаган асрий тажрибадан унумли фойдаланиш зарур. Бу тажриба замонавий реалликларни инобатга олган ҳолда ривожлантирилганида мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш, барча фуқароларимизда ягона Ватан туйғусини шакллантириш, Юрт истиқлоли ва истиқболга дахлдорлик ҳиссини камол топтиришга хизмат қилувчи муҳим омилга айланади.

11-мавзу. Инсон қадри ва шахсий-индивидуал қадриятлар

Қадриятлар тизимининг энг асосий бўғинларидан бирини тирикликнинг олий мўъжизаси - одамзод, инсон, шахсга оид қадрият шакллари ташкил қилади. Илмий тадқиқот манфаатини кўзлаган ҳолдагина, шахсий-индивидуал қадриятлар тизимини ажратиб таҳлил қилиш мумкин. Аслида эса, умумий, миллий, синфий, диний ва бошқа қадрият тизимларида ҳам муқаррар равишда инсон ва уни қадри муаммоси эътиборга олинмасдан иложи йўқ. Қадриятлар билан боғлиқ қайси муаммони олманг, у муқаррар равишда шахсга келиб тақалади.

Инсон ва уни қадри муаммоси - фалсафанинг азалий мавзуларидан биридир. Одам зотининг дунёга келиши, бошқа жонзотлардан фарқи, табиат ва жамиятдаги ўрни, инсоний фазилатлари, шахсий ҳусусиятлари тўғрисидаги масалалар ҳамма давр файласуфларининг диққат марказида турган. Фан соҳасида одамнинг жисмоний тузилиши, табиий-биологик ҳусусиятларини ўрганиш ҳамон давом этмоқда. Ижтимоий фанларда эса шахс камолоти, ижтимоий, маънавий қиёфаси билан боғлиқ жиҳатлари тадқиқ қилинмоқда. Хуллас, одамзод учун ўзига ўхшаган бошқа кишилар, уларнинг ҳусусиятлари, жамиятдаги ўрни, қадри, ўтмиши ва келажаги билан боғлиқ муаммолар, азал-азалдан энг асосий тадқиқот ва кузатиш объекти бўлиб келмоқда. Улар орасидан бир-бири билан узвий боғланган иккитаси - инсон қадри ва шахс қадриятлари билан боғлиқ масалалар таҳлили ғоят муҳим, аҳамиятга эга.

"Одам", "шахс", "инсон" тушунчаларини кундалик ҳаётда қарийиб бир хил маънода ишлатиш ҳоллари учрайди. Аммо улар орасида илмий жиҳатдан муайян фарқлар ҳам йўқ эмас. "Одам" тушунчаси - биологик ва ижтимоий жиҳатларни ўзида мужассамлаштирадиган тирик жонзотга, - одам зотига, - нисбатан ишлатилади. Одам зотини бошқа жонзотлардан фарқ қилувчи энг муҳим белгилари онг, ахлоқ, хулқ, билим, ижтимоий меҳнат қила олиш қобилияти ва бошқалардир. **"Инсон" тушунчаси** эса одам зотини муайян даражадаги ижтимоий ҳусусиятлар ва жиҳатларни ўзлаштириб олганлиги билан боғлиқ камолот даражасини ифодалайди. Ижтимоийлик - "шахс" тушуначаси учун ҳам асосий ҳусусиятдир, аммо бунда ижтимоий жиҳатдан маънавий-ахлоқий камолотга етганлик тушунилади. Илмий адабиётларда инсон ва шахсга нисбатан ранг-баранг таърифларни, турли хил талқинларни учратиш мумкин. Инсоннинг ўзини қадрият сифатида талқин қилиш, уни қадри ва шахсий даражадаги қадриятлар тизими тўғрисидаги масалалар бир-биридан фарқ қилади. Бу борада уч хил йўналишда фикр юритиш мумкин яъни:

а) ҳар бир инсон, шахсни - қадрият сифатида қараш мумкин. Бунда инсонинг ўзи, уни табиий-тарихий жараёндаги мавжудлиги, тирик жонзотлар орасида энг буюк ижтимоий вужуд эканлиги эътиборга олинади, бу борадаги таҳлил аниқ инсонга қаратилган бўлиб, унимахсус тадқиқот мавзуси объектига айлантиради;

б) инсон қадри яъни уни ижтимоий жараёнлардаги ўрнини, атроф-муҳит ва бошқа кишилар учун аҳамиятини, жамиятдаги мавқеи ва бошқаларни,- тадқиқ

қилиш ҳам мумкин. Бу борадаги таҳлил инсонни ижтимоий-тарихий аҳамиятини ўрганишга асосланади;

в) шахсни маънавий олами, қиёфаси, қизиқишлари, талаб ва эҳтиёжлари, фаолияти билан боғлиқ қадриятларни ҳам таҳлил қилиш мумкин, бунда асооий эътибор қадриятларни шахсий /алоҳида, якка/ даражада намоён бўлиш шакллари ва хусусиятларига қаратилади.

Инсон - аввало тирикликнинг энг олий мўъжизаси, бошқа жонзотлардан ажралиб турувчи ижтимоий мавжудот сифатида, табиий-тарихий қадриятдир. Инсонни онтология /грекча - борлиқ, назария, таълимот/ ва антропология /грекча-инсон, таълимот/ нуктаи назаридан, яъни инсонни борлиқнинг бир қисми сифатида талқин қилиш /онтология/ ва уни вужудга келиши, ижтимоий хусусиятларининг шаклланиши билан боғлиқ тадқиқотлар /антропология/ ҳамон давом этмоқда. Инсон - тарихий тараққиёт жараёнида турли хислатлар, сифатлар ва хусусиятларга эга бўлган, маънавий-ахлоқий жиҳатларни қиёфасида акс эттирган ижтимоий мавжудот сифатида жамиятдаги асосий қадриятдир. Шу билан бирга у оламга ижтимоий муносабатда бўлиш, одамлар билан муомала ва алоқага киришиш, меҳнат қилиш асосида моддий ва маданий бойликларни вужудга келтириш, тафаккури, ҳис-туйғулари, фикрларини тили воситаси да ифодалаш каби хусусиятларга эга бўлган - умумижтимоий вужуд ҳамдир.

Инсон жамиятсиз яшайолмаганидек, жамият ҳам инсонсиз мавжуд бўлмайди. Ҳар қандай жамият ўзини ташкил қилиб турган кишилар фаолияти, ўзаро муносабати ва умргузаронлиги билан тирикдир. Шу маънода инсон - ҳар қандай жамият бор бўлишини таъмиилаб турадаган асосий ижтимоий элементдир. Бундай таъминлаб туриш инсонни индивадуал - шахсий иштироки орқали, яъни бирор гуруҳ, қатлам, синф, қавм, элат, халқ ёки миллат доирасидаги фаолияти, оила ва турмушдаги ҳатти-ҳаракати, фаолияти, амалга ошрган ишлари, яратган бойликлари, ўзига ва ўзгаларга нисбатан муносабати орқали намоён бўлади.

"Инсон қадри" тушунчаси ҳар бир кишининг ижтимоий хусусиятлари, жамиятда амалга оширган фаолияти, бошқаларга ва атроф-муҳитга муносабати, ҳатти-ҳаракатининг аҳамиятини ифодалайди. Инсон қадри одам зотининг шахс сифатида камолга етганлиги, ижтимоий хусусиятларни ўзлаштириб олганлиги ва ахлоқий олами ҳамда маънавий қиёфасида намоён бўлади.

Одамзотининг шахсга айланиши, ўз қадрини ва ўзгалар қадрини англаш жараёни узок йиллар давом этади. Дастлаб, норасида гўдак учун Она кўкраги, сути, алласи энг буюк қадрият бўлса, она кўлидан тушган, одимлар Она кўкрагидан ажралган бола учун эса, аста-секин атроф-муҳит, ўзи яшаётган макон, ўзга кшшлар ва ўзи ҳам қадриятга айланиб боради. Бу даврда у ўз шахсий эҳтиёжи ва мақсадларини ўзига хос қадрият кўзгуси орқади кўради, ўзига керакли ва зарур нарсаларни муҳайё қилишларини кўпроқ хоҳлайдиган, талаб қиладиган бўлиб қолади. Болалар ҳаётини кўпгина тадқиқотчилари камолотнинг бу муҳим даврида /3-6 ёш/ ўз қадрини ошириш ва шахсини кўпроқ севиш /болалик эгоизми/ мавжуд бўлишни таъминлайдилар.

Албатта инсон илк болалик даврида қолиб кетмайди, ота-она, қариндош-уруғ, дастлабки ўқитувчилар уни қадриятлар мезонини англашида муҳим ўрин тутаяди, шу тариқа инсон камолот сари боради. Бу жараёнда етук шахсга айланиш имконияти бўлган одамзод наслининг ҳар бир вакили оилавий, маънавий-ахлоқий, миллий, ижтимоий қадриятлар таъсиарида тарбияланади, шу билан бирга, шахсий жиҳатлари, қадрланадиган сифатлари ва хусусиятлари камолотга етиб боради. Бу жараёнда шахснинг ўзи ҳам ижтимоий қадрият сифатида шаклланиб, ўз қадрини намоён қилиб боради.

Инсоннинг бутун умри - шахсий қадриятларини такомиллаштириш, ўз қадрини камолга етказиш, ўзгалар, жамият, замон ва ундаги содир бўлаётган ўзгаришлар қадрини англашга интилиш жараёнидан иборатдир. "Қарилик"

иборасини инсонга биологик маънода ишлатиш мумкин, аммо бу тушунчани инсон қадрига ва қадриятларига нисбатан ишлатиш ножоиз.

Ўз шахси ва бошқалар қадрини англаб етиш учун, инсонни камолоти давомида шаклланган маънавий қиёфаси ва дунёси эзгуликка хизмат қйладиган, юксак ижтимоий сифатларга эга бўлиш, уни ўзи эса ҳаётнинг моҳияти ва мақсадини тўғри англайдиган даражада тарбияланган бўлмоғи лозим. Ушбу маънода, Суқротнинг "Ўз-ўзингни англа!"- шиори ғоят катта аҳамият касб этади. Ўз қадрини англашнинг объектив, субъектик, ижтимоий ва шахсий томонлари бир-бири билан доимий алоқадорликдадир. Улар инсои табиатини турли жиҳатларидир. Шахснииг қадри у яшаётган замон, ундаги жараёнлар, ижтимоий-тарихий шарт-шароитлар билан диалектик алоқадорликда намоён бўлади. Муҳит ва давр талаблари шахс қадрини шакллантириб, сайқаллаб боради, унинг ўзи эса ижтимоий муносабатларнинг субъекти сифатида, ўз қадрини талаблари, эҳтиёжлари ва мақсадлари билан нақадар алоқадорлигини чуқурроқ англаб олиш томон боради.

Ҳозирги даврда муайян кишининг қадри қуйидагиларда намоён бўлиши мумкин:

- табиатга, ташқи оламда рўй бераётган жараёнларга нисбатан муносабати, ушбу жараёнлардаги ўрни ва фаолияти;
- турли ирқ, миллат, ижтимоий қатламларга мансуб бўлган, ранг-баранг мақсадлар ва қадриятларга интиладиган кишиларга муносабати;
- ўз-ўзига, оила, турмуш, жамоа ва жамиятдаги ўрнига нисбатан муносабати;
- меҳнат, ишлаб чиқариш ва иқтисод борасидаги жараёнларда иштироки, жамиятдаги моддий эҳтиёжларни қондириш ва моддий бойликларни яратиш жараёнига қўшаётган ҳиссаси;
- сиёсий ўзгаришлар, жамият бошқариш, демократиялаштиришда қатнашиши, бу жараёнда қандай мақсадларни кўзлаётганлиги;
- жамиятда қарор топган қадриятлар тизими тез ўзгариб кетган ҳозирги даврда қандай позицияни эгаллаши, ўзини қандай тутиши, бу жараёнда иштирок этиши билан боғлиқ фаолияти;
- ҳозирги даврдаги универсал технологиялар, ишлаб чиқариш ва бошқариш воситалари замонавий талабларига ҳозиржвоблиги, бу борада малакаси, қобилияти ҳамда кўникмаларини такомиллаштириш учун амалга ошраётган ҳатти-ҳаракатлари;
- табиий баркамоллик, жисмонан соғломлик ва иқтисодий таъминланганлик борасидаги талаб ва эҳтиёжларини, маънавий-ахлоқий камолоти ва амалий фаолияти билан уйғулаштира олиши;
- маънавий баркамоллиги, ахлоқий камолати ва нафосати, билими, қобилияти, истеъдоди, иқтидори ва улардан қандай мақсадларда фойдаланаётганлиги;
- ўзининг шахсий, миллий, диний, ирқий, синфий ва бошқа соҳалардаги манфаат ва мақсадларини, талаб ва эҳтиёжларини, интилиш ва фаолиятини умуминсонийлик талабларига мослаштира олганлиги;

- маҳдудлик, ман қуртлик, маҳаллийчилик, миллатчилик, хурфот ва бошқа бидъатлар моҳиятини англаб олганлиги, уларга нисбатан муносабати ва бошқалар.

Юқоридаги жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда шахс қадрини баҳолашва шу асосда аниқ шахсларнинг типларини аниқлаш имкоиига эга бўлиш мумкин.

Шахсий қадриятларни шахсдан, уни индивидуал фаолияти, сифатлари, хусусятларидан ажратиш ниҳоятда қийин. Уларни қадрият сифатида талқин қилиш ҳам илми-аксиологик жиҳатдан муайян нисбий хулосаларга асосланади. Аммо фандаги нисбийлик - доимо ҳам хато, дегани эмас. Шу маънода "шахс қадриятлари" тушунчасини алоҳида ўрганиш, инсоани ўзини қадрият сифатида, шахсни эса қадриятларнииг объекти ва субъекти сифатида таҳлил қилиш

имкоиини беради.

Қадриятларни умуминсоний, миллай ва бошқа хусусий даражаларда амал қилиш шаклларида кўра, шахсий даражада намоён бўлишини таҳлил ва тасаввур қилиш ниҳоятда қийин. Аммо ҳар бир инсон - бир олам, ҳар бир киши эса бошқаларга ўхшамайдиган ўзга бир дунёдир. Инсоннинг ана шу мажозий маънодаги маънавий олами, ўзгаларга ўхшамайдиган қиёфаси ва бетакрор дунёси қадриятни шахсий даражада намоён бўлиш хусусиятлари билан узвий боғланган. Бу даражадаги қадриятлар тизимининг ҳар бир бўғинини алоҳида ёки бу тизимни яхлит ҳолда таҳлил қилишда, диалектик билиш, унинг аниқлик ва мавҳумлик усуллари ниҳоятда қўл келади. Бу усулларга асосланганда, умумий ёки мавҳум кишилар эмас, балки аниқ, замонавий шахс қадри ва унга боғлиқ бўлган қадриятларни таҳлил қилиш имкони очилади. Юқоридаги фикрларни ҳисобга олган ҳолда **“Шахсий қадриятлар тизими”** тушунчаси доирасида инсоннинг табиий-тарихий жиҳатларидан ташқари қуйидагиларни ажратиш мумкин:

- маънавий-ахлоқий олами ва қиёфаси билан боғлиқ қадриятлар;
- нафосати ва гўзаллиги билан боғлиқ қадриятлар;
- меҳнати ва иқтисоди билан боғлиқ қадриятлар;
- ҳузур-ҳаловати билан боғлиқ гедонистик қадриятлар;
- индивидуал камолоти ва ижтимоий мавқеи /ёки карьераси/ билан боғлиқ қадриятлар;
- қобилияти ва истеъдоди билан боғлиқ интеллектуал қадриятлар;
- ҳис-ҳаяжон туйғулари билан боғлиқ "эмоционал" қадриятлар.

Биз тилга олган ушбу қадриятларни алоҳидалик, яккалик, айримлик маъносида тушуниш лозим. Улар ҳаётда чамбарчас боғлиқликда, ўзаро алоқада намоён бўлади. Айрим ҳолларда аниқ ва реал тарзда фақат муайян шахс учунгина қадрият сифатида тушунилади. Албатта, бунда ҳам, қадриятлар учун умумий бўлган хусусиятлар сақланиб қолади: яъни қадрият сифатида қаралаётган жиҳат, сифат, фаолият, натижа ва ёки бошқаларни атрофдаги кишиларга ёки бирор шахсга нисбатан аҳамияти, қадри намоён бўлади. Алоҳида киши ёки гуруҳ ана шу аҳамиятга кўра ўзлари учун қадрият сифатида намоён бўлаётган объект қадрини баҳолайди.

1. Шахсни маънавий-ахлоқий қиёфаси, нафосат ва гўзаллиги билан боғлиқ қадриятлари диалектик уйғунликда намоён бўлади. Улар умуминсонийликни шахс қиёфаси билан боғлиқ намоён бўлиш даражасини ифодалайди. Маънавий-ахлоқий қиёфа, нафосат ва гўзаллик билан боғлиқ шахсий қадриятларни ҳар бир шакли, кишиларнинг жамиятдаги барор типини ажратиш мумкин. Бу шакллар эса ниҳоятда хилма-хил бўлиб, улар қуйидагиларда кўринади:

- шахс умри ва ҳаётини маъноси билан боғлиқ қадриятлар, яъни яшашдан мақсад, умр мазмуни, туғилиш, ўлим, хотира, мерос, ворислик, орзу-умид, бахт-саодат ва бошқалар;
- шахснинг атроф-муҳит, ватан, давр, оила ва турмуши, севги-муҳаббати, ота-она ва фарзандлари, турмуш гўзаллиги ва бошқалар билан боғлиқ қадриятлар;- шахснинг эркинлиги, озодлик, тенглик, эътиқод, ахборот олиш, мулкка эгалик қилиш, яшаш жойларини танлашдаги мустақиллиги, даҳлсизлиги билан боғлиқ қадриятлар;
- шахсий масъулият, яъни ижтимоий заруриятни англаши, унга амал қилиш, тартиб-интизоми, ор-номуси, бурчи, виждони, қадр-қиммати ва бошқалар;
- шахснинг нафосати, маънавий гўзаллиги, эстетик туйғуси, диди, фаросати, маданияти, ўзига, ўзгаларга, табиат ва ташқи муҳитга нисбатан нафосатли муносабати.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ушбу қадриятлар орқали умуминсонийлик шахсий даражада, муайян кишининг қиёфасида қадрият сифатида намоён бўлади. Қадриятларни бу даражада намоён бўлиши нисбий хусусиятга эга бўлса-да, аммо

улар алоҳида кишилар, уларнига ҳаёти, фаолияти, жамиятдаги мавқеи ва ўрни учун ниҳоятда катта аҳамият касб этади.

2. Ҳаётда иқтисодий жиҳатларга кўпроқ эътибор берадиган, уларга фойдалилик нуқтаи назаридан қарайдиган шахслар учрайди. Бундай кишиларнинг айримлари мол-мулкка эга бўлишга кўпроқ ҳаракат қиладилар, пул-бойлик орттириш, улардан фойдаланиш йўллари яхши биладилар. Бошқа шахслар билан муносабатда, дўстлар орттириш, қуда-андачилик ва шу кабиларда ҳам бу жиҳат етакчилик қилади. Бундай кишилар учун моддий манфаат олиб келадиган муносабат ёки фаолият қадрли бўлиб, қадрли ва камёб нарсалар кўпроқ фойдалидир.

Яқин ўтмишимизда бундай кишилар жамият фойдасини ўйламайдиган, ўз манфаатини бошқалар манфаатидан устун қўядиган шахслар сифатида, танқид қилинар эди. Аслида, юқоридаги хусусиятлар меъёрида, бошқаларнинг қадрини ерга урмайдиган, уларга зиёни тегмайдиган бўлса, унда уларни зарари ва фойдасига диалектик ёндошмоқ зарур. А.Авлоний таъкидлаганидек, "Иқтисод, деб пул ва мол каби неъматларнинг қадрини билмакни айтувчи. Мол қадринибилувчи кишилар ўринсиз ерга бир тийин сарф қилмас, ўрни келганда сўмни аямас. Саҳоватлик зидди бахиллик ўлғони каби, иқтисоднинг зидди-исрофдир". Алломанинг иқтисод борасидаги шахс қадрини оширувчи сифатлар тўғрисидаги бу сўзлари замонамиз учун ниҳоятда долзарб, аммо уни қуйидаги фикри ундан ҳам долзарброқдир: "Ҳозирги замонда мақсуда етмак, ўз миллатига хизмат қилмак, халққа мақбул бўлмак учун илм ва мол лозимдур. Оламдаги барча миллатларнинг ҳол ва қудратлари мол ва бойликлари ила ўлчанур. Ҳар ерда бой миллатлар... хўжа ўлғонидек, фақирлари... қул ва асир бўлиб қоладур. Сўзнинг қисқаси, ҳозирги замонга мувофиқ киши бўлмак учун илм ва маърифат ила боробар иқтисод, бу борасинда инсоф, туганмас саъй, битмас ғайрат лозимдир".¹

Бозор муносабатлари билан боғлиқ келажак А.Авлоний таърифини келтирган кишилар, уларнинг вояга етиши, камолати, фаолияти, ҳатти-ҳаракатларига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Бизда ҳам, бу таҳлит кишилар етишиб чиқиши учун, имкониятлар яратилмоқда ҳамда рўй бераётган чуқур ижтиможий ўзгаришлар фаол, ижодий, интилувчан кишиларга эҳтиёжни кучайтирмоқда. Аммо "Бозор иқтисодиёти деб инсон маънавиятини унутиш гуноҳ бўлади. Нуқул пул ва фойда кетидан қувсак-да, аммо одамларимиз руҳан қашшоқ бўлиб қолишса-бундай жамиятнинг ҳеч кимга кераги йўқ".² Ана шу сабабдан ҳам иқтисод, ишбилармонлик ва тадбиркорлик соҳасида фаолият юритаётган кишиларни маънавий тарбиялаш, уларнинг ахлоқий камолотига кўпроқ эътибор бериш ниҳоятда муҳим.

3. Шахснинг "гедонистик" /грекча - ҳузур-ҳаловат/ қадриятлар ҳузур-ҳаловат ва лаззатли ҳаёт кечириш билан боғлиқ бўлган фаолият, ҳатти-ҳаракат, муаосабат, эҳтиёж, талаб ва интилишларда ўз ифодасини топади. Албатта, ҳар бир инсон ҳузур-ҳаловат кўриш, шод-хуррам яшашни истайди, орзу қилади, бунга эришиш йўллари қидиради. Ушбу маънода бу қадриятлар шахсан фаол бўлишга, ижодий фаолият юритишга ундайди. Кўпгина кишилар ўз умрини тинч, ҳузур-ҳаловатда ва шод-хуррамликда ўтказиши, бу борада бошқаларга халақит бермасдан, ўзгалар ҳисобидан эмас, ўз меҳнати, қобилияти орқали шундай ҳаёт кечиришга эришиши орзу қилади, уларнинг орасида тўла ҳузур-ҳаловатда яшаш қийин эканигини, ҳатто бунинг иложи йўқлигини таъкидлайдиганлар ҳам йўқ эмас.

Гедонистик қадриятларни устун қўювчи кишилар нарса, воқеа, ҳодисаларни кўпроқ ҳузур-ҳаловат бағишлаш, ўзларининг чарчоқларини қондириши, ижобий

¹ Абдулла Авлоий. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. 34-бет.

² Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсий, мафкура. –Т.: Ўзбекистон. 1994, 25-бет.

ҳиссиётлар уйғотиши салбий кечинмалардан халос қилишига қараб қадрлайдилар. Улар саёҳатлардан кўра дам олиш уйларига, томошалардан кўра ҳордиқ чиқарувчи жойларга боришни афзал кўрадилар. Кўп ҳолларда ўзлари ҳам бировларга халақит бермаслик, уларнинг тинчини, ҳузур-ҳаловатини бузмаслик учун ҳаракат қиладилар, дўстлар, ҳамроҳларни ҳам ана шундай сифатларига қараб танлашга ҳаракат қиладилар.

Ҳузур-ҳаловат ва лаззатланиш билан боғлиқ ғарбда кенг тарқалган қарашлар мавжуд. Аслида бу қарашларни диққат билан ўрганиш шуни кўрсатадики, ғарб олимлари ва мутахассислари, кўпроқ шахснинг кундалик ҳаётидаги қизиқишлари ва мақсадларини аниқлашга, порлоқ келажакни эмас, балки ҳар кунини, ҳар сония зарур бўладиган қадрли ҳаётни талқин қилишга кўпроқ интиланганлар. Моддий бойликларни тақсимлашга нисбатан одамларнинг тенглигига эришиш асосий вазифаси бўлиб ҳисобланадиган камбағал жамият билан, яшаш шароити баланд, моддий бойликлари бисёр, кишиларда маънавий эҳтиёжи, қобилияти ва таланти учун кенг имкониятлар яратиш асосий вазифа бўлиб ҳисобланадиган жамият ўртасида фарқ катта. Улар орасидаги фарқ гедонистик қадриятларга нисбатан муносабатда ҳам намоён бўлмасдан иложи йўқ. Бу масала умуминсоний, шарқона ва миллий қадриятларни барқарор қилиш асосида келажакни қуришга ҳаракат қиладиган жамиятимиз учун ийҳоятда муҳим. Бугун эса "... ижоднинг барча турларини ривожлантириш, одамларнинг истеъдод ва қобилиятларини намоён этиш учун шарт-шароитларни яратиди., республиканинг барча фуқаролари ва юридик шахсларга ташаббус кўрсатиш учун тенг имкониятлар яратиш..."¹ асосий вазифалардан бирига айланмоқда.

4. Шахснинг жамият, ижтимоий тизимдаги эгаллаган мавқеи, амали, жамоа ва муҳтдаги ўрни билан боғлиқ ижтимоий мавқеига алоқадор қадриятлари ҳам мавжуд. Улар фақат шахсий доирада қадрият саналиши, шахсий қадриятлар тизимида муайян ўрин эгаллаши мумкин. Шахснинг мавқеи билан боғлиқ қадриятлари амал, бошқарувчилик, пешқадамлик билан боғлиқ хусусиятларни тарбиялаш, кишиларни ижодийлиги ва изланувчанлигини оширишга ундайдиган омил вазифасини ўташи мумкин.

Ушбу қадриятларни устивор биладиган шахслар учун, бошқа кишиларни жамият ёки бирор ташкилотдаги ўрни, муайян доирадаги мавқеи катта аҳамият касб этади. Улар, жамиятда юқори мавқен эгаллаганлигидан обрў-эътиборли саналадиган одамларни кўпроқ қадрлайдилар. Бундай киши насихатларига қулоқ тутадилар, фикрларни ўрганадилар, уларга эргашадилар. турмуш тарзларидан ибрат оладилар, ўзлари ҳам ҳаётда ёки муайян жамоада юқорироқ лавозимни эгаллашга ҳаракат қиладилар.

Шахснинг ижтимоий камолот /карьера/ ва мавқеи билан боғлиқ қадриятлари кўп ҳолларда уни қунт билан ўрганишга, сабоқ олишга, ўз устида ишлашга, ҳаёт дипломатияси алифбосини эгаллаб олишга ундайди. Бундай кишиларнинг кўпчилиги ўзларига дўст-ёр орттириш, қўшнилари, ҳамроҳларни танлашда ҳам юқоридаги жиҳатларга эътибор берадилар. Бундан ташқари, улар ўз фаолиятлари учун зарур бўладиган янгиликлар, сиёсий ва мафкуравий ўзгаришларни тезроқ англаб оладилар ва давр йўналишларига ҳозиржавоб бўлишга ҳаракат қиладилар. Жамият ва миллатнинг тақдири ҳам улар учун бегона эмас.

Кишининг ижтимоий мавқеи, амали, лавозими билан боғлиқ шахсий қадриятлар жалиятда ўзига хос ўрин тутайди. Уларни фақат ижобий ёки салбий хусусиятларни вужудга келтириш манбаи сифатида қараш нотўғри. Бундай қадриятларни ўрганиш, жамиятимиз туб ўзгаришларни бошидан кечираётган ҳозирги давр учун, ниҳоятда муҳим. Бу борада эса чуқур илмий таҳлилга

¹Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т. Ўзбекистон, 1993, 47-бет.

асосладган тадқиқотлар олиб бориш зарурияти етилган. Шахснинг бу борадаги қадриятлари ниҳоятда хилма-хил. Уларнинг ўзини алоҳида тизим сифатида /комплекс, система тарзида/ ўрганиш ва таҳлил қилиш мумкин. Бунда эса ахлоқшунослик, руҳшунослик, жамиятшунослик ва социология соҳасидаги ютуқлар қадриятшуносликнинг ушбу соҳадаги муаммоларини чуқур, ил мий таҳлил қилиш ва уларни амалиётнинг замонавий талаблари даражасида ечишга имкон бериши мумкин.

5. Шахснинг интеллектуал /лотинча ақлли/ қадриятлари унинг қобилияти, билими, истеъдоди., таланти, уларни рўёбга чиқариш имконияти ва бошқалар билан узвий боғланган. Бу қадриятлар билан боғлиқ муаммолар ижтимоий билимлари азалий мавзуларидан биридир. Қадимги Греция ва Рим фалсафасида ҳам, Шарқ ва Осиё мутафаккирлари қарашларида ҳам инсон ақли, қобилияти, истеъдодининг аҳамияти ва қадри ғоят баланд, деб ҳисобланган. Ҳозирги замонда инсонни бу соҳадаги қадриятлари аҳамияти ниҳоятда ошиб кетди, унинг интеллектуал қадриятларига эҳтиёж кучайиб бормоқда. Бундай шароитда интеллектуал қадриятларни таҳлил қилиш муаммолари, катта аҳамият касб этмоқда. Бу борада ҳаётнинг кундалик шароитларига мослашув жараёнида интелектнинг намоён бўлиши билан боғлиқ ҳолатларни ўрганиш илвий-аксиологик жиҳатдан ниҳоятда муҳим. Айниқса юртимизда шаклланаётган бозор шароитида шахсий-анцивидуал қобилият, истеъдодга талаб ошган даврда, интеллектуал қадриятлар инсонни ҳаётга мослашуви ва яшаш йўлини тез топишида катта самара бериши ҳам мумкин. Француз руҳшунослари А.Бине ва Т.Симон томони дан таклиф қилинган кишиларни интеллектуал қобилиятлари, иқтидорлари, малакалари ва билимларини махсус тестлар ёрдамида аниқлаш усулини кенг тарқалганлиги ҳам бежиз эмас.

Қобилият, истеъдод ва талант ҳаммада ҳам бир хил ривожланавермайди ва бир текис намоён бўлмайди. Бу қадриятлардан шахснинг фаолиятида фойдаланиш ниҳоятда тез ва ижобий натижалар бериши ҳам мумкин, гап уларни тўғри тарбия қилиш, рағбатлантириш, ҳаққоний баҳолашдир.

Бу қадриятларни устун қўядиган кишилар бошқаларни ана шу жиҳатларига қараб баҳолайдилар, уларнинг билими, ақлий камолини ҳисобга оладилар. Бундай кишилар учун ақлий-илмий камолат, ўз инсоний қобилиятларини такомиллаштириш, талантини янада яхшироқ намоён қилиш мумкин бўлган фаолият, ижтимоий муносабатларда эса бунга имкон берадиган жиҳатлар катта аҳамият касб этади. Улар касб, фаолият ва иш жойларини, ҳатто умр йўлдоши, дўстлар танлашда ҳам интеллектуал қадриятларни ҳисобга оладилар. Турли ил мий ва ўқув билимгоҳлари, ижодий ташкилотлар, таҳририятларда бу борадаги фидойи кишиларни кўплаб учратиш мумкин. Бошқа хусусиятларига кўра бир-бирдан мутлақо фарқ қиладиган, турли авлодларга, миллат ва бошқаларга мансуб кишиларни интеллектуал қадриятлар бирлаштиради ва муайян мақсад йўлида ҳокисор меҳнат қилишга ундайди.

Интеллектуал қадриятлар энг камёб, жамият, илм-фан, ижод ва кашфиётлар учун ниҳоятда зарур. Ана шу сабабдан ҳам иқтидорли, қобилиятли, истеъдодли кишиларни асраб-авайлаш, уларга эҳтиёт-корлик билан муносабатда бўлиш ижобий натижалар беради. Ҳозирги даврда бундай кишиларга талаб ниҳоятда ортиб бормоқда. Ишлаб чиқариш талаблари ўсганлиги, электроника, кибернетика, автоматика ва умуман фан-техника ютуқларининг ҳамма соҳаларда кенг фойдаланиш, янги технологияларни жорий қилиш зарурияти интеллектуал қадриятлар аҳамиятини ошириб, қадрият шакли хос бўлган ёш авлодни камол топтиришни кун тартибига қўймоқда. Бу эҳтиёж айниқса мустақиллик йўлидан бораётган давлатимиз учун муҳим аҳамиятга эга. Чунки келажак кучли шахслар, соғлом тафаккур эгалари бўлган, илмли, ҳалол ва пок кишиларга боғлиқлиги сир эмас. Истеъдодли ва ижодкор кишилар - Ўзбекистонимизнинг бебаҳо миллий

бойлиги ҳисобланада, уларга шарт шароит ва ижодий имконият яратиш республикамиздаги фан тараққиёти борасидаги ишларнинг муҳим қисмидир.

б. Шахсининг **эмоционал** қадриятлари асосан ҳис-туйғуларга, кайфиятларга, кучли ҳаяжонларга /стресс/ боғлиқ бўлади, кўпроқ руҳий ҳаяжонлари оқибатида фаолият юритадиган даврда шахслар қадрини белгилайди. Улар икки хил: кишини эмоционал таъсирдан кейин тезкорлик ва шиддат билан ижобий ҳаракат қилишга /ботирликка/ ундаши; ёки салбий, ниҳоятда суст фаолият юритишга тушкунликка тушиш, саросимага /қўрқоқлик/ олиб келиши мумкин. Эмоционал қадриятлар, муайян даражада кияшлар фаолияти ва ҳатти-ҳаракатини тартибга солиб туриши мумкинлигидан шахс маънавияти учун катта аҳамиятга молик.

Ҳис-туйғулар, кайфиятга асосланган эмоционал жиҳатларни устун қўядиган шахслар кўпроқ ўзларига ўхшаган кишилар билан мулоқотда бўлиш, бунга имкон берадиган фаолият тури ёки касбни танлашга ҳаракат қиладилар, ўзлари ҳам гоҳида кучли эҳтиросга эга бўладилар, ҳатти-ҳаракатларида ҳис-туйғулар устунлиги сезилиб туради. Шахсий фаолиятларида эҳтирос, ҳис-туйғулар ва ҳаяжонларга бой жиҳатлар кўпроқ бўлишини хоҳлайдилар ва бунга ҳаракат қиладилар. Адабий, шоирона тил билан ифодалаганда, бундай кишилар уйда жим ўтиришдан кўра томошоларни, китоб ўқишдан кўра кўпроқ куйлашни, корхонада кийим тикадиган ишчи бўлгандан кўра, уларни намойиш қиладиган ходималикни фотографикдан кўра суратга тушишни ёқтирадиган /фотомодел/ кишилардир. Оммавий ижрода овозини баланд қўйиб, солдатлар машқида астойдил ер тепиб турган кишини кўрсангиз, уни ҳас-ҳаяжон бошқараётганига амин бўлаверинг.

Ҳис-ҳаяжон ва туйғуларга асосланган эмоционал жиҳатлар, ҳолатлар қадрият бўлиши мумкими? - деган масала турли баҳсларга сабаб бўлиши мумкин. Аслида бу фикрни умуман шахсий қадрият тизимини ташкил қиладаган таркибий қисмларнинг кўплари хусусида ҳам айтиш мумкин. Аммо алоҳида инсонни қадрият сифатида тушиниши учун албатта илмий нуқтаи назардан, ижтимоий фанлар ва руҳшуносликни қўлга киритган: замонавий ютуқлари, айниқса, ишлаб чиқариш ва бошқаришда эмоционал жиҳатлар ғоят катта аҳамият касб этаётганлиги бу муаммоларга бутунлай бошқача ёндашишни талаб қилмоқда. Шу билан бирга илғор мамлакатлар таарибаси ҳаёт ва ишлаб чиқаришда қатор хизматлар билан бирга руҳиёт хизматини /психологик хизмат/ ташкил қилишни кенг йўлга қўйишни талаб қиладиганлиги, бу борада бизни мамлакатимизда ҳам чора-тадбирлар кўриладиганлиги масалани янада долзарблаштиради. Руҳий таъбабат билан боғлиқ муваффақиятларга эришишида ҳис-туйғу ва идрокнинг кучи, касалликларни олдини олишда улардан фоидаланиш самараси билан боғлиқ илмий-амалий масалалар, бу борада ижтимоий руҳшуносликни қатор фанлар билан, шу жумладан қадриятшунослик билан ҳам ҳамкорлик қилишини талаб қилмоқда. Ҳолбуки, бу борада нафақат ижтимоий фанлар билан балки табиий фанлар билан амалий ва илмий ҳамкорлик қилиш эмоционал қадриятларни энг мўъжизакор қирралариани кашф қилиш имконини бериши ҳам мумкин.

Демак, инсон табиатни энг олий мўъжизаси, тарихий тараққиётни ижтимоий маҳсули сифатида жамиятдаги асосий қадриятдир. Ҳар қандай жамиятни ижтимоий одиллиги, унда умумиинсонийлик мезонларига амал қилиниши пировард натижада инсон қадрини қай даражада эканлиги, шахсининг индивидуал қадриятларни намоён қилиши учун имкоанятлар яратилганлиги билан боғлиқ. Инсоннинг ўзи яқка ижтимоий тизим бўлгани каби, уни шахсий-индивидуал қадриятлари ҳам яқка аксиологик тизимдир. Бу тизим ўз кўламига кўра умуминсоний ва миллий қадрият тизимларига /умумийлик ва хусусийликка/ нисбатан ниҳоятда кичик алоҳидалиқдир. Аммо ҳар қандай киши ана шу қадриятлари, уларни турли шаклда намоён бўлиши натижасида бошқалар ва жамият учун қадрлидир. Инсон нафақат қадриятлар дунёси, балки ўз қадр ва унинг намоён бўлиши учун ҳам масъулдир. Бу масъуллик эса ўз навбатида унинг

қадрини шакллантирадиган асосий мезонлардан бири бўлиб ҳисобланади. Инсоният тарихининг ҳамма замонлари учун умумий бўлган бу ҳолат бугунги кунда барчамизнинг зиммамизда улкан масъулият борлигини англатади.

Қадриятлар амалиётидаги жараёнлар диалектикасини билиб олиш учун уларга хос ҳолатларни таҳлил қилишнинг ўзигина етарли эмас. Китобнинг давомида жамият-ижтимоий тузилишига мос келадиган умумий қадриятлар тизимининг барқарорлиги, ундаги инкор, янгиланиш ва ворислик диалектикасининг намоён бўлиши каби масалаларни қараб чиқишга ҳаракат қиламиз.

III –боб. Қадриятшуносликнинг фалсафий масалалари

Инсонда олам, табиат, жамият ва ўзга одамларни, ҳаёт, умр ва бошқаларни қадрлаш туйғуси бор. Бу туйғу уларнинг қадрини англаб олиш, қадриятни идрок қилиш, унинг аҳамиятини ҳис қилиш каби инсоний хусусиятлар билан уйғунлашиб кетган. Одам зоти олам ҳодисаларига нафақат баҳо беради, балки уларга қадр ва қадрлаш нуқтаи назаридан ҳам қарайди. Инсоний қадрлаш туйғуси кишининг нарса-ҳодисаларни оддий баҳолашдангина иборат эмас, балки қадриятли ёндашув асосида шаклландиган серқирра маънавий хусусиятдир. Шу маънода, у инсон зотининг энг ботиний маънавий хислатларидан биридир.

Қадриятларга ва қадрлаш туйғусига асосланган аксиологик қарашлар илмий жиҳатдан асосланган, назарий таҳлил қилинган, муайян принцип асосида тўпланган билимлар системасини ифодалайди. Улар қадриятлар соҳасида олиб борилган тадқиқотлар, илмий изланишлар, бу борадаги назариялар, китоб ва рисоаларда ўз аксини топади. Тугалланган, озми-кўпми мукамал, изчил баён қилинган ва қадриятлар тўғрисидаги системага эга бўлган аксиологик қарашлар мажмуаси қадриятлар назарияси, деб юритилади. Аксиологик қарашлар тарихида қадриятлар, уларнинг шакллари ва амал қилиш хусусиятлари тўғрисида бир қатор назария ҳамда аксиологик концепцияларни учратиш мумкин.

12-мавзу. Аксиологик онг ва қадриятли дунёқараш

Олам чексиз, кўп қиррали, уни инсоний ўзлаштириш, англаш, унга муносабат билдириш ҳам хилма-хил. Бу хилма-хиллик оламга қадриятли муносабат, қадриятли ёндашув ва аксиологик онгни ҳам ўзида акс эттиради. **Аксиологик онг** – қадриятларни англаш жараёнида вужудга келадиган, қадрлаш туйғуси, аксиологик тушунча, хулосаларни ифодаладиган ва акс эттирадиган ижтимоий онг шаклидир. Унда қадриятлар, уларнинг моҳияти, мазмуни, намоён бўлиш шакллари, аҳамияти ва хусусиятлари ўз аксини топади. Ижтимоий фанларда, сиёсий онг, экологик онг, эстетик онг каби ибораларга кўпчилик томонидан эътироф этилган илмий тушунчалар сифатида қаралади. Аммо аксиологик онг ибораси кўпчиликка нотаниш, унинг мазмуни тўғрисида фикр-мулоҳазалар ниҳоятда кам.

Аксиологик онг ижтимоий онгнинг махсус шакли бўлиб, олам, воқелик ва ҳаётни қадрлаш туйғуси асосида ўзига хос тарзда акс эттиради. Унга асосланган муносабат, ёндашув, амалиёт ва фаолиятлар ҳам бошқалардан фарқ қилади. Масалан, ҳуқуқ кишиларнинг ҳуқуқий муносабатлари ва бу борадаги фаолиятини акс эттиради. Ҳуқуқий талаблар ва нормалар эса қонун ёки қоидаларга айланган, муайян ҳужжатларда акс эттирилган бўлади. Уларга риоя қилиш кўп ҳолларда мажбурий бўлиб ҳисобланади, бу борада бир қатор идора ва ташкилотлар иш олиб бордилар.

Ахлоқ, эстетика ва аксиология эса ҳуқуқдан фарқ қилади. Улар билан боғлиқ қоида ва талабларни ҳаётга жорий этадиган махсус ташкилот ва идоралар йўқ ҳисоби. Ушбу қоида ва талаблар эса кўп ҳолларда жамоатчилик фикри,

фаолият ва яшашнинг маънавий мезонлари сифатида намоён бўлади. Уларнинг фойда ёки зиёнини аниқлашнинг аниқ ўлчами йўқ. Бу, айниқса, кадрлаш туйғуси, кадрни англаш ҳисси ва аксиологик онгнинг бошқа жиҳатларида яққол намоён бўлади.

Аксиологик онг, ўз навбатида, аксиологик ҳиссиёт, аксиологик идрок, кадрлаш туйғуси, аксиологик кечинмалар, қадрият мазмунини ифодаладиган тушунча, хулоса ва тафаккур билан узвий боғлиқдир. Кимдадир аксиологик идрок ва кадрлаш туйғуси бошқалардан кўра кучлироқ намоён бўлиши, унинг қалбида кадрлаш туйғуси билан боғлиқ ҳиссиёт кўпроқ ғалаён қилиши мумкин. Бундай кишида муайян қадриятни кадрлаш билан боғлиқ масъулият ва унга асосланган фаолият ҳам бошқаларга қараганда яққолроқ кўзга ташланиб туриши табиий.

Аксиологик билишда кадрлаш туйғуси ва аксиологик идрок муҳим аҳамият касб этади. “Кадрлаш туйғуси” аксиологик онгнинг энг асосий компонентларидан бири бўлиб, табиий ва ижтимоий ҳодисаларнинг қадрини англаш, завқ олиш, лаззатланиш, масъулият ҳиссини сезиш ва бошқаларда намоён бўладиган тушунчадир. Олам ва одам ўз аҳамияти билан қадрлидир. Оламдаги воқеа, ҳодиса ва жараёнлар одамлар учун кадрлаш туйғусини уйғотувчи асосдир.

Шу маънода объектив воқеликка, унинг намоён бўлиш шакллари, кўринишларига бевосита ва билвосита боғлиқ бўлмаган кадрлаш туйғуси ҳамда унинг мутлақ субъектив хусусият эканлигини эътироф этиш қийин. Зеро кадрлаш учун кадрланадиган «нимадир», яъни моддийлик ёки маънавийлик бўлмоғи, кадрлаш туйғусини уйғотиш учун эса, ана шу туйғуни вужудга келиши учун сабаб бўладиган «объект» бўлмоғи лозим. Шу маънода, олам, одам ва ҳаёт деб аталмиш серқирра маъволар кадрлаш туйғусини шакллантирадиган асосий мезонлардир.

Аксиологик дунёқараш – ижтимоий дунёқарашнинг ўзига хос таркибий қисмларидан бири сифатида, кишиларнинг воқеликка қадриятли муносабати ва фаолиятининг йўналишини белгиладиган аксиологик қарашлар, принциплар ва маслақлар мажмуасидир. Дунёқарашнинг аксиологик шакли қадриятли ёндашув, аксиологик муносабат, аксиологик баҳолаш кабиларни қамраб олади.

Умумий дунёқараш системасига аксиологик дунёқараш элементлари қўшилиши билан ижтимоий субъектларнинг воқеликка муносабатида кадрлаш туйғуси, қадриятли муносабат ва аксиологик баҳо яққол кўзга ташлана бошлайди. Бунда аксиологик принциплар кишиларнинг воқеликка муносабатларини, бир-бирларига нисбатан ўзаро алоқаларини тартибга солувчи маънавий мезонлар сифатида намоён бўлади. Улар кишиларнинг фаолиятларини амалга оширишдаги манфаат ва мақсадларида ҳам кўзга ташланади.

Бирор бир йўналишга қаратилган кадрлаш туйғуси ва бу асосдаги билимлар, интилиш, мақсад ҳамда манфаатлар кишиларнинг амалий фаолияти учун маънавий бошқарувчанлик (регуляторлик) вазифасини ҳам бажаради. Албатта, бунда қадриятлар билан боғлиқ омиллардан ташқари бошқа сабаблар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Аммо кишиларни бирлаштириб, муайян мақсадга интилишдаги умумий фаолиятда омилкор бўлишни таъминладиган омиллар орасида қадриятлар омили етакчи ўринни эгаллаши мумкин. Масалан, ҳозирги даврда Ўзбекистоннинг мустақиллиги ҳамда уни янада мустаҳкамлаш вазифалари жамиятимизда барқарорликни таъминлаш, демократик тамойилларга асосланган ҳаёт тарзини шакллантириш жараёнларида қадриятлар омили катта аҳамият касб этмоқда.

Оламга қадриятли муносабат шаклланиши ҳар бир кишининг етук инсон сифатида вояга етиши жараёнининг таркибий қисмидир. Киши камолот сари борар экан, ўзи, ўзгалар, ташқи муҳит, олам, умр, вақт, давр ва бошқаларнинг ҳақиқий қадрини англаш томон бораверади. Бу фоний дунёнинг ўткинчилиги, умрнинг мазмуни, яшашнинг мақсади, оламнинг абадийлиги қаршисидаги лаҳзалар қадрига етишни ўргана боради. Бу эса мазкур кишида аксиологик муносабат

шаклланишининг шахсий жараёнини англатади.

Аксиологик муносабат фақат якка, алоҳида шахсгагина тегишли ҳодиса эмас. Балки у ижтимоий гуруҳ, қатлам, миллат, давлат, жамиятга ҳам тегишли бўлиши мумкин. Ушбу маънода аксиологик ёндашув ва қадриятли муносабатнинг индивидуал ҳамда ижтимоий намоён бўлиш даражаларини, алоҳида, хусусий, умумий шакллари кўрсатиш мумкин.

Бу борада қуйидаги мисолга мурожаат қилайлик. Собиқ иттифоқ миқёсидаги ғайриаксиологик ёндашувга кўра, Марказий Осиё хом ашё етказиб берадиган худуд сифатидаги аҳамиятини сақлаб қолаверди. Унга ана шундай ёндашув собиқ СССР ҳаётининг сўнгги даврларигача давом этди, бу даврдаги туб “бурилиш”ларда Она-Ватанимизнинг табиатини қадрлаш, унинг келажагини ўйлаш ҳиссини топа олмайсиз.

Айнан ғайриаксиологик муносабат Оролнинг аста-секин йўқолиб боришига, Марказий Осиёнинг «шўр ювгичлари» бўлган Аму ва Сирдарёларнинг шўр тузларни денгизга эмас, балки она-заминимиз ҳудудига қуйиши оқибатида мисли кўрилмаган экологик ҳалокат содир бўлишига, Орол фожиасига олиб келган асосий сабаблардан биридир.

Тўғри, ўша асримизнинг ўрталаридан бошлаб қурилган каналлару сув омборлари қанчалар фойда келтиргандир. Аммо улар Оролнинг қадрини боса олармикин? Улар яна Оролни қайта тўлғизиш ва рўй бераётган экологик ҳалокатнинг оқибатларини тугатишга етармикин? Йўқ! Кўҳна ва навқирон тарих сохта қадриятларни устувор билишга асосланган ғайриаксиологик ёндашувнинг бу каби фожеавий мисолларига кўп бора гувоҳ бўлган.

Ана шу мисоллар бутун инсоният, қолаверса минтақамиз аҳолисида тўғри аксиологик ёндашувни, азалий умуминсоний маъволарни қадрлаш туйғусига асосланган қадриятли муносабатни шакллантиришга ундайдиган ибратли ҳодисалар янглиғ кишини ҳушёрликка ундайди. Ижтимоий ҳушёрлик, маънавий масъулият қадрлаш туйғусининг тўғри шаклланганлигини, оламга қадриятли муносабатнинг тўғри вужудга келтирилганлигини ифодалайди.

“Қадриятли ёндашув» тушунчаси. Воқеликни ўрганишда илмий билишнинг бошқа усуллари билан бирга аксиологик ёндашув ҳам катта аҳамият касб этади. Илмий билишда олам, ундаги нарса, воқеа, ҳодиса ва бошқалар қадриятнинг инсон онгида акс этиши, қадриятни англашнинг реалликка мос келиш қонунлари, даража ва имкониятлари, унинг меъёр ва мезонларини аниқлаш ниҳоятда муҳим.

Бунга умумий билиш назарияси (гносеология) билан бир қаторда ижтимоий ва табиий фанларнинг маълумотларига, айниқса, олий асаб системасининг физиологияси, ҳиссиёт органлари ва ақлий фаолиятнинг далилларига, мантиқ, тилшунослик каби фанларнинг ютуқларига таянилади. Қадриятларни англаш, ўрганишда ҳиссий ва ақлий билишнинг уйғунлиги, ҳукм, хулосаларнинг тушунча, атама ва белгиларни умумлаштириши, табиий ва ижтимоий воқеликдаги аксиологик жараёнларни таҳлил қилиш, уларга таяниб амалий фаолият юритиш бир-бири билан боғлиқ узвий жараённи англатади.

Ҳаёт ҳодисаларига ижтимоий-социологик ёндашилганида воқеа ва жараёнлар орасидаги ўзаро боғлиқлик, тарихий алоқадорлик, сабаб ва оқибат боғланишининг ифодаси бўлган узлуксизликка аҳамият ортади. Бундай ёндашув қадриятларга, улар билан боғлиқ жараёнларга нисбатан қўлланилганида яхши илмий ва амалий натижа беради.

Бунда қадриятлар тартибсиз намоён бўладиган ва бир-бири билан боғланмаган ижтимоий ҳодисалар сифатида эмас, балки у ёки бу давр, ижтимоий субъектлар ва бошқалар билан боғланган аксиологик системалар ҳамда уларнинг элементлари сифатида намоён бўлади. Қадриятларга бундай ёндашишда ижтимоий фанларнинг ютуқлари, тарих, этнография, демография ва социологик тадқиқотларнинг натижаларига таяниш қўл келади.

Аммо қадриятларни ўрганишда фақат ана шулар билан чегараланиб қолиш ярамайди. Балки реаллик, уни намоён бўлиш шакллари, воқеа, ҳодиса ва жараёнларнинг қадри, ижтимоий аҳамиятини англаш ҳам ниҳоятда муҳим. Бунда уларнинг ижтимоий функциялари, ўзига хос ташқи таъсирини англаш катта аҳамият касб этади. Фақат аксиологик ёндашув асосида қадриятларнинг илмий категория сифатидаги моҳияти, бошқа тушунчалардан фарқи, объектив асослари ва субъектив англаб олиниши, намоён бўлиш шакллари ҳақида тўғри маълумотлар олиш мумкин.

Бунда нарса, воқеа, ҳодисалар, кишилар ва уларнинг фаолиятига кадр ва кадрланиш даражаси нуқтаи назаридан қаралади. Мазкур қарашда фойдалилик, қиймат ва уларни ифодалайдиган иқтисодий баҳо эмас, балки кадрнинг аҳамияти асосий ўрин тутаяди. Бунда кадр ва баҳо бир бирига мос келмайдиган, нарса ёки объектнинг қадри унинг иқтисодий қийматидан бир неча марта салмоқлироқ бўлиши ҳам мумкин бўлган ҳоллар кўп учрайди. Масаланинг бу жиҳатини ўрганиш ахлоқшунослик, эстетика, ҳуқуқшунослик, маданиятшунослик, сиёсатшуносликнинг далилларига ва маънавийнинг ижтимоий қирраларига таянади. Бунда, айниқса, иқтисодий, сиёсий, маънавий фаолият ва жараёнларнинг жамият ҳамда ижтимоий субъектлар учун аҳамияти, ҳаётнинг турли қирраларини акс эттирадиган муаммолар ҳамда уларнинг ечимларини ифодалайдиган қарашлар, ғоялар, таълимотлар, талаб ва эҳтиёжларнинг реал жараёнлар учун кадр-қимматини аниқлаш катта аҳамият касб этади.

Демак, оламни ўрганиш ва реалликнинг қонуниятларини тавсифлашда гносеологик, социологик ва аксиологик ёндашувларнинг уйғунлиги, зарур бўлганида улардан фойдаланишда комплекс муносабат лозим. Коинотдаги ҳодисаларнинг сайёрамиз ҳаётига, Ер юзидан рўй бераётган жараёнларнинг одамлар умри ва турмуш тарзига таъсири, экологик ҳалокат ва уруш хавфи натижасида инсониятни сақлаб қолиш эҳтиёжлари, одам зоти ва тирикликнинг энг қадрли маъволар сифатидаги аҳамиятини тўғри англаш учун аксиологик ёндашишга таянган маъқул.

Фанда инсон онгини, унинг физиологиясини ўзгартириш борасида олиб борилаётган тадқиқотлар илмий билиш нуқтаи назаридан муҳим. Қурол-яроғларни такомиллаштириш, атом-ядро соҳасидаги кашфиётлар ҳам илмий билиш чегарасини кенгайтиради. Биологик ва химик жараёнларнинг янги қирраларини очиш, генлар инженерияси, психотерапия соҳасидаги тадқиқотлар ҳам билимларга билим қўшмоқда. Аммо уларнинг инсон ҳаёти учун аҳамияти қандай? Улар ҳақиқий қадриятларга хизмат қиладими? Бу соҳаларда янгиликнинг ёки фойданинг қўлга киритилиши натижасида умуминсониятга яхшилик келтирадими? Баъзи иқтисодий фойдаларнинг қадри ниҳоятда оз, улар аслида инсониятга зиён келтириш эмасми? Бу муаммоларга аксиологик ёндашув уларни тўғри англаш имконини беради. Янги ерларни ўзлаштириш, дарёларни ўз ўзанидан бошқа ёққа буриш, тиббий муолажада қисқа муддат фойдали бўлган баъзи дори-дармонлардан (допинг) фойдаланиш борасида аксиологик ёндашувга асосланганлиги тўғрисида кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Аммо, афсуски, жаҳоннинг баъзи жойларида ҳалигача бу соҳаларга ғайриаксиологик қараш мавжудлигини, бунда кўпроқ иқтисодий фойда олиш ва кундалик мақбулликнинг орқасидан қувиш устувор бўлаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бутун жаҳонда бундай йўлдан боришнинг ҳалокатли эканлиги эътироф этилмоқда ва ривожланишнинг самарали йўллари таклиф қилинмоқда.

Хуллас, одамзот насли фойда билан бирга қадрга ҳам кўпроқ эътибор бериши лозимлигини аста-секин англаб олмақда. Лекин бу жараён ниҳоятда секин амалга ошмаяптими? Ҳарбий қуролларнинг янги нусхаларини, уларни олиб учадиган ракета ва самолётларнинг янгиларини кўз-кўз қилишга, уларни сотиб, миллионлаб фойда олаётган мамлакатларнинг ютуқларига маҳлиё бўлаётган

инсоният қадрлаш ва ҳақиқий қадрли маъволарга интилишда имкониятларни қўлдан бой бераётгани йўқми? Бу муаммолар ҳам ижтимоий ҳодиса ва жараёнларга аксиологик ёндашишнинг моҳияти, амалий аҳамияти ва қадрини янада кенгроқ изоҳлаб беришни, бу усулни оммавийлаштириш заруриятини вужудга келтиради.

Аксиологик баҳолаш. Воқеликка, ундаги нарса ва ҳодисаларга нисбатан қадриятли муносабат ҳамда уларни қадрлаш туйғуси асосида шаклланган ҳукм ва хулосалар аксиологик баҳода акс этади. Аксиологик баҳо иқтисодий қийматдан фарқ қилади, унда қадрлаш туйғуси асосий аҳамият касб этади. Бу нуқтаи назардан олганда аксиологик баҳолаш нарса, ҳодиса ёки жараённинг иқтисодий қийматини, фойдалилигини белгилаш орқали эмас, балки унинг субъект маънавий олами учун қандай аҳамият касб этишини аниқлаш орқали амалга ошади.

Иккинчи томондан эса, аксиологик баҳолашни нарса ва воқеаларнинг иқтисодий қиймати билан мутлақо алоқаси йўқ, деб бўлмайди. Аслида, воқеликни намоён бўлиш шаклларининг иқтисодий қийматини аниқлаш, уларнинг ижтимоий зарурлигини, кераклилик даражасини белгилаш, уларга ахлоқий-эстетик ёндашиш ва аксиологик баҳолаш бир-бири билан узвий боғланган ҳодисалардир.

Ижтимоий воқеликни аксиологик баҳолаш уни синфий, партиявий баҳолашдан кескин фарқ қилади. Бунда, асосан, ҳар бир давр ёки одамзот насли авлодининг қадрли эътиборга олинади, воқеликни баҳолаш ва унга нисбатан муносабатни таҳлил қилганда ҳам қадрият нуқтаи назаридан ёндашув устувор бўлади.

Муайян давр ёки тарихий босқичга аксиологик ёндашув асосида баҳо берилганида унинг бошқа даврлардан инсоният учун ижтимоий аҳамияти, қадр-қиммати нуқтаи назаридан ажралиб туриши, ўзига хослигига эътибор берилади. Бунда даврнинг ютуқлари, маданият тарихидаги ҳиссаси, қолдирган мероси, уларнинг кейинги даврлар учун қай даражада қадрли бўлганлиги ҳисобга олинади. Бу қадимги Греция, қадимги Миср, Вавилон, Византия, Ўрта аср Шарқ цивилизацияси кўтарилиш даврларига аксиологик баҳо берганда яққол кўринади.

Аксиологик баҳолашда у ёки бу давр кишиларига бирор табақа, қатлам, синф, миллат ёки ирқ вакили сифатида эмас, балки тирикликнинг энг олий мўъжизаси бўлган одамзот наслининг вакили сифатида қараш устувор бўлади. Бунда қуйидагилар эътироф этилади:

- инсон жамиятнинг энг олий қадрияти, одамзот наслини давом эттирувчи авлод вакилидир;
- ҳар бир шахснинг тирикчилик қилиш, умргузаронлик муносабатларида бўлиш, яшаш ҳуқуқи бор;
- инсоннинг яшаш ҳуқуқи – табиий ва муқаддасдир, уни одамзотга ҳеч ким бермаган ҳеч кимнинг одам зотини ундан мажбурий маҳрум қилишга ҳаққи йўқ;
- ҳамма нарса инсон учун, унга қарши нарсалар жамиятга ҳам қаршидир;
- инсонни қадрлаш – жамиятни қадрлаш демакдир, инсоннинг қадрини ошириш тараққиётнинг асосий мезонидир;
- одамзот наслининг умрини узайтириш, ҳаётини яхшилашга қаратилган ўзгартишлар ижобий йўналишга эга ва ҳоказо.

Ижтимоий воқеликни **қадриятли баҳолаш объектлари** хилма-хил ва турли-туман, зеро нимагаки аксиологик ёндашилса уни аксиологик баҳолаш мумкин. Масалан, Қуёш системасининг таркибий қисми бўлган Ер шарига турли хил ёндашув бор: астрономик, табиий-географик, физик, химик, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва ҳоказо. Бу ёндашувларнинг ҳар бири Ерга нисбатан турлича қараш, муносабат ва баҳолаш билан характерланади. Астроном Ернинг сайёра сифатидаги ўрни, ўзга сайёралар билан алоқасига кўпроқ эътибор берса, иқтисодчи унинг моддий имкониятлари, инсоният учун табиий хом ашё захираси сифатидаги хусусиятларини ҳисобга олади. Қадриятшунос эса Ерни одамзот наслининг абадий

макони, келажак авлодлар учун сақлаб қолиниши лозим бўлган энг буюк қадрият объекти, инсоният учун ҳеч қачон ўз қадрини йўқотмайдиган умумий ватан сифатида талқин қилади.

Ана шу маънода немис аксиологи Г.Риккертнинг: «Одамзот олам қадрини, коинот ва ўз қадрини англай бошлаганида инсон сифатидаги моҳиятга эга бўлади. Ўзи, ўзгалар ва олам қадрини англамайдиган жонзот инсоний моҳиятга эга бўлолмайди», – деган сўзларида олам-олам мазмун бор. Бу сўзлардаги маъно одамзот наслининг ҳамма авлодлари учун тегишли бўлган масалага, яъни нафақат ўзининг, балки атроф-муҳит, нарса, воқеа ва ҳодисаларнинг қадрини англайдиган вужудгина инсон деган улуғ номга лойиқлиги масаласига бориб тақалади.

Афсуски, инсоният тарихида олам, ўзгалар ва ўз қадрини англаш туйғуси устувор бўлган даврлардан кўра, моддий бойликлар, ҳарбий ғалабалар, иқтисодий ютуқлар орқасидан қувиш ҳисси кучли бўлган даврлар кўпроқ бўлган. Бўлмаса инсоният кейинги 5 минг йилдан бор-йўғи 270 йилини урушсиз ўтказармиди? Атиги 270 йил инсоният бир-бирини ўлдирмасдан, вайроналар қилмасдан яшай олибди, холос.

Бугун-чи? Бугун осмонни азонсиз қолдириб, ўз маконини ёпинғичдан жудо қилаётган, экологик ҳалокат, уруш қуроллари кўпайиши оқибатида умумбашарий қирғин ҳавфи қаршисида турган одамзот тўғрисида нима дейиш мумкин? У етук зотми? Ёки жоҳил ва саводсизми? Агар у етук жонзодга айланган бўлса, унда нега оламда 50 миллион ёш ва навқирон йигитлар аскар кийимида юрибди? Уларнинг фаолияти нимага хизмат қилади? Одамларни қадрлаш, кишиларнинг умрини узайтиришгами?

Ҳарбий соҳада кашф этилган ўқ отиш қуролларининг бирортаси ҳам аслида ўзига нишон бўладиган кишининг умрини узайтиришга хизмат қилмаслиги аниқ. Зеро, кўп ҳолларда ўқ отиш қуроллари қадрлаш туйғусининг эмас, балки қадрсизланиш жараёнининг оқибатлари натижасида «тилга киради». Хуллас, бу борада ҳам аксиологик ёндашув ва қадриятли муносабатнинг устуворлигини таъминлаш муаммоси етилган. Бу борадаги имкониятларни, муаммоларни ечишнинг самарали йўлларини излаб топиш аксиологик тадқиқотларнинг асосий вазифаларидан бирига айланиб қолди.

Мамлакатимизда қадриятшунослик масалалари кенгроқ ва чуқурроқ ишлана боргани, бу борада илмий, назарий ва амалий билимлар кўпайгани сари аксиология масалаларининг мазмуни ва кўлами кенгайиб, аҳамияти эса тобора ортиб бораверади. Бу эса келажакда мавзуни кенгроқ ва атрофлича изоҳлаш имконини яратади, деб умид қиламиз.

13-мавзу. Қадриятларни қадрлаш ва қадрсизланиш муаммолари

Қадрлаш ва қадрсизланиш аксиологиянинг энг асосий масалаларидан биридир. Ҳамма замонларда кишиларда қадрлаш туйғусини шакллантириш ва тўғри тарбиялаш ниҳоятда муҳим. Бу туйғу инсонга она сути, ота васияти, боболар ўғити, авлодлар ёди, мозий сабоқлари билан бирга ўтади, мерос қолади. У фақатгина меросий туйғу эмас, балки кишининг бутун ҳаёти давомида тарбияланади, сайқалланади, бирор йўналиш асосида такомиллашади, турли даражаларда намоён бўлади.

Қадрлаш туйғусининг қандай шаклланганлиги қадрлаш даражаларида кўзга ташланади. Шахсий даражада у инсоннинг маънавий камолотини, унинг қандай қадриятларни устувор билишини, бу қадриятларни барқарор қилишдаги фаолиятини ифодалайди.

Қадрлашнинг миллий ёки умуминсоний даражаларида эса муайян миллатнинг маънавий етуклиги, жамиятнинг баркамоллиги, ундаги мавжуд ҳаёт тарзининг инсонпарварлиги намоён бўлади. Аммо, ҳаётда доимо ҳам қадрлаш

мўлжаллари тўғри белгиланавермайди, гоҳида қадрлаш мезонларига амал қилинмайди ёки уларга аҳамият берилмайди. Бу эса бир қатор салбий оқибатларни келтириб чиқариши ҳам мумкин.

Жаҳон тарихи шахсий маҳдудлик, миллий манқуртлик, буюк давлат шовинизми, маъносиз космополитизм, фашистларча олий ирқ даъвоси каби иллатлар пайдо бўлмаслиги учун қадрлаш меъёрлари ва қадрият мўлжаллари тўғри белгиланган бўлиши, улар кишиларнинг ҳаёти ва фаолиятининг маънавий мезонларига лозимлигини исботлаб турибди.

Қадрлашнинг белгилаб қўйилган чегараси бўлмасада, у чексиз ҳиссий жараён эмас. Балки муайян қадрлаш меъёрлари мавжуд. Қадрлаш меъёрлари қадрият мўлжаллари ва қадрлаш мезонлари билан узвий боғланган.

“Қадрлаш меъёрлари” ва “қадрият мезонлари” қадрлаш туйғуси натижасида шаклланган маънавий камолот ва ижтимоий комиллик даражасини, ахлоқий етуклик, нафосат, маданиятлилик, ҳуқуқ ва одилликнинг зарурий талабларини ўзида акс эттирадиган аксиологик тушунчалардир. Бу тушунчалар остида турмушнинг қоғозларда ёзилмаган, ақл ва идрок билан англаб олинадиган, фақат ўқиб эмас, уқиб ўрганиладиган ҳаётий қонунлари, талаблари ифодаланган. У ёки бу нарса, воқелик шакли, киши, унга хос фаолият ва хусусиятни қадрлашда ана шуларга эътибор бермоқ керак.

Қадрлаш меъёрларининг бузилиши кўнгилсиз ҳолларга, маънавият талабларининг сийқалашувига олиб келади. Бундай ҳоллар ижтимоий субъектларнинг фаолият кўрсатиш даражасига, эътироф этилган ҳолатига боғлиқ бўлади. Масалан, шахсий қадриятлар борасида бу ҳол қуйидагиларда яққол кўринади: ўтакетган соддалик – лақмаликка ёки бачканаликка айланиб кетади; ўз хислат ва хусусиятларини ортиқча кўз-кўз қилиш – мақтанчоқлик ва тантиқликка, юз-кўзларига ортиқча оро бериш – ҳақиқий гўзалликнинг бузилишига, бошқаларга муносабат ва муомаладаги ҳаддан кўп жаҳду-жадал қилмоқ ҳамда ортиқча шиддат кўрсатмоқлик – ғазабга, тушунмасдан ва билмасдан қилинган бундай нодонлик жаҳолатга олиб келади. Бу салбий хусусиятлар билан бирга шаҳват, адоват, ғийбат, ҳақорат, ҳасад, нифоқ, таъма, зулм кабиларнинг ҳар бири умум томонидан эътироф этилган ахлоқий қадриятлар мезони ва қадрлаш меъёрларининг бузилганлиги, муайян қадрсизланиш намоён бўлаётганлигини ифодалайди. Шу билан бирга, улар инсоннинг ижтимоий ва маънавий қадр-қимматини оширмайди, балки уни салбий хусусиятларининг намоён бўлиши сифатида кўзга ташланади.

Тўғри тарбияланган қадрлаш меъёрлари диёнат, шижоат, қаноат, сабр, интизом, виждон, ор-номус, гўзаллик, нафосат, иффат, ҳаё, идрок, садоқат, одиллик ва бошқаларда яққол намоён бўлади. Маънавиятнинг ушбу жиҳатлари ахлоқ, хулқ ва бошқа соҳалардаги қадрлаш меъёрлари қандай бўлиши лозимлигини англатади.

Албатта, бу борадаги хулосалар нисбий, уларнинг намоён бўлиш даражаси ҳам хилма-хил. Масалан, муайян шахсни қадрлаш меъёрларининг бузилиши, собиқ иттифоқда шахсга сиғинишни ёки орден ва медалларга ружу қўйиш, қарсақбозликни келтириб чиқарган эди. Ягона кучнинг ҳукмини сўзсиз бажарадиган системанинг яратилиши собиқ СССРни тоталитар давлатга айлантирди.

Худди шундай ҳолат, яъни қадрлаш меъёрининг бузилиши ва «олий ирқ» ғоясининг мутлақлаштирилиши Германияда фашизмнинг пайдо бўлишига, Ямато мамлакатининг Хитой ва Манжурияга эгалик ҳуқуқи борлиги тўғрисидаги даъволар эса Япониянинг II жаҳон уруш давридаги босқичларига, БМТ ажратган ерларга қаноат қилмаслик эса Исроилнинг ўзга ерларни босиб олишига ва Фаластин фожеасига олиб келганлиги айна ҳақиқат.

Қўлида қурол ушлаши мумкин бўлган кучларнинг ҳокимият учун кураши, бу курашда мамлакатнинг яхлитлиги мезонининг унутилиши ва қадрлаш меъёрларининг бузилиши Камбоджада ва Афғонистонда ўнлаб йиллар давомида

рўй берган хунрезликларга сабаб бўлди. Айнан Камбоджада, қарийб 30 йилдан буён, ҳокимият қўлдан-қўлга ўтмоқда, янги даъвогарлар пайдо бўлмоқда. Тахт бўш қолаётгани йўқ. Аммо бу халққа фойда келтираяптими? Йўқ, албатта. Биргина Пол Потчилар даврида 1,5 млн. камбоджалик ҳалок бўлди, миллионлаб кишилар уй-жой ва бошпанасиз қолдилар, минглаб жафокашлар мамлакатдан қочиб кетишга мажбур бўлди.

Худди шундай ҳолни Афғонистон ҳам бошидан кечирмоқда. Афғонистонда подшоликнинг тугатилиши, Муҳаммад Таракий, Ҳафизулла Амин, Нажибуллаларнинг тахтда туриши, собиқ совет қўшинларининг интервенцияси – буларнинг барчаси, бор-йўғи ўн йилда содир бўлди. Ана шу 1977-1987 йилларда 1,5 миллион афғонистонлик ҳалок бўлди, мамлакат халқлари орасидаги нифоқ кучайиб кетди. Кейинги йилларда ҳам ҳокимиятга интилиш, уни эгаллаш илинжи кучайди, ҳар бир кичик ҳудуд бошлиғи ўзини мамлакатга ҳукмдор, дея ҳис эта бошлади. Уларнинг орқасидан эргашган кучларнинг ҳокимият учун курашлари маъносиз хунрезликка айланиб қолди.

Ҳолбуки, бу икки мамлакатда ҳам ички урушлар билан машғул бўлаётган кучларнинг фаолиятини, урушларга сарфланаётган маблағларни тинч қурилиш, мамлакат фаровонлигига сарфлаш бутун инсониятнинг тинчлик йўлидаги ҳаракатларига мос бўлиб тушар эди. Бу жойларда урушнинг маъносиз заруриятга айланганлиги уруш қуролларининг аҳамиятини ошириб юбораётганлиги табиий эди.

Бўлмаса, биргина замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ва бир киши бошқарадиган тез учар самолётни сотиб олиш учун кетган маблағ билан 80 та оилага замонавий уй-жой қуриб бериш мумкин. Афғонистонда ишлатилган замонавий бомбанинг биттаси учун кетган маблағ жаҳонга машҳур зотдор афғон отларини тўрттасининг нархини қоплайди. Буни қўяверинг, оддий мушакбозлик учун ишлатиладиган ва бир марта ҳавода ёниб, кўзларга қувонч бағишлайдиган катта тўп ўқининг бир бора отилиши учун 100-150 Америка доллари сарфланади. Афғонистонда эса оддий мушакбозлик қилингани йўқ.

Зеро нафақат бу жойларда, балки қаердаки қадрлаш меъёрлари ва мезонлари умумжамият миқёсида бузилар экан, ўша жойда ҳақиқий маънавият, инсон ва юрт камолотининг ҳамма имкониятлари воқеликка айланиши қийин эканлигини тарих ҳар бир ибратли воқеа мисолида исботлаб турибди.

Қадриятларнинг қадрсизланиши муаммоси ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга эканлиги бу мисоллардан ҳам яққол кўриниб турибди. Ҳолбуки, айнан қадрсизланиш муаммоси аскиологиянинг энг асосий, уни фан сифатидаги аҳамиятини кўрсатадиган масалалардан биридир.

Бу борада қадрсизланиш жараёнининг ўзига хос хусусиятларини, унинг кишилар ҳаёти ва онгида акс этишини таҳлил қилишдек ўта муҳим жиҳат мавжуд. Шу билан бирга, қадрсизланиш механизмини аниқлаш ва бу жараёнга таъсир кўрсатувчи омилларнинг аҳамиятини ўрганиш масаласи ҳам бор.

Моддий соҳада, ишлаб чиқариш ва иқтисод билан боғлиқ қадрсизланиш ўзига хос кечади, масалан, қадимги тош қуролларини бронза ва чўнгроқ темир асбоблари ишлаб чиқариш соҳасидан суриб чиқарди, уларнинг умумжамият миқёсидаги аҳамияти ва қадрини пасайтирди. Саноатбоп асбоб-ускуналар ва дастгоҳларнинг, оддий буғ машинасидан электрон ҳисоблаш машиналаригача бўлган даврдаги қадрсизланиш жараёнини яққол кузатиш мумкин. Кибернетиканинг асосчиси Н.Венер ҳаётлигида яратилган машиналар бугун эскирди, илмий-техник тараққиётнинг замонавий талабларига жавоб беролмай қолди. Улар ҳам аста-секин мутахассислар учун ўзларининг аҳамиятини йўқота бошладилар.

Юқоридагидек жараённи ҳарбий соҳада ҳам яққол кузатиш мумкин. Дастлабки уруш қуроллари – тўқмоқ, найза, қилич, камон ва палахмонлар ўз даврида муҳим ҳарбий аҳамиятга эга эдилар. Урушда хавф-хатар туғилганида ана

шу қуроллардан ўзини ҳимоя қилиш учун аскарларга мўлжалланган қалқон, дубулға, совут каби ҳимоя воситаларини ҳам ишлаб чиқиш йўлга қўйилган эди, ўзини энг онгли жонзот, деб ўйлайдиган одамзот бу соҳада энг катта ютуқларга эришди: бугунги кунда табиий фанлар соҳасидаги кўплаб кашфиётларнинг, аввало, ҳарбий соҳада синаб кўрилиши сир эмас.

Афсуски, инсоният ўзининг жисмоний ва маънавий қобилиятларини ўстириш, бир-бирининг умрини узайтириш соҳаларидан кўра, бир-бирини отиш, ўлдириш воситалари бўлган ҳарбий қурол-аслаҳаларни яратишга кўпроқ куч ва маблағ сарфлаган! Мутахассислар Ер юзида кейинги беш минг йилда 15 мингга яқин уруш бўлганлигини, уларда 3 млрд. 640 млн. киши қирилганини ҳисоблаб чиққанлар. Одамзот насллари ҳар 50 кундан бир кунида уруш ва жанг-жадалларсиз яшаган, холос. Шу тариқа уруш қуролларининг аҳамияти, қадри ошиб бораверган.

Мутахассислар ҳозирча милонинг бошида ёки ўрталарида бутун инсоният ҳарбий соҳага қанча маблағ ажратилганлигини аниқ ҳисоблаб чиққанлари йўқ. Аммо А.Македонский замонасидан Чингизхонгача, ундан кейин эса Наполеон Бонапартгача бўлган даврларда ҳарбий соҳаларга сарфланган маблағлар кўламнинг муттасил ошиб борганлиги шубҳасиз. Инсоният асримизнинг бошларида, I жаҳон уруши арафасида, бир йилда бор-йўғи 25 млрд. долларга яқин маблағни ҳарбий соҳага сарфлар эди. Бу кўрсаткич 1938 йилда, II жаҳон уруши арафасида 125 млрд.га етди, 1980 йилда эса 850 млрд. дан ошиб кетди. I жаҳон уруши 10 млн.дан ортиқ, II жаҳон уруши эса 50 млн.дан ортиқ кишиларнинг ёстиғини қуритди.

Умуман инсониятнинг ҳарбий соҳаларга сарф қилган барча маблағларини олтинга айлантириш ва ундан камар яшашнинг иложи бўлганда эди, бу камарнинг қалинлиги 10 метр, эни 150 метр узунлиги эса... Ер шарини экватор бўйлаб айланиб чиқиш учун бемалол етар эди. Янада оддийроқ мисол келтириш лозим бўлса, марҳамат, 14 та «Томогавк» типидagi ракеталарни олиб юрадиган 1 та сув ости кемасини яшаш ва жиҳозлашга кетган маблағ ҳар бирида 900 та ўқувчи таълим олса бўладиган 30 та замонавий мактабни қуриш ва жиҳозлаш учун зарур бўлган маблағ билан тенг.

Умумжаҳон ҳамжамиятининг тиббиёт ёки маданиятни ривожлантириш соҳасида сарф қилган маблағларни, I ва II жаҳон урушлари ҳамда ўтган асрнинг 90-йилларидаги ҳарбий соҳага сарфланган харажатлар билан солиштирсангиз, инсоннинг энг олий ва ақлли жонзод эканлигига ишонгингиз келмай қолади.

Умуман, одамзотнинг ер юзида қуролсиз яшаган даврни тасаввур қилиш қийин. Балки илк одам насли дастлабки қуролни ясай олганлиги учун ҳам бошқа жонзодлардан фарқ қилмаганмикан? Лекин одам зотининг қурол-аслаҳа ва асбоб-ускуналар яшаш қобилияти, юқорида келтирилган мисоллар даражасига, бутун тирикликни йўқ қилиб юборадиган фаолият даражасига етади, деб ким ўйлабди дейсиз? Қаранг дастлаб инсонни бошқа жонзотлардан ажратиб турган, энг қадрли хусусияти – нарсалардан ниманидир ясай олиш қобилияти қандай натижаларга олиб келди...

Ўзининг ниманидир яшаш қобилиятини ниҳоятда қадрлаган, тўқмоқдан ўқ-ёй, палахмондан милтиқ яратишгача бўлган муваффақиятларидан ўзи ҳам мафтун бўлган одамзот насли “Бугун ҳарбий кашфиётлар ва қуролларни синаб кўришни бир муддат тўхтатиш, ҳатто таъқиқлаб қўйиш керак эмасмикин?” – деган муаммони ҳал қилмоқда. Шу тариқа, инсониятнинг жуда кўп авлодлари интилиб келган “ҳарбий соҳадаги етуклик” инсониятнинг ўзи учун асосий хавфга айланди. Жаҳонда ҳар йили минглаб кишилар очликдан ўлаётган, миллионлаб одамлар хат-саводсиз, уй-жойсиз, муҳтож кун кўраётган даврда, 60 млн. кишининг аскар кийимида юриб урушга тайёрланиши, миллиардлаб пул маблағларини бу соҳага сарфланиши ақлсизликка айланиб қолди. Бунинг ўрнига ўша 60 млн. аскарнинг кучи ва

қобилияти, ҳарбий соҳа олимлари, завод ва фабрикаларнинг фаолияти, уларга кетаётган маблағ ва сарф-харажатларни маданият, фан, соғлиқни сақлаш, озиқ-овқат, кийим-кечак ва уй-жойлар учун зарур бўлган соҳаларга йўналтириш мақсадга мувофиқ. Бугунги кунда ана шу соҳалардаги саъй-ҳаракатларнинг аҳамияти, ижтимоий қадри ва қиммати ортиб бормоқда.

Қадрсизланиш жараёни. Қадриятларнинг қадрсизланиши бирданига ва тасодифий рўй бермайди. Қадрсизланиш муайян аксиологик жараёндир. Юқорида таъкидлаганимиздек, моддий соҳада қадрсизланиш маънавий соҳадагидан фарқ қилади. Бир моддий асбоб, ускуна, жисм ёки нарса вақт ўтиши билан эскириши, қадр-қимматини йўқотиши мумкин. Аммо бирор нарсанинг керакли ёки керак бўлмай қолиши унинг бутунлай қадрсизланишини англатмайдиган ҳоллар ҳам учрайди.

Бундай ҳолларда кишилар қадрият «объекти»ни эсдалик сифатида сақлаб юрадилар, улар музейлардан жой олади ёки бирор-бир тарзда асралади. Франциянинг пойтахти Париждаги Эйфель минораси ўзининг асл функциясини бутунлай йўқотганида ҳам французлар учун қадрини йўқотмайдиган қадрият объектидир. Улуғбек расадхонаси қолдиқлари орасидан топилган устурлоб (секстант) ҳам бугунги кундаги астрономик изланишларда амалий фойдаланишга ярамайди.

Аммо уни буюк боболаримизнинг назари тушган ёдгорлик сифатида ўз қадрини йўқотган, дея айтишга ким журъат қиларкин? Шаҳрисабзда Амир Темур ўзи учун қурдирган хилхона бор. Тўғри унда буюк соҳибқироннинг жасади қўйилган қабр йўқ! Аммо бу халқимиз тарихида ўчмас из қолдирган улуғ сиймонинг ҳаёти билан боғланган жой, унда Темурнинг ҳоки бўлмаганлиги учун ўз тарихий аҳамиятини йўқотармикин? Асло йўқ!

Маънавият билан боғланган қадриятлар ўзининг намоён бўлиш шакли ва замона реалликлари билан алоқадорлигига қараб қадрланиш ёки қадрсизланиш хусусияти жиҳатидан фарқ қилади. Масалан: *инсоният учун* моддий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқариш, жамиятни янги авлодлар билан тўлдириб туриш, тараққиётга эришиш, тинч-тотувлик ва ижтимоий барқарорлик доимо ўз қадрини сақлаб қолаверди.

Қадриятшунослик нуқтаи назаридан «Тинчликни сақламоқ учун ҳарбий жиҳатдан кучли ёки тенг бўлмоқ керак!», — деган мулоҳаза кўп ҳолларда барқарорликнинг қадрини нотўғри тушуниш бўлиб ҳисобланади. «Инсоният тинчлик даврларида урушга тайёрланмасдан, қуроолларни яшаш ўрнига уларни йўқотиш билан шуғулланганида, ҳеч қачон уруш бўлмаса эди», — Лорощфуконинг бу машҳур мулоҳазаси ҳамма даврлар учун ўз қадрини йўқотмайди.

Миллат учун ҳам ўз-ўзини тўлдириб туриш, яъни миллатнинг келажагини таъминлаш, унинг урф-одатлари, анъаналари, тили, маданий ва маънавий бойликларини сақлаш доимо ҳам қадрли бўлиб қолаверади. Вақт шамоллари уларнинг аҳамиятини йўқотмайди, ўчириб юбора олмайди. Аммо у ёки бу миллат айна ана шу қадрланадиган жиҳатларини бошқа миллатга хос қадриятлардан устун қўймаслиги лозим. Зеро, оламда ўзини буюк, деб атамайдиган, тарихида бундай буюклик учун асослар борлигини эътироф этмайдиган миллат бўлмаса керак! Миллат оз сонли бўлиши мумкин. Аммо қадрланиши, жаҳон халқларининг этник қиёфасида ўз аҳамияти нуқтаи назаридан алоҳида юқори ўринни эгаллаши тўғрисида атайлаб даъво қилмаслиги — умуминсониятнинг ёзилмаган қоидаларини биридир.

Қадрсизланиш муаммоси устида фикр юритиш, муқаррар равишда, қадриятларни қадрлаш мезонлари ва қадрлаш меъёри тўғрисидаги масалани четлаб ўта олмайди. Қадрлаш мезонлари ва меъёрлари бу борадаги мўлжалларнинг мазмун-моҳиятини, уларнинг йўналишини белгилайди.

Шу билан бирга, ана шу қадрият мўлжалларининг бузилишини

қадрсизланиш жараёнининг илк бошланиши сифатида тавсифлаш мумкин. Бу, айниқса, шахсий-индивидуал қадриятларни намоён бўлиш шакллариға алоқадор қадрсизланиш масаласини изоҳлашда қўл келади. «Инсон учун ёшлиқнинг қадри қариликда, соғлиқнинг қадри беморликда билинади», — дейилиши бундай ҳолға мисол бўлади. Зеро, «Хом сут эмган инсон!» боласи ёшлиқдаги куч-қуввати, соғлиқ онларидаги имкониятларнинг қадриға ўз вақтида етмайди. Қадрият мўлжалларини аниқ билмаслик, уни белгиловчи мезонларға эътибор бермаслик, гоҳида маҳдудлик ёки ҳаётға омилкор ва ижодий ёндоша олмаслик кабилар шахсий-индивидуал қадриятлар қадрсизланишнинг баъзи сабаблари жумласига киради.

Ҳар бир қадрият объектининг қадрлаш мезони бор. Бу мезон у ёки бу қадриятни қадрлашнинг объектив меъёрини англатади. Ана шу меъёрнинг бузилиши у ёки бу қадрият қадрининг, бир томондан, худди ортиқ мутлақлаштириши, иккинчи томондан эса, аксинча, бу қадрнинг мутлақо эътиборға олинмаслиғига сабаб бўлади. Хуллас, қадрлаш меъёрининг бузилиши, ҳар қандай ҳолатдан ҳам қадрсизланишнинг асосий сабабларидан биридир.

Шахсий қадриятларни ҳаддан ортиқ мутлақлаштириш охир-оқибат шахсий эгоизмға, бу даражадаги қадриятларнинг қадрсизланишиға олиб келади. Шахс қадриятларини менсимаслик эса инсонни таҳқирлашға, уни қадрият объекти сифатидаги қадрини ерга уришға, маънавий камситишға олиб келади. Бундан ташқари, қадриятларнинг шахсий даражада қадрсизланиши, баъзида умр маъносининг қолмаганлиғи, маънавий тушкунлик, ҳаётдан тўйиш, яшашдан воз кечиш тарзида ҳам намоён бўлади.

Қадриятларни шахсий даражада қадрсизланишида: а) шахс қадрини ҳаддан ортиқ бўрттириш; б) шахсни қадрият объекти сифатида қадрламаслик; в) баъзи қадриятларнинг шахс учун индивидуал тарзда қадрсизланиши; г) шахснинг қадриятни яхши англамаганлиғи, билмаслиғи, тушунмаганлиғи билан боғлиқ сабаблар мазмунини кузатиш мумкин.

Қадрсизланишнинг шахсий даражада намоён бўлиши индивидуал тарзда кечади. Бу жараён инсон умрининг бирор давриға тааллуқли бўлиши ҳам мумкин. Умумижтимоий даражадаги қадрсизланиш эса бутун жамиятда ёки уни тузилишида муҳим аҳамият касб этадиган қисмларида намоён бўлади. Бундай шароитда умумжамият миқёсидаги баъзи қадриятлар омма ёки кишиларнинг аксарияти учун қадрсизланиб боради. Масалан, собиқ иттифоқ ҳаётининг сўнгги йилларида баъзи партиявий-синфий қадриятларнинг қадрсизланиш жараёни борганлиғи, қадриятлар системаси жамиятдаги барқарорлик ва асосий субъектларнинг ҳамжиҳатлигини таъминлайдиган маънавий бошқариш мезони (регулятор) вазифасини бажара олмай қолганлиғи маълум.

Ўша даврда ана шу қадриятлар кўпчилик учун нафақат фаолият мезони, балки ҳаётнинг мақсади, шахсий идеаллар ва манфаатлар объекти сифатидаги мазмунини ҳам йўқотиб қўйган эди. XX аср бошларида муайян ҳаракатнинг идеали ва бу борадаги фаолият мезони бўлган баъзи қадриятлар асосий бўғинлари бўлган умумжамиятға хос аксеологик система ана шу аср бошлариға келиб, беқарор тизимға айланиб қолди. Ушбу қадриятлар эса, қадрсизланиш оқибатида, умумижтимоий системани бирлаштириб, жипслаштириб турувчи марказий бўғинлар сифатидаги аҳамиятини йўқотди.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳар қандай умумий қадриятлар системасининг асосий ва марказий бўғинлари мавжуд. Ана шу марказий бўғинлар вазифасини бажарувчи қадриятларнинг қадрсизланиши эса, ҳар қандай ҳолатда, умумий қадриятлар системасининг қадрсизланишиға олиб келади. Бундай ҳолатлар ҳаётда кўплаб намоён бўлади-ки, уларни аксиологик жиҳатдан баҳолаш қадриятшуносликнинг асосий масалаларидан биридир.

Қадриятларға таҳдид ва тажовузлар, улардан сақланиш бу соҳанинг бугунги кундаги энг долзарб муаммоларидан биридир. Бутун дунёда рўй бераётган глобал

жараёнлар, универсаллашув ва ахборот соҳасидаги ўзгаришлар қатор ижобий жиҳатлар билан бирга, қадриятларни асраш ва авайлаш, уларнинг асл мазмун-моҳиятини сақлаш борасида кўплаб масалаларни кун тартибига қўймоқда. Бундай таъсирларга нисбатан огоҳ ва ҳушёр бўлиш, уларнинг олдини олиш, аҳоли, айниқса ўсиб келаётган ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар, эзгулик ва бунёдкорлик руҳида тарбиялаш заруриятини вужудга келтирмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, қадрлашнинг тескараси бўлган қадрсизланиш кўп қиррали, мураккаб аксиологик жараёндир. У хилма-хил соҳаларда, турлича тарзда, ўзига хос шаклларда намоён бўлади. Мазкур муаммони ўрганиш умуминсоний қадриятларнинг ҳақиқий мазмунини тўғри англаш, инсон қадрини янада ошириш учун керакли далиллар олишни билдиради. Ушбу масalani илмий таҳлил қилиш ва қадрсизланиш жараёнига хос аксиологик ўзгаришлар механизминини аниқлаш муаммоси ўзининг долзарблигини сақлаб қолмоқда. Зеро, «Қадрсиз – қадрият йўқ», қадрланмайдиган қадрият эса – саробга ўхшайди!

14-мавзу. Қадриятларни асраб-авайлаш – давр талаби

Қадриятларга қарши қаратилган ҳар қандай тажовуз, таҳдид ўз-ўзидан мамлакат хавфсизлиги, унинг миллий манфаатлари, жисмонан соғлом ва маънан баркамол авлод келажагини таъминлаш йўлидаги жиддий хатарлардан биридир. Шу маънода қадриятларни асраб-авайлаш – давр талаби, уларни келажак авлодларга омон етказиш эса ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.

“Таҳдид” тушунчаси муайян инсон миллат, жамият, давлатнинг тинчлиги ва барқарорлигига қарши қаратилган, сиёсий ва конституцион тузумни заифлаштириш ва бузишга йўналтирилган, шахс ва жамият хавфсизлиги, маънавий, руҳий дунёсига таҳдид солувчи ғоявий-назарий қарашлар ва шунга асосланган амалиёт мажмуини ифодалайди. Унинг мазмун-моҳияти, зарарли оқибатлари ва бундай таҳдидларга қарши курашиш зарурлиги Президент Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида ҳар томонлама ва ишончли далиллар асосида кўрсатиб берилган. Ушбу асарда таъкидланганидек, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва инфорацион хуружлар бу борадаги таҳдид ҳисобланади.

Ҳозирги даврда дунёнинг айрим ҳудудларида ана шундай ҳаракатлар натижасида катта маънавий йўқотишлар юз бермоқда, миллатларнинг асрий қадриятлари, миллий тафаккури ва турмуш тарзи издан чиқмоқда, ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаёти, турмуш тарзи жиддий хавф остида қолмоқда. Бундай шароитда аҳолининг айрим қатламлари, айниқса, ёшлар онги ва қалбига таъсир қилиб, уларнинг қарашларини ўзларига маъқул йўналишда ўзгартириш, экстремизм, вайронкорлик, бузғунчилик, ахлоқсизлик ғояларини зимдан тарғиб-ташвиқ этиб сингдириш каби ғаразли мақсадлар ҳам йўқ эмас.

“Қадриятларга таҳдид” тушунчаси халқнинг, миллатнинг ўз эрки ва ҳуқуқини қўлдан чиқариши, тили, дини, эътиқоди, урф-одатлари, миллий ғуруридан маҳрум бўлиши, ўзлигини англашга тўсқинлик қилаётган жараёнлар ва хатти-ҳаракатлар мажмуини ҳам англатади. Бундай таҳдидлар туфайли инсон ўзлигидан айрилади, ким ва қандай шахс, кимларнинг авлоди эканини унутади, ғурурини йўқотади.

Пировард натижада миллий қадриятларга тажовуз сабабли миллат ўз мустақил тараққиёт йўлидан адашади, жамият ўзининг барқарор ривожланиш тамойилларини йўқотиб, таназзулга юз туттади. Бу шундай салбий ҳодисаки, у туфайли тарихий хотира заифлашади, миллий тил ва урф-одатлар камситилади, миллий тафаккур ўз аҳамиятини йўқотади. Натижада муайян давлат, миллат

ижтимоий тараққиётдан четда қолиб кетади. У моддий йўқотишдан фарқ қилади, уни аниқ рақамларда ўлчаб бўлмади, аммо оқибатлари аянчли бўлиши муқаррардир.

Қадриятларга нисбатан тажовузкорлар кўпинча турли жозибали шиор ва ғоялар ниқоби ортида иш кўради. Уларнинг ихтиёрида жуда катта моддий, молиявий ресурслар ва имкониятлар мавжуд бўлиб, бу манбалар пухта ўйланган ҳамда давомли мақсадларига хизмат қилади. Энг ёмони, бундай хуружларнинг пировард мақсади одамни ўзи туғилиб ўсган юрти ва халқидан тонишга, ватанпарварлик туйғуларидан маҳрум этишга ва ҳамма нарсага лоқайд бўлган шахсга айлантиришга қаратилган. Худбинлик ва лоқайдлик, маҳаллийчилик ва манфаатпарастлик, бошқаларни менсимаслик, ҳасад, сотқинлик сингари иллатлар ҳам шундай таҳдидлар таркибига киради.

Бугун дунёнинг айрим мамлакатларида айнан моддий тамойиллар устуворлиги (моддий фетишизм, истеъмолчилик майлларининг кучайиши), маънавиятга эътиборсизлик кўплаб оқибатларга сабаб бўлмоқда. Тарихда қадриятларга тажовуз асосидаги босқинчилик ва урушлар кўп бора содир бўлгани маълум. Аксарият ҳолларда босқинчилар муайян халқни тобе этиш, унинг бойликларини эгаллаш учун аввало, қадриятлардан ва маънавиятидан маҳрум этишга интилган.

Маънавий оламидан ажралган, қадрият ва урф-одатларидан жудо бўлган миллат аста-секин ўзлигини, тарихий-этник бирлигини йўқотган. Бу ҳол унинг парчаланиб кетиши, ўз миллий давлатчилик анъаналари, ҳатто тили, турмуш тарзи ва тафаккур услубидан ажралиб қолишига сабаб бўлган. Турли ички ва ташқи хуружлар, миллатнинг бўлинишига сабаб бўладиган низолар ҳам шунга олиб келади. Бундай ҳолларда муайян халқни бирлаштириб турадиган қадриятлар тизимида бузилиш рўй беради, у аста-секин емирилиб, миллатни жипслаштирувчи беқиёс куч ва омил сифатидаги аҳамиятини йўқотади.

Миллатнинг ўз мустақиллигидан жудо бўлиши, миллий давлатини бой бериши қадриятларга тажовузнинг энг аянчли оқибатларга олиб келадиган шаклидир. Шу маънода Президентимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида таъкидлангани каби, “Фақат мустақилликкина ҳақиқий маънавий тараққиёт учун йўл очади, бу соҳадаги барча қадриятларни безавол сақлаш, асраб қолиш ва келажак авлодларга етказиш имконини беради”.

Қадриятларга тажовуз вайронкор кучларнинг ўз моддий, сиёсий манфаатларини кўзлаган ҳолда ҳар хил марказлар томонидан бирон-бир мамлакатга нисбатан ичкаридан ёки ташқаридан туриб бевосита амалга ошириладиган маънавий бузғунчиликнинг муайян шаклидир. Улар ўз мақсадларига эришиш учун ҳар қандай усуллардан, одамларнинг маънавий-руҳий ҳиссиётлари, миллий туйғулари, ҳар қандай жамиятда мавжуд ижтимоий-иқтисодий, муаммолардан, Шунингдек, замонавий технология, телекоммуникация, ОАВ, Интернетдан усталик, фирромлик, ноҳолислик билан фойдаланишга ҳаракат қилади.

Президентимиз огоҳлантиргани каби, ҳозирги даврда турли эски ва янги ғоялар кураши ҳар қачонгидан ҳам кўра шиддатли тус олмоқда. Ранг-баранг, баъзан бир-бирига мутлақо зид дунёқарашлар сиёсий, миллий, диний оқимлар, мазҳаб ва секталар ўртасидаги фикр талашувлари гоҳо баҳс-мунозара доирасидан чиқиб, қонли тўқнашувлар, оммавий қирғинларга сабаб бўлмоқда, одамлар бошига беҳисоб қайғу-кулфатлар солмоқда. Бу тортишувлардан кўзланган асосий мақсад – инсон, авваламбор, ёшлар қалбини эгаллаш, муайян мамлакат ёки минтақадаги бирор мамлакат ёки халқнинг онгига, унинг сезги-туйғуларига таъсир ўтказиш, уни ўз дунёқарашига бўйсундириш, маънавий жиҳатдан заиф ва тобе қилишдан иборатдир.

Уч минг йилликдан зиёд ўзбек давлатчилиги тарихи шундан далолат

берадики, ҳар қандай зўравон босқинчилар ва юртимизда ҳукмронлик қилмоқчи бўлган кучлар ёвуз ниятларига эришиш учун, аввало, миллий манфаатларимизга тажовуз қилиб, маданият ва анъаналаримизни йўқ қилиш, шу йўл билан бизни маънавий жиҳатдан заифлаштиришга, қадриятларимизни йўқотишга ҳаракат қилганлар.

Бугунги ҳаёт олдимизга қўяётган аччиқ ҳақиқат шундан иборатки, агар кимда-ким бизнинг мустақил тараққиёт йўлимизни, орзу-мақсадларимизга эришиш йўлини, янги ҳуқуқий демократик давлат ва жамият барпо этиш йўлини тўсмоқчи бўлса, аввало, ҳали суюги қотмаган, мустақил дунёқараши шаклланиб улгурмаган ёшларнинг онги ва қалбининг мўртлигидан фойдаланиб, уларнинг қадриятлар тизимини бузиб, ўзбек халқининг азалий табиати ва муқаддас одатларига мутлақо зид бўлган вайронкор ғоялар жозибаси билан чалғитиб, ўзининг ғаразли ва жирканч ниятларини амалга ошириш йўлида қурол қилиб олишга уринади.

Бутун дунёда глобаллашув жараёни ҳаддан зиёд кучайган ҳозирги даврда бундай марказлар ва кучлар ўз ғаразли мақсадларини амалга ошириш учун ҳар қандай усулларни ишга солмоқда. Улар бу борада катта куч ва маблағ сарфлаб, одамларнинг миллий, диний ҳиссиётларидан, моддий ҳаётда мавжуд бўлган ўткинчи иқтисодий-ижтимоий қийинчиликлардан фойдаланишга уринмоқда. Бугун тобора такомиллашиб, ҳаётга чуқур кириб бораётган телекоммуникация ва Интернет каби замонавий воситалардан ҳам ўзларининг разил ниятлари йўлида маккорлик билан фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар.

Шу сабабдан ҳам тарбиявий-ахлоқий масалалар, маънавий ҳаётда, керак бўлса, миллий манфаатларимизга мос келадиган сиёсатни изчил олиб боришда ўз йўлимизни йўқотмаслигимиз учун ҳеч қандай маънавий бўшлиққа йўл қўймаслигимиз даркор. Чунки, бугунги кунда дунёда бораётган курашлар орасида энг катта, энг таъсирчан кураш, аввало, маънавият, мафкура майдонларида юз бермоқда.

Қадриятларга тажовуз ва хатарларга қарши ўз вақтида қатъият ва изчиллик билан кураш олиб борилмаса, турли зарарли оқимлар Ўзбекистонга ҳам шиддат билан ёпирилиб кириши, ёшларни ўз гирдобига тортиб кетиши, оқибатда улар ота-она, эл-юрт олдидаги бурчи ва масъулиятини ўйламайдиган, фақат бир кунлик ҳаёт билан яшайдиган эгоист-худбинларга айланиб қолиши мумкин. Бизга маънавий-мафкуравий таҳдид солиши мумкин бўлган айрим ташкилотлар ўрта асрларда мавжуд бўлган мусулмон халифалигини тиклаш йўлида ҳам фаолият кўрсатмоқда. Албатта, бундан ўн тўрт аср бурунги воқеликни бугун амалда қайта тиклаб бўлмаслиги аён. Лекин уларнинг нияти – ягона маънавий-мафкуравий макон барпо этиб, ислом динини сиёсийлаштириш ва шу асосда ҳукмронлик қилиш, ҳокимиятни қўлга киритишдан иборат.

Ҳозирги даврда халифалик каби, “эркин демократия” ва турли “очиқ жамият моделлари”ни экспорт қилиш, жамият ва давлат қурилишининг «универсал лойиҳа»ларини ташқаридан импорт қилиш ёки тикиштириш йўлидаги уринишлар ҳам қадриятларга тажовуз сифатида баҳоланмоғи лозим. Аслида, инсоният тарихида барчага бирдек маъқул бўладиган бошқарув модели ҳеч қачон бўлмаган. Қадриятларга нисбатан таҳдиднинг “оммавий маданият” ниқоби остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш ва шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган шакллари ҳам мавжуд. Бугунги кунда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар тараққиёт ва ёшлар тарбиясига тажовуз қилмоқда.

Қадриятларга тажовуз шаклларининг аксарияти инфорацион хуруж ва уйдирмаларни тарқатиш орқали юз бермоқда. Бугунги кунда тобора кучайиб

бораётган бундай хатарларга қарши доимо сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимиз зарур. Бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган таълим-тарбия билан жавоб бериш мумкин. Ҳозирги даврда ҳар биримиз қадриятларимизга нисбатан таҳдид ва тажовузларга лоқайдлик, бепарволик ва беғамлик иллатидан халос бўлишимиз, юртимизда, жаҳонда содир бўлаётган ҳар қандай воқеа, ҳодиса, жараёнлар менга, менинг тақдиримга бевосита дахлдор деб ҳисобламоғимиз даркор.

15-мавзу. Қадриятлар амалиётидаги тарихийлик ва замонавийлик

Даврлар ўзгариши, йиллар ўтиши, одамзот умри, фикр, тафаккур, ҳис-туйғу тиним билмаганидек, қадриятлар ҳам доим ўзгариш ва янгиланишда бўлади. Бу жараён моддий ва маънавий ҳаёт ҳамда ижтимоий тафаккурнинг босқичма-босқич, даражама-даража ўсиши, анъанавийлик, ворисийлик касб этиши сифатида вужудга келади.

Халқнинг тарихий хотираси, қадриятларига ҳурмат билан қараш, аввало, анъана ва маросимларда ўз ифодасини топади. Одамлар турмуш тарзи, моддий ва маънавий ҳаёти ривожланиш жараёнида муайян ижтимоий тартиб-қоидалар, ахлоқ меъёрлари, урф-одатлар, маросим ва бошқалар анъана сифатида тадрижий тарзда ўзлигини намоён этаверади.

“Қадриятларнинг анъанавийлиги ва тадрижийлиги” тушунчаси аждодларнинг асрлар мобайнида тўплаган моддий ва маънавий қадриятларини ворисийлик асосида авлодларга узатиш, бу борада тарихий мезонлар ва ижтимоий ҳаёт талабларига мувофиқ тадрижий равишда мунтазам бойиб ёки янгиланиб борадиган жараёнларнинг намоён бўлишини ифодалайди. Тарихий тараққиёт билан уйғун бўлган бу ҳолат узлуксиз ҳаракатдаги жараёндир.

Шу маънода қадриятлар ёшларни тарбиялаш, уларга кекса авлод ҳаётий тажрибаларини ўргатиш воситаси ҳамдир. Ҳар бир даврнинг ўз қадриятлар тизими бўлиб, у вақт ўтиши билан ўзгариб, мазмунан бойиб боради, баъзи шакллари трансформацияга учрайди, айримлари йўқолади, янгилари шаклланади. Бу жараёнлар бирданига эмас, аста-секин, тадрижий равишда юз беради. Шунингдек, бир замоннинг қадриятлари иккинчисига мос келмаслиги ҳам мумкин. Масалан, аждодларимизнинг зардуштийлик ёки буддавийлик негизида шаклланган қадриятларидан ислом негизида шаклланган қадриятлари муайян даражада фарқ қилади.

Халқимизнинг бугунги кундаги қадриятлари эса шўро тузуми давридагидан ажралиб туради. Истиқлол туфайли маънавий меросни чуқурроқ ва кенгроқ ўрганиш, қадриятларга янги мазмун бағишлаб, қайта тиклашдан кўзланган мақсад ўтмишга сиғиниш эмас, балки миллий-этник асосларга суяниб, ундан фойдаланиб, олға силжиш, тараққиётнинг янги босқичига чиқишдир. Бугун халқимиз умуминсоний ва миллий қадриятларни ўзлаштириш, маънавиятни юксалтириш масаласига асрий тажриба, анъаналарни билиш, уларни тадрижий давом эттириш, ривожлантириш нуқтаи-назаридан ёндашмоқда.

Одатда, давр талабига жавоб бера олмай қолган қадрият шакллари, удум, расм-русум ва анъаналар унутилиб, ўтмишга айланади. Бу борадаги ҳодисаларни асосан икки турга бўлиш мумкин: а) анъанага айланган хайрли (бунёдкор) маросимлар, ишлар, фаолият йўналишлари. Булар ижтимоий тараққиёт, миллий раванқ ва инсон камолоти учун муҳим аҳамиятга эгадир; б) ўтмишдан мерос қолган зарарли маросимлар, ишлар, фаолият йўналишлари. Булар ҳар доим инсон онги ва руҳини қашшоқлаштириб, унинг маънавий такомиллашувига, ижтимоий тараққиёт ва инсон камолотига тўсқинлик қилади.

Тарихий жараёнлар ижтимоий тараққиётнинг олға боришига, соғлом авлод

равнақига хизмат қиладиган ҳамда муайян халқ оммасининг туб манфаатларига мувофиқ келадиган маросимлар, урф-одатлар, турмуш ва тафаккур тарзи хайрли, эзгу анъанавийлик воситасида ривожланади ва қадриятга айланади. Шу тариқа қадриятлар амалиёти, такомиллашуви, қадрланиши ва қадрсизланиши тадрижийлик қонунига мувофиқ содир бўлади.

Ҳеч бир давр қадриятлари бутунича, тақлид тарзида бошқа даврга кўчмайди. Уни ҳар бир авлод ўз ҳаёти тажрибаси билан бойитади ёки янгилайди. Аммо, халқ руҳи, маънавияти, турмуш тарзида шундай қадриятлар борки, улар доимий сақланиб қолади. Масалан, халқимизнинг оилага садоқат, кексаларни иззат-ҳурмат қилиш, меҳмондўстлик, андишалилик, бағрикенглик фазилатлари шулар жумласидандир. Бу қадриятлар тадрижий равишда ривожланиб, истиқлол даврида ҳам тараққиёт ва барқарорликка хизмат қилмоқда.

Аслида тарихийлик билан замонавийлик, эскилик билан янгилик, инкор билан ворислик жараёнлари ижтимоий тараққиётнинг асосини ташкил этади. Собиқ иттифоқ даврида моддий ва маънавий меросга нисбатан бир томонлама ёндашилди, унга синфий ва партиявий нуқтаи назардан баҳо берилиб, минглаб дурдоналар ҳақида сўзлаш, ёзиш, тарғиб-ташвиқ қилиш тақиқланди. Юзлаб маънавият дарғалари миллатчилик, миллий биқиқликда, диндорликда айбланиб, катагон қилинди.

Аслида бу тузум ўз халқининг тарихини, унинг руҳи ва одатларини, ўз авлод-аждодини билмайдиган, миллий қадриятларни қадрлайдиган кишиларга таянар эди”. Эндиликда халқимиз қадриятларининг асл илдизлари, миллий-этник асосларига ва умуминсоний мезонларга таянган ҳолда тадрижий тараққиёт жараёни давом этмоқда. Халқимиз қадим-қадимдан ўз ҳаёти ва фаолиятида катталарга ҳурмат, камтарлик, меҳнатсеварлик, меҳмондўстлик, бағрикенглик, софдиллик сингари фазилатлар тарбиясига алоҳида эътибор бериб келган. Бундай фазилатлар миллий урф-одатлар ва анъаналарда, кундалик ҳаёт тарзи, миллатлараро, динлараро муносабатларда, умуман олганда умумий қадриятлар тизимида акс этади.

Халқимиз азалдан жамоа бўлиб яшаб, маҳалла, қўшничилик удумларига қатъий риоя қилиб келмоқда. Оилада туғилган ҳар бир чақалоққа эзгу ният билан исм қўйилган, саводини чиқариш, маънавиятини ўстириш учун устоз-муаллим қўлига топширилган. Фарзандларини юксак маънавиятли, ҳунарли ва уй-жойли қилиш ота-оналар фаолиятининг энг муҳим вазифасига айланган. Одамлар, хусусан, ёшлар юриш-туриши, улар амал қиладиган тамойиллар ҳамиша жамоа диққат-эътибори, назарида бўлган. Азалдан келаётган мана шу тамойиллар қадриятларнинг асосий мезонлари сифатида бугунги кунда ҳам жамиятимизнинг маънавий юксалиши, юртимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакиллари баҳамжиҳат яшаши ва меҳнат қилиши, фарзандларимизни баркамол инсонлар қилиб тарбиялашга хизмат қилиб келмоқда.

Қадриятлар амалиётидаги ворисийлик ушбу соҳадаги қадрият шакллари, урф-одатлар, анъана, ғоялар, тажриба, билимларнинг авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтиши, амалиётнинг узлуксиз жараён сифатидаги ўзгарувчанлиги ва авлодлар ўртасида азалий ришталарнинг узвий боғлиқлигини ифода этади. Бу жараён инсониятнинг тараққиёти давомида тўпланган қадриятларни яхлит ҳолда авлодларга узатиш, кишиларнинг дунёқараши, маданий савияси, билими ва маънавиятининг бойишига хизмат қилади.

Турли соҳаларда ворислик механизми ўзига хос тарзда кечади: санъатдаги мезонлар фандагидан, табиий фанлардаги ҳолат гуманитар фанлардагидан фарқланади. Ворислик миллий ёки умуминсоний шаклларда намоён бўлиши мумкин. Ворисликнинг миллий шаклида маданиятнинг этник жиҳатлари ифодаланса, жамики инсониятнинг мулкига айланган маънавий қадриятлар амалиётида ворисийликнинг умуминсоний шакли намоён бўлади. Масалан,

Қадимги Миср эҳромлари, Юнон обидалари, Темур ва темурийлар даври ёдгорликлари каби моддий ва маънавий мерос намуналари бутун башариятнинг маданий бойлиги ҳисобланиб, авлоддан авлодга ўтиб келмоқда.

Аждодларимиз кейинги авлодларга мерос қолдириш учун халқ оғзаки ижоди, санъатнинг барча усулларидан кенг фойдаланганлар. Техника ва технологияларнинг тараққий этиши билан маънавий қадриятлар амалиётидаги ворисийликнинг янги самарали усуллари: кино тасвири, магнит лента ёзуви, расмда муҳрлаш, компьютер хотирасига жойлаш ва ҳоказо вужудга келди. Ижтимоий тараққиётнинг турли босқичларида моддий ва маънавий қадриятларни ворисийлик анъаналари асосида авлоддан-авлодга узатиш имкониятлари ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ғоявий омиллар билан белгиланган. Масалан, собиқ шўролар ҳукмронлиги даврида турли халқлар, хусусан, халқимиз ҳам ҳақиқий тарихи, миллий ва маънавий меросини ўрганиш, унинг бебаҳо хазинасидан баҳраманд бўлиш, бу қадриятларни авлоддан-авлодга безавол ўтказиш, ворисийлик анъаналари асосида келажакка узатиш ҳуқуқ ва имкониятидан маҳрум этилган эди. Бироқ ҳар қандай оғир ва мураккаб шароитда ҳам аждодларимиз ўзлигини, меросини йўқотмаган, уларни асраб-авайлаб, келгуси авлодларга бекамикўст етказиб беришга ҳаракат қилган, авлодлараро ришталарнинг сақланиб қолишига эришган.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ миллий қадриятларимиз, тарихимиз, маънавиятимиз, улуғ аждодларимиз даҳоси билан яратилган бебаҳо моддий ва маънавий бойликларни бойитиш ва кенг тарғиб этиш масаласига доимий аҳамият қаратиб келинмоқда. Бу, ўз навбатида, қадриятлар амалиётидаги ворисийлик анъаналарининг узлуксизлиги ва бардавомлигини таъминлайди.

Қадриятлар соҳасидаги янгиланиш уларнинг ўзгариши, такомиллашуви ва бойиб бориши жараёнини ифодалайди. Кишилар ҳаётида, умуман жамиятда юз бераётган воқеа-ҳодисалар шахс онги ва қадриятлар тизимида муайян ўзгаришларни келтириб чиқаради. Иккинчи томондан, қадриятлар воқеликдаги ўзгаришларнинг келиб чиқиши ва содир бўлишига катта таъсир кўрсатади. Янгиланиш қадриятларнинг туб моҳияти билан боғлиқ ҳодиса. Агар қадриятлар сайқалланиб, янгиланиб, бойиб турмаса, жуда тез орада эскириб, тараққиётга ёрдам бериш у ёқда турсин, унга халақит берадиган, тўсиқ бўладиган ҳодисага айланиб қолар эди.

Жамият тараққиётидаги бурилиш, туб ислохотлар даврида қадриятлар тизимида ҳам жиддий ўзгаришлар юз беради ва айна пайтда қадриятларнинг жамиятда юз бераётган жараёнларга таъсири кучаяди. Бундай паллаларда қадриятларнинг янгиланиш суръатлари ҳам тезлашади. Масалан, Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгандан кейин унутилиб кетаётган қадриятларни тиклаш, уларни ёшлар, аҳоли онгига сингдиришга катта эътибор берилди бошланди. Бу халқнинг онги, турмуш тарзи, жамиятдаги воқеа-ҳодисаларга муносабатининг ўзгариши ва замонавий дунёқараш шаклланишига кучли таъсир ўтказди. Жамиятни янгилаш соҳасида олиб борилаётган ҳар томонлама чуқур ўйланган сиёсат мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашнинг муҳим омилларидан бири бўлди.

Инсоният тарихидан маълумки, моддий ва маънавий қадриятларнинг янгиланиши силлиқ ўтадиган оддийгина жараён эмас. Эски замон тамойиллари муайян бир йилларгача сақланиб қолади ва кишиларнинг хулқ-атворида, турмушига ўз таъсирини ўтказади. Бундай ҳолат фанда “амбивалентлик”, деб аталади. Бу тушунча ҳаётда бир пайтнинг ўзида бир-бирига мос келмайдиган тушунча ва тасаввурларнинг маълум бир вақт мобайнида ёнма-ён мавжуд бўлиб туришини англатади.

Бундай жараён оғриқли кечади. Мамлакат осойишта тараққиёт даврини бошдан кечираётган пайтда амбивалентлик деярли бўлмади ёки жуда паст

даражада бўлади. Тараққиётдаги бурилиш паллаларида эса амбивалентлик кўпроқ намоён бўлади. Бу ҳолатни жамият ҳаёти ва кадриятлар тизимини янгилаш асосида бартараф қилиш мумкин. Президентимиз таъкидлагани каби, “Ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларимизнинг самарадорлиги аввало халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг чуқур ўрганилиши, анъана ва урф-одатларимизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожини энг муҳими, жамият тафаккурининг ўзгариши ва юксалиши билан узвий боғлиқдир.

Шу боисдан ҳам, ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, ён-атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил ёндаша оладиган, айни замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялаш вазифасини истиқлол йилларида биз учун ҳал қилувчи масалага айланди. Таъкидлаш жоизки, бу жараён юртимизда ўта мураккаб шароитда – мустабид шўро тузуми барбод бўлган ва янгича ижтимоий муносабатлар қарор топаётган кескин бир вазиятда юз берди.¹

Ҳозирги кунда бу борадаги ўзгариш аввало, кадриятларнинг янгилиниши шаклида намоён бўлмоқда. Бу борада миллий ўзлигини англаш, авлодлар меросини тиклаш, асраб-авайлаш, янги замон кадриятларини кўпчилик онгига етказиш ва сингдириш учун ҳаракат қилиш муҳим аҳамиятга эга. Мазкур йўналишда жаҳон халқлари ютуқларидан фойдаланиш, мамлакат ҳаётини эркинлаштириш ва модернизациялаш, маънавиятни юксалтириш ушбу жараённинг таркибий қисмидир.

Кадриятларнинг янгилиниши суръатлари турмушдаги ижобий ўзгаришлар, жамиятдаги инсонлараро муносабатларнинг такомиллашуви ва маънавият соҳасида олиб борилаётган тарғибот ишларининг самараси билан белгиланади. Бу жараёнда ОАВ, таълим-тарбия тизими, театр, кино, бадиий адабиёт, санъат ва бошқалар алоҳида ўрин тутади.

Жамият ва халқ ҳаётида янги ижобий кадриятлар, янги тузум ва янги турмуш ғоялари қанчалик тез қарор топса, улар қанчалик самарали ва таъсирчан усуллар билан тарғиб этилса, кадриятларнинг янгилиниши шунчалик самарали амалга ошади. Ушбу жараённинг суръатлари кўп жиҳатдан давлат ва жамоат ташкилотлари, шу соҳа ходимларининг иродаси ва амалий ҳаракатларига ҳам боғлиқ бўлиб, бу борадаги ўзгаришлар бугунги кунда жамиятимиз тараққиётининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

16-мавзу. Кадриятларни шакллантирадиган омиллар

Кадриятларни асраб-авайлаш, такомиллаштириш ва юксалтириш, янгиларини яратиш ҳар бир давр ва жамият учун муҳим аҳамият касб этади. Бу борада муайян давлат ва миллат олдида кадриятларни шакллантирадиган ва унга таъсир ўтказадиган барча омил ва мезонларни чуқур таҳлил қилиниши, уларнинг ушбу йўналишда қандай ўрин тутишини яхши англаб олиниши кутилган натижаларни бериши мумкин.

Кадриятларни шакллантирадиган асослар инсон онгига таъсир кўрсатадиган, унинг дунёқараши, тафаккур тарзини муайян йўналишга соладиган, ўзгартирадиган, жамият, миллатга хос маънавий, маданий ва моддий мезонлар, анъаналар, мерос, турмуш тарзи, ғоялар ва қарашлардан иборат турли омиллар билан узвий боғлиқдир. Ушбу мезонларнинг мазмун-моҳияти Президентимиз Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – энгилмас куч” китобида чуқур ва ҳар томонлама асослаб берилган. Мазкур асарга таянган ҳолда кадриятларни

¹ Каримов И. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. 76-77 бет.

шакллантирадиган омилларни шартли равишда бир неча гуруҳга бўлиш мумкин:

1) миллат, халқ, давлатчилик, маданият, меъморий ёдгорликлар ва бошқаларни қамраб олувчи тарихни, минг йиллар давомида ривожланиб келаётган маданий анъаналарни, географик шарт-шароитга алоқадор тарихий муносабатни ва бошқаларни ифодаловчи моддий мерос;

2) халқимизга хос бир неча минг йиллик диний эътиқод, таълим-тарбия, шунингдек, барча илм-фан соҳалари ва улар ривожига муҳим ўрин тутган мутафаккирлар ва уларнинг асарлари, халқ ижодини қамраб олувчи маданий мерос;

3) халқимизга хос анъаналар, урф-одатлар, маросимлар, байрамлар, турмуш тарзи билан боғлиқ маънавий омиллар;

4) халқ қадриятлари, тафаккур тарзи, мафкуриси, халққа хос маънавий хусусиятлар, ғоялар, руҳият ва ўзаро ижтимоий муносабатлар;

5) ҳозирги жамиятимизда бевосита амалий фаолият юритаётган, инсон тарбиясида катта таъсирга эга, умуман, маънавий дунёқараш шаклланишида муҳим рол ўйнайдиган тарбия масканлари, ОАВ, кутубхона, театр, санъат саройлари ва шу каби таълим воситаларини ўз ичига олади.

Моддий қадриятларни бойитиш, асраб-авайлаш, маънавий қадриятларни такомиллаштириш масалалари ҳар бир давр ва жамиятга хос бўлиб, бунда давлат ва жамият олдида бу жараёнга таъсир ўтказадиган барча омил ва мезонларни чуқур таҳлил қилиб, уларнинг бу борада қандай ўрин тутишини яхши англаб олиш мақсади ҳам ётади.

Ҳар қайси халқ ёки миллатни унинг тарихи, ўзига хос урф-одатлар ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, **кўҳна тарихий ёдгорликлар, маданий бойликлар**, маънавий мерос, энг муҳим омиллар сифатида хизмат қилади. Масалан, шу заминдан етишиб чиққан буюк зотлар, олим уламолар, сиёсатчи ва саркардалар, умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса, ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилишида она юртимизда туғилиб камолга етган улуғ алломаларнинг хизматлари катта.

Бу кўҳна тупроқда милодгача бўлган даврда ва ундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари, ҳали-ҳануз ўзининг кўрку тароватини сақлаб келаётган осори атиқаларимиз қадим-қадимдан ўлкамизда деҳқончилик ва ҳунармандчилик маданияти, меъморлик ва шаҳарсозлик санъати юксак даражада ривожланганидан далолат беради ва мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Бундай ўлмас осори атиқалар бу кўҳна ўлкада, бугун биз яшаб турган тупроқда қадимдан буюк маданият мавжуд бўлганидан гувоҳлик беради ва табиийки, инсоннинг маънавий дунёсини шакллантиришда қандай кучли таъсирга эга бўлганига эътиборимизни жалб қилади.

Қадриятларимиз орасида **халқ оғзаки** ижоди муҳим ўрин тутиб, у миллатимизнинг ўзлигини намоён этадиган, уни авлодлардан авлодларга ўтказиб, тарих тўфонларидан, ҳаёт-мамот синовларидан омон чиқариб, ўзлигини доимо сақлаб келаётган эл-юртимизнинг бағрикенглик, матонат, олижаноблик, вафо ва садоқат каби эзгу фазилатларини ўзида ифода этади. Шу ўринда қадриятлардан бири бўлган муқаддас динимизнинг аҳамияти беқиёсдир. Дин азалдан инсон маънавиятининг таркибий қисми сифатида одамзоднинг юксак идеаллари, ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат тўғрисидаги орзу-армонларини ўзида мужассам этган, уларни барқарор қоидалар шаклида мустаҳкамлаб келаётган ғоя ва қарашларнинг яхлит бир тизимидир.

Ҳар бир илмий янгилик, яратилган кашфиёт - бу янгича фикр ва

дунёқарашга туртки беради, қадрият мезонлари шаклланишига ўзига хос таъсир ўтказиши. Шу нуқтаи назардан қараганда, заминимизда яшаб ўтган буюк алломаларимиз, **мутафаккир боболаримизнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти**, бемисл илмий-иждоий кашфиётлари бугун ҳам жаҳон аҳлини ҳайратга солаётганини ғурур билан таъкидлаш лозим. Жамият эса ўз заминининг мутафаккирлари, дини ва кашфиётлари, маърифат, илму фан, маданият каби соҳаларидан буларнинг барчасини ўзида уйғунлаштирган халқимизнинг қадриятлар олами нақадар бой ва ранг-баранг эканини исботлаб беришда, уни намуна қилиб кўрсатишда фойдаланади. Бундай ноёб ва бебаҳо бойликни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, унинг маъно-мазмунини авлодларга етказиш масаласи барча, биринчи галда, зиёлилар, бутун жамоатчилик учун ҳам қарз, ҳам фарз ҳисобланади.

Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос қадриятларини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, **оиланинг ўрни ва таъсири** беқиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, қадриятлар тўғрисидаги илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характери, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар — яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир. Шунинг учун ҳам айнан оила муҳитида пайдо бўладиган ота-онага ҳурмат, уларнинг олдидаги умрбод қарздорлик бурчини чуқур англаш ҳар қайси инсонга хос бўлган одамийлик фазилатлари ва оилавий муносабатларнинг негизини ташкил этади.

Қадриятларни шакллантириш ва асраш ҳақида сўз кетганда, **маҳалланинг ўрни ва таъсири** хусусида тўхталиш зарур. Маълумки, ўзбек маҳаллалари азалдан чинакам қадриятлар маскани бўлиб келади. Ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож кимсалар ҳолидан хабар олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш каби халқимизга хос урф-одатлар ва анъаналар, авваламбор, маҳалла муҳитида шаклланган ва ривожланган. Халқимизга хос ўзини ўзи бошқарув тизимининг бу ноёб усули қадим-қадимдан одамларнинг нафақат тилида, балки дилида, бутун ҳаётида чуқур жой эгаллагани бежиз эмасалан «Маҳалла — ҳам ота, ҳам она» деган ҳикматли нақл ана шу ҳаётий ҳақиқатнинг ифодаси сифатида қабул қилинади. Ҳар қайси хонадон, бутун эл-юртдаги маънавий иқлим ва вазиятни англамоқчи бўлган киши, бу борадаги ҳақиқий манзаранинг ёрқин ифодасини аввало маҳалла ҳаётида худди ойнадек яққол кўриш имконига эга бўлади.

Қадриятларни шакллантириш ва асраш омилларидан яна бири **илму маърифат, таълим-тарбия** бўлиб, уларга инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шарти ва гарови сифатида қаралган. Келажак пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ. Бунинг учун ҳар қайси ота-она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида, аввало, шахсни кўриши зарур.

Ана шу оддий талабдан келиб чиққан ҳолда, фарзандларни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш иши таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиб қолади. Бу эса таълим ва тарбия ишини уйғун ҳолда олиб боришни талаб этади. Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиш бўлмайди.

Шунинг учун ҳам мустақиллик йилларида бутун мамлакат миқёсида таълим ва тарбия, илм-фан, касб-ҳунар ўргатиш тизимларини тубдан ислоҳ қилишга ниҳоятда катта эътибор қаратилди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ишлаб чиқилди. Уни амалга ошириш жараёнида мактаб таълими, айниқса, умумтаълим мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга эътиборни кучайтириш кун тартибидаги энг муҳим ва жиддий масалага айланди.

Қадриятлар муайян шахс, жамоа, муайян гуруҳ, жамият, миллатда жисмоний баркамоллик, руҳий, ахлоқий етуклик каби сифатларни шакллантиришга қаратилган амалий таълим-тарбия жараёнида шаклланади. Инсоннинг жамиятда яшаши учун зарур бўлган хусусиятларини тарбиялаш унинг энг асосий қадрият сифатидаги моҳиятини таъминлайдиган қадимий ва абадий жараёндир. Юртбошимиз таъкидланганидек, бу масалада ҳушёрлик ва сезгирлик, қатъият ва масъулият йўқотилса, бу ўта муҳим иш ўз ҳолига, ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, муқаддас қадриятларга йўғрилган ва улардан озикланган минглаб йиллик миллий-этник асосларга эга миллат маънавияти ва тарихий хотирасидан айрилиб, охир-оқибатда умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолиши мумкин.

Инсон ва жамиятнинг мавжудлигини таъминлайдиган қадриятлар тарбия туфайли аждодлардан аста-секин тадрижий равишда авлодларга ўтади. У кенг маънода инсон шахсини шакллантиришга, унинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий, маданий, маърифий ҳаётда фаол иштирокини таъминлашга қаратилган барча таъсирлар, тадбирлар, ҳаракатлар, интилишлар йиғиндисини англатади. Бундай тушунишда тарбия фақат оила, мактаб, болалар ва ёшлар ташкилотларида олиб бориладиган тарбиявий ишларни эмас, балки бутун ижтимоий тузум, унинг етакчи ғоялари, адабиёт, санъат, кино, радио, ТВ, ОАВ ва бошқа фаолиятини ҳам ўз ичига олади.

Маълумки, ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим- тарбияни инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шarti ҳамда гарови деб билганлар. Президентимиз таъкидлагани каби, “Таълим-тарбия — онг маҳсули, лекин айна вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган, яъни, халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг муҳим омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ва шу асосда онгни ўзгартирмасдан туриб, маънавиятни ривожлантириб бўлмайди.

Шу боис бу соҳада юзаки, расмий ёндашувларга, пухта ўйланмаган ишларга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Мактаб, таълим-тарбия масаласи давлат ва жамият назоратида бўлиши Асосий қонунимизда белгилаб қўйилган. Шу билан бирга, бу кенг жамоатчилик, бутун халқимизнинг иштироки ва қўллаб-қувватлашини талаб қиладиган умуммиллий масаладир... Бу ҳақда фикр юритганда, мен Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир» деган чуқур маъноли сўзларини эслайман. Буюк маърифатпарвар бобомизнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги вақтда ҳам биз учун шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарб аҳамият касб этади.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда ўқув муассасалари ва умумтаълим мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга эътиборни кучайтириш энг муҳим ва жиддий масалага айланди. Шу мақсадда юртимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалга оширилмоқда, унинг узвий ва мантиқий давоми бўлмиш 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури қабул қилинди. Унга мувофиқ, юртимизда мавжуд бўлган ўн мингга яқин умумтаълим мактабининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таълим жараёнининг мазмунини тубдан такомиллаштириш, ўқитувчиларнинг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш бўйича катта ишлар қилинмоқда.

Тарбия ҳар қандай жамият ва мамлакат ҳаётида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Чунки унинг ўсиши ва тараққиёти учун моддий ва маънавий бойликлар ишлаб чиқариш тўхтовсиз равишда юксалиб бориши лозим. Бунинг учун ёш авлод ушбу қадриятларни яратишда ўз аждодларидан юқори даражага кўтарилмоғи даркор. Шу сабабли ҳам маънавий ва жисмоний баркамол авлодни тарбиялаш масаласи бугунги Ўзбекистон учун умуммиллий, умумдавлат миқёсидаги вазифа бўлиб, бу эзгу мақсад йўлида амалга оширилаётган ишларни изчиллик ва қатъийлик билан давом эттириш мазкур соҳадаги асосий мезонга айланди. Бу

борада жамиятни доимий ҳаракатга келтириб турадиган куч – миллий ғоя, миллий манфаатга хизмат қиладиган кадриятларни, илғор демократик қоида ва тушунчаларни аниқ-равшан тасаввур этиш, уларни ўрганиш, борини асраб-авайлаш, бойитиш, ривожлантириш, халқни, аввало, ўсиб келаётган ёш авлодни ана шу билим ва кўникмалар билан тарбиялаш – шу соҳадаги энг устувор вазифа ҳисобланади.

Масаланинг бу тарзда қўйилишининг асосий сабаби шундаки, бугунги ёшлар нафақат ўқув даргоҳларида, балки **радио, ТВ, матбуот, Интернет** каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмоқдалар. Жаҳон ахборот майдони кенгайиб бораётган шароитда, болалар, ёшлар онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма деб бир томонлама тарбия бериш, улар атрофини ахборот даврида темир девор билан ўраб олиш, замон талабига, жамият мақсад-муддаоларига ҳам тўғри келмайди.

Интернетдан олинаётган хабарлар ёшлар маънавий тарбияси, онгига фақат салбий таъсир кўрсатиши мумкин, деган фикрларга нисбатан «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида таъкидлаган қуйидаги хулосага таяниш лозим: "...содда қилиб айтганда, Интернет бу катта бир дўкон. Дўконга борганда, одам хоҳлаган молини сотиб олади. Масалан, биз бозорга ўзимиз истаган, манфаатимизга хизмат қилувчи буюмни сотиб олгани борамиз. Интернетни ҳам кишилар эҳтиёжи ва манфаати учун хизмат қилувчи ахборот бозори деб англаш керак". Демак, ёшларни маънавий жиҳатдан шундай тарбиялаш лозимки, улар Интернет – ахборот бозорига кирганда фақат ўзи, эл-юрти учун зарур, фойдали, маънавий асосларга дахл қилмайдиган нарсани олсин.

Ёшларга Интернетдан, ахборотдан фойдаланиш, ахборот истеъмоли маданиятини ўргатишда дунёнинг қайси бурчагидан қандай маълумот келмасин, қандай маънавий тажовуз таҳдид солмасин, ҳар қандай ҳолатда ҳам маънавий-руҳий жиҳатдан огоҳ ва ҳушёр, турли ахборий хуружлардан ўзларини йўқотиб қўймайдиган баркамол шахсларни шакллантириш бу соҳадаги фаолиятнинг асосий мезони бўлмоғи лозим. Шу боисдан ҳам ўсиб келаётган авлоднинг кадриятларга масъулият ҳисси билан ёндашиш масаласи доимо оила, маҳалла, мактаб ва таълим муассасалари, умуман, барчанинг диққат-марказида турмоғи лозим.

Ёшларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан тўғри тарбиялашда замонавий медицина, педагогика, психология фанлари тавсияларини ҳар бир оилада жорий қилиш айниқса зарур. Ҳар бир оила, ота-она, энг аввало, бола тимсолида шахсни кўриши, унинг учун шахсга тегишли барча ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаши борасида ўзининг масъул эканлигини доимо ҳис этиб туриши ниҳоятда муҳим.

Хулоса, шуки, кадриятларни шакллантириш жараёнининг қирралари жуда кўп. Бунда миллий ғоя, миллий ғурурни юксалтиришга хизмат қиладиган тимсоллар, рамзларнинг ҳар бири – катта бир дарслик, кучли тарбия воситаси ҳисобланади. Шу билан бирга буюк аждодлар таваллуд саналарини нишонлаш ҳам маънавий ва тарихий аҳамиятга эга. Бундай маросимларни ўтказиш орқали ёшлар кадриятлар асосида тарбияланади, улар қалбига тарихни англаш ва қадрлаш, ўтмишга ҳурмат билан ёндашиш, уларни асраб-авайлаш, шу халққа мансублиги билан ғурурланиш туйғулари сингдирилади.

Умуман олганда, яхши тарбия олган шахс ўз ақли, тафаккури, меҳнати, масъулияти билан онгли равишда, озод ва ҳур фикрли инсон бўлиб яшайди. Бундай одамлар уюшган жамиятни, улар барпо этган маънавий-руҳий муҳит ва кадриятлар тизимини сохта ақидалар, вайронкор ғоялар ва турли тажовузлар билан бузиш қийин. Бундай кишиларни ўзлари ақл-идрок ва қалб амри билан танлаб олган ҳаётий мақсадларидан чалғитиб ҳам бўлмайди. Шунинг учун ҳам ҳозирги даврда ушбу йўналишда муҳим вазифаларни бажариш, эл-юртга фидойи ва садоқатли, ҳақиқий ватанпарвар, чуқур билимли ва маънан баркамол шахсларни тарбиялаш

бу борада хизмат қиладиган зиёли ва хизматчилар, ўқитувчилар ва мутахассислар, умуман, барча маънавият ва маърифат соҳаси ходимларининг муқаддас бурчига айланди.

IV-боб. Қадриятлар тизими ва унинг амалиётидаги жараёнлар

Умумий қадриятлар тизимини ташкил этадиган барча таркибий қисмлар, яъни қадрият шакллари ҳам ўзига хос хусусий тизимларга эгадир. Бу тизимларда ўз навбатида муайян таркибий қисмлар ёки қадриятларнинг аниқ шакллари бири-бири билан узвий алоқада ва ўзаро боғлиқликда намоён бўлади. Уларнинг мутаносиблиги ва уйғунлиги умумий тизимни нисбий тинчлик ҳолатини ифодалайди, тизимни манзарасини таҳлил қилиш жараёнида унинг бу ҳолатини бир муддат нисбатан барқарор, деб тасаввур қилиш мумкин.

Умуминсоният, миллат ва шахсга ҳамда барча ижтимоий субъектларга хос хусусий қадрият тизимлари, бир томондан, уларни ўзи учун умумий мезон, омил, сифат, жиҳат, хусусиятларнинг аҳамияти ва қадрини, иккинчи томондан, тарихий жараёнда шакланган алоқаларини, яхлит организм бўлган жамиятдаги ўрнини, аҳамиятини, учинчидан эса, уларни мавжудлиги, амал қилиши, фаолияти учун объектив зарур бўлган жараёнлар билан узвий боғланганлигини ифодалайди.

Муайян қадрият шаклларини умумий қадриятлар тизимидаги ўрнини алоқалар занжиридаги ҳалқа, тизимдаги таркибий қисм /элемент/ сифатида ёки уларнинг аҳамияти ва қадрини ифодаладиган тушунча /аксиологик категория/ тарзида ўрганиш ҳам мумкин. Бир ҳолатда илмий тадқиқот, иккинчисида эса назарий-аксиологик умумлаштириш манфаати устун бўлади. Аммо бу ҳолатлар қарама-қаршилиқни англамайди, балки илмий билиш диалектикаси жараёнининг ғоят кўп қиррали эканлигини яна бир бор исботлайди.

17-мавзу. "Қадриятлар тизими" тушунчаси ва унинг намоён бўлиш хусусиятлари

Қадриятшунослик мавзулари орасида қадриятлар тизими билан боғлиқ масалалар муҳим ўринни эгаллайди. **"Қадриятлар тизими"** муайян ижтимоий субъектларга (шахс, миллат, жамият ва бошқ.), бирон бир давр, тарихий босқич ёки соҳа билан боғлиқ бўлган қадрият шаклларининг ўзаро алоқадорлиги ва чамбарчас боғлиқлигини ифодаладиган тушунчадир.

Бу мавзуга доир масалалар муқаррар равишда аксиологиянинг диалектика билан боғлиқ жиҳатларини ҳисобга олишни тақозо қилади. Илмий адабиётларда табиат диалектикаси масалалари атрофлича ишланган ва ишланмоқда. Аммо ижтимоий ҳаёт диалектикасига эътибор нисбатан камроқ, аксиологик жараёнлар диалектикаси эса ўз тадқиқотчиларига муҳтож.

Тизим, тузилиш, тизимни ташкил этувчи қисмлар, тизимлилик асосида ёндошиш усули каби муаммолар, уларнинг моҳияти, мазмуни ва аҳамиятига доир фалсафий адабиётлар ниҳоятда кўп "Система", "структура" ва "элемент" тушунчалари фалсафий категориялар тизимида ўз ўрнига эга. Системалилик принципи эса илмий билиш ва тадқиқотларнинг асосий усулларида бирига айланган. Энг муҳими ана шу принцип ва уни илмий билишда намоён бўлиш қонуниятларининг аксиологик тадқиқотлар, қадриятлар ва қадрият тизимларининг амалиётини таҳлил қилишда кашф этадиган ўзига хос хусусиятларини ўрганишдир. Бу борада тарихийлик мезонининг қўшилиши ҳамда масала системалилик ва тарихий усул қоидаларидан аксиологик тизимларга тадбиқан фойдаланиш тарзида қўйилаётган муаммони янада долзарблаштиради. Бу усул муқаррар равишда вақт ва замон билан боғлиқ жараёнларни ҳар қандай тизим амалиётининг асосий шартларидан бири сифатида қарашни эътироф этади.

Ҳар қандай тизимнинг вақт ва замон билан боғлиқ хусусиятларини таҳлил қилишда қуйидагиларга эътибор берилади: муайян тизим чексиз тарихийлик жараёнида муайян вақтда пайцо бўлади, аниқ бир замонда амал қилади, ўзига хос яшаш даврини бошидан кечиради. Шу маънода, ҳар қандай тизимнинг ибтидоси - вужудга келиши ва интиҳоси - муқаррар равишда ўз ўрнини бошқасига бўшатиб бериши орасидаги тарихий амал қилиш даври мавжуд. Маълум бир цивилизация ёки этнослар тараққиётининг муайян даврига хос умумий қадрият тизимлари хусусида ҳам ана шундай мулоҳаза юритиш мумкин: уларнинг ҳар бирига хос тарихий амал қилиш давлари бўлади.

Ижтимоий тараққиёт жараёнида бир ривожланиш босқичидан бошқасига ўтишида иқтисодий, сиёсий, маданий ва маънавий соҳаларда ўзгариш бўлгани сингари, қадриятлар соҳасида ҳам ўзгаришлар бўлади. Янги даврнинг ижтимоий тузилишига ва замона реалликларининг талабларига мос келадиган қадриятлар тизими шаклланади, бу жараён заруриятга айланади. Ана шу маънода, жамият ривожининг муайян босқичини, иқтисодий, сиёсий ва бошқа нуқтаи назарлар орқали таҳлил қилиш мумкин бўлгани сингари, уни аксиологик нуқтаи назардан ҳам ўрганиш мумкин. Бунда биз муқаррар равишда бир даврнинг қадриятлар тизими бошқасига хос тизимдан фарқ қилишининг гувоҳи бўламиз.

Тарихийлик принципини қадриятлар тизимининг ижтимоий ривожланиш билан боғлиқлиги масаласига нисбатан қўлланилганида қуйидагича хулоса чиқариш имкони туғилади: тараққиёт жараёнида муайян қадрият тизимлари шаклланади, такомиллашади, инкор қилинади ва бошқасига ўз ўрнини бўшатиб беради. Бу жараёнда инкор ва ворислик диалектикаси алоҳида ўрин тутаяди. Шу маънода ўтмиш тарихий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва маънавий жараёнларнинг кетма-кетлиги бўлгани сингари, қадрият тизимларининг ўрин алмашинуви, инкори ва янгиланишидан иборат жараён ҳамдир.

Инкор ва янгиланиш диалектикаси фақат бир қадрият тизими бошқасига айланаётганидагина рўй беради, дейиш ножоиз. Бундай ҳол муайян қадрият тизимининг амалиётида ҳам кўзга ташланади, унда ҳам янгиланиш жараёни микдорий ўзгаришларнинг ҳосиласи сифатида намоён бўлади.

Шу билан бирга ҳар қандай қадриятлар тизимининг ўзига хос эволюцион, ривожланиш жараёни ҳам бор. Бу жараённинг таҳлилида вақт ва замон билан боғлиқ хусусиятлар асосий ўринни эгаллайди. Чунки бунда мазкур тизимнинг ўзига хос ички ўзгаришлари, уни ташкил этган таркибий қисмларнинг муайян вақт доирасидагина бир барқарор ва мутаносиблик ҳолатини сақлаб қолиши, аслида эса тизимда мавжуд бўлган алоқалар занжирида узлуксиз ўзгаришларнинг бўлиб туриши кўпроқ эътиборга олинади.

Демак, у ёки бу тизимнинг амалиёти нафақат макон, балки замондаги ўзгаришлар ҳамда алоқалар билан узвий боғланган. Бу айниқса муайян даврда яшаётган жамият билан боғланган умумий қадрият тизимининг амалиётида яққол намоён бўлади. Бундай ўзгаришлар жараёнида тизим бир-биридан фарқланадиган турли хил сифатий ҳолатлардан ўтади. Аммо бундай ҳолда ҳам у ўзлигини, ўз қиёфасини бутунлай йўқотиб қўймайди (тизим бутунлай йўқолиши мумкин бўлган ҳоллар бундан мустасно), балки унда нималардир ўзгаради, бошқалари эса, ўз барқарорлиги ва доимийлигини сақлаб қолади. Шу билан бирга, шаклланган қадрият тизими ана шу қайд қилинган ҳолатларни, яъни доимий янгиланиш, ўзгариш билан бирга муайян барқарорликни, айрим қадриятларнинг доимий мазмунига эга бўлишини намоён қилади. Бу борадаги фикр машҳур аксиолог олим Н.Гартман илгари сурган "Ўзгармас ахлоқий қадриятлар" назарияси қоидаларига таяниб баён қилиниши ҳам мумкин.

Қадрият тизимларининг амалиётида барқарорлик ва ўзгаришлар диалектикаси ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Барқарорлик ва ўзгаришларнинг моҳияти ва ўзаро алоқаси тўғрисида манбаълар ниҳоятда кўп. Бизни эса,

барқарорлик ва ўзгаришлар диалектикасининг қадрият тизимлари амалиётида намоён бўлиши ва у касб этадиган ўзига хос хусусиятларни ўрганиш, яъни масаланинг аксиологик жиҳатини ижтимоий-фалсафий таҳлил қилиш қизиқтиради, холос. Қадрият тизимларининг барқарорлиги уларнинг бошқа тизимлардан фарқ қиладиган, таркибий қисмлари мутаносибликда намоён бўладиган, бу тизимни ташкил этувчи қисмлар оқилона қадрият мўлжаллари мезонига мос келадиган, тизимнинг ўзи эса ижтимоий субъектларнинг эҳтиёжларини қондирадиган, уларнинг ҳамжиҳатлигини таъминлайдиган мезон сифатидаги аҳамиятини сақлаб турган бирор даврдаги "реал ҳолат"ин ифодалайди.

Диалектика "О"ни ("нол"ни) тан олмайди. Яъни диалектика нуқтаи назаридан олганда мутлақ барқарорлик йўқ, барқарорлик абадий ўзгаришларнинг нисбий тинч ҳолатидир. Аммо бу ҳолатда ҳам ўзгаришлар жараёни боради. Мазкур қоида қадрият тизимларининг амалиётига тадбиқ этилганида, бу тизимларнинг барқарорлиги, уларнинг узлуксиз аксиологик ўзгаришлар жараёнидаги нисбий тинч ҳолатидир, дея эътироф этиш имконини беради. Қадрият тизимининг ана шундай ҳолати унинг ўзига хослигини, бошқа тизимларга ўхшамаслигини, мазкур реал ҳолат тарзида тўла-тўқис қайта такрорланмаслигини, бетакрорлигини ифодалайди.

Барқарорлик ва ўзгаришлар ўртасидаги мураккаб, диалектик ўзаро алоқадорликларни аниқлаш, илм-фанни янада ривожланиши ва бойишининг, /системали таҳлил, системали ёндашув каби/ янги тадқиқот-усуллари пайдо бўлишининг илмий асосидир. Ҳолбуки, замонавий илмий билишда барқарорлик ва ўзгаришларнинг муқоясаси қатор хусусиятлар кашф этмоқда. Субъект ва объект ўртасидаги ўзаро таъсирнинг тавсифи ўзгармоқда, илмий билимларни барқарор шаклларининг мураккаб динамикасини ўзида яфодалайдиган билиш жараёнининг омилкорлиги ошиб бормоқда. Айнан ана шундай омилкорлик ва ижодийликкина барқарорлик ва ўзгаришлар жараёнининг аксиологик тавсифини бериш имконини яратади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, илмий-фалсафий адабиётларда тизим, тузилиш, қисм, барқарорлик, ўзгаришлар, мутаносиблик, зиддиятлар, уларнинг диалектик алоқаси, намоён бўлиши билан боғлиқ масалалар атрофлича қараб чиқилган. Муайян воқелик, объект ёки субъект қадри ва аҳамиятининг инъикоси бўлган, объектив равишда тасаввур қилинадиган ва билиш жараёнида англаб олиннадиган турли қадрият шаклларининг ўзига хос боғланишини ифодалайдиган аксиологик тизимлар қадриятлар системаси дейилади.

Жамият ривожининг муайян даври ижтимоий тузилишига унинг инъикоси бўлган бирор бир умумаксиологик қадриятлар тизими мос келади ва у ижтимоий воқеалар билан боғлиқ тарзда намоён бўлади. Умуминсоний, миллий, диний, синфий, шахсий ва бошқа қадрият шакллари ушбу тизим манзарасида муайян ўринни эгаллайдилар. Улар орасидаги фарқ, тафовут ва муносабатлар эса ушбу тизимдаги умумий ўзгаришларга боғлиқ бўлади.

Ҳозирги даврга келиб олим ва мутахассислар ҳар бир жамият қадриятлар мажмуасининг ўзига хос, тегишли тизимини яратишини алоҳида таъкидламоқдалар. Кўплаб мутафаккир, олим ва тадқиқотчилар ҳам қадриятларни ягона шакли тўғрисида эмас, балки уларнинг бир неча шакллари ёки умумий мажмуаси тўғрисида фикр юритганлар. Масалан, Форобий "Фозил шаҳар кишилари", Навоий эса "Комил янсон" қадриятлари, А.Авлоний "яхши ва ёмон хулқлар" тизимини ташкил қиладиган қадрият шаклларини ўзаро алоқадорликда изоҳлаган. Диний дунёқарашларга хос қадриятлар тизимида асосий бўғинлар илоҳий қадрият шакллари бўлса, бошқа қарашларда "цивилизациялар тараққиёти", "индустириал жамият", "постиндустириал жамият", "ижтимоий тузилиш мутаносиблиги" билан борлиқ қадрият тизимларига кўпроқ эътибор берилган.

Демак, қадрият шакллари ўртасидаги боғлиқликни системалилик принципи

асосида ўрганиш, уларни муайян тартибдаги тузилишига эга бўлган хилма-хил тизимлар сифатида талқин қилиш имкони борлигидан далолат беради. Бу тизимнинг умумий манзараси уни ташкил этган таркибий қисмларнинг ўзаро боғланишлари, алоқалари, муносабатлари, мутаносиблиги ёки номутаносиблиги, улар орасидаги фарқ, тафовут, қарама-қаршилик, зиддиятларга ҳамда тизимдаги ўзгаришлар ва бошқа диалектик жараёнларга боғлиқ. Мутахассислар таъкидлаганларидек система учун фақат уни ташкил этувчи элементлар ўртасидаги алоқа ва муносабатларнинг мавжудлиги эмас, балки муҳит билан чамбарчас бирликда бўлиш ҳам характерлидир, чунки муҳит билан ўзаро муносабатларда система ўзининг яхлитлигини ифодалайди. Ана шунга асосланган ҳолда жамиятнинг умумий ижтимоий тузилишига қадриятларнинг ҳам энг умумий тизими, ушбу ижтимоий тузилишни ташкил этган ва ўзаро боғланган таркибий қисмларга /ёки элементларга/ эса хусусий қадрият тизимлари мос келади, деб қараш мумкин.

Аксиологик ҳодисалар, жумладан, қадрият тизимларини системалилик принципи нуқтаи назаридан талқин қилишда қуйидаги ҳолатларга алоҳида эътибор берилади:

- қадрият тизимлари боғланган объектларнинг ўзини ҳам реал система тарзида тушиниш, уларга асосланадиган қадриятлар системасининг мураккаб тузилишини эътибордан қолдирмаслик;

- қадриятлар тизимининг таркибий қисмларини, яъни мазкур тизимни ташкил қиладиган қадрият шакллари аниқлаш, улар ўртасидаги боғлиқликни ҳисобга олиш;

- қадриятлар тизимининг реал манзарасидаги асосий боғланиш ларни аниқлаш, уни ташкил этадиган таркибий қисмлар муайян тизимни ташкил этганларида содир бўладиган аксиологик ҳолатни назардан қочирмаслик;

- қадриятлар тизимининг шаклланиши ва амалиёти жараёнидаги таъсир ва акс таъсирларни, уларнинг орасидан асосий, ички ва ташқи шакллари ҳисобга олиш;

- муайян қадриятлар тизимининг барқарор ва ўзгариш ҳолатлари рини, бу борадаги инкор ва ворислик диалектикасини эътиборга олиш;

- ижтимоий воқеликдаги жараёнларнинг қадриятлар тизимига таъсири, акс этиши ва қадрият тизимларининг замона реалликлари га мослашуви жараёнини назардан қочирмаслик.

Алоҳида таъкидлаш керакки, жамият ривожини муайян босқичи яхлит ижтимоий организм эканлиги, уни ўзига хос тизим /система/ ва тузилишга /структурага/ эгаллиги ҳозирги даврга келиб кўпчилик ижтимоий фан олимлари томонидан эътироф қилинган. Мутахассислар бу тўғрида хилма-хил қарашларни баён қилсалар-да, жамиятнинг умумий ижтимоий тизим ва тузилишга эга эканлигини рад қилмайдилар. Бу хилма-хил қарашларни ўрганишга илмий тадқиқот нуқтаи назаридан, уни ҳажми имкониятлари даражасида эътибор бериш жуда муҳим.

Аммо ижтимоий тизим ва уни тузилишини ташкил этган таркибий қисмлар орасидаги мутаносиблик ҳамда уйғунликка асосланган барқарор ҳолат ёки улар орасидаги фарқ, тафовут, номутаносиблик кучайган, турли ўзгаришлар рўй бераётган ҳоллар билан боғлиқ жараённинг аксиологик жиҳатини тадқиқ қилишнинг аҳамияти ҳам катта. Бунда гап ижтимоий ривожланиш муайян босқичнинг (уни қайси таълимотда қандай айтилишидан қатъи назар) ижтимоий тузилишига мос келадиган умумаксиологик система (яъни умумий қадриятлар тизими) ҳақида бормоқда. Ушбу тизим учун энг асосий жиҳатлар - уни ташкил этувчи асосий қадрият шакллари ўртасидаги алоқалар, муносабатлар, муайян уйғунлик ва мутаносибликни жамият ижтимоий тузилиши, кишилар ўртасида шаклланган ва барқарорлашган муносабатлар, улардан ўзгаришлар жараёни билан

узвий борлиқлигидир. Айнан ана бу борлиқлик ўз навбатида қадриятлар тизимининг бирор ҳолатдаги манзараси учун асос бўлади, ундаги мутаносиблик, уйғунлик ёки ўзгаришларни белгилайди.

Умумаксиологик тизимдаги муайян қадрият шакли ўз навбатида хусусий қадриятлар тизимига эга бўлади. Яъни бирон бир ижтимоий ривожланиш босқичига хос умумижтимоий қадриятлар системаси бўлгани сингари, шу давр ижтимоий тузилишида мавжуд бўлган субъектларга ҳам хос қадриятлар системаси мавжуд бўлади. Масалан, жамият ривожининг ҳозирги даврида мавжуд бўлган миллатлар, синфлар, партиялар ўзига хос махсус қадриятлар тизимига эгадир. Бу ҳолда умумий тизимдаги ҳар бир таркибий қисм ўз тизимидаги алоҳида шакл учун умумийлик сифатида намоён бўлади. Ана шу умумий, хусусий ва алоҳида шакллар /қисмлар/ орасидаги уйғунлик ва мутаносиблик умумий қадриятлар тизимидаги барқарорликни таъминлайди. Аммо бу барқарорлик юқорида айтганимиз каби, кўп даражада намоён бўладиган умумий қадриятлар тизими, уни таркибий қисмлари орасидаги алоқаларда мутлақ ва абадий ўзгармас ҳолат эмас. Балки ушбу тизим тараққиёти муайян даври билан боғлиқ жараён, яъни ўзгаришларнинг узлуксизлиги жараёнидаги нисбий тинчлик ҳолатидир.

Қадриятлар тизимининг тузилишини ташкил қилган кўп даражада таркибий қисмлар ўртасидаги муносабат, алоқа ва боғланишларни нисбатан ўзгармасдан нисбий тинч турган ҳолатини ўрганишнинг самараси катта. Бироқ бу нисбий ҳолатни абадийлаштириш, ўз навбатида, умумий тизимдаги жараёнларни давр оқими билан боғланганлигини тушунмасликка олиб келади. Бундай ҳолда қадриятлар тизимидаги номутаносибликлар, фарқлар, тафовутлар, қарама-қаршилиқ, зиддият, ўзгариш жараёни ва уни муқаррар равишда бошқа тизим билан алмашиши қонуниятларини илмий-аксиологик таҳлил қилиш қийин. Ҳолбуки, бундай ўрин алмашиш жараёни билан боғлиқ умумий қонуниятлар хусусий жиҳатларни ўрганишнинг аҳамияти катта. Бу айниқса Ўзбекистоннинг мустақиллиги шароитида шаклланаётган қадрият тизимларининг амалиётини ўрганишда ғоят муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса қадриятлар тизимидаги барқарорлик ва ўзгариш ҳолатлари мутлақ қарама-қаршилиқни англамайди, балки бир-бирини тақозо қилади, умумий жараённинг чамбарчас боғлиқ икки ҳолатини ифодалайди. Биз бу икки ҳолатни Т.Парсонснинг "Ижтимоий тузилишдаги мутаносиблик",¹ Р.Дарендорфнинг "Конфликтлар социологияси"ни асосий жиҳатлари тўғрисидаги фикрларига таянган ҳолда таҳлил қиламиз. Улар ҳозирги даврдаги жамиятга хос ижтимоий тузилишнинг бир-биридан фарқ қиладиган ҳолатларини таърифлайдилар.

ИЖТИМОЙ ТУЗИЛИШДАГИ МУТАНОСИБЛИК

1. Ҳар қандай жамиятнинг ижтимоий тузилишида муайян уйғунлик ва мутаносиблик мавжуддир.
2. Уйғунлашган ижтимоий тузилишда барча таркибий қисмлар муайян мутаносибликда бўлади.
3. Ижтимоий тузилишнинг мутаносиблиги учун уни ташкил қиладиган таркибий қисмларнинг барчаси муайян аҳамият касб этади.

КОНФЛИКТЛАР СОЦИОЛОГИЯСИ

1. Ҳар қандай жамиятнинг ижтимоий тузилишида муайян ўзгаришлар ва зиддиятлар мавжуддир.
2. Ўзгараётган ижтимоий тузилишдаги таркибий қисмлар орасида зиддиятлар мавжуд бўлади.
3. Ижтимоий тузилишдаги зиддиятларда уни ташкил этадиган таркибий қисмларнинг барчаси муайян аҳамият касб этади.

¹ Parsons T/Sosiologik cal theoru and modern sosity-N/Y/1967/

Т.Парсонс жамиятнинг ижтимоий тузилишидаги уйғунлик ва мутаносибликни сақлаб қолиш учун қадриятлар омилига таянади. У жамиятдаги барқарорликни асрашда кишиларнинг муайян қадриятларга асосланган ҳамжиҳатлиги катта аҳамиятга моликлигини алоҳида таъкидлайди. Р.Дарендорф ва унинг тарафдорлари эса жамиятнинг ижтимоий тузилишидаги фарқлар, тафовутлар ва айрим қарама-қаршиликларга кўпроқ эътибор беришади. Уларнинг фикрича жамиятдаги ўзгаришларнинг доимийлиги унинг ижтимоий тузилишидаги ўзгаришлар ва зиддиятларнинг доимийлигини таъминлайдиган асосдир. Ана шу сабабдан ҳам жамият ва унинг тузилишидаги зиддиятлардан кўз юммасдан балки уларни доимий ҳисобга олиш амалиётга катта фойда келтиради ҳамда турли қарама-қаршиликларни ўз вақтида ҳал қилиш имконини беради.

Мазкур қарашларнинг иккаласи ҳам собиқ иттифоқ даврида танқид остига олинган эди. Уларга замонавий ва ҳолисона қараш эса бу танқиднинг адолатдан эмаслигидан далолат беради. Бизнингча бир бирига мутлақо зиддек бўлиб кўринаётган бу қарашлар жамиятни икки хил тушуниш, ундаги жараёнларни икки хил талқин қилиш билан боғлиқ бўлиб, уларда жамият ижтимоий тузилишининг бир биридан фарқ киладиган турли ҳолатлари ифодаланган холос.

Жамиятнинг ижтимоий тузилишига боғлиқ бўлган қадриятлар тизимининг турли ҳолатларини Т.Парсонс ва Р.Дарендорфларнинг юқоридаги қоидалари билан таққослаш орқали ўрганиш ҳам мумкин.¹ Бунда куйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор бериш лозим:

1. Қадрият тизимларининг бирор бир ҳолати, уларнинг барқарорлиги ва ўзгаришлари, тизимни ташкил этган қисмларнинг аксиологик боғлиқлиги ва намоён бўлиш хусусиятларини ўрганиш, мазкур жиҳат илмий тадқиқот, аксиологиянинг бу борадаги масалаларини ташкил қилиш учун ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади;

2. Аммо тизимнинг амалиёти масаласи ҳам бор. Хўш умумижтимоий қадриятлар тизими жамият ривожини муайян босқичи тузилишининг аксиологик инъикоси холосми? Унинг ўзи жамият ва уни ташкил этадиган ижтимоий субъектлар учун аҳамият касб этмайдими? - деган муаммоларга эътибор бериш масалани назария соҳасида амалиётга кўчиради, яъни унинг амалиёт, замона реалликлари билан боғлиқлигини англатади.

3. Маълум бир ривожланиш босқичига хос умумижтимоий қадриятлар тизими ўша давр жамиятидаги барқарорлик ва уни ташкил этадиган ижтимоий субъектлар орасидаги ҳамжиҳатликни таъминлайган, уларни бир-бири билан боғлаб турадиган маънавий-академик мезон /критерий/ ролини ўташи ҳам мумкин. Яъни жамиятдаги субъектлар ижтимоий барқарорликка йўл қўймайдиган барқарор муносабатларни сақлаб туришда бирор қадриятлар тизими мезонига асосландилар, унинг асосида ўзаро келишадилар ва ҳамжиҳат фаолият юритадилар.

4. Бирор бир қадриятлар тизими мезонига асосланиш жамиятдаги туб бурилишлар даврида ниҳоятда зарур. Бу айниқса собиқ иттифокқа хос қадриятлар тизими ўтмишда қолаётган, республикамизда унинг мустақиллигига асосланган ижтимоий тузум ва янгича қадриятлар тизими шаклланаётган ҳозирги давр учун катта аҳамият касб этади.

Назарий жиҳатдан олганда қадриятлар тизими билан боғлиқ масалани ўрганиш шуни кўрсатадики, тизимни муайян ҳолатдаги манзарасини таҳлил қилишда, асосий эътибор уни таркибий қисмларига қаратилса, тизимдаги ўзгаришларни қараб чиқишда эса замон билан боғлиқ жараёнлар, кетма-кетлик ва давомийликка кўпроқ эътибор беришга тўғри келади. Биринчи ҳолатда тизимнинг

¹ Изох: Ш бобда бу масала атрофлича таҳлил қилинган.

тузилиши, иккинчи ҳолатда эса унда кечаётган жараёнларнинг кетма-кетлиги /тарихийлик/ илмий таҳлил учун мақсад бўлади. Бизнингча тадқиқотдаги бундай номутаносибликни мутлақ қарама-қаршилик, деб бўлмайди. Бу - аслида, бир ҳолатни икки хил тушиниш, унга икки жиҳатдан ёндашиш, уни маконда намоён бўлиши ва замонда ўтиши билан мос равишда ўрганишга интилишни ифодалайди. Иккала жиҳат бир-бирини тўлдиргани каби, икки хил ёндашиш ҳам бир-бирини тақозо қилади, уларни қарама-қарши бўлиб кўринаётган ҳолати эса гносеология жиҳатидан аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Қадриятлар тизимида турлича ёндашиш унга хос бўлган хилма-хил ҳолатларни тушиниб олишда қўл келади.

Ижтимоий тараққиётнинг муайян босқичидаги умумижтимоий қадриятлар тизимини мураккаб манзара ва тузилишга, турли хил намоён бўлиш даражалари ҳамда хилма-хил хусусиятларга эга бўлган серқирра аксиологик тизим сифатида таҳлил қилиш жоиз. Тизимларни бу таҳлит таҳлил қилишга эътибор катта. Қадриятлар тизимини амалиёти билан боғлиқ жараёнларни ўрганишда эса уларни намоён бўлиш шакллари орасидаги номутаносиблик, фарқ, тафовут, қарама-қаршиликлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Улар қадрият шаклининг мазмуни, аҳамияти, тузилишида ҳам сақланиб қолади. Бундай фарқ қадриятларни барқарор қилиш учун бўлаётган фаолиятлар, бу борадаги эҳтиёжлар, манфаатлар, мақсад ва интилишларга ҳам тегишли. Қадриятлар тизимини барқарор қилиш йўллари, усуллари, улардан фойдаланиш хусусиятлари ва шарт-шароитлари ҳам бундан мустасно эмас.

Қадриятлар тизими амалиётида бир томондан, қадрият шаклларида хос турли хусусиятлар, жиҳатлар ва фарқли томонларнинг диалектик бирлиги, мутаносиблиги, иккинчи томондан эса улар ўртасидаги фарқ, тафовут ва номутаносибликлар асосида вужудга келадиган зиддиятли ҳолатлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу икки жиҳат тизимнинг замондаги икки хил ҳолатини, амалий жараёндаги нисбий тинчлик ёки абадий ўзгаришлар ифодасидир.

Қадриятлар тизимининг турли ҳолатлари таҳлилида воқеа ва ҳодисаларнинг кетма-кетлиги, вақт ва замона реалликлари албатта ҳисобга олиниши зарур. Яъни бирор бир конкрет қадриятлар тизими муайян воқеликнинг қадри-қиммати, субъект учун аҳамиятини ифодаладиган аксиологик инъикоси эканлигини қайд этмоқ лозим. Бундай ҳолатларнинг узлуксиз такрорланиши эса қадрият тизимларининг ижтимоий воқелик ва тараққиёт билан боғлиқлигини ифодаладиган қуйидаги муҳим хулосага келиш имконини беради: муайян ижтимоий воқеликка муайян қадриятлар тизими мос келганидек, ўзгарган ижтимоий воқеликка ҳам ўзгарган тизим мос келади. Бундай ҳол замондаги давомийликка нисбатан мос келмаслиги, воқелик ёки қадриятлар тизимидаги ўзгаришлар бир биридан қисман илгарилаб кетиши ёки орқада қолиши ҳам мумкин, ammo бу - мазкур қоиданинг бутунлай бузилиши, дегани эмас.

Қадриятлар тизимининг ўзгаришларини замон билан боғлаб ўрганиш нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу айниқса ҳозирги даврда жаҳонда ва Ўзбекистонда рўй бераётган ўзгаришларнинг қадриятлар соҳасидаги намоён бўлиш хусусиятларини билиб олиш, қўлга киритиладиган илмий далилларни тажрибада қўллаш учун ниҳоятда зарур. Шу билан бирга бундай қараш ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларнинг қадриятлар омили ва мезони билан боғлиқ жиҳатларига амалий таъсир кўрсатиш, бу борадаги вазифаларни аниқлаш, зарур чора-тадбирларни белгилаш имконини беради.

Бу борада яна шуни таъкидлаш керакки, муайян жамиятнинг тузилишига мос келадиган умумий қадриятлар тизими ва уни манзарасини турлича ўрганиш мумкин. Ammo, ҳар қандай умумий қадриятлар тизимида, икки таркибий қисм - умуминсоний ва шахсий қадрият шакллари, сақланиб қолади, чунки жамиятдаги ҳар қандай ўзгаришларга қарамасдан ҳозиргача одам зоти ва инсоният жамияти мавжуд. Бу икки қадрият шаклининг мавқеи эса аниқ қадриятлар тизими

асосланадиган ижтимоий тузилишнинг умумий манзарасига, ундаги турли жараёнларга боғлиқ бўлади. Мазкур тизимларда бу икки қадрият шакли бир-бири билан турли хусусий бўғинлар орқали боғланади, бу бўғинлар ирқий, миллий, этник, маънавий, синфий ёки бошқа хусусий қадрият тизимлари тарзида намоён бўлиши ҳам мумкин. Бир қанча бундай ҳолатларни тасаввур қилиш имкони туғилади. Масалан қуйидигича / ва ҳоказо/:

а) "умуминсоний-миллий-шахсий" қадриятлар боғланиши

б) "умуминсоний-диний-шахсий" қадриятлар боғланиши



қадриятларнинг ҳар қачан боғланиши ҳолат сақланган эса умуминсонийлик дилекцияси ва ёёнлар учун қадриятларнинг кўрсатади "синфийлик"нинг ўрни механик қилиди албатта. Ижтимоий ҳаётда улар чамбарчас алоҳида намоён бўлади. Яъни муайян шахс бир вақтнинг ўзида у ёки бу миллатга мансуб киши, бирор қавмга алоқадор диндор, жамиятнинг ижтимоий тузилишида ўз ўрнига эга бўлган табақа ёки синф вакили, партия аъзоси каби бир қатор хусусиятларини намоён қилади, ўз қиёфасида эса уларга хос қадриятларни ифодалаш ҳам мумкин.

Бизнинг давримиз учун жамиятни ҳозирги босқичи ижтимоий тузилишига мос келадиган умумий қадриятлар тизимининг замонавий манзарасида ўзаро чамбарчас боғланган "умуминсоний қадриятлар - миллий қадриятлар - шахсий-индивидуал қадриятлар" тизимидаги боғланиш алоқаларни таъқиқ қилиш катта аҳамиятга эга.

Бунда фақатгина мазкур қадрият шакллариининг юқоридаги бетдаги ҳолатини эмас, балки ундан фарқ қиладиган қуйидаги боғланишларни ҳам таҳлил қилиш имкони туғилади:



Мазкур ҳолатларга қадрият шакллариининг бир-бири билан алоқаси қонуний эканлигининг ифодаси сифатида қаралиши мумкин. Шу билан бирга, бу ҳолатлар ушбу қадриятларнинг бир-бири билан туташ нуқталари борлигидан, уларнинг ўртасида эса ўтиб бўлмас чегаралар йўқлигидан далолат беради. Ана шу кўринишлар асосида ҳам умумий тизимдаги жараёнларни ўрганиш мумкин. Бундай ҳолда ҳамма бўғинлар эмас, балки энг асосий, ўзаро алоқадор ва ундаги ўзгаришлар тўғрисида хулоса чиқариш имкони туғилади. Юқоридаги фикрлардан баъзи хулосаларга келиш мумкин:

1. Қадриятларнинг намоён бўлиш шакллари хилма-хил ва турли-туман

бўлгани билан, улар ўртасида боғланишлар ва ўзаро алоқадорлик мавжуд. Бу айниқса бирор ижтимоий воқелик, унинг кўриниши, нарса, воқеа, ижтимоий субъектлар ва бошқалар билан боғланган қадрият шакллариининг намоён бўлишида яққол кўзга ташланади. Улар орасидаги боғлиқлик ва ўзаро алоқадорлик "Қадриятлар тизими" тушунчасида ифодаланади.

2. Ҳар қандай қадриятлар тизими шаклланиш, амал қилиш, такомиллашув ва таназзул даврларини бошидан кечиради. Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам уни ташкил этадиган қадрият шакллари тизимнинг амалиётида, унинг бирор-бир конкрет ҳолда намоён бўлишда ўзига хос аҳамият касб этади.

3. Ҳар қандай тарихий давр, жамиятнинг ривожланиш босқичи, ижтимоий субъектлар (шахс, синф, миллат ва ҳок.) ва бошқалар ҳам ўзига хос қадриятлар тизимига эга бўладилар. Муайян ижтимоий воқелик ёки унинг бирор бир намоён бўлиш шаклига муайяи қадриятлар тизими мос келиши қадриятлар соҳасидаги асосий қоидалардан биридир.

Жамият тараққиётининг ҳозирги даврида жаҳонда умуминсоний қадриятларнинг устиворлигига эришиш ва инсон қадрини ошириш соҳасидаги замонавий талаблар халқлар ва миллатларнинг мустақил ривожланиши борасидаги ҳаракати билан уйғунлашиб кетмоқда. Мустақил Ўзбекистонда ҳам ана шундай жараён рўй бераётган бугунги кунларда юзага келаётган қадриятлар тизимининг барқарор ҳолати ва унинг истиқболдаги манзарасида қадрият шакллари касб этадиган ўзига хос хусусиятлар ва жиҳатларнинг аксиологик асосларини ўрганиш ниҳоятда муҳим. Бу борадаги фикрларнинг мантиқий ривожини ана шулар билан боғлиқ масалаларни илмий таҳлил қилиш белгилаб беради.

18-мавзу. Қадриятлараро алоқадорлик, мутаносиблик ва уйғунлик – барқарор тараққиёт омили

Қадриятларнинг барча шакллари ўзига хос мураккаб хусусиятга эга. Бунда қадриятлар, ўзаро алоқада ва диалектик боғлиқликда мавжуд бўлади. Ана шундай боғлиқлик жамият ижтимоий тузилишига мос келадиган энг умумий қадриятлар тизимини ташкил қилади. **Қадриятлар тизимидаги жараёнлар** турлича намоён бўлади:

1. Барқарор яшаётган жамиятдаги умумий ижтимоий тизимнинг турли жиҳатлари, хусусиятлари ва таркибий қисмлари бир бутун яхлитликни ташкил этгани сингари, қадрият тизимлари ҳам ана шунга мос равишда умуший алоқадорликда ва ўзаро боғлиқликда намоён бўлади. Бу алоқадорлик ва боғлиқликда бўлган таркибий қисмлар амалиётдаги мутаносиблик, уйғунлик, бир-бирига мослик умумий қадриятлар тизимининг барқарор ҳолатини ифодалайди.

2. Қадриятлар тизими барқарор бўлган ҳолатда ҳам, унда ўзгаришлар жараёни тўхтаб қолмайди: ички тафовут, фарқлар сақланиб қолади, таъсир ва акс таъсир амалга ошади. Бу ўзгаришлар тизимни муайян вақт давомидаги ҳолатига хос умумий манзарани ўзгартрмайди ёки асосий таркибий қисмлар орасидаги боғланишларни бутунлай узиб юбормайди. Балки ана шу жараён қадриятлар тизимидаги ички ўзгаришларни, барқарор сифат доирасидаги ҳолатларини ифодалайди.

3. Қадриятлар тизими, уни амалиёти ва қадрият шаклларига хос жараёнлар пировард натижада умумий тизимдаги асосий боғланишларга "бўйсунмай қолади", уни бошқа сифатга ўтишини заруриятга айлантиради. Бу сифат ўзгариши янги қадриятлар тизимини шаклланишга олиб келиши мумкин, ушбу жараён эса диалектик инкорни-инкор сифатида амалга ошади.

Қадриятлар тизими ғоят мураккаб ва кўп қиррали ижтимоий муносабатлар, алоқалар, жараёнларни ўзида умумлаштирган яхлит табиий тарихий организм -

жамият билан узвий боғлангандир. Жамият тараққиётини муайян даврида унинг ижтимоий тузилиши мутаносибликка эга бўлади ва уни бу даврига қадриятларнинг ҳам нисбатан барқарор ва ўзаро мутаносиб умумий тизимлари мос келади. Бу барқарорлик ва мутаносиблик қадрият тизимлари ўртасидаги муноабатларга ҳам хос бўлганлигидан, бир даврда мавжуд бўлган қадрият тизимларидан бошқа даврда мавжуд бўлган қадрият тизимларини ажратиш, улар ўртасидаги фарклар ва тафовутларни ўрганиш мумкин. Жамият тараққиёти муайян давридаги нисбатан: барқарор ва ички мутаносиб бўлган қадрият тизимларини талқин қилиб турган таркибий қисмлар бир-бирига мос ва мутаносиб бўлади, ўзаро таъсир қилиб туради, диалектик алоқадорликда ва умумий боғлиқликда намоён бўлади.

Ҳар қандай қадриятлар тизими вужудга келиши, шаклланиши, ҳамда таркабий қисмларини уйғунлиги ва ўзаро мутаносиблигига асосланганидан нисбий тинчлик ёки барқарор ҳолатлари, амал қилиши, такомиллашуви, ўзгаришлари билан тавсифланади. Айнан ана шу барқарор ҳолат мазкур қадриятлар тизимини нисбий бетакрор ҳолатдаги, яъни бошқа тизимларга ўхшамайдиган ўзига хослигини ифодалайди. Қадриятлар тизимини барқарор ҳолатдаги манзараси, ундаги таркибий қисмлар уйғунлиги асосида ўрганилаётганда замондаги ўзгаришлар, тўғрироғи тизимда муайян вақт давомида рўй бераётган жараёнлар, хиралашиб қолгандай бўлиб туюлади. Яъни бунда тарихийлик эмас, балки тизимлилик принципи, қадриятлар тизимини ўзгаришлари эмас, балки уни ташкил этган таркибий қисмлар ҳолати, ўрни, аҳамияти, хусусиятлари тадқиқотининг асосий мақсадига айланади

Аmmo бу таҳлилда уларни умумий тизимни ташкил этувчи таркибий қисмларга хос алоҳида хусусиятлари қараб чиқилади холос. Ушбу қадрият шакллари ўртасидаги алоқалар ва муносабатлар билан боғлиқ жиҳатлар, уларнинг замондаги ўзгаришларига эътибор берилмайди. Ҳолбуки айнан ана шу алоқалар ва умумий ўзгаришлар таҳлил қилинганидагина умумий тизимдаги жараёнларни тасаввур қилиш имконини беради.

Қадриятлар тизимида барқарорликнинг йўқолиш жамиятга таъсир қилади, жамиятдаги салбий ўзгариш эса қадриятлар тизимидаги турли жараёнларга олиб келади. Шу тариқа таъсир ва акс таъсир ҳосил бўлади. Қуйидаги таҳлилимиз замонавий қадриятлар тизимидаги асосий таркибий қисмлар - умуминсоний, миллий ва шахсий қадрият шакллари орасидаги ўзаро алоқа, боғлиқлик, диалектик уйғунлик, бирини бошқасига айланиш имконияти ва бунинг воқеликда намоён бўлиши билан боғлиқ жиҳатларга қаратилган. Бу таҳлил қадриятларни мутаносибликка эга бўлган барқарор тизимларида умуминсоний, миллий ва шахсий қадриятлар қандай ҳолатларда намоён бўлишини, улар орасидаги муносабатларни, тасаввур қилиш имконини беради.

Барқарор қадриятлар тизимини таркибий қисмлари бўлган шахсий, миллий ва умуминсоний қадриятлар ўртасида ўтиб бўлмас чегаралар йўқ улар умумийлик, хусусийлик ва яқкаликнинг диалектик алоқасини ва ўзаро муносабатини акс эттиради. Бундай тизимда улар ўртасидаги муносабат ва алоқалар қуйидаги тарзда намоён бўлади;

а) қадриятлар диалектик бирликни ташкил қилади, жамиятнинг алоқадор томонлари билан узвий боғланганларидан уларни бир-биридан мутлақ ажратиш мумкин эмас. Бу қадриятлар амал қилиш жараёнида бири иккинчисига узлуксиз таъсир қилиб, хилма-хил ва фарқли томонлари диалектик уйғунлашиб боради;

б) муайян қадриятлар барқарор умумий тизимда узвий боғлиқликда намоён бўлсаларда, уларнинг ҳар бири ўзига хос жиҳат ва амал қилиш хусусиятларига эга. Масалан, умуминсонийликни миллийлик ёки шахсийлик билан алмаштириб юбориш нотўғри. Уларнинг ҳар бири ўзига хос мустақил хусусий тизим ва намоён бўлиш шакллари ҳам эга. Умуминсонийликда миллийликнинг баъзи белгилари бўлиши каби, уларнинг иккиси ҳам шахс қадриятлари орқали зоҳир бўлиши мумкин.

Шу билан бирга шахсий қадриятлар тизими ниҳоятда бой, уни ҳам турлича хусусиятлари мавжуд. Алоҳида шахс бетакрор ижтимоий вужуд сифатида на миллий, на умуминсоний қадриятлар тизими бутунлай қамраб ололмайдиган баъзи ўзига хос қадриятларга ҳам эга;

в) қадриятларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш, уларнинг бирини барқарор қилишда иккинчисини ҳисобга олмаслик нотўғри. Бунга йўл қўйиш назарияда ва амалиётда катта хатоларга олиб келиши мумкин. Чунончи, миллий, ҳатто умуммиллий қадриятларни барқарор қилиш манфаатлари умуминсоний ёки шахсий қадриятлар намоён бўлиш шакллари ҳамда амал қилиши қонунларига зид келмаслиги лозим. Акс ҳолда ижтимоий ҳаётда кўпгина салбий ҳодисалар вужудга келиши мумкин: шахсий қадриятлар мутлоқлаштирилганда шахсий манқуртлик, шахсий маҳдудлик; миллий қадриятлар бўрттирилганида миллатчилик, миллий маҳдудлик /шовинизм/: умуминсоний қадриятлар мутлақ-лаштирилганида шиорбозлик, космополитизм каби иллатлар пайдо бўлиши учун асослар вужудга келади.

Таҳлил қилинаётган қадрият шаклларини алоқаси, таъсир ва акс таъсири асосида вужудга келадиган ўзаро мутаносиблиги ва диалектик уйғунлигини ўрганишда қуйидаги даражаларга эътибор бериш лозим.

1) **Умумжамият миқёсида:** умуминсоний, миллий қадриятларга эътибор ва инсон қадрини намоён бўлиши учун имкониятларни яратилганлиги; умуминсоний қадриятларни ҳаётда барқарор қилиниши ва уларга амал қилиш борасида, ижтимоий тизимда асосий ўрин тутати ган субъектларга /тарихий бирликлар, ижтимоий гуруҳлар, партиялар, синфлар, қатламларга ва бошқа/ оид фаолиятда қадриятлар мезонига амал қилиниши;

2) **Миллий қарашда:** миллатнинг маданияти, маънавияти, ижтимоий онги ва руҳиятида умуминсоний, миллий ва шахсий қадриятлар мезони акс этиши; миллий турмуш тарзи ва ҳаёт кечириш жараёнида қадриятларга муносабат, уларни амал қилишида умуминсоний ва шахсий жиҳатлар кашф этган хусусиятлар; миллий эҳтиёж, инти-лишлар, мақсадлар, идеаллар, ғояларни умуминсоний ва шахсий қадриятларнинг диалектик уйғунлиги талабларига мос келиши;

3) **Шахслараро муносабатлар ва шахсий қадриятлар даражасида:** инсонни қадрият сифатида тушуниш ва шахсий қадриятларни рўёбга чиқариш имкониятлари; умуминсоний ва миллий қадриятлар омилини жамият аъзолари томонидан зарурий мезонлар сифатида англаб олиниши; шахсни қадриятларга асосланган мақсадлари, интилишлари, эҳтиёж ва талабларининг умуминсоний ва миллий мезонларга зид келмаслиги; шахс камолоти ва маънавий-ахлоқий қиёфасида умум инсоний ва миллий қадриятлар омили талабларининг акс этиши.

Бундай ташқари умумжамият ва умуммиллат миқёсида рўй бераётган ўзгаришлар, қадриятларни барқарор қилиш усуллари ва йўллари, жамият ривожини турли босқичлари, хилма-хил минтақалар, давлатлар ва миллатларни ўзига хослиги билан боғлиқ жиҳатлар ҳам юқоридаги ҳолатларга таъсир қилади. Жамият ривожини ва инсон маънавий камолати учун ана шу даражадаги диалектик уйғунлик ниҳоятда муҳим. Чунки умуминсоний, миллий, шахсий қадриятлар мавҳум тушунчалар эмас, балки улар кишиларни ўраб турадиган жамият, ундаги иқтисодий, сиёсий ва маънавий муҳит, мафкура ва сиёсат, давлат тузилиши ва бошқариш усули, амалга оширилаётган ижтимоий ўзгаришлар билан узвий боғлиқдир. Бу борадаги диалектик уйғунлик шунда намоён бўладики, уларнинг биридаги ўзгариш бошқасига таъсир кўрсатади, бирига нисбатан нотўғри муносабат бошқасида акс этади.

Шу нуқтаи назардан олганда, жамиятда умуминсонийликка эътибор қандай бўлса, миллийлик ва шахсга муносабат ҳам шундай бўлади. Умуминсонийликни ҳақиқий тантанаси, аслида миллий- шахсий ва бошқа қадриятларнинг тантанасидир. Улардан бирининг алоҳида тантанаси, амалиётда бошқасанинг

фожиасига олиб келиши мумкин. Бу эса мазкур жойдаги ҳақиқий ҳолат маазарасини яшириш учун хизмат қилади, холос. Собиқ иттифоқда худди шундай ҳолат руй берган эди. Шу маънода, биз таҳлил қилаётган умуминсоний-миллий шахсий қадриятлар занжирининг бирор бўғинидаги ўзгариш, бошқа бўғинда акс этади, унда ҳам ўзгариш бўлишига олиб келади. Уларнинг бирига хос жиҳатларни барқарор қилиш учун олиб борилаётган фаолият бошқасининг намоён бўлиш хусусиятлари ва талабларига мос келиши, назария ва амалиётни энг асосий талабидир.

Қадриятлар тизими таркибий қисмларининг боғлиқлиги. Қадриятлар тизимида уни ташкил этган таркибий қисмларнинг шу тизимдаги боғланишлар ва алоқаларда, тизимдаги ички муносабатларда ўзига хос ўрни бор. Амалиётда ҳам назария ва илмий тадқиқотда ҳам умумий боғланишнинг муайян қисмини ташкил қилган қадрият шаклига эътибор бермаслик мумкин эмас. Негаки, умумий тизим ёки ундаги энг зарур боғланишлар ҳосил бўлмоғи учун аввало уларни вужудга келишини таъминлайдиган қадрият шакллари, улар орасидаги таъсир ва акс таъсир муносабатлари /гарчанд субъектив тарзда бўлсада/ амалга ошмоғи лозим. Қадриятлар тизимидаги зарурий боғланишлар занжирида айнан муайян қисмнинг боғловчи халқа сифатида зоҳирлиги, шу боғланиш манзарасини сақлаб туради, уни ўрнига бошқа қадрият шаклини қабул қилиниши эса бутунлай ўзгача боғланишга олиб келади. Масалан, умуминсонийлик билан шахсийлик миллийлик орқали эмас, бошқа халқа орқали боғланганида ана шундай ҳол юз беради. Бунда "умуминсоний-синсиф-шахсий" ёки "умуминсоний-диний-шахсий" қадриятлар каби бир қатор боғланишларни таҳлил қилиш мумкин. Аммо бу ҳолларда ҳам юқоридagi қоида-боғланишлар занжирида ҳар бир халқанинг ўз ўрни ва аҳамиятига эга бўлиши,- талаби сақланиб қолади. Бу қоида ҳар қандай қадрият тизимини ташкил қилган қадрият шакллари ва унда умумий боғланишга эга бўлган таркибий қисмларнинг ўзаро муносабати учун қонуний ҳолдир.

"Умуминсоний-миллий-шахсий" қадриятлар занжири ва уни таркибий қисмлари орасидаги муносабатлар ҳам шундай. Миллий ва умуминсоний қадриятлар жамият ва миллатларни ташкил қиладиган шахс қадри билан узвий боғланган. Инсонни қадрият сифатида тушуниш, уни имкониятларини рўёбга чиқариш миллий ва умуминсоний қадриятларни барқарор қилишсиз амалга ошмайди. Инсон қадр-қиммат топмаган жамиятда миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳақиқий маъносини йўқотади. Қуйидаги мисолимиз миллатни асосий қадриятлари топталиши – инсон қадрини ерга урилишига, умуминсонийликни нотўғри тушунилишига олиб келиши мумкинлигини исботлайди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставидан жой олган "Инсон ҳуқуқлари декларацияси" /1948 йил 10 декабрда қабул қилинган/ -жаҳондаги кишилар имтиёзлари ва шахс қадриятларининг асосий қомусидир. Бу Декларация Францияда 1789 йил 28 августда қабул қилган "Инсон ва гражданилар ҳуқуқлари декларациясидан кўра, янги замон реалликларини ўзида тўлароқ ифодалайди. "Инсон ҳуқуқлари Декларацияси" кириш қисм ва 30 моддадан иборат бўлиб, ҳар бир инсон миллати, жинси, ирки, табақаси, тили, динидан қатъий назар Декларацияда эълон қилинган ҳуқуқ ва озодликлардан тўла фойдаланиши мумкинлиги эътироф этилган.

Собиқ Иттифоқ инсон ҳуқуқлари Декларациясини прогрессив ҳужжатлигини эътироф этса-да, уни қабул қилишца бетараф қолди. Бунда Декларация эълон қилинган ҳуқуқ ва эркинликларни амалга оширишнинг аниқ йўл-йўриқларига эга эмас деган иддао баҳона қилинди. Аслида гап ҳақиқатан ҳам "аниқ йўл-йўриқлар" да эдимиди?

Хўш, 63 йил илгари собиқ иттифоқ ҳукумати нега "Инсон ҳуқуқлари Декларацияси"ни қабул қила олмас эди? Аввало декларацияда таъкидланган ҳамма кишиларнинг табиий, ажралмас, даҳлсиз ҳуқуқларга эга эканлиги, ижтимоий фарқлари /айниқса табақаси/дан қатъий назар эълон қилинаётган ҳуқуқ,

эркинликларидан тўла фойдаланиши мумкинлиги иттифоқ амалиётига тўғри келмас эди. Чунки давлат жамиятдаги ҳамма синф, табақалар ва қатламларнинг жамиятини қуришни мақсад қилиб қўймаган эди. Иккинчидан, ижтимоий ҳаётда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари эмас, балки синфий, партиявий, мафкуравий қадриятлар устувор бўлиб, умуминсонийлик, миллий муносабатлар ва уларга нисбатан сиёсий муносабат ҳам уларни барқарор қилиш манфаатлари нуқтаи назаридан амалга оширилар эди. Учинчидан, эътиқод, яшаш жойини танлаш, мамлакатдан эркин чиқиш ва унга қайтиш каби энг оддий ҳақ-ҳуқуқлар бир қадар чекланган, эркинликлар эса мафкура йўл қўядиган "мақбуллик" даражасида эди.

Булардан ташқари 30-50 йиллар собиқ иттифоқ тарихида аҳолининг катта қисмларини, ҳатто бутун-бутун халқларни ҳам махсус ва мажбуран "кўчириш" /аслида сургун қилиш/ даври бўлди: "махсус кўчириш" ва ўз юртида бадарға қилишнинг биринчи даврида /1929-1933 йилларда/ асосан "қулоқлар" ва уларга яқин "кишилар"дан 388334 оила /киши эмас/ мамлакатнинг ғарбидан Ўрол, Ёқутистон, Қозоғистонга кўчириб юборилди. 1940 йилда ғарбий ҳудудлардан Сибир, Урал ва Қозоғистонга поляклардан 380000 киши, 1941-1944 "йилларда немислардан 949829 киши, 1941-1948 йилларда эса 120192 киши кўчириб юборилди; 1943-1944 йилларда бу фожиа қалмоқлар, чиченлар, ингушлар, қорачайлар, болқорлар, қрим-татарлари, болгарлар, греклар, турклар, курдларни бошига тушди, улар ҳам узоқ Шарқ, Марказий Осиё ва Қозоғистонга бадарға қилиндилар; 1937 йилда ва 1945 йилларда корейс халқларидан 120 мингга яқин киши ҳам ана шу "буюк кўчириш" азобини тортди. 1949 йилнинг ўрталарида Болтиқбўйи, Молдавия, Қора денгиз атрофларидан кўчириб юборилган кишилар эвазига юқоридаги рақамлар салмоғи янада ортди. 1950-1952 йилларда ҳам бу жараён тўхтагани йўқ, Болтиқбўйи, Ғарбий Украина, Белоруссия, Молдавиядан, Грузиядан, Тожикистондан давлат чегараларига яқин ҳудудларидан минглаб кишилар кўчириб юборилди. Айниқса, 40-йилларнинг охирида махсус кўчирилган ва бадарға қилинганларга нисбатан сиёсий тазйиқ ниҳоятда кучайиб кетди. Бу борада собиқ иттифоқ Олий Совети Президиумини 1943 йил 26 ноябрдаги махсус қарори ниҳоятда машъум аҳамият касб этди. Унга кўра бадарға қилинганларни илгари яшаган юртларига қайтиб бориш ҳуқуқи йўқлиги расмийлаштирилди. Бу ҳам етмагандек, бадарға қилинганларнинг ўзларидан, ушбу қарор билан танишганликлари тўғрисида тилхат ҳам олинди.

Хўш, 1949 йилнинг 21 ноябрида ана қандай қарор қабул қилинган, кишиларни бадарға қилиш, ўнлаб махсус лагерларда (давлат сиёсатини асосий йўналишларида бирига айланаб қолган иттифоқ БМТ Бош Ассамблеясида /1943 йил 10 декабрда/ қабул қилинган "Инсон ҳуқуқлари Декларацияси"ни тасдиқлай олармиди? Албатта йўқ! Бизнингча, агар овоз беришда "бетарафлик"ни иложи бўлмаганида, иттифоқ делегацияси бу ҳужжатга муқаррар равишда қарши овоз берган ёки БМТ Бош Ассамблеясини бир муддат тарк этган бўлар эди. Бу масаладаги "бетарафлик", аслида амалиётда унга қарши туриш эканлигида юқоридаги мисоллар яққол исботлаб турибди.

Демак, ўша жамиятда партиявий қадриятлар тизимига асосий эътибор қаратилиши бошқа қадриятлар аҳамиятини камайтирди. Аммо бу ҳол ушбу қадриятларни бутунлай йўқотилиши дегани эмас, балки улар барқарор тизимда ўзларининг ҳақиқий мавқеларига эга бўлмадилар. Уларни аҳамияти эса бу қадриятлар салмоғига, мазмунига, ҳақиқий ўрнига мос келмаслиги ҳам тизимда доимий ҳолга айланиб қолди. Собиқ иттифоқда фақат қоғоздагина халқлар ва республикаларнинг тенг ҳуқуқлигига асосланганидан, уларни эркин, хур, озодлигини тўла таъминлайдиган янгича қадриятлар тизимини вужудга келтириш, бунда озодлик, эркинлик, тенглик, бахт-саодат каби асосий умуминсоний идеал-қадриятлар устувор бўлиши кўзда тутилган эди. Аммо иттифоқда мавжуд бўлган умумий тизимда кўпроқ, сиёсий-партиявий қадриятлар устувор бўлиб қолди, бу ҳол

доимийга айланди, уни сақлаб қолиш асримизнинг 90-йилларигача давом этди. Гарчанд бунда айтарли ўзгаришлар рўй бермагандек бўлиб туюлса-да, унда ички жараёнлар зарурий равишда амалга ошди. Аммо бу жараёнлар мавжуд қадриятлар тизимининг умумий манзарасини бутунлай ўзгартириб юбормаган бўлсада, пировард натижада ундаги боғланишларни заифлаштиргани, номутаносибликларни купайтириб юборганлигини кузатиш мумкин.

Бугунги кунда Францияда "Инсон ва граждандар ҳуқуқлари декларацияси"ни қабул қилинганидан буён 200 йилдан ортиқ, БМТ "Инсон ҳуқуқлари декларацияси"ни қабул қилганидан буён эса 60 йилдан ортиқ вақт ўтди. Инсон қадри, ҳуқуқлари, эркинликлари, умуминсоний қадриятларга жамият миқёсида ҳурмат-эҳтиром, уларни барқарор қилиш ҳозирги даврнинг устувор тамойилларидан бири бўлиб қолмоқда. Мустақил Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамиятини қуриш ҳам ана шунга қаратилган. Бунда энг асосий умуминсоний қадриятлар устувор бўлаётгани, ислохотлар инсон эркинликлари ва манфаатлари таъминланишига қаратилгани бежиз эмас.

Умумий қадриятлар тизимидаги уйғунликда нафақат умуминсоний ва миллий, балки шахсий жиҳат ҳам ўз аҳамиятига эга, уни таркибий қисмлари мутаносиблигига ўз ҳиссасини қўшади. Одамлар иштирок этмайдиган ижтимоий жараёнлар, ўзгаришлар бўлмагани каби, уларга мансуб бўлган қадриятлар намоён бўлмайдиган соҳа ёки фаолият ҳам йўқ. Шу маънода умуминсоний ва миллий қадриятларни шахс билан боғлиқ намоён бўлиш даражаси муҳим аҳамият касб этади. Жамият ёки давлат миқёсидаги қонунларда, мафкура ва сиёсатда турли ҳужжатларда қайд этилган қадриятларни барқарор қилиш амалиёти, пировард натижада инсон қадри ва унинг қадриятларини намоён қилиш учун яратилган имкониятлар билан боғлиқ.

Умуминсоний ва миллий қадриятларга хос хусусий тизимлар индивидуал тизим, яъни шахс қадриятларига нисбатан бир қадар барқарор бўлиб ҳисобланади. Шахснинг қизиқиш, эҳтиёж ва интилишлари эса тез ўзгариб туради, бу унинг фаолиятида турлича намоён бўлади. Бир томондан, юқорида айтилган барқарорлик, иккинчи томондан, индивидуал ўзига хослик ва ўзгарувчанлик умуминсоний, миллий ва шахсий қадриятларалар уйғунлигидан иборат диалектик ҳолатни ҳам ўзида ифодалайди.

Қадрият тизимларининг барқарорлиги жамият аъзолари ўртасидаги оддий /механик/ муносабатларни англатмайди, балки турли хил эҳтиёж, қизиқиш ва мақсадларга эга бўлган шахсларнинг доимий ва такрорланиб турадиган ранг-баранг фаолиятлари ва ҳатти-ҳаракатларида, жамиятдаги қонун-қоидалар, тартиб ва талаб нормаларида ифодасини топади.

Умуминсоний, миллий ва шахсий қадриятларга намоён бўлиш амалиётдаги диалектик уйғунлик - шахсий маънавий олами, тарбияси ва индивидуал хусусиятларини мезонига айланишда ҳам намоён бўлади. Ҳар бир шахс қадриятлар амал қилиши талабларини тўғри тушуниши асосида фаолият юритгандагина жамиятда бу уйғунликни таъминлаш мумкин. Биз, ушбу жараёнда, шахснинг ўрни ва у эгаллаган мавқеини мутлақлаштириш, унинг ҳатти-ҳаракатларини, эҳтиёж ва мақсадларини миллий ва умуминсоний қадриятларнинг амал қилиш имкониятлари билан тенглаштириш нуқтаи назаридан йироқмиз. Аммо умуминсоний, миллий ва шахсий қадриятларнинг диалектик уйғунлиги-умуминсоний ва шахсий эҳтиёжлар, жамият талаблари ва алоҳида кишилар интилаётган мақсадларнинг ўзаро алоқасидан, кишиларни ўзига хос "келишувидан иборатдир. Бунда умуминсоний ёки шахсий томонни устиворлиги ҳаётга аниқ ва муайян шароитларига, ижтимоий жараёнларни йўналишларига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Қадрият шакллари талабларига, уларга асосланган мезонларга амал қилиш, улар ўртасидаги диалектик уйғунликни таъминлаш, бу қадриятларга таянган ҳолда ҳақиқатлик билан иш қўриш ва фаолият юритиш ушбу

"келишув"нинг асосини ташкил қилади. Жамият аъзоларининг муайян қадриятлар тизимга таяниб иш юритишлари ва ўзаро келашувларигина ушбу тизимнинг барқарорлигини сақлаб қолиши мумкин. Бунда бирор /жамиятдаги аниқ тизим эмас, балки қадриятларни умумий барқарор тизимлари назарда тутилаяпти, холос.

Шахсни маънавий камолати жараёнида уни онгида шаклланадиган қадриятлар омили намоён бўлиши тўғрисидаги тасаввурлар, қадриятларни англаш асосида вужудга келадиган шахсий эҳтиёж ва талабларда бир қадар белгилайди. Жамиятдаги кишиларнинг қадриятлар омилига асосланадиган ўзаро келишуви ва ижтимоий шерикчилиги бир томондан ушбу омилни ҳиссий англаб олиш, унга асосланган тасаввурлар, иккинчи томоадан эса, бу омил талабига риоя қилиш, уни бажаришга интилиш орқали амалга ошади. Умуминсоний, миллий ва бошқа қадриятлар мезонини тасаввур қилиш ва англаб олишга асосланадиган келишув куйидагиларда намоён бўлади:

1. Қадрият шакллари тўғрисидаги тушунча, ҳукм ва хулосаларда уларнинг қайси бири аҳамиятлироқ ва умуминсонийдик талабига кўпроқ жавоб беришини тушуниш, уни барқарор қилиш ёки сақлашга интилиш;

2. Қадриятлар амал қилиши қонуниятларини англаш, уларга боғлиқ мезонлар талабини тўғри тушуниш ва риоя қилиш;

3. Қадриятларга эришиш мақсади йўлидаги шахсий эҳтиёжлари ва имкониятларини одилонга баҳолаш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар мезони амалиёти билан уйғунлаштириш;

4. Қадриятларга нисбатан ишонч, уларга интилишга ундайдиган шахсий интилишларни жамият манфаатларига мослаштириш, миллий талабларни унутмаслик.

Қадриятлар мезонини тасаввур қилиш ва англаб олиш асосида шаклланадиган ўзаро келишув ижтимоий фаолиятнинг натижалари билан ҳам узвий боғланган. Ҳаётда вужудга келадиган турли шароитларда қадриятлар омили талабларини тўғри англаниши, ижтимоий қадриятларни барқарор қилишда атрофдаги кишилар ва жамият манфаатларини ҳисобга олиниши ҳам жуда муҳим. Барқарорликни асосини таъминлайдиган қадриятлар талабини маънавий англаб олиш ва уларга амал қилиш объект ва субъект диалектикаси тарзида рўй беради. Бунда қадриятлар омили икки хил аҳамият касб этади: бир томондан, умуминсоний, миллий ва бошқа қадриятларни уйғунлиги жамиятдаги мавжуд талаблар, қонун-қоидалар, умумий мезонлар сифатида зоҳир бўлади ва доимо шахсга таъсир қилади; иккинчи томондан эса, ушбу талаблар, қонун-қоидаларни субъектив англаб олиниши улардан фойдаланиш ва турли жабҳаларда амалий фаолият юритиш учун асос бўлади. Ана шу икки жиҳатни уйғунлиги қадриятларга асосланган келишувни таъминлайдиган маънавий омилнинг энг асосий хусусияти бўлиб ҳисобланади. Ҳар бир киши алоҳида индивидуал субъект бўлганлигидан, унинг маънавий оламида ҳам юқоридаги икки жиҳат тўла-тўқис акс этади. Шу билан бирга алоҳида киши ўзининг онги, қобилияти, иқтидори, истеъдоди, имкониятлари нуқтаи назаридан ҳам бошқасидан фарқ қилади. Ҳар бир шахс умуминсоний ва миллий қадриятларни маънавий мезон сифатида англаб олар экан, ўзининг фаолиятида, масъулият бурч, ор-номус билан боғлиқ тасаввурларида юқоридаги ўзига хос икки жиҳатнинг таъсиридан бутунлай озод бўла олмайди.

Шахс умуминсоний ва миллий қадриятлар мезонини англаши ва уни ҳисобга олиши натижасида амалга ошираётган фаолиятида бир томондан уларнинг таъсирини доимо сезиб туради, ҳисоблашишга мажбур бўлади. Шу билан бирга ўз фаолияти, ҳатти-ҳаракати ва маънавий-ахлоқий қиёфасида ушбу қадриятларни намоён қилади. Ушбу маънода шахс-умуминсоний ва миллий қадриятни боғловчи ўзига хос ҳалқа, уларни амалиётда намоён қилувчи асосий воситалардан биридир. Шу билан бирга ҳар бир шахс қадриятларга асосланадиган ижтимоий келишувнинг энг кичик, аммо энг зарурий бўғинидир, уни вужудга келтиришнинг энг биринчи

"калити" ҳамдир.

Таҳлил қилинаётган ҳолатда умуминсоний ва миллий қадриятларга асосланадиган барқарор муносабатлар ижтимоийлик сифатида, шахс эса якка индивидуаллик тарзида намоён бўлади. Бунда ижтимоий ёки индивидуал жиҳатларни бўрттириш хавфи мавжуд. Бу айниқса шахсий индивидуалликнинг амалиётдаги мавқеи учун муҳим аҳамиятга эга.

1. Умуминсоний ёки миллий жиҳатни мутлақлаштириш шахс ва унинг қадриятларини унутишга сабаб бўлади ва индивидуалликка ниҳоятда катта зиён келтиради. Бу эса ўз навбатида жамият аъзолари омилкорлигини сўндиради, фаолликка интилмайдиган, ижтимоий жараёнларда ижодий иштирок этмайдиган кишиларга айланишига олиб келади. Бундаи кишилар орасида, тақдирга тан берганлари /фатализм/, турли кўрсатма ёки буйруқ кутиб турадиганлари, зарур бўлганида жавобгарликни бўйнига олиб фаол ҳаракат қила олмайдиган, журъатсиз шахслар кўпчиликни ташкил қилади. Бу эса бир томондан, шахсний умумий ишлар, ижтимоий жараёнларнинг оддий иштирокчисига, турли буйруқлар, чақириқ ва шиорларни сўзсиз бажарувчи "мурватча"ларга /"винтик" - И.В.Сталинча иборалардан бири/ айлантириб қўяди, иккинчи томондан эса, бунда шахсни маънавий кечинмалари, эҳтиёжлари, мақсад ва интилишлари ҳисобга олинмайди. Муаммонинг бу жиҳатига Э.Фромм ҳам эътибор берган¹ ва бундай қараш "необихевиоризм" мафқурасига ҳам хос. Унда шахс жиҳат ижтимоийликни "оддий" шакли сифатида қаралганидан, инсонни маънавий олами, талаб ва эҳтиёжлари эътиборга олинмайди.² Бу эса аслида шахс қадрини унутиш, у билан боғлиқ муаммоларни ҳисобга олмаслик демакдир.

2. Бу борадаги салбий ҳолни шахсий қадриятларнинг мавқеи ва хусусиятларини ҳаддан ортиқ мавҳумлаштириш ва умумийлаштириб юборилганда ҳам кузатиш мумкии. Масалан, шахснинг қадриятларга асосланган эҳтиёж ва талабларни, мақсад ва интилишларни уни бу борадаги фаолияти ва ҳатти-ҳаракати билан айнийлаштириш, ана шуидай ҳолга олиб келади. Бундай айнийлаштириш аслида қадриятларга асосланган эҳтиёж ва интилишларнинг шахс фаолиятини бошқариш, уларнинг бирор мақсадга йўналишидаги аҳамиятини мутлақлаштириш билан боғлиқ. Шахс маънавий камолати, талаб ва эҳтиёжларининг қондирилиши, кпшиларнинг мақсадларига эришиши, шахсий қадриятларни намоён қилиш имкониятларини қай даражада яратилганлиги - жамиятда умуминсоний, миллий ва бошқа қадриятларни барқарор қилиш амалиётининг энг асосий ўлчовларидир. Бу ўлчов ёки мезонларни келажакдан қидириш, уларни мавҳумлаштириш бир томондан бу борадаги мақсадларни яширишга, иккинчи томондан эса қадриятларни ҳаётга жорий қилиш амалиётдаги хато ва камчиликларни ҳас-пўшлашга олиб келади.

Шахсий қадриятларни миллий ва умуминсонийликка таъсири тўғрисида фикр юритганда аввало уларнинг намоён бўлиш даражалари ва амал қилиш хусусиятларини ҳисобга олиш лозим. Шахсий фаолият жамоа, муайян ижтимоий бирлик амалга ошираётган фаолиятга нисбатан ўзига хослиги, алоҳида ва индивидуаллиги ҳамда кўлами билан фарқ қилади. Бу фарқ миллий ва умуминсоний даражалар кўзгусида янада кўпроқ намоён бўлади.

Умуминсоний қадриятларни миллий ва шахсий даражалар орқали намоён бўлиши мумкинлиги шубҳа уйғотмаслиги мумкин. Агар, улар ўртасида диалектик алоқа бўлса, унда шахсий қадриятни миллий ҳатто умуминсоний даражага кўтарилиш имкони борми?- деган савол кўпчиликни ўйлантиради. Бу саволга умуминсоний қадриятлар миллий ёки шахсий қадриятларнинг умумий йиғиндиси,

¹ Э.Фром. Анатомия человеческой деструктивности // Социологическое исследование - М. 1993. №9. 139-141-бетлар.

² Ярашевский М.Г. Психология в XX столетии. М. Наука. 1984

яъни, яккаликларнинг йиғиндиси ҳосил бўлган умумийлик ёки бўлақларнинг кўшилишидан вужудга келган бутун тарзида намоён бўлади, деб жавоб бериш, масаланинг бир жиҳатини аниқлаштиради холос. Лекин бунда шахсий қадриятларнинг миллий ёки умуминсоний даражага кўтарилиши имконияти тўла-тўқис очилмайди.

Гап шундаки, алоҳида шахсларнинг қадри ва қадриятлари ҳам миллий ёки умуминсоний мавқега эга бўлиши ва бундай даражага актив таъсир кўрсатиши мумкин. Бу айниқса буюк кишилар фаолиятида, уларни жамият ҳаётидаги ўрни, амалга оширган ишлари, моддий ёки маънавий бойликларни яратишга қўшган ҳиссасида яққол кўзга ташланади. Масалан, Марказий Осиёдаги ўрта асрлар цивилизацияси яратган қадриятлар умуминсонийлик ҳазинасига қўшилган энг катта ҳиссалардан биридир. Бу цивилизациянинг энг машҳур кишилардан бири - Амир Темур фаолиятининг аҳамияти шахсий даражадан миллий, қолаверса умуммиллий даражага кўтарилган. Ҳолбуки бундай фаолият юритишга эришиш имконияти мўғуллар босқинидан қутилиш учун кураш бошлаган Моворауннаҳрдаги бошқа раҳбарларда /масалан, сарбадорлар ҳаракатининг раҳбарларида, бошқа бекларда ёки пешқадамларида ҳам/ бор эди. Бу имкониятни мўғулларнинг 150 йилга яқин даврдаги босқинчилигига чек қўйиш учун бел боғлаган Мовароуннаҳр халқлари ва уларнинг буюк яратувчилиқка, курашга тайёр бўлган кўтаринкилик руҳи етилтирган эди. Шаҳрисабздаги Ўрта Осиёда Хўжа Илғор даҳасида Тарағай барлос оиласида туғилган Амир Темурнинг пайдо бўлиши тасодиф эмас, балки давр талаби эди. У 150 йил давомида келгиндилар босқинидан эзилган, Олтин Урдалиқ мўғул бекларини тўхтовсиз тажовузларидан жабр-зулм кўрган, Чиғатой улуси беклари томонидан бўлақларга бўлиб юборилган ва таланган мамлакат учун зарурият эди. Темур Моваруннаҳрда бирлашган мустақил давлат тузган давлат арбоби сифатида ана шу заруриятни ифодалаган эди.

Ҳамма замонларда ҳам шахсий қадриятларнинг миллий даражага етиш имкони воқелиқка айланавермайди. Бунинг устига жамиятда доимо ҳам шахс қадриятлари миллий миқёсга кўтарилиши учун имконият бўлмайди. Бу айниқса шахс қадри асосий деб ҳисобланмайдиган, инсон ўз қадрини топмаган жамиятда яққол намоён бўлади. Инсонни асосий қадрият эканлиги, ўзга қадриятларнинг устиворлиги ана шу пойдевор асосида қурилиши тўғри англаб олинмаган жамиятда ижодийлик, қобилият, юксак билимлилик ҳам ўз қадрини топмайди.

Маълумки, Мирзакалон Исмоилий миллий қадриятларимизга катта ҳисса қўшган ёзувчидир. Адибнинг "Фарғона тонг отгуача" романи халқимиз маданий қадриятлари ҳазинасидан жойи олган. Ёзувчини қобилияти, билими, ижоди, истеъдоди натижаси бўлган бу романнинг иккита қисми ёзилган холос. Хўш, китобнинг учинчи қисмини ёзишга адибнинг умри етмадими? Тоҳир Маликнинг гувоҳлик беришича, "Ёзувчи ҳаёт чоғида "Учинчи китоб қачон битади" - деб берилган саволлар жавобсиз қоларди".¹ Бу саволга бир сафар адиб "Қандай жавоб бераман, китобни қамоқдалигимда ёзганимни айтганим билан эълон қилинмайди - ку"? - деган экан. Аммо бу тўлиқ жавоб эмас, саволга ҳақиқий жавоб ёзувчининг: "Учинчи китобни ёзмайман, шунча меҳнат қилиб нима кўрдим" деган сўзларидир. Ҳолбуки, китобнинг иккинчи қисми битганида ёзувчи олтмиш ёшни қоралаган, ҳали куч-қувватга тўла, демак, учинчи қисми ёзиш учун имкониятлари бор эди. Ўша даврда уч жилдлик тўла-тўқис асарга /трилогия/ эга бўлиш имконияти ҳам йўқ эмас эди. Аммо бу имкониятлар воқелиқка айланмади. Собиқ иттифоқ даврига хос бўлган инсон қадрига етмаслиқнинг оқибати бунда ҳам яққол намоён бўлади.

Шахсий қадриятларнинг миллий ва умуминсоний даражага кўтарилиши имкони ниҳоятда камлигини ана шу мисолдан кўриш мумкин. Бу айниқса интеллектуал қадриятлар ва уларга эга бўлган шахслар, йжтимоий қатламлар

¹ Тоҳир Малик. Ёзувчининг бахти ва бахтсизлиги // Инсон ҳусни. Т.Ғ.Фулом. 1999. 244-бет.

хаётида ниҳоятда кўп учраб турадиган ҳолдир.

Умуминсоний ва миллий қадриятлар мезони ва уларга асосланган барқарорлик шахс учун ижтимоийлик сифатида намоён бўлар экан, улар ўртасида фақат бир томонлама таъсир эмас, балки акс таъсир ҳам бор. Инсон ижтимоий жараёнларни оддий иштирокчиси эмас, балки фаол қатнашчиси, ижодий яратувчисидир ҳамдир. Ушбу таъсир ва акс таъсир қадриятлар намоён бўлишининг даражалари ўртасидаги алоқани ҳам ифодалайди. Бундай ҳолда икки қарама-қарши томонга йўланган ҳаракат бир-бири билан доимий алоқада зоҳир бўлади, умуминсоний ва миллий қадриятлар гоҳ диалектик уйғунликда, гоҳ адоҳида-алоҳида шахсга таъсир қилади; уларнинг таъсири субъект инсонга томон йўналтирилган бўлади; инсон ҳам ўз фаолиятида нафақат қадрият намоён қилади, балки миллий ва умуминсоний қадриятларга интилади, мақсад ва қизиқишларини уларга қаратади, шу тариқа ўзи ҳам уларга интилиб яшйди.

Қадриятлар тизими амалиётини ўрганиш шуни кўрсатадики, алоҳида шахслар учун умуминсоний ва миллий қадриятларнинг диалектик уйғунлиги бир неча хил тарзда намоён бўлади:

1. Қадриятлар мезонининг шаклланиши ўтмишга алоқадор бўлганлигидан, у шахснинг маънавий камолоти бошланишиданоқ унга объектив тарзда таъсир қилади, будай ҳолатда умуминсоний ва миллий қадриятлар алоҳида шахсларнинг тарбияси учун ўтмишдан мерос қолган барқарор ижтимоий-тарихий омил сифатида намоён бўлади.

2. Шахснинг камолати ижтимоий ривожланувчи жараёндир. Бу жараёнда у камолатга етиб боради. Аммо уни ўраб турган ижтимоий муҳитга ижтимоий ҳаёт, муносабатлар ва қадриятлар тизими барқарор бўлса, шахснинг шу тизимга муносабати ҳам бирор барқарор йўналишга томон шаклланиб боради. Яъни инсон камолати жараёнида мавжуд қадриятларга аисбатан фикри, ишончи, хулосалари, билими, орзу-умидлари ва мақсадлари ҳам бирор тарзда шаклланиб ва мустаҳкамланиб боради.

3. Муайян қадриятлар тизими ёки қадрият шаклини барқарор қилишга ишончи собит бўлган киши, ана шу барқарор қадриятлар мезонини сақлаш ёки уни амалиётни таъминлаш учун ҳаракат қилиши аниқ. Ижтимоий ҳаётда бундай собитқадамлик қадриятлар омили таъсирини ошириш, кузланган мақсадларга етишдаги энг асосий сабаблардан биридир.

4. Ривожланиш жараёнида янгича шарт-шароитлар вужудга келганлигига қарамасдан, маълум муддатга ўтган даврдаги - қадриятлар ёки уларнинг баъзилари ҳам кишилар учун ўз таъсирини сақлаб қолади. Бундай шароитда жамиятда ўтмиш қолдиқлари деб аталадиган ҳоллар вужудга келади. Ушбу қолдиқларнинг сақланишига диалектик муносабатда бўлиш, уларни сақлаб турган кишиларга эса эҳтиёт бўлиб ёндошиш зарур;

5. Муайян даражада умуминсоний ва миллий қадриятлар тўғрисидаги нисбатан барқарор фикрлар, худосалар, тасаввурлар, орзу-умидлар, мақсадларнинг бирор тарздаги ифодаланиши авлоддан-авлодга мерос қолади. Бу мерос ҳар қандай шахснинг маънавиятида, унинг қадриятлар тўғрисидаги баъзи доимий хулосаларида аҳамиятга ва таъсирга эга бўлади;

6. Умуминсоний ва миллий қадриятларни англаш ва тасаввур қилишда турли ижтимоий гуруҳлар, қатламлар, сиёсий партиялар ва бошқаларнинг эҳтиёж, манфаат ва мақсадлари алоҳида шахс учун ўзига хос ўрин тутаяди. Шахс ана иу синф, гуруҳ, қатламларга хизмат қилиши, уларнинг шаклланган қадриятларини барқарор қилиш мақсадларида ҳаракат қилиши ҳам мумкин.

Умуминсоний, миллий, шахсий қадриятлар ўртасидаги ўзаро муносабат, алоқа ва диалектик боғлиқлик умумий тизим нисбатан барқарор бўлганида муайян мутаносибликни ифодалайди. Аммо бу нисбатан барқарорлик доимий, мутлақ ва абадий эмас, балки турли фарқ, тафовут, номутаносиблик орқали мавжуд

бўладиган ўзгарувчан ҳолатдир. Қадриятлар занжиридаги юқоридаги барқарор ҳолат эса умуминсонийликдан шахсийликка фақат миллий қадриятлар тизими орқали борадиган диалектик уйғунликка асосланади. Бу уйғунликни жамият аъзолари томонидан англаб олиниши, уни талаблари асосидаги ҳамжиҳатлиги ва ҳамкорлиги ижтимоий тузилиш ва умумий қадриятлар тизимидаги барқарорликни таъминлайди.

Таҳлил қилинган барча ҳолатлар умуминсоний, миллий ва шахсий қадриятларнинг ижтимоий ҳаёт, унинг барча соҳалари, инсон қиёфаси, фаолиятида ўзвий боғлиқликда намоён бўлишини, уларнинг чамбарчас алоқада эканлигини кўрсатади. Ушбу қадриятлар ўртасидаги ўзаро алоқа ва муносабатдаги боғлиқлик, мутаносиблик ва уйғунлик қадриятлар тизимидаги барқарорликни ифодалайди. Яъни, ҳар қандай жамият ривожининг муайян даврида уни барқарор ижтимоий тузилиши ҳолатига мос келадиган умумий қадриятларнинг бар қарор тизими мавжуд бўлади. Барқарор жамиятдаги қадриятлар тизими, яхши интеграллашган, унинг таркибий қисмлари эса ўзаро мутаносибликда, боғлиқликда ва диалектик уйғунликдадир. Бундай ҳолда қадриятлар тизимидаги ҳар бир бўғин ушбу тизимнинг барқарорлиги учун маълум бир аҳамият касб этади ва бу борада ўзига хос вазифани адо этади. Шундай экан, қадриятлар тизимининг барқарорлиги у мавжуд бўлган жамиятдаги кишиларнинг шу йўналишдаги фаолиятига, ўзаро ҳамжиҳатлиги ва ҳамкорлигига боғлиқдир.

19-мавзу. Қадриятларро номутаносиблик ва зиддиятлар – ижтимоий беқарорликнинг сабаби ва оқибатидир

Ҳеч қандай қадриятлар тизими мутлақ ўзгармас ва абадий уйғун ҳолда пайдо бўлмайди, тўла-тўқис мутаносиблигини ва доимий барқарорлигини сақлаб қола олмайди. Уни амалиёти жараёнида ҳам хилма-хил ўзгаришлар рўй беради, тизимнинг таркибий қисмлари ўртасида янгилари вужудга келади ёки бошқа шаклга киради, ранг-баранг хусусият кашф этади. Қадриятлар тизимини шаклланишида уни баъзи қисмлари эски тизимдан мерос қолади, ўз хусусиятини ўзгартириб тизимни таркибий қисмига айланади, бошқалари мавжуд қадриятларга хос бўлган ўзгариш натижасида ҳосил бўлади, тизим вужудга келиши билан шакллана бошлайди, яъни фақат ана шу тизимни вужудга келишигина уни амал қилиши учун имконият яратади. Шундай қилиб ҳар қандай қадриятлар тизими, бир томондан, эски тизимдан мерос колган, иккинчидан, ўз шакли, мазмуни ёки амал қилиш хусусиятини ўзгартирган, учинчидан эса ўзи билан бирга вужудга келган қадрият шакллари умумлаштиради, улар ўртасидаги алоқа ва боғланишларни ифодалайди.

Янги қадрият тизимлари шаклланиши силлиқ, бир текис бораётган жараён эмаслигини собиқ иттифоқ тугаганидан кейин ҳам давом этган Тоғли Қорабоғ, Грузия ва Абхазия, Днестрбўйи, Шимолий Кавказ ҳудудларида рўй берган можаролар билан боғлиқ муаммолар яққол кўрсатди. Ягона тизим ижтимоий субъектларни бирлаштириб ва ҳамжиҳатлигини таъминлаб турувчи қадриятлар омили сифатидаги мавқеини йўқотган Югославияда ҳам ана шундай ҳоллар содир бўлди. Бу эса қадриятлар тизимини замондаги ўзгаришлари, уни беқарор ҳолга олиб келадиган, дарз кетишига асос бўладиган номутаносиблик ва қарама-қарши жиҳатларни зиддиятли ҳодатга айланиши, уларни барҳам топиш хусусиятлари тўғрисидаги масалаларни қараб чиқишни заруратга айлантиради.

Қадриятлар тизимини амалиётида уни ташкил этган таркибий қисмлар билан боғлиқ тўрт ҳолатни кузатиш мумкин. Бу ҳолатлар қадрият шакллари умумий тизимдаги ўрни, аҳамияти ва истиқболи билан боғлиқ. Яъни, баъзи қадрият шакллари мазкур тизимда ниҳоятда кичик ўринни эгаллайди ёки ўз аҳамиятини аста-секин йўқотади, тизимни истиқболдаги амадиётида унга ўрин бўлмайди;

бошқалари ўз мавқеини оширади, тизимда асосий ўрин эгаллайди, уни истиқболида ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолади; учинчилари эса, тизим шаклланишида эндигина вужудга келаётган бўлада, умумий боғланишларда катта ўрин ва аҳамият касб этмайди, аммо тизимни истиқболида энг муҳим таркибий қисмга айланади; тўртинчилари тизим амал қилиши жараёнда шаклланишлари, уни истиқболида ўз ўйинларига эга бўлишлари, ушбу тизим бошқасига айланганида ҳам аҳамиятини йўқотмаслиги, ўз мавқеини сақлаб қолиши ҳам мумкин.

Қадриятлар тизимини амал қилиш даврида уни тузилиши, таркибий қисмлари ўртасидаги боғланишларда ҳам турли хил жараёнлар боради. Бир хил алоқалар зарурлигини йўқотади, керак бўлмай қолади, бошқалари эса энг муҳим хусусият касб этади, тизимнинг бир неча қисмига алоқадор бўлган боғланишлар эса умумий тияим учун асосий боғланишга, энг умумий алоқадорлик шаклига айланади. Тизим вужудга келиши билан шаклланиш имконига эга бўлган янги қадрият шакллари бир-бирлари билан алоҳида, янгича боғланишлари ҳосил қилади, умумий тизимдаги боғланишларда муайян ўрин эгаллайди ва узига хос вазифани бажара бошлайди. Умумий қадриятлар тизими амалиёт жараёнида такомиллашиб боради ёки унда номутаносибликлар, зиддиятлар кўпайиб боради.

Қадриятлар тизимидаги номутаносибликлар. Қадриятлар тизими ва унинг амадиётида бир неча хил номутаносибликларни кузатиш мумкин. Аввало, шу тизимдаги вужудга келиши билан боғлиқ номутаносиблик бўлиши ва бу қадриятлар тизими амалиёти натижасида ҳал қилиниши, асосий мавқеини йўқотиши, ёки муайян даражада сақланиб қолиши, яъни тизимдаги диалектик боғланишларда қарама-қаршиликни бирор томонини акс эттириши мумкин. Бундай ҳолда ушбу номутаносиблик мазкур тизимдаги мавжудлиги учун зарур ҳолга айланди, уни манзарасида бирор мавқега эга бўлади, шу тизим барқарорлиги учун аҳамият касб этади.

Собиқ иттифоқ давридаги "Инсон ҳуқуқлари декларация"сини тасдиқламаслик билан боғлиқ мисолда ана шундай номутаносиб ҳолат кўзга ташланади. Яъни собиқ иттифоқ тузумининг қадриятлар системасида айрим қатлам ва синф қадриятлари умумий қадриятлар тизимининг энг асосий ва марказий бўғинларини ташкил қилар, умуминсоний, миллий, шахсий ва бошқа қадриятлар тизимда синфий-партиявий қадриятларга нисбатан мақбуллик даражасида қаралар эди. Бундай номутаносиблик ўша тузум қадриятлар тизими вужудга келиши билан шаклланиган, кейинроқ уни асосий номутаносибликларидан бирини ташкил қилган, шу билан бирга тизимни амалиётдаги хусусиятлари учун асосий мезонлардан бири бўлган эди.

Қадриятлар тизимида илгаридан мерос қолган номутаносибликлар ҳам бўлиши, улар тизим амалиёти жараёнида барҳам топиши ёки сақланиб қолиши, ҳатто асосий ўринни эгаллаб олиши ҳам мумкин. Бундай ҳолда мазкур номутаносиблик умумий тизимда ўз ўрнига эга бўлади ва аҳамиятини сақлаб қолади. Масалан, Чор Россиясини Туркистон ўлкасига хом ашё базаси" сифатида қараганлиги маълум, собиқ иттифоқ даврида ҳам бундай муносабат сақланди ва у яққол кўзга ташланадиган бўлиб қолган эди.

Қадриятлар тизимида номутаносибликларни кучайиши, уларнинг янгилари вужудга келишига ҳам сабаб бўлади. Тизимни асосий мазмунини ташкил этувчи номутаносибликлар ривожланиш жараёнида уни амалиёти учун тўсиқ бўла бошлайди» тўғрисида бу амалиётни истиқболни йўққа чиқаради. Собиқ иттифоқда ишлаб чиқаришни "экстенсив" ривож иқтисодий тараққиётни асосий йўли сифатида қабул қилинган эди. Бу усул аста-секин жаҳондаги илғор мамлакатларда қўлланилаётган универсал технологиялар, замонавий механизмлар, асбоб-ускуналар, электрон машиналар ва бошқаларнинг афзалликларини ишлаб чиқариш ва турмушда кенг ёйилмаслига олиб келди. Бу эса ўз навбатида, иқтисод, ишлаб чиқариш ва турмушдаги қолоқликлар билан "энг илғор мамлакат" тўғрисидаги

Ғояларнинг номутаносиблигига, фуқароларни "энг илғор" жиҳатларга бўлган ишончи сўниб боришига, пировард натижада собиқ иттифоққа хос иқтисодий қадриятлар тизими истиқболи учун зиён келтирадиган номутаносибликлар юзага келишига асосий сабаблардан бири бўлди.

Қадриятлар тизими амадиётидаги фарқлар, тафовутларга асосланган номутаносибликлар доимий ҳаракатда, ўзгариш жараёнидадир. Уларни амалиётдаги хусусиятларини ўрганишда, бир томондан, мазкур тизим моҳиятидан келиб чиқадиган асосий жиҳатларни, иккинчи томондан эса, уни мавжудлиги учун асосий бўлмаган, муҳим аҳамият касб этмайдиганларини ажратмоқ лозим. Бунда номутаносибликлар амалиётини асосий хусусиятларини ўрганиш, уларни бир-биридан ажратиш ниҳоятда муҳим:

1. Биринчи ҳолатда номутаносиб жиҳатлар ва хусусиятлар бир бутунни икки томони сифатида иамоён бўлади, бири иккинчисига зид бўлиб қолмайди, балки бирини борлиги иккинчисини мавжудлигини заруриятга айлайтиради. Бундай ҳол қадриятлар тизими манзарасини серқирралиги, қадрият шаклларини ва улар намоён бўлишини сермаънолиги билан боғлиқ. Бу ҳолатда ҳам ўзгаришлар жараёни боради, аммо ўзгариш номутаносиб жиҳатлар зидлигини эмас, балки уларни муайян мутаносибликда такомиллашувини ифодалайди. Бундай мутаносиблик амалиётда янгиликни тадрижий шаклда вужудга келишига имкон яратади. Шу билан бирга бу тахлит қарама-қарши томонлар диалектикасига асосланадиган ўзгаришлар умумий тизимни бутунлай ўзгартириб юбормайди, балки мазкур қадриятлар тизими доирасида амалга ошаётган жараёнларни, тизимни такомиллашаётгани ёки замона реадликларига мослашиб бораётганлигини англатади.

2. Қадриятлар тизимидаги номутаносибликлар иккинчи ҳолатда бўлиши ҳам мумкин, бунда улар бир бутунни икки фарқ қиладиган томонини ифодаси сифатидаги аҳамиятини йўқотади, тизими бирлигини таъминлайдиган боғланишлардан зидлик ҳолатига айланади. Бу босқичда илгари тизим ривожини билан бирга такомиллашган номутаносиблик тезроқ ўзгара бошлайди, номутаносиб жиҳат ёки томонлардан бирини тез ўзгариши умумий тизимни манзарасида янги ҳолатларни жадал вужудга келтириши ёки уни бошқа шаклга айланишини муқаррар қилиб қўйиши ҳам мумкин. Масалан, иттифоқдаги миллий республикаларни марказдан туриб сиёсий бошқариш усули нақадар эскириб боргани, уни жамиятни умумий бошқаришдаги ўрни сақланиб қолгани сари, миллий қадриятлар бўғинида тўхтовсиз ўзгаришлар жараёни борди. Бу жараён дуаё халқлари XX аср ўрталаридан бошлаб мустақил тараққиёт йўдидан боришни танлаб олаётганликлари билан боғлиқ умумиясоний тадаблар билан уйғунлашиб кета бошлади. Бундай шароитда миллий қадриятлар билан боғлиқ ўзгаришларни собиқ иттифоқдаги сиёсий боғланишлар занжири тутиб тура олмай қолди. Бир томондаги ўзгаришлар аста-секин иккинчи томондаги ўзгаришларга олииб келди, бу эса умумий тизимдаги номутаносиб ҳолатга сабаб бўлди.

Қадриятлар тизимидаги номутаносиблик кучайиб кетиши, уни аҳаҳмияти ва кўлами кенгайиши, умумий тизим амалиёти учун асосий ички тўсиқ бўлиб қолиши ҳам мумкин. Бундай шароитда қарама-қарши томонлар бир-бирига бутунлай зид бўлиб қолади, турғун ҳолатга айланади. Агар ана шу ҳолатга етган номутаносиблик ўз вақтида ҳал қилинмаса унда зиддият ҳолати рўй беради, умумий тизим беқарор бўлиб қолгани етмасдан, қарама-қарши томоаларни қониқтирмай қолади, дарз кетади. Бунга - собиқ Югославияни ташкил этган республикалар ўртасидаги замонавий муносабатлар яққол мисол бўла олади. Бу можароларни маънавий асосларидан бири - илгари умумий бўлган қадриятлар тизимини дарз кетиши, уни жамият аъзоларини ҳамжиҳатлигини таъминлайдиган асосий омил, уларни ўзаро келишуви ва бардамлиги учун маънавий мезон сифатидаги аҳамиятини йўқотиб қўйганлиги билан боғлиқ. Нафсиламбирини айтганда, собиқ Югославия ҳудудидаги

халқлар ўша ҳудудда азад-азалдан яшаб келмоқдалар ва яшаб қоладилар ҳам. Аммо бу жойда илгари умумий бўлган тизим ўрнига янгисини вужудга келтиришдаги номутаносибликлар ва қарама-қаршилиқларни ўз вақтида, биринчи босқичда ечиш имкониятидан фойдаланилмади, улар зиддиятга айланиб кетди. Номутаносибликларни биринчи босқичда ечиш имконияти уддаланишига Чехия ва Словакия мустақил давлатлари вужудга келиши/1993 йил/ яққол мисол бўлади. Бунда қарама-қаршилиқлар зиддият ҳодатига етмасдан ҳал қилинди, умумийкелишув /консенсус/ зиддиятли жараён бўлишини олдини олишга ёрдам берди. Бу жойда ҳам умумий қадриятлар тизимида туб ўзгариш рўй берганлиги кўриниб турибди. Аммо бунда номутаносиблик ҳодатига етган томонлар муносабати зиддиятга айланиб кетмасидан, умумий тизимни сақлаб қолиш ва номутаносибликни кучайтириш ёки хаспўшлаш йўлидан эмас, балки уни хусусий қисми асосида янги қадриятлар тизимини шакллантириш усулидан фойдаланилди. Албатта, бу жараён ҳам бир текис боргани йўқ, аммо ўзгаришлар очиқ қарама-қаршилиқ ва зиддият орқали эмас, умумий келишув орқали зиддиятга айланиши мумкин бўлган боғланиш узилди ва ҳар икки томонда мустақил шаклланиш жараёни давом этиши учун имконият очилди.

Қадриятлар тизими амалиётида қадрият шакллари ва улар билан боғлиқ мезонларни турлича тушуниш, тарғиб қилиш, уларга эришишни хилма-хил йўл ва усулларидан фойдаланиш оқибатида вужудга келадиган зиддиятлар ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Бу борадаги ҳамма номутаносиблик ва зиддиятли ҳолатларни таҳлил қилиш имкони йўқ, биз уларни шахсий ва миллий намоён бўлиш даражаларидаги айрим жиҳатларни таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Қадриятлар тизимининг беқарорлиги. Қадриятлар тизими амалиётида унинг барқарорлигига ҳалақит берадиган зиддиятлар - жараён сифатида, замонда муайян вақт давомида зоҳир бўлади, кўлами жиҳатидан эса, бир-биридан фарқ қилади. Энг умумий зиддиятли ҳолат узоқ давом этганида, қарама-қарши томонлар ўртасида катта-кичик зиддиятлар содир бўлиб туради. Уларнинг ҳар бирида бошқа-бошқа қадриятларга интилиш ёки уларни барқарор қилиш учун ҳаракат бўлиши ҳам мумкин. Катта-кичик зиддиятлар энг умумий зиддият ечилмаганича давом этаверади ва зид томонларнинг келишуви асосий зиддият очилганига қадар муваққат бўлиб қолаверади.

Қадриятлар тизимидаги бундай ҳолат унинг беқарорлигини ёки ҳали барқарорлашмаганини англатади. Бу ҳол ҳамма даражадаги қадриятлар тизими учун умумий бўлиб ҳисобланади. Қадриятлар тизими амалиётидаги зиддиятли ҳолатларнинг инсон қадри, миллий онг, ўзлигини англаш ва бошқалар билан боғлиқ субъектив сабаблар билан бирга, жамият тараққиётини объектив қонуниятлари, иқтисодий, ижтимоий, маданий соҳалардаги ривожланиш, қадриятлар ўзгаришида етилган имкониятларнинг воқеликка айланиш зарурлигини ифодаладиган объектив сабаблар ҳам бор. Уларни барҳам топтиришда бир ёқламаликка йўл қўймаслик учун ана шу объектив ва субъектив сабабларни умумий алоқадорликда, боғлиқликда, яхлит ҳолда олиб қарамоқ ва таҳлил қилмоқ керак.

Қадриятлар тизими амалиётидаги зиддиятли ҳолларни бартараф қилишда муайян қадрият мезонига хос таъсирнинг аҳамиятини ошириш ёки бирор тарздаги қадриятлар омилини ҳисобга олмаслик билан боғлиқ икки хил қарам сақланиб қолади. Биринчи ҳолат қадриятга эришиш йўллари ва усуллари аҳамиятини ҳаддан ортиқ бўрттириш, асосий эътиборни эса қадриятни барқарор қилиш эмас, балки унга эришиш билан боғлиқ чора-тадбирларга қаратишга олиб келиши мумкин. Бундай ҳол умуминсоний, миллий, шахсий ёки бошқа қадриятларнинг бирортасига нисбатан ҳам содир бўлиши, бунда эса бошқаларини барқарор қилиш манфаатлари ва талаблари унутилиши, уларга эътибор камайиши мумкин.

Иккинчи ҳолатда эса тизим амалиётидаги зиддиятлар ва қарама-

қаршиликларни вужудга келтирадиган сабаблар орасида бевосита қадриятлар омили тўла-тўқис ҳисобга олинмайди. Бунда масала ўзининг аксиологик хусусиятини йўқотади. Ҳолбуки, одамлар орасида, оила ва турмушда содир бўладиган қарама-қаршилик ва зиддиятлар кўп ҳолларда инсон қадр ва шахсий қадриятлар тизими амалиёти билан боғлиқ бўлади. Бундай ҳолда зиддият "Қорнимга эмас, қадримга йиғлайман",- деган халқ мақоли ифодалаган кенг маъноли аксиологик ҳолатлар билан боғлиқ бўлиши, уни ечишда эса иқтисодий, сиёсий таъсирлардан кўра маънавий-аксиологик жиҳат аҳамият касб этиши, уни ҳисобга олиш мавжуд тизимдаги уйғунликни тиклаши мумкин. Бунда кўпроқ қадриятларни турлича тушуниш, тасаввур қилиш, уларга эришиш йўллари ва усуллари, мақсад, эҳтиёж ва интилишлар билан боғлиқ субъектив сабабларга кўпроқ эътибор берилади. Бу эса зиддиятшунослик нуқтаи назаридан ниҳоятда муҳим. Негаки қадриятлар хилма-хил шаклдаги зиддиятли ҳолларни баҳолаш, уларни мақсадини аниқлаш мезонларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Қадриятларга турли муносабат, эҳтиёж ёки интилиш, бу борадаги фаолият ҳам бирор қадрият тизими амалиётидаги зиддиятга сабаб бўлиши мумкин. Ана шу зиддият эса муайян қадрият мезонига нисбатан, уни барқарор қилишга қаратилган бўлиши, аммо бошқа қадриятларни барқарор қилиш манфаатларини ҳам ҳисобга олишни талаб қилиши мумкин. Бундай ҳолда қадриятларни бир шаклига интилиш зиддиятга сабаб бўлса, иккинчиси эса бу фаолиятни баҳолаш мезони бўлади.

Қадриятлар тизими амалиётига хос зиддиятларни у ёки бу қадрият шаклини намоён бўлиш даражаси ва кўламига нисбатан бир неча хилларга ажратиш мумкин. Бундай даражалар айниқса кундалик ҳаётда, оилада, шахслараро ва турмуш муносабатларида яққол кўзга ташланади. Шахсий ва оилавий даражадаги қадриятлар тизими амалиётида юзага келадиган зиддиятларда бир ёки бир неча киши, умумий тизим амалиётидаги зиддиятларда эса жамиятдаги, қатламлар, гуруҳлар ва ҳатто умумдавлат миқёсига эга бўлган кучлар /Югославия, Грузия/ ҳам қатнашиши мумкин. Уларни ечишда умуминсонийлик, миллийлик, шахсийлик ва бошқа қадриятлар уйғулиги ҳамда яна бир қатор омиллар, мезонлар, шарт-шароитлар талабларига эътибор бериш лозим. Ана шундагина зиддият содир бўлаётган умумий тизим ёки боғланиш сақланиб қолади. Акс ҳолда зиддият ўзини вужудга келтирган боғланишни узиб юбориши, оила, турмуш, ижтимоий ҳаётда салбий ҳолатларни вужудга келтириши ҳам мумкин. У ёки бу қадриятга икки хил қараш одамларни бир-биридан ажратиб юборадиган, уларни ўртасига нифоқ соладиган ҳоллар кўп учрайди.

Агар қадриятга нисбатан турлича қараш ёки муносабатни уйғунлаштириш имкони йўқолса, улар номутаносиб ва қарама-қарши бўлиб қолсалар унда зиддиятни вужудга келтирган боғланиш узилади, умумий тизим дарз кетади. Бу айниқса оилавий зиддиятларда яққол намоён бўлади. Масалан, эр ёки хотиннинг фарзанд кўришга муносабати, ҳатто улардан бирини /кўпроқ эркакларни/ ўғил фарзандли бўлиш истаги билан, оидада бунинг имкони йўқлиги /аёл кишини касалланганлиги, хоҳламаслиги ёки бошқа сабаблар/ натижасида вужудга келган зиддият оилавий боғланиш узиб юборадиган ҳоллар ҳаётда кўп учрайди. Айнан шундай ҳолни бир томоннинг вафосизлиги оқибатида иккинчи томон қадрини ҳақорат қилиш асосида вужудга келадиган оилавий зиддиятда ҳам кўриш мумкин. Ҳаётда миллий ёки шахсий жиҳатларга эътибор бериш зарурияти муайян умуман қадриятлар тизими ўзгариши етилган бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолда юзага келган зиддиятни доимо ҳам салбий жараён сифатида қараш нотўғри. Чунки умуминсоний қадриятлар ҳаётда ўзлигини миллий /нафақат миллий, балки бошқа хусусий шакллар/ ва шахсий даражалар орқали намоён қилади.

Қадриятлар амалиётидаги миллий ва шахсий жиҳатларга эришиш ёки уларни барқарор қилишда умуминсонийлик талабларига мос келмайдиган мақсад ва вазифаларни амалга оширишга қарши тарзда ҳам рўй беради. Бунда куйидаги

зиддиятли ҳоллар кузатилади: а) якка шахснинг талаб, эҳтиёж, мақсад ва интилишлари умуминсоний ёки миллий қадриятлар намоён бўлиши амалиётига мос келмай қолиши; б) миллий қадриятларнинг мутлақлаштирилиши ёки камситилиши умуминсоний ва шахсий қадриятларни диалектик уйғунлиги талабларига мос келмай қолиши; в) умуминсоний қадриятларни мутлақлаштириш ёки унутиш, бу қадриятларнинг мазмунини мафкуравий, сиёсий ва бошқа манфаатлар нуқтаи назаридан ўзгартириш ҳоллари эса миллий ва шахсий қадриятларни диалектик уйғунликда барқарор қилиш эҳтиёжларига мос келмай қолиши ҳам мумкин.

Биринчи ҳолатда шахснинг талаблари, эҳтиёжлари, мақсад ва баъзи ижтимоий талаб ва тартиблар, умуминсоний ва миллий қадриятлар намоён бўлиши билан боғлиқ хусусиятларнинг амалиётига зид бўлиб қолади. Шахсий эҳтиёж ва талаблар инсон учун табиий-ижтимоий хусусиятдир, инсон уларни қондирмасдан яшай олмаслиги аниқ. Аммо уларга асосланган ҳатти-ҳаракат, фаолият жараёнида миллий ва умуминсоний қадриятларнинг индивидуал даражада намоён бўлиш хусусиятларини ҳисобга олмаслик, шахсий жиҳатлар ва ўз қадрини ҳаддан ортиқ бўрттириб юбориш, жамиятдаги мавжуд тартиблар билан ҳисоблашмаслик, бошқаларнинг талаб ва эҳтиёжларини унутиш шахсий маҳдудлик /эгоизм/ вужудга келишининг асосий сабабларидан биридир.

Шахсий маҳдудлик ҳар қандай жамиятда ҳам ўзининг ана шу табиатини ва хусусиятини сақлаб қолгандагина намоён бўлади ва улар унинг ҳамма замонлар учун умумий жиҳатлари бўлиб ҳисобланади. Шахснинг ўрни, мавқеига қараб бундай маҳдудлик оқибатлари турлича бўлади. Шахсий маҳдудлик кўзлаган мақсад ва эришишига интилаётган қадриятдан бошқа ҳамма нарсани унутиш, маънавий манқуртлик ва ҳатто қонунбузарлик сифатида юзага келиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатда ҳаёт қонунларини менсимаслик, ахлоқий тартиб ва талабларга бўйсунмаслик, маънавийлик, талаблари, инсон ҳуқуқлари ва бурчлари ўртасидаги уйғунликнинг бузилиши ҳоллари содир бўлади.

Хуллас, алоҳида кишига хос хусусиятлар, эҳтиёжлар, талаблар, мақсадлар, қизиқиш, интилиш ва фаолият натижасида ҳам мавжуд қадриятлар тизимининг таркибий қисми бўлган шахсий "бўғин"да сифатий ўзгариш, уни бошқа қисмга нисбатан номутаносиблик ҳосил бўлади. Бу ўзгариш бошқа шахсларга, миллатга ва жамиятга, тегишли умумий тизимлар айниқса умуминсоний ёки миллий қадриятлар мезони уларнинг намоён бўлиш шаклига нисбатан муносабатда қарама-қаршилиқ ёки зиддият сифатида намоён бўлиши мумкин.

Миллий қадриятлар тизими амалиётида миллатга хос қадриятни мутлақлаштириш ёки нотўғри тушунишга асосланган зиддиятлар энг мураккаб ва чигал муаммоларни келтириб чиқаради. Бу зиддиятларнинг вужудга келиши ҳам турли умумий сабабларнинг оқибатидир. аммо унда қадриятлар омили гоҳида ватан туйғуси, гоҳида миллий бетакрорлик ва гоҳида буюклик даъвоси тарзида майдонга келади.

Ҳар бир миллий қадриятлар тизими амалиётидаги зиддиятли ҳолатнинг ўз хусусияти, бошқасига ўхшамайдиган жиҳати, кўлами, давом этиш вақти ва амалга ошиш жараёни мавжуд. Бу борадаги зиддиятларни оддий, содда усуллар билан бартараф қилиш ва умумий тизимдаги номутаносибликни ечиш қийин.

Миллий қадриятларнинг мустақил тизимини барқарор қилиш учун бўлаётган миллатнинг озодлик ва миллий истиқлол учун курашини, буюк миллатчилик шовинизмидан, миллатчиликнинг турли кўринишларидан, миллат ичидаги гражданлар урушидан, маҳаллийчилик, уруғчилик асосида вужудга келган зиддияти ҳоллардан фарқламоқ керак.

Миллий даражадаги бўғин билан боғлиқ умумий қадриятлар тизими амалиётидаги қарама-қаршилиқ ва зиддияти ҳолатларнинг энг даҳшатлиси ва амалиётда учраб турадигани - миллатларни этник ва ҳудудий қадриятларига

асосланган шакллариدير. Уларнинг даҳшатлилиги шундаки, бундай ҳоллар биргаликда ёки ёнма-ён ҳудудда яшаётган, қўни-қўшни бўлиб умргузаронлик қилаётган кишилар орасида содир бўлади, уларни ҳамжиҳатлиги таъминлаган қадриятлар тизими дарз кетишига олиб келади. Бундай зиддиятли ҳолатлар асосан уч босқични босиб ўтади:

Биринчи босқичда турлича сабабларга кўра номутаносиблик ва қарама-қаршилиқ пайдо бўлади: илгари ягона бўлган қадриятлар тизимида илк ажралиш, беқарорлик рўй беради, амалиётда эса дастлабки айбашлар, миллий масалада мавжуд бўлган ҳолатни ўзгартиришга ундовчи даъватлар пайдо бўлади. Ҳар хил эски ва янги мисоллар, даъволар асосида умумий ғазаб йиғилиб, "душман"нинг қиёфаси аста-секин реал қарши томонга айланиб, қўни-қўшничилик, элчилик илдизлари узилиб бораверади. Бу босқичда мавжуд қадриятлар тизимидаги шахсий бўғинларда ниҳоятда тез ўзгаришлар, қарама-қаршилиқлар рўй беради.

Иккинчи босқичда, умумий қадриятлар тизими беқарорлиги доимийга айланади, амалиётда қарама-қарши томонлар ўртасида салбий ҳолатлар кўзга ташланадиган бўлиб қолади, миллий муносабатларда индивидуал зиддият ва тўқнашувлар бўла бошлайди, иккала томонда ҳам одамлар рўй бериши мумкин бўлган зиддиятга тайёрлана бошлайдилар. Зидлашган томонларнинг иккисида ҳам бир хил даъватлар, чақириқлар эшитилади, бир-бирига ўхшаган кучлар ғалаба қилади, қарши томонни айбаш авжига чиқади. Хуллас зиддият жараёни кенгайиб боради: мавжуд қадриятлар тизимидан дарз кетади, миллий ва умуминсоний қадриятлар билан боғлиқ мезонлар мақсадга айланиб қолади, уларга етишишнинг мафкуравий мақбул йўллари ва усуллари танлаб олина бошлайди.

Учинчи босқичда, қадриятлар тизими амалиётидаги зиддият антогонизм даражасига етади, томонлар учун орқага қайтишга йўл қолмайди, иккала томонда ҳам бир хил мазмундаги измлар пайдо бўлади, бир-бирига ўхшаган усуллар қўлланила бошлайди. Бундай шароитда ҳақлар ва ноҳақлар қолмайди, бу ҳолатга етган зиддият ўз ҳолига ташлаб қўйилганда ниҳоятда узоқ вақт давом этиши мумкин. Бу босқичда илгари иккала томон учун ҳам умумий бўлган қадриятлар тизими ҳамжиҳатлик мезони сифатида ўз кучини йўқотади, улар алоҳида ва бир-бирига қарама-қарши бўлган тизимларга айланади.

Жамият ижтимоий-сиёсий тузилишидаги номутаносибликлар, маънавий қарама-қаршилиқлар, асосий ижтимоий субъектлар ўртасидаги келишмовчиликлар уйғунлашиб кетганида умумий қадриятлар тизими ҳам беқарор бўлиб қолади. Яъни у жамиятни бирлигини, яхлитлигини, ижтимоий субъектларнинг асосий манфаат ва эҳтиёжларини қондирадиган умумий мезон, уларнинг ҳамжиҳатлиги ва ўзаро келишувини таъминлайдиган омил сифатидаги аҳамиятини йўқота бошлайди. Қадриятлар тизимига хос бу ҳолатни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, бундай шароитда тизимни ташкил қилган бир ёки бир неча таркибий қисмга эътибор, унга тегишли шаклларнинг аҳамиятини қўламини ўзгартиришга интилиш кучаяди.

Олдинги бўлақда келтирилган мисоллар барқарор қадриятлар тизимидаги ҳолатлар билан боғлиқ эди, аммо бу ҳолат доимо ҳам умумий тизимдаги мутаносибликни англатмайди. Умумий манзарасида номутаносиблик бўлган қадриятлар тизими ҳам барқарор бўлиши мумкин. Хусусан собиқ иттифоқдаги умумий тизимда синфий-партиявий қадриятлар устивор бўлганлиги, умуминсожий қадриятлар қуруқ шиорлар мавқеига эгаллиги, шахсий қадриятларга эътибор кам бўлганлиги маълум. Бу тизим ўз манзарасидаги ана шундай номутаносиб ҳолатни узоқ вақт мобайида сақлаб келди, уни мустаҳкамлашга уринишлар 90-йилларгача давом этди.

Аммо нафақат юқоридаги, балки бошқа бир қанча /айниқса миллий тизим билан боғлиқ/ номутаосибликлар уйғунлашганлиги оқибатида умумий тизим беқарор бўлиб қолаверди. Биз қадриятлар тизимини барқарор ҳолатини ундаги таркибий қисмлар мутаносиблиги, уларни амалиётидаги муносабатларни уйғунлиги

билан боғлаган эдик. Қадриятлар тизимидаги беқарорлик ҳолатини ҳам уйғунлик билан боғламоқдамиз. Бунда таркибий қисмлар орасидаги номутаносибликларни уйғунлиги асосий мавқеига эга бўлади. Бу номутаносибликлар билан турли фарқлар, тафовутлар, қарама-қаршилиқлар ва зиддиятлар уйғунлашганида эса умумий қадриятлар тизимидан дарз кетади.

Демак, асосий ижтимоий субъектларининг /алоҳида кишилар, гуруҳлар, қатламлар ва бошқ./ муайян қадриятларга асосланган келишуви ва бунга таянган ҳамкорлиги бузилган жамиятда номутаносибликлар алоҳида кишилар, оила, ташкилот ёки жамоалар доирасидан чиқиб кетиши ҳам мумкин. Бундай шароитда умумий қадрият тизимларидан ҳам "дарз" кетади, қадриятлар омили мазмунини турлича тушуниш, талқин қилиш ва бошқа талаблар, эҳтиёжлар, мақсадлар билан боғлиқ қарама-қаршилиқ ва зиддиятли ҳолатлар вужудга келади, қадриятлар амалиётидаги зиддиятли жиҳатлар яққол намоён бўлади. Уларнинг бир ижтимоий субъектни қониқтирадиган, унинг талаб, эҳтиёж, мақсад ва интилишларига мос келадиган жиҳати бошқасини қояйқирмайди, талаб ва эҳтиёжларига мос келмай қолади. /"Бировнинг бахти - бошқасининг кўзини чиқаради!"/ Бу жараён умуминсоний, миллий ва шахсий индивидуал қадриятлар, уларнинг намоён бўлиш шаклларига ҳам хосдир: бирор умуминсоний қадриятни барқарор қилишнинг маҳаллий миқёсдаги манфаат ва эҳтиёжи умуммиллий ёки умумминтақавий манфаатга, бирор шахсий қадриятни барқарор қилишга интилиш эса маҳаллий талабларга ва ҳоказо мос келмай қолиши умумий тизимда номутаносибликка, қарама-қаршилиқ, зиддиятли ҳолга сабаб бўлиши мумкин.

Қадриятлар тизими амалиётидаги номутаносибликларни аниқлаш, уларни оқибатини ўрганиш, истиқболдаги аҳамиятини баҳолаш, зиддиятларни бартараф қилиш йўлларини излаб топиш ниҳоятда муҳим.

1. Муайян қадриятлар тизимини барқарорлигини таъминлаш учун уни амалиётидаги номутаносибликларни аниқлаш ва уларни нима сабабдан вужудга келганлигини билиб олишнинг аҳамияти катта. Бунда айниқса номутаносибликни вужудга келадиган давридаёқ англаб олиш ва уни бартараф қилишга интилиш ижобий натижа бериши мумкин. Ана шунда номутаносиблик умумий тизимда сезиларли ўрин тутмасидан, уни манзарасига салбий таъсир кўрсатиб улгурмасидан бурун олди олинадиган ва зиддиятли ҳоллар юзага келишига йўл қўйилмайди.

2. Қадриятлар тизими амалиётидаги номутаносибликларни англаб олишда, унга одилона баҳо бериш, уни пировард натижсида вужудга келтириши мумкин бўлган оқибатини тўғри тушуниш, мураккаб вазифалардан биридир. Номутаносибликларни нотўғри англаниши, уларни нақадар катта салбий оқибатларга одиб келишини ҳис қилмаслик ва тўғри баҳолай олмаслик ҳоллари пировард натижада амалиётда катта хатоларга, назарияда эса илмий чалкашлиқларга сабаб бўлади.

3. Қадриятлар тизими ўз барқарорлигини йўқотиб қўймаслиги, уни амалиёти билан боғлиқ зиддиятлар юзага келмаслиги учун, ана шу зиддиятларга сабаб бўлиши мумкин бўлган номутаносиблик ўз вақтида барҳам топтирилмоғи, уни зиддият даражасига етишига йўл қўйилмаслиги лозим. Бунда диалектик тафаккур асосида олиб бориладиган аксиосоциологик тадқиқот далилларидан фойдаланилишнинг аҳамияти катта. Бундай тадқиқотлар қадриятлар амалиёти билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш, юзага келадиган номутаносибликларни англаб олиш, уларни бартараф қилиш вазифаларини белгилаш имконини беради. Ана шунда номутаносиблик қадриятлар тизими барқарорлигига раҳна соладиган қарама-қаршилиқка, у эса ўз навбатида тизимдаги боғланишларни ўзиб юборадиган, уни дарз кетишига, беқарор бўлиб қолишига олиб келадиган зиддиятга айланиб кетишини олдини олишнинг илмий асосли йўллари топилиши ва улардан ижодий фойдаланиш имкони очилиши мумкин.

4. Қадриятлар тизими амалиётидаги номутаносибликни ҳал қилишда масалани тўла ва узил кесил ечиш қутилган натажани бериши мумкин. Агар қадриятлар амалиётидаги муаммоларни ҳал қилишда собитқадамлик бўлмаса, ечимлар ниҳоясига еткизилмаса, буни устига уларга юзаки эътибор берилса ёки хаспўшланса оқибат натижа салбий бўлади. Яъни қадриятлар тизими амалиётда ўз мавқеини аста-секин йўқота бошлайди» унинг кишиларни уюштирадиган, улар ўртасидаги келишув ва ҳамжиҳатликни таъминлайдиган маънавий мезон ёки тарбиявий омил сифатидаги аҳамияти камайиб боради.

5. Умумий қадриятлар тизими амалиётидаги номутаносибликлар ва қарама-қаршиликларни ҳал қилишнинг илмий усулларини топиш ва улардан омилкорлик билан ижодий фойдаланиш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Бунда субъектив жиҳатни аҳамияти ортади, жамиятдаги асосий қатламлар, турли ижтимоий бирликлар, давлат ва жамоат ташкилотлари ва бутун жамият аъзоларини уюшган, ҳамкорлик асосидаги онгли фаолияти муҳим ўрии тутади. Негаки номутаносибликни ўз вақтида бартараф қилиш усулларини қўллашда кенг халқ оммасини онгли иштироки, қийинчиликларни ҳал қилишдаги ҳамжиҳатлиги, саботи, ҳушёрлиги катта рол ўйнади. Бу жараёнда халқни муайян қадриятлар тизими барқарорлигига бўлган ишончи, номутаносибликларни ҳал қилишда ана шу ишонч асосидаги фаолияти ҳам муҳим аҳамият касб этишини унутмаслик лозим.

6. Қадриятлар тизими барқарорлигини таъминлаш, уни амалиётидаги номутаносибликларни ҳал қилиш, қарама-қаршиликларни ечишни илмий асосда ташкил қилиш катта аҳамиятга эга. Қадриятлар амалиётини чуқур ўрганиш, унда вужудга келиши мумкин бўлган номутаносибликларни олдиндан кўра билиш, уларни ҳал қилиш йўллари ва усулларини ўз вақтида ишлаб чиқиш, қарама-қаршиликларни ечишни режаларини тузиш, улардан ижодий фойдаланиш имконини беради. Бу эса қадриятлар мезонини тартиб ва тарбиядаги аҳамиятини ошириш, ижтимоий ҳаёт ва амалий фаолиятда улар билан боғлиқ омиллар таъсирчанлигини кучайтириш учун асос бўлади.

Қадриятлар тизимини амалиёти билан боғлиқ номутаносибликлар вужудга келишини олдиндан кўра билиш, ҳамда бунга йўл қўймаслик ниҳоятда қийин, аммо уддалаш мумкин бўлган вазифа. Бу вазифани уддалашда умумий қадриятлар тизимида муқаррар равишда пайдо бўлиши мумкин бўлмаган, балки амалиётдаги субъектив хато ва нуқсонлар оқибатида вужудга келадиган номутаносибликларни олдини олиш, уларни қарама-қарши томонлар зиддиятига айланмасидан ҳал қилишга интилиш яхши натижа беради. Бунга эришиш учун эса қадриятлар мезонига бўлган оммавий ишончни, у асосидаги ўзаро келишув ва ҳамжиҳатликни муттасил мустаҳкамлаб бориш, маданий, маънавий, мафкуравий ва тарбиявий омиллардан ижодий фойдаланишини йўлга қўйиш, илмий бошқариш усулларини тинмай такомиллаштириб бориш, қадриятлар амалиёти билан боғлиқ илм-фан ютуқларидан кенг фойдаланиш, масъул ташкилотлар ва идоралар ишини тўғри ташкил қилиш, амалга ошириладиган чора-тадбирларга кенг халқ оммасини жалб қила олиш, жамият аъзолари ва асосий ижтимоий қатламларни қўллаб-қувватлашга таяниш лозим.

Юқоридаги масалалар ниҳоясида, умумий қадриятлар тизими ўзгаришларида уни муайян сифатий манзарасини сақлаб қолган ҳолда, ундаги мутаносибликни, таркибий қисмларни амалиётдаги уйғунлигини таъминлаш билан боғлиқ яна бир қатор муаммолар мавжудлигини таъкидлаш лозим. Қадриятлар тизимида узлуксиз ўзгаришлар рўй бераётган, уни амалиётида хилма-хил жиҳатлар ва ранг-баранг хусусиятлар намоён бўлаётган давомли жараёнда умумий тизимда доимий мутаносибликни таъминлаш қийин. Негаки, мутаносиблик, доимо ўз қарама-қарши томони бўлган номутаносиблик бўлишини англатади. Бунинг устига, мутлақ ўзгармас мутаносиблик ёки қарама-қарши томонларнинг доимий бирлиги абадий уйғунлиги тўғрисида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Қадриятлар тизими ва

унинг амалиётидаги мутаносиблик ҳамда уйғунлик ҳам ана шу қонуниятга бўйсунди. Демак, қадриятлар амалиёти ҳамда у билан боғлиқ мезонлар аҳамиятини ўрганишда доимо ана шу нисбийликни назардан қочирмаслик, амалий фаолиятда унутмаслик лозим. Ҳаётда ҳам муайян қадриятлар тизимидаги мутаносиб ҳолатни мутлақлаштирмаслик, ундаги уйғунликни сақлашга интилиш, ўзгаришларнинг доимийлигини ҳисобга олиш кутилган натижани бериши мумкин.

Мазкур бўлақда баён қилинган мулоҳазалардан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Ҳар қандай қадриятлар тизими мутлақ ўзгармас тарзда пайдо бўлмайди, ундаги мутаносиблик ва уйғунлик ҳам абадий эмас, тизим доимий ўзгаришда бўлганидек, унинг амалиётида ҳам номутаносибликлар учраб туради.

2. Ижтимоий тузилишида уйғунлик бўлмаган реал ривожланиш босқичига хос умумий қадриятлар тизимида номутаносибликларнинг кўпайиб кетиши уни амалиётда ўзаро келишув учун мезон сифатидаги аҳамиятини йўқотишга олиб келиши, тизимни беқарор қилиб қўйиши

3. Қадриятлар тизими амалиётидаги номутаносибликлар ва зиддиятли ҳолларни ўзига хос объектив ва субъектив сабаблари, уларни бартараф қилпшнинг хилма-хил йўллари ва усуллари мавжуд.

1. Қадриятлар тизими таркибий қисмлари амадиётида ҳам доимий уйғунлик йўқ, унда фарқ, тафовут, номутаносиблик ва зиддиятли ҳолатлар хилма-хил тарзда намоён бўлиб туради.

2. Барқарорлик бўлмаган ривожланиш босқичида қадриятлар тизими таркибий қисмларида тез ўзгаришлар боради, уларнинг амалиётида номутаносиблик ва қарама-қаршлик кучайиб кетиши эса умумий уйғунликни йўқолишига олиб келиши мумкин.

3. Умуминсоний, миллий ва шахсий қадриятларни амалиётда уйғунлаштиришни объектив шароатдари, субъектив омиллари, ўзига хос усуллари ва йўллари бор.

20-мавзу. Қадриятлар тизимининг ўзгариши – инкор, ворислик ва янгилиниш сифатида

Ушбу китобнинг олдинги қисмларида умумий қадриятлар тизими ва қадрият шакллари амадиётининг қуйидагича ифодаланиши мумкин бўлган икки асосий жиҳатини ўрганган эдик:

Нисбатан барқарор қадриятлар тизимида бошқа асосий таркибий қисмлар каби, умуминсоний, миллий, шахсий қадрият шакллари ҳам нисбий барқарордир, улар орасида ўзаро мутаносиблик ички боғланиш ва диалектик уйғунлик мавжуд бўлади.

Ҳар қандай қадрият тизими каби умуминсоний, миллий, шахсий, хусусий қадрият тизимларида ҳам абадий ва мутлақ уйғунлик йўқ. Улар доимий ўзгаришда, такомиллашишда ва турли ҳолатларга ўтишдадир, тизимда эса хилма хил фарқ, тафовут, номутаносиблик ва қарама-қаршилиқлар сақланиб қолади.

Бу иккала ҳолатни бир-бири билан мутаносиб эмаслиги кўриниб турибди. Уларни ижтимоий ривожланишда бўладиган қуйидаги номутаносиблик билан боғлиқликда тасаввур қилиш мумкин:

Ҳар қандай жамиятни барқарор тузилишига эга бўлган ижтимоий тизимда, уни таркибий қисмлари ўзаро мутаносиб бўлиб, уларни ҳар бири ушбу барқарорлик учун муайян аҳамиятга эгадир, бу барқарорлик кишиларни қадрият-ларга асосланган ўзаро келишуви, ҳамкорлиги ва ҳамжиҳатлигига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Ҳар қандай жамият доимий ўзгаришдадир, бу ўзгаришда уни ижтимоий тузилишдаги ҳар бир таркибий қисм ўзига хос вазифани бажаради, бу ўзгариш жараёни фарқлар, тафовутлар, қарама-қаршилиқ ва зиддиятлар бартараф қилиш амалиёти орқали боради.

Ҳўш, жамият ривожи ва қадрият тазимларига хос юқоридаги номутаносибликларни мавжудлиги абадий ва мутлақ зиддиятни англатадими? Улар ижтимоий тараққиёт ва қадриятлар амалиётидаги ўзгариш жараёнида қандай ҳал килинади? Маълумки, жамиятда барқарорлик билан доимий ўрганиш, мутаносиблик билан номутаносиблик, уйғунлик билан зиддиятли ҳолатлар, тараққиёт ва таназзул узвий боғлиқликда ва алоқадорликда намоён бўлади. Унда мавжуд бўлган турли қарама - қаршилиқлар ва уларни ҳал қилиниши бир томонда, қадриятларга таянган ҳолдаги келишув асосида жамият аъзолари ва ижтимоий субъектлар ҳамжиҳатлигига таянган ҳолда ечилса, иккинчи томондан, жамиятни илгариланма ҳаракати натижасида тарихий ривожланиш ва ижтимоий тараққиёт жараёнида инкор, ворислик ва навқиронлик диалектикаси тарзида амалга ошади.

Биз ижтимоий тараққиётда синфий кураш мавқеи мутлақлаштирилган, ижтимоий тенгликни – синфсиз жамият сифатида талқин қилинган назария тўла ғалаба қозонган жамиятда (собик иттифоқ) яшадик. Бу борадаги бўрттириш ва мутлақлаштиришлар оқибати аён. Аммо юқоридаги ҳолатларнинг инъикоси бўлган асосий жиҳатлар ғалаба , қозонган, улар бўрттирилиб ва мутлақлаштирилиб юборилган даврни тасаввур қилиш қийин. Ҳолбуки, жамиятда бундай ҳолат рўй берганида эди, биз ўзгариш ва тараққиётсиз ижтимоий тузум /биричи ҳолат/ ёки қарама-қарашликлар, зиддиятлар, сон саноксиз ижтимоий туқнашувлар доимий бўлиб турадиган жамиятни /иккинчи ҳолат/ гувоҳи бўлар эдик. Бу ҳолларни иккаласи ҳам соф тарзда учрамайди. Қолаверса биз фикр юритган ҳолатлар тўғрисидаги қарашлар кишилиқ жамиятини турлича таҳлил қилиш, ундаги мавжуд ҳолларга хилма-хил ёндашишнинг ўзига хос инъикосидир. Бу фикрни кўпгина таълимотлар тўғрисида ҳам, биз қараб чиққан қадриятлар билан боғлиқ ҳолатлар ҳақида ҳам айтиш мумкин.

Қадриятлар тизимининг ўзгариш жараёни. Аслида, жамият бир томондан барқарор, асосий таркибий қисмлари бир-бири билан боғланган, ўзаро алоқадорликда намоён бўладиган, ижтимоий тузилишга эга. Иккинчи томондан, айнан шу жамият доимий ўзгаришда, замонда илгариланма ҳаракатда бўлади. Бу ўзгариш, илгариланма ҳаракат ва ижтимоий тараққиёт бир текис жараён сифатида кечмайди, балки турли фарқлар, тафовутлар қарама - қаршилиқлар ва зиддиятлар орасидан келажакка томон йўл топиб боради.

Жамиятдаги умумий қадриятлар тизими, ҳамда умуминсоний, миллий, шахсий ва шу каби хусусий қадрият тизимлари доимий ўзгаришда бўлган жамият билан боғлиқ бўлганликларидан, ушбу диалектик жараён уларга ҳам тегишли: улар ҳам бир томондан, нисбатан барқарор, асосий таркибий қисмлари ўзаро алоқадорликда ва боғлиқликда намоён бўлади, иккинчи томондан эса, улардаги барқарорлик абадий ва мутлоқ эмас, бу тизимлар ва қадрият шакллари доимий ўзгаришдадир. Шу билан бирга қадриятлар тизимидаги номутаносабликларни ҳам доимо ечиш имкони бўлмаслиги улар зиддиятига айланиши, тизимни беқарор қилиб қўйиши, "дарз" кетишига сабаб бўлиши ҳам мумкин. Бу жараён ўз навбатида янги қадрият тизимларини шаклланиши, қадриятлар билан боғлиқ омилларда

янгича маъно ва мазмун кашф этилишида катта аҳамият касб этади ва бундай шароитда ижтимоий тараққиётга хос инкорни - инкор, ворислик ва навқиронлик диалектикасини қадриятлар, уларнинг асосий шакллари ва қадрият тизимларидаги ўзгаришларга ҳам тадбиқ қилиш мумкин. Диалектик инкор, ворислик ва навқиронликни ўзаро алоқаси сифатида амалга ошадиган жараён - умуминсоний, миллий, шахсий қадриятлар, уларни намоён бўлиш шакллари ўзгаришига асос бўлади ва бу умумий қадриятлар тизими ўзгаришини ижтимоий тараққиёт билан боғлиқ намоён бўладиган умумаксиологик қонуниятини ифодалайди.

Демак, юқоридаги умумижтимоий ва умумаксиологик ҳолатларга диалектик нуқтаи назардан қараш, улар орасидаги номутаносубликни мутлақлаштирмаслик, балки ижтимоий тараққиётни инкорни - инкор, ворислик ва навқиронлик орқали илгариланма ҳаракати натижасида, ҳал қилинадиган жараён сифатида талқин қилиш лозим. Бу жараён тарихий ривожланишда янада яққол намаён бўлади, уни ўтмишдаги танбеҳлари наҳоятда кўп ва бу жараён қандай борганлиги турли тарихий даврлар, цивилизациялар ривожини билан боғлиқ умумий жиҳатларга ва хусусиятларга эга. Қадамга Миср тарихини ўрганган Ж.Уилсон қадимги мисрликларнинг қадриятлари ривожланиш; жараёнида қай тариқа ўзгариб борганлигини кўрсатиб берган. Уни аниқлашича, Қадимги Миср подшолигидан имерия давригача алоҳида шахс ва уни индивидуал қадриятларига катта аҳамият берилган, кишиларни таланти, қобилияти, ижодийлиги, журъати ва бошқа ижобий жиҳатлари юксак кадрланган. Яхши ҳаёт кечариш деганда, нариги дунё эмас, балки ҳар бир шахсни ижодий фаолиятига тўла-тўқис имконият очадиган ва буни натажасида бутун жамаиятни гуллаб-яшнаши. учун шароит яратадиган яшаш тарзи ва умр кечирish тушунилган. Инсон қадрини ва уни шахсий-индивидуал хусусиятларини умумий қадриятлар тизимидаги мавқеи баланд бўлган. Империя даврида эса инсон қадрини эмас, балки жамиятнинг ўзи /империя/ энг асосий қадрини сафатида қарала бошлаган. Бу даврда мисрликларни шахсий имкониятлари чекланган, аммо бу дунёда яхши яшашлари тўғрисидаги ваъдалар кўпайиб борган¹. Булар мавжуд қадриятлар тизими доирасида амалга ошган ва унда аста-секин ўзгаришлар бўлишига олиб келган.

Қадриятлар тизими амалиётдаги мутаносиблик ва номутаносибликни қандай аҳамият касб этиши қуйидаги мисолдан ҳам кўриниб турибди. Л.В.Скворцов фикрича, Қадимги Афина ва Рим тарихини муайян даврида /милод олд. VIIаср-милоднинг III асригача/ кишиларни давлат ва уни қудратини ошириш йўлидаги қарийб бир хил фаолияти ниҳоятда қадрланган. Аммо иккала давлатда бу фаолиятга бўлган талаб турлича бўлган. Афинада шахснинг бетакрор қобилиятлари ва фаоллигига катта эътибор берилган бўлса, Қадимги Римда бундай фаоллик, эркинлик ва ижобийликка йўл қўйилмаган, кишилар фаолиятига фақат давлат талабларига бўйсунуш ва сиёсий тартибларга сўзсиз итоат этиш нуқтаи назаридан баҳо берилган².

Ҳолбуки, бундай мезонга кўра баҳолаш оқибати шахс фаоллигини гиаи сўндиради, ижтимоий ҳаётда эса уни қобилияти ва истеъдодига тўғри баҳо берилмайди, шахс турли режалар ва дастурларни амалга оширишнинг "оддий иштирокчи" сига айланиб қолади. Эллада ва Рим тарихини бу даврига эътиборни қаратган А.Ф.Лосев, афсус билан, шахсларнинг орзу-умидлари, интилишлари, қобилиятларини ҳисобга олмайдиган, уларни математик жиҳатдан тўғри ечиш мумкин бўлган арифметик тенгламаларни ечимлари тарзидаги қуруқ вужуд, ҳиссиз тана сифатида тушунишгина инсонни таҳқирловчи бундай ижтимоий хато

¹ Уилсон Дж. Египет: Ценности жизни. // Фракфорт 11., Уилсон Д., Якобсон Т. В предверии философии. Духовные искания древнего человека. -М. Наука, 1994. 92-120 бетлар.

² Скворцов Л.В. Субъект истории и социальное самопознание.М. 1999. 109-бет.

қарашни вужудга келтириши мумкинлигини ёзади¹. Кишиларни ижодийлиги, фаоллигига йўл қўйилмаганлиги, уларни империя талабларини ҳеч иккиланмасдан бажарадиган шахсларга айланганлиги Римни жаҳон маданияти тарихида Афиначалик юксак ўрин қолдира олмаганлигини асосий сабабларидан бири бўлган. Римликлар ўзларини сиёсий жиҳатдан устун қўйсалар ҳам, мадакий бойликларни яратишда грекларга /афиналикларга/ тан берганлар, илм олиш учун грекларга шогирд тушишдан ор қилмаганлар, ўз фарзандларига муаллимлар танлашда ҳам грекларга мурожаат қилганлар. Қадимги греклар жаҳон дивилизациясини тамал тошини қўйган энг буюк мадакий ривожланишга фалсафий таълимотларга асос солганлар Б.Рассел фикрича, аксинча "Римликлар санъатда бирор оригинал шаклни ярата олмаганлар, бирорта мустақил фалсафий системани изоҳлаб бера олмаганлар, ҳеч қандай мустақил илмий кашфиёт қилмадилар². Улар фанда ҳам, фалсафа ва санъатда ҳам грекларга эргашувчи, тақлид қилувчи бўлиб қолдилар. Аммо ижодийлиги сўндирилган бўлсада, муайян даражада бирлашиб ҳаракат қилган ва асосан аскарларга айлантирилган халқ дуийёдаги энг катта империялардан бирини - Рим империясини узоқ вақт сақлаб қолган, уни қадриятлар тизими мавжуд бўлишига имкон яратган.

Биз Марказий Осиё Македониялик Искандар томонидан забт этилгани ва Грек-Бақтрия давлати ҳукм сурганлигини биламиз. А.Македонский бошчилигидаги зобитлар ўлкамизга қандай қадриятларни олиб келган ва қайси қадриятларни барқарор қилмоқчи эдилар. Уларни ҳукмронлиги қайси умуминсоний қадрият талаблари мезонига тўғри келар эди? Улардан бошқа босқинчиларчи? нима бўлганда ҳам не-не умидлар билан ўрнатилган ҳокимиятлар тарих саҳифаларида босқинчиликни намунаси сифатида қолди, босқинчиларнинг аллақандай қадриятлари эса ўзлари билан бирга кўмилиб кетди!

Аммо бу босқинчилар цивилизациямизга хос азалий қадриятларини бутунлай ва абадий йўқотиб юбора олмади, улар ҳар сафар янгиланиб, эски жиҳатларини инкор қилиб ўз қадларини аста-секии ростлаб бордилар. ижтимоий тараққиёт, жамият ҳаёти сакрашлар ва орқага чекинишларсиз, турли зиддият ва қарама-қаршиликларсиз, бир текис борадиган тарихий ўзгаришлардан иборат эмас. Инсоният тарихи турли зиддиятлар, қарама-қаришликлар орқали ўтмишдан келажакка томон ҳаракатланади. Шу билан бирга муайян цивилизация қадриятлари ҳам шу тариқа ривожланиб, умуминсоний, миллий-этник ва бошқа қадриятларни мукамалроқ жиҳатларни, турли. туман қирраларни яққолроқ намоён қилшб бораверади.

Бизнингча, юртимиз цивилизацияси ҳам шундай хусусиятга эга. У ҳам ўз қадриятларини замонлар силсиласида олиб ўтади, янгиланади, такомиллашади, ўзга шаклларга киради, раиг-баранг сифатий белгилар кашф этади, хилма-хил жиҳатларини намоён қилиб боради. Бу цивилизацияга хос умумий қадриятлар тизими ҳам ҳар бир ўзгарган давр реалликларини ўзида акс эттиради, умумий манзарасида янги жиҳат ва қирраларни намоён қилади, аммо ҳар гал ажодлар руҳи, умуминсоний идеаллар, этник маконга муҳаббат, иасонпарварлик ва маърифатпарварлик анъаналарини ақлаб қолади, уларга таянган ҳолда мустақил тизимга айланади.

Тараққиёт жараёнида қадриятлар тизими такомиллашуви муайян ижтимоий жараёндинр. Бу жараён одамлар ўртасидаги муносабатлар, уларни амалий фаолияти, ҳамда жамиятдаги моддий, маънавий ва бошқа соҳалар билан узвий боғлиқ. Уларни яшаб бўлган ижтимоий кучлар, тартиблар ва уларни қадриятлари ўз урнини янгиларига бўшатиб бериши, ўтмишига айланиши ҳаётнинг қонунидир.

¹ Лосев А.Ф. Эллинистически-римская эстетика. 1-11 вв.в.э.М.Наука. 1979. 14-15-бетлар.

² Рассел Б. История западной философии. М. Наука. 1959.295-бет.

Мазкур жарён фақат жамият ривожланишни туб бурилиш нуқталарида, бир сифатий ҳолатда иккичисига ўтиш даврларидагина намоён бўлади, деб ҳисоблаш жоиз. Чунки тадрижий ўзгаришлар рўй бераётган жараёнда ҳам бу жараёни турли жиҳатларини кузатиш мумкин. Масалан, Араб истилоси билан боғлиқ Марказий Осиёдаги ривожланиш жараёни бундан мустасно эмас. Гарчанд истилочилар цивилизациямизни. ислом талабларига мос келмайдиган миллий қадриятларни кўп шакиллари йўқ қилганларига қарамасдан ерли. аҳоли уларни диний-ахлоқий қадриятлар тизимини қабул қилган, бу эса маълум маънода тарқоқ халқлари бирлаштирувчи маънавий омил бўлган, илмий, маданий қадриятларни такомиллаштиришни муайян аҳамият касб этган.

Ўрта Осиёда мўғуллар ҳукмронлик қилган даврда ҳам шу маънода муайян жараёнлар рўй берган. Ўтрорнинг босиб олинишидан /1218 йил/ токи шаҳри Кешда /ҳозирги Шаҳрисабз/ Темур ҳокимиятига эга бўлган давр /1360 йил/ орасида қадриятлар тизими ривожда айтарли ўзгаришлар бўлмагандек туюлади. Негаки бу даврда: мўғуллар Марказий Осиёда бевосита ҳукмронликни қўлдан бермадилар; маънавий қадриятларимиз тизимига бирор арзийдиган ижобий янгилик олиб кирмадилар; маданият, фан, санъатни ривожланишига имкон бермадилар; ерли аҳолига мансуб бўлган ҳур фикрли кишиларни эса йўқ қилиб ташлайвердилар. Бундай шароитда умуминсоний ва миллий қадларимиз такомиллашиши учун имконият бўлмади: мўғуллар даври Ўрта асрлардаги Мовароунаҳр уйғониш даврини иккига бўлиб ташлади /аммо уни тўхтата олмади/; мўғуллардан вайрон бўлган шаҳарлару, /"Чифатой" каби/ қабристонлар қолди, холос.

Ўша даврда айрим кишилар учун мўғуллар ҳукмронлиги абадий давом этадигандек бўлиб туюлган бўлса ажаб эмас. Кимлардир мўғул босқинчилари ўрнатган сиёсий қадриятларга ишонган, уларга хизмат қилган: бўлиши, сиёсат, давлат юритиши ва ҳарбий саркардалик бобида сабоқ олган бўлиши ҳам мумкин. Аммо ҳаёт бир жойда тўхтаб қадриятлар амалиёти мутлақ ўзгармай қолгани йўқ. Мўғуллари айримлари ислом динини қабул қилиб олгани, ерли аҳоли бидан яқинлашганига қарамасдан, юртимиздаги озодлик ҳаракатини, умуминсоний қадриятларга интилш, миллий ўзликни англаш ва мустақилликка эришиш ҳаракатини сундира олмадилар. Маҳаллий аҳоли босқинчиларнинг халқимизга хос жуда кўп қадриятларни оёқ ости қилганликларини асло унутмади. Уларни ҳукмронлигини тугатиш учун жуда кўп ҳаракатлар бўлди, Маҳмуд Торобий кўзғалони /1233 йил/, сарбадорлар ҳаракати /1369-1386 й.й./ ва бошқа курашлар бунга мисол бўлади. Бу ҳаракатлар Осиёда мўғуллар ҳукмронлиги, деб номланадиган даврда ҳам цивилизациямиз қадриятлар тизими тарихнинг хилма-хил суронлари, турли қарама-қаршилиқлар, зиддиятлар, замон силсилалари ва авлодлар тақдири орқали ўзига йўл очиб борганлигини кўрсатади.

Қадриятлар ва уларнинг бошқа шакллари ижтимоий жараёнлар давомида ўзига йўл топиб олиши ҳам тараққиётнинг қадриятлар ўзгариши билан боғлиқ умумаксиологик қонуниятдир. Тарих бу қонунни ҳар бир ибратли воқеа мисолида исботлаб турибди. Подшоликларнинг емирилиши, муайян халқ ҳаётидаги туб ўзгаришлар, тарихий ривожланишда бир тараққиёт босқичидан бошқасига ўташ жараёнида хилма хил қадриятлар мерос қолади, янги даврда кишилар ҳаётнинг мезонига айланади. Юқоридаги мисол буни яққол ифодалайди. Марказий Осиёда мўғуллар ҳукмронлиги даврида бир қадар хиралашгандай бўлган қадриятлар омили, Темурийлар салтанати даврида ўз қаддини тиклади. Цивилизациямизга хос айниқса маданият ва маънавий мерос борасидаги мумтоз қадриятларимиз халқимизнинг улкан яратувчиликларга қодирлигини кўз-кўз қилганича, умуминсоният ҳазинасига қўшилган ҳисса сифатида авлодларга мерос бўлиб қолди.

Хуллас, жамият ривожини жараёнида ҳаёт талабига жавоб бериш имкониятини йўқотган тузумлар, даврлар ва уларга хос қадрият тизимлари ўз

ўрнини бошқасига бўшатиб бериши қонуниятдир. Лекин у ёки бу кучлар, гуруҳлар ва табақалар тарихий тараққиётга тўсиқ бўлиб қолиши, уларнинг бу борадаги фаолияти турли-туман қадриятларни ёки қадрият тизимини ўргатиш шиорлари остида амалга оширилиши мумкин. Аммо улар пировард натижасида жамиятни ўтмишдан келажакка томон қонуний боришини, уни ижтимоий тараққиёт билан боғлиқ илгариланма ҳаракат қилиш жараёнини тўхтата олмайди.

Ривожланиш ва тараққиёт жараёнида қадриятлар тизими иссиқ йўқолиб кетмайди, янгилиги ўз-ўзидан вуқудга келавермайди. Тасодифан пайдо бўлиб қолгандек туюладиган янгилик ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, у эскилик ва замонавийликни ҳосиласи. сифатида шаклланади, янгиликни ҳар қандай шаклида эскини баъзи томонлари, ҳусусият ва жиҳатлари сақланиб қолади. Бу жараён қадриятлар тизими учун ҳам умумийдир. У республикамиз ривожининг ҳозирги даврида яққол намоён бўлмоқда. Бугун Ўзбекистонда азалий қадриятлар тиклаш ва замона реаллякларига мослаштириш, мустақилликни мустаҳкамлаш долзарб вазифалардан бири бўлмоқда.

Маънавий ва моддийлик билан боғлиқ қадрият шакллари бу жараёнда бир-биридан фарқ қиладиган жиҳатларга эга. Чунончи ривожланиш жараёнида бирор моддий буюм, нарса, воситани ўрнига иккинчиси келиши билан илгаригиси эскириб қолади, уни ҳаётда ишлатиш кўлами, кишилар учун ижтимоий аҳамияти, қадринисбатан камаёди: тош қуроллар ўрнига темир қуроллари, сўнгра эса замонавий ишлаб чиқариш воситалари вуқудга келишида ана шундай ҳолат кузатилади. Моддий ҳаётда вуқудга калган янгилик кўп ҳолларда эскиси ўрнини эгаллаб олади, уни қадрсизланишга сабаб бўлади, эскиларини ишлаб чиқаришга куч, хом ашё ва вақт сарфлашни кераксизга айлантиради.¹

Бундан фарқли ўлароқ, маънавий, умуминсоний ва миллий қадриятлар ҳамда уларни баъзи шаклларига "эскириш" тушунчасини бевосита қўллаш қийин. Айниқса, гап кундалик ҳаётда умуминсоний идеаллар, мақсадлар ҳамда маънавий олам, ахлоқий камолат, таълим-тарбияни асосий мезонлари сифатида намоён бўладиган қадриятлар тўғрисида борганида, бу янада яққолроқ намоён бўлади. Улар замон ўтиши билан бевосита эскириб, кераксиз бўлиб қолмайди, балки одамлар уларни янгича баҳолайди, талқин қилади, уларга мослашишни янгича йўллари қидиради. Шу билан бирга ҳар бир янги авлод ўтмишдошларидан мерос бўлиб қолган умуминсоний ва миллий қадриятларни бойитади, уларни янги-янги қирраларида кашф қилади, ўзгартиришлар киритади ва келажак авлодларга мерос қолдиради. Бу жараён ворислик тушунчасида ўз аксини топади. Аксиологияда "ворислик" қадриятлар тизимида қадрият шакляри ўрнига янгисини илгари вуқудга келиши ёки. уларда янги-янги ҳусусиятлар ва қирралар шаклланиши, ўзгариши ҳамда такомиллашувида янги замон учун зарур жиҳатлар мерос қолишини ифодаладиган диалектик жараённи англатади.

Ижтимоий тараққиёт натижасида қадриятлар, айниқса сиёсий ва мафкуравий қадриятларни бир-бирига ўрнини бўшатиб бериш жараёнида жуда мураккаб ва зиддиятли кечади. Бу борада муайян бизда жамиятни турмуш тарзи, ундаги ижтимоий муносабатлар ва ўзгаришларни таҳлил қилиш катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари, тараққиётни асосий йўналишларини ҳисобга олиш, ижтимоий кучларни қандай мақсадларга хизмат қиляётгани, қайси қадриятларга ийтиляётгани ва бу борада қандай йўللар талаб олинаётганлигини назардан қочирмаслик лозим.

Албатта, ҳар қандай даврда ҳам инсон соғлиғи, ақли, умр мазмуни каби табиявий-тарихий қадриятлар, яхшилик, дўстлик, тенглик, муҳаббат, бахт-саодат каби маънавий қадриятлар ҳамда уларни ижтимоий аҳамияти ўз мавқеини

¹ Қадриятларнинг қадрсизланиши муаммоси ҳозиргача аксиологик жиҳатдан кам таҳлил қилинган.

йўқотмайди. Ахлоқ-одоб, одамлар ўртасидаги муносабатлар, таълим-тарбия, маънавий камолат бидан боғлиқ бошқа умуминсоний қадриятлар тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин. Аммо ҳар бир авлод ва замон бу қадриятларни хилма-хил намоён бўлиш шакллариغا эга бўлади, уларни мазмуни, моҳияти турлича тушунилади, уларга эришишни, хилма-хил йўллари танлаб олинади.

Жамият ривожини ҳар бир янги босқичи қадриятлари, умуман олганда илгаригиларидан мазмунан бойроқдир, дея эътироф қилиш мумкин. Аммо баъзи ўзгаришлар жамиятни пировард мақсадларига хизмат қилмаслиги, умуминсоний қадриятларни барқарор қилиш талабларига жавоб бермаслиги мумкин. Тарихда прогрессив кучлар ва гуруҳларни у ёки бу умуминсоний қадриятлар ғалабаси учун кураши муваффақиятсизликка учраган, мақсадига эриша олмаган даврлар бўлган. Бундай даврларда тарихни янгилик билан боғлиқ мевалари кечикиброқ пишганлар, етилган вазифаларни ҳал қилиш имконияти секин амалга ошган. Спетамен бошчилишдаги халқ ҳаракатлари, Жалолиддин Мангуберди ва Маҳмуд Торобий бошчилик қилган оммавий курашлар мағлубиятга учраган, бироқ уларнинг ҳар бири ўз даври учун жуда муҳим қадриятларни барқарор қилиш туйғуси асосида вужудга келган.

Бу мисоллар қадриятлар ривожининг тўхтаб қолгани ёки ортга кетганидан далолат бермайди. Балки умуминсоний маънавий қадриятларнинг амалиёти тараққиёт ва таназзул, қарама-қаршиликлар ва зиддиятлар орқали борганлигини, бу эса унинг пировард натижада илгариланма ҳаракат қилишини, уни бир текис жараён эмаслигини исботлайди холос.

Шундай қилиб, тарихий тараққиётда қадриятлар тизими, айниқса баъзи маънавий қадрият шакллари такомилашуви ва ўзгариши оддий ва зиддиятларсиз жараён эмас. Бунда янгилик ўз-ўзидан, стихияли тарзда пайдо бўлмайди, балки турли қарама-қаршиликлар, орқага кетиш ва илгарилашга ҳаракатлар, зиддиятли ҳолатлар, ҳаётнинг турли соҳаларидаги тадрижий ва инқилобий ўзгаришларнинг ҳосиласи сифатида вужудга келади. Шаклланадиган қадриятлар тизими, қадриятни бирор шакли ёки "янги" жиҳатини ҳаёт талабларига мос келиши ёки мос келмаслигини, давр ва амалиёт кўрсатади. Вужудга келган навқиронлик тарихий тараққиётнинг ўзига хос оқимга мос бўлса, амалдаги қадриятлар қаторида яшаб қолади. Агар у давр ўтиши билан, жамият ривожини талабига жавоб беролмай қолса, аста-секин тарих саҳифасидан тушиб, унинг варақлари билан бирга ёпилиб кетади. Ўтмишга айланиб қолган, ўзини ўрнини, бошқа ижобий янгиликка бўшатиб берган қадриятни баъзи томонлари исиз йўқолиб кетмасдан айрим сифат ва хусусиятларини мерос қолдиради. Хуллас, инсоният тарихи аксиология (қадриятшунослик) муайян қадрият тизимларининг муттасил ўзгариш, муайян ҳолларда бошқасига зарурий тарзда ўз ўрнини бўшатиб бериши, қадриятларни тарихий давомийликка мос келадиган жиҳатларини мерос қилиб қолдириши, янги қадрият тизимлари ва шакллари узлуксиз вужудга келиб туришидан иборат инкорни инкор, ворислик ва навқиронликнинг кетма-кетлиги тарзида борадаган узлуксиз диалектик жараёндир.

Бир қадриятлар тизими иккинчисига айланаётганида, йиллар давомида улуғлаб келинган айрим қадриятлардан воз кечилаётган, истиқболда эса марказий бўғинлари нисбатан бошқачароқ қадриятлардан иборат бўлиши орзу қилинаётган янги қадриятлар тизимига интилиш кучаяди. Бу айниқса мустақилликка эришиш жараёнида яққол кўзга ташланади. Бугунги кунда республикамизда ана шундай шароит вужудга келди ва бу борада умуминсоний қадриятларни барқарор қилиш асосида миллий қадриятлар ва инсон қадрини оширишга ҳаракат қилинмоқда. Юртимизда вужудга келган қадриятлар тизимининг истиқболлари кўп жиҳатдан бу жараённинг илк қадамлари билан боғлиқ эканлиги шубҳасиз.

Янги қадрият тизимлари ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Бу мураккаб жараёнда кишиларни қадриятлар тўғрисидаги тушунчалари, фикр ва қарашлари ўзгариб

бориш нисбатан узоқроқ давр давомийлиги тадрижий ўзгаришларни қамраб олади. Масалан, асримиз бошларида Россия империясида рўй берган туб бурилишлар натижасида империяга хос ижтимоий ҳаёт ўзгариши умуминсоний ва миллий қадриятларнинг тантанасига сабаб бўлади, оддий инсон қадрини ниҳоятда оширади, дея ҳаёл қилинган эди. Бу ўзгаришларга ижтимоий тараққиётни формацияларнинг ўрин алмашувидан иборатлигини, ижтимоий тенглик эса синфсиз жамият эканлигини эътироф қиладиган қарашлар асос қилиб олинган эди. Бу ўзгаришларни амалга ошириш айрим синфий, партиявий қадриятларни улуғлаш, кўпгина милли, диний ва бошқа қадриятларга эътибор камайиши асосида амалга оширилди. Иттифоқ ҳудудида марказий бўғинларида синфий-партиявийлик устувор бўлган қадриятлар тизими вужудга келди. Бу эса бошқа қадриятлар мазмуни ва ҳатто маънавий мезонлар сифатидаги аҳамияти пасайишига сабаб бўлди.

Ўтмишга айланган ушбу даврнинг аксеологик таҳлили ва бу жараёнда қадриятлар тизимининг ўзгаришлари тўғрисида нималар дейиш мумкин? Биз собиқ иттифоқ ҳудудида бир қатор мафкуравий тушунчалар ўтмишга айланиб қолган, Ўзбекистон эса мустақил йўлдан бораётган даврда яшамоқдамиз. Хўш, ана шу жараёнда жамиятдаги ҳамма қадриятлар бутунлай ўтмишга айланиб қолдими? Тарихий ривожланишда жамият интилиб, инсоният орзу қилиб келган бахт-саодат, тинчлик, инсон эркинлиги ҳақидаги орзулар бутунлай барҳам топдими? Йўқ, албатта! Умуминсоний қадриятларнинг мазмуни муайян мафкура манфаатларини ҳисобга олиб ўзгартириш, баъзи ғояларни мутлоқлаштириш, айрим қадриятлар ва инсон қадрини менсимаслик усулининг муайян бир даври ўтмишга айланди, холос. Ўтган давр мобайнида қадриятларни ҳар қандай шаклини мутлоқлаштириш, номутаносиб қадриятлар тизимини сақлаб қолишга интилиш муқаррар равишда салбий ҳодисаларга олиб келишини тарих яна бир карра исботлади.

Аммо тарих фақат собиқ иттифоқ давридан иборат эмас. Ҳозирги даврдаги қадриятлар амалиётини ва унинг истиқболини ўтмишга айланган умумий тизим билан боғлаб кўйиш ножоиз. Бунда тарихийлик ва замонавийлик, демократия ва эркинлик, ижтимоий адолат асосидаги тамойиллар устувор эканлигига, истиқбол ҳам ана шунга боғлиқлигига эътибор бериш, назария ва амалиётда бунини ҳисобга олиш лозим.

Тараққиёт бирор кишининг орзу-умиди, истаклари асосида оқадиган ирмоқ эмас! Унинг ўзига хос қонунлари, талаблари, ривожланиш мезонлари ва йўналишлари бор. Бир замонлар Гегель фалсафаси Прусс монархиясининг идеологияси даражасига кўтарилган эди. Уни энг асосий маънавий қадрият, -деб ҳаёл қилганлар ҳам бўлган. Аммо биз Гегель ҳам, уни фалсафаси ҳам, Прусс монархияси ҳам тарих саҳифалари билан қўшилиб, тараққиёт китобининг варақлари орасида қолиб кетганлигини яхши биламиз.

Кўҳна ва навқирон тарих ҳали не-не таълимотлар, файласуфлар ва алломаликка даъвогарларнинг номларини мангулик пардаси билан ёпиб юборади. Келажак авлодлар уларни ўтмиш саҳифаларидан қидириб юрсалар ажаб эмас. Ўшанда илмий қарашлар, олимларнинг фаолияти ва уларнинг кадр-қимматини тарих баҳолаб улгурган, одамлар ўзларига керакли хулоса чиқариб олган бўлади. Бу баҳо ва хулоса қандай бўлиши келажакнинг ҳукмига ҳавола. Келажакни баҳолашга эса яхшиямки, бугунги авлоднинг кучи етмайди!

XX аср охиридаги ижтимоий тараққиёт жаҳон фалсафасини фақат собиқ иттифоқ мафкурасидан иборат эмаслигини, дунё ривожини эса фақат у кўрсатган ягона йўлдан боравермаслигини яққол исботлади.

Ҳар қандай таълимот ёки дунёқараш шаклининг энг асосий ҳаками-ижтимоий ривожланиш, тарихий тараққиёт ва илмий билимлар такомиллашувининг амалиётидир. Бу амалиёт бизнингсиз ҳам ҳар қандай таълимот тўғрисида ўзига хос хулоса чиқаради, тадқиқотчининг бу борадаги

вазифаларидан бири эса, ана шу хулосаларни ўз вақтида қайд қила олишидадир. Қадриятшунослик нуқтаи назаридан бундай қайд қилишни кейинги таълимотлар, улар қадрини баҳолаш учун муайян даражада аҳамияти ҳам йўқ эмас.

Инсоният тарихида шахсий индивидуаллик мутлақлаштириб юбо-рилганида жамоавийлик, жамоа бўлиб яшаш талаблари мутлақлаштириб юборилганида эса шахсий индивидуалликка интилиш кучаяди. Биз 70 йил ягона ғоя мутлақлаштириб юборилган, миллий ва шахсий қадриятларига кам имкон берилган даврда яшадик.

Бугун ана шу ғоя бўрттириб юборилган даврдан ўзгача ижтимоий муносабатлар шароитида, боқимандалик кайфиятидан, ўз тақдирини ўзи яратадиган, фаол, ижодкор кишиларга эҳтиёж кучайиб бораётган даврда яшайпмиз. Бу эса тўла-тўқис шахсий индивидуалликка ўтиш, уни мутлақлаштириш томон эмас, балки бир томондан жамият манфаатлари, ижтимоий талаб ва эҳтиёжлар унутилмайдиган, иккинчи томондан эса, шахсни индивидуал қадриятларини тўла намоён қилиш имкониятлари очилган демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш давридир.

Бундай янги жамиятни қуриш жараёни ҳам қадриятлар тизими ўзгаришидаги диалектик инкор, ворислик ва навқиронликнинг алоқаси тарзида амалга ошмоқда, уни таҳлили эса ишимизнинг давомини белгилайди. Аммо олдинги бўлақлар ва мазкур бўлақдаги фикрлардан баъзи хулосаларга келмасдан туриб, бу таҳлилга киришиш қийин. Жамият тараққиёти ва қадриятлар тизими ўзгаришларига диалектик нуқтаи назардан қараш қуйидаги ҳолатларни тасаввур қилиш имконини беради:

1. Ҳар қандай барқарор ижтимоий тузилишга эга бўлган тизимда уни ташкил этган таркибий қисмлар ўзаро алоқада, диалектик боғлиқликда, мутаносиблик ва уйғунликда зоҳир бўлади, ижтимоий тизим уйғунлигида уни таркибий қисмлари ўз ҳиссасини қўшади.

2. Ҳар қандай ижтимоий тизим ва уни ташкил этадиган таркибий қисмлар доимий ўзгаришдадир, бу ўзгариш жараёни турли фарқлар, тафовутлар, карама-қаршиликлар ва зиддиятлар орасидан ўзига йўл очиб боради: ижтимоий ўзгаришлар доимийдир.

3. Жамият ўзига хос объектив ва субъектив жараёнлар таъсири натижасида ривожланиб, ўтмишдан келажакка томон ҳаракатланиб, бир даврдан иккинчисига ўтиб боради: бу - ижтимоий тараққиёт қонунидир.

1. Ҳар қандай нисбатан барқарор бўлган қадриятлар тизимини ташкил этган таркибий қисмлар ўзаро боғлиқликда, мутаносибликда намоён бўлади, қадриятлар тизими уйғунлиги ва мутаносиблигида уни таркибий қисмлари амалиёти муҳим аҳамият касб этади.

2. Ҳар қандай қадриятлар тизими доимий ўзгаришда, унинг асосий таркабий қисмлари ҳам ўзгариш, карама-қаршилиқ ва зиддиятли ҳолатда намоён бўлади: қадрият тизимлари ва қадрият шакллари ўзгариши доимийдир.

3. Қадриятлар тизими ўзига хос қонуниятлар асосида ва турли жараёнлар таъсирида ўзгариб, бир ҳолатдан бошқасига ўтиб боради: бу-қадриятларнинг ижтимоий тараққиёт билан боғлиқ умумаксиологик қонунидир.

4. Жамиятнинг ўзгариши ва замондаги илгариланма ҳаракати диалектик жараёндин, бу жараён инкорни-инкор, ворислик ва янгиликнинг диалектикаси тарзида амалга ошади.

5. Жамиятни мавжудлигини таъминлайдиган энг асосий жиҳатлар, сифатлар ўзгариши ва ривожини ҳам бу жараён қонуниятларига бўйсунди: инкор, ворислик ва навқиронлик диалектикаси жамиятга нисбатан доимий ва муттасилдин. Ушбу ҳол жамият ривожининг тадрижийлигини ифодалайди.

6. Ижтимоий тараққиётнинг турли қарама-қаршиликлар ва зиддиятлар орасидан ўзига йўл очишин, бу зиддиятлар ва қарама-қаршиликларни жамиятдаги барқарорлик доирасида қай даражада ҳал қилинишига ҳам боғлиқ. Бу боғлиқлик шу жамият кишиларининг барқарорликни сақлаш учун, умуминсоний қадриятларга таянган ҳолда, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик асосидаги фаолияти натижаси сифатида намоён бўлади.

4. Қадриятлар тизими ёки уларни намоён бўлиш шаклидаги ўзгариш, бир ҳолатдан бошқасига ўтиш-диалектик жараёндин, у инкор, ворислик ва навқиронлик диалектикаси орқали амалга ошади.

5. Қадрият тизимлари ўзгариши жараёнида умуминсоний қадриятлар ворислик орқали мерос қолади, янги вужудга келадиган қадриятлар тизими уларга асосланиб аста-секин муайян тузилишга эга бўлиб боради: инкор, ворислик ва навқиронлик диалектикасининг қадриятлар тизими учун доимийлигини ҳам умумаксиологик қонуниятдин.

6. Умумий қадрият тизимларини барқарор ҳолатга келишини қадрият шаклларини намоён бўлишини ва амалиёти билан боғлиқ турли фарқлар, тафовутлар, қарама-қаршилик ва зиддиятларни бартараф қилиш билан ҳам узвий боғлиқ. Бу боғлиқлик умуминсонийликнинг устиворлигини, миллий, шахсий ва бошқа қадрият шаклларини диалектик уйғунлигини ва ўзаро мутаносиблигини сифатида намоён бўлади.

Жамиятдаги барқарорлик доирасида турли хил қарама-қаршиликларни ечиш, зиддиятлар ва низоларни бартараф этиш учун турли миллатлар, синфлар, қатламлар ва бошқа субъектларни умуминсоний қадриятларга асосланадиган ҳамжиҳатлигини ва ҳамкорлигига эришмоқ ҳамда бунга таянмоқ керак. Бундай ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик асосидаги барқарорлик доирасида туб бурилишларни, ислоҳот ва ижтимоий ўзгаришларни самарали амалга ошириш мумкин. Бу ислоҳот ва ўзгаришлар пировард натижада жамият дуч келиб қоладиган ижтимоий номутаносибликлар, муаммолар ва бошқаларни мавжуд барқарорликни сақлаб қолган ҳолда ечиш имконини беради.

Бундан кейинги мавзулар юқоридаги ҳолатларни ҳозирги даврда, Ўзбекистоннинг мустақил ривожланишини шароитида қай тариқа намоён бўлиш хусусиятларини ўрганиш, бу борадаги вазифалар ва чора-тадбирларни қадриятшунослик нуқтаи назарида изоҳлаш билан боғлиқ.

V боб. Мустақил тараққиёт ва қадриятлар тизими

Ўзбекистоннинг миллий истиқолига асосланадиган янги қадриятлар тизими шаклланиш жараёнлари ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва маънавий соҳалардаги ўзгаришлар, республикада қадриятлар омили

самарадорлигини ошириш борасидаги фаолиятнинг асосий йўналишлари ҳам илмий ўрганишни талаб қилади. Ушбу масалани ойдинлаштириш учун тарихга мурожаат қилиш, ундан танбеҳлар излаш мумкин. Ҳолбуки дунёдаги энг қадимий цивилизациялардан бирига мансуб бўлган, ўз илдизлари билан асрлар қаърига бориб тақаладиган ва уч минг йилдан кўпроқ даврни қамраб оладиган халқимиз тарихи, мустақил Ўзбекистонда шаклланаётган янги қадрият тизими ва унга муносабатимизнинг тамал тошларини қўядиган маънавий асосдир.

Мустақил Ўзбекистоннинг ривожини қанчалик юқори поғоналарга кўтарилиб бораверар экан, тарих саҳифаларига мурожаат қилиш, ундан ташбеҳлар излаш эҳтиёжи шунчалик ортиб бораверади. Аммо ҳаёт фақат тарихдан иборат эмас. Тарих нақадар серқирра ва сермаъано бўлмасин, бугунги ва келажакдаги ўзгаришларни тўла-тўқис қамраб ололмайди, балки келажакда тарихга айланадиган жараёнларга асос бўлади, холос.

Ижтимоий тараққиёт эса тарих силсилалари, турли қарама-қаршиликлар ва зиддиятлар орасидан ўзига йўл очиб боради. Унинг замондаги бундай илгариланма ҳаракати жамият тараққиётини умумижтимоий қонуниятидир. Бу қонуният қадрият тизимлари, уларни таркибий қисмларидаги ўзгаришлар диалектикаси учун ҳам умумийдир. Қадрият тизимларининг замона зайллари таъсирида ўзгариши ва давр реалликларига мос ҳолатга келиши ҳам ана шу жараёнга бўйсунди. Бу жараёнда ўзгаришлар воқеа ва ҳодисаларни замондаги кетма-кетлиги тарзида рўй беради. Диалектик тафаккур эса ана шу давомийликнинг инъикоси, уни англаб олиш воситаси сафатида намоён бўлади. У қадриятларни ўзгариши ва янги қадрият тизимлари вужудга келиши жараёнини англаб олиш имконини беради. Ҳозирги даврдаги турли номутаносибликлар, замона силсилалари ва муаммолари орқали шаклланаётган янги қадриятлар тизими вужудга келиш жараёнини тасаввур қилмоқ у учун ҳам диалектик тафаккур ва илмий билиш усулларига мурожаат қилишга тўғри келади.

21-мавзу. Янги қадриятлар тизими шаклланишининг ижтимоий-сиёсий асослари

Олдинги мавзуларда қадрият тизимларининг барқарор ҳолати, ундаги асосий бўғинлар ва таркибий қисмлар орасидаги муносабатлар, қадриятларнинг бир-бири билан алоқаси, улар муайян ўринни эгаллайдиган тизимлардаги мутаносиблик ва номутаносиблик, фарқ, тафовут, қарам-қаршилик ва зиддиятлар, бу тизимлар ўзгариши билан боғлиқ ҳолатларни назарий жиҳатларини ўргандик. Аммо янги қадрият тизимлари қай тариқа вужудга келиш жараёни, бунда қадрият шакллари қандай мавқега эга бўлиши, уларнинг амалиёти каби масалалар очиқ қолди.

Янги қадрият тизими шаклланиши жараёни. Жамиятнинг туб бурилиш босқичларида қадриятлар тизими, кишиларни уларга муносабати ўзгариши шунчалик шиддатли тус оладик, бу жараённинг тезкор суръатларини англаш, изоҳлаш ва асослашга энг диалектик тафаккур усули ҳам улгура олмай қолади. Биз тадқиқотларимиз давомида бу фикр тўғрилигига ишонч ҳосил қилдик. Бу даврда собиқ иттифоқ тизими билан боғлиқ давр ўтмишига айланди.

Заминимизда яшаётган ва бизга замондош бўлган кишилар ҳаётида янги давр бошланди. Яъни мустақил Ўзбекистонимизнинг миллий истиқлолига асосланган янги қадриятлар тизимини барқарор қилиш, бу тизимда қадрият шакллари диалектик уйғунлигига эришиш, инсон қадрини, қобилиятини, истеъдодини намоён қилиш учун кенг имкониятлар яратиш борасидаги долзарб вазифалар ҳозирги авлод умрининг мазмунига айланади.

Хўш, янги қадриятлар тизими вужудга келишини қандай шарт- шароитлар тайёрлади? Бунда инкор, янгиланиш диалектикаси қай тарзда намоён бўлмоқда?

Бу саволларга ҳар томонлама жавоб бермоқ учун собиқ иттифоқ ҳаётнинг сўнги йилларидаги таназзул даврини атрофлича таҳлил қилиш мумкин эди. Аммо ишимиз ҳажми бунга имкон бермайди. Қолаверса, бундай таҳлилсиз ҳам натижа маълум. Биз бу жараёни қадриятлар ўзига хос мақбуллик асосида ўрин олган қадриятлар тизими ўзгаришининг умуммаксималогик жиҳатини қисқа таҳлил қиламиз.

Авалло эски тизимнинг собиқ жамият умумий бўҳрон ҳолатига кирган 80-йиллар охирларидаги манзараси, унда асосий бўғинлар умуминсоний, миллий ва шахсий-индивидуал қадриятларнинг ўрни миллий қадриятлар борасидаги амалиёт ҳамда уларга нисбатан жамият аъзоларининг муносабати қандай бўлганлигига эътибор бериш лозим. Ўтган аср 80-йиллари охирларида, иттифоққа хос омонат бўлиб қолган тизимда баъзи бўғинлар, уларнинг ўрни, мавқеи амалиётдаги қарама-қарши ҳамда зиддиятли ҳолатлар қуйидаги тарзда эди: тизимнинг асосий ва марказий қисмлари ягона партия ғояси билан боғлиқ бўлиб, ижтимоий ҳаёт, ички ва ташқи сиёсат жамият аъзолари ва уларнинг қадрига ҳам ана шулар манфаати ва уларни барқарор қилиш нуқтаи назаридан қаралар эди. Бунинг оқибатида мамлакатда асосий қадриятлар мазмуни мафкура манфаатлари талабларига мос равишда ўзгартирилди, умргузаронликнинг асосий мезонлари бўлган қадриятлар омили ҳақиқий мазмунидан ажралиб қолди. Бу жамият миқёсида сўз билан ишнинг бир эмаслиги билан боғлиқ маънавий беқарор ҳолат вужудга келди, асосий мақсадлари қуруқ шиорларга айланган қўйилган, яқка партия буйруқбозлик асосида бошқарадиган мамлакатда умумий ғояга нисбатан ишонч йўқолди.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов алоҳида такидлагани каби: "Бу тузум ўз халқининг тарихини, унинг руҳи ва урф-одатларини, ўз авлод-аждодларини билмайдиган манқуртларга таянар эди... Ҳудди шу боис бу давлатнинг ижтимоий тизими билан халқ эҳтиёжлари ўртасида жарлик пайдо бўлди. Яъни инсон, унинг моддий, маънавий, шу жумладан, миллий қадриятлари бу тизимда орқа ўринда турар эди. Бинобарин, бундай давлатнинг аввал бошданоқ истиқболи йўқ эди".¹

Мазкур истиқболи йўқ бўлган давлатнинг истиқболсиз тизими узоқ йиллар маънавиятнинг "тамал тошлари" сифатида қараб келинди, уларга асосланиб кўпгина умуминсоний қадриятлар қуруқ шиорларга айланган, Хулоса қилиб айтганда, қадриятлар тизимидаги асосий бўғинларда салбий ҳоллар кузатилаётган собиқ совет иттифоқида биз таҳлил қилаётган қадриятлар амалиёти соҳасида қуйидаги ўзига хос ҳолатлар юзага келди:

1. Умуминсоний қадриятлар борасида: а) 80 йиллар охиригача партиявий ва синфий қадриятларни устивор билиш, уларни бутун халқ мақсадларига тўла-тўқис жавоб беради, деб ҳисоблаш оқибатида кўпгина умуминсоний қадриятлар атайлаб сийқалаштирилди ва уларнинг мазмуни ўзгариб кетди. Мазмуни ўзгартирилган қадриятлар эса назарияда устивор ҳисоблангани билан, сиёсатда қуруқ шиорларга айланиб қолди; б) 80-йиллар ўрталарида умуминсоний қадриятлар устиворлиги назарий жиҳатдан эътироф этилгани билан, бу ҳаётга амалий татбиқ қилинмади, энг умумий бўҳрон даврига кирган жамият эса эълон қилинган умуминсоний қадриятлар мезони талабларини бажара олмади; в) кишиларнинг умуминсоний қадрият сифатида эътироф этилган ғояларга нисбатан ишончи ва эртанги кунга бўлган эътиқоди йўқолди; г) умуминсонийлик талаблари сифатида қараб келинган ва мафкуравий тарғиб қилинган қатор мавҳум тушунчалар ва улар билан боғлиқ фаолият шакллари ўз мавқеини йўқотди. Ушбулар оқибатида мавжуд қадриятлар тизими таркибий қисмлари орасида номутаносиблик зўрайиб, умуминсоний қадриятлар билан боғлиқ хусусий тизим амалиётида эса зарурий ўзгаришларга эҳтиёж кучайиб борди.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. -Т.: Ўзбекистон, 1995. 8 бет.

2. Миллий қадриятлар борасида: а) “миллатларнинг гуллаб яшнаши” тамойили амалга олмаганлиги, уларни яқинлашиш ва “янги халқ”ни вужудга келтириш жараёни сунъийлашгани оқибатида, миллат ва элатларни ўз генофондини, табиий-тарихий бетакрорлигини ва ҳатто этник макон билан боғлиқ Ватан туйғусини йўқотиб қўйиш хавфи вужудга келди; б) миллат, элат ва халқлар устидан ҳамда уларнинг тарихий этник маконларида турли тажрибалар тўхтовсиз олиб борилиши натижасида, муайян миллатларда нафақат Ватан туйғуси, балки ўз этник маконини ҳам йўқотиб қўйиш хавфи пайдо бўлди. Бу ўша даврдаги ижтимоий бўҳронлар оқибатида янада кучайиб кетди; в) миллий сиёсатда ҳам айтарли ўзгаришлар бўлмади, бир қанча республикалардаги халқ ҳаракатлари куч билан бостирилиши ва бошқалар бу соҳада умуминсонийлик талаблари устиворлиги ҳақидаги фикрлар қуруқ шиорлар бўлиб қолаётганлигини намоён қилди; г) миллатлар орасида миллий ўз-ўзини англаш, тарихий меросини ўрганиш, миллий республикаларни халқаро муносабатларнинг ҳақиқий субъектига айланиши учун ҳаракат кучайиб бориши, миллий руҳнинг ўзгариши, миллий мустақиллик ғоялари кучайиши, миллий республикаларда президентлик сайловлари ва мустақиллик тўғрисидаги умумхалқ рефередумлари ўтказилиши умумий тизимни бутунлай бузиб юборди. Мазкур ҳолатлар иттифоқдаги миллий қадриятлар тизимини янги замон реалликларига мос келадиган тарзда ўзгариш жараёнини заруратга айлантди.

3. Шахсий қадриятлар борасида: а) синфий, партиявий, мафкуравий жиҳатларга яъни кўпроқ умумий ва хусусий тамойилларга ортиқча эътибор бериш, инсон ҳуқуқлари, эркинликларини оддий шаклларида юзаки қараш оқибатида шахс қадрли умумжамият миқёсида ўзининг ҳақиқий мавқеига эга бўлмади; б) мамлакатнинг энтенсив ҳаёти шароитида турли “аср қурилишлари”, оммавий ҳаракатларга эътибор кўпроқ бўлганлигидан, алоҳида шахсларнинг ўз қадриятларини тўла-тўқис намоён қилиш учун имкониятлар яратилмади; в) асосий эътибор ягона партия ғояларига ишонадиган, бу борадаги шиорлар, даъватлар, кўрсатмаларга сўзсиз амал қиладиган кишиларга эҳтиёж кўпроқ бўлганлиги, фаол ижодий ва индивидуал жиҳатдан ўзига хосликни кўпроқ сақлаб қолган кишиларни эмас, балки умумий талабларга мос келадиган (муайян, масалан миллий қадриятларга ва ўз тақдирига ҳам жиддий эътибор бермайдиган) шахслар вужудга келишига сабаб бўлди; жамиятда ва кишилар ўртасидаги мавжуд муносабатларда; сўз билан ишнинг бир эмаслиги, “Асосий қонунларда /Конституцияларда/ эълон қилинган умуминсонийлик талабларига амал қилмаслиги шахсларнинг ижтимоий қиёфаси, маънавий-ахлоқий камолотида салбий хусусиятлар, ҳаётга бефарқ муносабат пайдо бўлишига олиб келди: д) ушбу ҳолатлар шахс қадрли ва қадриятларини барқарор қилишни зарурий эҳтиёжлари билан бу борадаги жамиятда Мавжуд имкониятлар ўртасидаги номутаносиблик ва зиддиятга сабаб бўлди.

Қадриятлар тизими намоён бўлиши ва амалётида рўй берган бундай зиддиятли ҳоллар жамиятдаги ижтимоий бўҳрон билан узвий боғлиқ эди. Жамиятда рўй берган бундай ижтимоий бўҳрон қуйидагича намоён бўлган эди:

- сиёсий соҳада, давлат фаолиятини ҳамма шахобчалари ва барча даражаларида бошқариш имкони йўқолганлиги, зиддиятларни кучайиб, қуролли тўқнашувлар даражасига етганлиги;

- иқтисодий соҳада, давлатни ички ва ташқи қарзи ниҳоят даражада ошиб кетганлиги, аҳоли маблағларини қадрсизланиши, ҳамма турдаги /саноат ва қишлоқ хўжалиги/ маҳсулотларини жуда камайиб кетганлиги;

- ишлаб чиқариш тизимида самарасиз ҳарбий саноат соҳа устунлиги, бу соҳага маблағларни ҳаддан зиёд сарфланиши, табиий меҳнат ресурсларини ниҳоятда камайиб кетганлиги ва улардан фойдаланиш ўзини оқламай қуйганлиги;

- ижтимоий соҳада жамият тузилишида ва асосий гуруҳлар орасидаги келишув ва ҳамжиҳатликни тўла йўқолганлиги /анархия/, илгариги давлат

тартибларига ва ижтимоий тизимларга бўлган ишонч ва эътиқоднинг барбод бўлиши.

Булардан ташқари маънавий соҳада ҳам умумижтимоий бўҳрон яққол кўзга ташланар ва у қуйидаги жабҳаларда яққол иамоён бўлар эди:

- маънавий-ахлоқий соҳада, иқтисодий таҳчиллик ва кундалик зарур вазифаларни ўз вақтида еча олмаслик оқибатида, жамиятнинг маданий ҳаётида ва кишилар маънавий-ахлоқий қиёфасида турли бузилиш рўй бериш ҳоллари кучайди;

- меҳнат соҳасида ижодийлик ва фаоллик кўрсатилган эътибордан четда қолганлигидан, кишилар фаолияти моддий ва маънавий рағбатлантиришга юзаки ёндошилганлигидан меҳнатни тарбия воситаси, шахсий камолот мезони сифатидаги имкониятларни ва аҳамиятини йўқотиб қўя бошлади;

- экологик соҳадаги номутаносибликлар натижасида катта-катта минтақаларда яшашнинг табиий шароитларини бутунлай йўқолиш хавфи вужудга келди;

- этник-миллий соҳада жуда кўп этносларни, айниқса кам сонли этносларни ўзига хос ривожланиши билаи боғлиқ объектив имкониятлар барбод бўлиши, ҳатто уларни йўқолиб кетиши хавфини вужудга келтирди.

Хуллас, жамият ижтимоий тузилишида номутаносиблик кучайганида, бўҳрон намоён бўлганида, умумий қадриятлар тизими, унинг миллий жараёнлар билан боғлиқ амалиётида ҳам зиддиятли ҳолатлар вужудга келди. Бу зиддиятли ҳолатлар жамият ижтимоий-сиёсий тизими беқарор бўлиб қолган даврида оқамларни қадриятлар тўғрисидаги фикрларида ҳам ўзига хос тарзда намоён бўлди. Демак, жамиятда умумижтимоий ва умумаксиологик жиҳатлар диалектик уйғунликда, алоқадорликдадир. Бир тизимдаги ўзгариш иккинчисида намоён бўлади ва энг умумий ўзгаришга олиб келади. Бу жараёндаги ўзгаришлар тасодиф эмас, балки зарурият сифатида намоён бўлади.

Собиқ иттифоқ парчаланиб кетишини баъзилар кутилмаган, тасодифий ҳодиса рўй берди, дея баҳолайдилар. Юқоридаги жараёнлар ва уларга мос равишда қадриятлар тизимида рўй берган ўзгаришларни таҳлил қилиш бунда кутилмаган эмас, балки қонуний ҳодиса рўй берганлигини кўрсатади. Бу ҳодиса янги тизимга ўтиш имкониятини воқеликка айлана бошлаганини, эски тизимда чуқур ва сифатий ўзгариш, бу ҳудудда эски қадрият тизимлари ўрнига янгилари вужудга келаётган мураккаб жараён рўй берганини англатади. Жамият тараққиётини умуминсоний ривожланиш қонуниятларига қадриятлар, қадрият тизимлари ва уларга нисбатан муносабатлар ўзгаришини ифодалайдиган умумаксиологик қонуниятларни мос келишини ҳисобга олсак, бу жараён қуйидаги тарзда намоён бўлади:

Собиқ иттифоқдаги қадриятлар тизими ва уни амалиётида рўй берган. Ўзбекистондаги қадриятлар тизими ўзгаришлар: 80-йиллар охири

1. Қадриятлар тизимининг марказий (сиёсий ва мафкуравий) бўғинлари, бошқариш, иқтисод ва маънавий тизимларнинг ишдан чиқанлиги; эълон қилинган умуминсоний қадриятларни барқарор қилишга сиёсий тизимнинг тайёр эмаслиги ва имкони йўқлиги; аҳолини жамият қадриятларига бўлган ишончини ўзгариб кетиши, иттифоқнинг бирлигини таъминлаб турувчи миллий тизимни заифлаша бориши; ҳукмрон мафкурани ўз

1. Республика иқтисодини иттифоқдан қарамлиги кучайтирилиши, бошқариш тизимида марказ тазйиқини ўсиб бориши, республикага оид миллий ва маҳаллий қадриятлар тизимида иттифоқ тизимида қаршиликни кучайиши, аҳолини миллий қадриятларга ишончи ўсиб бориши, бунга марказ томонидан ўтказилган тазйиқ тескари натижа берганлиги, миллий қадриятлар, айниқса, маданий меросга нисбатан халқ

мавқеини йўқотиб қўйганлиги, бу борадаги мафкуравий мезонларга ишончинг йўқолиши ва бошқалар натижасида иттифоқ миқёсига мос келадиган умумий тизим беқарор ва муваққат бўлганлиги кузатилади.

муносабати ўзгариши, иттифоқда миллатларга ҳолисона муносабат йўқлигини англаб олинishi ва бошқалар натижасида республикамизда янги миллий кадриятлар тизимга интилиш кучайганлиги кузатилади.

Собиқ иттифоқда жамият ва у билан боғлиқ кадриятлар тизимидаги бу ўзгаришлар юқорида тилга олинган ижтимоий, иқтисодий ва маънавий соҳалардаги бўҳронлар билан уйғунлашиб кетди. Умумий тизимда сифатий ўзгаришлар бўлиши учун замин тайёрланиб, умумижтимоий ва умумаксиологик номутаносибликлар яққол кўзга ташлана бошлади. Жамият тузилиши ва кадриятлар тизимидаги таркибий қисмларда, уларни бир-бирига нисбатан ҳамда умумий тизим билан муносабатида зиддиятлар кучайиб кетди, номутаносиб ҳолатлар ва қарма-қаршилиқлар умумжамиятга хос тизимни қамраб олди.

Ниҳоятда катта ҳудуд ва мураккаб жамиятни ягона марказдан бошқариш усули, зўрликка асосланган, тоталитар, умумижтимоий, умумиқтисодий тизимлардан дарз кетган даврда миллий республикаларда ўз барқарорлигини сақлаб қолиш асосий заруриятга айланди. Минтақалар уруш алангаси ичида қолиш хавфи туғилган бундай шароитда мустақил ривожланиш йўлига ўтиб олган республикалармиз раҳбарияти зиммасига ниҳоятда оғир вазифалар тушди. Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов бу даврни ниҳоятда образли ва лўнда тарзда қуйидагича ифодалаган: "Дунёга келган чақалоқ аввал эмаклаб, кейин тетапоя бўлади. Вазият шундай келдики, мустақил Ўзбекистон туғилган кунийёк оёққа туришга, ўзи юришга мажбур бўлди".¹

Собиқ иттифоқда жамият миқёсидаги тизимдан дарз кетган, республикалардаги миллий озодлик ҳаракатлари ҳарбий йўл билан бостирилаётган, айрим ҳудудларда зиддиятлар урушга айланиб кетаётган даврда қабул қилинган "Мустақиллик декларацияси"да янгича кадрият тизимларини вужудга келтириш, эълон қилинган қоидаларни барқарор этиш даври бошланган эди. Иттифоқда дарз кетган тизим таназзулга юз тутгани сари, республикамизда мустақил кадриятлар тизимини шакллантириш жараёни жадал давом этди.

1991 йил 31 августда Ўзбекистон Олий Кенгаши "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида қарор" ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида" қонун қабул қилди. Бутун жаҳон халқларига, халқаро ташкилотларга янги ва мустақил давлат вужудга келганлигини билдирадиган "Баёнот" ҳам қабул қилинди. Мустақил Ўзбекистонда вужудга келаётган янги кадриятлар тизимини ижтимоий-сиёсий асослари мустаҳкамлана борди ва ҳудудий амалиётини асосий жиҳатларини белгилайдиган томонларни ривожлантириш давом этди: юртимиз цивилизациясига хос кадриятларга асосланадиган янги тизим шакллана бошлади.

Ўзбекистон мустақиллиги ва унда вужудга келаётган янги кадриятлар тизимини ижтимоий-сиёсий асослари тадрижийлик асосида мустаҳкамланиб борди: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1991 йил 18 ноябрдаги қарорига асосланган, 1991 йил 24 декабрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги тўғрисидаги референдум ва Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловлари буни яна бир исботи бўлди. 1992 йил 29 январда БМТ Ҳавфсизлик кенгаши, 1992 йил 2 мартда эса БМТ Бош Ассамблеясининг 46 сессияси

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, маркура. Т. Ўзбекистон. 1993. 4-бет.

қарорларига кўра Ўзбекистон Республикаси бу муътабар ташкилот аъзоси бўлди; 1992 йилнинг 8 декабрида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди.

Мустақиллик шароитида шаклланаётган **янги қадрият тизими таянадиган мезонлар** ниҳоятда муҳим. Президент Ислом Каримов томонидан асослаб берилган бу мезонлар қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон халқининг ажралмас ҳуқуқи - ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини руёбга чиқарилганлиги;

- халқнинг ўлкадаги беқиёс бойликнинг ҳақиқий эгаси бўлиб қолганлиги ва республикада демократик-ҳуқудий жамиятни вужудга келтиришга ҳаракат қилинаётганлиги;

- жамият ривожига халқнинг кенг қатламларига таянилаётганлиги, уларнинг ҳамжиҳатлиги асосидаги барқарорлик доирасида тадрижий ўзгаришлар йўлидан собитқадамлик билан борилаётганлиги;

- республиканинг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, халқнинг азалий турмуш тарзи, анъаналари, урф-одатлари ва кўник-маларини ҳисобга олинаётганлиги;

- Ўзбекистондаги демографик вазият, аҳолининг миллий-этник таркиби, республикамизнинг геополитик ва геостратегик мавқеи, табиий-иқлим шароитлари ва уларга аҳоли мослашувининг ўзига хос-лиги, ишлаб чиқариш потенциаллари ва истиқболларига катта эътибор берилаётганлиги;

- давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш ва ислохотларни амалга ошириш билан диалектик уйғунликдаги миллий манфаатларга мос келадиган тинчликсевар ташқи сиёсат олиб борилаётганлиги;

- жаҳондаги мамлакатлар билан алоқа ва муносабатларда тенг ҳуқуқлилиқ, ўзаро манфаатдорлик, ички ишларига аралашмаслик қоидаларига амал қилинаётганлиги;

- Ўзбекистон иқтисодиётини жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига кенг кўламда уйғуллаштириш учун иқтисодий ҳамда ташкилий шарт-шароитларни яратиш имкони очилгани;

- кўпчилик халқ манфаатларига жавоб берувча иқтисодий сиёсат, инсон манфаатларига қаратилган бозор иқтисодиётини қурш йўли танлаб олинганлиги;

- республикани барча фуқаролари ва юридик шахсларига ташаббус кўрсатиш ва ишбилармонликни ривожлантириш, эркин хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун кенг имконият яратиш кафолатлангани;

- мустақил ривожланиш маънавий ахлоқий негизлари сифатида умуминсоний қадриятларга содиқлик, халқимиз маънавий меросини асраб-авайлаш, инсон имкониятларини эркин намоён қилиш кабилар асосий омил сифатида қаралаётгани;

- диёримизда янгидан бетакрор, иқтидорли ва инсонга керакли қадриятларни барпо этиш, бунда эса халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва янги поғонага кўтаришга алоҳида эътибор берилаётганлиги¹.

Ҳуллас, Ўзбекистонни мустақил ривожланиш йўлига ўтганлиги янги қадриятлар тизими шаклланиши ва барқарорлигини таъминлайдиган асосий омилдир. Юртбошимиз такидлагани каби: мустақиллик туфайли дунёга эшик очиш, жаҳон майдонига, тараққий этган давлатлар қаторига қаторига собитқадамлик билан кириб бориш, ўзаро иқтисодий, маданий, илмий, савдо ва бошқа соҳаларда қизгин ҳамкорликни йўлга қўйиш, Ўзбекистонни, унинг бой ўтмишини, маданлятини, ҳозирги кунини ва бу ерда амалга оширилаётган ўзгаришлар жараёнини дунёга танитиш имкониятлари очилди.

¹ Каримов И.А. "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли". Т.Ўзбекистон, 1993

Тарихий тажриба мустақилликни қўлга киритиш жамиятда умуминсоний қадриятларни барқарор қилиш, инсон қадрини ошириш асосида турли ижтимоий вазифаларни амалга ошириш борасидаги муҳим қадам эканлигини исботлайди. Мустақиллик оддий киши ва алоҳида шахс учун фикр, матбуот, мулк, виждон, савдо-сотик, ва демократик асосга қуриладиган яшаш эркинлиги каби умуминсоний идеал қадриятлардан биридир. У бугунги Ўзбекистонда идеал қадриятдан амалиётга айланди. Мазкур амалиётни умуминсоний, миллий, шахсий ва бошқа жиҳатлар билан мазмунан тўлдириш, сиёсий, иқтисодий, маданий, маънавий соҳаларда туб ўзгаришларни амалга ошириш, халқ тинчлиги, эркинлиги ва фаровонлигини таъминлаш, демократик қонунларга асосланган ҳаёт тарзини вужудга келтириш, ҳар бир шахснинг энг буюк ижтимоий қадрият эканлигини ҳисобга олиб, уни камолоти, қобилияти ва истеъдодини намоён қилиши учун тўлиқ имкониятлар яратиш борасида ниҳоятда улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Мустақиллик йиллари янги қадриятлар тизимининг вужудга келиши, жамиятдаги асосий ижтимоий субъектларни ўзаро ҳамжиҳатлиги, келишуви, ҳамкорлиги асосидаги фаолиятини мезонига айланиши жараёни бир қанча вақтни талаб қиладиган ўзгаришларни амалга ошириш даврини қамраб олишини кўрсатди.

Бугун ана шундай диалектик инкор ва янгиланиш орқали борадиган жараён давом этмоқда. Биз бу жараёнда тарихий бурилиш давларида содир бўладиган умуммаксималогик феномен билан, яъни қадриятлар тизими ўзгариши ва янгисини барқарор ҳолатга кириши жараёнида тадрижий усулнинг имкониятлари ниҳоятда катта эканлиги билан боғлиқ жараёнга дуч келмоқдамиз. Шу билан бирга ижтимоий барқарорлик шароитидаги ўзгаришлар жараёнида инсон омили алоҳида шахс таъсири ҳам катта аҳамият касб этади. Кишиларни муайян қадриятларга асосланган ҳамкорлиги, ҳамжиҳатлиги, асосий ижтимоий субъектлар ўртасидаги келишувга таянган ҳолда тадрижий ўзгаришлар потенциалидан тўлароқ фойдаланиш борасидаги имкониятларни излаб топиш ва уларни воқеликка айлантириш йўллари, чора-тадбирларидан самарали фойдаланишда алоҳида кишилар, айниқса раҳбар шахсларнинг аҳамияти янада ортиб бормоқда.

Президентимиз томонидан мустақиллик шароитида Ўзбекистонда янги қадриятлар тизимининг асосларини яратиш ва мустаҳкамлаш жараёнидаги тадрижий ривожланишнинг моҳияти қуйидагича ифодаланган: "Асосий вазифа ҳеч қандай ижтимоий ларзаларсиз, очлик, қашшоқликсиз, одамларга зиён етмайдиган тарзда ижтимоий-иқтисодий тарзда тараққиётнинг янги босқичига ўтишдан иборат".¹

Ҳар қандай тадрижий ўзгариш асоси ижтимоий барқарорликдир, бундай барқарорлик асоси эса жамиятдаги асосий субъектлар, гуруҳлар, қатламлар, синфлар ва бошқалар ўртасидаги муайян қадриятларга асосидаги ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликдир. Бундай шароитда давлатнинг зиммасида энг қийин, энг мураккаб ва энг серқирра вазифалар қолади: давлат ижтимоий барқарорликни сақлаб туриши, бу барқарорлик доирасида ўзгаришларни амалга ошириш, халқ фаровонлигини таъминлаши, эскилик ўрнига янгилек вужудга келиши билан боғлиқ бўлган муаммоларни бартараф қилади, ўзгаришларни босқичма-босқич амалга ошишини таъминлаб туриши зарур. Бир қадриятлар тизимидан иккинчи қадриятлар тизимига ўтишнинг Ўзбекистон шароитидаги иқтисодий - ижтимоий асосларини яратиш билан боғлиқ амалиётида "... давлат асосий ислоҳот бўлиши керак, у энг муҳим соҳаларни белгилаб бериши, ислоҳотлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчил амалга ошириши, жаҳолатпарастлар ва консерваторларнинг қаршилигини синдириши лозим"² деган тамойил истиқлолнинг даслабки

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг келажаги буюклигига ишончим комил. "Ўзбекистон овози". 1993 йил, 5 март.

² Каримов И.А. Ўзбекистон – улкан имкониятлар мамлакати. халқ сўзи. 1993. 19 июн.

йиллариданоқ белгилаб қўйилгани бежиз эмас.

Биз собиқ иттифоқда мавжуд бўлган қадриятлар тизимида ўзгаришлар қай тариқа уни беқарор ҳолга олиб келганини, бу билан бир вақтда эса Ўзбекистонда янги қадриятлар тизимини вужудга келиш жараёни борганлигини ниҳоятда қисқа таҳлил қилдик. Бу жараёнда: а) янгиликнинг вужудга келиши ва такомиллашиш кейгайиб боргани сари, эскиликнинг амал қилиш имкониятлари камайиб борди; б) эски жиҳатларга қарама-қарши бўлса-да зоҳирийликка айланаётган янгининг амал қилиш учун шарт-шароитлар етилиб боргани сари эски жиҳатлар инкор этила борди; в) уларнинг миқёси ўзгарди, таъсир доираси камайди, хуллас, аввал хусусий жиҳатлар, сўнгра эса умумий сифатий ўзгариш рўй берди; г) эски қадриятлар тизими амал қилишдан тўхташи билан янги тизим уни инкор этишни тугаллаш жараёнига кирди; д) шу билан бирга янги тизимнинг тўлиқ шаклланиш, эскидан қолган жиҳатларни сарҳисоб қилиш жараёни бошланди; е) туғилиб келаётган янги тизим жамиятдаги янгиликларни ўзлаштириш билан бирга янги эҳтиёжлар, мақсадлар ва қизиқишларни ҳам вужудга келтирди; и) янги тизимнинг барқарор холга келиши учун муайян йўл, усулларни танлаш, чора-тадбирларни амалга оширишни заруриятга айлантди: юқоридаги /д,е,и/ холатлар билан боғлиқ ижтимоий фаолият янги қадриятлар тизимида усмуминсоний, миллий ва шахсий қадриятлар қандай мавқени эгаллаши, уларни амалиётидаги муносабатлар, алоқалар қай тариқа боришини кўп жиҳатдан белгилайди.

Ўзбекистонда янги қадриятлар тизимининг вужудга келиши, бунда эскини ўрнига янги эгаллаши ва навқиронликни барқарор тизимга айланиши эски тизимдан янгисига ўтиш даврига мос келади. Бу жараёнда қадриятларни барқарор қилиш, уларни амалиётидаги турли даврлар. Тафовутлар, зиддиятлар, қарама-қаршиликларни бартараф этиш, бу борадаги ранг-баранг эҳтиёж, қизиқиш, мақсад ва интилишларни ҳисобга олиш зарурияти пайдо бўлди. Айнан ана шу зарурийлик эса бу жараённинг самарали амалга ошириш йўлларини ва усулларини танлашда ва амалга оширишда алдамаслик, эҳтиёт бўлиш ва собитқадамликни талаб қилди. Шу билан бирга, нафақат ижтимоий-сиёсий, балки иқтисодий, маданий, маънавий ва мафкуравий соҳаларда ҳам туб ўзгаришлар бўлишини заруриятга айлантди.

22-мавзу. Иқтисодий ислоҳотлар ва янги қадриятлар тизими

Жамият ривожининг ҳар қандай босқичига хос булган ижтимоий - сиёсий тузилиш ва унга мос умумий қадрият тизимларининг моддий асоси иқтисодий жараёнлар, уларда рўй бераётган ўзгаришлар билан боғлиқдир. Қадриятларнинг бугунги Ўзбекистондаги амалиёти тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин. Уларнинг тўла барқарор қилиниши ва инсон қадрини устиворлигини таъминлаш учун ижтимоий -сиёсий соҳадаги туб ўзгаришлар билан бирга иқтисодий ҳамда маънавий асослар ҳам мустаҳкам бўлишга эътибор қаратилган.

Янги қадриятлар тизимининг иқтисодий асослари. Иқтисод, меҳнат ва ишлаб чиқариш соҳасидаги ўзгаришларни илмий-аксиологик жиҳатдан тадқиқ қилиш иқтисодий ислоҳотларни қайси қадриятларга қаратилганлиги, уларни истиқболи қандай қадриятларни барқарор қилиши ва келажакда қай тарздаги қадриятлар тизимини вужудга келтириши мумкинлигини ўрганиш имконини берди. Бундай таҳлил заминимизда умргузаронлик қилаётган замондошларимиз яшаётган XXI асрдаги ҳаётнинг тамал тошлари қўйилган ва келажакдаги иморат пойдеворлари мустаҳкамланаётган ҳозирги давр учун ниҳоятда муҳим. Президентимиз томонидан яратилган “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” бу соҳада ҳам янги босқични бошлаб берди. Унда кўзда тутилган демократик бозор ислоҳотлари ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш борасидаги устувор йўналишлар ва долзарб вазифаларнинг бажарилиши

қадриятлар тизимини мустақамлашнинг бу соҳадаги имкониятларини кўрсатади.

Хўш, бугунги иқтисодити соҳада вужудга келган пойдеворнинг қадри ва аҳамияти қандай? Ўзбекистонда вужудга келган умумий қадриятлар тизимида иқтисодий қадриятлар бўғинининг хусусиятлари, бу борада уммуминсоний ва миллий жиҳатлар, шахс ва уни меҳнатининг қадри қай тариқа намоён бўлмоқда? Тажриба, бу саволларга жавоб бермоқ учун, Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов томонидан илгари сурилган, ўтган даврда янгилаш, ривожланиш, тараққиёт йўли ва ўтиш даври қийинчиликларини бартараф қилиш учун асос бўлган “Тараққиётнинг ўзбек модели” ва машҳур беш тамойилни амалга ошириш жараёнига таяниш мақсадга мувофиқлигидан далолат беради.

Бу борада қуйидагилар тамойиллар муҳим ўрин тутди:

- иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, ички ва ташқи иқтисодий муносабатларни мафкурадан ҳоли этишни таъминлаш:

- давлат асосий ислоҳотчи бўлиши, ислоҳотларнинг энг муҳим соҳаларини белгилаши, уларни изчил амалга ошириши;

- қонуннинг устунлиги, яъни демократик йўл билан қабул этилган янги конституция ва қонунларни истисносиз ҳурмат қилиш ва уларга риоя этиш мажбурийлиги:

- фуқароларнинг нуфузини эътиборга олиб кучли ижтимоий сисатни амалга ошириш;

- бозор иқтисодига ўтиш иқтисодиётни объектив эътиборга олиб, ўтмишдаги инқилобий сакрашларга йўл қўмай, ислоҳотларни босқичма-босқич амалга оширилиши.

Янги иқтисод ва бозор муносабатлари юзага келиши жараёнида қадриятлар такомиллини қай тарзда ва қандай йўллар билан амалга оширилишига кўп жиҳатлар боғлиқ. Жамиятимиз аъзоларининг кундалик ҳаёти ва фаолиятида асосий мезонлар сифатида аҳамият касб этадиган қадриятларнинг диалектик уйғунликдаги амалиёти кўп жиҳатдан ўтган даврдаги иқтисодий муаммоларнинг ечимларига, бу борадаги вазифаларни удалашда танлаб олинган йўл ва усулларга боғлиқлиги яққол намоён бўлди. Рўй бераётган жаҳон иқтисодий инқироzi. Ўзбекистоннинг шароитида ҳам қўлга киритаётган натижалари шундан далолат беради.

Иқтисод жамият ҳаёти, ижтимоий усқуртма ва маънавий жараёнлар учун бирламчи бўлганлигидан сиёсий ва мафкуравий мақбуллик нуқтаи назаридан уни бошқариш ёки йўлга солишга ҳаракат қилиш кутилган натижаларни бермайди. Бу ҳолда бутун жаҳон мамлакатлар учун умумий қоида бўлиб хисобланади. Ушбу қоида фақат ҳозир эмас, келажакда ҳам ўз қадрини йўқотмайди. Собиқ иттифоқ иқтисодида айнан ана шу қоида билан боғлиқ жиҳатга аҳамият бермаганлиги қандай оқибатларга олиб келгани бугун ҳаммага аён. Бу мазкур соҳада ҳам умумий қоидаларга амал қилмаслик салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини яққол кўрсатади.

Тажриба иқтисодий ислохотлар ва туб ўзгаришларни амалга ошириш орқали эркин бозор муносабатларига ўтиш-объектив жараён бўлиб, у муайян вақт жараёнида ниҳоятда хилма-хил вазифаларни ҳал қилишни, бунда мавжуд шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда босқичма-босқич ҳаракатни талаб қилишидан далолат беради. Бу жараёнда қадриятлар омили таъсирини ошириш, кишилар янги мезонларга мослашиши, ўз эҳтиёжларини, қадрият ва интилишларини замон талабларига мос равишда ўзгартиришлари учун ҳам муайян вақт зарурлигини кўрсатди. Ўтган давр мобойнида янги қадриятлар тизими вужудга келди ва иқтисодий соҳада ўзига хос муайян хусусият кашф этди. Бундай янги тизим ўз-ўзидан, бирданига пайдо бўлиб қолмади, балки иқтисодий соҳада ҳам эскиликнинг инқори бўлган босқичма-босқич юзага келиши ва воқеликка айланиши сифатида намоён бўлди.

Истиқлолнинг дастлабки йилларида жаҳон ривожланишини бош йўлларида бораётган илғор ва нуфузли мамлакатлар тажрибаси, замонавий иқтисодий жараёнларга ҳозиржавоб ишлаб чиқариш механизмини яратиш зарурати бозор муносабатларига ўтишни объектив жараёнига айлантирган эди. Ўша даврда Юртбошимиз “Айни вақтда бозор фақат мақсад эмас, балки янги қадриятларни шакллантириш, одамлар фаровонлигини сифат жиҳатидан тубдан юқори даражасига эришиш услуги ва воситасидир”¹, дея таъкидлаганлари бежиз эмас.

Янги қадриятларни шакиллантириш воситаси бўлган бозор муносабатлари бир ўзига хос хусусиятлар ва жihatларга эга бўлди. Бундай бозор шароити:

- меҳнат тақсимоти ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва иқтисодий жараёнларни бошқаришни замонвий усуллари самарали қўллаш имконини берди;

- ишлаб чиқаришга омилкорлик, фаоллик, ижодийлик ва очиқ рақобат пайдо бўлишига олиб келди, ташаббускорликни ривожлантиради ва боқимандалик кайфиятига барҳам берди, шахснинг иқтисодий соҳадаги имкониятларни кенгайтирди;

- мулкчиликда ҳокимликни тугатди мулкни хилма-хил шаклларни тенглигини таъминлади ва мулкдорларни ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишни замонавий асосга кўчирди;

- маҳсулотни ишлаб чиқарувчиларнинг нарх-наво белгилашдаги монополиясини йўқотди, ишалаб чиқаршни замонавий жараёнлар ва истеъмолчилар талабига мос равишда тез ўзгариши ва ҳозиржавоблигини таъминлади;

- иқтисодий жараёнларга фан ва техник ютуқларини, янги технологияларни қўллашни тезлаштирди, меҳнат билан машғул кишиларни бу янгиликлар талабига мос равишда ўз иқтидорлари, кўникмаларини такомиллаштиришга ундади;

- ишлаб чиқаришда тежамкорликка асооланган усуллари қўллашни заруриятга айлантирди, моддий бойликларни тежаб-тергаб сарфлайдиган, мулкни талон-тарож қилишга йўл қўймайдиган иқтисодий механизмларни вужудга келтирди.

Янги иқтисодий қадриятларни шакллантириш йўналишлари. Янги қадриятларни барқарор қиладиган иқтисодий муносабатларни вужудга келтирмоқ учун аҳолиси тез суратлар билан ўсаётган, ишлаб чиқариш ва меҳнат тақсимотида туб бурилишлар амалга оширилаётган Ўзбекистонда бир неча-йўналишда иш олиб борилмоқда.

1. Юқорида айтиб ўтилганидек, республика мустақил иқтисодий сиёсат олиб бормоқда, бу борада вужудга келадиган янги қадриятлар ана шу ҳолатга асосланади. Бунда собиқ иттифоқдан қолган иқтисод, меҳнат тақсимоти ва ишлаб чиқарашни ташкил этишдаги баъзи номутаносибликлар ва бошқаларни ҳал қилиш масалани бир томони эди. Иккинчи томондан, аввало, ягона давлат мулкидан кўп мулкчиликка ўтиш, ишлаб чиқариш тизимларини ўзгартириш, миллий молия - пул муносабатларини мустақил асосга кўчириш, шу билан бирга меҳнат, уни ташкил қилиш, ишлаб чиқариш жараёнларига янги техника ва технологияларни жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Бундан ташқари кишиларни иқтисодий, ишлаб чиқариш ва меҳнатга муносабатини ўзгартириш, яъни, замонга мос иқтисодий таффакур ва иқтисодий ислоҳат диалектикасини ўрнатишга ҳаракат қилинди. Бу вазифаларни бажаришда миллий, минтақа ва умумжаҳон аҳамиятига молик ички ва ташқи жиҳатлар ҳисобга олинди.

2. Истиқлолнинг дастлабки йилларидаги маълумотларга кўра, Ўзбекистон аҳолиси ниҳоятда тез ўсаётган мамлакат бўлиб, бу жараён жадал суратлар билан

¹. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т. Ўзбекистон 1993 61 бет

давом этаётган эди. 1960-1990 йилларда республика аҳолиси 12 млн кишига кўпайди ва 21 млн.дан ортиқ, киши талкил қилди. Аҳолининг юқори суръатлар билан ўсиши истиқболда ҳам сақланиб қолиб, 2015 йилга бориб, 1,5 баравар ортиши ва 36 млн 333 минг кишига етиши, меҳнатга лаёқатли кишилар сони эса ҳозирги 10 млн.137 мингдан 2015 йилга бориб 19 млн 884 минг кишини ташкил этиши мумкинлиги назарда тутилди.

Бу аҳолини иш билан таъминлаш, бозор шароитини муқаррар оқибати бўлган ишсизлик муаммоларини ҳал қилиш вазифасини кун тартибига қўйди. Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш тизимини такомиллаштириш, янги-янги иш жойларни ташкил қилиш, ишлаб чиқаришдан бошқа соҳаларни, айниқса, қайта ишлаб, маиший хизмат, соғлиқни сақлаш, маданият, маориф, санъат, фан ва бошқа соҳаларни ривожлантириш зарурияти пайдо бўлади. Бу соҳаларга фойда келтирмайдиган меҳнат тури сифатида эскича қарашдан воз кечилди. Маълумки, собиқ иттифоқ даврида уларга моддий натижа бермайдиган унумсиз меҳнат сифатида қаралди. Бу билан ноишлаб чиқариш соҳасидаги меҳнат қадри камайтирилди, унинг иқтисодий тараққиётдаги ўрнига ҳолисона баҳо берилмади, керакли моддий маблағлар ажратилмади. Ҳолбуки, бу соҳалар ниҳоятда катта фойда келтиради ва мамлакат ижтимоий тараққиётини кўп жиҳатдан таъминлайди. Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тажрибаси шундан далолат берадики, бу борада ишга яроқли фуқароларни ярмидан кўпроғи меҳнат қилиши мумкин.

3. Республикаимиз ривожда жамият аъзолари қобилият ва истеъдодларни намоён қилиш имкониятини вужудга келтирадиган, соғлом иқтисодий рақобатга асосланган мулкчиликнинг хилма-хил шакллари амалиётда жорий қилишга ёрдам берадиган давлат мулкчилиги ҳусусийлаштириш муҳим аҳамият касб этди. Республикаимизда бу жараён "Давлат тасарруфидан чиқариш ва ҳусусийлаштириш тўғрисида"ги қонун асосида амалга ошди. Ушбу қонун, ижтимоий йўналишга эга бўлган кўп укладли самарали бозор иқтисодиётини вужудга келтириш, Ўзбекистонда давлат мулкчилиги ўзгартиришнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди.

Ҳусусийлаштириш борасида халқнинг кенг қатламлари манфатлардан ҳисобга олиш, мулкчилик давлат тасарруфидан чиқариш жараёнида ижтимоий адолат талабларига риоя қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Уларнинг удаланиши халқ орасида ҳусусийлаштиришга бўлган ижобий муносабатни шаклланиши, иқтисодий соҳадаги ислохотларни самарали амалга ошириш, маданийлашган бозор муносабатларини тезроқ юзага келиши ва соғлом рақобат шаклланиши имконини берди. Бу эса янги қадриятлар тизими ва унга муносабат шаклланишини энг асосий омилларидан биридир.

4. Республикада ҳақиқий бозор муносабатлари шаклланишида меҳнатни ташкил қилиш ва мулкчиликни янги шакллари, фермерлик, тадбиркорлик, ишбилармонлик ва шу каби муҳим аҳамиятга эга. Уларни иқтисодий самараси бозор муносабатлари даврида исботланмоқда. Бундай корхоналар афзаллиги шунда-ки, улар ўз фаолиятини тез ўзгартира олади, ўзгариб турадиган бозор шароитларига тез мослашиши имконига эга, маблағлардан фойдаланишни тезлаштира олади, ишлаб чиқариш талабига мослашуви осон. Бу борадаги жараёнларни бошқаришда мулкчилик, ҳусусийлаштириш, тадбиркорлик, фермерлик, ижара, банк тизими, чет эл инвестицияси тўғрисидаги қонунлар, муҳим аҳамият касб этди. Ўзбекистон Президентининг фармонлари ва республика ҳукумати қарорлари билан мустаҳкамланган юқоридаги қонунлар қадриятларнинг иқтисодиётга асосланган ҳуқуқий негизларини белгилайди, ишлаб чиқаришдаги кўп укладлик, хилма хил мулкчилик асосларини, нг тенг ҳуқуқлигини кафолат-лайди.

5. Қонунлар, қарорлар ва фармонлар бу соҳада меҳнат қилаётган кишилар, ташкилот ва жамоалар фаолиятининг ҳуқуқий асосидир. Уларни қабул қилиниши иқтисодиётда умуминсоний қадриятларни барқарор қилиш, меҳнаткаш инсон

қадри, ҳақ-ҳуқуқини қонун билан қафолатлаш имконини беради. Аммо бу борадаги асосий иш ушбу қонун, қарор ва фармонларни амалга ошириш, уларни кенг оммаси фаолиятини кундалик мезонларига, бошқариш соҳаси ходим ва хизматчиларини асосий дастурига айланишидадир. Қонунларни қабул қилишгина давлатни ҳуқуқий жамиятга, иқтисодни маданийлашган бозор муносабатларига айлантира олмайди, бунда ана шу қонунлар ижроси, улар амалиёти, бу қонун ва фармонларни жамият аъзолари ҳамма қатламлари учун фаолият, иш юритиш, маданият ва маънавий камолотни энг асосий мезонига айланиши ниҳоятда муҳим. Қонунлар, қарорлар ва фармонлар иқтисодда умуминсоний, миллий қадриятларни барқарор қилиш, уларнинг уйғунлигини таъминлаш, инсон қадриятини юксакроқ кўтаришнинг дастуриламалларини, уларни бажариш билан боғлиқ фаолият эса ушбу қадриятлар амалиётининг ҳаётий кўзгусидир. Қонунчилик ва унга амал қилиш даражаси ана шу кўзгуда акс этади, халқ назарига тушади. Бу эса мазкур соҳада ҳам қонун устувор бўлишини таъминлаш вазифаси долзарблигини сақлаб қолаётганини кўрсатади.

6. Сирасини айтганда янги меҳнат шароитларига, мулкнинг хилма-хиллиги, тадбиркорлик ва ишбилармонликка ҳалигача кўника олмаганлар ҳам йўқ эмас.. Ана шу сабабдан ҳам Юртбошимиз бу борадаги ўзгариш ва ислоҳотларга муносабатни шакллантиришда аҳолининг онги ва тафаккурига алоҳида эътибор бериш лозимлигини кўп бор таъкидлаганлар. Таъкидлаш лозимки бу борада собиқ иттифоққа хос ўтмишдаги 70 йил давомида олиб борилган ташвиқотлар, уларнинг натижасида вужудга келган қараш ва кайфиятлар ҳам изсиз кетмаган эди. Аслида, ўз бизнесидан фойда кўриш, бойлик орттириш истаги ҳамма бизнесменларга хос, бундай истаги бўлмаган тадбиркор бизда ҳам, хорижда ҳам йўқ. Бу борадаги энг асосий вазифалар кишилар иқтисодий тафаккурида ўзгаришлар қилиш, меҳнатнинг янги шакллари иқтисодий жиҳатдан истиқболли эканлигига уларни ишонтириш, бу соҳаларда меҳнат қилувчи кишилар сонини ортишига эришиш билан узвий боғлиқдир.

7. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи кишилар жами меҳнаткашларнинг катта қисмини, қишлоқда яшовчилар эса аҳолининг кўпчилигини /65 фоиз/ ташкил этганлигидан бу соҳадаги ислоҳотлар муҳим аҳамият касб этади. Республикада бу борада ислоҳотларни амалга ошириш учун имкон яратиш борасида кўплаб ишлар амалга оширилди. Собиқ иттифоққа хос колхоз-совхоз тизими бутунлай тугатилди. Замон талабларига жавоб берадиган тизим шаклланди, деҳқончилик, фермерлик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очилди. Деҳқон ва фермер хўжаликлари ўтган йилларда дон, сабзавот, полиз маҳсулотлари, озуқа экинлари, гўшт ва сут етиштиришда асосий кучга айландилар. Аммо бу борада баъзи жойларда учрайдиган маъмуриятчилик, расмиятчилик, маъсулиятсизлик ва ишни яхши билмаслик ислоҳотнинг самарали ўтишига тўсиқ бўлмоқда. Ана шу боисдан ислоҳотларни амалга ошириш ишида собитқадамлик ва билимдонлик билан иштирок этиш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳамма бўғинларидаги ходимлар фаолияти самарасини малакасини оширишга алоҳида эътибор бериш лозим. Бунда кўпроқ иқтисод ва ишлаб чиқариш тизимини ҳамда меҳнатни ташкил қилишни янада такомиллаштиришга қаратилган, мулкнинг хилма-хил шакллари учун вужудга келтириш ва иқтисодий жараёнларда қатнашувчи субъектларнинг ўрни, аҳамияти ва мавқеини кучайтиришга хизмат қиладиган тадбирлар кўзда тутилганлиги кўриниб турибди. Маълумки, жамият аввало ижтимоий муносабатларнинг йиғиндиси бўлгани каби, иқтисодий жараёнлар ҳам ана шу соҳадаги муносабатларнинг барқарорлиги ва уйғунлиги билан белгиланади. Ўзбекистон тажрибаси бу борадаги қадриятлар омили эса айнан шу муносабатларда ўз аксини топиши ва кишилар фаолиятининг мезони сифатида намоён бўлишини кўрсатиб турибди.

8. Ҳар қандай иқтисодий ислоҳотларнинг самараси, мулк ёки ташкилий соҳаларнигина эмас, балки кишиларнинг унга муносабати, меҳнаткаш инсон қадр-

қиммати ва ўз меҳнاتини самараларидан баҳраманд бўлиши билан боғлиқ жиҳатларни қамраб олгандагина тўла-тўқис бўлиши мумкин. Негаки айнан меҳнат – инсон қадри ва камолотининг мезони, тарбиянинг умуминсоний омилларидан биридир. Ҳар бир киши учун меҳнат ҳаётнинг асосини ташкил қилади. Меҳнатнинг бу хусусиятлари ҳамма даврлар учун, хусусан Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг ҳозирги даври учун ҳам, келажакдаги истиқболлари учун ҳам умумийдир. Зеро, истиқлол талабига тайёр маънавий ва ахлоқий фазилат, хулқ-одобга эга инсонлар бирданига тўла-тўқис шаклланмасдан оила, болалар муассасаси ва ўқиш жараёнида тарбияланадилар, меҳнатда тобланадилар. Истиқлолга хизмат қилиш йўлидаги меҳнат ҳар бир шахсни шаклланишига ва уни қобилиятлари ривожланишига ҳал қилувчи таъсир қилади. Ана шу туфайли ҳаёт янгиликларига тайёр, мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш талабларига мос, қобилиятли ва истеъдодли авлод тарбияланади, камол топади.

Янги иқтисодий қадриятларга мос тафаккур ўз-ўзидан, “автоматик” тарзда амалга ошмайди. Ҳар бир шахс бирор бир жамиятда яшаб, ундаги ўзгаришлардан четда тура олмайди. У жамият аъзоси сифатида мазкур жамиятга хос ҳаё билан ҳамнафас бўлади, ундаги жараёнлар даврасида яшайди, замонавий муносабатлар таъсирида шаклланади, камол топади. Бу жараёнда эса бошқа омиллар билан бирга меҳнат соҳасидаги ўзгаришлар ҳам катта аҳамиятга моликдир. Айнан меҳнат натижасида замонамиз кишисини ҳаёти чинакам ижтимоий ҳамкорлик ва дўстликка мосланган муносабатлар билан чамбарчас боғланади. Бу жараёнда киши ўз фаолиятини жамият эҳтиёжи ва мақсадларига мувофиқ йўналтиради, яъни, истиқлол ва ижтимоий ислоҳотларнинг истиқболи талабларини ҳаётининг мезонлардан бири сифатида қабул қилади. Шу маънода иқтисодий ислоҳотларнинг энг асосий муваффақиятлари нафақат моддий кўрсаткичлар, балки маънавий кўрсаткичлар, яъни инсоннинг руҳи, маънавий қиёфаси ва ўз фаолиятига муносабатидаги ўзгаришларга ҳам кўп даражада боғлиқдир.

Иқтисодий ислоҳотларни шу соҳа билан боғлиқ самарали томони шундаки, улар фермер, деҳқон, тадбиркорлар ижодий фаоллигини ва омилкорлигини ошириш, улар ўртасида ўзаро ёрдамлашиши, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик туйғуларини уйғотишга, халқимизга хос азалий қадриятларни мустаҳкамлашга ёрдам ҳам беради. Ҳозирги даврда иқтисодий соҳада дунёга келаятган янгича тафаккур марказида инсон ва уни эҳтиёжларини қондириш ётади, бу ўзгаришлар кишиларнинг қобилияти ва истеъдодини намоён қилиш имконини бермоғи лозим, деган тамойилга асосланади. “Ҳар бир кишининг бахти пировард натижада ҳамманинг бахтидир”, - деган ҳикматли ибора бор. Бунинг замонавий маъноси – ижтимоий, жамоа, умумдавлат ва миллий манфаатларни шахсий манфаат билан қарама-қарши қилиб қўйиш, улардан бирини бўрттириш, бошқаларини тан олмаслик нотўғри, - деганидир. Инсон энг улуғ қадрият ва ҳамма нарса пировард натижада у учун ўзгартирилаятган экан, кишиларнинг ҳозирги авлоди учун шарт-шароит ва имкониятлар яратиш, мустақиллик ва истиқлол имкониятларидан баҳраманд қилиш энг асосий умуммиллий тамойил сифатида намоён бўлмоқда.

Иқтисодий соҳадаги ўзгаришлар туфайли меҳнатни ташкил қилиш, ҳақ тўлаш борасида ҳам янгиликлар вужудга келмоқда, тадбиркорлик, фермерлик шароитида ишлаш ва фаолият юритиш имкониятлари тобора кенгайиб бормоқда. Шу билан бирга бу соҳада ҳам кишиларни иқтисодий ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айлантириш, уларни амалга ошаётган ўзгаришларнинг истиқболларига янада кўпроқ ишонтириш, одамларнинг руҳиятида, қарашларида, иқтисодий тафаккурида туб бурилиш қилиш энг асосий вазифа бўлиб қолмоқда. Бундан ташқари айнан шу ҳолат ишлаб чиқариш тизимини ўзгартиришда шошма-шошарлик ва ҳайбаракаллачиликка йўл қўйиш мумкин эмаслигини яна бир қарра тасдиқламоқда. Тадқиқотларнинг натижаларига кўра тадбиркорлар, фермерлар ва бошқа янгича ишлаётган кишиларнинг илғор ва омилкор фаолиятига сабаб фақат

ва фақат юқори фойда олишдангина иборат эмас. Гарчанд моддий манфаатдорлик бу шароитда ишнинг асосий шартларидан бири бўлса-да, аммо бу билан бир қаторда ҳар хил кўрсатма ва буйруқларсиз, мустақил меҳнат қилиш имкони яратилиши кишиларни ўзига ром қилмоқда. Тадқиқот кишиларни ўз қобилиятларини эркин намойиш қилиш, хўжалик юритиш усулини ихтиёрий ташкил қилиш имкониятига эришиш ва бошқалар бу борадаги фаолиятнинг асосий сабабларига айланганини кўрсатади. Турли хил кўрсатма ва буйруқларсиз меҳнат қилиш имконияти бўлиши маънавий қиёфаси такомиллашувида муҳим аҳамият касб этади. Бундай шароитда тадбиркор, фермер ва бошқалар майда ҳисоб-китоблардан турли хил тергашлардан, кўрсатма ва буйруқлардан халос бўлади. Зеро, қаерга, нимани. Қачон ва қандай қилиб экиш, ташкил қилиш йиғиб-териб олиш, нарх-навони белгилаш, айирбошлаш ва сотишни ўз зиммасига олган киши бу борадаги сарф-харажатларни, етиштирадиган маҳсулотлар ҳажми ва сифатини белгилашга жуда эҳтиёт бўлади, ишлаб чиқариш қуроллари, воситалари, техника ва турли механизмларни кўз қорачиғидай асрайди.

Яна бири шуки, янги шароитларда ишлаётган кишиларга жамоат ташкилотлари, қишлоқ фуқаролари йиғинлари ёки жойлардаги масъул идораларнинг ёрдамини кучайтириш зарур. Бу соҳадаги камчиликлар айрим ташкилотлар фақат ҳисобга олиш билан чегараланиб қолаётгани, амалий ёрдам кам бўлаётгани, бу борада янада самаралироқ ишлаш имкони борлиги билан боғлиқ. Бизнинг назаримизда айнан ҳозирги кунларда кишилар орасида жуда катта илмий асосланган тарбиявий ташкилотчилик ишларини олиб бориш. Уларни давримиз масъулиятини тушунадиган, ўзининг ҳуқуқ ва бурчларини англаб оладиган даражада тайёрлаш лозим. Бу борада олис истиқболга хизмат қиладиган тарғибот ишларини олиб бориш. Илғор тажрибалар билан таништириш, ҳар бир туман ва хўжалиқда ишлаб чиқариш ва меҳнатни у ёки бу соҳаси асосий хусусиятларига мос усулларни жорий қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бу соҳада матбуот телевидение ва радио орқали олиб борилаётган тарғиботлар билан биргаликда жойларда амалий машғулотлар ўтказиш, ўқув курслари ташкил қилиш, тажриба ошириш жараёнини илмий амалга ошириш қутилган натижага олиб келади.

Хуллас, ҳамма замонларда меҳнат ва амалий фаолият инсон қадрининг асосий мезонларидан бири бўлганидек, бугунги кунда ҳам улар ҳар бир шахс маънавий қиёфаси, камолоти мезонидир. Меҳнат ва меҳнаткаш инсон амалий фаолияти қадрини ошишигина ҳар бир кишини ўз тақдирининг яратувчиси, истиқлол тарихининг бош қаҳрамони бўлиши учун имконият яратиши мумкин. Миллий истиқлол тарихи эса ўтмиш авлодлар яратган моддий ва маънавий бойликлар, кишиларни ўзгариб борадиган турмуш тарзи, авлодларни бир-бирига мерос қолдирадиган урф-одатлари, анъаналарини янги даражага кўтариш, уларни мақсадлари ва орзу-умидларини амалга ошириш учун олиб борган ҳаракатлари тарихидир.

Президентимиз томонидан яратилган “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” бу соҳада ҳам янги босқични бошлаб берди. Унда кўзда тутилган устувор йўналишлар, демократик бозор ислоҳотлари ва иқтисодий либераллаштиришни янада чуқурлаштириш борасидаги долзарб вазифаларнинг бажарилиши қадриятлар тизимини мустаҳкамлашнинг бу соҳадаги асосларини мустаҳкамлайди.

Хулоса шуки, собиқ иттифоқ даврдан бутунлай фарқ қиладиган ва мустақил тараққиёт йўлига асосланган янги қадриятлар тизимининг вужудга келиши ва такомил кўп қиррали, мураккаб, замонда муайян муддатни талаб қиладиган жараён дидир. Бу жараён ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда бир қатор вазифаларни бажариш, хилма-хил муаммоларни ҳал қилишдан иборат

бўлган тараққиёт даврига тўғри келди. Мазкур даврда ижтимоий-сиёсий ҳамда иқтисодий ўзгаришларнинг қай тариқа бораётганлиги, қандай йўл ва усулларда амалга оширилаётганлиги, қандай мақсадлар ва эҳтиёжларни қондираётганлиги пировард натижада вужудга келган янги қадриятлар тизимининг тамал тошларини қўйди.

Иқтисод, мулк, ишлаб чиқариш ва меҳнат соҳасидаги ислохотлар кишиларнинг бу соҳалар билан боғлиқ муносабатлари ва иқтисодий тафаккуридаги ўзгаришлар янги қадриятлар тизими ва умуминсонийликнинг маънавий мезонлари таянадиган моддий асос, инсон камолотининг негизидир. Янги қадриятлар тизимининг манзараси, унинг муайян қадриятлардан иборат таркибий қисмларининг мавқеи, аҳамияти ва истиқболлари ана шу мезонлар ва моддий асослар мустаҳкамланиш жараёнининг қандай боришига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

23-мавзу. Маънавий соҳадаги ислохотлар - қадриятлар тизимини мустаҳкамлаш омили

Ҳозирги даврда қадриятлар тизимининг ўзгариш жараёни, кўп жиҳатдан, юксак маънавиятни шакллантириш, кишиларнинг ўз ҳаёти, турмуши ва фаолиятига муносабатини тубдан ўзгартиришни, уларда янгича тафаккур ва дунёқарашни вужудга келтиришни талаб этмоқда. Гап истиқлол ва ислохотлар даврида инсонни ҳар томонлама камол топтириш, қадриятлар омили мавқеини ошириш, шахс маънавий-ахлоқий қиёфасини, унга таъсир қиладиган тарбиявий мезонларни сифат жиҳатидан яхшилаш ҳақида бормоқда. Сирасини айтганда, **янги қадриятлар тизимининг маънавий асослари** ҳам мустаҳкам бўлиши лозим. Жамиятни янги сифатий ҳолатга ўтказиш вазифаларини амалга ошириш сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий соҳаларда туб бурилишларни тақозо қилади. Бу вазифаларни ҳал этиш ҳар жиҳатдан инсон фаолияти, унинг ижодий активлиги ва ташаббускорлиги, ўз бурчи, виждони, топширилган ишга онгли муносабати, садоқати, маънавий етуклигига ҳам боғлиқ.

Ҳозирги даврда амалга ошаётган туб ўзгаришлар ва ислохотлар халқ ҳамда мамлакат манфаатларини кўзловчи объектив жараён эканлигини ҳаёт диалектикаси исботламоқда. Галдаги вазифа вужудга келган шароитдан маданий ва маънавий соҳаларда ҳам оқилона ва онгли равишда фойдаланишдан иборат. Бу эса туб мақсадларига эришиш умуминсоний қадриятлар ва идеалларни қарор топтиришни, жамиятни ва унда яшовчилар онгини поклашни, инсонни энг яхши ва бунёдкорлик ишларига эрк беришни, шахс маънавий камолотини таъминлашни шарт қилиб қўяди. Ушбу йўналишдаги энг асосий вазифа миллатни миллат қиладиган нарсаларни халққа тушунтириш, мустақиллик фақат нон билан чой эмаслигини, у аввало маънавий, яъни одамни одам қиладиган, миллатни миллат қиладиган тушунча эканини одамлар онгига сингдириш асосида маънавиятда туб бурилишга эришишдан бошланган эди.

Жамиятда вужудга келаётган хилма-хиллик ва янгиликлар кишилар қиёфасида маънавий ўзгаришларни ҳамда уларни сиёсий-мафкуравий тайёргарликка эга бўлишини талаб қилади. Зеро, ҳар қандай жамият ўзига монанд ижтимоий, сиёсий, мафкуравий мезонларнинг ранг-баранглиги асосида камол топади. Ҳозирги даврда собиқ иттифоқдаги мафкуравий яккаҳоқимлик тарих саҳифаси билан ёпилди ва ижтимоий-сиёсий ҳаётда янгича вазият вужудга келди. Чунончи давлатни бошқариш, ислохотни амалга ошириш, қадриятлар омили таъсирини янги даражага кўтариш, кишиларнинг турмуш тарзида, муносабатларида, фаолиятида. Тафаккури ва маънавий қиёфасида рўй бераётган ўзгаришлар истиқлол тамойилларига мос такомиллашиб бормоқда.

Ана шундай шароитда жамият аъзоларини маънавий тарбиялаш, уларнинг ҳамжиҳатлигини таъминлашда маънавият, миллий ғоя ва мафкуранинг аҳамияти

ортди. Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафкуриси фикрлар ва ғоялар, қарашлар, позициялар, эҳтиёжлар, талаблар, қизиқиш ва интилишларнинг турли туманлиги ва ранг-баранглигига асосланади. У жамиятда истиқомат қиладиган фуқароларнинг манфаатларига, ҳуқуқларига монанд келади, уларнинг турмуш тарзини, ҳатти-ҳаракатини белгилайди юртимизни умумбашарий қадриятлар ва чинакам демократия асосида ривож топишини акс эттирадиган қарашлар мажмуи бўлиб ҳисобланади.

Миллий истиқлол мафкуриси илмий асосланган, аҳолининг турли қатламлари, барча миллатларни улуғ мақсадлар йўлида бирлаштирадиган, мамлакатимиздаги ғоялар ранг-баранглигини ифодалайдиган, давлатимизни истиқболга элтадиган маънавий омилдир. У янги қадриятлар тизимини мустаҳкамлаш учун қўлланма, истиқлол эса келажакка томон илгариланма ҳаракат, истиқболга томон борадиган ижтимоий жараён дир. Бу ғоя халқнинг маданий-маънавий камолоти ҳамма ижтимоий гуруҳ, авлод, тоифаларни, табақа ва партияларни манфаатини кўзда тутди. Унинг мақсади ҳар бир шахсга ғоявий таъсир кўрсатиш, инсон қадр-қиммати, миллий ва умуминсоний қадриятларни мустаҳкамлашга қаратилган.

Жамиятимизни юксак интеллектуал ва ахлоқий қадриятлар асосида янгилашда маданият ютуқларидан фойдаланиш ва уларни янги далиллар билан бойитиш ҳозирги кундаги муҳим вазифадир. Бу ўз навбатида кишиларни ижтимоий тараққиёт қонунларидан воқиф этади, шу асосда бирдамлик, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлайди, ижодий фаолликни оширади. Умуминсоний маданиятга ва маънавиятга хос билимлар халқаро воқеаларни тушунишга асос бўлибгина қолмасдан, кишиларда ҳозирги талабларни тўғри тушуниш ва бу борада онгли, фаол ҳаракат қилиш туйғусини ҳам уйғотишга хизмат қиладди. Ҳозирги шароитда маданий, маънавий, мафкуравий ва сиёсий вазифалар доираси анча кенгаймоқда. Назарий фаолият, тарғибот ва ташвиқотни ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида аҳамият бериш заруриятга айланмоқда. Маънавий турмушни юксалтиришга ижодий ёндошиш ва пок маънавий муҳитни вужудга келтириш борасидаги вазифаларни бажариш салмоғи янада ортиб бормоқда.

Бугунги кунда **маънавий тарбия ва мафкуравий таъсир** учун энг муҳими кечаётган жараёнларнинг ғоят мураккаблигини, ҳал этилиши лозим вазифаларнинг долзарблигини ҳар бир киши англаб олишига эришишдир. Чунки бундай туб ўзгартиришларни кишиларнинг ижтимоий онгини, руҳиятини, тафаккурини, эҳтиёж ва талабларини тубдан ўзгартирмай туриб амалга ошириб бўлмайди. Уларнинг маданий ва ғоявий камолоти ислохотларнинг ҳозирги давридаги ўзгаришларнинг маънавий ўзагини ташкил этиб, дунёқарашни ўзгартиришда, баъзида учрайдиган лоқайдлик ва боқимандаликни бартараф этишда ҳал қилувчи восита ролини ўтайди.

Ҳозирги кунда истиқлол даврида барпо этилган, барча шарт-шароитларга эга бўлган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган, замонавий касб-ҳунар ва илм-маърифат сирларини ўрганаётган, икки-уч тилда бемалол гаплаша оладиган минг-минглаб ўқувчилар ва талабалар, катта ҳаётга кириб келаётган, ўз истеъдоди ва салоҳиятини ёрқин намоён этаётган ёш кадрлар мисолида маънавиятнинг юксалишини кузатиш мумкин ва табиийки, бундай шароитда маънавий қадриятларни шакллантириш омиллари ҳам даврга мувофиқлашиб боради. Бу жараён кенг маънода ўқув муассасалари, таълим-тарбия масканлари, клублар, ахборот-ресурс марказлари, маданият ва истироҳат боғлар фаолиятини қамраб олади.

Бунда музей, кинотеатр, театр ва бошқа маданий-маърифий муассасалар, шунингдек, ОАВ (газета, журналлар, Интернет, радио, ТВ) муҳим ўрин тутди. Инсон дунёқарашини шакллантириш, маънавий-ахлоқий тарбия, ғоялар тарғиботи, иқтисодий билимларнинг илмий-техникавий тарғибот-ташвиқоти, эстетик ва

жисмоний тарбия, бадиий ҳаваскорлик, маданий дам олишни ташкил этиш, ёш истеъдодларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мазкур жараённинг турли йўналишларидир.

Эзгулик ва меҳр-оқибат, улуғворлик ва гўзаллик, виждонийлик ва меҳр-шафқат, бошқаларга ҳурмат ҳамда табиат билан уйғунликни сақлаш каби маънавий хислатлар ҳар бир кишига аста-секин, тадрижий равишда сингдириб борилади. Бу жараёнда ўқув ва клуб муассасаларида анъанавий шакллар (суҳбат, мулоқот, маъруза, спектакль, концертлар, шеърхонлик) билан бирга мавзули кечалар, китобхонлар конференциялари ва бошқа тадбирлар уюштирилади. Ушбу йўналиш бўйича мутахассислар университетлар, педагогика ва маданият институтлари, маданият ва санъат коллежларида тайёрланади.

Истиқлол даврида миллий ғояни шакллантириш, анъаналарни қадрлаш, урф-одатлар, миллий қадриятларни тиклаш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Маънавият ва маърифат соҳаларида фаолият юритаётган ўқитувчилар ва шифокорлар, олимлар ва зиёлилар, маданий оқартув муассасалари ва бошқа соҳалардаги мутахассисларнинг ижодий фаолияти учун кенг имкониятлар яратилди. Шу билан бирга, Президент Ислон Каримов таъкидланганидек, “Маънавий-маърифий соҳада истиқболни фақат бу соҳа одамлари яратмайди, балки бу ишни тизим бажаради. Тизим яратилса, иқтидорли ижрочилар энг муҳим жойларга қўйилса – иш юришиб кетаверади. ...Бу тизим марказида маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат каби ўлмас қадриятлар турмоғи керак”.

Истиқлол йилларида замон, ҳаёт талабига биноан маънавий-маърифий ишларни янги, давр талаби ва манфаатларига мос такомиллашган тизими шакллантирилди. Бунда таълим тизими, музейлар, маданият уйлари ва саройлари, ахборот ресурс марказлари, маданият ва истироҳат боғлари оммавий муассасалар сифатида миллионлаб аҳолига маънавий-маърифий хизмат кўрсатмоқдалар. Республика «Маънавият ва маърифат маркази» (1994) ташкил этилди ва унинг вилоятлар, туманлар ва шаҳарлардаги бўлимлари ишга туширилди. Марказга Республика Маънавият ва маърифат кенгаши раҳбарлик қила бошлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорига биноан Республика Маънавият ва маърифат кенгаши фаолияти ҳамда таркибий тузилиши қайта кўриб чиқилди. Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг илмий-амалий йўналишда фаолият олиб борадиган “Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази” ҳамда тарғибот йўналишидаги Маънавият тарғибот маркази шакллантирилди. Барча вилоятларда ҳокимларнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари фаолияти йўлга қўйилди.

Республикамиздаги маҳалла оқсоқоллари ва фуқаролар йиғинлари раисларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича маслаҳатчилари тизими шакллантирилди. Барча вилоятлар, йирик шаҳар ва туманларида фаолият юритаётган маънавий-маърифий муассасалар иштирокида катта халқ сайиллари, ҳосил байрамлари, «Мустақиллик», «Наврўз», «Меҳржон» байрамлари, «Шарқ тароналари» халқаро фестивали, хонандалар, раққосалар, энг яхши касб усталарининг кўрик танловлари, «Ўзбекистон Ватаним маним», «Энг улуғ, энг азиз», «Келажак овози» ва бошқа кўрик-танловлари ўтказилмоқда.

Юртимизда маънавий-маърифий шароитни янада яхшилаш, минг йиллар мобайнида унинг бағрида сайқалланиб келаётган ибратли анъана ва қадриятларни тарғиб-ташвиқ этиш борасида кўплаб тадбирлар ташкил этилмоқда. Шу мавзуда илмий-оммабоп, публицистик асарлар, ҳужжатли фильмлар ва телекўрсатувлар яратилиб, турли кўргазмалар ташкил қилинмоқда. Бу соҳадаги фаолиятнинг йўналиши ҳар бир киши онги ва қалбига миллий ғояни сингдириш, баркамол авлодни вояга етказиш, эзгулик, бағрикенглик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат, имон-эътиқодни тарбиялашга, маънавий қадриятларнинг миллий-этник асослари ва

замонавийликни уйғунлаштиришга қаратилган.

Маънавий камолот ва унинг ғоявий асослари хусусида гап юритганимизда юксак ватанпарварлик туйғуси ҳар бир маданиятли киши учун зарурий фазилат эканлигини, бу туйғуни шакллантириш зарурияти доимийлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Ҳар бир киши қалбида Она-Ватанга, ўзи туғилиб ўсган заминга меҳр-муҳаббат бўлиши, мамлакатимиз тарихи, ўтмиш ютуқларидан фахрланиш туйғуси қарор топиши ва бу туйғулар қардош халқлар, биродар миллатлар ва бошқа мамлакатларнинг меҳнаткашлари, ер юзида тараққиёт, тинчлик-омонлик учун ҳаракат қилаётган барча кишилар билан бирдамлик туйғуси билан уйғунлашиб кетишига эришиш бу борадаги энг асосий тамойилдир.

Ватанни севиш туйғуси турли йўналишларда шаклланади, бу борадаги бир фикрни келтирмоқчимиз. Зеро бу фикр Ватан билан боғлиқ туйғуни шакллантириш тенденциясини намоён қилади. Абдулла Авлоний ватанпарварлик туйғусига қуйидагича ёндошган: “Ҳар бир кишининг туғилиб ўсган шаҳар ва мамлакатини шул кишининг ватани дейилур. Ҳар ким туғилган, ўсган ерини жонидан ортиқ суяр, биз туркистонликлар ўз ватанимизни жондан ортиқ суйдуғимиз каби, араблар арабистонларини, қумлиқ иссиқ чўлларини, эскимуслар шимол тарафларини, энг совуқ қор ва музлик ерларини бошқа ерлардан зиёда суярлар. Агар суймасалар эди, ҳавоси яхши, тириклик осон ерларга ўз ватанларини ташлаб ҳижрат қилурлар эди”¹. Бу фикрда ортиқча сўз йўқ, унда араблар, туркистонликлар ва эскимосларнинг таққосланиши ҳам бежиз эмас. Чунки бунда дунёдаги кўп сонли халқлардан бири – арабларда ҳам, улардан камроқ сонли бўлган туркистонликларда ҳам, кам сонли халқ эскимосларда ҳам Ватанга боғлиқлик туйғуси тенг, муқаддас, баробар ва бир хил мавжудлиги таъкидланади. Шу билан бирга бу туйғу Ватан табиатининг қандайлиги билан эмас, балки кишиларнинг унга муносабати билан ўлчанишига алоҳида эътибор берилади ва унинг тириклик осон ерларга ҳижрат қилиш туйғусидан фарқи борлиги уқтирилади.

Ватанпарварлик фақат ҳиссиётга асосланадиган оддий туйғу эмас, унда маънавий, ахлоқий ва интеллектуал жиҳатдан камолот ҳам акс этади. Уни тарбиялаш учун ан шу жиҳатларга эътибор бермоқ лозим. Бу туйғуни нотўғри тарбиялаш қуйидаги номақбул ҳоллар юзага келишига сабаб бўлиши мумкин: у фақат миллий ёки минтақавий доирада қолиши, умуминсонийлик даражасига кўтарилмаслиги; ўз ватани камоли талаблари даражасида хизмат қиладиган шахсни тарбиялайдиган туйғуга айланмаслиги; қандай кўринишда бўлиши ёки қандай ном билан аталишидан қатъий назар, маҳаллийчилик худбинлигини келтириб чиқариши, кишиларда космополитик позицияни яъни, “Қаерда яхши яшасам, ўша ер менинг ватаним!” шиорига асосланган ғайриинсоний тарзини вужудга келтириши ҳам мумкин.

Бундан ташқари ҳақиқий ватанпарварлик Ватан камоли йўлида қилинаётган беминнат меҳнат, унга ҳокисор муносабатда намоён бўлади. “Қаерда яхши яшасам, ўша ер менинг ватаним!” шиорига амал қиладиган кишини ҳақиқий ватанпарвар дейиш қийин. Гарчанд бундай кишилар ўзларини ҳақ эканликларини исботлаш учун турли мисоллар келтирсалар ҳам Ватан тақдири доимо унда яшаётганлар қўлида бўлади. Гап шу Ватанда яшаётганларда ватанпарварлик туйғусини тўғри тарбиялашдадир. Тўғри тарбияланган Ватан туйғуси миллатчиликдан, космополитизмдан, ватанфурушлиқдан фарқ қилибгина қолмасдан, балки уларга қарама-қарши ҳамдир, у доимо умуминсоний талабларга жавоб беради. Ўз Ватанини севишга асосланган туйғуни тўғри тарбиялаш ўзга халқ, бошқа миллат вакилида ҳам ана шундай туйғу борлигини англаш, уни қадрлаш ва ҳурмат қилишни ҳам англатади.

Ҳозирги даврда ғоя маънавий камолот, ватанпарварлик туйғуси ва

¹ Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. –Т. Ўзбекистон, 1992. 28-бет.

умуминсоний қадриятларга содиқликни тарбиялаш бораисдаги вазифаларни бажариш жуда муҳим. Айниқса маданий ва ахборот хизмати кўрсатишни ривожлантириш вазифасини бу борада устувор аҳамият касб этади. Маълумки юртимизда 3-дан ортиқ миллатлар вакиллари яшайди. Уларнинг урф-одатлари, анъаналари, миллий хусусиятлари хилма-хил. Бу соҳадаги вазифаларни ҳал қилишда ана шу хилма хиллик асосланган чора ва тадбирларни амалга ошириш кутилган натижаларни бермоқда. Бу борада миллий ранг-барангликни тўғри акс эттирадиган тафаккур ва маданий онгни такомиллаштириш тарбиянинг асосий воситаларидан биридир. Ана шу сабабдан ҳам аҳолини оммавий ахборот воситалари орқали оладиган хабарларини сифатини ошириш, телевизион кўрсатувлар сифати ва мазмунини яхшилаш, телевидение ва радиоэшиттириш дастурларида маданий ахборотлар сонини кўпайтириш, аҳолини кўрсатув ва эшиттиришларга бўлган қизиқишларини ҳисобга олиш, маданий меросимиз, улуғ ўтмишдошларимиз ва замондош адибларимиз асарларини кўплаб нашр қилиш асосида шахсий эҳтиёжлар, миллий истиқлол талаблари, умуминсоний ғояларга асосланган мезонларнинг уйғунлигига эришишга ҳаракат қилиш лозим. Бундан ташқари, маданий-маърифий ва мафкуравий соҳада аҳолига хизмат кўрсатиш, меҳнаткашларнинг маданий дам олиш эҳтиёжларини қондириш, алоҳида қатламларга ўзига хос тарзда ёндошишнинг реал имкониятларидан тўлиқ фойдаланишни талаб қилади.

Аҳолини маънавий тарбиялаш ҳозирги кундаги энг муҳим вазифалардан биридир. Бу айниқса ишбилармонлар, сармоядорлар, тадбиркорлар, фермерлар ва бошқа шу каби мулкдорлар қатламига тегишли. Бу қатлам орасида маданий-маърифий ва мафкуравий соҳалардаги ишлар республикаимизда маданийлашган бозор шакллантириш имконини беради. Маданият ва мафкуравий тарбиянинг жамиятга, халққа келтирадиган самараси иқтисод ва ишлаб чиқариш соҳалари фойдасидан қолишмайди. Фақат бу соҳадаги маънавий даромадларни пулга чақиб, молиявий статистик кўрсаткичлар билан ўлчаб бўлмайди балки унинг қадрини кўрсаткичлар билан баҳолаш мумкин халос.

Маълумки фақат миллий истиқлол давридагина халқимиз тарихининг сир сақланиб келинган саҳифалари, маданий мероснинг таъқиқланган қирралари, фалсафа, дин ва ҳур фикрлиликнинг юртимиз маданий ривожланишига, кишиларимиз маънавиятига таъсири каби масалалар тўғрисида фикр юритиш имкони пайдо бўлди. Бу борада маданий мерос, тарих, урф-одатлар ва анъаналар ҳамда диний қадриятларни шахс дунёқарашига таъсири, кишиларни ижтимоий-сиёсий соҳадаги фаолиятида қай тарзда намоён бўлиши, маданий эҳтиёжларни қондириш, одамларда ватанпарварлик, юксак гражданлик позициясини вужудга келтиришга алоҳида аҳамият берилди. Истилочилар истибдодига қарши кураш тарихини ва маданий меросимизни чуқур ўрганиш, халқларимиз тарихида қадриятлар таъсири, айниқса ислом дини қадриятларини халқимиз маданий ривожланишдаги ўрни, илоҳиёт илми ва амалиёти алломалари ал-Бухорий, ат-Термизий, Ибн Кубро, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбандийлар бой меросини тадқиқ қилишни борасида сезиларли ишлар қилинди. Бизнинг кунларимизда ана шу муаммоларни ҳал этилганлиги, азалий тарихимизни очилмаган саҳифаларидан баҳраманд бўлаётганлигимиз истиқлол туфайлидир.

Маданий ва тарихий мерос - халқ сақлаб келаётган авлодлар руҳидир. Ҳар қандай даврнинг маънавий дунёси қандай бўлса, жамият ривожини ҳам шундай бўлади. Халқимизга нисбатан, собиқ иттифоқдаги каби, у ўтмишда саводсиз эди, дейиш тарихий маҳдудликдир. Аммо 1906 йилда "Вестник воспитания" журналида ёзилган: "Туркистон ўлкасида саводхонликка эришиш учун минг йиллар керак бўлади"¹ - деган алмисоқдан қолган гаплар ҳақиқатга тўғри келмайди. Улар

¹ "Вестник воспитания" СПб. 1906, №1, 42 бет.

"Авесто" ва "Ўрхун-Енисей" ёзма ёдгорликларини, Хоразмий ва Фаробийнинг ўлмас асарларини "Игор жангномаси" дан олдинроқ битилганини, жаҳонга мутафаккир ва алломаларнинг бутун бир плеядасини етказиб берган халқни маънавий жиҳатдан камситилаётганликларини ўйлаб ҳам кўрмаганлар. Бу борадаги андозаларни ўзгартириш вақти келмадимикан? - деган саволни ўзларига бермаганлар ҳам. Баъзилар томонидан юқоридаги журнал саҳифаларидаги маълумотни 100 йилдан бери унутилмай келинаётганлиги таассуфли ҳолдир.

Тарих ниҳоятда ўжар, уни алдаш қийин, у эса ўтмишда ҳам халқимиз маърифатининг бошқалардан кам бўлмаганидан далолат беради. Масалан, IX-XX асрлардаёқ Ўрта Осиёда болалар ўқитиладиган бошланғич мактаблар бўлган. Масжидлар қошида ёки шахсий уйларида ташкил қилинган ва мадрасани битирган кишилар мукаллимлик қиладиган бу мактабларда ўқувчиларга диний билимлар билан бирга фаннинг турли соҳалари ўргатилган. Қиз болалар тошкент ва Фарғонада Отин биби, Бухоро ва Қашқадарёда бибиҳалфа, Хоразмда Элтибиби деб улуғланадиган муаллимлар қўлида таҳсил кўрганлар. Ўқувчилар ёзув қоидаларига, динга, адабиётга арифметика ва жуғрофияга оид билимларни қунт билан ўрганиб борганлар. Маънавий тарбиянинг ўзига хос кўринишлари бўлган, унда болалар ва катталар тарбияси уйғунлашиб кетган. Тарихий меросга муҳаббат ўз халқи ўтмишини англаш ва уни ўрганишга ҳавас қилишдан бошланади.

Ватан сўзининг маъноси туғилган уйдан, илк бора хатлаб ўтилган остонадан бошланади. Умуминсонни қадриятлар эса қуруқ шиорлар эмас, балки ҳар бир киши алоқадор бўлган ҳаётнинг муайян ҳақиқатларидир. Ушбу қадриятларнинг хиралашиб қолмаслиги учун ҳар биримиз фаол ва бу ишга даҳлдор бўлмоғимиз лозим. Республикамиз ҳудудида тўрт мингдан ортиқ маъмурий ёдголиклар мавжуд. Уларни кўплари ЮНЕСКО муҳофазасига олинган. Кейинги йилларда республикада тарихий-маданий меросни авайлаб асраш бўйича кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Самарқанд, Бухоро, Хева, Шахрисабз, Қўқон бутун дунёга машҳур тарихий шаҳарлардаги кўплаб меъморчилик обидалари қайта тикланмоқда.

Қадриятлар тизими ўзгараётган, бир тизим иккинчисига ўз ўрнини бўшатиб бераётган даврда турмушда қадриятларга муносабат ўзгариб боради. Бу ҳол айниқса авлодлар ўртасидаги муносабатда, уларнинг янги шароитларга нисбатан қарашларида яққол кўзга ташланади. Янги қадриятлар тизимининг вужудга келиши авлодлар ўртасидаги маънавий яқинликни таъминловчи алоқа, уларнинг қадриятлар мезони тўғрисидаги ўзаро билим ва тажриба алмашиш жараёнидаги инкор ворислик ва навқиронликнинг диалектикасида ҳам яққол намоён бўлади.

Ўтмишда яшаган авлодлар янги қадрият тизимлари тўғрисидаги орзу умидларини мерос қолдирадилар, иккинчи авлод эса янги қадриятлар тизимига ўтишни таъминлайди, унинг тамал тошларини қўяди, учинчиси уни мустаҳкамлайди ва келажакка етказди. Мустақил Ўзбекистоннинг истиқлоли натижасида вужудга келаётган янги қадриятлар тизимидаги умуминсоний ва миллий бўғинларнинг ўзаро алоқасида урф-одатлар, анъаналар, маросимларни аҳамияти ниҳоятда салмоқли бўлмоқда. Негаки, айнан урф-одатлар, анъаналар, маросимлар бир қадрият тизимидан бошқасига мерос қоладиган, хатто янги қадриятлар тизими таянадиган маънавий тиргаклардан бири родини ўтайди. Янги қадриятлар тизимидаги маънавий бўғинлар қаторида урф-одатлар, анъана ва маросимлар қандай ўринни эгаллашидан қатъий назар, уларнинг ўзига хос мавқеи ва аҳамияти ҳар қандай тизимда ҳам сақланиб қолади. Фақат бу тизимнинг умумий тузилишига мос равишда урф-одатлар, анъана ва маросимлар янгича мазмун, аҳамиятга эга бўлишлари, ранг-баранг хусусият кашф этишлари мумкин. Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам янги қадриятлар тизимида ушбу бўғин мавжудлиги сақланиб қолади.

Юқорида айтилганидек, **қадриятлар тизими ва** унинг истиқболлари белгиланаётган даврда **ёш авлодга эътибор** кучайди, уни муаммоларини ҳал қилиш

долзарб вазифалардан бирига айланди. Чунки ҳар бир ўзлигини англаган халқ учун нафақат ўтмиш, балки келажак ҳам қадрлидир, истиқбол эса ёш авлод камолотига кўп жиҳатдан боғлиқ. Аҳолисини 60 фоиздан кўпроғи ёшлардан иборат бўлган юртимиз учун бу ниҳоятда муҳим. Бундай шароитда республикадаги демографик хусусиятни ҳисобга олинган, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга, ёш авлоднинг сиҳат-саломатлиги, жисмоний ва маънавий камолоти назарда тутилган, олис истиқболга хизмат қиладиган “Таълим тўғрисида” қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. 1993 йилнинг 4 мартда “Соғлом авлод учун!” ордени, “Соғлом авлод учун” халқаро жамғармаси ташкил этилиши, йилларга ном беришда бунда алоҳида эътибор этилиши, хусусан 2010 йилга “Баркамол авлод йили” дея ном берилиши келажак авлод камолотига қаратилган ишларнинг мисолидир. Ёш авлодга замонавий таълим бериш, болаларни мактабгача тарбия муассасалари билан таъминлаш, ёлғиз, касалманд ва кам қонли оналарга ҳар томонлама ёрдам бериш, таълим-тарбияни актив шакллари ва техникавий воситаларидан фойдаланишни кучайтириш, ўқитувчиларни касб маҳорати, малакасини ошириш ва бошқаларга эътибор ошаётгани шулар жумласидандир. Бу борадаги фаолиятни самарали ташкил этилиши жамиятимиз келажаги ёш авлод тарбияси, унинг сиҳат-саломатлиги, маънавий - ахлоқий камолотига боғлиқ эканлигидан далолат беради.

ХУЛОСА

Ўзбекистоннинг мустақилликни қўлга киритиши ва истиқлол йўлидан собитқадамлик билан бораётганлиги юртимизда ўзига хос янги қадриятлар тизими шаклланиши учун имкон яратди. Мустақиллик ушбу қадриятлар тизимининг ижтимоий-сиёсий кафолати ва уни мустаҳкамлашнинг асосий шартидир. Ўзбекистон Конституциясида, Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, нутқ ва мақолаларида мамлакатимизда шаклланаётган янги қадрият тизимининг аниқ манзарасини кўриш ва бу борадаги истиқболни тасаввур қилиш мумкин. “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” бу соҳада ҳам янги босқични бошлаб берди.

Шу маънода Ўзбекистоннинг истиқлолига асосланадиган янги қадриятлар тизими бутун жаҳонга хос умумижтимоий қадриятлар тизимининг мустақил бўғинига, унинг ўзига хос таркибий қисмига айланди. Ҳозирги даврга келиб республикамизга хос умумаксиологик тизим ва унинг таркибий қисмлари замонавий мазмун касб этмоқда, унда умуминсоний жиҳатларнинг устиворлиги, шарқона, минтақамиз ва халқимизнинг азалий қадриятлари - умумжаҳон миқёсида етакчи бўлган умумаксиологик талаб ва тамойиллар билан уйғунлашиб кетмоқда.

Маълумки собиқ иттифоққа хос умумий қадриятлар тизими ўтмишга айланганлиги, республикамизнинг мустақил ривожланиши жараёни қадриятлар билан боғлиқ муаммоларга янгича қараш имконини берди, яъни, қадриятларнинг замондаги ўзгаришларида инкор ва ворислик диалектикаси қай тариқа амалга ошиши мумкинлигини таҳлил қилиш учун объектив асослар пайдо бўлди. Бундай шароитда бир қадрият тизимининг бошқасига айланиш жараёни қонуниятларини ва замонавий хусусиятларини ўрганиш эҳтиёжи амалий ва назарий заруриятга айланди.

Юртимизга хос умумаксиологик тизим собиқ иттифоқдагидан мутлақо фарқ қилади. Унда жаҳон цивилизациясининг эришган ютуқлари ва умуминсониятнинг асосий қадриятлари устивор бўлмоқда. Яъни, умуминсоний қадриятларнинг устиворлиги таъминланишига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу тизимнинг асосий-марказий қадриятлари Юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва Халқ фаровонлиги

ғояларини ижтимоий барқарорлик, жамиятдаги субъектлар (миллатлар, синфлар, қатламлар, партиялар ва хоқозо) ўртасидаги ҳамжиҳатлик, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, умумжаҳон цивилизацияси ютуқлари ва шарқона анъаналарнинг уйғунлигига эришиш, ватанпарварлик ва инсонпарварлик, ҳуқуқий давлат ва кучли ижтимоий ҳимоя механизмига эга бўлган бозор муносабатларига хос жиҳатларни ифодалайди. Мазкур қадриятлар тизимини янада такомиллаштириш республикамиздаги туб ўзгаришларнинг асосий йўналишларидан биридир.

Ана шуларнинг барчаси Ўзбекистонда умумжаҳон қадриятлар тизимининг таркибий қисми сифатида, инсоният цивилизациясининг ютуқларини ўзида ифодалаган, мустақиллик, демократик тамойиллар, умуминсоний қадриятлар, барқарорлик, тинчлик ва ўзаро ҳамжиҳатлик, инсонпарварлик ва ватанпарварлик устивор бўлган янгича ижтимоий, иқтисодий, маънавий, сиёсий, ҳуқуқий қадриятлар тизими шаклланиши ва мустаҳкамланиши имконини бермоқда.

Бу шундан далолат беради-ки, ҳозирги даврда, Ўзбекистонда, жамият ҳаётининг барча соҳаларида, янгича қадриятлар тизими шаклланди ва уни такомиллаштиришнинг асослари мустаҳкамланмоқда. Мамлакатимиздаги янги қадриятлар тизимини мустаҳкамлаш имкониятлари қўйидаги ижтимоий-сиёсий асосларга таянади:

- мустақил тараққиёт йўлидан борилиши, республиканинг жаҳондаги халқаро алоқаларнинг тенг ҳуқуқли субъектига айланиши, Ўзбекистоннинг суверен давлат сифатида БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг аъзоси эканлиги;

- ижтимоий-сиёсий ҳаётда жаҳон цивилизацияси ва демократик давлат тамойилларининг устивор бўлишига эътибор қилинаётганлиги, демократик сайловлар, кўппартиявийлик принципига амал қилиниши, давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқий асосда шакллантирилгани;

- жамият ҳаётининг барча соҳаларида қонун устиворлигига риоя қилинишининг белгилаб қўйилганлиги, кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш, ҳуқуқий давлат қуриш томон борилаётганлиги, кишиларнинг ёши, жинси, миллати, дини ва бошқа ижтимоий белгиларидан қатъий назар тенг ҳуқуқли эканлиги ва қонун олдида баробарлиги;

- ижтимоий-сиёсий ҳаётда барқарорлик ва жамият аъзолари ўртасидаги ҳамжиҳатликка асосий эътибор берилаётганлиги, ислоҳот ва ўзгаришларнинг босқичма-босқич тарзда амалга оширилаётганлиги, барча жабҳаларда қадриятлар тикланиб, мустаҳкамланаётган мазкур жараёнда тадрижий тараққиёт тамойилига асосланган йўлдан борилаётгани ва бошқалар.

Мамлакатимиз истиқлолига асосланадиган янги қадриятлар тизимини такомиллаштириш жараёнининг ижтимоий-сиёсий соҳадаги асослари инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тўла-тўқис барқарор қилиниши назарда тутилаётган ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, қонунлар, Президент қарорлари ва фармонларини амалиётга тадбиқ этилиш ва бажариш самарасини ошириш, бу борадаги вазифалари янада масъулиятли ёндашиш билан ҳам узвий боғлиқдир.

Ана шу бир-бири билан уйғун ва чамбарчас алоқадор бўлган жараёнлар республика миқёси ва миллий даражадаги вазифаларни белгилайди. Ўзбекистон аҳолисини кўп миллатлилиги ва уни таркибид ёш авлод кўпчиликини ташкил этишини, улар умуминсоний, миллий қадриятлар уйғунлигини таъминлаш ва шахс қадрини оширишда муҳим аҳамият касб этишини ҳисобга олиб, аҳоли орасида ўтказилаётган ташвиқотлар, чора-тадбирларни амалга оширишда барча ижтимоий субъективлар, қатламлар ва партияларга хос ҳусусиятларига, уларни истиқлол манфаатлари йўлида бирлаштирадиган, ўзаро ҳамжиҳатлигини таъминлайдиган тамойилларга алоҳида эътибор бериш муҳим аҳамиятга эга.

Қадриятшунослик мавзусига бағишланган илмий-назарий манбаларни ва Ўзбекистонда янги қадриятлар тизими шаклланиши амалиётини Президент Исло

Каримов асарлари асосида ўрганиш бу йўналишдаги устувор хусусиятларини англаш имконини беради. Бунда ҳозирги даврда қадриятларни барқарор қилиш амалиётининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Аввало, "Қадриятлар" тушунчасини қадриятшуносликнинг махсус категорияси сифатида ўрганиш республикамизда ижтимоий-фалсафий билимлар тизими кенгайишига, илмий-аксиологик муаммоларни ҳал қилиш борасидаги тадқиқотлар мазмуни, йўналишлари ва кўлами ўзгаришига олиб келади.

Таъкидлаш лозимки, "Қадриятлар" категориясининг моҳияти, мазмуни, тузилиш асосий шакллари ва намоён бўлиш хусусиятларини ўрганиш унинг ижтимоий ҳаёт, жамиятнинг манзараси билан узвий боғлиқ эканлиги, турли даражалар ҳамда ҳолатларда зоҳир бўлиши, ранг-баранг функцияларни бажаришини тасаввур қилиш имконини беради. Яъни, муайян даврнинг ижтимоий манзарасида қадриятлар ўзига хос ўрин тутади, турлича намоён бўлади.

Бугунги кунга келиб қадриятшунослик муаммоси билан бевосита шуғулланувчи ва шу соҳага алоқадор мутахассис ва тадқиқотчилар зиммасига ниҳоятда муҳим вазифалар тушмоқда. Бу борада қадриятлар омили таъсирчанлигини янада ошириш, замонавий дунёқарашни шакллантириш бўйича бир қатор йўналишлар мавжуд:

- қадриятлар мавзуси билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этиш доирасини кенгайтириш, унинг турли шакл, намоён бўлиш хусусият ва жиҳатларини таҳлил қилишни замонавий талаблар даражасига кўтариш;

- қадриятшуносликнинг қонуниятлари, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида қай тариқа амал қилишини кўрсатиб бериш асосида бу фан самарасини намоён қилиш;

- Қадриятшуносликнинг замонавий муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжуманларни кўпроқ ўтказиш:

- "Қадриятшунослик" дарслигини яратиш ва уни ўрганиш доирасини кенгайтириш;

- юртимизда шаклланган янги қадриятлар тизимининг истиқболларига хизмат қиладиган, аҳолининг бу жараён билан боғлиқ фикр ва мулоҳазаларини ўрганишга асосланган кенг қамровли аксиологик тадқиқотларни ўтказиш;

- ушбу вазифаларни бажаришга алоқадор бўлган мутахассислар ва тадқиқотчилар иштирокида қадриятлар омили таъсирчанлигини ва инсон қадрини оширишнинг аниқ режалари, йўллари, усуллари, чора-тадбирларини умумлаштирадиган, истиқболга мўлжалланган дастурларни яратиш ва ҳаётга татбиқ этиш имкониятларини ўрганиш.

Хуллас ушбу вазифаларни амалга оширилиши юртимизда мустақилликка асосланган, умуминсоний қадриятлар устиворлиги таъминланган, пировард натижада халқимизнинг азалий орзу-умиди бўлган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш, юртимизнинг келажаги учун суянч ва таянч бўладиган комил инсонларни вояга етказиш имконини яратади. "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" бу соҳада ҳам янги босқични бошлаб берди. Концепцияда кўзда тутилган устувор йўналишлар ва долзарб вазифаларнинг бажарилиши мамлакатимизда шаклланган қадриятлар тизимини мустаҳкамлашнинг имкониятларини янада кенгайтиради.

Мазкур соҳада зиммамиздаги вазифаларни бажаришда маънавий-маърифий воситалар ҳамда тарғиботнинг таъсирчан усуллари қўллаш, фаолиятимизнинг устивор йўналиши бўлиб қолмоқда. Бу эса ҳар биримизни ушбу йўналишда фаол ва омилкор бўлишга ундайди ҳамда барчамизга улкан масъулият юклайди.

М у н д а р и ж а

Кириш

- I-боб. Қадриятшуносликнинг фалсафий - тарихий асослари ва долзарб масалалари**
- 1-мавзу. Қадриятшуносликнинг баҳс мавзулари, жамиятдаги ўрни ва аҳамияти
- 2-мавзу. Қадриятлар мавзусининг фалсафий-тарихий таҳлили
- 3-мавзу. Қадриятшуносликнинг замонавий йўналишлари
- II-боб. "Қадриятлар" категорияси, унинг асосий шакллари**
- 4-мавзу. "Қадрият" тушунчаси, унинг моҳияти ва мазмуни
- 5-мавзу. Моддий қадриятлар
- 6-мавзу. Маънавий қадриятлар
- 7-мавзу. Умуминсоний қадриятлар
- 8-мавзу. Миллий қадриятлар
- 9-мавзу. Ижтимоий-сиёсий қадриятлар
- 10-мавзу. Диний қадриятлар, виждон эркинлиги ва бағрикенглик тамойиллари
- 11-мавзу. Инсон қадрлари ва шахсий-индивидуал қадриятлар
- III-боб. Қадриятшуносликнинг фалсафий масалалари**
- 12-мавзу. Аксиологик онг ва қадриятли дунёқараш
- 13-мавзу. Қадриятларни қадрлаш ва қадрсизланиш муаммолари
- 14-мавзу. Қадриятларни асраб-авайлаш – давр талаби
- 15-мавзу. Қадриятлар амалиётидаги тарихийлик ва замонавийлик
- 16-мавзу. Қадриятларни шакллантирадиган омиллар
- IV-боб. Қадриятлар тизими ва унинг амалиётидаги жараёнлар**
- 17-мавзу. "Қадриятлар тизими" тушунчаси ва унинг намоён бўлиш хусусиятлари
- 18-мавзу. Қадриятлараро алоқадорлик, мутаносиблик ва уйғунлик – барқарор тараққиёт омиллари
- 19-мавзу. Қадриятлараро номутаносиблик ва зиддиятлар – ижтимоий беқорорликнинг сабаби ва оқибатидир
- 20-мавзу. Қадриятлар тизимининг ўзгариши – инкор, ворислик ва янгиланиш сифатида
- V-боб. Мустақил тараққиёт ва қадриятлар тизими**
- 21-мавзу. Янги қадриятлар тизими шаклланишининг ижтимоий-сиёсий асослари
- 22-мавзу. Иқтисодий ислохотлар ва янги қадриятлар тизими
- 23-мавзу. Маънавий соҳадаги ислохотлар – қадриятлар тизимини мустаҳкамлаш омиллари

Хулоса